Б.Ж. Эшов, А.А. Одилов

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

II китоб

Б.Ж. Эшов, А.А. Одилов

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

II китоб
(XIV аср ўрталаридан – XIX аср иккинчи ярмигача)

Олий ўқув юртлари тарих факультетлари талабалари учун дарслик
Таълим йўналиши: 5120300 - Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)

Тошкент
"NIF MSH"
2024

GULISTON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
inv № 2560

УДК:94(575)(075)
КБК:63.3(0)
Ў17

Б.Ж. Эшов
Ўзбекистон тарихи: II китоб (XIV аср ўрталаридан – XIX аср иккинчи ярмигача). Дарслик / А.А. Одилов /. – Тошкент: "NIF MSH", 2024. – 316 б.

Олий ўқув юртлари тарих факультетлари (5120300 - Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)) талабалари учун мўлжалланган ушбу "Ўзбекистон тарихи" дарслигининг II китоби мамлакат тарихининг XIV аср иккинчи ярмидан XIX асрнинг ўрталарига қадар бўлган даврини ўз ичига қамраб олган. Мазкур дарслик мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотларнинг умумэътироф этилган натижалари билан бойитилганлиги, фан бўйича инновацияларнинг жорий этилганлиги билан илгариги ўқув адабиётларидан фарқ қилади.

Дарслик юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети "Ўзбекистон тарихи" кафедрасида қабул қилинади.

Масъул муҳаррир:
Г.А. Агзамова -тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:
О. Бўриев – тарих фанлари доктори, профессор
Р.Э. Холиқова – тарих фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017–йил 18–июндаги 531–сонли буйруғига асосан нашр этишга рухсат берилган.

ISBN978-9910-793-30-1

© Б.Ж. Эшов, А.А. Одилов, 2024.
© "NIF MSH", 2024.

КИРИШ

Жаҳоннинг турли ҳудудларида яшовчи миллатлар, халқлар ва элатлар ҳамиша ўзларининг келиб чиқиши, тарихи ҳамда маданияти, ривожланиш босқичлари, бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнларни англашга интилиб келганлар. Бу жараён бевосита ўзбек халқи тарихига ҳам тегишли бўлиб, бугунги кунда у долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, ўтмиш сабокларидан тегишли хулоса чиқариш, миллат, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қолаверса ўзликни англашда тарихфани улкан аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, қадимги даврдан бошлаб тарихни ўрганишга катта эътибор бериб келинган. Чунончи, қадимги давр, ўрта асрлардаги ҳукмдорлар ўз саройларида муаррихларни жамлаб, ҳарбий юришлар ва тинчлик даврларида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни уларнинг асарлари орқали тарих зарварақларида қолдирганлар. Бу борада XV асрда яшаб ижод этган машҳур муаррих Мирхонд (1433-1498 йй.) ўзининг "Разват ус-сафо" асарининг махсус фаслини тарих илмига бағишлагани ҳам бежиз эмас*. Хусусан у "акл ўз эгаларига маълум бўлдими, олам аҳволини акл билан охиригача билиб бўлмайди. Ва ҳам башарият аҳволидан дунёнинг ҳолатини мушоҳада этиб, унинг хайру шарри (яхши-ёмонлиги)ни муояна этиб хабардор бўлса ҳам, олам ва одамлар авзою атворини тааммул тариқасида хабардорга асосланган тарих илми ила ўрганади. Бошқа бирор илм бундай маънога кафолат бермайди", - дея таъкидлаган эди. Бундай юксак аҳамиятли фикр-мулоҳазаларнинг тасдиғи ҳозирги кунга тўла намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг мамлакат тарихи, халқимиз маданий, маърифий меросини чуқур ҳамда ҳар томонлама ўрганиш учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилди. Истиқлол шарофати ила ўтмиш воқелиги, тарих фанига бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, тарихий илдизлариминг йилликларга бориб тақалувчи, ўзига хос моддий ва маънавий маданият яратган халқимиз ўтмишини ўрганиш, ўсиб келаётган авлодни ана шу тарих илми билан қуроллантириш, улар онгида тарихий хотирага нисбатан эҳтиром, ғурур руҳини юксалтириш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Келажак авлод, ёшларга ўтмиш воқелигини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишнинг энг қулай воситаси таълим тизимида ўқитилаётган "Ўзбекистон тарихи" фани ҳисобланади. Шу боис ҳам мустақиллик йилларида ўрта, ўрта махсус, олий таълим тизимида ўқувчи-талабалар учун Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврларидан бугунги кунга кадар бўлган даври бўйича кўплаб ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликлар яратилганлиги шубҳасиз, аҳамиятли ҳолдир. Шу билан бир каторда Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишни замонавий аснода ташкил этиш, унинг самарадорлигини янада ошириш, илғор педагогик ва

---

*Таниқли муаррихнинг тўлиқ исми – Мир Муҳаммад ибн Сайид Бурҳониддин Ҳовандшоҳ ибн Камолиддин Маҳмуд бўлиб, унинг етти жилддан иборат бўлмиш юқорида номи зикр этилган "Равзат ус-сафо" ("тўлиқ номи "Равзат ус -сафо сийрат ул анбиё вал мулук вал хулафо", яъни "Пайғамбарлар, подшолар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи") асари Алишер Навоий ишорати билан ёзилган эди. Асарда мамлакатимиз тарихига оид кўплаб муҳим маълумотлар мавжуд.

ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш, илм-фандаги инновацияларни тадбиқ этиш – ҳозирги кун таълим тизимининг муҳим масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. XXI аср замонавий тараққиёт йўлида илдам қадам ташлаётган Ўзбекистон учун глобаллашув даврида ўсиб келаётган авлодларни маънавият ва маърифат ғоялари асносида улғайтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини ташкил этмоқда. Мазкур ғояларни сингдиришни эса фақат маънавиятнинг асоси бўлмиш тарих илми орқали амалга ошириш мумкин. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, кейинги йилларда халқимиз бой тарихий ўтмишини манбаларга таянган ҳолда чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг қатор нутқ ва чиқишлари, жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрдаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқида ҳам маърифатли инсон таълим тарбиясида тарихий ўтмиш воқелиги муҳим ўрин тутиши файд этилган эди[1].

Юқорида қайд этилганидек, мустақиллик йилларида "Ўзбекистон тарихи" фани бўйича кўплаб ўқув дастурлари, ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар, дарсликлар, технологик хариталар, маъруза матнлари, рисолалар яратилган бўлсада, улар асосан номутахассис йўналишдаги талабалар ёки тор доирадаги олий ўқув юртлари учун тайёрланган эди. Мутахассис талабалар, яъни, олий ўқув юртлари тарих факультетлари талабалари учун энг қадимги даврлардан то бугунги кунга қадар бўлган тарихимизни қамраб олувчи "Ўзбекистон тарихи" дарслиги ҳанузгача яратилмаган. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг топшириғи билан Ўзбекистон Миллий университетининг бир гуруҳ тарихчи олимлари мутахассис талабалар учун бир неча жилдлик "Ўзбекистон тарихи" дарслигини яратишга киришдилар.

Ўқувчи ҳукмига ҳавола этилаётган мазкур дарслик ушбу кўп жилдликнинг II жилди бўлиб, унда Ўзбекистон тарихининг XIV аср ўрталаридан – XIX аср иккинчи ярмига қадар бўлган даври ўз ифодасини топган. Муаллифлар юқорида таъкидланган давр тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни тегишли қисмларга бўлиб жойлаштиришда аввало, умумэътироф этилган изчиллик тамойилига қатъий амал қилдилар. Мавзулар даврий кетма-кетлик тарзида баён этилди. Мавзуларни ёритишдан аввал илк бора қисқача тарихшунослик масалаларига тўхталиб ўтилган. Дарслик тарихий воқелик ва жараёнларнинг комплекс ҳамда кенг тарздаги баёни билан ҳам катта аҳамият касб этади. Унда Амир Темур давлати, Темурийлар ҳукмронлиги даври, Шайбонийлар, Аштархонийлар, Бухоро амирлиги, Хива, қўқон хонликлари тарихига оид кўплаб янги маълумотлар ўз аксини топган. Дарслик турли жадваллар, схемалар ва расмлар билан бойитилган. Мавзуларни ёритиш жараёнида Ўзбекистон тарихининг ривожланган ва сўнгги ўрта асрлар даври бўйича шарқшунос ва тарихчи олимларнинг сўнгги йиллардаги тадқиқотлари – илмий ишланмалар, диссертациялар, монографиялар, ёзма манбалар таржималари ҳамда улар умумлаштирилган асарлардан, фандаги

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида сўзлаган нутқи. http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyoev-bmt-bosh-assamblevasi-20-09-2017

инновациялардан кенг фойдаланилган. Ушбу тадқиқотларнинг умумэътироф этилган хулосалари асосида тарихчи-талабаларга мўлжалланган, замон талаблари ҳамда ДТСларига мос келадиган мазкур дарслик юзага келган. Дарслик охирида берилган глоссарий изоҳли луғат-атамалар шаклида берилган.

Дарслик юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар муаллифлар томонидан ЎзМУ тарих факультетининг Ўзбекистон тарихи кафедрасида қабул қилинади.

1-мавзу. Амир Темур ҳукмронлиги даврида ўзбек давлатчилигининг юксалиши

Режа:

1.1 Амир Темур ва Темурийлар давлати тарихига оид манбалар.
1.2 Амир Темур томонидан марказлашган давлат ва буюк салтанатнинг ташкил этилиши.
1.3 «Темур тузуклари» - давлат бошқаруви ҳақидаги муҳим тарихий манба.
1.4 Давлат бошқаруви тизими.
1.5 Амир Темур даврида ҳарбий сохага эътибор ва ҳарбий маҳоратнинг юксалиши.
1.6 Амир Темур давлати дипломатияси.
1.7 Амир Темур маънавияти.
1.8 Амир Темур давридаги маданий ҳаёт.



Соҳибқирон Амир Темур (1336-1405)

1.1 Амир Темур ва Темурийлар давлати тарихига оид манбалар

Таъкидлаш жоизки, жаҳон миқёсида улкан из қолдирган буюк давлат арбоби ва моҳир саркарда Амир Темур ҳаёти ва фаолияти хусусида бир қатор тарихий манбалар мавжуд. Мазкур даврга оид илк манбалардан бири бу фиқхшунос олим Ғиёсиддин Али ибн Жамол ал-Ислом Яздийнинг "Рўзномайи ғазовоти Ҳиндистон" ("Ҳиндистонга юриш кундалиги") асари ҳисобланади. Мазкур "Кундалик" ўзида Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши масаласини қамраб олган бўлиб, у ҳукмдорнинг шахсий топшириғига кўра унинг муаллифи томонидан 1399-1403 йиллар оралиғида ёзилган. Ушбу асарда Амир Темур ҳарбий ютуклари, ушбу ютукларининг моҳияти, буюк саркарданинг ҳарбий стратегияси ва тактик услублари, ҳарбий тузилма, амир ва баҳодирлар фаолияти, кўплаб таниқли давлат ва ҳарбий амалдорлари, турли жўғрофий ҳудуд, шаҳарлар тўғрисида қизиқарли маълумотлар мавжуд. Шунингдек, асардаги махсус бобда Амир Темурнинг ҳокимиятга келиши, унинг ҳарбий юришлари, хусусан Мўғулистон, Хоразм, Мозандарон, Озарбайжон ерларининг тобе бўлиши масалалари ҳам ёритилади. Асар Л.А.Зимин томонидан нашрга тайёрланиб, 1915 йили В.В.Бартольд таҳрири ва кириш сўзи билан нашр этилган. Ушбу асар

шунингдек,1958 йили шаркшунос олим А.А.Семёнов томонидан форс тилидан русчага таржима қилиниб, китоб ҳолида чоп этилган.

Амир Темур даври тарихига оид яна бир муҳим тарихий манба Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асари ҳисобланади. Мазкур китоб муаллифи Низомиддин Шомий асли Табриздан бўлиб, кейинчалик Бағдодда яшаган. У Амир Темур саройи тарихчиси сифатида ҳам ном чикарган эди. 1401 йили Низомиддин Шомий Темурдан салтанат тарихини тушунарли, оммага етиб борадиган тартибда баён этувчи тарихий асар ёзиш тўғрисида топшириқ олади. "Зафарнома" асари бизнинг давримизга қадар икки таҳрирда етиб келган. Ундаги воқеалар тафсилоти 1404 йилнинг охиригача бўлган даврни қамраб олади. Китоб муаллифи уни тайёрлашда кўплаб оғзаки ва ёзма манбалар, тегишли кундаликлардан фойдаланган. 1937 йили Ф.Тауэр томонидан Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асарининг форсча матни нашр этилган.

Китобдаги айрим қисмлар 1972 йили рус тилида Ю.Э.Брегель томонидан таржима қилинган. Мазкур асар илк бора 1996 йили Ю.Ҳакимжонов таржимаси остида ўзбек тилида нашр этилди.

Қайд этиш лозимки, Амир Темур даври тарихини ёритишда шубҳасиз, Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асари катта ўрин эгаллайди. Асар Амир Темурнинг ҳарбий юришлари тарихига якун ясайди. Рус шаркшунос олими В.В.Бартольд уни "кўп нусхаларда сақланган, жамоатчилик ўртасида кенг тарқалган ҳолда кейинги тарихчиларга ўз таъсирини ўтказган", дея таърифлаган эди. Шоир ва тарихчи Шарафуддин Али Яздий Ироқдаги Язд шаҳридан бўлиб, Шоҳрух Мирзонинг ўғли, Форс вилояти ҳокими бўлмиш Султон Иброҳим Мирзо саройида хизматда бўлади. Маълум ҳаётий қийинчиликлар боис кейинчалик Самарқандда яшайди, умрининг охирларида эса қадрдон шаҳрига қайтиб келади.

Шарафуддин Али Яздий Язд якинидаги Тафт қишлоғида ёш Алишер Навоий билан учрашганлиги тарихда яхши маълум. Муаррих 1454 йили вафот этган. Таъкидлаш лозимки, тарихчининг "Зафарнома"дан бошка асарлари ҳам мавжуд. Тарихчи "Зафарнома"ни "Сохибкирон фатҳномаси" ёки "Жаҳонгир тарихи" деб ҳам номлаган. "Зафарнома" Форс ҳокими темурий шаҳзода Султон Иброҳим Мирзо топшириғи билан 1425 йили ёзиб тамомланган. Асарнинг кириш қисмида Амир Темурнинг насл-насаби, Чингизхон боскинидан бошлаб ўз давригача бўлган қатор воқеалар тафсилоти берилган. Яздий Низомиддий Шомийнинг "Зафарнома"сидан, ҳукмдорга ҳамроҳ бўлган форс ва уйғур мирзаларнинг ёзувларидан, замондошлари, ҳарбийлар хотираларидан унумли равишда фойдаланган. Яздийнинг "Зафарнома"си аввалги Шомийнинг "Зафарнома"сидан ўзининг кенг кўламлилиги ва воқеаларга бойлиги билан ажралиб туради.

Шунингдек, Кучкунчихон (1512-1530) топшириғи билан "Зафарнома" Муҳаммад Али ибн Дарвиш Али Бухорий томонидан ҳамда 1826 йили Хивада хон вазири топшириғи билан ўзбек тилига ўгирилган. "Зафарнома" нинг форс тилидан инглиз ва француз тилларидаги таржимаси 1722-1723 йилларда нашр этилган. Китоб 1885-1888 йилларда Калькуттада яна бир таржима асосида чоп

этилган. Асар рус тилига 1836 йили таржима қилиниб, Санкт-Петербургда китоб шаклида нашр этилган.

"Зафарнома"Аштархоний ҳукмдор Имомқулихон (1611-1642) даврида юқори сифатли даражадаги нусхада чоп этилган. Китобнинг ўзбек тилидаги нашри аввал 1972, сўнгра 1997 йиллари шарқшунос олим А.Ўринбоев таржимаси ва таҳрири остида чоп этилган. Ушбу тарихий манба ўз қиймати бўйича юқори баҳога лойиқ бўлиб, кейинчалик инглиз, француз, турк ва бошқа тилларда ҳам нашр юзини кўрган. "Зафарнома" матни машҳур шоир Лутфий (1465 й. ваф.) ва Хотифийлар (1521 й.ваф.) томонидан шеърий услубда ҳам баён этилган. Алишер Навоий ўзининг "Мажолисун-нафоис" асарида Шарафуддин Али Яздий қаламига мансуб "Зафарнома" ни юқори услубда ёзилган мукаммал асарлар қаторига киритган.

Темурийлар даври тарихини ўз ичига қамраб олган муҳим манбалардан яна бири тарихчи ва географ Ҳофиз Абру (Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид ал-Ҳаравий) қаламига мансуб асар ҳисобланади (ваф.1430 й.). Ҳофизи Абру ҳукмдор саройига яқин шахс бўлиб, Амир Темурни чет эл юришларида ҳам қатнашган. У кўплаб шарқ мамлакатлари ва ўлкаларда ҳам бўлган. Кейинчалик, Амир Темур вафотидан сўнг Шоҳрух Мирзо (1409-1447) саройида хизмат қилган. Унинг "Зубдат ат-таворих" ("Солномалар қаймоғи") асари ўз ичига "дунё яратилганлигидан" то 1427 йилгача бўлган тарихий даврни қамраб олади. У ўз асарига Низомиддин Шомий асари матнларини ҳам киритган. Ундаги қатор маълумотлар айнан шу асарда ўз аксини топган. Масалан, Амир Темурнинг Самарқанд яқинидаги суғориш ишларининг амалга оширилиши, Сохибқироннинг сўнгги кунлари ҳақидаги маълумотлар айнан шу асарда ўз аксини топган. Кейинчалик Абдураззоқ Самарқандий ҳам бу асардан бевосита фойдаланганлиги асарнинг юқори қийматидан дарак беради.

Асарнинг тўлиқ номи "Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий" ("Бойсунғур тарихлари сараси") деб номланиб, унинг биринчи қисми Амир Темур даврига, иккинчи қисми Шоҳрух Мирзо даврига бағишланган. Асар номидан ҳам кўриниб турибдики, китоб муаллифи маърифатпарвар шаҳзода, Шоҳрухнинг ўғли Ғиёсиддин Бойсунғур Мирзо (1397-1433) ҳомийлигидан бевосита баҳраманд бўлган.

Амир Темур ва Шоҳрухнинг замондоши бўлган Хожа Тожиддин ас-Салмонийнинг "Зайли Зафарнома" ёки "Тарихномайи Салмоний" асари 1410 йили Шоҳрух Мирзонинг топшириғига кўра ёзилган. У ўз ичига 1409 йилгача бўлган тарихий даврни қамраб олади. Таъкидлаш лозимки, Амир Темур тўғрисидаги маълумотлар асарда кўп эмас, лекин ҳукмдор вафотидан кейинги, хусусан, 1405-1409 йиллар воқелиги унда батафсил акс этган. Асар 1956 йили Г.Р.Ремер томонидан немис тилига, 1991 йили машҳур озарбайжонлик шарқшунос олим З.М.Бунёдов томонидан рус тилига таржима қилинган.

Амир Темур даври ва ундан кейинги қисқа вақтдаги тарихий жараёнлар баён этилган яна бир асар Муиниддин Натанзийнинг "Мунтахаб ут-таворихи Муиний" китоби ҳисобланади. Асар муаллифи асли Исфаҳон яқинидаги Натанз шаҳридан бўлиб, кейинчалик темурий шаҳзодалардан бири, Форс ҳокими, Умаршайх Мирзонинг ўғли бўлмиш Султон Искандар Мирзо (1384-1415)

ҳомийлиги остида юқорида номи қайд этилган асарни ёзган. Қайд этиш лозимки, Султон Искандар Мирзо ўзининг саккиз йиллик ҳукмронлиги даврида илм-фан, маърифат, маданият соҳалари ривожига етарли ҳисса қўшган.

Алишер Навоий ўзининг "Мажолисун нафоис" асарида юқорида номи қайд этилган шаҳзода фаолияти, унинг маданият аҳлига кўрсатган ҳомийлигига юқори баҳо берган эди. Шу боис Натанзий ҳам ўз асарини ушбу маърифатпарвар шаҳзодага бағишлагани ҳам бежиз эмас. Асарда XIV аср ўрталаридан то XV аср бошларигача бўлган даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт тавсифи ёритиб берилган. Ушбу асарнинг тўлиқ матни 1957 йили шарқшунос Ж.Обен томонидан француз тилига таржима қилинган. Унинг маълум қисмлари рус, инглиз ва бошқа тилларга ҳам ўгирилган. Асар ўзбек тилига 2011 йили Ғ.Каримий томонидан таржима қилиниб, у китоб ҳолида чоп этилди.

Таъкидлаш жоизки, Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини ёритишда Абдураззоқ Самарқандийнинг алоҳида ўрни мавжуд. Муаллифнинг тўлиқ исми Камолиддин Абдураззоқ бин Жамолиддин Исҳоқ ас-Самарқандий бўлиб, у 1413-1482 йилларда яшаб, ижод қилган давлат арбоби, дипломат ва тарихчи олим ҳисобланади.

Муаррихнинг "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" асари ("Икки бахтиёр юлдузнинг болқиши ва икки денгизнинг қўшилиши") форс тилида ёзилган бўлиб, Али Яздий асаридан сўнг Темурийлар салтанати тарихи ҳақида энг батафсил маълумот берувчи асар ҳисобланади. Абдураззоқ Самарқандий Ҳиротда туғилиб, шу ерда вафот этган бўлса ҳам, ота-боболари асли самарқандлик бўлгани боис ўзига шу нисба шарифини олган. Унинг отаси Шоҳрух саройида қози ва имом лавозимида бўлган, ўзи ҳам кейинчалик Шоҳрух Мирзо саройида хизмат қилиб, элчилик мақомида Ҳиндистонда ҳам бўлиб қайтган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг асари 1304 йилдан то 1470 йилгача бўлган тарихий даврни ўз ичига қамраб олади. Абдураззоқ Самарқандий Шоҳрух Мирзо вафотидан сўнг Абусаид Мирзо ва бошқалар хизматида бўлган. У1463 йили Ҳиротда бир вақтлар Шоҳрух Мирзо томонидан қурилган сўфийлар хонақоҳига шайх этиб тайинланган. Муаллиф ўз асарини ёзиш чоғида Ҳофизи Абру, Шарафуддин Али Яздий асарларидан унумли тарзда фойдаланган. Китобдаги воқеалар гарчи 1470 йил воқелиги билан тугалланса да, лекин муаллиф ундан кейин ҳам асарга қатор ўзгартиришлар киритган. Китобдаги кўплаб воқелик тафсилотлари бошқа манбаларда учрамайди. Мазкур асар 1969, 2008 йилларда шарқшунос олим А.Ўринбоев таржимаси остида ўзбек тилида чоп этилган.

Фасиҳ Аҳмад Ҳавофий (1375-1442) (Ҳофий)нинг "Мужмали Фасиҳий" асари 1442 йилда ёзиб тугалланган бўлиб, унда "дунё яратилганлигидан" то у ёзиб тугаллангунга қадар бўлган асосий тарихий воқеликлар мужассам этилган. "Мужмали Фасиҳий" ("Фасиҳ жамланмаси") 1980 йили шарқшунос олима Д.Ю.Юсупова томонидан форс тилидан рус тилига таржима қилиниб, китоб ҳолида чоп этилган. Асар ўз даври учун кўплаб қимматли маълумотларини беради.

Амир Темур Дамашқни олиш вақтида шаҳарни унга топшириш учун келган бир гуруҳ кишилар орасида араб тарихчиси Абдураҳмон Абу Зайд ибн

Халдун (1332-1406) ҳам бор эди. Мазкур шахс мусулмон шарқида ибн Халдун номли муаррих номи билан маълум ва машҳур бўлган. Тарихчи буюк саркарда билан шахсан суҳбат қилиш бахтига муяссар бўлган. У Амир Темурнинг ақлий салоҳияти ва фикрлаш қобилиятига юксак баҳо берган. Унинг "Китоб ал-ибор" ("Яратувчилик намуналари китоби") номли асари ўз кўлами ва моҳиятига кўра кўплаб тарихий воқеликларни ўзида жам этади. Амир Темур ибн Халдунни тарихни чуқур билиши билан ром этган. Хусусан, Темур тарихчи билан суҳбатда машҳур муаррих ат-Табарий (X аср) қарашларига унинг муносабатини сўрайди. Шунингдек, Амир Темур Мағриб ўлкалари ҳақида ҳам маълумот беришни сўрайди. Бу эса буюк ҳукмдорнинг тарих илмини қанчалик чуқур билишини намоён этади.

Амир Темур даври тарихига оид яна бир манба Соҳибқирон замондоши ибн Арабшоҳнинг (тўлиқ исми Шаҳобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим – 1389-1450) "Ажойиб ал-мақдур фи ахбор Амир Теймур" ("Темур тарихида тақдир ажойиботлари") номли асари ҳисобланади.

Асли дамашқлик бўлган ибн Арабшоҳ 12 ёшлигида оила аъзолари билан Самаркандга келган. У Самарқандда 1401-1408 йиллар мобайнида яшаб, аввал Амир Темур, кейин бошқа темурий шаҳзодалар ҳомийлиги остида илм сабоқларини олган, бир неча шарқ тилларини ўрганган. 1408 йилдан кейин эса кўплаб ўлкаларда саёҳатда бўлган, умрининг охирларида Қоҳирада яшаб, ўша ерда вафот этган. Ибн Арабшоҳ ўзининг юқорида номи зикр этилган асарида Амир Темур давлати ва унга қўшни давлатлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётига оид кўплаб маълумотларни келтиради. Гарчи ибн Арабшоҳ кўп ҳолда буюк ҳукмдорга нисбатан салбий муносабатда бўлсада, лекин Амир Темур фаолиятига тан берган жойларини асарда кўплаб учратиш мумкин.

Хусусан, ибн Арабшоҳ Амир Темур шахсига тўхталиб, Соҳибқирон маълум ёшга борган бўлсада, жисмоний ва руҳий жиҳатдан қатъиятлилиги, бахтли дамларда ва ғам-ташвишда ўзини йўқотмаслиги, шижоатли ва жасурлиги, ботир ва довюрак кишиларни ёқтириши, ҳақни ноҳақдан ажрата билиши, холислик ва ғирромликни қатъий фарқлай олиш фазилатларини алоҳида таъкидлаган. Шунингдек, асарда халқ оммасининг ижтимоий ҳаётдан ажралмаганлиги, катта тантана ва маросимларда аҳоли чекловларсиз иштирок этганлигини ҳам қайд этади. Шубҳасиз, ўрта асрлар шароитида бундай ҳолатни тараққийпарвар кўриниш деб баҳолаш айни ҳақиқат бўлур эди. Асар голланд, инглиз, француз, рус тилларига ҳам таржима қилинган. Ўзбек тилига эса 1992 йили шарқшунос олим У.Уватов томонидан таржима қилинди.

Чингизхон ва Амир Темур авлодлари шажараларига бағишланган "Муъизз ул-ансоб" ("Шон-шарафли шажара") асари устидаги иш дастлаб 1426 йили Шоҳрух Мирзо буйруғига кўра номаълум муаллиф томонидан ёзила бошланган эди. Кейинги Темурийлар ҳукмронлиги даврида у тўлатилиб, унга охирги қўшимчалар Султон Ҳусайн Бойқаро (1469-1506) даврида амалга оширилган. Асарнинг Франция Миллий кутубхонасидан сақланаётган нусхасидан амалга оширилган русча таржимаси 2006 йили Ш.Ҳ.Воҳидов томонидан асл матни факсимилеси билан биргаликда нашр этилди.

Амир Темур даври тарихи бўйича яна бир қимматли манба бу – испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар)" асари ҳисобланади.

Клавихо Кастилия ва Леон кироли Генрих III (1390-1407) топшириғи билан элчилик мақомида Амир Темур давлатига ташриф буюрган. Мазкур асарнинг катта қисми Кадикс яқинидаги Авлиё Мария портидан то Амир Темур салтанати пойтахти Самарқандга қилган саёҳатини ёркин бўёкларда тасвирлашга бағишланган.

Клавихо элчилик гуруҳи шу мақомдаги иккинчи элчилик хизмати бўлиб, ундан аввалроқ 1402 йили ёзида Амир Темур ҳузурида Испаниянинг (Кастилия ва Леон) биринчи элчилари – Пайо де Сотомайор ва Эрнан Санчес Паласуэмослар бўлган эдилар. Клавихо элчилик гуруҳи 13 кишидан иборат бўлиб, улар 1404 йил август ойи охирларида Самарқандга кириб келганлар. 8 сентябрь куни эса ҳукмдор кабулида бўлганлар. Элчилар 21 ноябрь куни ўз ватанларига қайтиб кетганлар. Клавихо ўз кундалигида Амир Темур давлати, унинг қароргоҳи, сарой кабуллари, этнографик кузатувлар, ҳукмдор оила аъзолари, савдо муносабатлари, халқ турмуш тарзи, Яқин ва Ўрта Шарқ ўлкалари ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотларни беради.*

Клавихонинг ушбу асари кўплаб қизиқишларга сабаб бўлган. У илк марта 1582 йили Севильяда (Испания) "Буюк Темурланг тарихи" номи билан, ўша йили Мадридда (Испания) "Улуғ Темурнинг ҳаёти ва фаолияти" номи остида чоп этилди. 1943 йили испан тилида яна бир марта чоп этилган. Китоб 1859 йили инглиз, 1881 йили рус тилларида нашр юзини кўрган. 1928 йили инглиз тилида қайта нашр этилган. 1990 йили асар рус тилида қайта чоп этилди. Клавихонинг ушбу машҳур асари проф. О.Тоғаев таржимаси остида аввал "Санъат" журналининг 1988-1990 йиллардаги сонларида чоп этилган эди. Китоб ҳолида ўзбек китобхонлари уни 2010 йили ўз она тилларида ўқишга муяссар бўлдилар.

Европаликларга Амир Темур давлати хусусида хабар берган яна бир шахс бу – бавариялик дворянин яроғбардори Иоганн (Ганс) Шильтберг (Шильрдбергер) (1382-1440) ҳисобланади. У 1396 йили Никополдаги жангда турк султони Боязид Йилдирим томонидан асир олиниб, кейинчалик унинг қўшинида хизмат қилган. 1402 йили Анкара остонасидаги жангда Амир Темур қўшинига асир тушади. Аввал Самарқандда, кейинчалик Олтин Ўрдага жўнатилади. Тақдири анча мураккаб бўлган бу яроғбардор фақатгина 31 йилдан сўнг, яъни 1427 йили ўз ватанига қайтишга муяссар бўлди. Унинг "Мюнхенлик Шильтбергернинг асирга тушиши ва қайтиб келиши ҳақида ғаройиб қисса" деб номланган асари 60 та ҳикоядан иборат бўлиб, унинг 10 таси Ўрта Осиёга бағишланади.

Шунингдек, архиепископ Иоанн (Джон) Сунанийский Франция қиролининг Соҳибқирон ҳузурига юборган элчиси сифатидаги эсдалик-ёдномаси, мисрлик тарихчи ибн Тангибердининг "Ал-Нужум аз-захира" номли асари, арман тарихчиси Метоцепи Томанинг "Темур ва унинг авлодлари" номли

*Шу билан бирга муаллиф Амир Темур таржимаи ҳоли, унинг тарихи, ҳарбий ва сиёсий фаолиятига оид маълумотларни ҳам беради.

асари ҳамда бошқа шарқ ва ғарб тарихчилари асарларида шу даврга оид турли талқиндаги, таъкидлаш жоизки, баъзан нохолис муносабатдаги фикр-мулоҳазалар ҳам учрайди. Русда XV асрда пайдо бўлган "Повесть о Темур-Аксаке" ("Темур оқсоқ ҳақида қисса") оғзаки хабарлар асосида жамланган бўлиб, гарчи тарихий воқеликлар унга асос қилиб олинган бўлса ҳам у ярим афсонавий тусда яратилган. Эронлик тарихчилар Маҳмуд Занги Кирмонийнинг назм услубидаги "Жўшу Хуруш", Саъдуллоҳ Кирмонийнинг "Футуҳоти Мироншоҳий", Муҳаммад ибн Фазлуллох Мусавийнинг "Тарихи хайрот", Сайид Жаъфар бин Муҳаммад Ҳусайний Жаъфарийнинг "Тарихи Табаристон ва Руён ва Мозандарон", Азиз ибн Ардашер Астрободийнинг "Базму разм" асарларида ҳам Амир Темур фаолиятига оид маълумотлар учрайди.

Таъкидлаш жоизки, XV аср иккинчи ярмида гарчи Амир Темурга замондош бўлмасада, у хусусда олдинги авлод вакиллари, тарихнавислар китоблари орқали таниш бўлган муаллифларнинг ҳам қатор қимматли асарлари юзага келди. Улар орасида машҳур муаррих Мирхонд (Мир Муҳаммад ибн Сайид Бурҳониддин Хавандшоҳ ибн Камолиддин Маҳмуд)нинг (1433-1498) "Разват ус-сафо фи сийрат ал-анбиё ва –л-мулук ва-л хулафо" ("Пайғамбарлар, подшолар, халифалар ҳаётига оид поклик боғлари"), Давлатшоҳ Самаркандийнинг (1435-1495) "Тазкират уш-шуаро" ("Шоирлар тазкираси"), Муаррих Ғиёсиддин Хондамирнинг (1476-1536) "Ҳабиб ас-сияр фи ахбор ва афрад ал-башар" ("Алоҳида олинган шахслар хабари ва ҳаёт фаолиятининг дўсти") каби асарлари ва бошқаларда ҳам кўплаб эътиборга молик, қимматли маълумотлар учрайди.

1.2 Амир Темур томонидан марказлашган давлат ва буюк салтанатнинг ташкил этилиши

Мустақиллик йилларида тарих фанида юз берган муҳим ижобий ўзгаришлардан бири – халқимиз миллий қаҳрамони, мустабид совет ҳукмронлиги даврида номи ноҳақ қораланган Амир Темур пок номининг оқланиши бўлди. Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.Каримовнинг ташаббуси билан Соҳибқироннинг миллат ва давлат равнақидаги буюк хизматлари эътироф этилган ҳолда унинг 660 йиллиги 1996 йили халқаро миқёсда кенг нишонланди. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда Амир Темур шахсига бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақиллик йилларида Амир Темур шахси, унинг давлати, ички ва ташқи сиёсат, Темурийлар ҳукмронлиги хусусида кўплаб аҳамиятга молик тадқиқот ишлари амалга оширилди. Хусусан, республикамизда 1996 йил – "Амир Темур йили" деб эълон қилинди, "Амир Темур" халқаро жамғармаси ташкил этилди, Темурийлар тарихи давлат музейи очилди, "Амир Темур" ордени таъсис этилди, ЮНЕСКО ташаббуси билан 1996 йил апрелда Парижда халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди, "Темур тузуклари" ўзбек ва қатор чет тилларда нашр этилди ва ҳоказо. Шубҳасиз, тарихий ҳақиқатни қарор топтириш ишига тарихчи олимлар ҳам ўз муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Хусусан Б.Аҳмедов, А.Ўринбоев, Д.Юсупова, У.Уватов, А.Муҳаммаджонов, А.Аҳмедов, О.Бўриев ва бошқа

кўплаб олимлар томонидан қатор тарихий манбалар таржима қилинди, эътиборга молик тадқиқот ишлари амалга оширилди: жумладан, Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, ибн Арабшоҳ, Руи Гонсалес де Клавихо, Абдураззоқ Самаркандий, Фасиҳ Ахмад Ҳавофий, Ғиёсиддин Хондамир асарлари қайта чоп этилди. А.Зиё, Ҳ.Бобоев, С.Хидиров, Ш.Ўлжаева, Д.Обиджонова, А.А.Тўлаганов, Х.Маматов, Х.Файзиев, Б.Усмонов, О.Раҳматуллаева каби тадқиқотчилар эса ўз изланишларида мавзу билан боғлиқ кўплаб тарихий ва ҳуқуқий жиҳатларни очиб беришга муваффақ бўлдилар. Амир Темур ва Темурийлар тарихи мавзуси эса дарслик ва қўлланмаларда холисона тарзда ўз аксини топди.

Амир Темур ва Темурийлар тарихи нафақат республикамизда, балки жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан ҳам катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Амир Темур ҳақида машҳур инглиз шоири ва драматурги К.Марлоу 1588 йили тарихий пьеса, машҳур немис бастакори Г.Гендель 1724 йили опера, америкалик адиб Э.По 1827 йили шеърий поэма яратган. XX аср хориж тарихшунослигида Р.Гроссе, Л.Керэн, Е.Росе, Х.Хукхем, Ф.Манц, Г.Гломбек, А.Дерага, К.Еноки, Е.Манау, М.Россати ва бошқаларнинг тадқиқот ишлари катта шуҳрат қозонган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 2000 йилга келиб Европа халқлари тилларида Амир Темур ва Темурийлар ҳақида чоп этилган асарлар сони 700 дан зиёдни, шарқ тилларида эса 900 дан ортиқни ташкил этди. 2006 йили Амир Темурнинг халқаро миқёсда нишонланган 670 йиллик таваллуд ёши арафасида таниқли француз олими Л.Керен Парижда француз тилида "Самаркандга, Амир Темур даврига саёҳат" номли тадқиқотни амалга оширди. Ҳозирда жаҳоннинг 50 дан зиёд мамлакатида Амир Темур фаолиятига оид асарлар чоп этилган. Бу ўз навбатида жаҳон аҳли, кенг илмий жамоатчиликнинг Амир Темур ва Темурийлар тарихига бўлган улкан қизиқиши ва нуфузидан далолат беради.

XIV асрнинг 40-50 йилларига келиб Чиғатой улуси ҳудудларида ўзаро парокандалик ва ўзбошимчалик ҳукм сурар эди. XIV асрнинг 40-йилларида мавжуд сулолалар ўртасидаги низо-фитналар, ўзаро урушлар натижасида Чиғатой улусида оғир сиёсий ва иқтисодий аҳвол юзага келганди. Мўғул хони Қозонхон ҳукмронлиги даврида (1338-1346) мамлакатда зулм-зўравонлик янада авж олди. Хон зулмидан безган кўплаб амалдор, зодагонлар ўз даврининг қудратли амири Қазағаннинг ҳузурига Соли Саройга (ҳозирги Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Сарой қишлоғи) қочиб ўта бошладилар. Ўртадаги ихтилофлар ва келишмовчиликлар тез орада ҳал қилувчи тўқнашув бўлишидан дарак берар эди.

Қарши яқинида Амир Қазаған ва Қозонхон ўртасида бўлиб ўтган жанг 1346 йил баҳорида Қазағаннинг ғалабаси билан тугади. Жангда Қозонхон ўлдирилди. Амир Қазаған эса туркий-мўғул одатига кўра бевосита чингизийлардан бўлмагани учун тахтга даъво қила олмас эди. Шу боис у ўзига маъқул бўлган чингизийлар хонадонидан бўлмиш аввал Донишмандчахонни (1346-1348), сўнгра Баёнқулихонни (1348-1357) тахтга ўтказди. Табиийки, амалда бутун ҳокимиятни амир Қазаған ўз қўлида мужассам этган эди. 1358 йил қишида амир Қазағаннинг кучайиб бораётган фаолиятидан норози бўлмиш бир гуруҳ фитначилар уни ўлдиришди. Амир Қазағаннинг ўғли амир Абдулла гарчи

тез орада Баёнқулихонни жангда ўлдирсада, лекин ҳокимиятни қўлда тутиб туролмади. У тез орада Амударё ортига қочиб ўтиб, сиёсат саҳнасини тарк этди.

Ҳисор ҳокими Баён сулдус ва Кеш (Шаҳрисабз) ҳокими Ҳожи Барлос томонидан тахтга чингизийлардан бўлмиш Темуршоҳ ўтказилди.

Чиғатой хони Темуршоҳ зўрға икки йилга яқин (1358-1359) ҳукмронлик қилди. Шундан сўнг ўзларини анчадан бери мустақил тутаётган бекликлар расман шу даражага даъвогар бўлиб чиқа бошладилар. Чиғатой улуси майда бекликларга бўлиниб кетди. Кешда Ҳожи Барлос ўзини мустақил деб эълон қилгач, Хўжандда Боязид Жалойир, Балхда Ўлжой Буғо сулдус, Шибурғонда Муҳаммадхўжа Апверди найман, Хутталон ва Арҳанг саройда амир Кайхусрав ва Ўлжой Апверди, Тотканд ва Сарипулда Хизр Ясавурий, Қўҳистонда амир Сотилмишлар ҳам ўзларини мустақил ҳокимлар деб эълон қилдилар. Мамлакатда айирмачилик ҳаракати кучайиб, ҳокимият, бойлик йўлида беклар ўзаро курашлар домига тортилдилар. Бу урушлар шундоқ ҳам аҳволи ночор бўлган аҳоли бошига кўплаб кулфатларни ёғдирди. Шундай оғир ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий танглик ҳукм сураётган бир вақтда сиёсат майдонига Амир Темур шахси кириб келди.

Буюк давлат арбоби ва маҳоратли саркарда Амир Темур 1336 йил 9 апрелда (ҳижрий 736 йил, шаъбон ойининг 25 - куни) Кешга қарашли Хўжа Илғор (ҳозирги Яккабоғ тумани) қишлоғида барлос бекларидан бири бўлмиш Амир Тарағай ибн Баркал оиласида дунёга келди. Темурнинг онаси Такинахотун Кешнинг обрўли бекаларидан бири бўлиб, у ҳақида манбаларда маълумотлар кам сақланиб қолган. Шундай бўлишига қарамай бу аёл ўз даврининг зукко ва доно аёлларидан бири бўлган деган фикрни илгари суриш мумкин*.

Темурнинг болалиги ва ўспиринлик йиллари Кешда ўтди. Ибн Арабшоҳ, Руи Гонзалес де Клавихо ва бошқалар 1360 йилга қадар унинг ҳаётини айрим маълумотлар билан изоҳлашган. Темур ёшлигидан зеҳнли ва лаёқатли бола бўлиб, бир томондан уни отаси хат-саводга ўргатган бўлса, иккинчи томондан ўспирин йигит қатор ҳарбий санъат сирларидан хабардор бўлди. Темур ёшлигидан мард, шижоатли ва олижаноб йигит бўлиб ўсди. Унинг юксак ташкилотчилик қобилияти, йўлбошчилик хусусияти ўша пайтдаёқ намоён бўла бошлаган эди.

1360-1361 йилларда Мўғулистон ҳукмдори Туғлуқ Темур (1348-1363) Мовароуннаҳр ички ҳаётига раҳна сола бошлайди. У икки маротаба ўлкага юриш қилди. Туғлуқ Темурнинг босқинчилик юришлари Мовароуннаҳр ҳокимларини саросимага солиб қўйди. Шулар қаторига Кеш амири Ҳожи Барлосни ҳам киритиш мумкин эди. Туғлуқ Темур Хўжандни ишғол этиш ниятида Сирдарёдан ўтганидан сўнг, Мовароуннаҳр амирлари хусусан, Ҳожи Барлос ҳам қўрқувдан ўз жонларини халос этиш учун Амударёдан ўтиб, Хуросонга кетиб қолдилар. Ўз ҳудудини мўғул босқинчиларидан ҳимоя қилиш мақсадида Темур Мўғулистон ҳукмдори хизматига ўтишга тўғри келди. Туғлуқ Темур эса унга Кеш ва унинг атрофидаги ерларни бошқаришни топширди.

---

* Такинахотун баъзи тарихий манбаларнинг маълумотига кўра, бухоролик машҳур шайх Садр аш-Шариатнинг қизи бўлган.

1360-1370 йилларда Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётида Темур билан бир қаторда таъсир ўтказган шахслардан яна бири бу Амир Қазағаннинг невараси бўлмиш Амир Ҳусайн эди. Таъкидлаш жоизки, Балх ва унинг атрофидаги ермулклар унинг тасарруфида бўлган. 1361 йилда Темур Амир Ҳусайн билан яқинлашиб, иккала ҳоким бирлашган ҳолда мўғул хонларига қаршилик кўрсатиш имкониятига эга бўлдилар. 1362 йил кузида Туғлуқ Темур Мовароуннаҳрда ўғли Хизрхожа ўғлонни қолдиради. Ёш ҳоким лоқайд ва иродасиз бўлиб, кўп вақтини маишатда ўтказар, бошқарув ишларини эса амир Бекчик ўз қўлида жамлаб олиб, ўз ҳолича иш тутар эди.

Шубҳасиз, бундай ҳолатдан Темур ва бошқа нуфузли амалдорлар норози бўлдилар. Амир Ҳусайн билан Темурнинг бир-бирлари билан яқинлашган ва яхши муносабатда бўлган даврлари 1361-1365 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Темур маълум қийинчиликларни ҳам бошидан кечиради. Хусусан. Амир Ҳусайн билан биргаликда Хива юришида қатнашади, Марв яқинида 62 кунлик тутқунлик азобини кечиради ва ҳоказо.

Темур ҳаётида рўй берган ва бир умрга унга тан жароҳатини муҳрлаган воқеа 1362 йили Сейистонда бўлиб ўтган. Сейистон ҳокими Малик Қутбиддиннинг таклифига кўра икки дўст унинг душманларига қарши курашиш учун йўл олдилар. Амир Темур жанг вақтида ўнг қўлининг тирсаги ва ўнг оёғига камон ўқи тегишидан қаттиқ жароҳатланди. Бунинг оқибатида у бир умр оқсоқланиб қолди.

Туғлуқ Темур ўлимидан сўнг, 1363 йилда Мовароуннаҳр тупроғидан ҳайдалган мўғул хони Илёсхўжа (1363-1365) янгидан катта лашкар билан аввалги мулкларини эгаллаб олиш максадида Мовароуннаҳр томон харакат қила бошлайди. Мўғул хони айникса ўзининг рақибларига нисбатан қаҳрли кайфиятда эканлиги маълум эди. 1362 йил охирлари – 1363 йил давомида Темур ва Амир Ҳусайн Амударёнинг сўл соҳилида ўрнашиб, шу ердан мўғулларга қўққисдан тез-тез зарбалар уюштира бошлайдилар. Бу зарбалар боис улар Термиз, Кеш, Хузорга қадар етиб бордилар. Таъкидлаш жоизки, 1363-1364 йилларда Темур ва Амир Ҳусайн қўшинлари мўғуллар устидан уч маротаба ғолиб бўлишга муваффақ бўлишди. Темурнинг ҳарбий махорати туфайли 200 та отлиқ билан Кеш шаҳрини олишга ҳам муваффақ бўлинди. Учинчи жанг 1364 йили Кешдаги Тошариқ деган жойда бўлиб, натижада мўғуллар буткул тор-мор этилдилар, уларнинг амирлари Бекчик, Искандар ўғлон, Ҳамид, Юсуфхўжалар асирга олиндилар. Мўғуллар қўшини ўз навбатида Сирдарё ортига ҳайдаб юборилди. Ўзаро келишувга мувофиқ Ҳусайн Жиззахга, Темур Тошкентга келиб жанглардан олинган жароҳатларни даволатдилар. Сўнгра улар Самарқандга келиб, анъанага мувофиқ Чиғатой хонлари авлодидан бўлмиш Кобулшоҳ ибн Дуржи ибн Илчигидой ибн Дувахонни Чиғатой улуси хони сифатида тахтга ўтказдилар. Бу вақтда Илёсхўжа Мовароуннаҳрга ўз юришини бошлайди.

Бир томондан Амир Ҳусайн ва Темур, иккинчи томондан мўғуллар ўртасидаги ҳал қилувчи жанг 1365 йил 22 май куни эрта тонгда Чиноз ва Тошкент оралиғидаги бир майдонда бўлиб ўтди. Жангда Темур мўғулларнинг ўнг қаноти устидан ғалаба қозонай деб турган вақтда Амир Ҳусайн қатъиятсизлик қилиб, вақтида ҳаракат кўрсатмади. Уни устига қаттиқ жала

қуйиб, ер балчиққа айланди, отлар тиззасига қадар лойга ботиб кета бошлади. Темур жангни давом эттирсада, лекин Ҳусайн чекинишни лозим деб топди. Тарихга бу жанг "Лой жанги" номи остида кирди.

Қайта уриниш беҳуда эканлигини англаб этган Темур жанг майдонини тарк этиб, қолган-қутган аскарлари билан Самарқанд томонга қайтиб кетиб, сўнгра Кешга йўл олди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу пайтда Мовароуннаҳрнинг бош амири Ҳусайн эди. Бирор қарорга келиш эса унинг иродасига боғлиқ бўлган. Шу сабабли Темур ҳам унинг кўрсатмаси билан, кўп ҳолларда Ҳусайннинг розилиги билан иш тутишга мажбур бўлган. Самарқанд шаҳри, қолаверса, бутун Мовароуннаҳр ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Мўғул хони чангалидан қутулиш самарқандликларнинг ўзига боғлиқ бўлиб қолди. Бундай шароитда Самарқанд мудофаасини сарбадорлар ўз қўлларига олдилар.

Сарбадорлар ҳаракати XIV асрнинг 30-йилларида Эронда ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида пайдо бўлиб, 50-60-йилларда Мовароуннаҳрга ҳам ёйилди. Сарбадорлар мўғуллар зулмидан озод бўлиш йўлида ўзларини қурбон қилишга тайёр эдилар*. Ҳаракат қатнашчиларининг асосий мақсади мўғул истилочилари ва зулм ўтказувчи маҳаллий қатламларга қарши кураш булган.

Хуросондаги сингари Самарқандда ҳам бу ҳаракат қатнашчиларнинг ижтимоий таркиби ҳар хил эди. Ҳунармандлар, дўкондорлар, айрим мадраса мударрислари ва талабалар мазкур ҳаракатнинг фаол иштирокчиларига айланадилар. Илёсхўжа тўғридан-тўғри Самарқанд томон йўл олди. Шаҳар жоме масжидига йиғилган аҳоли олдида сарбадорларнинг бўлажак раҳбарларидан бири бўлган, мадраса мударриси Мавлонозода сўз олиб, шаҳарнинг ҳар бир аъзосидан катта миқдорда солиқ ва тўлов йиғиб, уни ўз билганича сарф этиб юрган ҳукмдорнинг шаҳарни ўз ҳолига ташлаб қўйганлигини уқтириб ўтади.

Мудофаа раҳбарлигига Мавлонозода қаторига Хўрдак Бухорий ва Абу Бакр Калавий ҳам қўшилдилар. Мудофаа ташкил этилганлигидан хабарсиз бўлган мўғуллар ҳукмдорсиз шаҳарни ҳимоясиз деб ўйлашарди. Уларнинг асосий қўшинлари шаҳарга кираверишдаги бош кўчадан ҳужум қилдилар. Хавф-хатардан шубҳаси бўлмаган босқинчилар Мавлонозода камончилари билан пистирмада турган жойга яқинлашганларида тўсатдан камон ўқларига дуч келдилар. Шаҳар мудофаачилари мўғулларга уч тарафдан ҳужум қилдилар. Биринчи ҳамладаёқ "шаҳарни эгаллаймиз", деб ўйлаб бостириб кирган мўғуллар катта талофат кўриб орқага чекинишга мажбур бўлдилар.

Самарқандликлар ишлаб чиққан ҳарбий режаси пухта бўлиб, у ва ўз самарасини берди. Мўғулларнинг бир неча ҳужум самарасиз тугагач, мўғуллар шаҳар атрофини қуршаб олиб, узоқ вақт давомида қамал қилиш режасини ўйлаб чиқдилар. Шундай пайтда лашкар сафида юқумли касаллик тарқалди. Бу касалликни от вабоси (ўлати) деб аташарди. Ўлат оқибатида Илёсхўжа қўшинларига тегишли отларнинг катта қисми қирилиб кетди. Илёсхўжа катта йўқотишлар билан дастлаб Самарқандни, кейин эса Мовароуннаҳрни ташлаб кетишга мажбур бўлди.

---

* Сарбадор – форсча «бошини дорга тиккан», деган маънони англатади.

Шу пайтда Кешда бўлган Темур бу хабарни Амударё бўйларида турган Амир Ҳусайнга етказди. 1366 йилнинг баҳорида улар Самаркандга этиб келдиб, сарбадорлар раҳбарларини ўз ҳузурларига чорладилар. Учрашув Самарканддаги Конигил деган жойда бўлди. Бу ерда сарбадорларнинг раҳбарлари билан келишмовчилик юз бериб, улар қатл этилдилар. Темурнинг илтимоси билан фақат Мавлонозода омон қолдирилиб, у Хуросонга жўнатилинди. Сарбадорлар ҳаракати бостирилгандан сўнг, Амир Ҳусайн ва Темур ўртасидаги муносабатлар кескинлашди. Бунга Амир Ҳусайннинг сарбадорларга нисбатан адолатсизлиги ҳам бир қадар сабаб бўлган эди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Амир Ҳусайн танлаган йўл парокандалик ва бошбошдоклик сари етаклар, Темур эса буни яхши англаб етган эди. Амир Ҳусайннинг очкўз ва маккорона сиёсати кўпчилик ҳарбийлар, қабила бошликларининг норозилигига сабаб бўлди. Амир Ҳусайн кўпчилик амирлардан катта ўлжа, пул талаб қилиб, турли сикувларни амалга ошира бошлади. Темур эса ўз сафдошларига тўловларда ёрдам берди, уларнинг қарзларини тўлашда, муаррих Шарафуддин Али Яздий ёзганидек, ҳатто ўз хотини, Амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оғонинг тақинчокларини ҳам аямади. Темурнинг саховати ва олижаноблиги кўплаб амирларнинг унга бўлган ҳурматини оширди. Аксинча, Амир Ҳусайннинг обрў-эътибори эса тобора пасайиб, душманлари кўпая борди.

1366-1370 йиллар оралиғида Темур ўз эътиборини ички ишларга каратди. Амир Ҳусайн турли фитна-фасодлар йўлига ўтиб, Темурга қарши зимдан кураш бошлади. Амир Ҳусайн Балхда, Темур Кеш ва Қаршида ҳал қилувчи жангга тайёргарлик кўра бошладилар. 1370 йили Ҳусайн Балх, Кундуз ва Бадахшондан қўшимча куч тўплаб, унинг отлиқлари Термиз атрофларида пайдо бўла бошладилар. Темур эса Темур Қопуғ деб аталувчи жойдан уч фарсах узокликда жойлашган Биё деган жойда қароргоҳ қуриб, жангга тайёргарлик кўра бошлади. Шу ерда унинг олдига Андҳуддаги таниқли диний арбоб, сайидлардан бўлмиш Мир Сайид Барака ташриф буюрди. У Темурга ноғора ва байроқ – яъни ҳокимият, салтанат рамзларини топшириб, унинг буюк келажаги ҳакида башорат қилди. Таъкидлаш жоизки, Мир Сайид Барака то ўз вафотига қадар (1404 й.) Темурдан ажралмай, унинг маънавий- диний раҳнамоларидан бири бўлиб қолди.

Темур ҳузурига амир Кайхусрав, амир Жоку Барлос, Шибурғон ҳокими Зинда Чашм Апверди, Бадахшон ҳокими Шохмуҳаммад ва бошкалар ҳам келиб қўшила бошладилар. Уларнинг барчаси Амир Ҳусайннинг фитна-фасоди, риёкорлигидан норози эдилар. Темурнинг таклифи билан 1370 йилнинг 29 мартида чингизийлардан бўлган Суюрғатмиш ўғлон хон деб эълон қилинди. Шу йили 10 апрель куни Балх икки кунлик камалдан сўнг таслим бўлди. Жоме масжиди минорасига яшириниб олган амир Ҳусайн қўлга олинди. Амир Ҳусайн амир Кайхусрав томонидан хун олиш мақсадида ўлдирилди. Шу тарика бир неча йил давомида Мовароуннаҳр тахти учун бўлган кураш Темур фойдасига ҳал бўлди.

Лашкарбошилар ва иттифоқчилар иштирокида ўтказилган курултой қарорига кўра, Мовароуннаҳрнинг амалдаги хони Чингизхон авлодига мансуб бўлган Суюрғатмиш (1370-1388) қўлига ўтди. Давлат бошқарув тизими эса Мовароуннаҳр амири номини олган Амир Темир қўлига ўтди. У Кеш шаҳридан

GULISTON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
inv № 2560

Самаркандга кўчиб, уни ўз давлатининг пойтахтига айлантирди. Мазкур даврга келиб Амир Темурнинг доно ва иродали ҳукмдор, узоқни кўзловчи давлат арбоби эканлиги яққол намоён бўла бошлади. Ҳарбий бўлинмалар бошлиқлари этиб амирлардан Жоку, Ҳожи Сайфиддин, Аббос, Искандар, Аълам Шайх, Алайка қавчин, Ардашер қавчин ва бошқалар тайин этилди. 1370 йил июлда ўтказилган қурултойда Шибурғон ҳокими Зинда Чашмдан бошқа барча амир ва қабила бошлиқлари Амир Темур ҳокимиятини тан олдилар. Зинда Чашм айирмачилик йўлини давом эттириб, Балх ва Термиз атрофларидаги ерларни ҳам талон-тарож қила бошлади. Зинда Чашм саъй-ҳаракатларига қарши Амир Темур Жоку барлос бошчилигидаги қўшинни жўнатди. Жангда Зинда Чашм маҳв этилиб, Самаркандга жўнатилди. Амир Темур унга олийҳиммат муносабатда бўлиб, авф этди. Айнан шу даврдан бошлаб Амир Темурнинг доно ҳамда узоқни кўзловчи давлат арбоби хусусиятлари аниқ намоён бўла бошлади.

XIV асрнинг 70-йиллари бошида ҳукм сурган мураккаб ва зиддиятли даврда Амир Темур Мовароуннаҳрдаги бирлаштириш сиёсатини бошлади. У Амударё ва Сирдарё оралиғидагиҳудудларни ўзига бўйсундириб, уларни итоат эттирди. Фарғона, Шош вилоятларини ўз тасарруфига киритиш унча қийин бўлмади. Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Олтин Ўрдага қарашли ерларни эгаллашда у бу ерлардаги ички сулолавий урушлардан фойдаланди.

Хоразмнинг шимолий (Олтин Ўрдага кирувчи) ерлари ҳокими Ҳусайн Сўфи Мовароуннаҳрга қарашли жануби-шарқий Хоразмни ҳам ўз илкига олган эди. Амир Темур Хоразмни яна Мовароуннаҳр таркибига киритиш ва азалий бирликни таъминлаш мақсадида унга ўз эътиборини қаратди. У Хоразмни тинчлик йўли билан давлат таркибига киритиш мақсадида Гурганжга Алафа тавочини тинчлик ҳақидаги нома билан юборди. Ҳусайн Сўфи Амир Темур томонидан юборилган элчига шундай жавоб берди: "Мен мамлакатни қилич билан фатҳ этганман, шунинг учун ҳам уни фақат қилич билан олиш мумкин". Иккинчи бор Амир Темур томонидан юборилган элчи Жалолиддин Кеший эса зиндонга ташланди.

1371 йили Амир Темур Хоразмга қўшин тортиб келди. Гурганжга бориш учун Кот шаҳри орқали ўтиш керак эди, бу шаҳар бир оз қаршилик кўрсатгандан кейин Амир Темур қўшини томонидан ишғол қилинди. Қотнинг қўлдан кетиши Ҳусайн Сўфига кучли таъсир кўрсатди. У Амир Темур билан ярашишга, унинг талабларини бажаришга рози бўлади. Лекин, айрим ҳокимлар Амир Темурнинг доимо баланд мартабага эришишини кўролмай, Ҳусайнни унга қарши гиж-гижлай бошладилар. Ҳусайн уларнинг ёрдамига ишониб, Амир Темурга қарши чиқди, аммо тўқнашувда у томонидан тор-мор этилади. Шундан сўнг Ҳусайн Гурганж қалъасига беркиниб, тез орада вафот этади. Унинг ўрнига акаси Юсуф Сўфи (1372) ҳокимиятга келиб, Амир Темур билан яраш шартномасини тузди. Лекин, у яраш шартларини хиёнаткорона бузиб, Амир Темур қайтиб кетганидан кейин Қиёт шаҳрини босиб олади ва унга қарши очиқдан-очиқ душманлик ҳаракатларига ўтади. Шундан сўнг Амир Темур Хоразмга иккинчи маротаба юриш қилишга мажбур бўлади. (1373-1374 йй.). Аммо бу ҳарбий тўқнашувгача бормайди, чунки Юсуф Сўфи тавба қилиб, яраш шартларини сўзсиз бажаришга

ваъда беради. Бу иккинчи юриш натижасида Жанубий Хоразм хам Амир Темур давлати таркибига киради.

Учинчи юриш 1375 йил охирлари – 1376 йил баҳорида амалга оширилди. Юсуф Сўфининг хиёнаткорлиги бу юришга сабаб бўлади. Юсуф Сўфи томонидан сулҳ шартномаларининг бузилиши ҳамда унинг чегарадош ерларга юришлари 1379 йилги тўртинчи юришга сабаб бўлди (январь-февраль ойлари). Юсуф Сўфи яна тинчлик сулҳини имзолади. Хоразмнинг янги ҳокими Сулаймон Сўфи Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон билан бирлашиб, чегара ерларга ҳужум уюштирди. Бу Амир Темурни 1388 йили бешинчи юришни амалга оширишга олиб келди. Сулаймон Сўфи мағлуб бўлиб, ўлкадан кочди. Амир Темур Гурганжни ишғол қилди ва сўфийлар сулоласига барҳам берди. Ўша йили олий ҳукмдор сифатида Амир Темур номига хутба ўқилиб, тангалар зарб этилди.

Шу вақтдан буён Хоразм Амир Темур давлати таркибига, кейинчалик эса Темурийлар давлати таркибига киради. Шундай қилиб, Еттисув ва Сирдарё этакларидаги ерларидан ташқари Туркистон ерларининг ҳаммаси Амир Темур қўлига ўтди.

Амир Темур ягона геосиёсий ҳудудни ўз қўли остида бирлаштириш, ўзаро низо ва парокандаликка чек қўйиш, қудратли ва марказлашган давлат барпо этиш мақсадида эътиборини жанубга қаратди. Айнан кучли ва қудратли салтанатгина ҳоким ва амалдорлар бебошлиги, зулм-зўравонликка чек қўйиб, халқлар учун тинч-тотув ва хотиржам турмуш тарзини яратар, савдо-сотиқ муносабатлари, маданиятнинг ривожланишига имкон берар, бунёдкорлик ва ободончиликка кенг йўл очар эди. Бу борада Амир Темур ўз диққат-эътиборини Хуросонга қаратади.

Бу даврда Хуросонда Куртлар сулоласи ҳукмронлик қилар эди. Мазкур пайтда сулолани Ҳирот ҳукмдори Малик Ғиёсиддин II Пир Али (1370-1381) бошқариб, 1380 йил Амир Темур унинг ҳузурига Ҳожи Сайфиддинни элчи қилиб жўнатди. Элчи Ҳирот ҳукмдорини қурултойга таклиф этади. Малик Ғиёсиддин II Пир Али Амир Темур элчисини ушлаб қолиб, қудратли рақибига қаршилик кўрсатмоқчи бўлади. Бу пайтда Амир Темурнинг шаҳзода Жаҳонгир Мирзо бошчилигидаги қўшини Балх, Шибурғон ва Бодҳизни эгаллади.

1381 йил февралида Амир Темурнинг ўзи Хуросонга йўл олди. Ҳирот ҳукмдори иниси Сарахс ҳокими бўлмиш Малик Муҳаммад билан ўз калитларини Амир Темурга топширди. Ён-атроф қалъалардаги тўқнашувлар ҳам Амир Темур фойдасига ҳал бўлди. Соҳибқирон марҳамат кўрсатиб, асирга олинган 2000 нафар кишини озод этишни буюрди. Хуросон сарбадорларининг раҳбари Али Муайяд ва Мохон ҳокими Алибек Жонқурбонийлар ўз ихтиёрлари билан буюк ҳукмдорга тобелик билдирдилар.

1381-1382 йилларда Калот, Туршиз, Сабзавор ва Мозандарон, 1383 йили Сейистон бўйсундирилди. 1384 йили эса Астробод ва Озарбайжонга қилинган юриш натижасида Омул, Сори, Султония, Табриз шаҳарлари эгалланди. Натижада XIV асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб бутун Хуросон Амир Темур қўлига ўтди.

Амир Темур томонидан амалга оширилган ҳарбий юришлари тарихда "уч йиллик" (1386-1388) "беш йиллик" (1392-1396) "етти йиллик" (1399-1405)

юришлар деб ном олган. "Уч йиллик" юриш даврида Амир Темур Озарбайжон, Мозандарон, Ғилонни бўйсундирди. Шундан кейин у Кавказга юриш бошлаб, Тифлис, Арзирум ва Ван қалъаларини эгаллади.

Таъкидлаш жоизки, Амир Темур ўз ихтиёри билан таслим бўлган шаҳарлар ва қальаларга зиён етказмаган, харбийларни шаҳарларга киришга йўл қўймаган, у ерларга фақат товон пулини йиғувчиларни (муҳассилон) жўнатган, холос. Тўғри, баъзида маълум тушунмовчиликлар ҳам содир бўлган. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишига кўра, Исфаҳон аҳолиси Кўчакий деган ирвогарнинг гапига учиб Амир Темурнинг вилоят муҳофазаси учун қолдирган уч минг нафар аскарини қириб ташлаган. Бундай вазиятда Амир Темур, шубҳасиз, айбдорларни жазолаган. Эронга қилинган "беш йиллик" (1392-1396) юриш аввало у ердаги ғалаёнлар, Эроннинг турли ҳудудларидаги (Мозандарон, Музаффарийлар, Жалойирлар ва ҳоказо) сулолалар ҳокимларининг айирмачилик сиёсати туфайли содир бўлди. Эронга қилинган юриш натижасида Музаффарийлар сулоласига (1314-1393) барҳам берилди, унинг сўнгги ҳукмдори Шоҳ Мансур эса жангда ҳалок бўлди. Жалойирларнинг таниқли вакили Султон Аҳмад (1382-1410) эса Бағдоддан Мисрга қараб қочиб кетди.

Амир Темур Жўчи улуси таркибига бир вақтлар кирган Оқ Ўрда, Олтин Ўрда ҳамда Мўғулистон ҳокимлари билан бир неча йиллар давомида кураш олиб боришига тўғри келди. Мазкур курашдан кўзланган асосий мақсад, аввало мамлакат шимолий қисмларини кўчманчи тўдалар ҳужумидан муҳофаза этиш, Жўчи улуси таркибига кирган ерларни заифлаштирган ҳолда ўз салтанати таъсир доирасига олиш бўлган. Амир Темурнинг Мўғулистонга қарши кураши ўн тўққиз йил (1371-1390) давом этиб, бу курашда у аввал Анқо тўра, сўнгра Қамариддин сингари хонларни мағлуб этди. Еттисувдан шимолга чекинган мўғул хонлари қиш келиши билан қайта Сирдарё бўйлари ва Фарғона водийсига хужум ҳужум уюштирар эдилар. Амир Темурнинг уларга қарши охирги юриши 1389-1390 йилларга тўғри келиб, у анча жадаллик ҳамда хавф-хатарга бой бўлди. Амир Темур Анқо тўрани тор-мор келтириб, уни Иртиш дарёси орқа томонига, қўшини билан бирга улоқтириб ташлади. Шундан сўнг Қамариддинни мағлубиятга учратиб, Мўғулистон хонлари бош қароргоҳини эгаллади. Шу тариқа мўғул хонларининг Сирдарё бўйлари, Фарғона водийсига солаётган хавф-хатарларига чек қўйилди.

Таъкидлаш лозимки, 1377 йилга қадар Жўчи улуси икки мустақил давлатдан, ўнг қанот – Олтин Ўрда, чап қанот – Оқ Ўрдадан иборат бўлган. Олтин Ўрда таркибига Хоразмнинг шимолий қисми, Шимолий Кавказ, Булғор ерлари, Ғарбий Сибирь, Қрим кирган. Оқ Ўрдага эса Сирдарёнинг қуйи оқими, Сирдарё бўйларидан Сибирдаги Туман деган жойгача бўлган ерлар кирган. XIV аср 70-йилларида Оқ Ўрда ҳокимларидан бири бўлган Ўрусхон Жўчи улусини бирлаштириб, уни кучли давлатга айлантириш ҳаракатларини олиб борди. Агар Жўчи улуси бирлашса, у бутун Ўрта Осиё, Русь ва бошқа ерларга яна таҳдидни бошлар эди. Шубҳасиз, Амир Темур буни яхши тушунар эди. 1376 йили Ўрусхон улусларни бирлаштириш учун чақирган қурултойда унга қарши бўлганкишиларни ўлимга маҳкум этди. Улар орасида Мингқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлон ҳам бўлган.Тўйхўжанинг ўғли Тўхтамишхон ўз ҳаёти

хавфсизлигини ўйлаб, Самарқандга, Амир Темур ҳузурига қочиб келди. Амир Темур унга мурувват кўрсатиб, давлат манфаатларини ўйлаган ҳолда ҳокимиятни олиш йўлида ёрдам берди.

Тўхтамишхон ўз рақибларидан уч маротаба мағлубиятга учрасада, ҳар гал Амир Темур уни оёққа турғизишга ёрдам берди. Оқ Ўрда хони Ўрусхон Амир Темурга қарши жанг қилишга ботина олмади. Ўрусхоннинг Тўхтамишхонни унга қайтариш тўғрисидаги мурожаатига Амир Темур рад жавобини берди. Ўрусхон вафотидан сўнг, Амир Темур Тўхтамишхонга 1377 йили тахтни узил-кесил эгаллашига ёрдам берди. Шимолда Тўхтамишхоннинг тахтга чикиши Амир Темур салтанати хавфу-хатардан сақланишга ёрдам бериши, қолаверса ишончли иттифоқчи юзага келишидан Сохибқироннинг ўзи ҳам шубҳасиз, манфаатдор эди. Лекин, Тўхтамишхон берилган ёрдам, кўрсатилган мурувватни нон-туз ҳақини тезда унутди. Иккала ўрдани бирлаштириб олгач, талончилик ва жабр зулмни кучайтирди. Рус, Волга бўйи, Шимолий Кавказ халқлари унинг зулмидан қаттиқ азият чека бошладилар. Тўхтамишхон 1385 йили Амир Темур давлатига қарашли Озарбайжонни эгаллашга ҳаракат қилди. Қолаверса, Хоразм ҳокими Сулаймон Сўфини ҳам ўз томонига оғдириб, Амир Темур давлати билан чегарадош ерларни талон-тарож қилди.

Таъкидлаш лозимки, Амир Темур ўз олдига Олтин Ўрда давлатини тугатишни мақсад қилиб қўймаган эди. Аксинча, у ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш тарафдори бўлган. Қолаверса, Тўхтамишхонни ҳокимиятга олиб чиқаётганда ҳам юқоридаги мақсадларга таянган эди. Олтин Ўрдага қарши ҳарбий ҳаракатлар аввало ўз салтанатини хавф-хатардан муҳофаза этиш, унинг ҳарбий куч-қудратига хавф солмаслик учун тегишли зарба бериш билан изоҳланар эди.

1388 йил январида Амир Темурнинг қайтишини кутган душман орқага қайта бошлади. Соҳибқирон ўз амирларидан Ҳусайн, Шайх Али Баҳодир ва бошқаларга душманни даф қилиш вазифасини топширди. Улар Сирдарё бўйидаги Сарисув деган жойда душманни қувиб етиб, унга катта талофат етказдилар. Тўхтамишхон 1388 йил охирида Амир Темурга қарши қайта ҳужум бошлади. У Элйиғмиш ўғлон бошчилигида Мовароуннаҳрга катта қўшин жўнатди. Қўшин ўзига Жиззахнинг Аччиқ (Очиқ) мавзесини қароргоҳ қилиб олди. Амир Темур эса урушга тайёрланиш учун Сагорон (Каттақўрғон)да қароргоҳини тикиб, қўшинларини жанговар ҳолатга келтирди. Амир Темур душманнинг орқа тарафидан ҳужум қилиш учун Қўнғи ўғлон, Темур Қутлуғ ўғлон, Шайх Али Баҳодир қўмондонлигидаги қўшинларни юборади. Уларга Андижондан шаҳзода Умаршайх Мирзо қўшини ҳам келиб қўшилди.



Амир Темур Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонга қарши курашга отланмоқда. Миниатюра. XV аср.

Амир Темур қаҳратон қиш бўлишига қарамай, курашга отланиб Тўхтамишхон томонидан юборилган қўшинни тор-мор келтирди. Элйиғмиш иккала томондан ўраб олиниб, мағлуб этилди. 1389 йил февраль – мартида эса Сирдарёдан ўтиб, мўғул қўшинларини Олтомғагача таъқиб этиб борди. Амир Темурнинг Тўхтамишхонга қарши навбатдаги курашга тайёргарлиги 1390 йил кузида бошланди. У ўз қароргоҳини Чинозга кўчириб, қишни шу ерда ўтказди ҳамда умумий сафарбарлик эълон қилди. Юриш деярли 6 ойга чўзилди. 1391 йил 18 июнда Самара ва Чистополь оралиғида жойлашган Кундузча деган текисликда бўлиб ўтган жангда Тўхтамишхон қўшини тор-мор этилди. Мазкур жангда Амир Темур илк бора янги тактик усулни қўллаб, қўшинни "етти қўл"(ғўл), яъни еттита корпусга бўлди. Амир Темур қўшинининг биринчи зарбасидаёқ Тўхтамишхон қўшинининг ўнг қаноти аввал чекиниб, сўнгра қочишга тушди. Тўхтамишхон қўшинни ёриб чиқаман деб ўйлаб, аксинча Амир Темур қўшини қуршовига тушиб қолди. Сўнгра тезлик ила саросимага тушган қўшини билан Волга дарёси томонига чекинди. Амир Темур қўшини бу жангда ғалаба қозониб катта ўлжага эга бўлди.

Амир Темур бу юришдан хотира сифатида Улуғтоғ этагидаги тошга битик ёзиб қолдирди. Ушбу битик ҳозирда Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмитаж музейида сақланмоқда. Юқоридаги жанг Тўхтамишхон давлати қудратига буткул чек қўймаган. Тўхтамишхон тез орада қайта куч тўплаб, Амир Темур

давлати ҳудудига яна хавф сола бошлади. У тезлик билан ўз ҳарбий-сиёсий мавқеини тиклаб олди. Бу курашга Тўхтамишхон ҳатто Миср султони Малик аз-Зоҳир Барқукни (1382-1399) ҳам тортишга ҳаракат қилди.

1393-1394 йили Амир Темур Шеки (Озарбайжоннинг шимолий қисми)да турган пайтда Тўхтамишхон Кавказорти вилоятларига ҳужум уюштирди. Амир Темур Шекидан чиқиб Кура дарёси бўйлаб юрди. Олтин ўрдаликлар Амир Темур қўшинлари келаётганини эшитиб, чекинишга мажбур бўлдилар. Тўхтамишхоннинг ўзини эса жанг қилишга юраги дов бермади. Амир Темурнинг Тўхтамишхонга қарши охирги ва ҳал қилувчи юриши эса 1395 йил 28 февралда бошланди.

Шимолий Кавказдаги Дарбанд йўлида Амир Темур ўзаро низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилди ҳамда Тўхтамишхон ҳузурига Шамсиддин Олмалиқий бошчилигидаги элчиларни жўнатди. Тўхтамишхон риёкорлик қилиб урушга тайёргарликни давом эттирди. Жанг 1395 йил 15 апрелда Шимолий Кавказдаги Тарак дарёси бўйида бўлиб, умумий қўшинлар сони 400 минг атрофида, 30-35 км.лик катта майдонда олиб борилди. Амир Темурнинг янги ҳарбий тактикаси (қўшинни етти ғўл (корпус)га ажратиш, йигирма етти қўшиндан иборат кучли захира бўлинма тузиш, кучли марказ ташкил этиш) ўз натижасини кўрсатди. Амир Темур қўшинлари буткул ғалаба қозондилар, Тўхтамишхон қолган - кутган қўшини билан Булғор томонга қочиб кетди. Амир Темур Олтин Ўрдага охиригача зарба бериш мақсадида Волга ва Днепр оралиғидаги ерларга юриш қилди. У Мовароуннаҳр ва умуман ўз давлати хавфсизлиги йўлида Волга ва Днепр дарёлари оралиғидаги Тўхтамишхон ерларига зарба бериши лозим эди. Бу масалада Шамсиддин Аббос ва амирзода Пирмуҳаммад бошчилигидаги қўшин Жўчи улусининг ўнг қирғоғидаги ерларга жўнатилди. Амир Темурнинг ўзи Днепр дарёсининг чап қирғоғи бўйлаб юриб, Анкерман деган жойни, сўнгра Азов дарёси бўйидаги муҳим қўрғон бўлмиш Азов (Азоқ)ни эгаллади. Шундан сўнг Русь давлати томон юриш қилиб, Рязань, Елец ва бошқа Марказий Россия ҳудудидаги ерларни эгаллади. Олтин Ўрда пойтахти ва бошқа Олтин Ўрда шаҳарлари тўлиқ Амир Темур қўшинлари томонидан эгалланди. Кейинчалик черкеслар юрти ва Доғистон ҳудуди ҳам эгалланди. 1396 йили қишда Каспий бўйидаги Аштархон шаҳри ҳам қўлга киритилди.

Тўхтамишхон қўшинининг Тарак дарёси бўйида тор-мор этилиши ва 1395 йилда пойтахт Сарой Берканинг эгалланиши Олтин Ўрдага жуда кучли зарба бўлди. Шундан кейин бир пайтлар қудратли бўлган давлат ўзини ўнглай ололмади. Олтин Ўрдага берилган қақшатқич зарба Русни мўғул босқинчиларидан озод бўлишига ижобий таъсир этди. Халқаро савдо йўллари эса яна жанубга, анъанавий ўзанларига қайтарилди.

Амир Темурнинг бир мамлакатга қилган юриши унинг бошқа мамлакатларга қилган юришлари билан кетма-кет борганлигини уруш воқеалари ҳам кўрсатиб туради. Амир Темур Озарбайжонга бир неча маротаба юриш қилди ва 1387 йилда уни тўла бўйсундиришга муяссар бўлди. Арманистон ва Грузияни Амир Темур 1392 йилда бўйсундирди. Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши (1398 й. май – 1399 й.март) "етти йиллик" уруш номини олган даврга тўғри


келади. Юриш натижасида турли хил айирмачи харакатларга, низо ва парокандаликка чек қўйилди. Шу билан бирга бу ердан олинган катта ўлжалар Самарканд ва Кешга ҳам жўнатилди. Ўлжалар орасидаги 120 та филни Темур уруш харакатларида ҳамда қурилиши ишларига жалб этди.Айирмачилик, ўзаро парокандаликка чек қўйиш, ягона геосиёсий майдонда кучли ва мустаҳкам давлат барпо этиш бу юришларданкўзланган асосий мақсад бўлган.

1400 йилга келиб Амир Темурнинг турк султони Боязид Йилдиримва Миср султони Фараж билан муносабатлари кескинлашди. Таъкидлаш жоизки, Яқин ва Ўрта Шаркда ҳукмронлик масаласида юқорида қайд этилган масала яққол намоён бўлиб қолди. Иккала қудратли давлат ҳудудда ҳукмронлик қилишга даъво қилишар эди. Унинг устига туркманларнинг Қора-Қўюнли сулоласи ҳукмдори Қора Юсуф (1388-1420), Султон Аҳмад жалойир (1382-1410) ҳам Боязид билан иттифоқ бўлиб, Амир Темур давлати чегараларига раҳна солишар эди.Амир Темур Сурия масаласида муаммони тинчлик йўли билан ҳал этиш мақсадида 1393 йилдаёқ Мисрдаги мамлуклар султони Барқуққа ўз элчиларини жўнатган эди. Лекин султон элчиларни ўлимга маҳкум этди. Авник қалъасига қолдириб кетилган Оталмиш қавчинни Амир Темур қўшинлари йўқлигидан фойдаланган исёнкор Қора Юсуф қўлга олиб, Мисрга жўнатиб юборди. Соҳибқирон элчиси Оталмиш қавчин зиндонга ташланди. 1399 йил Барқуқ вафотидан кейин тахтга ўтирган Фараж отаси сингари ғаламислик сиёсатини давом эттирди. Хусусан, султон ҳузурига навбатдаги элчи сифатида юборилган гуруҳ Суриянинг Ҳалаб шаҳрида ҳибсга олинди. Бу эса Миср билан уруш бошланишини билдирар эди. 1400 йил сентябрь-октябрь ойларида Суриянинг кўплаб муҳим қалъа ва шаҳарлари, жумладан Ҳалаб хам катта қийинчиликсиз эгалланди. 1400 йил 20 декабрда Амир Темур қўшини Дамашқ остонасига яқинлашганида Соҳибқирон масалани тинчлик йўли билан ҳал этиш мақсадида Фараж ҳузурига яна бир Бўрон Подшоҳ бошлиқ элчилик гуруҳини жўнатади. Амир Темур султонга жўнатган мактубида Оталмиш қавчинни ҳибсдан озод қилиш, Соҳибқирон номини хутбада ўқитиш, унинг номидан тангалар зарб этиш талабларини қўйиб, ўртада тинчлик ўрнатиш заруриятини таъкидлайди. Лекин Фараж яна хиёнаткорона йўл тутиб, Амир Темур қўшинига ҳужум уюштирди. Ўзаро жангдан сўнг Фараж қочиб кетди, Дамашқ эса ёнғинга дучор бўлди.

Усмонийлар давлати султони Боязид Йилдирим (1389-1402) билан ўзаро низоли масалаларни ҳал этиш борасида Амир Темур у билан тўрт маротаба мактуб алмашди. Лекин, Боязид муносабатларни тинчлик билан йўлга солиш ўрнига бир қатор номақбул харакатларни ҳам амалга оширди. Табиийки, бу ҳол тез орада икки қудратли ҳукмдор ўртасида тўқнашув бўлишига олиб келди. Ҳал қилувчи жанг 1402 йилнинг 20 июль куни Анқара яқинидаги Чибукобод текислигида содир бўлди. Жанг оқибатини Амир Темур урушнинг чалғитиш усули билан ҳал қилди. Бу борада султонга хавф солиш учун Темурнинг невараси Муҳаммад Султонга туркларнинг стратегик аҳамиятга эга тепалигини забт этиш вазифаси юкланади. Шоҳрух ва Мироншоҳ Мирзолар Муҳаммад Султонга ёрдам бердилар. Соҳибқирон қўшинлари Боязид қўшинлари қанот қисмини узиб, турклар қўшинини ҳар иккала қанотини қуршаб олди. Кечга бориб турклартўла мағлубиятга учрадилар. Турк султони хам асирга олинди.

Амир Темур ўзига хос марҳамат билан Боязидга яхши муомала қилди, уни эҳсон ва инъомлар билан сийлади. Боязид вафот этгач (1403 й. 9 март) унинг таъзиясини ўтказиб, салтанат тахтини марҳум султоннинг ўғли Мусога топширди. Усмонийлар мағлубияти Европа халқлари учун ижобий аҳамиятга эга бўлди. Туркларнинг Европага нисбатан амалга оширмоқчи бўлган ҳужуми 50 йил орқага сурилди. Қатор европалик ҳукмдорлар бундан миннатдор бўлиб, ўз элчиларини Амир Темур ҳузурига жўнатдилар. Қайд этиш лозимки, аслида Европалик элчилар Амир Темурга Анқара жангидан аввал ҳам ҳарбий иттифоқ тузишни таклиф қилган эди.

Таъкидлаш жоизки, Амир Темур ва Темурийлар давлати халқаро майдонда ҳам шуҳрат қозонган. Темур давлати билан Шарқ (Мўғулистон, Хитой, Миср) ва Европа мамлакатлари (Италия, Испания, Франция, Англия ва ҳоказо) ўртасидаги ёзишмаларга қараганда, дипломатик, сиёсий ва савдо алоқалари юкори даражада ривожланган. Улар айниқса XIVасрнинг 80-90 - йиллари ва XVаср бошида Усмонийлар давлатининг кучайиши муносабати билан бирмунча жонланди. Маълумки, 1389 йил Усмонийлар европаликларнинг бирлашган қуролли кучларини Сербиядаги Косово майдонида тор-мор қилган ва натижада Сербия мустақилликдан ажраб, Усмонийлар давлатининг вассалига айланган. 1393 йили Усмонийлар Булғория, Валахия, Македония, Фессалияни босиб олди. 1396 йили эса турк армияси Никопол (Болгария) ва мусулмонларга қарши салб юриши эълон қилган Венгрия қироли Сигизмунд бошчилигидаги Ғарбий Европанинг энг сара қўшинларини бутунлай тор-мор этди. Боязид қўшини ўша пайтда Византия пойтахти Константинополни ҳам қамал қилди.



Амир Темурнинг ҳарбий юришлари.

Хуллас, Усмонийлар томонидан нафақат Византия учун, балки бутун Европа учун ҳам реал хавф-хатар туғилган эди. Шунинг учун Европанинг Византия, Италия, Испания ва бошқа давлатларидан Усмонийларга қарши курашда ёрдам сўраб Амир Темур саройига элчилар серқатнов бўлиб қолган эди. Буларнинг барчаси Амир Темур ва Боязиднинг, яъни икки қудратли туркий давлатларнинг тўқнашувини янада тезлаштирди, бу эса ўз навбатида Европага қўл келар эди.

1403 йил март ойида Амир Темур Кичик Осиёдаги Оқшаҳр деган жойда Миср султони Фараж элчиларини қабул қилди. Фараж Темур элчиларини озод қилиб, Соҳибқирондан узр сўраган ҳолда унинг олий ҳукмронлигини тан олди. Амир Темур 1403 йилининг июлида Грузияга келди. Шу йил октябрда Бойлақон деган жойда катта канал қаздирди ва олиму-уламолар иштирокида катта қурултой чақирди.

Амир Темур пойтахт Самарқандга 1404 йил июль ойида ғолиб ҳукмдор сифатида тантанавор тарзда кириб келди.Шу йилнинг сентябрида Амир Темур Самарқандда олти нафар невараларининг никоҳ тўйи тантаналарини ўтказди. Унда қатор чет эл элчилари ҳам иштирок этишди.

Хитой анча вақтдан бери Мовароуннаҳрга ҳудудий даъво билан чиқар, бу борада у билан муносабатларни ойдинлаштириш лозим бўлиб қолди. Шу боис Амир Темур уч ойлик тайёргарликдан сўнг 1404 йил 27 ноябрда ўзининг 200 минг кишилик қўшини билан Хитойга отланди. Ўша йили қиш Ўрта Осиё тарихида энг қаҳратон қишларидан бири бўлган. Сирдарёнинг суви бир ярим метргача музлаган, аскарлардан кўпини қулоқ-бурунлари, қўл-оёқларини совуқ олган эди. Амир Темурнинг ўзи ҳам кўп ўтмай шамоллаб қолди. Шунга қарамай январь ойида унинг ҳузурига ўзининг қаттиқ пушаймонлигини билдириб, тожу-тахтини қайтариб беришга ёрдам сўраб Тўхтамишхон элчилари ташриф буюрдилар. Элчилар Соҳибқиронга муғул хони кечиримини қабул қилишни сўрашди. Амир Темур узрни қабул қилиб, юришдан сўнг унга ёрдам бериш қарорини маълум қилди. 1405 йил февраль ойининг ўрталарида қўшин Ўтрорда тўхташга қарор қилди. 11 февраль куни Соҳибқироннинг аҳволи анча оғирлашди. Моҳир табиб Мавлоно Файзуллоҳ Табризийнинг муолажалари ҳам натижа бермади. 18 февраль куни оғир хасталанган буюк жаҳонгир,Соҳибқирон Амир Темур Ўтрорда вафот этди (ҳижрий 807 йил шаъбон ойининг 17-куни).

Амир Темур 35 йил давомида ҳарбий юришларни амалга оширди. Бу юришлар натижасида у буюк салтанат барпо қилишга эришди. Унинг таркибига Мовароуннаҳр, Хоразм, Каспий денгизи атрофидаги вилоятлар, ҳозирги Афғонистон, Эрон, Усмонийлар давлати, Ҳиндистон, Ирок, Марказий ва Жанубий Россия, Кавказ ва Ғарбий Осиёнинг бир қатор ҳудудлари, жами 27 та мамлакат ва ўлка кирди. Амир Темурнинг муваффақиятига аввало унинг нодир ҳарбий истеъдоди сабаб бўлди. Амир Темур қўшинида қатъий тартиб ва интизом ўрнатилган эди. Ҳар бир жанг режасини ва барча қисмлар учун йўл-йўриқларни ўзи ишлаб чиқарди. Унинг ҳарбий истеъдоди Анқара яқинида султон Боязидга қарши жангда айниқса ёрқин намоён бўлди. Қўшиннинг юраги ва қўмондонлик ўзагини барлос уруғи вакиллари ташкил этарди. Шу давр воқеаларининг шоҳиди бўлганларнинг гувоҳлик беришича барлослар ҳарбий ишга ниҳоятда чидамли,

ёйдан ўқ узишга жуда уста, ўз ҳукмдорларига содиқ ва сабр-тоқатли бўлганлар. Шу ўринда яна бир ҳолатга эътибор қаратиш лозим. Амир Темур ўз қўшинига шаҳар ва қишлоқларни талон-тарож қилишга изн бермаган, аксарият ҳолларда масалани тинчлик йўли билан ечишга ҳаракат қилган.

Амир Темур кучли ва марказлашган давлат, улкан салтанат барпо этишга муваффақ бўлди. У она юрти Мовароуннаҳрда мўғул истибдодини тугатди, ўзаро парокандалик, низо ва фитналарга чек қўйди, мамлакатни танглик ва инқироз ботқоғидан олиб чиқди, ободончилик, қурилиш, бунёдкорлик ишларига кенг йўл очди, маданият, илм-фанни тараққий этишига ҳомийлик қилди, кенг халқ оммаси учун тинч ва тотув ҳаёт тарзини яратди. Юқорида қайд этилган саъй-ҳаракатлар Амир Темурнинг ақл-заковати, зеҳни, иродаси ва улкан ташкилотчилик қобилияти эвазига юзага келиб, уни Соҳибқирон тўла ўз давлати равнақи ва истиқболи йўлида амалга оширди.

1.3 «Темур тузуклари» - давлат бошқаруви ҳақидаги муҳим тарихий манба

Амир Темур ва унинг даври хусусида замондошлари Ғиёсиддин Алининг «Рўзномайи ғазовоти Ҳиндустон», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», ибн Арабшоҳнинг «Темур тарихи» Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги" ва бошқаларнинг қимматли асарлари мавжуддир. Лекин, буюк жаҳонгир ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарлар ичида шубҳасиз, «Темур тузуклари» алоҳида аҳамият касб этади.

«Тузуки Темурий» («Темур тузуклари»), «Малфузоти Темурий» («Темурнинг айтганлари») ва «Вокиоти Темурий» («Темурнинг бошидан кечирганлари») номлари билан аталмиш ушбу асар қимматли тарихий манба бўлиб, у жаҳондаги машҳур кутубхоналардан жой олган. «Темур тузуклари» икки қисмдан иборат тарихий ва ҳуқуқий асар бўлиб унда Соҳибқироннинг давлат тузилиши ва мамлакатни бошқариш хусусидаги нуқтаи-назари баён этилади.

Асар Амир Темур томонидан ёздирилган бўлиб, аввал эски ўзбек (чиғатой ёки туркий) тилида баён этилган. Бир қатор шарқшунослар – Ч.Рьйю, Г.Этэ, Ч.А.Стори, Н.Д.Миклухо-Маклай ва бошқаларнинг фикрича, унинг бир қўлёзма нусхаси Яман ҳокими Жаъфар пошшонинг кутубхонасида сақланган. «Тузукот»ни илк бора форс тилига таржима қилган Мир Абу Толиб ал-Ҳусайний ат-Турбатийнинг ёзишига қараганда, у ўз ҳаж сафарида мазкур асарни учратганлигини ва уни таржима қилганлигини таъкидлайди. У Арабистондан келгач, асарни форсча таржимасини бобурий подшоҳ Шоҳ Жаҳонга (1628-1657) тақдим этади. Шоҳ Жаҳон тарихни яхши билган илмли шахс бўлганлиги учун аввало асарни ўзи кўриб чиқиб, унда баъзи ноаниқлар ва ғализликларни топади. Подшоҳ ундаги ноаниқликларни тузатиш ва таҳрир этишни Дакан вилояти қозикалони, истеъдодли адиб Муҳаммад Афзал Бухорийга (вафоти 1651/1652 йй.) топширади. Бу хусусида ҳиндистонлик тарихчи Абдулҳамид Лоҳурий (1654 й. вафоти) ўзининг «Подшонома» асарида ҳам қайд этиб ўтган.

Мазкур асар XVIII аср яъни инглизлар Ҳиндистонни эгаллай бошлаганларидан кейин машҳур бўлиб кетди. Хусусан, асар 1783 йили Буюк Британияда инглиз тилида нашр этилди. Китоб унга бўлган қизиқиш натижасида 1785 йили Калькуттада яна бир карра нашр юзини кўрди. 1787 йили эса асар Парижда француз тилида чоп этилди. Асар Ч. Стюарт томонидан 1830 йили қайтадан инглиз тилида ноаниқликлар бартараф қилинган ҳолда яна нашр этилди. "Темур тузуклари" 1855 йили Дехлида, 1908 йили Бомбейда урду тилига ўгирилган ҳолда чоп этилди. Шунингдек, 1890 йили Бомбейда форс тилида китоб ҳолида нашр этилган. 1868, 1963, 1992 йилларда бир неча бор Теҳронда форс тилида чоп этилган. 1991 йили Боку ва Алматида озарбайжон ва козоқ тилларида ҳам таржима китоблари нашр қилинди.

«Темур тузуклари» ўзбек тилига маълум даражада 1835-1836 йилларда Қўқон қозиси Набижон Хотифий, сўнгра 1857 йилда Хивада Муҳаммад Юсуф ар-Рофий (Рожий)лар томонидан таржима қилинган. Ўзбек тилига яна бир таржимаси Паҳлавон Ниёз Девон тарафидан 1857-1858 йиллари Хивада амалга оширилган. Асарни Мир Абу Толиб Ҳусайний ал-Аризий ат-Турбатий матнига мувофиқ ўзбекча таржимаси машҳур арбоб ва адиб Алихон тўра Соғуний томонидан Тошкентда 1967 йили амалга оширилган. Бу таржима мустабид давр мафкураси тазйиқига учраб, нашр этилиши ярим йўлда қолиб кетди. Ниҳоят, 1890 йили Бомбайда чоп этилган форсча матндан ўзбек тилига яна бир таржима (Соғуний таржимасини ҳисобга олган ҳолда) амалга оширилди. Уни ўзбек шарқшуноси Ҳабибулло Кароматов амалга ошириб, у 1989 йили "Шарқ юлдузи" журналининг 8-сонида чоп етилди. Китоб ҳолида аввал 1991 йили нашр юзини кўрди. "Тузукот" 1891, 1894 йиллари Н. П. Остроумов таржимаси остида Тошкентда рус тилида чоп етилган. 1934 йили Москвада рус олими В. А. Панов томонидан китобнинг янги таржимаси нашр қилинди. 1968 йилда ундан факсимил нашр амалга оширилиб, унга академик И.Мўминовнинг қисқача кириш сўзи илова қилинди. Аввал бошида асар Амир Темур томонидан ёздирилгани хусусида қайд қилинган эди. Кўпгина шарқ манбалари ва муаррихлари буни ўз асарларида таъкидлайдилар. Масалан, Шамсиддин Сомийнинг қомусида шундай дейилади: «Амир Темур «Тузукот» деб юритиладиган қонунлар мажмуасини ёзди. Унда ўзининг ҳаёт йўлини баён қилди». Шарафуддин Али Яздий эса (вафоти 1454 й.) эътиборга лойиқ яна бир маълумотни келтирган: «Он ҳазрат ўзининг ҳаёти ва турмуши тарзига доир асосий воқеаларни ўз ичига олган туркий ва форсийда алоҳида бир манзума туздилар» Низомиддин Шомий ҳам ўзининг «Зафарнома» асарида шуни таъкидлайди. Шунингдек, таниқли шаркшунос М.Шармуа (1793-1869) ва рус ҳарбий тарихчиси М.И.Иванин (1801-1874) «Тузукот»нинг ҳақиқий муаллифи Амир Темур бўлгани ҳақида фикр билдирадилар. Амир Темурнинг 660 йиллик таваллуди тантаналари арафасида 1996 йил «Тузукот» ўзбек, инглиз, француз, 1999 йили рус тилларида чоп этилди. Шундан сўнг китоб яна бир неча маротаба нашр юзини кўрди.

«Темур тузуклари» 2011 йили ўзбек тилида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг "Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси" деб номланган сўзбоши билан юқори сифатда, қайта нашрдан

чиқди.Мамлакат раҳбари "Темур тузуклари" асарининг аҳамиятига тўхталиб, қуйидаги ҳақли эътирофни баён этган эди: "Амир Темурдек буюк ва бетакрор сиймони ҳар томонлама тушуниш, у барпо этган қудратли салтанатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий асосларини, Соҳибқироннинг давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини ўрганишда, умуман айтганда, ҳаёт сирларини англаб етишда "Темур тузуклари" бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади".

«Темур тузуклари» - ҳукмдорларнинг турмуш тарзи ва ахлоқ-одоб нормаларини белгиловчи рисола булиб ҳам ҳисобланади. Ўз вақтида кўпгина ҳукмдорлар, хусусан, Ҳиндистонда бобурий подшоҳ Шоҳ Жаҳон (1628-1657), Қўқон хони Мухаммад Алихон (1821-1842), Бухоро амири Абдулаҳадхон (1885-1910) ва бошқалар «Тузукот»дан махсус парчалар кўчиртириб, улардан бевосита ўз фаолиятларида фойдаланганлар.

«Тузукот» икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган машҳур давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг етти ёшидан то вафотига қадар (1342-1405 й. 18 февраль) кечган ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятни қўлга киритиш, таркоқликка барҳам бериш ва марказлашган давлат тузиш, қўшни юрт ва мамлакатларни, масалан Эрон ва Хуросонни ўз тасарруфига киритиш, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон (1376-1395), турк султони Боязид Йилдиримга (1389-1402) қарши ва ниҳоят буюк жаҳонгирнинг Озарбайжон, Гуржистон ва Ҳиндистонга қилган харбий юришлари ихчам тарзда баён этилган.

Иккинчи қисм Амир Темурнинг номидан айтилган ўзига хос васият ва панду-насиҳатларидан иборатдир. Унда давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу-тахт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳийларнинг маоши, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошликларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу-тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва ҳоказолар хусусида гап боради. «Тузукот» ёзиш одати асли хитой ва турк-мўғул ҳукмдор, хонларидан расм бўлиб қолган одат эди. Масалан, турк хоқонларидан мерос бўлган «Қонуннома», Чингизхондан қолган «Билик», Хондамир (1474-1535) ёзган «Қонуни Ҳумоюн», Убайдуллахон (1533-1539) топшириғи билан ёзилган «Сулук – ал мулю» («Подшоларга йўл-йўриклар») шулар жумласидандир.

Амир Темур ўз олдига буюк салтанатнинг ички сиёсати ва ишчан давлат тизимини қадимий тажрибалардан ижодий фойдаланган ҳолда тузиш, ҳарбий сиёсатни замон талаби асосида тобора такомиллаштириб, мўғул истилоси асоратларини тезроқ бартараф этиш, хўжаликни оёққа турғизиш, савдо-сотиқ, ҳунармандчиликни бир меъёрга тушириш ва ривожлантириш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, илм-фан, маданият, меъморчиликни тубдан ривожлантириш, ободонлаштириш ишларини кенг кўламда жадаллаштириш каби долзарб вазифаларни қўйган эли. Унинг бундай саъйи ҳаракатлари бир неча ўн йиллар инқирозий ҳолатда бўлган улкан ҳудудни қолоқликдан чиқариш, уни

юқори тараққиёт босқичига кўтаришда катта куч-ғайрат, маблағ, билим ва оқилона тадбирларни талаб этар эди.

«Темур тузуклари» ўз ичига ҳаёт тажрибаси ва синови бошидан ўтган, бир умр эл-юрт, салтанат ташвиши билан яшаган фидойи шахс, буюк давлат арбобининг ўй-фикрлари, мушоҳада ва кечинмаларини ўз ичига жо қилган. «Тузукот»да юқорида қайд этилган мулоҳазалар аниқ-равон тарзда, ихчам усулда баён этилган. Соҳибқироннинг «Салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтириш зарур», деган кўрсатмаси XXI аср сиёсат майдони учун, муаммоларни ҳамжиҳатликда ечишга даъват тарзида кўрсатиш мумкин. "Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир" деган фикрлари ҳозирда ҳам ижтимоий-маънавий ҳаётда долзарб аҳамият касб этса, "Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар" деган ибораси одамни ҳамиша ўз ақл-заковати, илм-маърифат асносида ҳаёт кечиришга чақиради. Амир Темурнинг "Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззат-икром кўрсатдим", деган сўзлар унинг ички маънавий дунёсининг бойлигидан дарак беради.

Таъкидлаш жоизки, XXI аср баркамол авлодини тарбиялаш, уларнинг маънавий оламини юксалтириш ва бойитишда шубҳасиз, «Тузуклар» катта аҳамият касб этади.

1.4. Давлат бошқаруви тизими

Амир Темур мустақил, кучли, яхлит, қатъий сиёсатга эга давлат барпо этишга муваффақ бўлди. Амир Темур даврида давлатчилик анъаналари, давлат бошқаруви тизими юқори даражага кўтарилди. У маҳаллий ҳамда ўз даврининг бошқа давлатчилик анъаналарининг энг яхши жиҳатларларини ўз давлатчилик тизимида мужассам қилди. Шубҳасиз, мамлакатда Амир Темурнинг ўзи ҳокими мутлоқ бўлган. Шу билан бирга Амир Темур туркий-мўғул анъаналари, мавжуд сиёсий вазият, тегишли кучлар мавқеи ва манфаатлари, қабул қилинган таомилга мувофиқ чингизийлар хонадонидан бўлиш Суюрғатмишни (1370-1388), сўнгра унинг ўғли Маҳмудхонни (1388-1402) хон сифатида тахтга ўтказган. Амир Темурнинг узи амир унвони билан чекланиб қўя қолган. Кейинчалик, чингизийлардан бўлмиш Қозонхоннинг қизи Сароймулкхонимга (1337-1408) уйланиши муносабати билан хон авлодига қариндош "кўрагон", яъни куёв унвонини олган. Бу ҳам унинг мавқеини расман мустаҳкамланишига хизмат қилган.

Маълумки, қурултой (мўғулча-кенгаш) қадимдан туркий, мўғул қабилалари ичида энг муҳим масалалар бўйича чақириладиган ўзига хос катта кенгаш хисобланган. Туркий удумларга кўра одатда давлат бошлиқлари айнан қурултойда сайланган, улар оқ кигиз устига ўтказилиб, юкорига кўтарилган. Оқ кигизнинг тўрт учини энг нуфузли амалдор, диний арбоблар кўтаришга ҳақли бўлганлар. Қурултойда барча қабила бошлиқлари, энг нуфузли амалдорлар,

диний арбоблар, саркардалар иштирок этишган. Қурултойда тахтга ўтказилган киши қонуний ҳукмдор сифатида тан олинган.

Амир Темур ҳам шу анъанага содиқ ҳолда 1370 йил 11 апрелда айнан қурултой ҳукми билан Мовароуннахр ҳукмдори деб эълон қилинди. Темур қурултойнинг мавқеи ва аҳамиятини яхши англаган ҳолда, қолаверса салтанатни бошқариш, давлат асосларини мустаҳкамлаш, энг муҳим қарорларни қабул қилишда қурултой институтини сақлаб қолди ва ундан унумли тарзда фойдаланди. Қурултойни фаоллаштириш орқали давлатчилик асослари ҳам такомиллашиб борди.

Шарофиддин Али Яздий ўзининг "Зафарнома" асарида Амир Темур томонидан кейинчалик Қарши, Самарканд, Қорабоғ ва бошқа ерларда ўтказилган қурултойлар ҳақида ҳам сўз юритган. Хусусан, 1390 йилги қурултойда вилоят доруғалари ва беклар ҳам бевосита иштирок этишган. Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон билан муносабатлари ечими борасидаги масала ҳам қурултойда кўриб чиқилган. Қурултой ўзига хос олий даражасидаги маслаҳат кенгаши ҳамда вакиллик органи бўлган. 1403 йил охирларида ўтказилган олиму-уламолар иштирокидаги катта қурултой ҳам манбаларда алоҳида қайд этилади.

Юқорида таъкидланганидек, қурултойда нафақат лашкарбошилар, амирлар, давлат амалдорлари қатнашган, балки олиму уламолар ҳам унда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Тажрибали кишилар лашкарбошиларга, марказий ва маҳаллий давлат амалдорларига маслаҳатчи этиб тайинланган. Низомиддин Шомий ўзининг "Зафарнома" асарида Амир Темурнинг қурултойни янада фаоллаштирганлигини, олиму-уламоларни давлат ишига тортилганини таъкидлайди. Яна Амир Темур уламоларга мурожаат қилиб, унга уларнинг мақтов ёғдиришлари эмас, тўғри маслаҳат беришлари лозимлигини ҳам уқтиради. Амир Темур олимларни ҳам давлат ишларига тортиб, уларга алоҳида ҳурмат кўрсатган.

Низомиддин Шомий бу хусусда қуйидагиларни ёзган эди: "Амир Темур Соҳибқирон бир гуруҳ таниқли ва диёнатли олимлардан танлаб, уларнинг ҳар бирини девони аъло томонидан бир амин билан мамлакат чеккаларидан бирига номзод қилди, токи улар тайин этилган томонга жўнаб, мамлакат ишларининг тагига етсинлар, агар биронта мазлумга зулм етган бўлса ёки бирон ожизга зўравонлик раво кўрилган бўлса, зарар текканини мазлумлар оёғидан чиқариб улардан зўрлик билан олинган нарса исбот қилинса, ўша томонда бўлган хазина молидан уларга қайтариб берсинлар, бўлган аҳволни ёзиб олиб қайтсинлар ва арз иззатгоҳига етказсинлар, токи бундан кейин у зулм қоидаларини улардан йироқлаштирсинлар".

Амир Темур гарчи ҳокими мутлоқ бўлсада, мамлакатда адолат ғояларига садоқат, қонун устуворлигини таъминлаш борасида унинг фаолиятини сақлаб қолган ҳамда амалий ҳаётда бу ҳол ўз исботини топган.

Амир Темур Ҳиндистон юришидан аввал, 1398 йил охирларида бу хусусда қурултой чақирган. Ушбу қурултойда юриш билан боғлиқ масалалар, юзага келган вазият таҳлил этилган. 1403 йил октябрда Ширвон (Озарбайжон)да Амир Темур Бойлақон шаҳрини қуриб битказади. Шаҳар бир ой давомида барпо этилди. Шундан сўнг Аракс дарёсидан Бойлақон томонга ариқ (канал) қазиб

келтирди. Амир Темур ушбу ободончилик қурилиш ишларини ниҳоясига етказгач, айнан шу ерда катта қурултой чақиради. Унда кўплаб таниқли давлат арбоблари, диний уламолар, мамлакатнинг турли ҳудудларидаги нуфузли амалдорлар ташриф буюришади. Тарихий манбаларнинг гувоҳ беришича айнан шу қурултойда Амир Темур уламо, олим, донишмандларга мурожаат қилиб, жамиятда адолат ва қонун устувор бўлишига кўмак беришга чақиради. Кейинчалик ҳар бир вилоят, ҳудудга олим, уламо, донишмандлардан иборат вакиллик кенгашларини жўнатади. Улар эса ўз навбатида ҳақиқий аҳволни ўрганишлари ҳамда тегишли чора кўришлари керак бўлди.



Амир Темур ҳарбий юришга отланмоқда.
Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида акс эттирилган миниатюра.

Қурултойдан кейинги ўринда давлат мажлиси (кенгаш) турган. Бу хусусда Амир Темурнинг "Тузуклар"ида ҳам хабар берилади. Ушбу кенгаш икки кўринишда чақирилган. Катта кенгаш тинчлик пайтида, Самарқанддаги амир саройида ўтказилса, кичик кенгашлар одатда ҳарбий юришлар вақтида, катта жанглар олдидан чақирилган. Унда ҳукмдорнинг энг яқин ва садоқатли кишилари иштирок этишган. Баъзан бу кенгашлар тегишли масала боис махфий тарзда ҳам ўтказилган. Албатта, бу каби кенгашларнинг ўтказилиши улкан салтанатдаги аҳвол, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий холатдан бохабар бўлиш, салтанат қонун-қоидалари қанчалик амалга ошаётганлигидан хабардор бўлишда катта аҳамият касб этар эди.

Амир Темур давлат бошқарувида қўлланма ўрнини ўтайдиган ўн икки муҳим қоидани (тузук) ўз "Тузуклари"нинг энг аввалида тилга олади. Бу хусусда унинг ўзи қуйидагиларни таъкидлаган эди: "Бу тузуклардан салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарари таназзулдан омон бўлгай...мен (шу) ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки тузук ёрдамида мамлакатни қўлимда тутиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зебу зийнат бердим...". Мазкур тузукларнинг мазмун-моҳияти қуйидагича ўз ифодасини топган.

Биринчи тузук – ислом дини ривожига эътибор бериш, хар бир ерда, хар бир вакт ислом динини қўллаб-кувватлаш. Бу билан Соҳибқирон жамият, халк эътиқодсиз, маънавиятсиз яшай олмаслигига, ҳукмдорнинг ўзи шу дин асносида ўзгаларга ўрнак бўлувчи юкори маънавиятли инсон бўлишига урғу беради.

Иккинчи тузук – хамма вакт салтанатдаги мавжуд ўн икки табака вакилларига таяниши, уларни, яъни бутун халк оммасини ўзининг таянчи эканлигини таъкидлайди. Бу билан Амир Темур малакат ахолисининг барча катламлари у учун бир хил юкори ахамиятга эга эканлигини таъкидлайди. ҳолбуки, ўрта асрлар шароитида бу катта маънавий жасорат кадами хисобланган.

Учинчи тузук - Амир бу тузукда Соҳибқирон душман қўшинларини енгиш учун маслахат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик, ҳушёрлик, эҳтиёткорлик зарур эканлигини таъкидлайди. Салтанат ишларида эса муросаю-мадора, мурувват, сабр-токат ва чидам лозим деб хисоблаб, дўсту-душман билан хам муроса қилиш кераклигини қайд этади. Айнан шу тузукда ҳукмдор лозим бўлса баъзи нарсаларни билса хам шарқона қоидага риоя этиб ўзини билмасликка солишини хам айтиб ўтади.

Тўртинчи тузук – давлат ишларини тўра ва тузук, яъни қонун ва қоидага мувофик равишда бошқарилиши шарт деб хисоблаб, айнан шу тўра ва тузукка таяниб ўз мартаба ва мақомини мустаҳкамлаганлигини таъкидлайди. Қайд этиш лозимки, Соҳибқирон давлат айнан қонунларга таяниши ва қонунларга барча бир хил тарзда бўйсуниши кераклигини таъкидлаган эди. Зеро, факат салтанатни узоқ ва барқарор бошқариш адолатли қонун устуворлигига бевосита боғлик бўлган.

Бешинчи тузук – амирлар ва аскарларга тегишли эътибор кўрсатиш, улардан моддий таъминот ва ёрдамни аямаслик, хар қандай вазиятда уларнинг оғирини енгил қилиш, тарбиясига катта ахамият билан қараш айтилади. Амир Темур ўз салтанатини барпо этишда айнан шу харбий лашкарбошлар, баходир аскарлар мардлиги ва мардонаворлигига таянганлиги, давлат олдида уларнинг хизмати катта эканлигини айтиб, уларга тегишли муносабат билдирилишини ёзади.

Олтинчи тузук – хамма вакт ўз фаолиятида адолат ва инсофга таянгани, кишиларга рахм-шавкат ила муносабатда бўлиб, доимо хаккоий ҳукм чиқарилиши лозимлиги баён этилади. Раият яъни, оддий халкни умид ва қўркинч орасида, сипоҳни сиёсат ва инсоф билан қўлда ушаганлиги, фуқароларга эҳсонлар билан муносабатда бўлишга устувор вазифа сифатида қаралади. Айнан шу тузукда Амир Темур хар қандай зулм-зўравонликка қарши бўлгани, золимлардан жавобгарликка тортган, душман уни олдига бош этиб келса кечириб юборганлиги қайд этилади. Адолат ва қонун устуворлиги, юкори маънавий хислатлар масаласида Амир Темур позицияси ушбу тузукда яққол намоён бўлди. Зеро, Соҳибқирон юқори инсоний фазилатларни қадрловчи шахс бўлган эди.

Еттинчи тузук – ушбу тузукда Амир Темур маънавий киёфасига чизгилар давомини кўриш мумкин. Мазкур тузукда Соҳибқирон сайидлар, уламо, машойих, донишманд кишилар, муҳаддис ва тарихчиларни одамларнинг сараси деб ҳисоблаб, уларни юқори эътибори сазовор шахслар сифатида ҳурматларини

жой-жойига қўйишни таъкидлайди. Бу билан Соҳибқирон илм-фан вакилларини бўлган ижобий муносабати давлат сиёсати даражасига қадар кўтарилганлигини кўриш мумкин эди. Мазкур тузукда Амир Темур шижоатли кишиларни ўзига дўст тутиши, уламо ва ўқимишли кишилар билан суҳбатларни афзал кўриши, ҳамма вақт маънавий пок, тоза қалбли, нияти тоза кишиларга талпинганлиги, улардан дуо-фотиҳалар олиб юрганлиги айтилади. Ҳамма вақт дарвиш, бева-бечора, эзилган кишиларга мурувватли бўлганлиги, уларнинг ҳеч бир талабини инкор этмаганлиги ҳам қайд этилади. Амир Темур шу ўринда дини исломда мавжуд "сийлаи раҳим", яъни ён-атрофдагиларга ҳамиша жавоб кутмаган ҳолда яхшилик қилиш, меҳр-шавқатли бўлиш тамойилига қатъий амал қилган.

Саккизинчи тузук – мазкур тузукда Соҳибқирон ҳар бир ишини қатъий тарзда охиригача бажарилиши керак деб ҳисоблаб, ҳукмдорнинг ўзи бунда ўрнак бўлиши керак деб ҳисоблайди. Амир Темур давлат ишлари соҳасида тегишли тажриба ва малака ҳосил қилиш мақсадида тарихда ўтган барча нуфузли ҳукмдорлар фаолиятини ўрганганлиги, уларнинг салтанати инқирози сабабларини ўрганганлиги ҳамда ундан тегишли сабоқ чиқарганлигини баён этади. Соҳибқирон давлатга зиён-заҳмат етказувчи барча салбий иллатлар хавфидан узоқ бўлиши, унинг олдини олиш лозимлигини таъкидлайди.

Тўққизинчи тузук – халқ аҳволидан доимо бохабар бўлиш, катта-кичикка ўзига хос муомала ва муносабатда бўлиш кераклиги, ҳамма ерда ўша жой эътиборли зотлари билан яқин муносабатларни ўрнатганлиги ҳам қайд этилади. Салтанатнинг барча ҳудудлари, қишлоқ, шаҳарларга диёнатли кишиларни ҳоким этиб тайинлаганлиги, ҳамма ерда зулм-зўравонликка чек қўйганлиги баён этилади. Доимо ҳар қандай эътироз, мурожаатга инсоф ва адолат юзасидан жавоб берилмоғи керак, деб ҳисоблайди.

Ўнинчи тузук – бу тузукда яна масаланинг маънавий томонига эътибор берилади. Амир Темур кимки унинг ҳам ҳурматини жойига қўйганлиги, яхшилик, дўстлик, қадр-қиммат ҳақида сўз юритади. Шу тузукда собиқ душманлари агар яна унинг хизматига киришга аҳд қилсалар, Амир Темур уларга нисбатан мурувватли ва кечиримли бўлганлиги қайд этилади.

Ўн биринчи тузук - Амир Темур ушбу қоидада юқори мартабага эришганида унга ёрдам берган ҳеч кимни унутмаганлигини қайд этади. Айниқса, қон-қариндошлик ипларини ҳеч качон узмаганлиги айтилади. Ҳар кимга ўзига яраша муомала қилганлиги, ҳаёти давомида тажриба орттиргани, дўсту-душман билан келишиб яшаш лозимлиги ҳаётий қоида эканлигига урғу беради.

Ўн иккинчи тузук – дўсту-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийлар, ҳарбийларни ҳурмат қилиш лозимлиги уқтирилади. Бу борада Соҳибқирон ўз эътиборини мард ва жасур ҳарбийларга қаратиб, хиёнаткор ва вафосиз сипоҳ аҳлига салбий муносабатда бўлишини билдиради. Сипоҳ аҳлининг ўз ҳукмдорига садоқат ва вафодорлигини юкори қадрлайди.

Амир Темур давлат бошқарувида аввало қонунга таяниш лозимлигини "Тузуклар"да, "Салтанат ишларини қонун ва қоидалар, тўра ва тузукка солиб салтанатим мартабаю эътиборини сақладим", дея таъкидлаган эди. Хусусан салтанат мавқеи, обру-эътиборини сақлашда у тўртта тузук (қоида)ни олдинга суради.

Биринчидан, қатъий тарзда олинган қонунлар дин ва шариат асносида; иккинчидан, сипоҳ ва раият (халқ оммаси)ни умид ва қўрқув орасида сақлаш, дўст душманни муросаю-мадора мартабасида тутиш, дўстликни кучайтириш, олийҳиммат бўлиш; учинчидан, ҳеч кимдан қасд, ўч олмаслик, синалган софдил, шижоатли одамларни атрофида жам этиш, нафси ёмон, кўнгли бузук қўрқоқларни атрофига яқинлаштирмаслик; тўртинчидан адолат ила иш тутиш, жабр-зулмдан йироқ бўлиш, очиқ юзли ва раҳм-шавқатли бўлиш. Амир Темур ўз салтанати шукуҳини сақлаш ва кўтаришда юқоридаги мезонларга қатъий амал қилган ва шу боис ҳам обрў-эътибори мамлакат, халқ орасида юқори даражада бўлган.

Шунингдек, Амир Темур салтанатни идора этиш ишида ўн икки тузук тутганлигини алоҳида таъкидлайди. Ушбу ўн икки тузук хусусида Амир Темур ўз «Тузуклари»да қуйидагиларни қайд этади: «Ушбу ўн икки тузукни ўзимга шиор қилиб олганимдан кейин катта ишончу салобат билан салтанат тахтига ўтирдим. Ўз тажрибамдан синаб билдимки, агар қай бир подшоҳ шу ўн икки нарсага эга бўлмас экан салтанатдан бебаҳра қолур". Қуйида ҳавола этилаётган ўн икки тузук Соҳибқирон фикрларининг яққол тасдиғи бўлиб хизмат қилади:

1. Подшоҳ ўз сўзига эга бўлиши, ишини ўзи билиб қилиши лозим.
2. Ҳукмдор адолатпарвар бўлиши, атрофида ҳам инсофли, адолатли вазирларни сақлаши керак.
3. Подшоҳ ҳар бир ишда ўзи ҳукм чиқариши лозим, зеро ҳеч ким унинг ҳукмига аралаша олмасин.
4. Ҳукмдор ўз қарорида ҳамиша қатъий бўлиши ва ишни охирига етказиши лозим.
5. Подшоҳнинг ҳар қандай ҳукми қатъий жорий этилиши керак.
6. Салтанат ишларини бирон-бир бошқа кимсага бериб қўймаслик.
7. Салтанат ишларида ҳар кимнинг фикр-мулоҳазасини эшитсин, лекин маслаҳатнинг фойдалисини олсин.
8. Салтанат, сипоҳ ва раият билан боғлиқ масалаларда бошқаларнинг гап-сўзи ва феъл-атворига қараб иш тутмаслик, ҳар бир ишда ҳақиқат аён бўлмагунга қадар шошмай, мулоҳаза билан иш тутиш.
9. Подшоҳнинг салобати, обрў-эътибори шунчалик юқори бўлиши даркорки, унинг амру-фармонига ҳеч ким қарши чиқа олмасин.
10. Хазина, лашкар, раият, салтанат – буларнинг барчаси ҳукмдор қўли остида бўлиб, у ҳар бир сўзида қатъиятли бўлиши керак.
11. Салтанат ишларида ҳеч кимни ўзига шерик қилмаслик.
12. Ўз атрофидаги кишилардан огоҳ ва ҳушёр бўлиши.

Амир Темур даврида бошқарув икки идора: даргоҳ ва девонлар (вазирликлар)га бўлинган. Юқорида таъкидланганидек даргоҳ – энг олий давлат идораси бўлиб, унинг бошлиғи Амир Темурнинг ўзи бўлган. Амир Темур даргоҳ фаолиятини юритишда маслаҳат ва кенгашлардан ҳам унумли фойдаланган. Хусусан, ўз "Тузуклар"да Амир Темур шундай ёзган эди: "Салтанат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим. Донишмандлар демишларким, ўз ўрнида қўлланган тадбир билан кўплаб лашкарларнинг қиличи ожизлик қилган ҳар

қандай мамлакат дарвозасини очиб, фавж – фавж лашкарни енгиб бўлур". Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг вазирлик,маҳаллий ҳокимият идоралари ва умуман салтанатда кечаётган жараёнлар билан боғланиб туриш ишини олий девон олиб борган. Даргоҳ тизимидаги бу девонга девонбеги – бош бўлиб, вазирлар унга ҳисобот бериб туришган.

Даргоҳдаги муҳим лавозимлардан бири – арзбеги бўлган. Унинг хизматига шикоят билан келганлар, арзчилар билан ишлаш, уларнинг арз – додини ҳукмдорга етказиш бўлган. Лозим бўлганда жойларга вазиятни ўрганиш учун аминлар (яъни, ишончли вакиллар) тафтиш учун жўнатилган. Аминлар вазифасига бундан ташқари тобе ерлар тўловини йиғиб келиш ҳам кирган.

Даргоҳдаги яна бир муҳим лавозим – тавочи бўлган. Тавочи олий фармонга мувофиқ жойларга бориб ҳарбий юриш учун лашкар тўплаш билан шуғулланган. Тавочилар бош тавочи, пиёда аскар тавочиси кабиларга тақсимланган. Ҳарбий юриш вақтида тавочилар қўшинларнинг жойлашуви, буйруқлар ижроси, тинчлик вақтидаги ишларга тақсимланганлар.

Шунингдек, даргоҳда бош ҳожиб, хазинадор, хонсолор (тўй, базм, катта зиёфатлар ташкилотчиси), жевачи (курол-аслаҳа сақловчи), қушчи (ов маросимларига масъул), баковулбоши (сарой ошпазлари бошлиғи), котиблар, табиблар, битикчилар, ғазалхонлар, фаррошлар ҳам хизмат қилишган.

Амир Темур девон (ижроия) хизматини мўғул истибдодидан кейин тиклай олди. Девонбеги шу девон бошқарувчиси бўлган. У катта мавқега эга лавозим эгаси бўлган. Девонда яъни, марказий ижроия ҳокимиятда эса еттита вазир хизмати мужассам бўлган.


Биринчи вазир – мамлакат ва раият (аҳоли) вазири. У бош вазир ҳисобланиб, мамлакатнинг муҳим соҳалари учун у бевосита масъул бўлган.

Иккинчи вазир – харбий ишлар вазири бўлиб, у ҳарбийларнинг иқтисодий аҳволи, маоши, ер-сувлари бошқаруви, қурол-аслаҳа таъминоти, ҳарбий кўриклар, яроғор бўлганларга нафақа тайинлаш ва бошқалар ижроси унинг зиммасида бўлган.

Учинчи вазир – мулкчилик ва солиқ ишлари вазири бўлган. У эгасиз қолган мол-мулкларни назоратга олиш, савдогарлардан закот ва бож олиш, ўтлоқ-яйловларни бошқариш, барча тушадиган даромадларни сақлаш ва бошқа вазифаларга масъул бўлган.

Тўртинчи вазир – молия вазири бўлиб, у бутун салтанат бўйича киримчиқим ишларига, барча хазина харажатлари ҳисобини олувчи, молиявий ишларни тартибга келтирувчи ҳамда унга жавобгар шахс бўлган.

Амир Темур давридаги давлат бошқаруви



Кейинги уч вазир – сарҳад вазирлари ҳисобланиб, улар салтанат таркибидаги турли ўлка ва мамлакатларга оид молиявий муомала ва даромадларни, соликларни бошқарганлар."Темур тузуклари"даги маълумотга кўра бу уч вазирлар қуйидаги вазифаларни бажарган. Биринчи вазир – халқдан олинадиган солиқлар ундирилишини кузатган, ўз фаолияти тўғрисида ҳукуматга ҳисобот бериб турган. У соликлар миқдори, солиқ тўловчининг номини ёзиб борган. Иккинчи вазир – сипоҳ ишларини бажарган. У сипоҳга берилган ва берилиши лозим бўлган маблағ ҳисобини олиб борган. Учинчи вазир – бедарак йўқолган кишилар, келиб-кетиб юрувчилар (саёҳатчи ва савдогарлар), ҳар-хил йўллар билан йиғилиб қолган ҳосил, ақлдан озганларнинг мол-мулки, вориссиз мол-мулкни, қозилар ва шайхулисломларнинг ҳукми билан олинган жарималарни тартибга келтирган.Тарихий манбаларда адлия вазирлиги (девони мазолим) ҳақида ҳам гап кетиб, у суд-ҳуқуқ соҳаси бўйича фаолият юритган. Вақф ишлари эса – садрлар садри зиммасига юклатилинган. Амир Темур "Тузуклар"да вазир тайин этиш ишида тўрт сифатга эга бўлиш лозимлигини таъкидлайди. Улар қуйидагилар бўлган:

1. Асллик ва тоза насллик;
2. Ақллилик ва фаҳм-фаросатлилик;

3. Сипоҳ ва раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалик;

4. Сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик.

Амир Темур мана шундай сифатларга эга шахсни вазирлик мартабасига лойиқ деб ҳисоблаб, бундай вазирга тўрт имтиёз – ишонч, эътибор, ихтиёр ва қудрат берилишини таъкидлайди.

Амир Темур юқори даража ва мезонга эга бўлган вазирга қуйидагича таъриф берган эди: "Камолотга эришган вазир улким, давлат муаммаоларини тартибга келтириб, мулкий ва молиявий ишларни тўғрилик билан, асли-насли тозалигини кўрсатиб, ажойиб тарзда бажаради. Олгулик жойидан олиб, бергулик ерга беради. Рухсат этувчи ва таъқиқловчи буйруқларида унинг асллиги ва тоза насллиги кўриниб турали. Ҳеч кимга душманлик ва жабр-зулм қилмайди. Хоҳ сипоҳдан, хоҳ раиятдан бўлсин, ҳар қимнинг номини яхши сўзлар билан тилга олади. Бировдан ёмонлик ахтармайди, айтсалар эшитмайди. Агар бировдан ёмонлик кўрган бўлса, унга нисбатан шундай муомала қиладики, у охири ёмонлигидан қайтади, унга шундай яхшилик қиладики, у охири олдига бош эгиб келади. Қайси вазир ғийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга қулоқ солса, жабр-зулм қилса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайтига тушса, уни вазирликдан тушириш лозим. Насли зоти паст, ҳасадчи, гина-кек сақловчи, қора кўнгилли кишиларга зинҳор вазирлик лавозими берилмасин. Бузуқи, қора кўнгили, зоти паст одам вазирлик қилса, давлату салтанат тез орада қулайди".

Бир қатор Соҳибқирон замондошлари, хусусан испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Амир Темур бундай ёндашувга катта эътибор берганлигини, мансабига нолойиқ ишлар қилган амалдорлар тегишли равишда жазоланганлигини таъкидлашган. Хусусан, Амир Темур ўз мансабини суистеъмол қилган мансабдорларга кескин салбий муносабат билдирган. Клавихо ўз кундалигида 1404 йил 9 октябрда Соҳибқирон ўзининг икки вазири: Хожа Маҳмуд Довуд ва Муҳаммад Жалдани қаттиқ жазолаб, уларни қатл қилдирганлигини қайд этган.





Девонда шунингдек, бошқа турдаги амалдорлар хам бўлган. Булар: шайхулислом, қози ал-қуззот (олий судья), қозию ахдас (одат бўйича ҳукм чиқарувчи қози), қози аскар (ҳарбий қози), садри аъзам (олий садр), додхоҳ (шикоятларни кўриб чиқувчи), эшикоға, сарой вазири, ясовул (ҳукмдор шахсий буйруқларини бадарувчи), қалакчи (хирож миқдорини аниқловчи), муҳассил (солиқ ва ўлпон йиғувчи), қоровулбеги, муҳтасиб, воқеанавис, мунший ва бошқалар.

Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида "девони адл", "девони қуззот", "девони мансаб" деган атамалар учрайдики, бу Амир Темур давлатида ўзига хос адлия ишлари билан шуғулланувчи муассаса бўлганлигидан далолат беради. Академик Б.Аҳмедов, шарқшунос олим А.Зиё адолат ишларига масъул бундай муассаса дарҳақиқат мавжуд бўлганлигини қайд этишади.

Тарихий манбаларда саройда мавжуд қабул маросими ҳақида қуйидагилар баён этилган. Хусусан, тахтнинг ўнг томонида сайидлар, қозилар, уламолар, бекларбеги, қўшин амирлари, нўёнлар, улус, туман, қўшни бошликларига жой ажратилган. Тахтнинг олд томонида девонбеги ва вазирлар ўтиришган хамда баҳодирлар, чап томонида эса қоровулбегилар ўтиришган. Тахт қаршисида қоровул амирлари, этагида эса ичкилар, ясовули хос турган. Тахтнинг ўнг ва чап ёнида додхоҳ турган.

Марказий ҳокимият идораларида, улус ҳокимиятлари девонларидаги каби, вазирлардан бошқа турли табақадаги амалдорлар бўлган. Булар, масалан, шайхулислом, қози ул-қуззот (олий судья), қозийи ахдас (одат бўйича ҳукм чиқарувчи судья), қози аскар (ҳарбий судья), садри аъзам (олий садр, вақф мулклари мутасаддиси), додхоҳ (шикоятларни кўриб чиқувчи), эшикоға, сарой вазири, ясовул (ҳукмдорнинг шахсий буйрукларини бажарувчи), қалакчи (хирож

миқдорини аниқлаш мажбурияти юклатилган амалдор), муҳоссил (солиқ ва ўлпон йиғувчи), тавочи (асосан қўшинларни тўплаш ишига маъсул олий амалдор), коровулбеги, қутвол (қалъа коменданти), муҳтасиб (шариат қоидалари ижроси ҳамда бозорларда нарх-наво, тарозилари тўғрилигини текширувчи мансабдор), воқеанавис (кундалик воқеаларни ёзиб борувчи), мунший (шахсий котиб) ва бошқалар.

Амир Темур давлатида тезкор ахборот алмашуви йўлга қўйилган. Ҳар бир қарор, фармонлар муншийлар томонидан кўчирилиб, тезда вилоят ва ҳудудларга жўнатилинган. Али Яздий ўз асарида 1402 йил Анқара жангидан сўнг Соҳибқирон бу ҳақда муншийлар раҳбари Шамсиддин Муншийга тезда фатҳномалар тайёрлаб жойларга жўнатишга буйруқ беради, ушбу буйруқда 21 та жой номи қайд этилади.


Амир Темур давлатни улус, вилоят, туманларга бўлиб бошқарган. У салтанатни тўрт улусга бўлиб, улар тепасига ўз ўғиллари, невараларини қўйди. Вилоят ва туманларга ҳам асосан Темурий шаҳзодалар, ишончга сазовор кишилар раҳбар этиб тайинланган. Катта ўғил – Жаҳонгир Мирзога – Кобул, Ғазна, Қандаҳор ва Синд дарёсигача бўлган ерлар 12 000 кишилик қўшин билан бирга берилган. Унинг вафотидан (1376 й.) сўнг бу ерлар Балх вилояти билан бирга Жаҳонгирнинг ўғли Пирмуҳаммадга берилди. Умаршайх Мирзога аввал Фарғона, 1393 йили Форс вилояти билан 10 000 кишилик қўшин инъом этилди. Учинчи ўғил Мироншоҳ Мирзога 1380 йили 10 000 кишилик қўшин билан Хуросон, 1383 йили эса маркази Табриз бўлган Ғарбий Ироқ ва Озарбайжон улус қилиб берилди. Тўртинчи ўғил Шоҳрух Мирзога 8 000 кишилик қўшин билан маркази Ҳирот бўлган Хуросон ўлкаси улус тарзида тақдим этилди. Улус эгаларининг ўз девони, хазинаси ҳам бўлган. Шаҳзодалар ёнида доимо ишончли ва садоқатли киишилар бўлган.

Мазкур даврда давлат ноҳия – округларга , ўн мингликлар – туманларга, мингликлар – ҳазорага, юзликлар – садага, ўнликлар – даҳаларга бўлинган. Маҳаллий бошқаришнинг ўнликлар тизими асосида белгиланган тартибда Амир Темур қўшинига аскар етказиб бериш вазифаси қўйилган эди. Ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларнинг ўз ҳокими, молия девони, қозиси, муфтийси, мутаваллиси ва муҳтасиби бўлган. Шунингдек, маҳаллий эркин жамоалар ва маҳалла оқсоқларининг ўз-ўзини бошқарув тизимида ҳам ўрни катта бўлган.

Ҳар бир қалъада қутвол, яъни комендант тайин этилган, шаҳар ва туман бошликлари – доруғалар бўлишган. Клавихонинг таъкидлашича, ҳар бир йирик амалдорнинг ўз битикчиси ва қайд дафтари бўлган. Ўрта аср ҳукмдорларидан фарқли равишда Амир Темур ўз аҳолиси фаолияти ва манфаатларини уйғунлигини таъминлаш мақсадида уларни 12 тоифага бўлди. Лекин, "Тузуклар"да таъкидлаганидек, уларни бир-биридан кам кўрмади зеро, унинг ўзи бу ҳақда "Салтанатим конун-қоидаларини шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Шу ўн иккита тоифани салтанатим осмонининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим", дея таъкидлаган эди.

Бу ўн икки тоифа қуйидагилардан иборат эди. Биринчи тоифа – сайидлар, уламолар, шайхлар ва фозиллар; иккинчи тоифа – ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эхтиёткор ва қатъиятли арбоблар; учинчи тоифа - дуогўй кишилар;

тўртинчи тоифа – амирлар, сарханглар(қўшин қўмондонлари), сипоҳсоларлар; бешинчи тоифа – сипоҳ ва раият; олтинчи тоифа – ишончли, тўғри эътиқодли кишилар; еттинчи тоифа – вазирлар, девон котиблари ва муншийлар; саккизинчи тоифа – ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар; тўққизинчи тоифа – мухаддислар, яъни ҳадисларни ривоят килувчилар; ўнинчи тоифа – машойихлар ва сўфийлар; ўн биринчи тоифа – турли касб-ҳунар эгалари; ўн иккинчи тоифа – савдогарлар, саёҳатчилар, мусофирлар. Амир Темур ўз даврига нисбатан илғор фикрловчи зот бўлган. У бошқа ўрта аср ҳукмдорларидан фаркли равишда барча аҳоли қатламларини ўзига таянч деб билган.



Амир Темур давлатида, кейинчалик Темурийлар даврида ҳам тезкор ахборот алмашиш йўлга қўйилганлиги сабабли йирик салтанатнинг энг узоқ ва чекка қисмларига ҳам ҳукмдор фармон ва қарорлари тезда етиб борган. Амир Темур давлати байроғи ҳақида француз олими Л.Кэрэн "Куч - адолатда" деган ибора битилган уч халқадан иборат байроғи бўлган дея таъкидлайди. Уч халқани олимлар турлича таърифлашади. Хусусан, уч халқа ер, осмон, сув деб, баъзилари дунёнинг 3 қисми дея таъриф беришади. Давлатда эълон қилинган фармонлар – ёрликлар дея юритилган. Ушбу ёрлиқ, мактуб ва рухсатномаларда ҳукмдор одатда "Темурбек" деб имзо чеккан. Расмий ҳужжат ва тангаларда "Темур Кўрагон" деган сўзлар битилган. Темур давлатида этник, диний ва тил борасида айирмачилик ва тайзиқларга йўл қўйилмаган. Унинг ўзи она тили – туркий тилни ривожлантиришга катта эътибор берган.

Юқоридаги мулоҳазадан ҳам кўриниб турибдики, Амир Темур аҳоли барча қатламлари манфаатини ҳимоя қилган ҳам таянган. Ўрта асрлар шароитида

фақат ўта зукко ва оқил давлат бошлиғигина бундай мулоҳазани айтишга қодир эди.

Таъкидлаш лозимки, Амир Темур давлатида суд-ҳуқуқ соҳасига ҳам катта эътибор берилган. Аксарият ҳолда бу даврда жиноятга жазо бериш эмас, балки унинг олдини олишга катта аҳамият билан қаралган. "Тузуклар"да ҳар бир шаҳарда шаҳар ҳокимининг саройи (Доруламорат), қозихона (суд муассаси), адлия бошқармаси (Доруладолат) барпо этилган. Ҳуқуқни муҳофаза этувчи таркибда доруғалар катта роль ўйнаган. Айнан улар ўзларига қарашли ерларда тинчлик ва хотиржамликни сақлашга масъул бўлганлар. Шаҳар ва қишлоқлардаги қутволлар халқни тинчлигини қўриқлаб, бордию бирон нарса йўқолса ёки ўғирланса улар жавобгар бўлганлар. Йўловчиларни бир манзилдан иккинчи манзилга етказиш зобитлар зиммасида бўлган. Асарлар – тун қоровуллари бўлиб, маълум ҳудудларга бўлинган ҳолда жиноятларни очишда муҳим ўрин эгаллаганлар. Муҳтасиблар шариат қоидалари, бозор-ўчоғдаги қонунбузарликка қарши курашсалар, ички ишлардаги масъул шахс – ясағлиқ деб аталиб, умумий тинчлик учун у жавобгар бўлган. Шиҳналар – ҳарбийлардан тайинланган маъмурлар ҳисобланиб, улар шаҳар тинчлигига жавоб берганлар. Қўрчи деб аталган амалдор қурол-яроғ учун масъул бўлиб, уни керак ҳолда жўнатилаётганлигидан бохабар бўлган, шунингдек у подшоҳ саройини ҳам қўриклаган. Амир Темур тинчлик, адолатни таъминлашга катта эътибор бериб, ўз "Тузуклари"да ҳар қандай тухмат, айблов, бўхтонга текширувсиз ишонишни қоралаган. Хусусан, у фақат 4 киши гувоҳлик бергандагина ва исботланган тақдиргина айбдор жазога тортилишини таъкидлаган. Давлатда судлар ҳам ихтисослашган бўлиб, уларни уч тури мавжуд бўлган. Булар: 1. Лашкар қозиси – ҳарбий масалаларга оид жиноятларни; 2. Шариат қозиси – шариатга зид жиноятларни; 3. Қози– фуқаролик ишлари, жиноятларни кўриб чиқишган. Шариатга боғлиқ бўлмаган жиноятлар эса "Ясоқ" қонуни бўйича кўрилган.

Амир Темур шу тариқа XIV аср охирлари – XV аср бошларида ўз даврига нисбатан илғор бўлмиш давлат бошқаруви тизимини яратди. Бу тизим ўзида миллий давлатчиликнинг энг яхши анъаналарини жам этиб, ўзбек давлатчилиги тараққиётида муҳим из қолдирди.

1.5. Амир Темур даврида ҳарбий соҳага эътибор ва ҳарбий маҳоратнинг юксалиши

Жаҳон тарихида нафақат буюк давлат арбоби, балки улуғ саркарда сифатида ҳам ном қолдирган Амир Темурнинг ҳарбий иш соҳаси, мудофаа, хавфсизлик масалаларидаги сиёсати ҳам юқори эътиборга сазовордир.

Таъкидлаш жоизки, ўзаро урушлар хавфи бисёр бўлган ўрта асрлар даврида табиийки, давлат тинчлиги ва осойишталигига раҳна солувчи кучлар кўп бўлган. Раҳна солувчи кучлар ўз навбатида ички ва ташқиларга бўлинган. Ички хавфни аввало тахт ворислари, ўғил ва неваралар, қавм-қариндошлар, йирик зодагон ва ҳарбий бошлиқлар келтириб чиқариши мумкин эди. Шу боис биринчи навбатда ҳукмдор ички хавфни бартараф этиш масаласига катта эътибор билан қараган. Давлатга қарши фитна уюштирганларга қарши қандай

йўл тутиш керак деган саволга, Соҳибқирон ўз "Тузуклари"да шундай жавоб берган эди: "Амр қилдимки, агар ўғилларимдан қайси бировни салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб бош кўтарар экан, уни ўлдиришга, боғлашга ёки мучасидан бир жойини камайтиришга ҳеч ким журъат қилмасин. Лекин ўз даъвосидан кечмагунча асирликда сақласинлар, токи худонинг мулкида уруш чиқмасин". Таъкидлаш жоизки, Амир Темур масалани иложи борича тинчлик ва келишув йўли билан ечишга ҳаракат қилган. Албатта ушбу йўл давлат асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак эди. Шу боис у "Тузуклар"да масала моҳияти ҳақидаги сўзини давом эттириб, "Агарда набиралар ва кавм-қариндошлардан бири менга қарши кўтарилса, уни дарвешлик, мол-мулкини тортиб олиш ҳолатига солсинлар", деган эди. Давлатга қарши амирлар ва вазирлар фитнаси ҳам хавфли ҳолат хисобланган. Амирлардан бирортаси фитнада иштирок этса, у мансабидан туширилган. Шу ўринда масала моҳиятига чуқурроқ ёндошилса шу ҳол намоён бўладики, вазирлар бундай фитнада қатнашиши масаласига эҳтиётқорлик билан ёндошилган. Ўз "Тузуклари"да Соҳибқирон "агар вазирлар давлатга хиёнат қилган тақдирда улар шошма-шошарлик билан ўлдирилмасин", дея қайд қилган. Амир Темур ўзи таъкидлаганидек, ҳар бир муаммо ечимига сергаклик ва ҳушёрлик билан ёндашув лозим бўлган. Амир Темур бу борада "Тузуклар"да ёлғон гувоҳ ва туҳмат асносида таникли амирлардан бири бўлган Амир Аббосни ўлимга маҳкум этганлигидан қаттиқ афсусда бўлганини ёзади. У туҳматчи, ҳасадгўй ва кора ниятли мансабдорларнинг фитналарини катта хавф деб хисоблаган. Зеҳнли давлат арбоби сифатида ён-атрофидаги садоқатли шахсларни бежиз ўлдириб юборишни у қаттиқ қоралар эди.

Соҳибқирон давлат бошқаруви соҳасини муҳим ва нозик сиёсат майдони сифатида тушунган. Амир Темур фикрича, ҳукмдор заиф ва локайд бўлса ички хавф-хатарнинг ўзиёқ давлатни пароканда қилиши мумкин эди. Шунингдек, мамлакатда қонунларнинг бузилиши, уларга амал қилмаслик ҳам охир-оқибатда давлатни адолатсизлик ва парокандаликка олиб келувчи омиллар бўлиб хисоблаган.

"Ҳар ерда вилояту шаҳарда, - деб ёзган эди Амир Темур, ва Ўрдуда кундалик воқеаларни ёзувчиларни тайин қилсинларки, ҳокимлар, раият, сипоҳ, ўзининг ва ёт лашкарларнинг ҳатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин. атрофдан кирган-чиққан ёт мол-мулк, четдан кирган ёки четдан чиққан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва ҳукмдорлик ҳақидаги хабарлар, қўшни подшоҳлар, уларнинг гап-сўзлари, ишлари ва узок ўлкалардан келиб, менинг даргоҳимга келган уламолар, фузало, ҳақидаги сўзларни тўғрилик билан менга ёзиб турсинлар".

"Тузукот"да бу хусусда қуйидаги таърифни кўриш мумкин: "Амр қилдимки, турли мамлакатлар, саркардаларнинг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг максадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб, хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор-ҳол юз бермасидан бурун чора ва иложини килмайлик". Соҳибқирон хавфни бартараф этишдан аввал, унинг олдини олиш зарурияти муҳим эканлигини чуқур англаб етган. Амир Темур огоҳлик ва

ҳушёрликка катта аҳамият бериб, бу хусусида "Тузуклар"да алоҳида тузук ҳам ташкил этган.

"Мулку мамлакат, сипоҳу раият аҳволидан огоҳ бўлиб туриш тузуки" бу борада катта аҳамият касб этади. Унга кўра ҳар бир вилоят, туман, шаҳарда ҳамда лашкар қароргоҳида кундалик воқеаликларни ёзиб борувчи хабарнавислар лавозими жорий этилади. Мазкур лавозим эгаси масъул мансабдорларнинг ҳатти-ҳаракатидан, атрофдан кириб-чиққан мол-мулклар, ёт, нотаниш кишилар фаолияти, карвонлар, қўшни юрт ҳукмдорлари, подшоҳ саройига яқин кишилар хусусидаги маълумотларни ҳукмдорга тақдим этиб туриши лозим бўлган. Шунингдек, ташқи хавфдан огоҳ қилиш мақсадида мингта туя ва мингта от минган чопқунчи, минг нафар пиёда ҳолатдаги чопар тайин этилиб, улар ташқи хавф бўлишидан аввал тегишли хабарни ҳукмдорга етказишлари шарт бўлган.

Мазкур тузук ва воқеалар таҳлили шундан дарак берадики, Амир Темур давлат хавфсизлиги хизмати соҳаси тизимини ишлаб чиқиб, уни амалиётга татбиқ эта олган. Соҳибқирон ўзга давлатларга савдогар, шайх, дарвиш ва бошқалар ниқоби остида ўз айғоқчиларини ҳам юбориб, тегишли маълумотларни тўплаб олган. Аксарият ҳолда айғоқчилар олиб келган маълумотлар ёпиқ (махфий) мажлисларда муҳокама этилган. Ҳар бир жойда хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилинган, масъул шахслар ҳар қандай вазиятда ҳам хавфсизликни сақлашга тайёр бўлиб турганлар. Ички низо ва парокандалик, таҳликали урушларга тўла бўлмиш ўрта асрлар шароитида хавфсизлик масаласига эътибор энг олдинги ўринлардан бирида туришини Соҳибқирон яхши англар эди.

Юқоридаги мулоҳазадан келиб чиққан ҳолда ҳам ҳукмдорнинг хавфсизлик қоидаларига амал қилиши ҳам табиий ҳолат эди. Амир Темур сарой ва девонни қўриклаш хизматига биринчи галда эътибор билан қараб, ўн икки минг аскар уруш ва тинчлик бўлишидан қатъий назар уни тўрт томонлама қўриклаб турган. Ҳар кеча эса минг нафар қуролли аскар соқчиликни амалга оширган. Ҳар бир юз соқчи устидан бир юзбоши масъул этиб қўйилган. Бундай қўриқчи соқчилар шаҳар ва қишлоқларда, чегара постларида, муҳим карвон йўлларига ҳам қўйилган. Уруш вақтида эса ўн икки минг қуролланган отлиқ ўз бошлиқлари (амирлар, мингбошилар, ўнбошилар) тўрт қисмга бўлиниб, улар ўнг (баронғор), чап (жавонғор), ўрдунинг олди ва орқа қисмларига жойлаштирилганлар.

Ушбу тўрт қисм навбатма-навбат ўрдудан узоқлашмаган ҳолда соқчилик қилган. Бу тўрт қисм-тўрт сипоҳий фавж деб аталиб, ўзлари учун ҳировул белгилаганлар. Ҳировулдан қоровуллар тайин этилган. Улар ҳар бир хабарни ҳушёрлик билан ўрдуга етказиб турганлар. Соҳибқирон қўшни ва ўрдунинг ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида қўшин орқасидан тўрт фавж (яъни қисм) чопқунчилар тайёрлашни буюрган. Бу чопқунчилар тўрт фарсах атрофида лашкарни қўриклаб борганлар. Хавфсизлик учун тайин этилган тўрт фавж чопқунчи лашкарнинг учдан бир қисми чегараларни қўриклаш ишига тайин этилган.

Қўшиннинг (фавж) учдан икки қисми эса ҳамиша салтанат хизмати ишига шай бўлиб турган. Амир Темур "Тузуклари"нинг кўплаб жойларида

хавфсизликни таъминлаш учун ҳушёрлик зарурлиги, масъул шахслар ўз ишларига сидқидилдан ёндашувлари даркор эканлиги, давлат хавфсизлиги учун эса ҳукмдорнинг ўзи тўлақонли жавобгар бўлиши қайд этилади. Ўз даврининг моҳир ва зеҳнли, буюк саркардаси ҳисобланган Амир Темурнинг ҳарбий иш соҳасидаги сиёсати юқори эътиборга молик масалалардан бири бўлиб, у узоқ йиллар давомида турли даражадаги тадқиқотчилар изланишларига мавзу бўлиб келган. Унинг ҳарбий иш соҳасидаги фаолиятига Шарқ ва Ғарб тарихчилари, шарқшунослар юқори баҳо бериб келишган.

Амир Темур ҳарбий иш соҳаси тизимини мукаммал равишда ишлаб чиқди, Чингизхон давридан қолган ҳарбий иш соҳасини қайта ташкил этди. Соҳибқироннинг ҳарбий иши тизими масаласи XXI асрда ҳам дунёнинг кўплаб етакчи давлатлари ҳарбий ўқув юртларида ўқитилмоқда. Амир Темур ҳарбий сиёсатининг асосий мақсади – мамлакатни ички ва ташқи хавфдан ҳимоя этиш, геосиёсий майдондаги парокандалик ва беқарорликнинг олдини олиш, ҳудудда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, яхлит геосиёсий майдондаги вазиятни тўла назоратга олиш ҳисобланган. Ҳарбий юришлардан кўзланган мақсадни эса "Тузуклар"да юқорида қайд этилган масала моҳиятини маслак қилиб олган ҳолда қуйидагича таърифлайди: "Бирон мамлакатда жабр-зулм ва фисқу-фасод кучайиб кетаркан, асл подшохлар адолат ўрнатиш, фиск-фасодни, зулмни йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга ҳужум бошлаши лозим".

Амир Темур қўшини Чингизхон қўшини каби ўнлик, юзлик, минглик каби ўнлик, юзлик, минглик ва ўн минглик (туман)ларга бўлинган. Қўшинни бу тариқа бўлинишидан кўзланган мақсад аввало бошқарувни осонлаштириш, тезкор ҳаракатни таъминлаш, тартиб-интизомга қатъий риоя этиш ва уни кучайтириш, зарур вақтда эса дарҳол қўшин сафини тузиш ҳисобланган. Айнан Амир Темур қўшинни тезлик билан сафланиш механизмини ҳам ишлаб чиққан. Қўшинга эса жанг сир-асрорини яхши биладиган, мард ва жасур, довюрак ва садоқатли 313 нафар амирлар раҳбар этиб тайинланганлар. 313 нафар амирдан 100 нафари ўнбоши, 100 нафари юзбоши, яна юз нафари мингбоши бўлган. Жанг вақтида амир ул-умаро амирларга, амирлар мингбошиларга, мингбошилар юзбошиларга, юзбошилар ўн бошиларга бошлиқ бўлиб, уларнинг буйруқларини сўзсиз бажарганлар. Уларнинг ҳар бирида ҳам ўз ўринбосарлари бўлган. Агарда амир уруш вақтида ҳалок бўлгудек бўлса, унда унинг ўрнини дарҳол ўринбосари эгаллаши лозим бўлган. Қўшинда 40 аймоқдан ўн иккитасига махсус тамға берилган ва бу икки уруғдан хос навкарларликка ҳам олинган. Улар – барлос, тархон, арғин, жалойир, тулкичи, дўлдай, мўғул, сулдус, туғой, кипчоқ, арлот, татар уруғлари бўлган. Тамғага етмаган 28 аймоқ бошликларига кичикроқ даражадаги уруғ амирликлари берилган. Ҳар бир аймоқ ўзининг мақоми ва ҳуқуқларига эга бўлган.

Жангларда илк марта катта жасорат ва баҳодирлик намунасини кўрсатган оддий аскарга ўнбоши даражаси берилган. Айнан шу аскар жангда яна бир бор жасорат намунасини кўрсатса, унга юзбоши унвони берилган. Агар у учинчи марта баҳодирлик рағбатини кўрсатса, у ҳолда унга мингбоши мартабаси берилган. Кейинчалик жангдаги фаолиятига қараб 12 даражали амирлик поғонасидан кўтарилиб борилган. Амирлар даражасига қараб, қўшига бош

бўлган. Масалан, биринчи амир – минг кишига, иккинчи амир – икки минг кишига, учинчи амир – уч минг кишига бош бўлган ва ҳоказо. Амирлар ўз даражаларига қараб бир-бирига ноиб этиб тайинланганлар. Масалан, биринчи амир иккинчи даражали амир ноиби бўлган ва ҳоказо. Тўрт нафар бекларбеги даражаси ҳарбий даражаларининг энг юқориси ҳисобланган.

Ўн иккинчи даражали амир эса амир ул-умаронинг ноиби ҳисобланган. Амир-ул умаро эса Амир Темурнинг ноиби дея эътироф этилган. Амир ул-умаро агар майдонда ўн икки минг нафар душман қўшини йиғилмаса жангга кирмаган. Агар қайси бир оддий аскар қилич чопиб, баҳодирлик кўрсатса, унга инъом тарзида чўмоқ, қимматли тошлар, қадалган ўтоға, камар, қилич ва от берилиб, у ўнбошилик мартабасига кўтарилган. Агар қайси бир амир бирон мамлакатни эгалласа ёки душман лашкарини енгса, у учта нарса билан тақдирланган:

1. Фахрли нисба; 2 Туғ; 3.Ноғора.

Бундай шахслар "баҳодир" деб ном олиб, ҳурмат-эътиборга сазовор зотлар ҳисобланган. Жасорати учун ўнбошига – шаҳар ҳокимлиги, юзбошига бирон бир ҳудуд берилган. Қайси бир амир душман ҳукмдори ёҳуд шаҳзодасини енггудек бўлса унга ҳам шунда ҳурмат кўрсатилиниб, унинг хизматига улус ва чегара вилоятларидан бири ҳам берилган. Масалан, Амир Темур ўз "Тузуклари"да машҳур амирлардан бири бўлган Ики Темурнинг жасорати ҳақида сўз юритиб, уни ўзига маслаҳатчи ва вазир этиб тайинлаганлигини ҳамда чегара вилоятларидан бирини унга берганлигини қайд этади. Мукофот тариқасида баъзида амирларга бирон-бир ҳудуд 3 йилга ёки бошқа бир муддатга инъом ҳам этилган. Амир Темур қўшинни парокандаликдан сақлаб, ҳар қандай айирмачилик ҳаракатига йўл қўймасликка ҳаракат қилган. Унинг қўшинида турли тилларда сўзлашувчи қавмлар бемалол хизмат қила олган. Қўшинда ҳар қандай диний, ирқий камситишларга йўл қўйилмаган. "Тузуклар"да яна бир ҳолатга алоҳида эътибор билан қаралади. Амир Темур ўрта аср шароитида кексайиб қолган сипоҳийларга ҳам эътибор билан караган. Бу хусусда, "Тузуклар"да жумладан шундай дейилади: "Қайси бир сипоҳий хизматда юриб қарилик ёшига етар экан, уни ойлик ҳақдан маҳрум этмасинлар ва мартабасидан туширмасинлар. Ҳеч бир сипоҳийнинг хизмати назардан четда қолмасин. Чунки улар давлат хизматида экан, боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямаганининг ўзи ҳам инъомга ва моддий таъминотга лойиқлигини билдиради. Уни инъомидан маҳрум қилиб, хизматларини кўрсатмасалар, ноинсофлик қилган бўлурлар". Тарихий манбаларда ҳам Амир Темурнинг урушда жароҳат олган, кексайиб колган ҳарбийларга эътибор билан қарагани, керак бўлса уларга алоҳида нафақа тайин этганлиги, тегишли мукофот ва совғалар тақдим этганлигини кўриш мумкин.

Амир Темур кекса сипоҳийлар ҳурматини жойига қўйишни таъкидлаган ҳолда улардан керакли маслаҳатлар олиш лозимлигини алоҳида қайд этади. "Тузуклар"да бу хусусида Соҳибқирон уларни ҳатто "салтанат корхонасининг устунлари" деб шарафлаб, улардан кейин юқори ҳурматни ўғилларига нисбатан кўрсатишни таъкидлаган. Амир Темур душман томонидан асир бўлиб тушган сипоҳийга танлаш ҳуқуқини берган. Агарда улар ихтиёр этишса Соҳибқирон қўшинига ҳам қабул қилинишлари мумкин бўлган, агар йўқ дейишса тинчлик

йўли билан озод этиб, уйларига жўнатиб юборишган. "Тузуклар"да Соҳибқирон Боязиднинг асир тушган 4 000 нафар аскарларини озод этиб юборганлигини мавзуга мисол тарзда ҳам келтиради. Бу билан Амир Темур оддий аскар, сипоҳийларнинг ҳақ-ҳуқуқи, эркини ҳимоя қилиб, ўз даври учун илғор ҳамда тараққийпарвар нуқтаи-назарни илгари сурган.Соҳибқирон ғаним томонидан унинг ҳузурига паноҳ излаб келганларга ҳам марҳамат кўрсатган. Ўз "Тузуклари"да Амир Темур Шер Баҳром ва Менгли Буға номли саркардаларнинг у томонига ўтганлиги боис тегишли равишда иззат-ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилганлигини эслатиб ўтади.

Қўшинда ҳар бир мансабдор шахсга бир-биридан фарқланувчи ҳарбий анжом-аслаҳалар берилган. "Катта ноғора ва байроқ бериш тузуки" деб номланган тузукда қандай ҳарбий анжом ва мукофотлар тақдими баён этилади. Ҳарбий бўлинма (фавж)ларнинг ҳам турли рангдаги туғлари, совут, зирҳи, қалқони, эгари, ёпинчиғи, белбоғи, ўқдони, халтаси бўлган.

Ҳарбий юриш вақтида оддий аскарлардан ҳар ўн саккиз киши ўзи билан бир чодир олиб, ҳар бир аскарда 2 нафар от, бир камон, бир ўқдон, битта қилич, арра, бигиз, бир қоп, жуволдиз, теша, болта, ўнта игна, чарм халта бўлиши шарт бўлган. Баҳодирлардан эса ҳар беш нафари битта чодир олиб, уларнинг ҳар бирида битта жавшан (темир совут), дубулға, бир қилич, садоқ (ўқдон), ёй ва от олиши керак бўлган.

Ўнбошилардан ҳар бири эса ўзи билан бирга битта чодир, совут, қилич, садоқ, ўқ-ёй, бешта от олган.

Юзбошилардан ҳар бирида битта чодир, ўнта от, қилич, садоқ, ўқ-ёй, гурзи, чўқмор, коскан (сим рўмол), зириҳ, бағтар (ҳарбий камзул) бўлиши лозим бўлган. Мингбошилардан ҳар бири ўзи билан бир чодир, бир соябон, жавшан (темир совут), дубулға, найза, қилич, садоқ ва ўқ-ёйдан хоҳлаганича олиши мумкин бўлган. Биринчи амир 110 та от олиши лозим бўлса, бу 12 та поғона бўйлаб ўнтадан кўпайиб борган. Амир ул-умаро ўз навбатида 300 тадан кам бўлмаган ҳолда от олиши керак бўлган. Пиёдаларга албатта битта қилич, камон, қўтарганича ўқ-ёй олиши шарт бўлган.

Бундай қўшин таъминоти тўғри ва асосли равишда ташкил этилган бўлиб, харбийлар орасида мувозанат ва тезкорликнинг амалга ошириша пойдевор бўлиб хизмат қилар эди. Амир Темур амри билан ҳар қандай ўнлик орасида энг муносиби шу уруғнинг 9 та аъзоси розилиги билан ўнбоши этиб тайинланган. Ўн нафар ўнбоши эса энг муносиб номзодни юзбоши сифатида номзод қилиб кўрсатганлар. Ўнта юзбоши эса ўзларига битта асл муносиб шахсни мингбоши деб топганлар. Бу мингбоши ўз навбатида амири ҳазора деган мурожаатга сазовор бўлган. Белгиланган қоидага мувофиқ ҳар бир юкори мансабли ҳарбий раҳбарнинг буйруғи сўзсиз бажарилган. "Тузуклар"да ҳарбийлар, қўшинга маош бериш тартиби ҳам эътиборга лойиқдир. Унга кўра ҳарбийлар таъминоти тегишли даражада бўлиши ва ҳеч қандай муҳтожлик уларга таҳдид этмаслиги лозим эди. Оддий сипоҳийга (у ўз вазифасини яхши уддалаши шарти билан) бериладиган маош у минган отнинг баҳосида бўлган. Баҳодирларнинг маоши икки от баҳосидан тўрт от баҳосигача тайин этилган. Ўнбошилар маоши оддий сипоҳийдан ўн баробар ортиқ бўлиши керак бўлган. Юзбошилар маоши

ўнбошиларга қараганда икки баравар, мингбошиларники эса юзбошиларникидан уч баравар ортиқ бўлиши лозим эди. Агар сипоҳийлардан қайси бири уруш вақтида хатоликка йўл қўйса, у ҳолда унинг маоши ўндан бирга камайтирилган. Амир ул-умаронинг маоши ўз қўл остидагиларникидан ўн баравар ортиқ бўлиши белгилаб қўйилган. Сипоҳийларнинг ҳар бирига маош олиш ёрлиғи топширилиб, уларга берилган маблағ миқдори шу ёрлиқнинг орқасига ёзиб қўйилган. Жангда олинган ўлжа эса одатда икки қисмга: ҳукмдор хазинаси ва лашкар орасида бўлинган.

Амир Темур ҳокимиятни олганидан сўнг аввало мудофаа иншоотлари, истеҳком деворларини қайта қуриш, мустаҳкамлаш ишига катта эътибор берди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маълумотига кўра, Самарқанд истеҳком девори яхлит, баланд учли буржлари бўлиб, узунлиги 10 600 қадамни ташкил этган. Кейинчалик истеҳком деворлари таъмирланиб, қалинлиги 4,5 метр келадиган янги девор қурилган. Арк ёнида иккита мустаҳкам мудофаа минораси қурилган. Унинг ички дарвозаси махсус истеҳкомлар билан мустаҳкамланган. Девор ва миноралар шунчалик мустаҳкам бўлганки, улар девор бузувчи мосламалар зарбига ҳам чидаган. Деворларнинг баландлиги уларнинг қалинлигига қараганда уч марта кўп бўлган. Қўрхона манзилгоҳида эса (у шаҳар жанубида бўлган) турли мамлакатлардан келган қуролсоз усталар яшаб, меҳнат қилишган. Қўшин жанчилари ҳам аксарият шу мавзеда яшашган. Мустаҳкам мудофаа деворлари бошқа шаҳар ва қўрғонларда ҳам барпо этилган эди. Хусусан, 1392 йили А.Темур томонидан ўғли шарафига атаб қайта қурилган Шоҳрухия қўрғони моҳирона барпо этилган ҳарбий қўрғон вазифасини ўтган.

Амир Темур давлати ҳарбий кучлари, унинг тузилиши, ҳарбий санъат ва маҳоратнинг шу даврда тараққий этиши, қўшинининг салтанатда тутган мавқеи хусусидан кўплаб маълумотлар "Тузуклар"дан ташқари қатор тарихий манбалар, хусусан Ғиёсиддин Алининг "Ҳиндистон кундалиги", Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома", Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" каби асарларида, испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ва европалик рицар Шильтбергернинг "Кундалик"ларида учрайди. Шунингдек, муаррихлардан Ҳофизи Абру, Шарофиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий асарларида ҳам юқоридаги мавзу бўйича кўплаб қизиқарли маълумотлар учрайди.

XIX – XX аср Ғарбий Европа ва Россияда масала моҳияти бўйича Д.Николь ва М.И.Иванинларнинг асарлари юқори эътиборга лойиқдир.

Амир Темур кучли марказлашган давлат барпо этгач, аввало унинг ҳарбий салоҳиятини кучайтиришга катта аҳамият берди. Соҳибқирон Чингизхон қўшини тузилиши тартибини қайта ташкил этишга бел боғлади. Қўшин тузилиши, унинг таркибий жойлашуви, тактик усулларига янгиликлар киритишга ҳаракат қилди. У мусулмон шарқида илк бора ўз қўшинига ўточор қурол, яъни тўпраздни олиб кирди. Шунингдек, у тоғли ҳудудларда жанг ҳаракатлари олиб борувчи пиёдалардан тузилган махсус ҳарбий қўшинни ҳам ташкил қилди. Таъкидлаш жоизки, у жаҳон ҳарбий санъати тарихида биринчи бўлиб қўшинни жанг майдонида еттита қўл (корпус)га бўлиб жойлаштириш тартибини жорий қилди. XIX аср рус ҳарбий тарихчиси М.И.Иванин бу хусусда "Ҳали бирорта ҳам халқ қўшинини тўғри сафлашни билмай, тартибсиз ва тактик

ҳаракатларсиз, фақат ўзидаги жасорат даражаси билан узун-юлуқ жанг қилаётган бирпайтда Темурнинг тўғри сафланган, бир неча йўналишдан иборат мунтазам тартиб билан жангга кирувчи, кучли заҳирага эга бўлган кучли армияси бор эди", ўзининг юқори холис баҳосини берган эди. Шарофиддин Али Яздий ҳам ўзининг "Зафарнома" асарида "ҳали ҳеч кимни ўйлаб топган услубини Соҳибқирон ўйлаб топиб, қўллаганлигини", алоҳида қайд этган эди. Амир Темур қўшинида ўша давр учун хос бўлмаган яна бир ҳолатни кўриш мумкин эди. Унинг қўшинида аёллардан тузилган бўлинмалар ҳам бўлиб, улар эркаклар билан бир каторда жангга киришганлар. Мазкур ҳол ҳам ўрта аср мусулмон шарқи учун мутлақо янгилик эди.

Амир Темур тузган қўшинда мунтазам армияга хос бўлган кўпгина белгилар мужассам эди. Хусусан, қўшин сон жиҳатдан аниқ ва пухта ташкил қилинган, унинг жанговор тартиби жангдан-жангга такомиллаштирилиб борилган, қўшин ўз замонасининг илғор қурол ва техникаси билан қуролланган, айнан бир турдаги қурол-яроғ, аслаҳа-анжом билан таъминланган қисмлар бир-биридан кийим-боши, тутган байроқ ёки туғи оркали ҳам фаркланган. Бундай ажралиб туриш жанг вақтида қўшинни бошқаришда жуда аскотган. Қўшиннинг қисм, полкларга тақсимланиши, ҳар бири учун маълум бир турдаги аскарий кийимларининг жорий этилиши каби янгиликлар кейинчалик европалик халқлар томонидан ўзлаштирилди. Амир Темур мўғуллардан фаркли равишда узоқ юришлар вақтида пиёдаларни ҳам от билан таъминлаган. Қайд этиш керакки, аниқ нишонга ўқ отиш лозим бўлган пайтларда отлиқ қўшини ҳам отларидан тушиб, яёв ҳолда ҳаракатланган, қўшинида асосий ролга эга бўлган отлиқ қўшин тез ҳаракат қилувчи сафарбар енгил суворийларга ва оғир қуролли отликларга бўлинган. Оғир қуролланган отлиқ қўшиннинг вазифаси душманга ҳал қилувчи зарбани беришдан иборат эди. Агар мўғулларда оғир қуролни кўриклаш мақсадида фойдаланган бўлса, Соҳибқирон жангда уларнинг ролини янада орттирди.

Оғир қуролланган суворийларнинг катта қисмини сара отлиқ қўшинлар ташкил этган. Шунингдек, асосий жанговар бўлинмалардан ташқари қуйидаги ёрдамчи қисмлар ҳам мавжуд эди:

- қамал қилувчи, тош отувчи машиналар, "юнон олови"ни отувчи, девор бузувчи техникадан иборат ўзига хос артиллерия;

- доимий равишда қўл остида туриши лозим бўлган воситаларни тайёрлаш, кўприклар қуриш, кемалар ясаш, кема ҳайдаш ва бошқа ишлар учун махсус усталар отряди;

- жангда фойдаланилган, қўл остидаги жанговар воситалар ва ҳайвонларни (фил, туя, ҳўкиз) бошқариш отряди;

- тоғларда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш учун даралардан ўта оладиган ва баланд қояларни штурм қила оладиган махсус пиёда бўлинмалар.

Шу ҳолатда Амир Темур ҳарбий қўшин таркибини бойитиб, янада кенгайтирди ҳамда ҳар қандай шароитларда ҳам жанг олиб боришга мослаштирди. Ҳарбий юришдан аввал чақирилган машваратдан сўнг, ҳукмдорнинг махсус буйруғи-тункал эълон қилинган. Тункал – қўшин тўплашга қаратилган махсус буйруқ ҳисобланган.Фармон (тункал) тегишли жойларга бош

қўмондоннинг адъютанти – тавочи томонидан тезлик билан етказилган. Тавочининг зиммасига аскар жам этишдан ташқари қўшин қисмларининг қароргоҳ ёки сафардаги ўрни, жанговар тартибни ҳамда бир жойдан иккинчи жойга кўчишини назорат қилиш ҳам юклатилинган эди. Тункалга кўра вилоят ҳокимлари, тегишли ҳудудлар беклари, қалъа, қўрғон доруғаларининг Амир Темур томонидан тузилган рўйхатга кўра, ўз жангчилари, зарур от-улови, қурол-яроғи, озиқ-овқати, ем-хашаги билан белгилаб қўйилган жойга ўз вақтида етиб келиши шарт бўлган. Аввалдан махсус танлаб, белгилаб қўйилган жойда- миод ерида олий бош қўмондоннинг қароргоҳи тикилган ва у турли рангдаги туғ ҳамда байроклар билан безатилган. Белгиланган вақтда лашкаргоҳга етиб келган аскарлар қатъий тартиб ва интизом билан ўз позицияларини эгаллаган ҳамда юриш олдидан ўтказилажак анъанавий ҳарбий кўрикка пухта тайёргарлик кўра бошлаган. Амир Темур ҳарбий юриш вақтида тажрибали сипоҳийларга катта ишонч билдирганки, бу "Тузуклар"да ҳам ўз ифодасини топган.Жангларда чиниққан ҳарбийлар сафар бошланишидан аввал жам этилган. Улар кирим-чиқим дафтарига, шунингдек давлат маоши-улуфа, озиқ-овқат, ем-хашак олувчилар рўйхатига киритилган. Қўшин тўплаш ҳақидаги фармон эълон қилиниши билан аскарлар ўз оила, бола-чақаси, мол-мулки ва қурол-аслаҳаси билан миод ерига етиб келган. Оддий аскардан тортиб то йирик саркардагача барча ўз ўрнини аниқ-равшан билган. Таъкидлаш жоизки, қўшин жам этилиши жараёни ортиқча шовқинсиз билан бажарилган. Қўшин билан бирга юришда керак бўлувчи новвой,қассоб, гўшт билан савдо қилувчилар, арпа ва мева-чева сотувчилар ҳам кўчиб юришган. Кўплаб касб-ҳунар эгалари аскарларга хизмат кўрсатишган.

Амир Темур жанговар тактикасига мувофиқ агар душман 12 000 дан ортиқ, лекин 40 000 дан кам жангчига эга бўлса, Соҳибқирон уларга қарши 40 000 кишидан кам бўлмаган қўшинни жўнатган. Лашкарбоши сифатида ўз ўғилларидан бирини тайин этиб, унинг олдига 2 нафар тажрибаси амир ва бошқа ҳарбийларни қўйган. Бу борада жанговар тартиб қуйидагича бўлган. Қўшин 14 қисмга бўлиниб, бу қисмлардан бири умумий корпус сонининг 1/3 қисмидан кам бўлмаган миқдорида саркарда бошчилигида захирада турган, ўнг ва чап қанотларга учтадан қисм тайинланган, улар иккинчи чизиқни ташкил этган. Мазкур қисмлардан биттадан ажратиб олинган ва улар аванғорда турган, бошқалари ҳар бир қанотнинг ўнг ва сўл ёнини ташкил этган; ўнг ва чап қанотлар аванғорлари олдида яна биринчи чиқиш ташкил этган, булардан ҳам баттадан қисм аванғор сифатида ажратиб олинган, бу қисмларга яхши қуролланган, тажрибали жангчилар тайин этилган. Улар жанг вақтида сурон кўтаришлари ва душман аванғорини саросимада қолдиришлари керак эди. Агар душман қўшини 40 000 нафардан ортиқ бўлса, у ҳолда Амир Темурнинг ўзи унга қарши шахсан ўзи от сурган. Бунда 40 та ҳарбий қисм бевосита Амир Темурнинг қўмондонлиги остида бўлган, улардан 12 та сараланган қисм биринчи каторни, қолган 28 таси иккинчи ва учинчи қаторларни ташкил этган. Унинг ўғиллари ва тажрибали амирлари бошчилигидаги қўшинлар мазкур қирқ бўлинманинг ўнг қанотини ташкил этган, қариндошлари ва иттифоқчилари бошчилигидаги жойлашган. Бу қисмларнинг ҳаммаси захирани ташкил этган ва агарда ёрдам

лозим бўлса ўша ерга жўнатилган. Манбаларда отлиқ аскарлар Амир Темур армиясининг зарбдор қисми бўлиб хисобланиб, улар оғир ва енгил қуроллар билан қуролланган суворий гуруҳларга бўлинган.

Амир Темур жанг вақтида тезлик билан бошқариш ишига катта эътибор қаратган. У ўнлик, юзлик, минглик, ўн минглик қўмандонларини танлаш ишига шахсан раҳбарлик килган. Лашкарбошилик салоҳиятига эга бўлган қўмондонларнинг тўғри танланганлиги ва ўз жойига қўйилганлиги аксарият ҳолатларда жанг натижасининг муваффақиятли якунланишига сезиларли таъсир кўрсатган. Амир Темурнинг харбий санъат тараққиётига қўшган катта хизматларидан яна бири - бу қўшин қанотларини жанг вақтида душман ҳужумидан муҳофаза килиш ва аксинча, душман кучларини ён томонидан айланиб ўтиб, унга орқа томондан зарба қисмини жорий этилиши хисобланади. Бундай мутлақо янги харбий қисм илгари ўтган ҳеч бир машҳур саркардалар (Александр Македонский, Буюк Фридрих, Чингизхон ва бошкалар) қўшинида бўлмаган. Таъкидлаш жоизки, Наполеон армиясининг жанговар тартибида қўшин қаноатларини ҳимояловчи қисм мавжуд бўлган. Ҳарбий мутахассисларнинг тадқиқотига кўра, Наполеон ўз вақтида Амир Темур қўшинининг тузилиши, жанг олиб бориш йўл-йўрикларини синчиклаб ўрганган, Соҳибқирон тактик усулларини лозим бўлиб қолган вақтида ўзлаштирган ҳам. Амир Темурни шунингдек, душманга қўққисдан қақшатқич зарба бериш усули ҳам шуҳрат қозонган эди. Бунда душман қароргоҳи аниклангач, Амир Темур унга тунда яқинлашар, қуёш чиқаётган вақтда қутилмаганда душман устига ёпирилиб кирар эди. Соҳибқирон ўз харбий юришларини кўпроқ баҳор-куз мавсумида амалга оширишни маъқул деб хисоблар, қишни эса кишлов учун мўлжалланган қишлокларда ўтказар эди.

Соҳибқирон харбий кучларининг умумий миқдори 800 000 атрофида бўлишига қарамай, йирик юришларда иштирок этувчи лашкар сони 100 000 дан 250 000 атрофида бўлган. Таъкидлаш жоизки, Хитой юришига отланган қўшин сони 272 612 кишидан иборат бўлган. Муаррих Шарофиддин Али Яздийнинг ёзишига кўра сафар тартибига кўра ҳар бир туманбеги, мингбеги, юзбеги, ўнбеги ўз даражаси, мавқеи ва сафда эгаллаган ўрнига қараб қисм ва бўлинмалари билан жанговар тартибда ҳаракат қилган. Тартибни бузган шахс Соҳибқирон томонидан қаттиқ жазоланган. Қўшин дам олишга тўхтаганда ёки жангтоҳга тушганида лашкаргоҳ атрофи бир-бирига занжирбанд қилинган аравалар билан маҳкам ўралган, шохлар билан тўсилган, ҳандақлар билан иҳота қилинган. Истеҳком кундузи- язак ва тунги-талоя сокчи бўлинмалар ёрдамида қўриклаб турилган. Душман кўриниши билан лашкар ҳандақдан чиққибунга қарши юзланган. Юриш вақтида пароканделикка йўл қўймаслик мақсадида ҳар бир бўлинма, гуруҳ, қисмнинг ўз пароли (ўрон) бўлган. Душман қўшинини жангга киритиш мақсадида Амир Темур ўзини заиф қилиб кўрсатар эди. Бу стратегик хийла (савқул-жайш) кўп ҳолларда яхши самара берар эди. Дастлабки тўқнашув енгил разведкачи суворийлар (коровул) томонидан бошлаб бериларди. Шундан сўнг ўнг ва чап қанот илғор қисмлари - баронғор хировули ва жавонғор хировули мададида асосий илғор қисм-манглай жангга қадам қўйган. Манглай ортидан баронғор ҳамда жавонғорнинг қолган икки бўлаги, яъни чаповул ва

шаковул пешма-пеш ҳаракат қилган. Мабодо, ушбу куч душманни мағлуб этишга кифоя қилмаса, у ҳолда бош қўмондон –амирул-ул-умаро бошчилигидаги етакчи кучлар – қўл (ғўл) ҳал қилувчи жангга ташланган. Душманда қочиш белгилари ва мағлубият аломатлари аён бўлиб қолганда уни таъқиб этиш учун чапдаст суворийлардан тузилган қувғинчи тайин этилган. Душман қалъаси деворлари яқинида тошотар замбараклар (манжаник) қурилиб, ғалтаклар устига ўрнатилган арродалар тикланиб, қамалдагиларга қарата ҳар тарафдан тошлар ирғитилган. Аскарлар арқон, нарвон,турли халқалар ёрдамида юқорига кўтарилганлар. Амир Темур қўшинида ичига ёнувчи модда – нафт (нефть) солинган кўзачалар, ирғитувчи ўт сочиш қуроли – раъдни узлуксиз ишлаб туришини таъминловчи махсус тўпчилар – раъдандозлар мавжуд бўлган. Бундай тўпчиларнинг сони Низомиддин Шомийнинг ёзишига кўра, 10 минг нафарга етган. Таъкидлаш жоизки, раъдандозлар Амир Темур томонидан илк марта 1379 йили Урганчни қамал қилиш вақтида ишга туширилган.

Клавихони ёзишига кўра, темурий лашкарбоши тинчлик вақтида зарҳал ип билан тикилган ҳаворанг сатни қимматбаҳо тошлар қадалган бўрк (бош кийим) бўлган. Амир Темур қўшиннинг жанговар ҳолатини аскарият дашт ва яйловларда имтиҳондан ўтказар эди. Ҳамма йиғилгач қўшин турига караб (ёйчилар, тўпчилар, найзадорлар ва ҳоказо) кўрикдан ўтказилган. Кўрик охирида қўшин ортидан борувчи оғир қарвон-ўғруқ ҳам назоратдан ўтказилган.

Ҳарбий мусиқачилар ижросидаги жанговар куйлар остида олий бош қўмондон кўрикни амалга оширган. Сафдаги жангчилар найзаларини баланд кўтариб, ҳаммалари кучли наъра тортиб, юришга шай эканликларини баён этишган. Юқорида таъкидланганидек, ҳар бир фавжнинг ўз байроғи бўлган. Қўшин юриш вақтида қуйидаги жанговар тартибда ҳаракат қилган. Бош кучлардан анча аввал қоровул, ундан кейин манглай (ҳировул-авангар), баронғор, жавонғор, қўл, чағдавул юрган. Қўшин ортидан оғир карвон ўғруқ юрган. Ўғруқда қўшин раҳбарлари ва ҳарбийлар оилалари, тегишли озик-овқат, ем-хашак, қурол-аслаҳа ва бошқа тегишли нарсалар бўлган. Сувдан ўтиш босқичма-босқич амалга оширилган. Дарё бўйига етиб келган қўшин кечувдан қисм-қисм бўлиб ўта бошлаган. Серсув ва серёмғир пайтда қайиқлар бир-бирига боғланиб, ўзига хос кўприк тайёрланган. Амир Темур жанг майдонининг танлашда шахсан иштирок этиб, бу хусусида "Тузуклар"да ҳам фикрини бериб ўтган.

Амир Темур ўз "Тузуклари"да уруш майдонини танлашда тўрт нарсага амал қилиш лозимлигини таъкидлайди. Булар:

1. Ўша ернинг сувга узоқ-яқинлиги;
2. Аскар сақлайдиган ернинг хавфсизлиги;
3. Душман аскари турган ердан тепароқда бўлиш ва қуёшга рўпара бўлиб қолмаслик;
4. Уруш майдонини олди очиқ, кенг жой бўлиши лозим.

Юқорида таъкидланганидек, Амир Темур душман ҳудудига ўз айғоқчилари (хабаргир, жосус)ни тез-тез жўнатиб, тегишли маълумотларга эга бўлганидек сўнггина юришни амалга оширган. Маълумотлар баъзан савдогарлар орқали ҳам олинган. Амир Темур чет эл савдогарларига ҳам ҳомийлик қилиб

улардан турли маълумотларни ола билган. Амир Темур харбий хийлани ўз вақтида ишлатишни билиб, шу боис кўп ҳолда ютукларга эришган.

Уруш вақтида байроклар ҳаракати ҳам ишга солиниб, бу душманни чалғитишга ёрдам берган. Масалан, Тўхтамишхон билан бўлган жангда Амир Темур байроқдорни сотиб олиб, уруш қизиган вақтда душман байроғи тушиб кетган. Бу эса мўғул жангчилари ҳолатига салбий таъсир кўрсатган. Амир Темур ноғоралар, турли ҳайқирикларни ишга солишга ҳам моҳир бўлиб, ҳудудлар эгалланишидан аввал у қанча вақтда забт этилиши хисоблаб чиқилар, саркардалардан эса белгиланган муддатда ҳарбий ҳаракатларни ниҳоясига етказилиши қатъий тарзда талаб қилинар эди. Амир Темур истеъдодли саркарда, моҳир лашкарбоши сифатида ўта интизомли қўшин барпо этди. Ўзининг 35 йиллик ҳукмронлиги даврида бу қўшин маҳорати юқори даражада ўсди. Амир Темур ҳарбий ташкилотчи сифатида янги ҳарбий тактик усулларни ўйлаб топди ва уни амалиётга татбиқ этди.





Амир Темур ўз давридаги давлатнинг ҳарбий тизимини санъат даражасига олиб чиқиб, катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. Соҳибқирон бошқа саркардалардан фаркли равишда қўшинига ўзи намуна кўрсатди. У энг оғир вазиятларда дастлаб ўзи жангга кирган ва бу билан қўшинни рухлантирган. Унинг саъй-ҳаракатларида тезлик, машварат, махфийлик, вазиятни тўғри баҳолаш ҳамда уни ўз назоратида ушлаб туриш, тўғри қарорга кела билиш сифатлари устун бўлган. Амир Темур ҳарбий санъатининг яна бир кўриниши шунда бўлдики, у бир вақтда бир неча ерга юриш бошлар, юришлари ҳақида

овозалар тарқатар, асида эса унинг қўшини бошқа жойда пайдо бўлар эди. Бу хусусида ҳамма вақт ҳам Амир Темурга нисбатан холис бўлмаган ибн Арабшоҳ ҳам унинг бу ҳарбий санъатига тан бериб, ўз мулоҳазаларини баён этган эди.

Амир Темур ўз "Тузуклари"да шундай дея ёзган эди: "Тажрибамдан синаб билдимки, жангнинг сир-асрорини, ғаним аскарларини синдириш йўлини билган, уруш қизиганда ўзини йўқотмасдан, қўл-оёғи бўшашмасдан лашкар фавжларини жангга бошлай оладиган, агар қўшин сафига раҳна тушса, уни тезда тузата оладиган кишигина амирлик ва ҳукмронликка лойиқдир". "Тузуклар"да айнан жасорат намуналарини кўрсатган амирлар ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Ўзаро низо ва парокандалик ҳукм сурган ўрта асрларда Амир Темур 200 минг чоғли мустаҳкам ва уюшган, юкори тартиб-интизомга эга қўшин барпо эта олди ва қўшинни юқори даражадаги қурол-аслоҳа билан ҳам таъминлади.

1.6 Амир Темур давлати дипломатияси.

Амир Темур дастлабки сиёсий фаолиятидан то вафотига қадар ўз қудратининг ўндан тўққиз қисмига дипломатик салоҳияти туфайли эришган. Соҳибқироннинг ворислари Шоҳрух, Мирзо Улуғбек,Ҳусайн Бойқаро, Бобур каби йирик давлат арбоблари ҳам ички ва ташқи алоқаларда Амир Темурнинг дипломатик меросига амал қилиб, унинг бу борадаги сиёсатини давом эттирганлар.

Тинчлик, томонлар манфаатдорлиги, рақибига шавқат қилиш ва унга имкон яратиш, ҳар қандай шароитда ҳам элчини қадрлаш, ташқи сиёсат ва дипломатия қоидаларига қатъий амал қилиш, инсон ҳаёти дахлсизлиги – Амир Темур ташқи сиёсати ва дипломатиясининг асоси ҳисобланган. Чунончи, Амир Темур мактубларидан бирида, "Элчига ўлим ва бандилик йўқдир, элчининг гарданидаги вазифа буйруқни аниқ етказишдан бошқа нарса эмасдир", – деб ёзади.

Амир Темурнинг ташқи сиёсати ва дипломатиясининг ўзига хос томонларидан яна бири шундаки, у бир халқни иккинчи бир халққа, бир динни бошқа динга, бир мафкурани ўзга мафкурага қарши қўймай, ҳар икки зиддиятли томоннинг манфаатларини ифода этадиган муаммонинг ижобий ечимини ҳамда улар ўртасидаги тараққиёт йўлини топишни асосий масала деб билган. Манбаларнинг маълумот беришича, Соҳибқирон дипломатик муносабатларда ташаббус кўрсатиб, халқаро алоқаларни ривожлантиришга интилган. Унинг ташқи сиёсати ва дипломатияси тинчлик ва тенглик, ён босиш, диний ва дунёвий бағрикенглик ғояларига асосланган. Амир Темурнинг қарашларига кўра, инсон ирқи, дини, миллати, келиб чиқиши ва қаерда яшашидан қатъий назар, ер юзининг барча ери ҳамма кишилар учун муқаддас бўлмоғи керак.

Таъкидлаш жоизки, Амир Темурнинг кучли ва пухта дипломатик салоҳияти туфайли динлар, мафкуралар, маданиятлар, иқтисодиётлар, сиёсатлараро муносабатлар замон талаблари ҳамда вазият тақозоси даражасида йўлга қўйилган.

Маълумки, Амир Темур мураккаб тарихий шароитида ташқи сиёсат олиб борган эди. Чунки ўша даврдаги вазият, яъни, чингизий мўғулларнинг хавфи

кучли эканлиги, Чиғатой улусини бирлаштириш ва эгалик қилиш, Олтин Ўрда, Мўғулистон, Эрон, Хуросон каби ўз даврининг кучли давлатлари билан муносабатлар масалаларида давлат манфаатларига мос ташқи сиёсат юргизишни тақозо этарди. Соҳибқироннинг ташқи сиёсатдаги устувор мақсади – яхши қўшничилик, тинчлик ва ҳамкорлик бўлган.

Шубҳасиз, Амир Темурнинг ташқи сиёсатидаги асосий йўналишлардан бири – Мовароуннаҳрнинг хавфсизлигини таъминлаш бўлган. Хоразмдаги Сўфийлар сулоласи, Форс вилояти ҳокими Шоҳ Шужо, Арзинжон ва Арзирум ҳокими Тоҳиртан, Мўғулистон ҳокими Қамариддин, Олтин Ўрдадаги Тўхтамишхон кабилар билан бўлган муносабатлар замирида ҳам ана шу мақсад ётарди.

Амир Темур манфаатлари муштарак, маданиятлари ва динлари умумий бўлган қўшни давлатларни тобе қилганлигини, жорий подшоликлар билан оралиқ давлатларни куч ёки дипломатия билан эгалланганлигини эътироф этадилар. Итоаткорлик, тўланган солиқ ва божлар эвазига Соҳибқирон уларга ёрдам ва ҳарбий муҳофаза ваъда қилиб, уларни ўз ҳолларига қўйиб берган.

Амир Темур ва Темурийлар даври ташқи сиёсати ва дипломатиясида халқаро савдо ҳамда маданий алоқалар муҳим ўрин тутганлиги тарихдан маълум. Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, халқаро карвон йўллари хавфсизлигини тўла таъминлашга эришди. Шу туфайли, XIV асрнинг 70-йилларидан бошлаб Буюк ипак йўлининг Мовароуннаҳр орқали ўтган марказий тармоғи шимолий йўналишига қараганда халқаро иқтисодий-маданий алоқаларда муҳим ўрин тута бошлади. Мовароуннаҳр бўйлаб халқаро савдо карвонлари ҳаракатининг қайтадан жонланиши, шаҳарлар тараққиётига, иқтисодий-маданий алоқаларнинг юксалишига олиб келди.

Амир Темур давридаги дипломатик муносабатлар ҳам Соҳибқироннинг қатъий тамойилларига жавоб берган. Шу ўринда Амир Темурнинг Мисрдаги мамлуклар давлати билан ўзаро муносабатларга ҳам эътиборни қаратиш лозим. Аз-Зоҳир Сайфиддин Барқуқ (1382-1399) ҳукмронлиги даврида Миср, Сурия, Ҳижоз ҳамда унга ёндош ҳудудларда жойлашган мамлуклар давлати мусулмонларнинг муқаддас шаҳарлари бўлмиш Макка ва Мадинани ҳам эгаллаган ҳолда кучли давлатга айланди. Шубҳасиз, Амир Темурнинг Яқин ва Ўрта Шарққа кириб келиши улар ўртасидаги маълум муносабатларнинг юзага келишига сабаб бўлар эди. 1386 йили Амир Темур қўшини Жалойирлар давлатининг иккинчи даражали шаҳри бўлмиш Табризни эгалладилар. Жангда Қорақўюнлилар раҳбари, мазкур ҳудуд ҳокими Қора Муҳаммад енгилиб, Бағдод томонга чекинди. Ироқ ҳокими Аҳмад ибн Увайс (Султон Аҳмад) уни Бағдодда қабул қилиб, Амир Темурга қарши иттифоқликда ҳаракат қилиш режасини илгари сурди.

1388 йил Амир Темур қўшини Табризни тарк этган бир вақтда Қора Муҳаммад Ироқ ҳокимининг ёрдамида яна Табризни қўлга олишга муваффақ бўлди. Қора Муҳаммад Табриздан туриб Миср султони Барқуққа мурожаат этиб, уни олий ҳукмдор сифатида тан олишини билдирди. Ироқ ҳокими Султон Аҳмад (Аҳмад ибн Увайс) ўз навбатида маишатга берилган, ҳудуд аҳолисига нисбатан шавқатсизларча муносабати билан ном чиқарган ҳукмдор эди. Шу боис ҳам

Бағдод аҳли Амир Темурга мурожаат қилиб, шаҳарни ўз ҳимояси остига олишни сўраган эди. 1393 йили Бағдод аҳолиси мурожаати билан Амир Темур шаҳарга кириб келди. Шаҳар аҳолиси ўз ихтиёри билан дарвозаларни очиб, Соҳибқирон ҳокимиятини тан олдилар. Амир Темур бундай вазиятда Миср манфаатларини тушунган ва ҳурмат қилган ҳолда у билан дўстона муносабатлар ўрнатишга қарор қилиб, ўз элчиларини Султон Барқуқ ҳузурига жўнатди. Миср султони эса халқаро қоидаларни ҳам писанд қилмай, Соҳибқирон элчисини ўлдиришга буйруқ берди. Қайд этиш лозимки, Амир Темур Мисрга дўстона муносабатлар ўрнатиш мақсадида 1385 йилдаёқ ўз элчиларини жўнатган эди. Агар рақамларга назар солинса, Соҳибқирон томонидан 1385-1405 йиллар оралиғида жами 20 маротаба элчилик ва чопарлик гуруҳлари Мисрга жўнатилган. Султон аз-Зоҳир Барқуқ аксарият ҳолларда элчиларга кўпол тарзда муносабатда бўлар, кўп ҳолда Амир Темур шаънига намойишкорона тарзда ҳақоратомуз гапларни гапирар эди. Тинчлик йўли билан Амир Темур ҳукмини тан олишни ҳоҳламаган Миср иттифоқчиси , Қайсария султони Абул Аббос Аҳмад ҳам Барқуқ сўзига кириб Соҳибқирон элчиларини қатл этди. Турк султони Боязид ва Миср султони Барқуқ биргаликда Амир Темурга зарба беришга келишиб олдилар. Амир Темур шундай хиёнаткорона ва маккорона вазиятда ҳам сабр-токат ва босиқлик билан йўл тутди.

Соҳибқирон 1393 йил октябрда Миср султони Барқуқ ҳузурига навбатдаги элчилик гуруҳини жўнатди. Бу билан Соҳибқирон муаммоли масалалар, танглик ҳолатини тинчлик йўли билан ечмоқчи бўлган эди. Элчилик гуруҳига ўз ақл-фаросати билан ном чиқарган, ўша даврнинг обрўли арбобларидан бири бўлмиш Шайх Сувоқ бошчилик қилди. Амир Темурнинг мазкур элчи орқали Миср султонига юборган мурожаатномасида икки давлат ўртасида дўстлик муносабатлари ҳамда ўзаро элчилик алоқаларини ўрнатиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, иккала мамлакат савдо аҳлига кенг имконият ва шароитлар яратиш масалалари ўрин олган эди. Миср султони Барқуқ тан олинган халқаро қоидаларни бузган ҳолда элчиларни ўлдиришга, Соҳибқирон юборган совға-саломларни орқага қайтаришга буйруқ берди. Ўзи эса Амир Темурга қарши урушга шайланди. Султоннинг бундай ҳатти-ҳаракатлари табиийки, тегишли жавобни келтириб чиқарар эди.

Амир Темур томонидан юборилган кейинги мурожаатнома анча кескин оҳангда бўлиб, унда Миср султони Соҳибқирон элчиларини ноҳақ ўлдирилгани, ўз ҳузурида Темурга душманлик кайфиятидаги шахслар, хусусан, собиқ Ироқ ҳокими Аҳмад ибн Увайсга Султон Аҳмад жой берганлиги қайд этилди. Барқуқ эса ҳар доимгидек Амир Темурга ҳақоратли оҳангдаги дашномларни ёғдиради. Миср султони Барқуқ яна бир карра турк султони Боязид билан бирга Амир Темурга қарши курашда бир-бирларига ўзаро ҳарбий кўмак бериш тўғрисида келишиб олдилар. Шундай бир вазиятда 1399 йил Миср султони Барқуқ тўсатдан вафот этди. Миср ва Суриядаги мамлуклар давлати султони сифатида Барқуқнинг 11 ёшли ўғли ан-Носир Носириддин Фараж (1399-1405) тахтга ўтирди. Мазкур ҳолатдан фойдаланган Боязид Амир Темур ҳукмини тан олган Марандни қамал қилиб, у билан чегарадош ерларга ҳужум қилди.

Табиийки, Боязиднинг бундай иғвогорона ҳатти-ҳаракати Амир Темурнинг ғазабланишига ҳамда тегишли равишда иш тутишига олиб келди. Шундай бўлсада давлат, акл, чуқур салоҳият ва зехнга эга бўлган Амир Темур иккала катта давлат ўртасида можаро чиқишини олдини олмоқчи бўлди. Шу боис 1399 йил июлда Табризга келиб, турк султони Боязидга чопар орқали ўз мактубини жўнатди. Мактубда Боязиднинг ноўрин ва иғвогорона ҳатти-ҳаракатларига чек қўйилиши, Амир Темурга душманлик кайфиятида бўлган Қора Юсуф ва Аҳмад ибн Увайсларга нисбатан мўътадил муносабатда бўлиб, уларни қўлламаслик сўралди. Боязид эса ушбу мактубга кескин тарзда, унга хос бўлган ҳақоратомуз оҳангда рад жавобини бериб, Амир Темур душманларига хайриҳоҳлигини билдирди. Турк султонининг шу тарздаги ҳатти-ҳаракатлари эндиликда у билан сиёсий мулоқотга киришмаслик лозимлигини таъкидлар эди. Катта сиёсий тажрибага эга бўлган Амир Темур буни яхши англаб етди.

1400 йил октябрда Амир Темур Миср султони Фаражга мактуб жўнатиб, уни марҳум отасининг ўзаро муносабатлардаги хатосини, Амир Темур элчиларининг сабабсиз қатл этилиши, Соҳибқирон вакили Оталмишни ҳибсдан озод қилишни сўради. Фараж аввал бошида Амир Темур таклифига кўнгандек бўлиб туриб, ҳеч қанча ўтмай элчиларни қамоққа олди. Суриядаги Ҳалаб шаҳри олинганидан сўнг Амир Темур яна султон билан мулоқот ва музокарага киришмоқчи бўлди. Лекин Фараж яна хиёнаткорона йўл тутди.

1401 йил Амир Темур қўшини Дамашқ ёнида Фаражни куршовга олган пайтда охирги марта у билан сулҳ ҳақида битим тузиш хусусида мурожаат билан чиқди. Сулҳга кўра Фараж Амир Темурнинг олий ҳукмронлигини тан олиши, ҳибсга олинган элчилар, хусусан Оталмишни озод қилиши, Соҳибқирон номидан тангалар зарб этиши лозим эди. Фараж бунга рози бўлди. Амир Темур элчилари озод бўлиб, Оталмиш тезда ватанига қайтди. Амир Темур 1403 йили ўз элчиларини Фараж хузурига жўнатиб, у Соҳибқироннинг Миср ва Суриядаги ноиби сифатида эътироф этилди. Амир Темурнинг саъй-ҳаракатлари боис кўплаб қонли уруш ва можароларнинг олди олинди. Ибн Арабшоҳ Миср билан кейинги муносабатлар анча ижобий тарзда кечганлиги, Миср элчилари 1404 йил Конигилда бўлган тантанали қабул ва тўй тадбирларида иштирок этганлигини таъкидлайди. Миср тарихчиси Ибн Қози Шоҳнинг ёзишича, 1405 йил январида иккала томондан дўстлик руҳидаги мактублар алмашуви бўлган.

Амир Темур ўз олдига Мисрни босиб олиш режасини қўймаган, балки уни Яқин Шарқдаги нотинч сиёсий вазият, Фаражни Усмонийлар томонига ўтиб кетишининг олдини олишни, уни ўзига иттифоқчи сифатида кўришни режалаштирган эди. Бу борада у барча саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Боязид Йилдирим (1389-1402) ҳукмронлиги даврида Усмонийлар давлати қудрати ўсиб, у Болқон ярим ороли ва Кичик Осиёда қатор янги ерларни эгаллашга муваффақ бўлган эди. Боязид Йилдирим 1390 йили Кичик Осиё жанубидаги Арзинжон ва Арзирум ерлари ҳокими Тоҳиртандан уни тан олган ҳолда солиқ тўлашни талаб қилди. Бу ерлар ўз навбатида Амир Темур тасарруфида бўлиб, турк султонининг уни тан олиш тўғрисидаги талаби Тоҳиртанни ҳам оғир аҳволга солиб қўйди. Шу боис ҳам у кўмак сўраган ҳолда Амир Темурга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Амир Темур Боязид билан масалани тинч ҳолатда ечиш маъносида таниқли амалдор ва элчи бўлган Мавлоно Шамсиддин Олмалиқийга турк султони учун тегишли нома ёзиб жўнатишни буюрди. Мазкур нома дипломатик оҳангда, лекин қатъий сўз билан битилган бўлиб, турк султони Амир Темур ерларига кўз олайтирмаслиги, ўз давлати чегараларидан нарига ўтмаслик талаб қилинди. Боязид эса калондимоғлик билан "жанг қилишга тайёрлиги, керак бўлса Табриз ва Султонияга ҳам юриш қилишини" таъкидлади. Амир Темур бу борада ҳам масалани тинчлик йўли билан ечмоқчи эди. Лекин турк султони бунга йўл қўймади. Унга жавобан Амир Темур қўшини Кичик Осиёдаги Сивос ҳудудини эгаллади. Амир Темур билан тўқнашувдан ҳайиққан Боязид унга жавоб беролмади. Боязид Амир Темурга душманлик кайфиятида бўлган Қорақўюнли қабиласи раҳбари Қора Юсуф ва унинг сафдошлари, собиқ Ироқ ҳокими Султон Аҳмад Жалойир (Аҳмад ибн Увайс)ларга қўним бериб, ўзининг Сохибқиронга душманлигини намоён қилди. Боязид шунингдек, Миср султони Барқуқни, сўнгра унинг ўғли Фаражни Амир Темурга қарши иттифоқликда ҳаракат қилиш режасини олдинга сурди.

1399 йили Боязид Амир Темур тасарруфидаги Марандга ҳужум қилди. Амир Темур (бу ҳақда Миср султони билан бўлган муносабатларда ҳам тўхталинган эди) Боязидга нома жўнатиб, яна уни вазминлик ва мўътадил ҳолатга қайтишни сўради. Боязид бундай таклифни рад этиб, Қора Юсуф ва Султон Аҳмадларни ўз паноҳига олишини билдирди. Боязид ҳомийлиги остида бўлган Қора Юсуф эса савдо карвонларини талон-тарож қилиб, йўлларда зўравонлик ишларини авж олдирди. Бу ҳолат шубҳасиз, Амир Темурни ҳам ташвишга солар эди. Боязид билан дипломатик келишув амалга ошишига кўзи етмаган Сохибқирон 1402 йил бошларида Усмонийларга қарши юришга тайёргарлик кўришни бошлади.

Амир Темур ҳарбий қудратидан воқиф бўлган Боязид бундай юриш амалга ошса ҳоли танг бўлишини англаган ҳолда Амир Темурнинг олий ҳукмронлигини тан олишини билдириб, ўз элчисини жўнатди. Амир Темур унинг номасини маъқуллаган ҳолда, агар султоннинг нияти холис бўлса, Қора Юсуфни Сохибқиронга топшириб, савдо йўлларидаги босқинчиликка чек қўйишини талаб қилади. Амир Темур 1402 йил қиши ва баҳорида деярли икки ой Боязиддан жавоб кутади. Анқара жангидан кейин ҳам баъзи элчилик алоқалари амалга оширилади. Хусусан, Боязиднинг ўғли Мусо (Муҳаммад) Чалабий (1402-1403) икки маротаба Амир Темур Кичик Осиёдалигидаёқ ўзининг Шайх Рамазон бошчилигидаги элчилик гуруҳини жўнатган. Шу тариқа Амир Темур Миср ва Усмонийлар давлатларига нисбатан олиб борган сиёсати ва дипломатиясида шу даврда қабул қилинган халқаро миқёсдаги элчилик қонун-қоидалари, ислом аҳкомларига таянган ҳолда иш олиб борди. У ўз "Тузуклари"да таъкидлаганидек, масалани "маслаҳат ва машварат" асносида ечишга устувор вазифа сифатида ёндашган. Шу боис ҳам вайронагарчилик келтирувчи урушлар, босқиндан узоқда бўлишга ҳаракат қилди. Унинг рақиблари эса буни аксини қилишди. Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон билан бўлган муносабатда ҳам шу ҳолатни кўриш мумкин эди.

Хитойдаги Минь давлати (1368-1644) билан ўзаро муносабатлар тарихи 1387 йилга бориб тақалади. Ўша йили Амир Темур ва Хитой императори Мин Чжу-Юань-Чжань (1360-1398)лар ўртасида элчилик алмашуви бўлиб ўтди. Япониялик тадқиқотчи Х.Ватанабе 1387 йилдан 1397 йилга кадар Амир Темур томонидан Хитойга олти маротаба элчилик миссиялари жўнатилганлигини қайд этади. Биринчи элчилик гуруҳига Мавлоно Ҳофиз бош бўлганлиги ҳам айтиб ўтилади. Элчилар кўп ҳолда императорга маҳаллий учқур отларни ҳадя этишар, ўз навбатида бу отларга император ва умуман хитойлик зодагонлар жуда ҳавасманд эдилар. Хусусан, 1394 йили Амир Темур императорга 200 нафар учқур, насли тоза отларни ҳадя этган. Хитой манбаларида шу давлатдан юборилган 6 та элчилик ҳизмати гуруҳига Фа-Ань бошчилик килганлиги таъкидланган. Мазкур элчилар, жумладан уч маротаба Самаркандда бўлишган.1395 йили Хитой элчилари Самаркандда кўплаб эътиборга молик жойларни бориб кўришган, Темур давлати, унинг бошқаруви тўғрисидаги саволларига етарли жавоб олишган. Фа-Ань гурухи шунингдек Табриз, Исфаҳон, Шероз, Ҳирот ва бошқа салтанат шаҳарларида ҳам бўлишган.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишига кўра, Амир Темур бу элчини фақат 1397 йил охирларида Сирдарё бўйидаги кишлов пайтида қабул килган экан. Элчиларга катта ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди, улар турли совғалар билан сийланди. Лекин Фа-Аньга орқага қайтишга рухсат берилмади. Бунинг ўзига хос сабаби бор эди. Хитой императори Амир Темурга юборган номасида уни ўз ўғли деб атаб калондимоғлик билан муносабат билдирган эди. Дипломатия тилида бу ҳол Хитойнинг олий ҳукмронлигини эътироф этиш билан баробар бўлган. Шу боис 1397 йил Хитой томонидан Чен-Те-Вань бошлиқ иккинчи элчилик гуруҳи ҳам ушлаб қолинди. Бу элчилик гуруҳи эса Хитой императорининг унга бож тўлаши лозимлиги ҳақидаги талабини ҳам олиб келишган эди. Клавихо ўз асарида Хитой элчиларини ўзидан пастрокка ўтказилишини қайд этган бўлиб, бу ўз навбатида Хитойнинг юқорида таъкидланган муносабатига нисбатан ўзига хос жавоб эди. Хитойнинг Амир Темур ва унинг давлатига нисбатан бир томонлама сиёсати улар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларининг совишига сабаб бўлган.

Маълумки, қадимги даврлардан бошлаб шарқ маҳсулотлари Европа аҳлини, хусусан сарой аъёнлари, зодагонлар ва савдогарларни ўзига жалб этиб келган. Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо муносабатларига турли диний қарашлар ҳам халақит бермаган. Мўғуллар истилоси, ундан кейинги мусулмон шарқидаги нотинч сиёсий аҳвол, XIV аср охирларига келиб Усмонийлар давлати томонидан Шарққа борувчи қуруқлик ва денгиз йўлларидаги савдо муносабатлари устидан назорат ўрната бориши Европа савдогарларининг Шарқ билан қилинадиган савдо алоқаларига қаттиқ зарар етказа бошлади. Европалик христиан давлатларининг Венгрия кироли Сигизмунд бошчилигидаги бирлашган қўшини 1396 йили Болгариянинг Никополь шаҳри яқинида туркlар томонидан буткул мағлуб этилди. Бу билан Усмонийлар давлатига Шарқий Европа ерлари истилоси учун кенг йўл очилди. Усмонийлар давлати Европа давлатлари истиқболи учун хавфли бўлиб қолганини мазкур китъа ҳукмдорлари яхши

англаб етишар эди. Шу боис ҳам туркларга қарши қайта иттифоқ тузиш ҳаракатлари бошланди.

Византия императори Мануил II Палеолог (1391-1425) 1399 йили Рим папаси билан бирга туркларга қарши иттифоқ тузишга ҳаракат қилди. Бу борада довруғи Европага қадар етиб келган Амир Темур билан Ғарб ҳукмдорлари яқинлашишга ҳаракат қилдилар. 1400 йил августида Амир Темур Кичик Осиёнинг Мишкўл деган жойида турган вақтида Ғарбдан келган элчилар Соҳибқирон билан учрашишга муваффақ бўлдилар. Амир Темур улар билан яхши муносабатда бўлиб, элчиларни совға-саломлар билан сийлади. Ушбу ва кейинги элчилик гуруҳлари ташриф буюришидан кўзланган асосий мақсад – Усмонийлар давлатига қарши курашга Амир Темурни жалб этиш бўлган.

Бой савдо шаҳарлари бўлмиш Генуя ва Венеция ҳам Амир Темур билан яқин муносабатларни ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Бу хусусда мазкур шаҳарлар сенати архивлари маълумотлари ҳам хабар қилади. 1400 йил Венеция сенати ўзаро келишган ҳолда Амир Темур ҳузурига ўзининг икки нафар элчилари – Андреа Жистиниан ва Матео Барбадиголарни жўнатди. Мазкур сенат архиви ҳужжатларига кўра, 1401 йил август ойида Константинополь яқинида Амир Темур элчиси билан юқорида номи қайд қилинган вакилларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Шунингдек, 1402 йил ёз ойи бошларида Амир Темурнинг элчиси Константинополь яқинида жойлашган Пера деган жойда Генуя савдо ваколатхонасига ташриф буюрди. Мазкур элчилик алоқалари Генуя ва Венециянинг Амир Темур давлати билан яқинлашишга қилаётган ҳатти-ҳаракатларидан дарак берар эди. Айниқса, Усмонийлар давлати қуршовида қолган Византия туркларнинг ҳарбий куч-қудратидан ҳайиқар эди.

1394-1399 йиллар оралиғида Константинополь (Византия) императори икки маротаба ўз элчиларини Амир Темур ҳузурига жўнатди. Биринчи элчилик мақомида Франсуа исмли роҳиб бўлиб, у билан Сандрон деган шахс ҳам бўлган. Сандрон Генуя номидан келган бўлиб, ўзи билан Генуя ҳомийси, Франция қироли Карл VI мактубини ҳам олиб келган эди. Иккинчи элчилик гуруҳи ҳам ўзи билан бирга Франция қироли мактубини олиб келди. Ушбу элчилик гуруҳлари ташрифидан кўзланган мақсад шундан иборат эдики, Амир Темурнинг Боязидга қарши курашида Шарқий Ўрта ер денгизи ҳавзасида жойлашган давлатлар томонидан унга ёрдам бермоқчи бўлганлар. Ўз навбатида Амир Темур ҳам 1402 йил июль ойининг бошларида Константинополга ўша роҳиб Франсуани тегишли нома билан жўнатган. Тез орада Амир Темурга катта умид боғлаган Константинополь ҳам унинг олий ҳукмронлигини тан олди.

Шу даврда Европада катта мавқега эга бўлган давлатлардан бири Испания (Кастилия ва Леон) бўлган. Испан қироли Генрих III 1402 йил июль ойида Амир Темур ҳузурига ўзининг биринчи элчилари – Пайо де Сотомайор ва Эрнан Санчес Паласуэлосларни жўнатди. Амир Темур ушбу элчиларни алоҳида ҳурмат билан қабул қилиб, 1402 йил августида уларга ўз элчиси Хўжа Муҳаммад кози ал-Кешийни қўшиб Испания қироли ҳузурига йўллади. Клавихо ўз асарида ушбу элчини "Магомет Алькаги" дея атайди.

Европа давлатлари Амир Темур билан турк султони Боязид Йилдиримлар ўртасида 1402 йил 20 июлда бўлиб ўтган Анқара жанги хулосасини диққат билан

кутганлар. Ушбу жангда Франция қироли Карл VI, Византия (Константинополь) императори Мануил II, Рим папаси, Генуя ва Венеция, Испания (Кастилия ва Леон) қироли Генрих III ларнинг элчилари ҳам жанг майдонида кузатувчи сифатида қатнашдилар. Усмонийларга қарши Европа давлатлари хатто бирлашган тақдирда ҳам мағлуб бўлишларини 1396 йилги Никополь жанги намоён этган эди. Шу боис уларнинг сиёсий келажаги шу жанг натижасига боғлиқлигини улар яхши англаб етишди. Турклар истилоси, умуман Европани Усмонийлар босқинидан тўхтатишга қодир ягона куч бу – Амир Темур ва унинг қўшини эди.

Амир Темурнинг Анқара жангидаги ғалабаси Европа давлатларини рухлантириб юборди. Уларнинг барчаси Сохибқиронга "Европа халоскори" сифатида муносабат билдиришди. Ўз навбатида Амир Темурнинг Европа монархлари, хусусан Испания (Кастилия ва Лион) қироли Генрих III га йўллаган номасида* ўзининг христианларга нисбатан илиқ муносабатини баён этади. Амир Темур олийҳимматлик билан Боязид ҳарамига тушиб қолган испаниялик олийнасаб қизларни ҳам озод қилади.

Ўз даврининг моҳир саркардаси ва ҳукмдори бўлмиш Амир Темур нуфузи, куч-қудратини тан олган ғарб давлатлари унинг ҳузурига кетма-кет элчиларини жўната бошлайдилар. Амир Темур Европанинг христиан дунёси билан ҳамкорлик қилиш, савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантириш таклифларини ўртага ташлади. 1402 йил охирлари 1403 йил бошларида Амир Темур ҳузурига Константинополь, Янги Фосея, Генуя, Эгей ва Ўрта ер денгизидаги давлатлар номидан қатор элчилар ташриф буюришди.Улар аксарият ҳолда Амир Темурга ўз миннатдорчиликларини изҳор этиб, уни тан олган ҳолда бож солиқларини ҳам тақдим этишди.

Шу даврда Европа давлатлари орасида катта нуфузга эга бўлмиш Англия ва Франциянинг Амир Темур давлати билан ўзаро муносабатлари масаласи ҳам алоҳида эътиборга сазовордир. Анқара жангидан сўнг бошқа ғарб давлатлари сингари Англия ва Франция ҳам Амир Темур билан ўзаро дипломатик ёзишмаларни амалга ошира бошлашди.Амир Темур Султониядаги католик архиепископи Иоанн III га катта марҳамат кўрсатиб, уни ўз элчиси сифатида 1402 йил августида Францияга жўнатди. 1403 йил июнда Иоанн III Парижга етиб келиб, қирол қабулида бўлди. Иоанн III Франция қироли Карл VI га Сохибқирон номидан битилган иккита мактубни тақдим этди.

Амир Темур ўз мактубларида Боязид устидан қозонилган ғалаба ва унинг моҳияти ҳақида сўз юритиб, турклар томонидан ноҳақ асирга олинган христианларни озод қилганлиги, агарда яна бирон кимса улар қўлида тутқунда бўлса, уларни ҳам озод этишини таъкидлади. Амир Темур ўз салтанати ҳақида сўз юритиб, иккита таклифни ўртага ташлайди. Бу таклифларнинг биринчиси, иккала давлат савдогарларига эркин савдо муносабатлари учун тегишли шароит яратиш; иккинчиси – агар қирол рози бўлса юқоридаги эркин савдо бўйича шартнома тузиш. Амир Темур ўз даврининг илғор ва соғлом фикрловчи давлат

*Ушбу мактуб 1402 йил август санасида битилган бўлиб, уни Сохибқирон элчиси Хўжа Муҳаммад қози ал-Кеший тақдим этган. Мазкур мактубнинг нусхаси сақланиб қолинган.

арбоби сифатида ўзаро тенг ва манфаатли муносабатлар ўрнатишни олдинги ўринга қўяди. Хусусан, ўз мактубини "дунё савдо аҳли ила обод бўлажак" деган сўзлар билан якунлаши юқоридаги фикрнинг тасдиғи бўлиб хизмат қилади.

Франция қироли Карл VI 1403 йил 15 июнда Амир Темурга юборган хатида Соҳибқирон таклифларини қўллаб-қувватлайди.



Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI га ёзган хати нусхаси.

Амир Темур ва унинг ўғли Мироншоҳ Мирзо Англия қироли билан ҳам ёзишмаларни амалга оширганлар. Англия қироли Генрих IV нинг (1399-1413) Амир Темур ва Мироншоҳ Мирзога лотин тилида йўллаган иккита мактуби бизнинг давримизга қадар етиб келган. Соҳибқирон ва Англия қироли ўртасидаги бу дипломатик муносабатларга аввал Францияда ҳам бўлган католик архиепископи Иоанн III бошчилик қилди. Англия қироли Генрих IV ўз мактубларида аввало Соҳибқирон ва унинг ўғли Мироншоҳга католик руҳонийлари, умуман христианлар, христиан савдогарларига кўрсатилаётган илиқ муносабат, уларнинг хавфсизлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари учун миннатдорчилик билдиради. Қиролнинг Мироншоҳ Мирзо номига ёзган номасида "Мирасса Амирасса"га, яъни Мироншоҳга "буюк ҳукмдор", католик динининг ҳомийси", дея мурожаат қилади. Мироншоҳнинг христианлар, хусусан католик мазҳабидагиларга кўрсатаётган мурувватини қирол юқори даражада баҳолайди. Бошқа диндагиларга нисбатан ўрта аср Европасида жаҳолат ва бидъат авжига чиққан бир вақтда Амир Темурнинг ўзга эътиқод кишиларига бағрикенглиги, мурувватн ва олийҳиммати юқори таҳсинга сазовор бўлиб, буни инглиз ҳукмдори ҳам мамнуният билан эътироф этган эди. Бу Амир Темурнинг ўз даврига нисбатан ҳам анча илғор тарзда фикрлайдиган зеҳнли ва мулоҳазали давлат арбоби эканлигидан далолат беради. Генрих IV Амир Темур ва

Мироншоҳга мурожаатида унга нисбатан кўрсатилган дўстона муносабатлари учун ташаккур билдириб, Соҳибқироннинг ўзаро ҳамкорлик ва дўстона алоқалар, эркин савдо муносабатларини ўрнатиш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлашини билдиради. Шунингдек, қирол турк султони Боязид устидан қозонилган ғалаба билан Амир Темурни муборакбод этиб, умумий душман устидан қозонилган ғалаба уларга "хурсандчилик бахш этганлигини" қайд этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, миннатдор Европа аҳли номидан XV асрдаёқ Парижда Амир Темурга ҳайкал ўрнатиб, унинг тагига "Европа халоскори" деган ёзув ҳам битиб қўйишган эди.

Амир Темурнинг дипломатик ёзишмаларида Доминикан ордени роҳиби Франциск номи ҳам келтирилади. Унинг номи Амир Темурнинг Англия ва Франция қироллари, Византия императорига юборган номаларида ишончли вакил сифатида тилга олинади. У 1404 йил сентябрь-ноябрь ойларида Амир Темур давлатида бўлиб, бу хусусда кўплаб қимматли маълумотлар қолдириб кетган.

Испания (Кастилия ва Леон) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Ғарб билан элчилик муносабатларида охирги вакил бўлиб қолди. Европа ҳукмдорлари Амир Темур ва унинг давлати, салоҳиятига юкори баҳо бериб, юксак эҳтиром билан унга муносабатда бўлганлар. Хусусан, уларнинг Соҳибқиронга мурожаатларида Амир Темурнинг номи катта ҳурмат ила тилга олиниб, "Олий насаб ва ғалабалар келтирувчи ҳукмдор", "Буюк ва қудратли ҳукмдор Темурбек", дея эътироф этилган.

Амир Темур даврида халқаро дипломатия этикетлари ишлаб чиқилган ва уларга қатъий равишда риоя этилган. Тарихий манбаларда Алка Тавочи, Жилорти, Амир Довуд, Ёдгор Барлос ва Узун Ўлжойту (Хоразмга), Шамсиддин Олмалиқий (Тўхтамишга), Шайх Сувоҳ, Подшоҳ Бўрон (Мисрга), Муҳаммад қози ал-Кеший (Европага) каби зотлар халқаро алоқаларни мувофиқлаштиришга катта хизмат қилганлиги алоҳида қайд этилади. Мазкур манбаларда ушбу иқтидорли, илмли ва зеҳнли элчилар ҳақида қатор ижобий маълумотлар сақланиб қолган.

Амир Темур улкан давлат вақудратли салтанат барпо этган ҳолда Шарқ ва Ғарб ўртасидаги Буюк Ипак йўли тармоғини тиклади. Мазкур халқаро савдо йўли нафақат қайта тикланди, балки ушбу йўл хавфсизлигини таъминлаган ҳолда кенг кўламдаги савдо-иқтисодий муносабатларга йўл очиб берди. Унинг натижасида ички ва ташқи савдо бутун салтанатда ривож топди, мазкур йўллардаги ҳар қандай талончилик, боскинчилик, қароқчилик кўринишларига чек қўйилди. Шу билан бирга йўллар, сардобалар, карвонсарой, кўприклар таъмир этилди, чет эл савдогарлари учун барча шароитлар яратиб берилди, ҳар тўхташ жойларида (бу тахминан 25-30 км оралиқда) "ёмлар" ташкил этилиб, уларда савдогарлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Амир Темур давлати чегерасига яқинлашган Клавихо халқаро савдо, чет эл савдогарларига бўлган эҳтиром ва юқори ҳурмат масаласини алоҳида эътироф этган эди. Қолаверса, халқаро савдо йўли бўйлаб нафақат савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатилди, балки ўзга юртлар янгиликлари, маданий қарашлари ва бошкалар билан ўзаро фикр-мулоҳаза алмашуви ҳам юзага келди. Бу ўз навбатида аҳоли

маданий савияси, маиший турмуш тарзининг кўтарилишига туртки бўлиб хизмат қилди.

1.7. Амир Темур маънавияти

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Амир Темур олий инсоний фазилатларни тушунувчи ва қадрловчи шахс бўлган. Унинг ўзи бу борада ўрнак бўлгувчи инсон эди. Шу боис ҳам у ҳокимиятга чиқишдаги мураккаб йилларда ҳам ўз орқасидан иқтидорли ва диёнатли кишиларни эргаштира олди. Улардан жасур ва садоқатли ҳарбийларни етиштирди. Улар орасида Жоку барлос, амир Мусо, амир Ҳиндука, Ики Темур, Сулаймоншоҳ ва бошқалар бўлганлар. Амир Темур бутун ақл-заковати, қобилиятини ишга солган ҳолда ўз атрофида турли йўналишдаги кишиларни ҳам бирлаштира олди. Зеро оғир мўғул истибдодидан сўнг эзилган, хароб бўлган, сиёсий парокандалик, иқтисодий таназзул кучайган бир пайтда бунчалик дипломатик маҳоратни ишга солиш ҳар қандай ҳукмдорнинг қўлидан келмас эди. Амир Темурнинг яна бир олижаноб фазилати – унинг кечиримлилиги, раҳм-шавқатлилиги, бошқалар гуноҳидан ўта билиши ҳам ҳисобланган. Масалан, Амир Темур сардор Алибек Жонқурбоний хиёнатини икки маротаба ҳам кечириб, уни қайта хизматга олган. Ёки Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон нон-туз ҳаққини унутиб, икки марта Амир Темурга қарши бош кўтарганида Соҳибқирон уни икки маротабада ҳам кечириб юборган. Ҳатто ўлимидан сал аввал узр сўраб келган Тўхтамишхон элчиларини қабул қилиб, унинг ҳокимиятини кайтариб олишга ёрдам бериш тўғрисидаги илтимосига рози бўлган. Бағрикенглик, саховатлилик, ўзаро гина-кудратдан нари бўлиш борасида дарҳақиқат Амир Темур ўрнак бўлишига сазовор шахс бўлган.

Амир Темур ўз "Тузуклар"ида қўл остидагиларга нисбатан адолат ва инсоф билан муносабатда бўлишини ёқлаган. Хусусан, "Тузуклар"да буни у қуйидагича таърифлайди: "Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шавқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамларнинг кўнглидан жой олдим... Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, аскарларимга инъомлар улашдим.Золимдан мазлумнинг ҳаққини олдим".

Соҳибқирон чин дўстликнинг қадрига етган ва садоқатли дўстликка муҳим аҳамият билан қараган. Унинг : "Яхшиларга – яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилса қадрладим, дўстлигини унутмадим ва унга мурувват,эҳсон, иззату икром кўрсатдим. Кимки менинг хизматимни қилса, унинг хизмати ҳаққини адо этдим. Кимки менга душманлик қилсаю, кейин пушаймон бўлиб, илтижо билан ҳимоя истаб, тиз чўкиб ҳузуримга келса, душманлигини унутиб, мурувват ва дўстлик кўрсатдим", деган сўзлари юқоридаги мулоҳазанинг амалий тасдиғи бўлиб хизмат қилади.

Амир Темур ҳаёт мактабини, турмушнинг пасту-баландини кўрган кишиларни, садоқатли ва фидойи, жасур ва шижоатли кишиларни жуда қадрлаган. Нияти бузуқ, ҳамиятсиз, қўрқоқ, чақимчи, ғийбатчи ва журьтсиз кишилардан нафратланган. Шу билан биргаликда гина-кудратдан ҳам узоқ бўлган. Қайси душман унинг олдига бош эгиб келса, Соҳибқирон унинг ҳурматини жойига қўйиб, душманни дўстга айлантирган.

Амир Темур ўз устоз-пирлари – Шамсиддин Кулолнинг таълимоти, Мир Сайид Бараканинг йўл-йўриклари, Абу Бакр Тайободийнинг маслаҳатларига ҳамиша қулоқ солган ҳамда бутун фаолиятида уларга таянган.Амир Темур дин арбоблари, руҳонийлар, уламоларга нисбатан катта ҳурмат билан муносабатда бўлган. Ўз навбатида уларга маълум масъул вазифаларни ҳам ишониб топширган. Масалан, 1393 йил октябрда Миср султони Баркук ҳузурига таниқли диний арбоб шайх Сувоҳни элчи сифатида юборган. У Самарқанд, Кеш, Бухоро диний арбобларига алоҳида эҳтиром билан муносабатда бўлган. Амир Темур ҳамма вақт диний арбоб, руҳоний, уламоларни ўз ҳимоясига олиб , илм вакиллари билан бирга мунозара ва суҳбатда бўлишга иштиёқманд бўлган. Ҳарбий юриш вақтларида ҳам бу масалага эътибор билан қараган. Бағдод олинганида у руҳонийлар, дин арбобларига зарар етказмасликни талаб қилган, Дамашқда Муҳаммад пайғамбарнинг (с.а.в.) икки аёллари – Умм Ҳабиба ва Умм Салманинг қабрларини зиёрат этиб, бу ерда мақбара қуришни буюрган. Дамашқда қилган биринчи иши Уммавийлар Жоме масжидини зиёрат қилиш бўлган. Шунингдек, бу ерда Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) нинг яқин саҳобаларидан бири – Билол ал-Ҳабаший қабрини ҳам зиёрат қилган. Сурияда яна бир саҳоба, таниқли лашкарбоши Муҳаммад Холид ибн Волид қабри жойлашган Хомс шаҳри эгалланаётган пайтда Амир Темур бу шаҳарни вайрон этмасликни буюрган. Шунингдек, Эрондаги зиёратгоҳларни ҳам обод қилишни ҳам буюрган. Миср тарихчиси Ибн Тангриберди 1404 йили Амир Темур Маккага келади дея ҳозирлик кўришганини, лекин номаълум сабабларга кўра Соҳибқирон Маккага кела олмаганлигини қайд этади. Амир Темур ҳар қандай диндаги айирмачилик ҳаракатига, суннийлик ва шиалик йўналишлари орасидаги нифоққа қарши бўлган. Қолаверса, ўзга динга эътиқод қилувчиларга ҳам олийҳиммматлик билан муносабатда бўлган. Унинг давлатида бошқа динга эътиқод қилувчиларга зулм ва тазйиқ ўтказилишига йўл қўймаган.

Амир Темур инсон эътиқодсиз яшай олмаслигини яхши тушунган. У динни юксак камолот йўлига етакловчи куч, инсонни маънавий жиҳатдан комиллик даражасига олиб чиқувчи восита деб билган. Шу боис имон-эътиқод, маънавий поклик, ҳалоллик тушунчаларини жуда қадрлаган.

Амир Темур Қуръони Каримни ёд билган, ҳадисларни яхши тушунган, тафсир илмидан хабардор бўлгани боис диний аснодаги баҳсларда йирик уламолар билан баробар сўз юрита олган. Бу унинг маънавияти, имон-эътиқоди, диёнати қанчалар мукаммал бўлганлигидан дарак беради. Амир Темур мусулмончилик ақидалари жамият осойишталиги ва равнақи, ижтимоий адолат, маънавий поклик, фуқароларо тотувлик йўлида хизмат қилиши тарафдори бўлган. Амир Темурда шу билан бирга дин-динлигини, давлат-давлатлигини қилиши лозим деган қатъий ва тўғри тушунча бўлган. Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг олим ва уламоларга бўлган муносабатини таърифлаб шундай дея ёзган эди: "Амир Темур олимларга меҳрибон бўлиб, сайиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўкис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди". Дарҳақиқат, Амир Темур олиму – фозилларни жуда қадрлар, ўзи ҳам қатор фанлардан бохабар эди. Хусусан, у тарих, фалсафа, риёзиёт, ҳандаса, меъморчилик, фалакиёт илмларини яхши

кўрар ва қадрлар, шеъриятни севар эди. Ибн Арабшоҳ бу борадаги мулоҳазаларни ўз асарида ҳам алоҳида таъкидлаган. Амир Темир билан Дамашқда бир мунча вақт суҳбат қуриш бахтига муяссар бўлган араб тарихчиси ибн Халдун уни кўплар фикридан бохабар, юқори салоҳиятга эга инсон сифатида таърифлайди. Амир Темур саройида котиб бўлган Ҳофизи Абру ҳам Соҳибқиронга "теран билим эгаси" дея баҳо берган эди. Амир Темур даврига замондош бўлган эронлик тарихчи Муиниддин Натанзий ҳам ўзининг "Мунтахаб ут-таворих" номли асарида Соҳибқиронни билимли ва маърифатли ҳукмдор "булганлигига" алоҳида урғу беради.

Улуғ мутафаккир ва буюк шоир Алишер Навоий Амир Темурга фаолиятига таъриф бера туриб қуйидагиларни таърифлаган эди : "Агар Темур қаерда фан, маданият ва санъат аҳлини учратса, уларни ўз хомийлигига олар, уларга иззат-икром кўрсатар, уларнинг тарбиясига аҳамият берар ҳамда бу зотлардан олий мажлисида надим (маслаҳатчи) сифатида ва бошқа лавозимларда фойдаланарди".

Амир Темур Шарқнинг энг кўп тарқалган учта – араб, форс, туркий тилларини мукаммал билган, қатор тарихий манбалардан яхши хабардор инсон бўлган. Унинг оила – никоҳ муносабатлари, хотин-қизлар, аёлларга бўлган улкан эҳтироми, фарзандлар таълим-тарбияси билан боғлиқ фикр-мулоҳазалари ҳам юқори эътиборга сазовордир. Амир Темур ҳузурида хотин-қизларни ғийбат қилиш, аёлларга нисбатан зўравонлик қилиш ва шунга ўхшаган гап-сўзларни айтиш таъкикланган. У хотин-қизларга зўравонлик қилганларни танобини тортиб қўя олган. Ўз хотинлари, қизлари ва бошқа аёлларга нисбатан ҳам меҳрибон ва шавқатли бўлган. Амир Темур аёлларга маълум эркинликлар берган, уларни расмий маросим, базму-жамшидларда иштирок этишларига рухсат берган. Клавихо расмий маросимларда Амир Темурнинг суюкли хотини Сароймулкхоним иштирок этганлигини алоҳида таъкидлаган. Амир Темур аёл қариндошларига атаб қатор иншоотлар қурдирган. Масалан, хотини Туман оғага атаб Беҳишт боғини, Тўқал хонимга атаб Дилкушо боғини, опаси Қутлуғ Туркон оға, сингилиси Ширинбека оғаларга ҳамда Бибихонимнинг онасига атаб мақбаралар барпо этганлиги юқоридаги мулоҳазанинг мантиқий тасдиғи бўлиб хизмат қилади. У никоҳ масаласини "Давлат юмишлари даражасидаги муҳим иш" қаторида кўрган.

Амир Темур XIV асрдаёқ "Куч - адолатда" шиорини давлат сиёсати мавқеи даражасига олиб чиқди. Умри давомида Соҳибқирон бу шиорни ўзига дастурул – амал қилиб олди. Амир Темур давлатидаги бу ахлоқий-маънавий мезон ҳамма даврлар учун эътиборли бўлиб, ҳозирги кунга қадар инсоният ҳаётида долзарб аҳамият касб этиб келмоқда. Амир Темур ҳарбий санъат, солиқ сиёсати, раиятга муносабатда, ўз давлат бошқаруви тизимида, қўл остидагиларга муносабатда ҳам ушбу тамойилга қатъий амал қилди.

Амир Темур ўз ҳукмронлиги даврида мутаассиблик, айирмачилик, мазҳабчилик кўринишларига йўл бермади. Осойишталик, тинчлик-хотиржамлик, хавфсизлик борасида аҳамиятга молик ишларни амалга оширди. Бу хусусда Соҳибқирон, "... салтанатимнинг у четидан бу четигача бирор болакай бошида

бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим", дея қайд қилган эди.

XXI аср баркамол авлодини тарбиялашда Амир Темур маънавияти шубҳасиз муҳим аҳамият касб этади.

1.8 Амир Темур давридаги маданий ҳаёт

Амир Темур 150 йиллик мўғул истибдодини тугатиб, ўзаро низо-парокандаликка чек қўйди, унинг саъй-ҳаракатлари билан кучли марказлашган давлат юзага келди. Бу эса ўз навбатида улуғ салтанатда маданий ҳаётнинг нафақат жонланиши, балки юксалишига замин яратди. Мазкур жараённи шахсан Амир Темурни ўзи давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватлади. У ўз бунёдкорлигини айнан давлат сиёсати макомида белгилади.

Амир Темур топшириғига кўра барпо этилган иншоотларнинг улуғворлиги сиёсий соҳадаги вазифалардан бири эди. Мазкур ҳолат Шаҳрисабздаги Оқсарой пештокига битилган "Агар қудратимиз ва кароматимизга шубҳа қилсанг, шак келтирсанг, қурдирган иморатларимизга қара!" деган ёзувда ўзининг аниқ ифодасини топди. Самарқандда, Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарлари, қолаверса бутун салтанатда Амир Темур даврида амалга оширилган қурилиш, ободончилик ишлари беқиёс аҳамият касб этди.

Бунда аввало шаҳар қурилишида истеҳкомлар барпо этиш, кўчаларни тартибга солиш, аниқ уюштирилган меъморий мажмуалар яратиш бўйича улкан тадбирлар амалга оширилди. Бу кўп ҳолда Самарқанд меъморчилигида ўз аксини топди. Амир Темур, кейинчалик Темурийлар даврида ҳам шаҳарларнинг асосий қисми "Ҳисор" деб аталган. Бу то мўғуллар босқинига қадар бўлган "Шаҳристон" атамасидан нисбатан фарқланади. Зеро, ҳисор шаҳарнинг асосий қурилишлари ва савдо-хунармандчилик соҳаларини ўз ичига олган ёки умуман янги жойда вужудга келган, лекин барибир меъморий жиҳатдан ўзаро уйғун бўлган асосий маъмурий ва мафкуравий бўғинларни ўзида жамлаган. Катта-кичик шаҳарларнинг ҳисори ҳар хил, аммо аҳамияти ва вазифаси бир бўлган. Буни Кеш (Шаҳрисабз) ва Самарқанд шаҳарлари мисолида ҳам кўриш мумкин бўлади. Ҳофизи Абрунинг маълумотига кўра, Кеш шаҳри ҳисор девори қурилиши 1378 йил бошланиб, бир йилдан сўнг тугалланган. Тўғри тўрт бурчак шаклдаги деворнинг тўрт томонида дарвозаси бўлган. Дарвозалардан бошланган иккита асосий йўл марказда кесишган. Йўл ёқасида жойлашган дўконлар марказга томон кўпайиб борган ва марказда асосий бозор бўлган. Ҳисорнинг жанубий-ғарбида Оқсарой бунёд этилиб, унинг қаршисида эса аслзодалар ва руҳонийларнинг маҳаллалари жойлашган.

Ўша давр муаррихлари пойтахтни Самарқандга кўчирилиши ҳақида гапириб, уни бағоят хушманзара, жаннатмонанд ерда жойлашганлиги ҳақида сўз юритишади. Ажойиб кир-адирлари, гўзал дарахтзорлари, мафтункор иншоотлари, сўлим каналлари бўлган бу беқиёс шаҳар – салтанатнинг ноёб жавоҳири ва бошқа шаҳару қишлоқлар ҳавас қилгудек масканни Амир Темур давлатни бошқарув марказига айлантириб пойтахт қилди, қалъа ва ҳисор қуришни, улуғвор иншоотлар ва тиллакор саройлар бунёд этишни буюрди.

Испан элчиси Клавихо Самарқандга таъриф бера туриб, қуйидагиларни таъкидлаган эди:

"Самарқанд шаҳри текисликда жойлашган ва атрофи тупроқ кўтарма ҳамда чуқур ҳандақ билан ўраб олинган... Бутун, шаҳар боғ-роғлар ва узумзорлар билан ўраб олинган...Шаҳар боғлар қўйнида жойлашган. Бу боғлар ўртасидан кўчалар ўтказилган, майдонлар бор, бу ерларда жуда кўп аҳоли яшайди, нон, гўшт ва кўплаб бошқа нарсалар сотилади". Амир Темурнинг Самарқанддаги қалъаси шунчаки истеҳком эмас, балки аввало пойтахтнинг мустаҳкамланган маъмурий – ҳарбий маркази ҳам эди. Амир Темур даврига келиб Самарқанд қиёфаси қуйидагича тус олган. Шаҳарда олтита дарвоза – шимолида Шайхзода ва Оҳанин, шарқида – Феруза, жанубида Сўзангарон ва Коризгоҳ, ғарбида – Чорсу дарвозалари мавжуд бўлган. Шаҳар маркази – Регистон майдонидан нур шаклида тарқалиб, бу дарвозаларга чўзилган асосий кўчалар ўқдай тўғри бўлмай, бурилишлари кўп, гоҳида йирик маҳаллалари тарихан вужудга келган кўчалар билан туташиб кетар эди. 1404 йили Самарқандга қайтган Амир Темур шаҳарнинг асосий кўчаларини тубдан қайта қуриб, тўғрилаш ва кенгайтиришга қарор қилади. Бу хусусда Клавихо ҳам ўз эсдаликларида қайд этиб ўтади. Шу давр меъморчилигида кўп ҳолда пишиқ ғишт ва баъзан тош, мармарга ҳам асосий урғу берила бошланди. Гумбаз техникасидаги тараққиётни кўп жиҳатдан пишиқ ғишт белгилаб берди. Таъкидлаш жоизки, XIV аср охирлари – XV аср буткул меъморчилик санъатининг юксалиш даври бўлди.

Амир Темур меъморчиликни юқори даражага кўтариш борасида муҳандислар, меъморлар, безак усталари олдига янгидан – янги вазифаларни қўйиб, уларнинг маҳоратларини мунтазам ошириб боришга катта эътибор билан қаради. Масалан, Клавихонинг гувоҳлик беришича Амир Темур Гўри Амир мақбараси қурилишидан унча қониқмай, унинг гумбазини қайта қуришни буюрган. Шунингдек, Жоме масжиди асосий пештоғи аввал унга мақбул бўлмаган, сўнгра пештоқ ҳам қайта қурилган. Муҳандислик изланишларининг якуни сифатида девордан деворга ташланувчи, ўзаро кесишувчи ва гумбазни кўтарувчи ("айилсимон") тўртта равоқ кўринишидаги янги тизим вужудга келди, равоқлар оралиғи қалқонсимон бағарлар ва осилиб турувчи ганчкорлик билан тўлдирилган безак ва сайқал ишлари бинонинг асосий ҳажми қуриб битказилганидан кейин эмас, балки у билан баравар амалга оширилган.

Меъморий безакнинг энг юқори чўққисига чиқиши ҳам Амир Темур ва Темурийлар даврида рўй берган. Унинг турларидан ва олдинги авлодларнинг тажрибасидан фойдаланган ҳолда усталар техник усулларни такомиллаштирибгина қолмай, балки янгиларини ҳам ишлаб чиқишди, безак мавзуларини бойитишди. Буларга – ғиштни деворни силлиқлаб, рангли ва сирли кошинлардан қадама нақш солиш, ёғоч, тош ва ганч ўймакорлиги, ҳошияларни безаган кўп рангли парчинлар, нақшларнинг айрим қисмлари ва бутун бошли паннолар, алоҳида сайқалланган кошинлардан ишланувчи ёрқин нақшлар, ички кўринишда эса кошинлар чегарасидан бошлаб то гумбаз марказигача деворий сурат ишланган бўлиб, у кўп рангли ва олтинга бой бўлган. Ёки айрим ранглар, масалан оқ фондаги зангори нақшлар устунлик қилган.



Самарқанд. Гўри Амир мақбараси. XVаср ёдгорлиги.

Буларнинг барчаси энг юксак техник даражада ижро қилиниб, ўз кўриниши, тузилиши билан асрлар давомида инсониятни лол қолдириб келмоқда. Нақшларнинг уч хили – ҳандасавий, ўсимликсимон ва эпиграфик турлари ёнма-ён, лекин ўзгача услуб билан ишлатилинар эди. Амир Темур даври иншоотларида кўк ва зарҳал ранглар устун, дабдабали нақшлар ҳукмрон бўлган. Турли ҳудудлардан келган ҳунармандлар турли соҳа мутахассислари қурилиш, меъморчилик ишларига кенг жалб этилар эди. Шамс Абдулвахоб Шерозий, Тожуддин Исфаҳоний, Шарафуддин Табризий сингари уста меъморлар, ёғоч ўймакори Юсуф Шерозийлар шулар қаторидан ўрин олган машҳур усталар бўлишган. Таъкидлаш жозики, Мовароуннаҳр ўлкасининг ўз меъморий мактаблари ва безак усталари бўлган.

Уларнинг айримларининг номлари бизгача етиб келган. Улар қаторида Фахри Али, Бадриддин, Шамсиддин, уста Зайниддин, уста Али (Алим) Насафий номларини келтириш жоиз. Амир Темурнинг бош боғбони ҳам маҳаллий ўсимлик дунёсини яхши билган самарқандлик Шаҳобиддин Аҳмад Зардакаший номли шахс бўлган. Маҳаллий ва ўзга юртлардан келган усталар ўзаро ижодий таъсири шу давр меъморчилигида ўзига хос янги услубни вужудга келтирди, салтанатнинг барча ҳудудларидан тўпланган усталарнинг билими ва ижобий салоҳиятини ўзида жамлади.

Амир Темур қурдирган меъморий иншоотлар ичида шубҳасиз Оқсарой энг йирик ва нодир обида ҳисобланади. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишига қараганда Амир Темур тўртинчи маротаба, яъни 1379 йили Хоразмга юришидан қайтганидан сўнг хоразмлик бир гуруҳ кишиларни Кешга кўчириб келтирганлигини қайд этади. Кўчириб келтирилганлар орасида қурувчи уста,

мутахассис бунёдкорлар ҳам бўлганки, улар Амир Темурнинг буйруғи билан Кешда янги сарой барпо этиш ишига жалб қилинганлар. Оқсаройнинг қурилиши 1380 йил баҳорида бошланган. Ўз даврида умумий баландлик даражаси 70 метрни ташкил этган Оқсарой биносининг ҳозирги вақтгача сақланиб қолган қисми 38 метрни ташкил этади. 1404 йил 29 август куни Кешда бўлган испан элчиси Клавихо усталар ҳануз қурилиш ишларини давом эттиришаётганлигини таъкидлаган. Сарой ҳажми жиҳатидан ниҳоятда улкан ва маҳобатли, ўз даврининг ўхшаши йўқ биноси бўлган. Шу даврда Амир Темур давлатида сарой иншоотларининг икки тури кенг тарқалган эди: расмий, маъмурий бошқарув; шаҳардан ташқаридаги қароргоҳ вазифасини ўтовчи, дам олиш иншоотлари.

Оқсарой табиийки, биринчи гуруҳга кирган иншоот бўлган. Оқсарой кўлами, маърифий ечими бўйича тенги йўқ иморат бўлиб, уни саройда сақланиб қолган қуйидаги ёзув ҳам тасдиқлайди: "Гўзаллиги жиҳатдан ҳайратланарли ва кўк гумбазлари бўлган бу бино, пештоқ қуббаларида ўз аксини топган ва жилваланувчи турли рангдаги нурлар таратувчи машъалага ўхшайди". Низомиддин Шомий ўзининг "Зафарнома" асарида Оқсарой ҳақида "Унинг тоқ ва равоқлари айиқ юлдузига етади, бинобарин, дунёда унга тенг келадиган нарсани ҳеч ким ҳеч қачон кўрмаган ва эшитмаган", дея юқори таъриф берган эди.

Ҳозирги кунда Оқсаройнинг сақланиб қолган қисми у ҳажми жиҳатдан улкан бўлиб, ўрта асрларда тенги йўқ иншоот бўлганлигини яна бир қарра тасдикламоқда. Шунингдек, Амир Темур 1373/1374 йилларда Шаҳрисабзда устози Шайх Шамсиддин кулол мозори устида гумбазли мақбара барпо этиб, отаси Муҳаммад Тарағай қабрини ҳам унга кўчириб ўтказади.

1376 йили Амир Темурнинг катта ўғли Жаҳонгир Мирзо йигирма ёшида вафот этгач, бу жудоликдан қаттиқ кайғурган ҳукмдор уни Шаҳрисабзга кўмишга қарор қилади. Шарафуддин Али Яздий 1379 йил Хоразм юришидан сўнг, Кешга келтирилган кўплаб усталарга Жаҳонгир Мирзо қабри устига улкан мақбара барпо этиш буюрганлигини ёзиб қолдирган. Бобур Амир Темур Оқсаройдан сўнг Шаҳрисабзда Жаҳонгир Мирзо мақбараси ва мадраса барпо этган дея маълумот беради. Испан элчиси Клавихо ҳам бу улуғвор иншоотга юқори баҳо берган эди.

Амир Темур, шубҳасиз пойтахт Самарқанд меъморчилигида улкан аҳамиятга молик ажойиб меъморий иншоотларни яратди. Амир Темур томонидан Самарқандда Кўксарой ва Бўстонсарой номини олган саройлар барпо этилди. Кўксарой тўрт қаватли бўлиб, гумбазлари ва деворлари зангори парчинлар билан қопланганлиги учун ҳам шундай номга сазовор бўлган. Кўксаройда хонларни подшолик тахтига ўтказиш маросими вақтида уларни оқ кигиз устига ўтказадиган, тошдан тахтикурси – кўктош қўйилган бўлган. Амир Темур даврида Афросиёбнинг жанубида жойлашган Шоҳизинда мажмуи кенгайиб, қайтадан юзага кела бошлади. Қусам ибн Аббос мозоридан деворнинг жанубига қадар бўлган йўлакнинг юқори қисмида қатор мақбаралар юзага келди.


Мазкур мажмуада Шодимулк оға, Амир Ҳусайн (Тўғлу Текишнинг ўғли), Амир Темурнинг синглиси Ширинбека оға, Амирзода мақбаралари 1372-1386 йиллар давомида қуриб битказилган. XIV аср 80-90 йилларида Номсиз ва Мирзо

Бурундуқ мақбаралари қурилди. 1404-1405 йилларга келиб Амир Темурнинг хотини Туман оқа томонидан мақбара, масжид ва мажмуанинг бош қисмига олиб чиқувчи чорток қурилди. Мақбаралар ўз безаги, меъморий ечими, қурилиш даражаси бўйича ўз даврининг шу йўналишидаги етакчи иншоотлари бўлиб ҳисобланган.

Амир Темур томонидан ўз даврида шайх Бурҳониддин Соғаржий хилхонаси - Руҳобод ва Гўри Амир мақбаралари барпо этилди. Шунингдек, Бухоро яқинида машҳур шайх Сайфиддин Боҳарзий (1190-1261) мақбараси таъмирланиб, унга катта пештоқ қурилди. Шубҳасиз, ўз улуғворлиги ва юқори меъморий жиҳатлари билан Гўри Амир ноёб меъморий иншоотлари сирасидан жой олган. 1403 йили Амир Темурнинг суюкли невараси Муҳаммад Султон Кичик Осиёга юришдан сўнг тўсатдан вафот этди. У аввал вақтинча Султониядаги пайғамбар Ҳайдар мозорига дафн этилди. Амир Темур 1404 йили аввал ўзи учун мўлжалланган Гўри Амир мақбарасини қуриб битказди. Унга биринчи бўлиб Амир Темурнинг устози ва пири Мир Сайид Барака дафн этилди. Кейинчалик бу ер оилавий даҳма тусини олиб, у ерга Муҳаммад Султон жасади олиб келиб қўйилади.

Вақт ўтиши билан мақбарага Амир Темурнинг ўзи, ўғиллари Умаршайх, Мироншоҳ, Шоҳрух, невараси Мирзо Улуғбек, кичик ёшдаги икки чеваралари ҳам дафн этилади. Гўри Амирга туташ тарзда мадраса барпо этилиб, унинг жанубий-ғарбий томонига XV аср давомида қатор Темурийлар авлоди вакиллари дафн этилади.

Амир Темур юксак меъморий қурилишига оид яна бир иншоот бу – Бибихоним жоме масжиди ҳисобланади. Масжид 1399 йили бошланиб, 1404 йили тугатилган. Самарқанд жоме масжиди анча эскириб, ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжига мос келмай қолган эди. У Ҳиндистон юришидан қайтганидан кейин ўз маҳобати ва улуғворлиги бўйича тенги йўқ масжид барпо этишга қарор қилди. Бу ҳақда Шарафуддин Али Яздий қуйидагиларни ёзган: "...моҳир меъморлар ва ўз санъатида беназир усталар бахтли саодатда ва юлдузлар учун қулай пайтда бинога асос солишди...Озарбайжон, Эрон, Ҳиндистондан келган 500 тоштарош масжидининг ўзида ишлар, бошқалар эса тоғда тош йўниб, шаҳарга жўнатиш билан банд эди. ... Қурилиш ишларини назорат қилишни Темур шаҳзодалар ва амирларга топширди... Қурилишга шахсан ўзи келди ва ўша кезлари вақтининг кўп қисмини шу яқин атрофда – Хоним мадраса ва Туман оқа мақбарасида ўтказди... Бино янглиғ кўк гумбазига етишгунча ва ховли озодалиги...жаннат боғларининг чиройини унутирар даражада бўлмагунча давом этди... Деворнинг ички-ташқи тарафидан ва равоқ атрофи тошга йўйилган битиклар билан безатилган...Минбар бағоят гўзал қилиб безатилди, мехроб темирдан ясалди. Осмон гумбази бўлмаганда бу гумбаз ягона бўларди, Сомон йўли бўлмаганда пештоқ ягона бўларди". Ҳофизи Абру эса масжид таърифига қўшимча қуйидаги тафсилотни келтиради: "...Бутун бинонинг ховлиси ва томи тошдан ишланган ва бу тошлар ўзаро шу қадар жипслик билан бирлаштирилганки, канча юз йиллар ўтмасин, нақшлари ўчмай ва бутун бино завол кўрмай дунё тургунча тургай".



Самарқанд. Бибихоним мажмуаси. XV аср ёдгорлиги. Ҳозирги даврдаги кўриниш.

Масжид билан бир қаторда унинг рўпарасида Бибихоним томонидан мадраса ва мақбара қурилиши давом эттирилди. Жоме масжиди саҳни тўртбурчак бурчакларида икки баланд миноралар бўлган. Масжиднинг кенг ҳовлисида пешайвонлар билан улар оралиғидаги равоқлар ва гумбазчаларни 400 дан зиёд мармар устунлар кўтариб турган. Масжиддаги улкан лавҳда Амир Темур Бурсадан олиб келган муқаддас "Усмон Қуръони" турган.

Жоме масжиди қурилишини Амир Темур қаттиқ назорат қилди. Масжид қурилишида сусткашлик қилган икки амалдор қаттиқ жазоланди, пешток эса қайта қурилди. Амир Темур юқорида таъкидланганидек, шаҳардан ташқарида ҳам қароргоҳ ҳам дам олувчи ўрнини ўтовчи иншоотлар барпо этган эди. Бундай қароргоҳлар сўлим, соя-салқин боғлар билан уйғунлашган тарзда барпо этилган.

Дастлаб XIV аср 70-йилларида Кўҳак тоғи этагида "Боғи Нақшижаҳон" барпо этилди. 1378 йили Самарқанддан ғарбда Туман оға учун "Боғи Беҳишт" қурилди. "Боғи Амирзода Шоҳрух" 1394 йили Шоҳрух Кавказ ортига юришидан қайтиши шарафига қурилган. "Боғи Бўлди" ("Олис" деб ҳам ном олган) пойтахтдан шарқда, "Боғи Дилкушо" ҳам шу йўналишда Хончорбоғ деган жойида ташкил этилган бўлиб, 1396-1399 йиллар давомида қурилган. "Боғи шамол" 1397 йил Мироншоҳнинг қизига атаб қурилган бўлиб, Самарқанднинг шимолий қисмида жойлашган эди. "Боғи Зоғон" эса "Боғи Бўлди" яқинида Кўчаи Хиёбон мавзеидан жой олган. "Боғи Баланд" эса Темурнинг донғи кетган масканларидан бири бўлган. 1399 йили Амир Темур Ҳиндистондан қайтиши шарофатига Самарқанддан жанубда, Дарғом чўлида "Боғи Давлатобод" ташкил этилган. "Боғи Чинор" ҳам жанубда жойлашган эди.

1404 йили Самарқанд шаҳри ғарбий девори ортида "Боғи Нав" барпо этилди. "Боғи Жаҳоннамо" деб ном олган қароргоҳ эса Шаҳрисабз йўлидаги ёнбағирликка қурилган. "Боғи Майдон" Афросиёбнинг шимолий томонида қурила бошлаган вақтида Амир Темур вафот этиб қолди, шу боис қурилиш ишларини Мирзо Улуғбек якунлаган. Мазкур боғлар ўзларининг ажойиб кўшк-саройлари, ёзги айвону-шийпонлари, мевали, манзарали дарахтлари, анвойи ўсимлигу-гуллари билан чет эллик сайёҳ ва элчиларни лол қолдирган. Руи Гонсалес де Клавихо, Шарафуддин Али Яздий ва ибн Арабшоҳлар 1404 йили Амир Темурнинг юришдан қайтиши ҳамда неваралари тўйи шарафига Конигулда ўтказган байрамни завқ-шавқ билан тасвирлашади. Айниқса, улуғвор шийпон Клавихони лол қолдирган "Бу шийпон, - деб ёзади Клавихо, шу қадар кенг ва шу қадар маҳобатли эдики, нақ қаср дейсиз. Баландлиги ва ўлчамлари ақлни шоширади, гўзаллигини таърифлашга эса тил ожиздир". Бундай шийпонлар сони муаррихлар ёзишича 400 та бўлган. Клавихо шунингдек шакли, баландлиги ва безаги билан уни хайратга солган ҳашаматли ўтовни ҳам муфассал тасвирлаган. Амир Темур учун шийпонсоз усталар йиғма масжид қуриб беришган, яқин – узоқ сафарларда ҳукмдор уни ўзи билан олиб юрган.

Соҳибқирон томонидан 1371 йили Новадон ариғи ёнида халқ орасида "авлиё" мақомини олган Нуриддин Басир қабри устига мақбара қурилган. Афсуски, у XIX аср охирида вайрон этилган.

Амир Темур томонидан қурдирилган маҳобатли иншоотлардан яна бири – Ясси (Туркистон) да қурилган Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси ҳисобланади. "Султон ул-орифин" номини олган, яссавия тариқат мактабининг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий номи айниқса Ўрта Осиё шимолида маълум ва машҳур эди. 1397 йили Туркистонга ташриф буюрган Амир Темур Яссавий қабри устига олиймақом меъморий мажмуа барпо этишни буюрди. Аҳмад Яссавий мақбараси икки йил (1397-1399) давомида қурилган. Мажмуа дастлаб жамоатхона, гўрхона, масжид, катта ва кичик саройлар, китобхона, ҳалимхона, қудуқхона, икки қаватли ҳужралар, ўттиздан зиёд катта – кичик хоналардан иборат бўлган. Мажмуа ёнбошида ертўла – чиллахона бўлган. Зиёратгоҳнинг энг нодир ва қимматбаҳо бойлиги – асосий хонанинг ўртасидаги қирқ қулокли дошқозон эди. У ҳам Амир Темур буйруғи билан ясалган, 4000 кишилик таом пиширишга мўлжалланган. Қозон 7 хил металл (олтин, кумуш, қўрғошин, темир, пўлат, рух, мис) қоришмасидан тайёрланиб, шарқона безаклар билан зийнатланган. Назр-ниёз қозони деб ном олган бу қозонда турли таомлар пиширилиб, бева-бечора, мусофир, камбағалларга тарқатилган. Мажмуани асосан эронлик усталар қуришган. Амир Темур 1380 йили Бухородаги Чашмаи Аюб қудуғи устига ҳам ажойиб бино қурдирган. Бу бино аксарият хоразмлик усталар томонидан барпо этилди.

Амир Темур шунингдек, Тошкентда Шайх Зайниддин бобо мақбарасини, шаҳар яқинида Занги ота мажумаси ва Анбарбиби мақбарасини, катор дарёлар устига кўприклар, Тошкент воҳасида каналлар, карвонсаройлар, ирригация иншоотлари, ҳаммомлар ва бошқа тегишли иншоотларни ҳам бино қилди. У Самарқанд атрофида ўз даврининг машҳур шаҳарлари номи билан Шероз, Султония, Дамашқ, Миср, Бағдод каби ажойиб қишлоқларни ҳам барпо этди. Бу

билан Амир Темур Самарқанд мавқеи бу донғи кетган шаҳарлар орасида янада юқори эканлигини таъкидламоқчи эди. Амир Темурнинг бунёдкорлиги, ободончилик ишлари салтанатнинг турли ҳудудларида ҳам амалга оширилди. Унинг буйруғи билан Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Кобул яқинида шифохона барпо эттирилди, Ҳиндистон йўлидаги Эрёб қалъаси қайта тикланди, Ширвонда Бойлақон шаҳри қурилди, шу ерга 60 км. лик канал қаздирилиб сув чиқартирди*. Шунингдек, Амир Темур Хўжанддаги шайх Мислоҳат қабрини обод қилиш учун 10.000 донор пул ҳам ажратади, Ироқ, Эрон ва Сурияда қатор мақбара ва зиёратгоҳлар барпо этди. Али Яздий ёзганидек, қаерда бўлмасин ўзидан кейин "кўплаб бинолар, сув чиқарилган ерлар ва обод қилинган жойлар қолдирди."

Амир Темур даврига келиб миниатюра санъати янада ривож топди. Ибн Арабшоҳ ўз асарида Амир Темурнинг Самарқанддаги саройларида бир қанча деворий суратлар бўлганлигини ёзади. Шарафуддин Али Яздий эса "Боғи шамол" саройини безаган деворий суратлар ҳақида хабар беради. бу эса юқоридаги мулоҳазаларнинг мантиқий исботи бўлиб хизмат қилади. Мақбаралар нақшларида (масалан, Ширинбека оға, Бибихоним, Туман оға) наққошлик ва хаттотлик санъати намуналари билан бир қаторда тасвирий лавҳалар ҳам мавжуд. Амир Темур даврида Самарқандда ўзига хос миниатюра рассомчилик мактаби қарор топди.

Тобе мамлакатлардан олиб келинган хаттотлар, саҳҳофлар, музаҳҳиблар, рассом-наққошлар аксарият саройдаги кутубхонада ижод билан машғул бўлишди. XV аср вақф ҳужжатдаги бир маълумотга кўра Самарқандда хатто наққошлар истиқомат қиладиган алоҳида бир кўча – Кўйи Наққошон ҳам бўлган. 1393 йили Бағдодни эгаллаган Амир Темур Самарқандга шу ерлик машҳур рассом Абдул Хайяни жўнатади. Абдул Хайя Самарқандда унумли ижод билан шуғулланган. Абдул Хайя ва унинг шогирлари асарларида жанг, ов-шикор, сарой маросимлари мавзулари асосий ўрин эгаллаган. Абдул Хайянинг энг машҳур шогирдларидан бири Маҳмудшоҳ ал-Хайём бўлиб, бизгача расмлар четидаги унинг номи етиб келган. Амир Темурнинг жанг майдонлари ва саройдаги қабул маросимлари ҳолатларини акс эттирган бир катор миниатюралар ҳам бизгача етиб келган. Амир Темур даврида бадиий ўймакорлик, тош ўймакорлиги, ярим қимматбаҳо, қимматбаҳо тошлардан идиш ясаш санъати ҳам юқори даражада тараққий этди.

Ёғоч ўймакорлиги нафақат меъморчиликда, балки жиҳозлар, хусусан, курси, хонтахта, ёғоч қутича, китоб қўйиладиган лавҳ ва бошқалар ясаш жараёнида ҳам кенг қўлланилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур даврда металл ўймакорлиги ҳам ривож топиб, турли металл, қимматбаҳо металлдан (олтин, кумуш) ясалган идишларда у ўз асини топган. Унда кўп ҳолда ислимий нақшлар турли ўсимлик намуналари, насх ёки сулс хатидаги дуолар билан чирмашиб кетган ҳолда акс эттирилган. Шунингдек, нақшларда турли ҳайвон, қушлар тасвири ҳам акс этар эди. Лаган, жом, дастшўй, пиёла, шамдон, чироқ, чилим, қаламдон сингари буюмлар аксарият бронза, латун, қизил мисдан жуда

*Мазкур канал Наҳри Барлос номи билан машҳур бўлган.

нақшинкор қилиб ишланар эди. Буюмларнинг безатилишига кўра унинг эгаси қайси табақага мансублигини ҳам билиш мумкин бўлган.

Ўймакор усталар олий тоифага мансуб лашкарбошларнинг ҳарбий қурол-аслаҳалари - дубулға, қалқон, қилич сопларига ўйма нақшлар билан зеб беришган.

Испан элчиси Клавихо саройдаги зеб берилган олтин ва кумуш идишларнинг зеб берилишини тасвирлаб "еттита олтин кўзадан иккитасига марварид, зумрад ва феруза қадаб зеб берилган. Ҳар бирининг учли қисмига ёқут қадалганига" ўз эътиборини қаратган. Пиёлалар эса олтиндан бўлиб, уларнинг ҳар бирининг ичига поёб марварид ёки ёқут ўрнатилганини ҳам қайд этади.

Сарой аёллари бош кийими – култапўшак жуда зеб-зийнатларга бой бўлган. Нафақат зодагон аёллар балки шаҳар ва қишлоқ аёллари зеб-зийнатлари ҳам хилма-хил бўлган. Бой эркаклар пичоқ, узук, камар, эгар - жабдукларида ҳам турли зеб-зийнатлар бўлган.

Амалий санъатнинг кенг тарқалган турларидан бири – кулолчилик бўлиб, маҳаллий усталар қадим-қадимдан бу соҳадаги маҳоратларини намойиш қилганлар. Амир Темур даврига келиб у янада ривож топди. Шу даврга келиб, анънавий нақшлар тушириш билан бирга мутлақо янгилик – оппоқ идишларга шаффоф сир устидан кобальт ёрдамида нақш берила бошланган. Сопол буюмларга нақшлар мўйқалам оркали амалга оширилиб, баъзи усталар хитойлик чиннилардан намуна олишар, кўплари эса анъанавий усулни давом эттиришар эди.

Бу даврда шунингдек тўқимачилик, гиламдўзлик, каштачилик санъат даражасигача кўтарилди. Кийим-кечаклар, матоларнинг кўплаб хиллари ва турли бичимлари бўлган. Миниатюра расмларига караб Темурийлар хонадони вакиллари кийим-кечаклари ниҳоятда хилма-хил, ранг-баранг бўлганини гувоҳи бўлиш мумкин. Кийим-кечакларда зар иплар, гардишин нақшлар, сарой жиҳозларида зар билан тикилган кўрпачалар, пушти рангли чойшаблар, зар ипли, хилма-хил нақшли гиламлар айниқса урф бўлган. Мазкур даврда хаттотлик санъати ҳам ривож топганлиги илгари ҳам таъкидлаб ўтилган эди. Амир Темур даврида кенг халқ оммасига мўлжалланган театрлаштирилган томошалар янада тараққий этди. Халқ сайиллари, бозорлар ва тўйларда масхарабоз, қўғирчоқбоз ва дорвозлар турли ўйин ва томошаларни намойиш этишган. Кўп ҳолда бундай гуруҳлар мусиқачилар билан жам бўлиб, махсус жамоаларга бирлашганлар. Жаброил фариштa эса уларнинг пири бўлиб хисобланган.

XIV аср охирлари – XV асрда Мовароуннаҳрда анъанавий халқ байрамлари – Наврўз, баҳорги сайил, Гули Сурх, Лола байрами, ҳосил байрами ва бошқалар шаҳару-қишлоқларда кенг нишонланилар эди. Бундай байрамлар айниқса пойтахт Самаркандда кенг кўламда нишонланган. Байрам кунлари шаҳар майдонларида мусиқачи ва раққослар, масхарабоз ва қўғирчоқбозлар, дорвоз ва уста ҳаваскорлар аралаш томошаларини намойиш этишарди. Ҳайвон терисини ёпинган муқаллидлар томошаси ҳам қизиқ ўтар эди. Томоша санъати гарчи мутаассиб руҳонийлар томонидан қоралансада, лекин у халқ орасида катта шуҳрат қозонган эди.

Аслзодалар орасида полвонлар кураши, мусиқачи раққослар иштирокидаги базму-жамшидлар катта шуҳрат қозонган. Шу даврда бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳам мусиқа санъати кенг халқ оммаси ҳаётининг узвий қисмига айланган эди. Амир Темур забт этилган ўлка ва мамлакатлардан санъат арбобларини, хусусан мусиқачиларни ҳам Самарқандга юбориб турган. Улар орасида айниқса Озарбайжоннинг маданият маркази бўлган Мароғадан чиққан Абулқодир (1353-1435) жуда машҳур бўлган. У турли билим ва истеъдодларга эга бўлган. Бир вақтнинг ўзида у ҳам шоир ҳам хонанда ҳам қори ҳам мусиқа ижрочиси эди. У пойтахт мусиқачиларига раҳбарлик қилар, умумшаҳар байрамлари, сарой базмларида мусиқа дастурлари ташкилотчиси бўлар эди.

Абулқодир турли мумтоз мусиқаларни жамлаб, бу хусусда рисолалар ҳам ёзган. Шу даврда уд, танбур, чанг, рубоб, най, карнай, ноғора, доира ва бошқалар асосий мусиқа асбоблари бўлиб ҳисобланар эди. Ижро этилаётган куйнинг оҳангдорлигини танбур яратар, унга асосан уд, баъзи ҳолларда най ёки чанг жўр бўлар эди. Одатда уд чалувчининг ўзи қўшиқ ҳам куйлар эди.

Ҳарбий юришларда ноғора ва карнайлардан фойдаланилар, бундан ташқари ноғора – карнай садолари шаҳарга ҳукмдор кириб келаётганлигидан ҳам хабар берар эди. XV аср биринчи ярмида ижод қилган баъзи мусиқачиларнинг номлари бизгача етиб келган. Улар орасида Дарвеш Аҳмад Қонуний қонун чалишда, Султон Аҳмад най чалишда энг маҳоратли мусиқачилар деб ҳисобланган. Самарқандда хивалик мусиқачи Девонаи Ҳисобий номи маълум ва машҳур эди. Султон Муҳаммад ҳам бастакор, ҳам уд чалиш бўйича тенги йўқ шахс дея эътироф этилган.

Махсумзодаи Хоразмий савт ва нақш каби оҳангларни, бастакор Ҳофизи Чангий пешрав ижод қилишда моҳир бўлишган. Мусиқа асарларининг амал, савт, пешрав, нақш, тарона сингари шакллари кенг оммалашган бўлиб, улар кейинчалик шашмақомда ҳам ўз аксини топган.

Амир Темур илм-фан арбобларини қадрлаган ва ҳурмат қилган. Араб тарихчиси, Дамашқда Соҳибқирон билан шахсан учрашган ибн Халдун Амир Темурнинг тарихни чуқур билиши, билим доираси, салоҳиятига тан берган эди. Амир Темур олимларни қадрлашини "Тузуклари"да ҳам қайд этган. Ўз вақтида Соҳибқирон Самарқандга машҳур астроном олимлар Нисодан – ат-Тафтазоний, Гургондан ал-Журжонийларни ҳам таклиф қилиб, ўз илмий ишларини айнан салтанат пойтахтида давом эттиришларига имкон яратган эди. Соҳибқироннинг ўзи илм-фан ихлосманди бўлиб тарих, жўғрофия, мантиқ, астрономия, фалсафа, диний илмлардан яхши хабардор бўлган. Бибихоним томонидан жоме масжиди тўғрисида мадраса барпо этилиши ҳам илм-фанга бўлган интилиш давлат миқёсида қўллаб-қувватланганлигининг далилидир.

Шарафуддин Али Яздий ва Ибн Арабшоҳларнинг маълумот беришларича, Амир Темур Шомдан (Сурия) Самарқандга машҳур табиблар Мавлоно Жалолиддин ва Мавлоно Сулаймонларни олиб келган. Ўз даврининг машҳур табиби ҳисобланган Мавлоно Файзуллоҳ Табризий Соҳибқироннинг шахсий табиби бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, саройда Мавлоно Иззатиддин Маъсуд Шерозий ва Мавлоно Фаррух табиб сингари табиблар ҳам фаолият кўрсатишган. Ўз даврида машҳур табиб Ибн Фақих Илёснинг тиббиётга бағишланган бир неча

рисолалари ёзилган бўлиб, маҳаллий табиблар учун яхши қўлланма ролини ўтаган. Бу эса тиббиёт илми XV аср бошларида ривож топганлигидан дарак беради.

Амир Темур даврида туркий тилда ижод қилувчи адиблар орасида Сайидо Насимий, Сайфи Сароїи, Лутфий, форсий назмда Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Салмон Савожий ва бошқаларнинг номлари машҳур бўлган. Амир Темур шоирларга ҳурмат билан муносабат кўрсатган. У Камол Хўжандий тақдирига жон куйдириб, уни асирликдан озод қилган. Соҳибқироннинг ўғли Мироншоҳ Мирзо ҳам шоир Камол Хўжандий билан ёзишмалар олиб борганлиги тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган. 1387 йили Амир Темур Шерозни олган вақтида шу даврнинг машҳур шоири Ҳофиз Шерозий билан учрашган. Алишер Навоий ўзининг "Мажолисун нофоис" номли асарида "Темур Кўрагон гарчи шеър ва ғазаллар битмасада, лекин назм ва насрдан жуда яхши хабардор бўлган. Ўз вақтида у томонидан айтилган бир байт, мингта тўқилган байтдан ҳам устун келади", дея таъкидлаган эди. Соҳибқирон ҳар қандай қиссахонлик, ўтган давр воқеликларини диққат билан эшитган. Хусусан, араб тарихчиси Ибн Халдун Амир Темур ҳузурида 35 кун бўлиб, унга тарихдан, айниқса Мағриб тарихидан кўплаб марокли воқеликларни сўзлаб берган.

Амир Темур даврида маданий ҳаётнинг ўсиши, унинг улкан даражадаги равнақи бевосита мамлакатда ўрнатилган тинчлик – осойишталик, барқарорлик, кучли марказлашган давлатнинг ҳосиласи, буюк ҳукмдорнинг мазкур соҳага қаратган улкан эътибори сиёсати натижаси дея эътироф этиш тарихий ҳақиқатга тўла мос келади.

Таянч сўзлар

Амир, даргоҳ, девон, вазир, улус, доруға, қутвол, арзбеги, тавочи, Чиғатой улуси, хон, Хуросон, Мовароуннаҳр, салтанат, тузуклар, туман, черик, жавонғор, баронғор, султон, сарбадор, раият, сипоҳ, Мўғулистон, Эрон, Кичик Осиё, Сурия, Миср, Самарқанд, солиқ, амалдор.

Савол ва топшириқлар

1. XIV асрнинг биринчи ярмида Чиғатой улусида кечган сиёсий жараёнлар ҳамда унинг инқирози сабабларини таҳлил қилинг.
2. Мовароуннаҳрда кучли ва марказлашган давлат барпо этишда Амир Темурнинг тарихий хизматлари нималарда акс этган?
3. Амир Темур ҳарбий санъати хусусида нималарни биласиз?
4. «Темур тузуклари» тарихшунослигини гапириб беринг.
5. «Куч адолатда» - шиори мазмун-моҳиятини изоҳланг.
6. Республикамиз Биринчи Президенти И.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида Амир Темур шахсига қандай баҳо берилган эди?
7. Амир Темур салтанати тарихи тўғрисида қайси тарихий манбаларни биласиз?

8. «Темур тузуклари» - тарихий манба сифатида деганда нимани тушунасиз?
9. Клавихо кундалигида Амир Темур давлати қай тарздатавсифланган?
10. Амир Темур давлати халқаро алоқаларида қайси жиҳатларга устувор дея қаралган?
11. Амир Темур давлвтидаги маданий ҳаётнинг устувор жиҳатлари нимада эди?
12. Истиқлол йилларида Амир Темурга кўрсатилган ҳурмат ва эътибор нималарда ўз ифодасини топди?

1-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. Амир Темур ҳақида сўз. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Абдураимов М. Темур ва Тўхтамишхон. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2000.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Тошкент: Шарқ, 2000.
5. Амир Темур ўгитлари. - Тошкент: Наврўз, 1992.
6. Амир Темур жаҳон тарихида. - Тошкент: Шарқ, 1996.
7. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур.- Тошкент, 1996.
8. Бўриев О. Соҳибқирон Амир Темур. – Тошкент: O'zbekiston, 2011.
9. Бўриев О. Амир Темур давлатида бошқарув тизими. – Тошкент, 2016.
10. Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2017.
11. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Икки жилдлик. Араб тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи Убайдулла Уватов. -Тошкент: Меҳнат, 1992.
12. Иванов М. Икки буюк саркарда.Чингизхон ва Амир Темур. - Тошкент: Хазина, 1994.
13. Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний.– Тошкент: O'zbekiston, 2011.
14. Муҳаммаджонов А. Амир Темур ва Темурийлар даври. -Тошкент: Фан, 1996.
15. Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
16. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар)- Тошкент:Ўзбекистон НМИУ, 2010.
17. Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
18. Темур тузуклари. - Тошкент: Маънавият, 2011.
19. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. - Тошкент: Шарқ, 1997.
20. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. Дарслик I жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.

21. Одилов А. А. Амир Темур тузуклари – давлат бошқаруви асоси. Ўқув қўлланма. -Тошкент: Фан ва технология, 2016.

22. Ўлжаева Ш. Амир Темур ва Темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. – Тошкент: Фан, 2005.

23. Қадимги Кеш – Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 1998.

24. Қамчибек Кенжа. Буюк Соҳибқирон ўтган йўлларда. – Тошкент: Шарқ, 2014.

2-мавзу. Темурийлар ҳукмронлиги даври. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт

Режа:

2.1 Темурийлар давлатидаги ижтимоий-сиёсий вазият (XV аср биринчи ярми).
2.2 Мирзо Улуғбек – Мовароуннаҳр ҳукмдори ва буюк олим.
2.3 XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросон.
2.4 Султон Ҳусайн Бойқаро – Хуросон ҳукмдори.
2.5 Алишер Навоий – буюк мутафаккир ва давлат арбоби.
2.6 Заҳириддин Муҳаммад Бобур – ҳукмдор ва шоир.
2.7 Амир Темур ва Темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.
2.8 Темурийлар ҳукмронлиги (1405-1506 йй.) даврида илм-фан ва маданий ҳаёт.

2.1 Темурийлар давлатидаги ижтимоий-сиёсий вазият (XV аср биринчи ярми)

Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур Хитойга қилинаётган ҳарбий юриш вақтида қаттиқ оғриб, 1405 йил 18 февраль куни кечаси Ўтрор ҳокими Бердибекнинг саройида вафот этди. Ўз даврининг моҳир табиблари ва уларнинг сардори бўлмиш таниқли табиб Мавлоно Файзуллоҳ Табризийнинг муолажалари буюк ҳукмдор танасидаги дардга даво бўла олмади. Қазосига қадар ихтиёри ўзида бўлган Соҳибқирон Амир Темур ўзига ворис ва тахт валиаҳди этиб невараси Пирмуҳаммад Жаҳонгирни васият қилиб қолдирди. Амир Темур барпо этган буюк салтанат (жами ўз ичига 27 та мамлакат ва ўлкаларни жам этган) гарчи Соҳибқироннинг маҳорати ва куч-қудрати ила мустаҳкам турган бўлсада, лекин у ички сиёсий жиҳатдан анча заиф, умумиқтисодий асосга эга эмас эди. Ўғиллар, невараларга мамлакатни қисм-қисмларга бўлиб берилганлиги ва суюрғол тартиби ҳам Амир Темур давлати парокандалигини кучайтирар эди. Амир Темур жасади Самарқандда дафн этилиб, мотам маросимлари тугамасданоқ, тожу-тахт учун шаҳзодалар ўртасида ўзаро курашлар жараёни кучайиб кетди.

Кобул ва шимолий Ҳинд мулкларининг ҳокими бўлмиш Пирмуҳаммадни кўпчилик тахт эгаси сифатида кўришни ҳоҳламас эди. Бунинг устига у анча узокда бўлиб, Самарқандга тезлик билан етиб келиш учун имкони ҳам бўлмаган. Амир Темур вафотидан сўнг Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, Озарбайжон, Ирок ва бошқа ерларда нотинчлик бошланиб, ғалаёнли вазиятлар юзага кела бошлади. Секин-аста Амир Темур куч-қудрати билан барпо этилган буюк салтанатга путур ета бошлади. Фасиҳ Ҳавофий АмирТемурдан сўнг тирик қолган унинг ўғил ва невараларини санаб, уларнинг сони 36 жами тага етишини таъкидлаган эди. Айниқса улар орасида Шоҳрух (1377-1447) ва унинг ўғли Мирзо Улуғбеклар (1394-1449) алоҳида ҳурмат билан тилга олиб ўтилган. Шу давр муаррихлари тахт эгалигига кўпроқ Шоҳрухни маъқул кўриб, унинг инсоний фазилатларига юқори баҳо берар эдилар. Шоҳрух тахт эгаси бўлишидан аввал ҳам ўзининг оқил ва илмли, зукко ва тақводорлик сифатлари билан ҳурмат қозонган эди.

Шунингдек, бу вақтда АмирТемурнинг бошқа бир ўғли Мироншоҳ (1366-1408) ҳам ҳаёт бўлиб, у ҳам асосий тахт даъвогарларидан бири ҳисобланган.

Амир Темурнинг садоқатли амирларидан кўпчилиги, жумладан Шохмалик ва Шайх Нуриддинлар ҳам тожу тахт Шоҳрух Мирзога тегиши тарафдори бўлганлар. Шундай бир вақтда Мироншоҳ Мирзонинг ўғли, шимолий ерлар (Тошкент, Сайрам, Туркистон) ҳокими Халил Султон (1384-1411) шошилинч равишда, ўзининг минг чоғли аскари билан 1405 йилнинг 18 март куни Самарқандни эгаллайди ва ўзини Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилади. У ҳатто Пирмуҳаммадга тегишли бўлиши Амударёнинг ўнг бетидаги ерларни ҳам ўз тасарруфида деб эълон қилади. Аввал бошда уни қўллаган Мовароуннаҳр амирлари, ҳарбий саркардалар кўп ўтмай ундан ихлослари қайта бошлайди. Табиийки, бунинг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд бўлган.

Халил Султон ва айниқса унинг хотини Шодимулк пойтахтда кўплаб ножоиз ишларга изн беришади, Амир Темур давридаёқ нуфузи баланд бўлган баъзи амалдор, зодагонларнинг мол-мулклари тортиб олина бошланади. Давлат хазинаси ўз ҳолича совурила бошланиб, ҳокимиятга кўплаб номақбул кишилар кела бошлайди. Шоҳрух билан биринчи ўзаро низодан сўнг Халил Султон гарчи унинг олий ҳукмдорлик ҳуқуқини тан олса-да, Мовароуннаҳр унинг ихтиёрида қолажагини маълум қилади.

Халил Султонни Ирок томонидан бошқа бир куч – отаси Мироншоҳ Мирзо ҳам қўллаб-қувватлай бошлайди. Сиёсий калтабинлик йўлини тутган Халил Султондан норозилик тобора кучая бошлайди. Фарғона ҳокими Амир Худойдод Халил Султонга қарши бош кўтаради. Шоҳрухнинг бир вақтлар садоқатли кишиси бўлмиш Шайх Нуриддин, ўз укаси бўлмиш Ўтрор ҳокими Бердибек билан бирга бошқа бир исён кўтарилишига сабабчи бўлади. Халил Султоннинг укаси Султон Ҳусайн Мирзо Амударё бўйларида ўз акасига қарши бош кўтаради. Хоразм эса Олтин Ўрдалик таникли саркарда Амир Идику ўзбек томонидан ишғол этилади.

1405-1406 йилларда Халил Султоннинг Шоҳрух, Пирмуҳаммад қўшинлари билан Мовароуннаҳр тахти учун бир неча марта тўқнашуви содир бўлади. Бутун Амир Темур салтанати ўзаро тожу-тахт курашлари домига тортилади. Ягона ҳисобланган салтанат Шоҳрух бошқараётган Хуросон. Балҳдан то Ҳинд ерларигача бўлган худудга ҳоким Пирмуҳаммад, Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ирок тасарруфида бўлган Мироншоҳ ва унинг авлодлари (Умар Мирзо, Абу Бакр) ерларига бўлиниб кетади. Мовароуннаҳр Халил Султонга расман карашли деб ҳисобланса-да, Туркистон, Ўтрор, Сайрамда Амир Бердибек, Фарғонада эса Амир Худойдод ҳукмронлик қилишар эди. Барчани Темурийлар салтанатининг юраги бўлмиш Мовароуннаҳрни эгаллаш истаги тарк этмас эди.

Мовароуннаҳр ҳокими Халил Султоннинг ўз ҳолича иш тутиши, темурий зодагон, амирларнинг камситилиши, мусулмон уламолари, жумладан нақшбандия тариқатининг таникли шайхи Муҳаммад Порсонинг таҳқирланиши мухолиф кучларнинг душманлигини кучайтириб юборди. Шу вақтнинг ўзида ўзаро фитна ва ғалаёнларнинг навбатдаги қурбонлари ҳам пайдо бўлди. 1407 йил 22 февралда тахт валиаҳди ҳисобланган Пирмуҳаммад ўзининг вазири Пирали

Тоз томонидан суиқасд натижасида ўлдирилади*. 1408 йил 22 апрелда эса Қорақўюнли туркманлар билан жангда ҳокимият учун бошқа бир даъвогар Мироншоҳ Мирзо Қора Юсуф томонидан Озарбайжон ва Ирок учун бўлган жангда ўлдирилади. Натижада Озарбайжон ва Ирок Темурийлар тасарруфидан чиқади.*

1405-1409 йилларда Шоҳрух ва Халил Султон ўртасида бир катор чопарлар алмашуви бўлган. Бу вақтда Шоҳрух Мирзо Сейистон, Хуросондаги нотинчликларни тугатишга, вазиятни барқарорлаштиришга кўп вақт ажратган.

1409 йил бошларига келиб, сиёсий вазият янада кескинлашди. Амир Худойдод шу вақтда Халил Султонни Самарқанд ёнидаги Шероз қишлоғида маглубиятга учратиб, унинг ўзини асирликка олади. Хуросон ҳокими Шоҳрух эса ўзига карашли бўлган Мозандарон ва Машҳадда, сўнгра унинг илкига ўтган Сейистон ва Кирмонда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлайди. Кейин эса бутун эътиборини Мовароуннаҳрга каратади. 1409 йил бошларида Шоҳрух Халил Султонга Мовароуннаҳр тахти учун жанг қилиш хусусида ёрлиқ ҳам юборди. Шу билан Шоҳрух салтанат марказидаги бедодликларга бундан буён бефарқ бўла олмаслигини эълон қилди. 1409 йил 25 апрелида у Амударёдан ўтиб, Самарканд томон жадаллик билан йўл олади.

Халил Султонни қўлга олган Амир Худойдод қўшинларини Шоҳрух юборган ҳарбий қисм тор-мор этиб, Халил Султонни асирликдан озод қилишади. Олижаноб инсоний сифатларга эга бўлган Шоҳрух Мирзо ўзаро гина-кудратларни унутиб, уни яхши кутиб олади. Амир Худойдод эса мамлакатдан қочиб кетади. 1409 йилнинг декабрига кадар Шоҳрух Мирзо Мовароуннаҳрда тинчлик осойишталик ўрнатиб, Халил Султон ва бошқа темурий шаҳзодалар тарафдорларига карши кескин чоралар кўради, издан чиққан хўжалик ҳаёт, савдо-сотиқни тиклайди.

Темурийлар салтанатининг тақдири ойдинлашиб, Хуросон ҳокими бўлмиш Шоҳрух Мирзо (1405-1409) Темурийлар давлатининг олий ҳукмдори (1409-1447) сифатида эътироф этилади. Шу билан тарихда эса Шоҳрухнинг деярли 40 йиллик баркарор ҳукмронлик даври бошланди. Ўзаро низо ва фитналар, иқтисодий, савдо муносабатларини чиппакка чиқарган вайронагарчилик урушларидан чарчаган халқ оммасининг ерли қатламлари, марказлашган кучли давлат барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб олган Шоҳрух Мирзонинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлар эдилар. Чунки, фақатгина кучли, марказлашган давлатгина тинчлик, осойишталик, иқтисодий барқарорлик, хавфсизликни таъминлаши мумкин эди.

Темурийлар салтанати тарихида Шоҳрух Мирзонинг (1377-1447) ўзига хос ўрни ва роли мавжудлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шоҳрух Мирзо номи билан боғлиқ тадқиқот иши илк бора мустақиллик йилларида, Х.Файзиевнинг диссертациясида ўз аксини топди.

Шоҳрух Мирзо Амир Темурнинг тўртинчи ўғли бўлиб, у 1377 йил 20 август куни таваллуд топган эди. Унинг онаси Тағой Туркон оғо туркий

---

* *Кейинчалик ўзини Пирмуҳаммаднинг "қасоскори" деб эълон қилган Шоҳрух Пирали Тозни Ҳиротда қатл этади*
Шоҳрух Мирзо ҳукмронлиги даврида Озарбайжон расман яна салтанат таркибига қайтарилади.

қорахитой уруғидан бўлиб, келиб чиқиши бўйича ўртаҳол хонадон вакиласи бўлган. Низомиддин Шомий ўзининг «Зафарнома» асарида Шоҳрухнинг сиёсий фаолияти 1397 йили, унинг Хуросон ҳокими этиб тайинланишидан бошланганлигини таъкидлайди.* Шоҳрух ёшлигидан илмга, тақвога берилган йигит бўлган. Бу ҳолат, қолаверса унинг келиб чиқиши она томонидан аслзодаларга тақалмаслиги кейинчалик Шоҳрухнинг тахт вориси этиб тайинламаслигининг сабабларидан бири бўлди. Қолаверса, тахт вориси Пирмуҳаммад гарчи Амир Темурнинг невараси бўлса ҳам, Шоҳрухдан бир ёш катта бўлган. Шубҳасиз, юқоридаги ҳолатлар Шоҳрухни тахт эгаси бўлиши эҳтимолидан узоқлаштирар эди. Яна бир ҳолатга эътиборни каратиш мумкин. Тарихий манбаларда, масалан Низомиддин Шомий, Абдураззоқ Самарқандий, Хондамир асарларида Шоҳрухни «ҳоқони сайид», «баҳодир» дея таърифлашади ва ҳеч қаерда «кўрагон» унвони учрамайди. Бу эса Шоҳрухни чингизийлар хонадони билан шахсан қариндошлик ришталарини боғламаганлигидан дарак беради. Ҳолбуки, «кўрагон» унвонини олиш ўша давр таомилига кўра катта обрў эгаси ҳисобланган. Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий Амир Темурнинг "етти йиллик" ҳарбий сафари даврида ҳам Шоҳрух Мирзонинг маълум ҳарбий юришларда иштирок этганлигини таъкидлайдилар.

Шоҳрух Мирзо гарчи кўп вақтини илм, мутоала, тоат-ибодатга бағишласада, лекин унинг ҳарбий саркардалик, ҳукмдорлик фаолияти ҳам ўз навбатида юқори даражада бўлган.

Шоҳрухнинг оқилона, мўътадил ички ва ташқи сиёсати боис унинг давлатида тинчлик-осойишталик узоқ вақт ҳукмронлик қилди, илм-фан ривож топди, ободончилик, қурилиш ишларига эътибор кучайди, шаҳарларда ҳунармандчилик тараққий этди, уларнинг кўпдан-кўп турлари довруғи узоқларга бориб етди. Шоҳрух Мирзо ўз отаси Амир Темур каби давлатни оқилона ва ҳалоллик билан бошқариш йўлини тутди. Бу борада унинг шахсий фазилатлари ҳам катта роль ўйнади.

Абдураззоқ Самарқандий ўзининг "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" номли асарида Шоҳрухнинг бунёдкорлик фаолиятига тўхталиб, жумладан қуйидагиларни таъкидлайди. Хуросоннинг йирик шаҳарларидан бири бўлмиш Марв мўғулларнинг 1221-1222 йиллардаги вайронасидан сўнг анча хароба ҳолатига тушиб қолган эди. 1410 йили 21 март куни Шоҳрух Мирзо Марвга ташриф буюрди. Марвнинг аҳволини кўриб, аввало у ерда янги канал қуришни буюрди. Шаҳарни обод қилишга топшириқ бериб, у ерга аҳоли кўчириб келтирилди.

Шоҳрух Марвдаги тикланиш ишларини шахсан назорат қилиб, тез орада шаҳарда катор масжидлар, бозорлар, ҳаммомлар, хонақохлар, мадрасалар барпо этди.

1410-1411 йилларда эса Ҳиротнинг жанубий қисмида катта мадраса ва хонақох қуриб битказилди. Марказий бозор қайта қурилди. Ганч ва пишиқ ғиштлардан янги бозорлар ва токлар қурилди. Ҳиротнинг 4 та дарвозасидан 4 та бозор Чорсу томонга чўзилиб кетар эди. Шоҳрух барпо этган мадрасада ўз

*Унга Хуросон ҳокими номи остида Сейистон ва Мозандарон ерлари ҳам қўшиб берилган.

даврининг энг салоҳиятли мударрислари – Жалолиддин Юсуф Увбаҳий, Юсуф Ҳаллож, Абдураҳмон Аҳмад, Хожа Азизиддин дарс беришар эди. Ҳиротнинг шимоли-шарқида Боғи Сафед деган мавзеда Шоҳрух томонидан 1411 йили муҳташам сарой ва ажойиб боғ барпо этилди. Шоҳрух Мирзо шунингдек Машҳад, Харгирд, ва Тусда ҳам қатор қурилиш ишларини амалга оширди. Шоҳрух даврида Қавомиддин ва Ғиёсиддин номли икки ака-ука меъморлар жуда шуҳрат қозонишган. Шоҳрух иншоотларини аксарият шу меъморлар барпо этишган. XV аср биринчи ярмидаги Ҳирот ҳақида галирганда Абдураззоқ Самаркандий уни "Ғоятда маъмур, обод шаҳар" деб атаб, бу хусусда унга "Ҳирот шаҳри шу даража ривожу равнақ топдики, унинг боғларининг латофати Бағдод рухсоридан Дажла ёшини равон қилди ва меваларининг серсувлиги Самаркандни унутилиш тоқининг бир бурчагига ирғитди", дея юқори таърифини берган эди. Шоҳрух Мирзо муқаддас қадамжоларга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, 1435 йили у Сохибқирон отасининг пири бўлган Шайх Зайниддин Тайободий қабри яқинида ҳонақоҳ ва масжид барпо этди.

Шоҳрух даврида бир қатор шифохоналар мавжуд бўлсада, яна иккита "Дурушшифо" қурилади. Ушбу шифохонанинг биттаси Шоҳрухнинг хотинларидан бири Милкат оға томонидан, иккинчиси невараси Алоуддавла (1417-1460) томонидан барпо этилган. Милкат оға шунингек, Ҳиротда "Дорулҳадис" номли ҳонақоҳ, иккита ҳаммом, Ҳиротдан 8 фарсаҳ нарида, йўл устида битта работ, Балҳда мадраса қурдирди.

Шоҳрухнинг суюкли хотини Гавҳаршодбегим ҳам қатор қурилиш ишларини амалга оширган. Хусусан, Ҳиротда у томонидан қурдирилган мадраса ва мақбара ҳозирга қадар сақланиб қолган бўлиб, Ҳиротнинг энг муҳташам меъморий ёдгорликларидан бири бўлиб саналади. Шоҳрухнинг таникли амалдорлари ҳам қатор иншоотлар барпо этишган бўлиб, улар қаторида Ҳиротнинг Хиёбон мавзесида Қурбон Шайх, Ферузшоҳ, Чақмоқ Шоҳ, Алайҳ Кўкалдош каби мадрасаларни таъкидлаш жоиз.

Шоҳрух илмли шахс бўлганлиги боис илм-фан вакиллари, олимларни қадрлаган. Унинг шахсий кутубхонасида кўплаб қимматли китоблар, нодир адабиётлар ўрин олган эди. Ҳукмдор Ҳиротда ўз замонасининг асарлари сақланадиган катта кутубхона ташкил этган экан. 1439 йил Ҳиротга келган Миср султони Чақмоқнинг элчиси мазкур кутубхонанинг таърифи султон қулоғига қадар етганлиги, шу боис унга баъзи китобларни илтифот ила совға қилишини илтимос қилади. Шоҳрух бу илтимосни қондириб, Миср султонига қатор китобларни совға тариқасида жўнатади. Бу воқеани ҳам ўз навбатида юқорида Шоҳрух Мирзога берилган таърифни амалий тасдиғи бўлиб хизмат қилади/ Ҳукмдор ўз фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялашга ҳаракат қилди. Шу давр шаҳзодаларига қоида бўйича юксак мақомда таълим-тарбия берилар, улар хат-савод, адабиёт, тарих, фалсафа, жуғрофия, диний билимлардан ташқари ҳарбий санъат сирларидан ҳам воқиф бўлишар эди.

Шоҳрухнинг ўғиллари ичида Мирзо Улуғбекдан ташқари бошқаларда ҳам илм-фан, адабиёт, санъатга ихлос баланд бўлган. Хусусан, маданиятли, зеҳнли ва илмли шаҳзода Ғиёсиддин Бойсунғур Мирзо (1397-1433) томонидан қатор қўли гул хаттотлар тарбияланди. У девон ишларини маҳорат билан бошқариб,

ҳунармандлар, санъаткорлар, хаттотларга ҳомийлик қилган. Алоҳида иқтидори бор бўлмиш хаттотларга маош ҳам тайин этилган.

Бойсунғур Мирзо томонидан Ҳиротда барпо этилган "Китобхона"да нафақат ўз даврининг қимматли асарлари жамланган бўлиб, балки энг сара, юқори сифатдаги ноёб китоблар ҳам хаттотлар томонидан кўчирилар эди. Давлатшоҳ Самаркандий ўзининг "Тазкират уш-шуаро" асарида ёзишига кўра, Бойсунғур мирзо қўлида 40 та хаттот китоб иши билан машғул бўлган. Шоҳрухнинг яна бир ўғли Иброҳим Султон Мирзо (1394-1435) ҳам маданиятни қадрловчи ҳоким бўлган. Айнан унинг буйруғи билан Шарафуддин Али Яздий ўзининг машҳур "Зафарнома" асарини ёзган. Иброҳим Султон Мирзо Шерозда илм ва санъат аҳли учун тегишли шароит яратиб берган.

Шоҳрух Мирзо Амир Темур давлати ўзагини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Шоҳрух Мирзо 1429 йили ўзининг хавфли рақиби бўлмиш Қорақуюнлилар амири Искандарга қарши Салмос чўлида бўлган жангда Шоҳрух қўшини ғалаба қозонади. Мазкур жангда Шоҳрухнинг ўғиллари - Ғиёсиддин Бойсунғур, Иброҳим, Муҳаммад Жўкий Мирзолар ўз ҳарбий маҳоратларини намоён қиладилар. Шоҳрух шунингдек, Бадахшон ва Сейистондаги исёнларни ҳам бостиришга муваффақ бўлади. У деярли барча ўлка, вилоят ноибларини ўз лавозимларидан четлаштириб, ўзига ишончли хисоблаган қариндош-уруғларини бу лавозимларга қўя бошлайди. Жумладан, Балх ва Бадахшон – Иброҳим Султонга, Шероз-Суюрғатмишга, Кобул ва Қандаҳор-Қайду Мирзога, Хуросоннинг бир қисми - Бойсунқур Мирзога, Ғарбий Эрон ҳамда Ироқи Ажамнинг бир қисми - Султон Муҳаммадга, Форс вилояти-Абдулло Мирзоларга суюрғол тарзида бўлиб берилган.

Шу йўл билан Шоҳрух бошқарув тизими қулай ва ихчам бўлади деб ўйлаган эди. Лекин, кейинчалик ишончли қондошлар ичидан ҳам исёнкор ноиблар чиқа бошлайди. Хусусан, Шоҳрухнинг невараси Султон Муҳаммад Эрон ноиби этиб тайинлангач, у марказга бўйсунишдан бўйин товлай бошлайди. Сўнгги маротаба Шоҳрух исёнкор неварасини ўлимидан сал аввал (1446 й.), Эронга юриш қилиб, унинг жазосини беришга мажбур бўлган эди.

Шоҳрух Мирзо Хитой, Ҳиндистон, Миср, Усмонийлар давлати билан дипломатик ва савдо алоқаларини янги даражадаги мустаҳкам муносабатлар тарзида ўрнатишга муваффақ бўлди.Ҳофизи Абру Хитойдан Шоҳрух Мирзо ҳузурига уч маротаба – 1409, 1412 ва 1417 йилларда элчилар келганини қайд қилади. 1419 йили эса хитойлик элчилар Самарқандда тўхтаб, Мирзо Улуғбек қабулида бўлганлар. Шундан сўнг пойтахт Ҳиротга келганлар.Абдураззоқ Самаркандий 1412-1413 йилларда Хитойдан элчилар келиши муносабати билан Шоҳрух Мирзо томонидан шаҳар кўчалари ва бозорларга "зийнат берилиши" тўғрисида фармон берганлигини қайд қилган эди.

Темурий ҳукмдор Шоҳрух Мирзо (1409-1447) ва Хитой императори Чжуди (1404-1424) ўртасидаги 1413 йилга оид дипломатик ёзишмаларда ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, савдо йўллари хавфсизлигини таъминлаш, ўзаро дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида элчилик алоқаларини мунтазам йўлга қўйиш масалалари ўз аксини топди.Шоҳрух 1419 йили Амир Шодихўжа бошчилигидаги 530 нафар элчилик гуруҳини Хитойга жўнатади.

Элчилар 1422 йили Хиротга қайтиб келганлар. Элчилар орасидаги Ғиёсиддин Наққош исмли шахс шаҳзода Бойсунғур Мирзонинг илтимосига кўра эсдаликларини ўз хотира дафтарига ёзиб қолдирган. Абдураззоқ Самарқандий ўз асарида 1412 йилдан 1430 йилга қадар Хитой билан жами беш маротаба элчилик алмашуви амалга оширилганлигини қайд этади. Шунингдек, ушбу муаллиф 1421-1422 йилларда Мирзо Улуғбек Бухорода бўлган вақтида Тибетдан келган элчиларга «ҳурмат кўрсатиб, қайтиб кетишларига рухсат берди», дея таъкидлаган эди.

Шоҳрухнинг амалдори дипломат ва тарихчи Абдураззоқ Самарқандий 1442-1444 йилларда Ҳиндистонга элчи бўлиб борган. Абдураззоқ Самарқандий марказий ва жанубий Ҳиндистондаги бир қатор давлат, шаҳарларда бўлди. Бу хусусда у "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" номли асарида барча сафар хотираларини ёзиб қолдирган. Ҳиндистондаги Деҳли султонлиги, Каликут, Вижаянагар, Бенгал, Жанпур ва бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатлар ўрнатилган. Шунингдек, бу даврда Миср ва Сурияда ҳукмронлик қилаётган мамлуклар давлати, Олд Осиёдаги Усмонийлар давлати билан ҳам ўзаро дўстона муносабатлар йўлга қўйилган.

Шоҳрух Мирзонинг Миср билан ўзаро дипломатик муносабатлари 1429 йилда бошланган. Бу пайтда Мисрда султон Барсбай (1422-1437) ҳукмронлик қилар эди. Ўша йили иккинчи элчилик гуруҳи ҳам Мисрда бўлишган. 1435-1436 йилларда учинчи элчилик алмашуви содир бўлган. Шоҳрух Мирзо 1437 йили Миср султони Барсбай вафоти муносабати билан таъзия жўнатиб, янги султон Чақмоққа дўстлик ва савдо алоқаларини янада ривожлантириш, Маккадаги Каъба устига "каъбапўш" ("кисва", яъни ёпинғич) тайёрлаб жўнатиш тўғрисидаги таклифини юборди.Тарихчи Ҳофизи Абру ўзининг "Зубдат ат-таворих" номли асарида Шоҳрухнинг Миср подшосига элчи юбориб, 1444-1445 йиллари Шайх Нуриддин Муҳаммад ал-Муршидий бошчилигида Маккада жойлашган Каъба устига ёпинғич – "каъбапўш" жўнатганлигини қайд этади. Ушбу ёпинғич халқ орасида "Шоҳрух кисваси" (яъни, ёпинғичи) номи билан узоқ вақт шуҳрат қозонган. Таъкидлаш жоизки, XV асрнинг бирнчи ярмида Темурийлар салтанатида Шоҳрух Мирзодек ҳукмдорнинг оқилона сиёсати боис барқарор ички сиёсий ҳаёт юзага келди. Халқаро майдонда бу давлат ўзига хос обрў-эътиборга сазавор бўлди.

2.2 Мирзо Улуғбек– Мовароуннаҳр ҳукмдори ва буюк олим



Мирзо Улуғбек
(Муҳаммад Тарағай)
(1394-1449)

Таъкидлаш жоизки, Шоҳрух Мирзо давлатида Мовароуннаҳр қисмининг алоҳида ўрни бўлган. Салтанатнинг марказий пойтахти Ҳирот шаҳри бўлсада, Мовароуннаҳрнинг маркази Амир Темур пойтахти бўлмиш-қадимий Самарқанд шаҳри ҳисобланар эди. Мовароуннаҳр ерларининг бошқаруви эса Мирзо Улуғбек қўлига топширилган бўлиб, у умрининг охирига қадар (1449й.), 40 йил мобайнида бу ерларни бошқариб келди. Буюк олим, давлат арбоби ҳамда маданият хомийси Мирзо Улуғбек Соҳибқироннинг невараси, Шоҳрух Мирзонинг катта ўғли бўлиб, у 1394 йили 22 март куни Амир Темурнинг «беш йиллик» ҳарбий юришлари вақтида Ироқнинг Султония шаҳрида таваллуд топган. Янги туғилган фарзандга Соҳибқирон ўз отасининг исмини берди. Муҳаммад Тарағай кейинчалик Мирзо Улуғбек номи ила машҳур бўлди. У Соҳибқирон саройида Амир Темурнинг катта хотини малика Сароймулкхоним ва онаси Гавҳаршодбегим тарбиясида катта бўлди. У Амир Темурнинг бошқа авлодлари каби анъанага мувофиқ барча ҳарбий юриш, ҳатти-ҳаракатлар, сарой ҳаётида иштирок этди. Бобоси томонидан неваралар, жумладан ёш Улуғбек таълим – тарбиясига катта эътибор берилар, шу нуктаи-назардан 3-4 ёшларидан бошлаб у қиссахон Ҳамза ибн Али (Шайх Озарий) тарбиясида бўлади. Улуғбек ундан илк сабокларни, хат-савод, ҳисоб-китобни ўрганади. Кейинчалик эса унга оталиқ этиб тайинланган амир Шоҳмаликдан давлат бошқаруви тартиб қоидалари ҳақида кўникмаларга эга бўлади. Мирзо Улуғбек ёшлигидан зеҳн-заковатли, юксак ахлоқий фазилатлар соҳиби, диний ва дунёвий илмлардан чуқур хабардор шахс сифатида вояга етади.

Мирзо Улуғбек Муҳаммад Султоннинг қизи Ўгабегимга уйланиши боис ҳам бобоси сингари «кўрагон» («хоннинг куёви») унвонига сазовор бўлди. Чунки, Ўгабегим она томонидан наслу-насаби Чингизхонга бориб тақалар эди. Шоҳрух дастлаб ўғли Улуғбекка Хуросондаги Андхўй билан Шибурғонни идора қилишни буюрди. 1406/1407 йили Хуросоннинг Тус, Ҳабушон, Калот, Бовард, Нисо, Ёзир, Сабзавор, Нишопур каби ҳудудлар идора калитини ҳам Улуғбекка топширди. Кейинчалик Деҳистон ва Астробод ҳам унга қўшиб берилди. Бу ҳақда Абдураззоқ Самарқандий «Он ҳазрат Мирзо Улуғбекни янгидан Хуросон ва Мозандарон ҳукмдорлигига тайин қилди», - деб ёзган эди.

1409 йили Мовароуннаҳр қўлга олинганидан сўнг, Шоҳрух Улуғбекни шу ўлканинг ноиби этиб тайинлайди. У жияни Мирзо Муҳаммад Жаҳонгирга

Ҳисори Шодмонни, Умаршайхнинг ўғли Мирзо Миракка (Амирак Ахмад) Фарғонани беради. 15 ёшли ўсмир Улуғбек давлат бошқаруви ишлари учун ҳали ёшлиги ҳисобга олиниб, таниқли амир Муборизиддин Шоҳмалик унга оталиқ этиб тайинланади. Таъкидлаш жоизки, бошқарув ишлари амалда шу оталиқнинг қўлида мужассамлашди. Абдураззоқ Самарқандий ўзининг "Матлаи саъдайн мажмаи баҳрайн" намли асарида юқоридаги ҳолатни шундай тасвирлаган эди: "Ҳазрат хоқони саид (Шоҳрух) Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакати вилоятини саодатли фарзанд, рух роҳатию дил қуввати, кўз нурию дин кўмакчиси Мирзо Улуғбек кўрагонга бағишлади". Ҳудудни катта ўғилга берилиши ҳақли равишда Мирзо Улуғбекка кўрсатилган алоҳида меҳр ва илтифотнинг белгиси эди.

Қайд этиш лозимки, мовароуннаҳрлик амирларнинг баъзилари Мирзо Улуғбек ва Шоҳмалик ҳокимиятларини тан олишни исташмайди.

1411 йил 11 апрелда Шайх Нуриддин, Амир Абдулҳолиқ ва Чингиз ўғлон бошчилигидаги қўшин Самарқанд томон йўлга чиқди. 1411 йил 14 апрелдаги Қизил работ деган жойда (Самарқанднинг ғарбий томонида) иккала томон ўртасида жанг бўлиб ўтди. Мирзо Улуғбек қўшини мағлуб бўлиб, у Калиф томонга чекинди. Тез орада баъзи қалъа, шаҳарларни ҳисобга олмаганда деярли бутун Мовароуннаҳр Шайх Нуриддин қўл остига ўтди. Сўнгра Шайх Нуриддин икки маротаба Самарқандни ҳам қўлга олишга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин, самарқандликлар исёнкор амалдорларга тегишли зарба бериб, шаҳарни уларга топширмадилар. Шоҳрух Мирзо бу хабарларни эшитиб, тезлик билан сафарга отланди. 1411 йил 9 июнда Калиф ёнида Амударёдан кечиб ўтиб, ўғли Улуғбек билан учрашди.

Шоҳрух Мирзо, Шайх Нуриддин ва унинг тарафдорлари ўртасидаги жанг 1411 йил 1 июль куни Қизил работ ёнида содир бўлди. Қаттиқ жангдан сўнг Шоҳрухнинг қўли устун келди. Шайх Нуриддин мағлуб бўлиб, Саброн томонга, Муҳаммад Жаҳонгир Ҳисори Шодмонга қараб қочишди. Жангдан икки кун ўтиб, Шоҳрух ва Улуғбек қўшини Самарқандга кириб келди. Муҳаммад Жаҳонгир Шоҳрухнинг олий ҳукмронлигини тан олиб, унга куёв бўлди ҳамда ўлимига қадар (1433 й.) Ҳисори Шодмонда ҳоким бўлиб турди. Шайх Нуриддин эса қўлга олиниб, қатл этилди. Унинг укаси Шайх Ҳасан эса Сабронни Мирзо Улуғбек ҳукмида деб эълон қилиб, унинг олий ҳокимиятини тан олди.

Исён бостирилгач, Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги ерлар, жумладан Тошкент, Ясси, Саброн, Сайрам ва бошқа ерлар яна Темурийлар илкига ўтиб, у ерлар идораси ҳам Мирзо Улуғбек зиммасига ўтади. 1411 йили Мовароуннаҳрда ўзига яраша мухолиф кучларга эга бўлган ва Мирзо Улуғбекнинг мустақил ҳатти-ҳаракатларига тўсқинлик қилаётган Муборизиддин Шоҳмалик Шоҳрух билан бирга Ҳиротга қайтиб кетди. Мирзо Улуғбек эса шу йилдан бошлаб Мовароуннаҳрнинг "ягона ва қонуний султони" сифатида ҳокимиятни бошқаради.

Шоҳрух ва унинг ўғли Мирзо Улуғбек ўз сиёсатларининг устувор йўналишлари сифатида аввало мамлакат ҳудудларини кенгайтириш ҳамда марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш деб билдилар. Шоҳрух 1413 йили Эронни буткул ўз қўли остига олишга муваффақ бўлди. Ўша йили Шоҳрух қўшини

ёрдамида Мирзо Улуғбек Олтин Ўрда хонлари ихтиёридаги Хоразмни эгаллайди. Бу курашда фаол иштирок этган Шоҳмалик Хоразм ноиби этиб тайинланади. Мирзо Улуғбек 1414-1415 йилларда ўз амакиваччаси амирзода Аҳмад (Амирак Аҳмад) ҳукмрон бўлиб турган Фарғонани эгаллайди. Шунингдек, унинг Кошғарга нисбатан сиёсати ҳам муваффакиятли тарзда ҳал бўлади. Аввал бошда собиқ Фарғона ҳокими Аҳмад* Қошғардан паноҳ топган эди. Лекин, Темурийлар билан муносабатларни кескинлаштирмасликни лозим деб ҳисоблаган Қошғар ҳокими Шайх Али Тўғай Мирзо Улуғбек билан ўзаро музокаралар олиб борди. Натижада, 1416 йили у "Буюк амирнинг рухи ҳимоясига" ўтиш истагини билдириб, Қошғарни Улуғбек юборган вакиллар Сиддиқ ва Алилар қўлига топширади.

Мирзо Улуғбек шимолдаги қўшнилари бўлмиш Дашти Қипчоқ ва Мўғулистондаги ички сиёсий аҳвол барқарорлиги ва у ерларда ўзига иттифокчи бўлган кишиларни ҳокимият тепасида бўлишини истар эди. Шу сабабдан ҳам унинг аралашуви ҳамда ҳарбий кўмаги билан Дашти Қипчоқда Ўрусхоннинг невараси шаҳзода Бароқхон ҳокимият тепасига келди. Мўғулистонда эса Мирзо Улуғбекнинг ёрдами билан Шермуҳаммадхон ракиби Ваисхонни енгиб, Мўғулистон тахтини эгаллайди. Мирзо Улуғбек бу хонлар оркали шимолда ва шарқда ўз таъсирини ўтказишга ва ўзига ишончли иттифокчиларга эга бўлишини кўзлаган эди. Аввал Шермуҳаммадхон Мовароуннаҳр ички ишларига аралашишга ҳаракат қилиб, ўз валинеъматига нисбатан ноҳак муносабатда бўла бошлайди. 1424 йили ноябрь ойида Шоҳрухнинг ризолиги билан Мирзо Улуғбек Мўғулистон устига юриш бошлайди. Унинг асосий кучлари 1425 йил эрта баҳорида Чу дарёсидан ўтиб, Иссиққўл якинида мўғулларни тор-мор келтиради.


Бу хусусда Мирзо Улуғбек томонидан Жиззахнинг Илонўтти дарасида лавҳа ҳам ёздирилади. Тез орада шимолдан яна бошка бир хавф пайдо бўлди. Мирзо Улуғбек ёрдами билан аввал Дашти Қипчоқ, сўнгра Олтин Ўрда ҳокимиятини қўлга олган Бароқхон Мовароуннаҳр султони мурувватини ёддан чиқарди. У Сирдарё бўйидаги ерлар ва шаҳарларни (Ўтрор, Саброн, Сиғноқ) талаб, у ерларга ўз даъвоси билан чиқади. 1427 йилнинг бошида Мирзо Улуғбек Дашти Қипчоққа ҳарбий юришга отланади. Лекин, бу юришда Мирзо Улуғбек қўшини мағлубиятга учраб, ўзи Тошкентга чекинади. Дашти кипчокликлар билан бўлган жанг мағлубияти Мирзо Улуғбекка шунчалик таъсир кўрсатдики, у отасининг ўлимигача шахсан ўзи ҳарбий қўшинга бош бўлиб, юришларни бошка амалга оширмайди. Мўғуллар қўшини кўп ерларни хонавайрон килиб, талон-тарож қилиб, орқага қайтиб кетадилар. Кейинчалик ҳам бу холат давом этди. Дашти Қипчоқ хони Абулхайрхон ҳам (1428-1468) кўпинча чегараларни бузиб, талончилик билан шуғулланар эди. Унинг 1431, 1435 йиллардаги Хоразмга юришларига Шоҳрух ва Улуғбеклар томонидан чек қўйилиб, чегаралар хавфсизлиги таъминланди.

1428 йили Мирзо Улуғбек томонидан амалга оширилган пул ислоҳоти Мовароуннаҳр ички иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнади. Замондош

---

* Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Амирак Аҳмадни Шоҳрух вазиятни юмшатиш мақсадида Ҳиротга чақириб олди. 1416 йили фитнада айбланган Амирак Аҳмад Маккага жўнатилади.

тарихчилар, жумладан Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида солиқлар миқдори ҳам бир мунча пасайтирилган. Мирзо Улуғбек шундай қилиб, отаси хаётлик вақтида ўз фаолиятида бир мунча мустақил саъй-ҳаракатларни амалга оширган бўлсада, лекин амалда Шоҳрух Мирзонинг Мовароуннаҳрдаги ишончли ва итоаткор хокими бўлиб қолди. Мирзо Улуғбек ички ва ташқи сиёсат борасида отаси Шоҳрух Мирзо билан бамаслаҳат иш тутар, солиқларнинг бир қисмини мунтазам равишда Ҳиротга жўнатар, хутба ва тангаларда падари бузрукворининг номи зикр этиларди. Шунингдек, у вақти-вақти билан отасига ҳисоб бериб турар, ҳарбий юришлари вақтида унга моддий ва ҳарбий кўмак етказиб берар эди.



Ҳирот. Гавҳаршодбегим мақбараси. XVаср.

Шоҳрухнинг кексайиши билан тожу тахт учун зимдан пайдо бўлган низолар ҳам фаоллаша боради. Мирзо Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим (1457 й. ваф.) сиёсий ишларга фаол аралаша бориб, невараси Алоуддавлани тахт вориси сифатида кўришни истар эди.

Шоҳрухнинг яна бир хаёт бўлган ўғли Муҳаммад Жўки (1402-1444) ҳам ўзини тахт эгаси сифатида кўришга ҳақли деб ҳисоблар эди. Тожу-тахт учун зимдан бошланган кураш 1444 йили Шоҳрух оғир хасталикка дучор бўлиб қолганида айниқса якқол намоён бўлган эди. Шоҳрух хасталикдан тузалиб, 1446 йилнинг охирларида ўзининг охирги ҳарбий юришини амалга оширади. Форс ва Ироқи Ажамда унинг невараси Султон Муҳаммад бобосига қарши қўзғолон кўтариб, Ҳамадон ва Исфаҳонни босиб олади. Гарчи Шоҳрух исённи бостириб, қўзғолончиларни жазоласада, лекин яна хасталаниб 1447 йил 12 мартда Эроннинг шимолидаги Рай вилоятида оламдан ўтади. Шоҳрухнинг ўлими Хуросон ва Мовароуннаҳрда ўзаро темурий шаҳзодалар ўртасида тожу-тахт

учун курашни бошлаб юборди. Мамлакат яна саросима, таҳлика ва беқарорлик домига тортилди.

Шариат ва урф-одатга кўра олий ҳукмдорлик ягона ворис Мирзо Улуғбек қўлига ўтиши керак эди. Лекин, марҳум Бойсунқур Мирзонинг ўғиллари Алоуддавла ва Абулқосим Бобур Мирзо Улуғбекка қарши ҳарбий ҳаракатни бошлаб юбордилар. Хуросон Алоуддавла қўлига, Мозандарон ва Журжон Абулқосим Бобур ихтиёрига ўтади. Султон Муҳаммад эса Ғарбий Эрон ва Форсда ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон қилади. Муҳаммад Жўкининг ўғли Абу Бакр Балх, Шибурғон, Қундуз, Бағлонни босиб олади. Мамлакатнинг талон-тарож, пароканда бўлишини олдини олиш мақсадида Мирзо Улуғбек муаммоларни тинч-музокара йўли билан ечмоқчи бўлди. Жумладан, у Алоуддавла билан ўзаро музокараларни бошлайди. Алоуддавла Мирзо Улуғбекнинг ўғли Абдуллатифни асир олиб, уни Ҳиротдаги Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйган эди.Мирзо Улуғбек юборган вакил садр Низомиддин Мирак Маҳмуд Мовароуннаҳр султонининг Ҳиротга юриш нияти йўқ эканлиги ва бу даъводан у воз кечишини билдиради. Икки ўртадаги чегара Мурғоб воҳаси деб белгиланиб, Абдуллатифга Балх ҳокимлиги берилади.

Лекин, ҳеч қанча ўтмасдан Абдуллатиф ва Алоуддавла ўртасидаги муносабатлар яна кескинлашди. Абдуллатифнинг ўз ҳолича Ҳиротга қарши юриши муваффақиятсиз тугайди. У отаси Мирзо Улуғбекдан ёрдам сўраб мурожаат қилади. 1448 йил баҳорида Мирзо Улуғбек ва Абдуллатифнинг 90.000 кишилик бирлашган қўшини Ҳиротдан 14 фарсаҳ узоқликдаги Тарноб деган жойда Алоуддавла қўшинини тор-мор келтиришди. Алоуддавла жанг майдонидан қочади. Пойтахт Ҳирот шаҳри деярли жангсиз эгалланади. Тез орада Машҳадгача бўлган ерларни Мирзо Улуғбек, Астрободгача бўлган ерларни Абдуллатиф ўз ихтиёрларига олишди. Мирзо Улуғбек бу ҳарбий юришни узоқ давом эттира олмас эди. Чунки, Дашти Қипчоқдаги кўчманчиларнинг талончилик юришлари бу пайтга келиб, тез-тез амалга ошиб турар, мамлакатга шарқдан мўғуллар хавф солиб турар эдилар. Қолаверса ҳукмдор пойтахтни узоқ вақт эгасиз қолдириши ҳам мумкин эмас эди.

Тарноб жанги муваффақиятли якунланган бўлсада, лекин ғалаба Мирзо Улуғбек ва шаҳзода Абдуллатифлар ўртасида муносабатларнинг совуқлашувига ҳам олиб келди. Мирзо Улуғбек бу ғалабани кўпроқ бошқа бир ўғли Абдулазиз номи билан боғлар, ғалаба ёрлиқларида Абдуллатиф номи Абдулазиздан сўнг тилга олинар эди. Абдуллатиф гарчи Ҳирот тахтига ўтирса-да, лекин Шоҳрух Мирзо хазинаси султон ихтиёрига ўтади. Гарчи бу Мирзо Улуғбек томонидан йўл қўйилган маълум бир ноҳаклик деб ҳисобланса-да, лекин Улуғбек бундан буён асосий пойтахт Самарқанд, Хуросон эса давлатнинг бир бўлаги деган ғояни шу ҳатти-ҳаракати билан англатмоқчи бўлади.

Ҳокимиятпараст, шуҳратпараст ва мол-дунёга ўч Абдуллатиф учун шунинг ўзи отасига қарши бош кўтариш учун катта баҳона эди. Абдуллатиф Ҳиротда 15 кунча ҳукмронлик қилиб, сўнг Амударёдан ўтиб, Мовароуннаҳрга келди. Бу пайтда Абулқосим Бобур қўшини Ҳиротга яқинлашиб келаётган эди. Мирзо Улуғбек фармони билан Абдуллатиф яна Балхга ноиб этиб тайинланди. Балхда Абдуллатифнинг отасига қарши ҳатти-ҳаракатлари кучайиб, у ўз ҳолича

хорижий савдогарлардан олинадиган "тамға" солиғини бекор қилди. Бу солиқ эса ўз навбатида давлат даромадининг асосий манбаларидан бири эди. Отасига қарши кайфиятдаги кишиларни ўз атрофига йиғиб, ҳатто Абулқосим Бобур билан ҳам МирзоУлуғбекка қарши яширин тил бириктиради.

Бу пайтда Мирзо Улуғбек давлатининг сиёсий аҳволи ҳам анча мураккаб тарзда турар эди. Мирзо Улуғбек Абулхайрхон бошчилигидаги дашт қўшинларига қарши курашишга тўғри келди. Самарқанд ноиби этиб қолдирилган ўғли Абдулазиз ҳақида "Амирлар хонадонига тазйиқ ўтказаяпти" деган овоза тарқалиб, бундан амирларнинг норозилиги кучайиб кетди. Мирзо Улуғбекнинг мураккаб аҳволда қолганидан фойдаланган Дашти Қипчоқ хони Абулхайрхон Мовароуннаҳрга талончилик юришларини амалга оширди. Шунингдек, Мирзо Улуғбек туркманларнинг Ёрали бошчилигидаги исёнини, темурий шаҳзодалардан Абусаиднинг Самарқанд атрофидаги ҳаттиҳаракатларини ҳам бостиришга тўғри келади. Давлат яхлитлиги, Темурийлар салтанати бирлигини сақлаш мақсадида МирзоУлуғбек Абдулазизни ўзи билан бирга олиб, маккор ўғли Абдуллатифга қарши курашга отланди. Абдуллатиф эса отасининг оғир аҳволидан фойдаланиб, тезда очиқдан-очиқ исён йўлига ўтди. У Амударёдан кечиб ўтиб, Термиз, Кеш, Ҳисор ерларини қийинчиликсиз эгаллайди.

1449 йилнинг октябрь ойи бошларида Самарқанд яқинидаги Дамашқ қишлоғида Мирзо Улуғбек ва шаҳзода Абдуллатиф ўрталаридаги жанг Мирзо Улуғбек мағлубияти билан тугайди. Мағлуб бўлган Мирзо Улуғбек пойтахт Самарканд томон олди. Лекин хиёнат йўлига ўтган, Самарқандда ҳоким этиб қолдирилган Мироншоҳ қавчин уни шаҳарга киритмай, дарвозаларни беркитиб қўйишга буйруқ берди. Шунингдек, Шоҳрухия қалъаси қутволи Иброҳим мамлук ҳам уни қалъага қўймайди. Шундан сўнг Улуғбек кейинги ҳаттиҳаракатлари фойдасиз эканлигини англаб, Абдуллатифга таслим бўлишга мажбур бўлди. Мирзо Улуғбек тожу-тахтдан воз кечиб, Маккага ҳаж сафарига кетишга изн сўрайди. Абдуллатиф ҳажга рухсат бериб, Амир Муҳаммад Хусравни унга ҳамроҳ қилиб жўнатади. Лекин, орадан ҳеч қанча ўтмасдан, шаҳар қозиси Шамсиддин Муҳаммад Мискиннинг қаршилигига қарамай, уламоларнинг яширин фатвоси билан Абдуллатиф ўз отасининг ўлимини уюштиради. Ўз даврининг машҳур ҳукмдори ва забардаст олими Мирзо Улуғбек 1449 йилнинг 27 октябрида Самарқанд яқинида фожиали тарзда ўлдирилади. Орадан 2-3 кун ўтмасдан Абдулазиз ва Мирзо Улуғбекнинг садоқатли тўрт нафар амири ҳам қатл этилади.

Роппа-роса қирқ йил (1409-1449) давом этган, тарихий манбалар тили билан айтганда "Темурийлар салтанатининг ёркин гавҳари" Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги шу тарика ўз поёнига етади. Бу давр кескин, мураккаб курашлар саҳнасида ўтса-да, бироқ Мирзо Улуғбек ўз давлатини мустаҳкамлаш, бирликни сақлаш, иқтисодий барқарорликни юзага келтириш, маданий ҳаётни юксалтириш борасидаги хизматлари Темурийлар тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Ғарбда Мирзо Улуғбек илмий мероси XVII асрдан бошлаб ўрганила бошланди. 1643 йили Оксфорд университети профессори Жон Гривс (Иоганн Гравиус) ўз тадқиқот ишини Улуғбек "Зиж"ига бағишлаган. Бу илк нашрдан

сўнг Оксфорд университетида, Европанинг бошқа илм-фан марказларида қатор ишлар нашр этилди. 1693 йили машҳур поляк астрономик Ян Гевелийнинг лотин тилидаги "Астрономия даракчиси" китоби чоп этилди. Унда Улуғбек фаолиятига юқори баҳо берилган ҳолда иккита гравюра киритилган. Астрономия илоҳийси Урания ҳайкалининг икки тарафида энг машҳур астрономлар қаторида Мирзо Улуғбек ҳам тасвирланган.

Улуғбекнинг "Зиж"и 1725 йили Гринвич обсерваториясининг биринчи директори Д.Флейстиднинг "Осмон тарихи" китобида энг машҳур жадваллар қаторида ўз аксини топган. Инглиз шарқшуноси А.Седийо (1808-1875) 1839-1853 йилларда "Зиж"ни форс ва француз тилларида нашр қилди. XX аср бошларида Мирзо Улуғбек илмий мероси хусусида АҚШ ва Европада қатор асарлар нашр қилинди. С.Петербург обсерваториясининг асосчиси, асли Франциядан таклиф этилган астроном Ж.Н.Делиль (1688-1768) Россияда Улуғбек илмий меросини ўрганишни бошлаб берди. Бу ишни кейинчалик рус шарқшунослари Н.Берёзин, В.В.Бартольд ва бошқалар давом эттирдилар. 1908-1909 йиллари Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси харобаларини очилиши унга бўлган қизиқишни янада кучайтирди.

XX аср тарихшунослик фани Мирзо Улуғбекни нафақат буюк олим, балки барча тавофутлардан қатъий назар, умумбашарий тараққиёт ғояларини кўтариб чиққан мусулмон оламидаги ягона ҳукмдор сифатида эътироф қилди. Немис олими Н.Меллер (1749-1874) ташабуси билан Ойдаги кратерлардан бирига Улуғбек номи берилган.

Темурий ҳукмдорлар ичида илм-фан, маърифат ва маданиятга етарли ҳомийлик қилган шахс – бу ўзи ҳам буюк олим бўлган Мирзо Улуғбек ҳисобланади.

Мирзо Улуғбек унинг замондошлари, муаррихларнинг хабар беришларича, шарқ мутафаккирлари, улар орқали юнон мумтоз илмий асарларидан хабардор бўлган. Мирзо Улуғбек замондоши Ғиёсиддин Кошийнинг ёзишига кўра, Мирзо Улуғбек ўта зукко ва жуда илмли шахс бўлиб, Қуръони Каримни ёд билган, араб ва форс тилларини яхши билиб, тафсир ва ҳадис илми бобида билимдон инсон, фиқҳ, мантиқ, адабиёт, мусиқа, риёзиёт ва фалакиёт илмларини чуқур билган комусий олим бўлган. Мирзо Улуғбек ислом оламида илк бора ҳукмдорлик ва олимлик даражасини биргаликда олиб борди. У Мовароуннаҳрни мусулмон оламининг илмий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Хусусан Самарқанд, Бухоро, Кеш (Шаҳрисабз) илм-фан марказларига айланди. У 1417 йил Бухорода, 1420 йили Самарқандда, 1433 йилларда Ғиждувонда мадрасалар барпо этди. Самарқанднинг ободончилик ишларига бош-қош бўлиб, Гўри Амир, Шохизинда меъморий мажмуаларидаги қурилиш ишларини охирига етказади. Шохи Зинда мажмуасида масжид, пештоқ, чорток қурилади. Мирзо Улуғбек даврида Регистон майдони шаклланди, унда Улуғбек мадрасасидан ташқари хонақоҳ, карвонсарой, ўймакор ёғочлар билан безалган Муқатта масжиди ҳам бунёд этилди.



Самарқанд. Регистон майдони

Шунингдек, бу вақтда Кўкалдош жоме масжиди ҳам қуриб битказилди. Ушбу меъморий бинолардан фақат Улуғбек мадрасаси асрлар силкинишларига дош бериб, мажмуадан ягона ёдгорлик бўлиб қолди. Мазкур даврда Самарқандда барпо этилган Мирзойи ҳаммоми ва карвонсаройи, Чилустун (Қирқ устун) ва Чиннихона саройлари ўзларининг меъморий қурилиши композициялари билан ажралиб турган. Хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Чилустун ва Чиннихона саройларининг кўркам ва жуда муҳташам бўлганлигини таъкидлаб ўтган эди. Мирзо Улуғбек бошқа шаҳарларда меъморий обидалар қурилиши масаласига ҳам эътибор билан қараган. Улар орасида Шаҳрисабздаги Кўк гумбаз масжиди ўзининг ҳашаматлилиги билан ажралиб туради. Бу ердаги Гумбази Сайидон ёдгорлиги ҳам қайта тикланган.

Маданият ҳомийси бўлмиш Мирзо Улуғбек илм-фанни ривожлантиришга катта эътибор билан қаради. Ҳадиси шарифдаги "Илм олмакка интилмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун ҳам фарз, ҳам қарз" деган ибора Бухоро мадрасаси пештокига шиор сифатида ўйиб ёздириб қўйилди. Хусусан, у Самарқандга ўз замонасининг йирик, таниқли олимларини чорлашга ҳаракат қилган.

Унинг саъйи-ҳаракатлари туфайли замонасининг 100 дан ошиқ олимлари Самаркандга йиғилдилар. Улар орасида Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад, ўз замонасининг "Афлотуни" деб ном олган Қозизода Румий, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи, Муҳаммад Ҳафовий ва бошқа таниқли зотлар ҳам бор эди. 1420 йил Самарқанд мадрасаси очилганда, унда 100 дан зиёд талаба ўқиган, мадрасада 50 тадан кўпроқ талабалар учун махсус ҳужралар мавжуд бўлган. Зайниддин Восифийнинг ёзишича, 1420 йили Самарқанд мадрасаси очилганида унда 90 тадан ошиқ олим қатнашган экан. Мадрасадаги илк маърузани Мавлоно Ҳафовий ўқиган. Кейинчалик ўз замонининг таниқли кишилари Абдураҳмон Жомий, Хўжа Аҳрор ва бошқалар ҳам Самарқанд мадрасаларида таҳсил олганлар.

Шунингдек, Самаркандда бу даврда бир неча бошқа мадрасалар ҳам бўлиб (Хоним, Ферузшоҳ, Шохмалик, Қутбиддин ва бошқалар) у ерларда ҳам салоҳиятли олимлар дарс беришар эди. 1424-1429 йилларда Самарқанд яқинидаги Обирахмат анҳори бўйида Мирзо Улуғбек расадхона қурдиради. Расадхона ўша даврнинг ноёб иншоотларидан бўлиб, у доира шаклида барпо этилган, иморатнинг айланаси 47 м, баландлиги 31 м.дан иборат 3 қаватли бино бўлган. Бинонинг ичи бир неча хона, айлана зал, махсус текшириш хоналаридан иборат бўлиб, у ерларда махсус асбоб-ускуналар жойлантирилган.

Расадхона ичи коинот, ер курраси тасвирлари билан безалган бўлиб, халқ ичида шунинг учун "Нақши жаҳон" деган ном билан шуҳрат топган эди. Самони кузатиш ва ўрганиш борасида Ғиёсиддин Жамшид ёрдамида астрономик ўлчов асбоби-улкан секстант ўрнатилинган. Бу секстант, ўз навбатида, Шарқдаги энг катта астрономик асбоб ўлчови ҳисобланган. Шунингдек, маҳаллий усталар (Исо Устурлобий, Абу Маҳмуд Хўжандий, уста Иброҳим) қўли билан кўплаб зарурий астрономик ўлчов асбоблари ҳам ясалди ва ўрнатилди. Расадхона қошида шунингдек, 15.000 жилддан иборат китоб сақланадиган бой кутубхона ҳам бўлган. Унинг атрофида олимлар яшайдиган ер-чорбоғлар "Боғимайдон" ва "Чиннихона" номлари билан шуҳрат қозонган. Мирзо Улуғбек Самаркандда ўзига хос астрономия мактабини яратди. Расадхонада Мирзо Улуғбек билан бир қаторда ўз замонасининг машҳур математиги ва астрономлари Қозизода Румий (Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад), Ғиёсиддин Жамшид Коший, Улуғбекнинг шогирди, ўз даврининг "Птолемей"и номи билан шуҳрат қозонган Али Қушчи (Алоуддин ибн Муҳаммад) ва бошқалар елкама-елка туриб, илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар.



Расадхонадаги тадқиқотлар натижасида 1018 та юлдузнинг ўрни ва ҳолати (координатлари) аниқланиб, астрономик жадвали тузилди. Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ ўлкалари бўйлаб жойлашган 683 та географик пунктларнинг жойлашуви Самарқанд кенглик координатлари билан белгилаб чиқилди. Математика фани соҳасида Мирзо Улуғбек мактаби яратган - ўнлик даражали алгебрали тенглама ечилиб, бир даражали ёйнинг синуси аникланган.

Шу жиҳатдан буюк олимнинг "Зижи жадиди Кўрагоний" ("Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали") номли асари диққатга сазовордир. Бу асар 1437 йил ёзиб тугатилган бўлсада, олим умрининг охирига қадар унга янги натижаларни киритиб борган. Бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, унда кенг мукаддима ва 1018 та юлдузларнинг ўрни берилган. Ундан ташқари Мирзо Улуғбекнинг "Тарихи арбаъ улус" ("Тўрт улус тарихи") номли тарихий асари ва мусиқага бағишланган бешта рисоласи ҳам мавжуддир. Мирзо Улуғбекнинг ўта

салоҳиятли олим бўлганлигини унинг замондошлари Ғиёсиддин Жамшид, Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқалар ҳам эътироф этганлар. Жумладан, ўзбек адабиётининг асосчиси буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий (1441-1501) бу хусусда:

Темурхон наслидин Султон Улуғбек
Ки олам кўрмади султон анингдек.

дея унга ўз таърифини берган эди.

Мирзо Улуғбекнинг илмий мероси жаҳон илм-фан оламида ҳамиша юқори баҳоланганлигини, ҳозирда ҳам унинг юлдузлар ҳаракатига оид ҳисоб-китоблари компьютер ёрдамида текшириб кўрилганда атиги бир неча сония фарқ қилинганлигини 1996 йили ЮНЕСКОнинг Бош котиби Федерико Майор Биринчи Президентимиз И.Каримов билан бўлган мулоқотда фахр билан таъкидлаганини «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида алоҳида қайд этилиб, буюк ватандошимиз меросига юксак баҳо берилган эди. Мирзо Улуғбек расадхонаси ёдгорлиги мустақиллик йилларида қайта таъмирланди, расадхона атрофи ободонлаштирилиб, буюк олим ҳурматига бағишланган монументал композиция барпо этилди.

Мустақиллик йилларида Мирзо Улуғбек илмий меросини ўрганиш, буюк олим, маданият ҳомийсига эҳтиром кўрсатиш давлат сиёсати мақомига кўтарилди. 1994 йили ЮНЕСКОнинг қарори билан Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик юбилей йили деб эълон қилинди. Республикадаги қатор муассаса, ташкилот, майдон, кўчаларга Мирзо Улуғбек номи берилди. Хусусан, Тошкентдаги туманлардан бири, Астрономия институти, Ядро физикаси институти жойлашган посёлка, Ўзбекистон Миллий университети ва бошқалар шулар жумласидандир. Тошкентда ва Самарқандда Мирзо Улуғбек номи билан боғлиқ ёдгорликлар қайта таъмирланди, Улуғбек музейи буткул янги қиёфага эришди. Буюк аждодимизга ўз юртида кўрсатилган эҳтиром авлодларининг улкан эътиборидан дарак бериши 2009 йили Самарқандда ушбу зотга бағишлаб ўтказилган халқаро илмий анжуманда ҳам алоҳида қайд этилди.

Республикамизнинг Биринчи Президенти И.Каримов Темурийлар салтанатининг ушбу ёркин вакили ҳақида сўз юритар экан унинг ҳукмронлиги хусусида қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: «Тақдир бу улуғ зотнинг зиммасига беҳад улкан ва машаққатли вазифалар юклади. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек ўта маъсулиятли вазифа айнан унга насиб этди. Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори сифатида халқнинг азалий орзуси-тинчлик, тотувлик, илм-фан ва маданиятни тараққий топтириш йўлида улкан шижоат ва матонат кўрсатди».

2.3 XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросон

Ўзаро тожу-тахт учун кураш Абдуллатифни разиллик ботқоғига ботириб, уни ўз отасининг қотилига айлантирди. Гарчи у тахт эгаси бўлсада, халқ уни "падаркуш" (отасининг қотили) сифатида лаънатлар, Мирзо Улуғбек тарафдорлари унга душманлик кўзи билан қарар эди. Бундай бир пайтда

Абдуллатиф хурофотчи дин аҳллари, дарвешлар гуруҳи билан ҳам якинлашишга ҳаракат қилди. Бироқ, қотил падаркуш тахтда узоқ ўтира олгани йўқ. 1450 йилнинг 8 майида, шаҳар ҳандағи ёнида, Боғинавдан нарироқда унга қарши суиқасд қилиниб, ўлдирилади. Бу хусусда сўз юритган тарихчи Мирхонд фитначилар тап тортмасдан ҳаракат қилиб, «унинг кесилган бошини Регистондаги Улуғбек ўзи қурдирган мадраса пештоғига намойишкорона тарзда илиб қўйдилар», дея ёзган эди.

Бу қотилликдан сўнг, тезда Самарқанд тахтига Мирзо Улуғбекнинг жияни ҳамда куёви Мирзо Абдулло (1450-1451) ўтиради. Бухорода эса ҳокимият Мироншоҳнинг невараси Султон Абусаид қўлига ўтди. Мирзо Абдулло ўзининг бир йиллик ҳукмронлиги даврида мамлакатда барқарорликни тиклашга, Мирзо Улуғбекнинг маданий соҳадаги ишларини давом эттиришга, марказий ҳокимиятни кучайтиришга ҳаракат қилди. У тахт учун даъвогарлар Алоуддавла ва Абусаидлар билан кураш олиб бориб, Самарқандга қарши юриш қилган Абусаид қўшинини тор-мор келтиради. Абусаид Сирдарё ортига қочиб, Дашти Қипчок ўзбеклари хони Абулхайрхондан (1428-1468) тахтни эгаллаш учун ёрдам сўраб мурожаат қилади. 1451 йили ёзида Самарқанд якинидаги Шероз қишлоғидаги жангда Мирзо Абдулло ўлдирилиб, тахт Султон Абусаид Мирзо (1451-1469) қўлига ўтди. Темурийлар давлатининг Хуросон ерлари Шоҳрухнинг бошқа бир невараси, Бойсунқур Мирзонинг ўғли Абулқосим Бобур қўлида сақланиб қолиб, у то вафоти (1457) га қадар Хуросон тахтини бошқариб турди.

Бу вақтга келиб ўзаро сиёсий тарқоқлик янада авж олди. Биргина Хуросоннинг ўзи ўндан ортиқ қисмга бўлиниб кетди. Жумладан, Хуросоннинг Сабзавор ва Астробод оралиғидаги ерлари - Мирзо Жаҳоншоҳга, Балх - Абусаидга, Ҳирот - Мирзо Султон Иброҳимга, Мирзо Шомаҳмудга - Тус, Алоуддавлага - Обивард қалъаси тегишли эди ва ҳоказо. Ўзаро тахт учун муттасил курашлар мамлакат иқтисодий ва маданий ҳаётига катта зарар этказиб, инқирозий ҳолатларга сабаб бўла бошлади. Абулқосим Бобур Хуросонни ўз қўли остида бирлаштиришга, Шоҳрух давридаги маданий ҳаётни тиклаш йўлида саъй-ҳаракатларни олиб борди. Шу билан бирга Абулқосим Бобур Темурийлар салтанатини бирлаштиришга, ўзаро фитна, ўзбошимчаликларга чек қўйишга ҳам ҳаракат қилди. Лекин, 1454 йили унинг Самарқандга юриши муваффақиятсиз тугаб, 40 кунлик шаҳар қамалидан кейин у яна орқага қайтишга мажбур бўлган эди. 1456 йили у Хуросон давлати марказини Машҳадга кўчиради.

1457 йили Абулқосим Бобур Машҳадда вафот этгандан сўнг, Хуросон ерлари учун кураш яна авж олди. Бундай вазиятдан усталик билан фойдаланган Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Абусаид 1457 йили Хуросонга юриш қилиб Ҳиротни эгаллайди. Шу тариқа Абусаид Темурийлар давлатининг иккала қисмини бирлаштиришга муваффақ бўлади. Султон Абусаид Мирзонинг (1451-1469) ҳукмронлик даврида давлат ҳудудлари кенгайиб, унинг чегаралари Шарқий Туркистондан то Ироққача, Сирдарёдан то Ҳиндистон чегараларигача бўлган ерларни ўз ичига олди. Ўз ҳукмронлиги даврида Абусаид доимий равишда ҳокимиятини мустаҳкамлашга, исёнкор амалдор-ноибларни жазолашга асосий эътиборини қаратди. Шунингдек, у бирмунча иқтисодий ва маданий тадбирлар ўтказишга ҳам уринди. Лекин, унинг бу соҳадаги ишлари ўзининг

ижобий натижасини бермади, маърифат ва маданият Мирзо Улуғбек давридек юқори даражага чиқа олмади. Абусаид ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида кўплаб қирғин-барот ишларини амалга оширди, кўзга кўринган обрўли шахслар турли жазоларга мубтало этилди.

Султон Абусаид Мирзо Хуросон, Эрон, Хоразмдаги сиёсий тарқоқликни ҳам буткул тугата олмади. Ҳирот тахтига даъвогарлардан бири Умаршайхнинг эвараси, ёш темурий шаҳзода Султон Ҳусайн (1438-1506) Абулқосим Бобур вафотидан (1457 й.) кейин Хуросон мулки учун ўз ҳаракатларини бошлаб юборган эди. У XV асрнинг 60-йилларидан катта ҳарбий отрядга бош бўлиб, 1461-1464 йилларда Ҳирот, Обивард, Нисо, Машҳад ва Хоразмда ҳокимият учун гоҳ муваффақиятли, гоҳо муваффақиятсиз курашларни олиб борди.

1469 йили эрта баҳорда темурийларга аввалдан тегишли бўлган Ғарбий Эрон ерларини қайтариб олиш мақсадида Султон Абусаид Мирзо Оққўюнлу туркманларига қарши юришни бошлайди. Бироқ, Оққўюнлулар ҳокими Узун Ҳасан (1453-1478) томонидан Озарбайжоннинг Муғон даштида бўлган жанг вақтида ўлдирилади. Абусаиднинг ўғиллари Султон Ҳусайн билан тожу-тахт учун курашишга ботина олмай, Мовароуннаҳрга қайтиб кетдилар. Султон Ҳусайн эса 1469 йил 24 мартда тантанали равишда Ҳиротга кириб келди. Натижада Темурийлар салтанати яна икки қисм: Хуросон ва Мовароуннаҳрга бўлиниб кетди. Мовароуннаҳр кетма-кет Султон Абусаиднинг ворислари Султон Аҳмад (1469-1494), Султон Маҳмуд (1494-1496), Султон Бойсунғур Мирзо (1496-1497) ҳамда Султон Али Мирзо (1498-1500)лар томонидан мустақил равишда бошқарилди. Лекин, кўп ҳолда айниқса Султон Аҳмаднинг давлат бошқарувидаги калтабин, уқувсиз ва сусткаш сиёсати, Султон Маҳмуд ва Султон Али Мирзоларнинг давлат ишларининг ўз ҳолига ташлаб, айш-ишратга муккаларидан кетганлиги боис ушбу ҳукмдорлар даврида ўзаро тарқоқлик ва парокандалик янада кучайди.

Шу даврга келиб, айрим вилоят ноиблари, амирларнинг таъсири ўсиб, кўпинча улар аксарият мустақил фаолият йўлига ўта бошлайдилар. Халқ оммаси эса ўзаро курашлардан жабр чекишар, савдо-сотиқ ва деҳқончилик ривожи орқага кетган эди. Сиёсий ҳаёт, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда руҳонийлар, айниқса сўфийларнинг таъсири янада кучайди. Хусусан, шу даврнинг кўзга кўринган диний арбоби Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404-1490) мамлакатда жуда нуфузли шахсга айланиб, ўзаро кураш низолар вақтида мамлакат тинчлигини сақлаш йўлида бир неча маротаба бу курашларни тўхтатиб қолишга муваффақ бўлди. Эл-юрт тинчлиги, осойишталиги йўлидаги унинг фаолияти, албатта таҳсинга сазовордир.

Мовароуннаҳр томонида расман Темурийларга қарам, амалда деярли мустақил бўлган Хисравшоҳ (1457-1495) Ҳисор, Бадахшон, Қўҳистонда ҳокимлик қилиб, ўзининг зўравонлиги ва талончилиги билан яхши танилган эди. Тошкентдаги ҳоким Юнусхон (1485-1487), кейинчалик унинг ўғли Маҳмудхон (1487-1504)лар ҳам ўзларини мустақил давлат эгаси деб ҳисоблашар эди. Хоразмдаги Сўфийлар сулоласи вакиллари ҳам шундай сиёсат юргизар эдилар. Қатор тарихчилар хусусан, Муҳаммад Солиҳ, Бобур, ибн Рўзбехон, Хондамир ва

бошқалар ўз асарларида шу даврда рўй берган ўзбошимчалик ва талончиликларни алоҳида қайд этганлар.

1499 йилдан бошлаб Ўрта Осиёга ўз юришларини бошлаган Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) Темурийлар ичидаги ички низо ва ноиттифокликдан фойдаланиб, Мовароуннаҳрга нисбатан истилочилик ҳаракатларини бошлади. Темурий шаҳзодалардан, шу вақтдаги ягона мовароуннаҳрлик иқтидорли ва ҳарбий саркардалик маҳоратига эга бўлган, кейинчалик буюк шоир ва давлат арбоби даражасига чиққан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг саъй-ҳаракатлари ҳам ўзининг тегишли натижасини бермади. 1505-1506 йилларга келиб Шайбонийхон Хоразм ва Мовароуннаҳрни тўлиқ эгаллайди. Шайбонийхонга қарши курашиш учун йўлга чиққан Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайн (1469-1506) 1506 йилнинг майида вафот этди. Султон Ҳусайннинг ворислари ўртасида тожу-тахт учун кураш авж олиб, натижада хокимият иккита шаҳзодага-Бадиуззамон Мирзо билан Музаффар Мирзоларга ўтади. 1507 йилнинг май ойида эса Шайбонийхон Хуросондаги Темурийлар давлатига юриш килиб, уни маҳв этади.

Шундай қилиб, деярли бир ярим аср давомида шонли Темурийлар салтанатининг умри ўз ниҳоясига етди. Темурийларнинг охирги забардаст вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1526 йил 21 апрелдаги Панипат жангидан сўнг шимолий Ҳиндистонни эгаллашга муваффақ бўлди. Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда уч асрдан зиёд мобайнида ҳукмронлик қилиб, кўп ҳолда Темурийлар шон-шуҳратини ўша ерда тиклашга муваффақ бўлдилар.

2.4 Султон Ҳусайн Бойқаро – Хуросон ҳукмдори

Султон Ҳусайн (1438-1506)Соҳибқироннинг ўғли Умаршайхнинг эвараси бўлиб, у 1438 йили Ҳиротнинг шимоли-шарқидаги Давлатхона саройида дунёга келган. Унинг отаси Ғиёсиддин Мансур темурийлардан бўлмиш Бойқаро Мирзонинг учинчи ўғли бўлган.

Ҳусайннинг отаси Ғиёсиддин Мансур 1445 йилда вафот этади. Ҳусайн 14 ёшигача мактабда таълим олиб, шу мактабда Алишер билан дўстлашади.
1452 йилда ёш Ҳусайн Хуросон ҳукмдори Абулқосим Бобур саройига хизматга кирди. 1457 йили Абулқосим Бобур вафотидан сўнг, Ҳусайн саройни тарк этиб, Марв ҳукмдори Санжар Мирзо Марвий саройига хизматга ўтди. Бироқ, тез орада улар ўртасига совуқчилик тушиб, Ҳусайн саройдан кетишга мажбур бўлади. Шундан сўнг Ҳусайн Мирзо ўн йилдан кўпроқ вақт давомида Хоразм, Хуросон, Астробод, Мозандарон ва Журжон оралиғида ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. Хусусан, 1464-1469 йилларда Хуросондаги маълум ерларни ўз қўлига олишга ҳам муваффақ бўлди.

Бу давр мобайнида темурий шаҳзодаларнинг тожу-тахт учун олиб борган ўзаро урушларида Ҳусайн Мирзо ҳам фаол қатнашиб, Темурийлар ҳукмдори Султон Абусаид Мирзо (1424—1469) ҳалокатидан сўнг, 1469 йил 24 мартда катта тантаналар билан Ҳиротга кириб келди ва ўша куни жоме масжидида унинг номига хутба ўқилди.



Султон Ҳусайн Бойқаро. Миниатюра (1438-1506)

Тарихий манбаларнинг хабар беришича, Султон Ҳусайн Бойқаро Темурийлар орасида жасоратли, мард, одил ва тадбиркор салтанат соҳиби бўлган. У ҳукмронлик қилган даврда (1469-1506) Хуросон фуқаролари осойишта ва фаровон ҳаёт кечирдилар. Айниқса, унинг вазири Алишер Навоийнинг саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, мамлакатда йирик сув иншоотлари, маъмурий ва маданий қурилишлар, мадраса, масжид, карвонсарой, работлар, кўприклар ва шу каби қурилиш ишлари кенг кўламда олиб борилган.Султон Ҳусайн Бойқаронинг ҳукмронлиги даврида Ҳирот мусулмон шарқининг фан ва маданият марказига айланди. Бу даврда илму фаннинг барча жабҳаларида қалам тебратган олимлар, сўз усталари, адиблар, шоирлар, мусиқашунослар, ҳунарманд наққошлар ва мусаввирлар Ҳиротнинг довруғини жаҳонга машҳур қилганлар.

Султон Ҳусайн Бойқаро Хуросон музофоти, айниқса, Ҳиротда кўплаб диний ва маданий-маиший биноларни қурдирди. Бу қурилишларнинг асосий мутасаддиси сифатида Алишер Навоийни кўрсатиш жоиздир. Шунингдек,ҳукмдорнинг яқин кишилари ҳамда бек ва амирлари ўз номларини абадийлаштириш мақсадида масжид, мадраса, работ, кўприк, ҳаммом ва шунга ўхшаш қурилишлар билан шаҳар кўркини янада жилолантирганлар. Хусусан, Султон Ҳусайн Бойқаро Гозургоҳ яқинида ўз номига мадраса, Ҳирот ташқарисида "Боғи байт ул-имон" ва "Боғи хамса оройи" боғларини барпо этган. Султон Бадиуззамон Мирзо номи билан аталувчи "Мадрасайи Бадиъа" ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро даврининг улкан обидаларидан бири бўлган. Бу даврда таъмирланган Жоме масжиди улкан бинолардан бўлиб, унинг 403 гумбази, 130 равоқи ва 44 устуни бўлган.

Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Хуросонда қирққа яқин йирик иншоотлар Султон Ҳусайн Бойқаро даврида вужудга келган ва Ҳиротга тевараклатрофдан олимлар, шоирлар, адиблар, рассомлар, хаттотлар, мусиқачилар ва бошқа ҳар хил ҳунармандлар кириб кела бошлаганлар. Жумладан, ўша даврда табиб Ҳусайн Жарроҳ ичакни кесиб даволашда чумолидан фойдаланиш усулини ихтиро қилган. Устод Сайид Аҳмад Ғижжак, Устод Шоҳқули Ғижжак, Устод Қул Муҳаммад Удий, Устод Ҳусайн Удий, Устод Шайх Фонийлар Хуросонда ном чиқарган етук мусиқашунос алломалардан бўлган. Наққошлик ва хаттотлик соҳасида Хожа Мирак наққош, Мавлоно Хожа Муҳаммад наққош ва буюк истеъдод соҳиби Камолиддин Бехзодлар ўз маҳоратлари билан Хуросон фахри ҳисобланганлар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳусайн Бойқаро замонидаги олимлар, фозил ва шоирлар ҳақида сўз юритиб, Абдураҳмон Жомий, Шайхим Суҳайлий, Ҳусайн

Али Туфайлий, Осафий, Биноий, Сайфи Бухорий, Мир Ҳусайн Муаммоий, Мулло Муҳаммад Бадахший, Юсуф Бадиий, Одий, Шод Ҳусайн Коший, Ҳилолий, Аҳлий, Муҳаммад Солиҳ ва бошқалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтади. Алишер Навоийнинг таъкидлашича, Ҳусайн Бойқаро туркий тилининг тақдирига бефарқ бўлмай, унинг ривожи учун қатор чора-тадбирларни амалга оширган.

Ўша давр адабий муҳитининг баъзи намояндалари туркий тилни таҳқирлаб, мазкур тилда ижод этиш, ижодкорнинг истеъдодсизлигини билдирувчи нуқсонлардан бири деб хисобланганлар. Бинобарин, араб ва форс тилларига эътибор берилиб, туркий тил камситилган. Ана шундай шароитда Ҳусайн Бойқаро ёзувда туркий тилни истеъмолга киритиш борасида махсус фармон берган. Бу дадил қадам мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида катта воқелик бўлди.

Ҳусайн Бойқаро форсий ва туркий тилларида ғазал битиш иқтидорига эга бўлсада, асосан туркий тилда "Ҳусайний" тахаллуси билан ижод этган. Султондан бизгача "Девон" тўплами етиб келган. Султон Ҳусайн рисоласи шахсий кечинмаларга бой, самимий ва кўтаринки рухда ёзилган. Унинг таъби назми ҳақида Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" асарида шундай ёзади: "Ул ҳазратнинг хўб ашъори ва марғуб адабиёти бағоят кўпдур ва девон ҳам мураттаб бўлубтур". Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Алишер Навоий ижоди учун тегишли шарт-шароит яратиб беришда султон бевосита хомийлик килган.

Ҳусайн Бойқаро Хуросонда мустаҳкам ва кучли давлат барпо этишга муваффақ бўлди. У 1470 йил Ҳирот тахтига даъвогар бўлган темурий шахзода Ёдгор Муҳаммадни мағлубиятга учратди. Ўша йили Аҳмад Муштокнинг Балхдаги, Абулхайрнинг Ҳиротдаги қўзғолонларини бостирди. Шунингдек, Султон 1490 йили Астроболддаги Амир мўғул бошчилигидаги исённи ҳам маҳв этди, Ҳисор ҳокими Султон Маҳмуднинг ўзбошимчалигига чек қўйиб, у ерларни ҳам ўз тасарруфига олди. Мамлакатда тинчлик-осойишталик ва тартиб ўрнатилди.Таъкидлаш лозимки, Султон Ҳусайн даврида бирорта ҳам халқаро миқёсда низо ва жанжаллар содир бўлмади. Мусулмон шарқи давлатлари билан мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий алоқалар ўрнатилинди. Албатта, бу ижобий саъй-ҳаракатларда буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоийнинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлган. Лекин, XV аср 90-йилларига келиб Хуросондаги ички вазият ўзгара бошлади. Султоннинг баъзи номақбул ҳатти-ҳаракатлари, хусусан, унинг маишатга берилиши бошланди. Унинг устига султоннинг ўғиллари – Бадиуззамон Мирзо, Абулмуҳин, Муҳаммад Ҳусайн ва бошқалар ўз падари бузрукворларига қарши тез-тез исён кўтара бошладилар.

Бу орада Бадиуззамон Мирзонинг ўғли Мўмин Мирзонинг султон томонидан мастлик чоғида ўлдиришга фармон берилиши вазиятни янада чигаллаштириб юборди. Алишер Навоий воситачилигида шоҳ ва шаҳзодалар ўртасида бир неча марта сулҳ келишувлари амалга оширилди. 1499 йилги келишувга мувофиқ Балх Бадиуззамон Мирзога берилиб, унинг номи султон номи билан бирга хутбада ўқиладиган бўлди. Бу эса ўз навбатида давлат яхлитлиги ҳамда марказлашган давлат мавқеига путур етказар эди.

Ҳукмдорнинг сўнгги йиллари мамлакат ичида вужудга келган исёнларни бостириш билан ўтди. Бу исёнлар ўз ўғиллари тарафидан мулк талашиб

кўтарилган низо ва можаролардан иборат эди. Аммо, шунга қарамай, у қўлидан келганича мамлакатда адолат ва осойишталикни, илм-маърифат ва маданиятни равнақ топтиришга ҳаракат қилган. 1506 йил баҳорида Султон Ҳусайн Бойқаро хасталигига қарамай Хуросон қўшинини йиғиб, Шайбонийхонга қарши Мовароуннаҳр ҳудудига қараб йўл олади. Султон Бобо Илоҳий мавзеига етганда, аҳволи оғирлашиб, қўшинни тўхтатишга қарор қилади. 1506 йил 6 май куни Султон Ҳусайн Бойқаро хасталаниб, 69 ёшида оламдан ўтди.

Султон Ҳусайн Бойқаро (1469-1506) давлати ўз таркибига Хоразм, Хуросон, ҳозирги Афғонистон ва Эроннинг бир қисмини олган бўлиб, у Темурийлар тарихида охирги йирик давлат арбобларидан бири бўлиб қолди. Султон Ҳусайн Бойқаронинг деярли қирқ йиллик ҳукмронлик даври гарчи ўзаро курашлардан холи бўлмаган бўлса-да, лекин мамлакатда барқарор иқтисодий аҳвол ҳукмронлик қилди. маданий ҳаёт бениҳоя даражада равнақ топди. Мамлакат ободлиги, фаровонлиги, иқтисодий ҳаётнинг бир меъёрда кечиши, фан-маданиятнинг юксалишида ўз давринининг тадбирли ва оқил ҳукмдори Султон Ҳусайннинг роли ниҳоятда катта бўлди. Султон Ҳусайн Темурийларнинг Хуросон қисмидаги мулкларида тинчлик-осойишталикни сақлаш, фитна ва ўзбошимчаликка чек қўйиши, меъморчилик ва ободончиликка катта эътибор бериши, илм аҳли ва маданият арбобларига ҳайриҳоҳлик кўрсатиши ва ҳомийлик қилиши билан мамлакатимиз тарихида ўзига хос ижобий из қолдирди.

2.5 Алишер Навоий - буюк мутафаккир ва давлат арбоби



Алишер Навоий
(1441-1501)

Буюк ўзбек шоири, ўзбек адабий тили ва адабиётининг асосчиси, жаҳон адабиётининг забардаст вакили, давлат арбоби ва мутафаккир Мир Низомиддин Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳиротнинг Боғи Давлатхона деган жойида таваллуд топган. Отаси Ғиёсиддин Муҳаммад, бир вақтнинг ўзида "Кичкина Баҳодир", "Кичик бахши" тахаллуслари билан машҳур бўлиб, Ҳиротнинг олийнасаб оилаларига мансуб, темурийлар саройида эътиборли шахслардан бири бўлиб ҳисобланган. Тарихий манбаларда Алишернинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммадни "бисёр саодатманд ва пок ниятлик инсон бўлиб,табиатида жуда катта одамийлик хусусияти мавжуд эди", дея таърифлашган.

Алишернинг онаси таникли Кобул амирзодаларидан бири бўлмиш Шайх Абусаид Чангнинг қизи бўлган. Алишернинг ота томонидан бобоси Умаршайх Мирзо билан эмикдош бўлиб, Бойқаро Мирзо даврида Қандаҳорда амир бўлган. Шу боис ҳам Ғиёсиддин Муҳаммадга саройда катта ҳурмат билан қарашган. Алишер болалигиданоқ ўткир зеҳни, фаҳм-фаросати, акл-заковати билан тенгдошларидан ажралиб турар эди. Ғиёсиддин Муҳаммад ўғлининг тарбиясига алоҳида аҳамият билан қараган. Бу хусусда Давлатшоҳ Самарқандий: "У ўз фарзандини турли фазилатлар билан безаш учун олий ҳимматининг борини сарф қилди ва у бузрукворнинг ҳаракати бекор кетмади, бунинг натижасида унинг ўғли иззат ва катталик тахтига ўлтирди", деб ёзган эди.

Шеъриятга ихлосмандлик ёш Алишерда жуда эрта, 3-4 ёшлигидаёқ бошланган. Алишер униб – ўсаётган оилада тез-тез шеърият мухлислари йиғилиб туришар, ғазалхонлик кечалари ўтказилиб турилар эди. Алишернинг отасини "Кичик баҳши" тахаллус билан номлашлари ҳам бежиз бўлмаган. У кўплаб шеърларни ёддан билар, адабий мажлисларда фаол иштирок этар эди. Шунингдек, ёш Алишерда адабиётга ихлосмандликни унинг тоғалари, ўз даврининг таникли шоирлари Мир Саид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар ҳам уйғотганлар. Улар туркийда кўпроқ шеър битишар, шубҳасиз бу ҳол ёш Алишерда ўз она тилига бўлган муҳаббатни юксалишида ўзига хос аҳамият касб этган. Отаси Алишерни тўрт ёшидан сал ўтганидан сўнг мактабга беради. Мактабда Алишер бўлғуси Хуросон подшоҳи Ҳусайн Бойқаро билан биргаликда таҳсил олади.

1447 йил Шоҳрух ўлимидан кейин, тожу-тахт учун курашлар даври бошланган бир вақтда Ғиёсиддин Муҳаммад оиласини олиб Ирокка йўл олади. У ердаги Тафт қишлоғида олти ёшли Алишер ўз даврининг йирик тарихчиси, машҳур "Зафарнома" асарининг муаллифи Шарафуддин Али Яздий билан учрашади. Кекса олимга Алишернинг зеҳн-заковати кўп маъкул келди. 1451 йили Хуросондаги ҳокимият тепасига Шоҳрухнинг невараси, Бойсунғур Мирзонинг ўғли Абулқосим Бобур келади (1451-1457). Хуросон ерларида нисбатан тинчлик ва осойишталик ўрнатилгач, Алишерлар хонадони Ҳиротга қайтиб келишди. Абулқосим Бобур тез орада Ғиёсиддин Муҳаммадни Сабзавор ҳокими лавозимига тайинлайди. Алишер яна Ҳиротда таҳсилни давом эттирди. У мактабдаги ўқиш даврида диний китоблар билан бир каторда ўтган машҳур шоирлар асарларини ҳам севиб мутоала қилади. Хусусан, Шайх Саъдийнинг "Гулистон" ва "Бўстон" асарларини, айникса Фаридиддин Атторнинг "Мантиқут-тайр" достонини берилиб ўқийди.Алишер юкорида номи қайд этилган 4-5 минг мисрали достонни буткул ёд олади, бу эса унинг ноёб ва ўткир қобилият эгаси бўлиб шаклланаётганлигидан дарак берар эди.

Алишер отаси Сабзавор ҳокими Ғиёсидиннинг кўмаги билан ўша ерлик кекса сарбадор шоир Мир Шоҳий билан ҳам хат ёзишиб туради. Навоий 12 ёшларга етганида отаси ҳаётдан кўз юмди. Отадан ёш етим қолган Алишер Хуросон султони Абулқосим Бобур хизматига кирди ва бу ерда Ҳусайн билан биргаликда хизмат қила бошлайди. Абулқосим Бобур адабиёт ва санъатни севар, ўзи ҳам туркий ва форсийда ғазаллар ёзиб турар эди. Султон Алишерга ижобий

муносабатда бўлди, унинг ўтган аждодлари ҳақида яхши хабардор бўлгани боис, ёш ўспиринниинг таҳсилни давом эттиришига кенг йўл очиб берди.

Алишер ўша давр анъаналарига кўра бошланғич билимларни форс тилидаги манбалардан олган. Ўша давр сарой аҳли, зодагонлар аксарият форс тилида сўзлашишар, туркий тилни эса назарларига илмас эдилар. Аввал ўз ғазалларини анъанавий равишда форс тилида ёзган Алишер вақт ўтиши билан тафаккур доираси кенгайиб, ўз она тили бойлиги, унинг беқиёс имкониятларини англаб ета бошлайди. Ўн беш ёшга етган Навоий ҳам форсий ҳам туркийда шеър, ғазал бита оладиган "зуллисонайн" шоир сифатида анча танилиб қолади. Ўз вақтида Мавлоно Лутфий ҳам бу 15-16 ёшли ўспирин шоирнинг туркий тилдаги икки мисрали ғазалига жуда юқори баҳо берган эди. Ҳиротнинг таниқли зотларидан бири бўлмиш Сайид Ҳасан Ардашер ҳам Навоийга ҳомийлик қилиб, уни ҳам моддий ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб – қувватлайди. Навоий ҳамма вақт Ардашернинг бу олижаноб саъй-ҳаракатларини чуқур мамнуният ҳамда ҳурмат ила ёдида сақлайди.

1456 йил октябрь ойи бошларида Абулқосим Бобур ўз қароргоҳини Хуросоннинг яна бир катта шаҳри бўлмиш – Машҳадга кўчиради. Алишер ва Ҳусайн ҳам султон билан бирга жўнаб кетишади. 1457 йил баҳорида Султон Абулқосим Бобур вафот этади. Хуросонда яна тожу-тахт учун курашлар даври бошланди. Алишернинг мактабдош дўсти шаҳзода Ҳусайн Бойқаро ҳам ҳокимият учун курашлар домига тортилди. Бу даврда онасидан ҳам айрилган 16 ёшли Алишер Навоий Машҳадда қолиб, Машҳад мадрасасида таҳсилни давом эттиришга қарор қилади.

Таҳсил вақтида Навоий бир томондан фақирлик ва ғарибликни бошдан кечирган бўлса, иккинчи томондан кўплаб асарларни ўқиб ўрганди, ўз билим даражаси, дунёқарашини кенгайтирди.

Навоий фақат 1464 йилдагина Ҳиротга қайтади. Алишер ўз отасидан қолган мол-мулкка умид қилган ҳолда ижодини давом эттириш ниятида эди. Бу пайтда Султон Абусаид Мирзо (1451-1469) пойтахтни Самарқанддан Ҳиротга кўчирган, Ҳиротда ўзига номақбул кишиларни жазога мубтало қилиб турган бир вақт эди. Навоийнинг ота-онасидан қолган уй-жой, мол-мулкни султон кўрсатмаси билан давлат ҳисобига ўтказиб юборилган эди. Ёш шоир яна мухтожлик домига тортилиш ёқасига тушиб қолди. Буни устига ҳукмдор Алишернинг Ҳиротга келишини хушламай, уни жуда совуқ қаршилайди. Таъкидлаш жоизки, бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд эди:

- биринчидан, Алишер Ҳусайн Бойқаронинг яқин дўсти бўлиб, Ҳусайн эса ўз навбатида бир неча йиллардан бери Абусаидга қарши тожу-тахт масаласида кураш олиб бормоқда эди;

- иккинчидан, Навоийнинг тоғалари Мир Саид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар Ҳусайннинг энг яқин маслаҳатчилари бўлиб, Абусаид Мирзо уларни ушлаб олиб қатл эттирган, бу эса табиийки, Алишерда султонга нисбатан нафрат ўтини кучайтирган;

- учинчидан, Абусаиднинг мамлакатда юритаётган қонхўр сиёсати, қатор темурийларни арзимаган баҳона билан қатл этиши, Навоийнинг дўсти, Бадахшон

шоҳи шоир Лаълий ва унинг ўғлини ўлдирилишига Навоий хотиржам қараб тура олмас эди;

- тўртинчидан, Абусаиднинг талончилик сиёсати, меҳнаткаш халқ оммаси бўйнига оғир солиқларнинг осилиши, жабр-зулм, зўравонлик, ноҳақликнинг кучайишига инсонийлик ғояларига содиқ Навоий бепарво қараб тура олмас эди. Ундан ташқари султон илм ва санъат кишиларни хушламаган ҳам эди. Алишер Навоий ўзининг қуйидаги қитъасида Абусаидни назарда тутган бўлиши керак:

Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо,
Ки ўтлар сочар қаҳри ҳангомида
Анинг номи бирла тириғмак эрур,
Маош айламак аждаҳо комида.

Ҳиротда икки йил фақирлик билан ҳаёт кечирган Навоий 1466 йил шаҳарни тарк этиб, Самарқанд томон йўл олди. Унинг Самаркандга келишидан мақсади илм олишни давом эттириш ҳамда ўз малакасини ошириш бўлган. Самарканд бу даврда ҳануз илм ва маданият маркази ролини ўйнар, бу ерда илм ўрганиш мақсадида узоқ-яқиндан кўплаб толиби илмлар ташриф буюришар эди. Самаркандда Алишер Навоий машҳур олим Хожа Файзуллоҳ Абулайс мадрасасида таҳсил олади. Шоирни самаркандлик тараққийпарвар зодагон Аҳмад Ҳожибек ўз ҳимоясига олиб, унга катта моддий кўмак берди. Хожа Файзуллоҳ Абулайс Навоийнинг ўткир зеҳнига тан берар, уни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатар эди. Навоий Самаркандда нафақат таҳсил олиш билан шуғулланди, балки шаҳарлик косиб ва ҳунармандлар билан ҳам яқин муносабатларни ўрнатди. Бу хусусда у ўзининг "Мажолис ун-нафоис" асарида тўхталиб, ушбу ҳунармандлар шеърият ихлосмандлари бўлганликларини ҳам таъкидлаб ўтади. Навоий Самарканд сиёсий ҳаётида ҳам қатнашиб, асир тушган Ҳусайн Бойқаро аскарларини бир неча бор ўлимдан сақлаб қолади.

Навоий Абулқосим Бобур саройида олган давлат ишларидаги кўникмасини Самаркандда янада оширди. Бу эса ўз навбатида унинг кейинги сиёсий фаолиятида жуда асқотди. Шоир ижодий фаолиятида ҳам Самаркандда кечган даври шубҳасиз катта из қолдирди. 1469 йил баҳорида Султон Абусаид Мирзо Озарбайжонга қилган ҳарбий юриши вақтида ўлдирилди. Мазкур вазиятдан фойдаланган Султон Ҳусайн Бойқаро 1469 йил 24 мартида Ҳиротга кириб келиб, ўзини Хуросон подшоҳи деб эълон қилди. Тахтни эгаллаган Ҳусайн Бойқаро тезда Мовароуннаҳрнинг янги ҳукмдори Султон Аҳмадга (1469-1494) расмий нома ("Маншур") йўллаб, Навоийни Ҳиротга қайтишига монелик қилмасликни сўрайди. Бу пайтга келиб Алишер Навоий халқ орасида ўз шеърлари, ақлу-камоли билан анча танилиб қолган, султон эса Алишерни ёшликдан билар, унинг ақлу-фаросати, ҳалоллиги ва соф виждонлиги, ростгўйлиги, ноёб қобилият эгаси эканлигини жуда қадрлар эди. Қолаверса, янги ҳокимиятга келган ҳукмдор учун таяниши мумкин бўлган садоқатли шахслар жуда зарур бўлган. Навоийнинг ҳар бир сўзи, қадами софлик, ҳалоллик, самимийлик билан йўғрилганлигини уни билган ҳар бир инсон тасдиқлар эди. Султон ҳеч бир иккиланмай Навоийни муҳрдор лавозимига тайинлайди. Эндиликда Навоий масъул шахс сифатида давлатнинг барча ҳужжатларини расмийлаштириб, муҳр босар эди. Умуман

олганда расмий жиҳатдан Навоий уч маротаба турли даражадаги лавозимларда фаолият кўрсатган. Булар қуйидагилар бўлган.

1. Муҳрдор лавозимида – 1469-1472 йй.
2. Вазир лавозимида – 1472-1476 йй.
3. Астробод ҳокими лавозимида – 1487-1489 йй.

Алишер Навоий эндиликда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида етук давлат амалдори сифатида ҳам роль ўйнай бошлайди. 1469 йил охирларида Султон Ҳусайн тахтга даъвогар бошқа темурий шаҳзодаларга қарши курашиб турган бир вақтда Ҳиротда амалдорлар жабр-зулмига қарши халқ қўзғолони бошланди. Султон ушбу қўзғолонни бартараф қилиш вазифасини Навоийга топширади. Алишер Навоий султондан халқ талаблари инобатга олиниши, зулмкор амалдорлар жазоланиб, адолат ўрнатилиши хусусидаги фармонни олишга муяссар бўлиб, тўғри Ҳиротга жўнайди. Навоий Ҳирот Жоме масжиди минбаридан туриб адолат ўрнатилиши ҳақидаги султон фармонини ўқиб эшиттирди. Айбдорлар жазога тортилиб, пойтахтда тартиб – интизом ўрнатилди. Шунингдек, Алишер Навоийнинг оқилона маслаҳатлари, таклиф қилган режаси ҳамда шахсий жасорати туфайли султоннинг рақиби темурийзода Ёдгор Муҳаммад маҳв этилиб, қўлга олинди. Мазкур воқеалардан сўнг ҳар қандай хавфли вазиятда ҳам султонга содиқ, кучли ва марказлашган давлат, адолатли шоҳ ҳукмронлиги тарафдори бўлган Алишер Навоийнинг халқ, мамлакат ичидаги обрў-эътибори янада кўтарилиб кетди. Айнан муҳрдор лавозимида турган Навоий Ҳиротни ўрта аср мусулмон шарқи маданий марказига айлантириш хусусидаги бор имкониятларини ишга сола бошлайди. Султон ҳам Навоийга жуда таянар, унинг саъй-ҳаракатларини ҳам моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлар эди.

Навоий ижодкор шахс бўлган, шу боис ҳам саройдаги лавозим унга ижод қилишга имкон бермас эди. Шунинг учун ҳам у муҳрдорлик лавозимидан истеъфога чиқишга охири султонни кўндиради.

Лекин, орадан бир ой ўтар ўтмас, 1472 йилнинг февралида султон Навоийнинг қаршилигига қарамай уни вазир этиб тайинлаб, шоирга "Амири кабир" ("Буюк амир") унвонини берди.*

Алишер Навоий тегишли ҳужжатга подшоҳ ва амир Музаффар Барлосдан кейин ўз муҳрини қўйишга ҳақли эди. Хондамир ўзининг "Макорим ул аҳлоқ" асарида бу борадаги қизиқ воқеликни мисол қилиб келтиради. Ҳукмдорнинг биринчи тақдим этилган фармонига Алишер Навоий ўта камтарлик юзасидан шундай муҳр босадики, ундан қуйирокда ҳеч ким муҳр боса олмас эди. Ҳамма вақт турли фитна ва миш-мишлар ўчоғи бўлган сарой аҳли Навоийнинг бу ҳаракатидан лол бўлиб қолди.

Алишер Навоий табиийки, юқори маълумотли зот бўлиб, у ўз вақтида Машҳад ва Самарқанднинг нуфузли мадрасаларида таълим кўрган, давлат бошқаруви хусусида етарли маълумотга эга бўлиб, араб ва форс тилларини мукаммал эгаллаган, Қуръони Каримни ёд билган, исломий билимларга эга, нақшбандия тариқатига мансуб инсон бўлган. Албатта буларнинг барчаси унинг

*Амири кабир унвони шоир умрининг охирига қадар сақланиб қолинди.

давлат бошқарувидаги фаолиятида жуда асқотди. Навоий вазир сифатидаги мақомида барча ишларга аралашиши учун катта ҳақ-ҳуқуқларга эга эди. Шу боис ҳам энг мураккаб ва муҳим масалаларни ҳам ўзи ҳал қила олган.

Бу пайтда Навоий кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ижодни ҳам шахсий ҳаётини ҳам орқага суриб, бутун куч-ғайратини давлат ишларига сарф қилди. Ўз вазирлик йиллари ҳақида шоир "Ҳайратул аброр"да шундай деб ёзган эди:

Ким бор эди бошима кўп меҳнатим,
Йўқ эди бош қошиғали фурсатим.

Навоий ҳузурига келувчи арздор, шикоятчиларнинг кети узилмас, ҳар бир шикоят синчиклаб текширилар, айбдорлар эса тегишли жазоларини олардилар. Навоий талончилик, зулм-зўравонликка қарши қатъий кураш олиб борди. У ўзининг "Вақфия" асарида кўп ҳолда султонга хабар бермай ҳам муҳим масалаларни ҳал қилганини ёзади. "Илигимдан келганча зулм тиғин ушотиб, мазлум жароҳатига интиқом малҳамин қўйдим", дея ёзган эди шоирнинг ўзи.

Ўз ишларини аксарият инсоф ва адолат, тўғрилик ва ҳалоллик билан ечиб, доимий равишда мазлумлар ва ғариблар томонида бўлди. Бунда Навоийнинг буюк инсонпарварлик жиҳати яққол акс этди. Алишер Навоий бир вақтнинг ўзида том маънодаги бунёдкор шахс ҳам бўлган. Бу ишга у бутун ҳаёти, моддий даромадларини сарф этди. Алишер Навоийнинг ташаббуси ва шахсий раҳбарлиги остида Ҳиротда "Ихлосия" мадрасаси қурилиб, унга ўз даврининг энг етакчи мударрислари жалб этилди. Мадрасанинг жанубий томонида бева-бечоралар, дарвеш, сўфийлар учун катта "Халосия" ҳонақоҳи, мадрасанинг ғарбий томонида эса "Шифоия" номли тиббиёт маркази қурилди. Замонасининг кўплаб машҳур табиблари шу шифохона ишига жалб этилди

"Ихлосия" мадрасасининг яқинида катта Жоме масжиди, унинг ёнида бир гумбаз барпо этилди. Бу гумбазга "Дорул-ҳуффоз" ("Қорилар уйи") деб ном берилди. Ундан ташқари Навоий Ҳирот ичида "Низомия", Марвда "Хусравия" мадрасаларини, жами пойтахт ва Хуросоннинг бошқа шаҳарлари ва ҳудудларида 20 дан зиёд масжид, 10 дан ошиқ ҳонақоҳ, 20 га яқин сув ҳовузи, 16 та кўприк, Машҳадда катта сув канали, 2 та сув тўғони, кўплаб бошқа иншоотлар барпо эттирди.

Манбаларда Навоий маблағларига қурилган иншоотлар сони 300 дан зиёд деб кўрсатилади. Тарихчи Хондамир бундай иншоотларнинг 100 дан ортиғини шахсан ўз кўзи билан кўрганини ёзса, Хотифий Навоий бунёдкорлиги иншоотлари сонини 373 та дея кўрсатади. Шубҳасиз, Навоий бадавлат инсон бўлиб, султон томонидан унга катта ер-сув мулклари суюрғол тарзида инъом этилган эди. Ундан олинган даромадларни эса юқорида таъкидланганидек, Навоий деярли барчасини бунёдкорлик, қурилиш, ободончилик, хайр-саховат ишларига сарф этган. Алишер Навоий Ҳиротда бой кутубхона ташкил қилди. Унда 70 дан ортиқ котиб, наққош, хаттотлар китоб кўчириш, унга зийнат бериш билан шуғулланганлар.

Навоий шаҳардаги сув таъминотини яхшилаш борасида маълум ишларни амалга оширди. Ҳиротнинг Кўшки Марғани деган жойида боғ-роғлар ҳам барпо этди. Навоий саховатпеша инсон бўлиб, Хондамирнинг хабарига кўра ҳар йили

"Халосия" хонақоҳида бева-бечораларга 2000 нафар кийим-бош тарқатган. Алишер Навоийнинг мамлакат ва халқ тараққиёти йўлидаги бундай олижаноб ишлари халқ орасида унинг обрў-эътиборини беҳад кўтариб юборди. У халқ оммаси ичида буюк давлат арбоби сифатида танилиб, "Буюк амир", "Амири равшан замир" тахаллуслари билан кенг шуҳрат топди.

Алишер Навоий том маънодаги ижодкор инсон бўлиб, саройдаги вазирлик лавозими унинг ижод билан машғул бўлишига тўсқинлик қилар эди. Шу боис у 1476 йили султондан истеъфога чиқишни қаттиқ туриб илтимос қилди. Навоий вазирлик лавозимидан кетганидан сўнг ҳам мамлакатдаги энг нуфузли сиёсий арбоб бўлиб қолаверди. У Ҳирот чеккасида жойлашган Гозургоҳ деган жойни унинг ихтиёрига беришни, ҳаж қилмагани боис шу ерни обод қилмоқчи эканлигини баён этиб султонга мурожаат қилди. Бу ерда машҳур шайх Абдуллоҳ Ансорий қабри ҳам бор эди.

Навоий Гозургоҳга сув чиқариб, уни обод қилди, қатор жамоат иншоотларини қурдирди. Натижада 30 таноблик бу ҳудуд тез орада Ҳиротнинг энг обод масканларидан бирига айланди. Эл-юрт фаровонлигини ўйлаган Навоий ўз даромадларининг аксарият қисмини ҳайрия ишларига сарфлайди. Унинг бунёдкорлик фаолияти умрининг охирига қадар давом этган. Юрт ободлиги, мамлакат фаровонлиги учун ҳар бир инсон дахлдор ва масъулиятли эканлигини таъкидлаган шоир шундай деб ёзган эди:

Одамий дерсанг демагил одамий
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Таъкидлаш жоизки, Навоий вазирлик лавозимини эгаллаб турганида ва ундан кейин ҳам ҳамма вақт замонасининг илғор кишилари, фан, адабиёт, санъат ихлосмандларини ҳам моддий ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Мамлакат аҳлини маданиятли ва маърифатли этиш учун бор куч-ғайрати,қобилияти, саъй-ҳаракатини аямади. У нафақат Ҳирот ва Хуросондан келган илм ва санъат аҳлига, балки Мовароуннаҳрдан келган шу соҳа вакилларига ҳам бошпана бериб, ҳомийлик қилди. Шу пайтда Ҳирот ва умуман Хуросон давлати маданий ҳаётида энг кўзга кўринган арбоб – бу Абдураҳмон Жомий бўлган (1414-1492). Жомий форс-тожик адабиётининг забардаст вакили, олим ва мутафаккир эди. Навоий Жомийни ўзига пир ва устоз деб билиб, унинг ижодини қўллаб-қувватлади, ҳамма вақт бу улуғ устоз шоирга ҳомийлик қилиб, уни ҳам моддий ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келди.

Навоийнинг кўмаги ҳамда қўллаб-қувватлаши, ҳомийлиги остида Ҳиротда Шайхим Суҳайлий, Атауллоҳ Маҳмуд Ҳусайн, Ҳусайн Жалойир, Муҳаммад Солиҳ Аҳлий, Оҳий, Осафий, Ҳилолий, Биноий, Хотифий, Мир Ҳусайн Муаммоий, Сайфи Бухорий, Абдуллоҳий, Мулла Муҳаммад Бадахший, Юсуф Бадеий каби ўнлаб шоирлар, Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий, Муиниддин Исфизорий, Соҳиб Доро, Камолиддин Биноий ва бошқа муаррихлар, Султон Али Машҳадий, Мирали, Абдужамил сингари моҳир хаттотлар, "Шарқ Рафаэли" деб Европада танилган, гўзал миниатюралар соҳиби, рассом Камолиддин Беҳзод, рассомлар Шоҳ Музаффар, Маҳмуд Музаҳҳиб, моҳир созанда ва мусиқачилар Хожа Юсуф Бурҳон, Мавлоно Алишоҳ, Хожа Абдуллоҳ Марварид, Шайхи Нойи, Қулмуҳаммад Удий, Мирмуртоз, Ҳусайн Удий,

Шоҳқули Ғижжакий каби мусиқа санъати усталари етишиб чиқдилар. Навоий уларнинг барчасига меҳрибон устоз ва мураббий бўлган.

Алишер Навоий қомусий қобилият эгаси бўлиб, шоирлар билан адабиёт тилида, олимлар билан илмий йўсинда, мусиқачилар билан мусиқа бобида гаплаша олган. Хондамирнинг хабарига кўра Навоийнинг ташаббуси ва кўмаги остида ўнга яқин тарихий асарлар ёзилган. Хусусан, таниқли тарихнавис олим Мирхонд ((1433-1498) тўлиқ исми - Мир Муҳаммад ибн Сайид Бурҳониддин Ховандшоҳ ибн Камолиддин Маҳмуд ал-Балхий)нинг етти жилддан иборат машҳур "Равзат ус-сафо сийрат ул-анбиё вал мулук вал хулафо" ("Пайғамбарлар, подшолар ва халифаларнинг таржимайи ҳоли ҳақида поклик боғи") асарининг ташаббускори ҳам Навоий бўлган. Кейинчалик Навоий кутубхонасининг мудири бўлган Хондамир (тўлиқ исми Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Хожа Ҳумомуддин ибн Хожа Жалолуддин Муҳаммад ибн Бурҳониддин, 1473-1534) Навоийга миннатдорчилик тариқасида ёзган "Макорим ул аҳлоқ" ("Олижаноб сифатлар эгаси") асарида айнан мазкур даврда 40 га яқин шахснинг буюк шоирга бағишлаб ёзилган асарлар номини санаб ўтади. Бу даврда туркий (ўзбек) тили мақомини ошириш борасида Навоий саъй-ҳаракатлари катта аҳамиятга эга бўлди. У ҳамма вақт ўз она тилисининг гўзаллиги ва бетакрорлигини таъкидлаб, адабий ҳаётда унинг ўрни ва қадрини юксалтириш учун ҳаракатларини аямади.

Алишер Навоий илк бора ўзга шоирлардан фарқли равишда туркий тилда 1483-1485 йилларда бешта достондан иборат "Хамса" асарини ёзди. Шу пайтга қадар ҳали ҳеч ким туркий тилида"Хамса" ёзмаган эди. Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийлар томонидан ёзилган "Хамса" форсий тилида бўлади. Алишер Навоий туркий тилидаги "Хамса" асари билан она тили мавқеини яна бир поғона юқорига кўтаришга муваффақ бўлди.



Ҳирот шаҳри. Қадимий қалъа харобалари.

Умуман олганда буюк шоир қаламига мансуб 20 дан зиёд йирик асарлар мавжуд. Улар орасида "Хазойинул маоний", "Лисон ут тайр", "Маҳбуб ул қулуб", "Мажолисун нафоис", "Муншаот", "Муҳокаматул луғатайн", "Мезонул авзон" ва бошқалар катта аҳамият касб этади. Навоий асарлари тарихий, фалсафий, ахлоқий мезонларни ўз ичига олиб, уларда инсониятга хос бўлган барча ижобий фазилатлар улуғланади. Навоий ўз асарларида Ватанга, туғилиб

ўсган ерига нисбатан буюк муҳаббатни куйлайди, муҳаббат ва садоқат, ҳалоллик ва поклик, дўстлик ва ҳамкорлик, эзгулик ва адолат каби ўчмас ғояларни тараннум этади. Буюк мутафаккир инсонларни ўзаро меҳр-оқибатли, инсофдиёнатли, бағрикенг, олижаноб, меҳнатсевар бўлишга чақириб, айнан юқори ахлоқий сифатларга эга бўлган инсонгина мамлакат равнақига бевосита ҳисса қўшиши мумкинлигини, ҳар бир киши ўз ахлоқи ва одоби ила жамият маънавий ҳаётини юксалтириши мумкинлигини уқтириб ўтади. Илм олишга интилмак, хат-саводли бўлиш, ўз ҳалол меҳнати, пок қалби билан умр кечириш ҳақидаги эзгу фикрлар унинг асарларидан кенг жой олган.

Астробод салтанатнинг ғарбий чегарадош қисмида жойлашган вилоят бўлиб, у кўп жиҳатдан стратегик аҳамият касб этар эди. Астробод муҳим савдо-иқтисодий марказ бўлиб, чет эл билан савдо муносабатларида муҳим роль ўйнар эди. Шу боис ҳам Астрободга фақат тахт вориси ёки султоннинг энг яқин кишисигина ҳоким бўлиши мумкин бўлган.

Шу вақтда Ўрта Шарқдаги анча нотинч сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда султон 1487 йили Алишер Навоийни Астробод ҳокими лавозимига тайинлайди. Султон Алишер Навоийга хос дипломатик келишув маҳоратини ҳисобга олган, қолаверса буюк шоирнинг юксак обрў-эътибори чегара вилоятида қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатларда кўплаб муаммоларни ечиши мумкин эди. Ҳусайн Бойқаро бу мулоҳазаларни ҳам эсдан чиқармади. Табиийки, узоқ Астрободга ҳоким сифатида бориш Навоийга маъқул эмас эди. Лекин, султоннинг қатъий ҳукмига бўйсунган ҳолда у ҳокимлик лавозимини қабул қилди. Астробод халқи эса Навоийни катта мамнуният билан кутиб олди.

Алишер Навоийдек обрў-эътиборли сиёсий арбобнинг ҳоким этиб тайинланганлигини эшитиб аввал султонга анча муаммо туғдириб турган Журжон ва Мозандарон ҳокимлари унга ўз ихтиёрлари билан тобе бўлдилар. Туркманларнинг Оқ-Қўюнлулари ҳокими Султон Яқуббек Навоий ҳузурига ўз совғаларини жўнатди. Ироқ ва Озарбайжон ҳукмдорлари эса Навоий ҳузурига ўз элчиларини жўнатиб, Султон Ҳусайн давлати билан дўстона муносабатларни тиклашларини маълум қилдилар.

Навоий Астрободда ҳаддидан ошган амалдорларни жазолади, халқ турмуш шароитини яхшилаш борасида қатор чора-тадбирлар кўрди, талончилик, бедодлик, зулм-зўравонликка чек қўйди. У ўз асарларида тасвирлаган адолатли ҳоким даражасини айнан Астрободда ишга солди. Астрободда Навоий томонидан сарой ва масжид, ҳаммом, сув тўғони, кўприк ва бошқа жамоат иншоотлари қурдирилди. Хондамир Навоийнинг Астроболдаги фаолиятига тўхталиб, у ҳудудни айлангани чиққанида ўзи билан маълум миқдорда пул олиб юришни буюриб, бечораҳол кишиларга хайр-саховат кўрсатганини алоҳида таъкидлайди.

Навоийнинг она шаҳри, дўсту-биродарлари, маданий марказдан узоқдалиги шубҳасиз, унга оғир таъсир кўрсатди. Султон саройида аввал Маждиддин, сўнгра Низомулмулк сингари вазирлар Навоийни марказдан узоқда бўлишини, ўз таъсирини султонга ўтказмаслигини хоҳлашар эди. Улар қолаверса ҳукмдорни Навоийга нисбатан ишончини пасайтиришга ҳам ҳаракат қилишарди. Афсуски, баъзида ушбу мухолиф кучларнинг ҳаракати Навоий билан султон

ўртасида тушунмовчиликларни юзага келишига ҳам сабаб бўлди. 1489 йили Навоий султонга Ҳиротга қайтиши хусусида рухсат сўраб мурожаат қилди.

Пойтахтга қайтиб келган Навоий саройдаги ғаним кучларни яна бир карра ажаблантириб, барча расмий лавозимлардан воз кечиши ҳақидаги истагини билдирди. Султон буни инобатга олсада, лекин Навоийни буткул мамлакат сиёсий ҳаётидан четда туришини истамас эди. Шу боис ҳам унга "Мукарраби ҳазрати султоний" ("Ҳазрати султоннинг энг яқини") деган фахрли унвонни берди. Ушбу унвон гарчи шоирга ҳеч қандай масъулият юкламасада, лекин у сарой аҳли ва умуман барча аҳли Хуросондан Навоийга нисбатан улкан ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишни талаб этар эди. Алишер Навоий ўзини ижодга бағишлайди. Унинг кўплаб сара асарлари ҳам айнан 1490-1501 йилларда яратилганлиги ҳам бежиз эмас.

Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро муносабатлари ҳақида тўхталганда шуни таъкидлаш лозимки, собиқ совет даврида шоҳ ва шоирни одатда бир-бирига қарши қўйиш, "уларнинг орасида душманлик бўлган" деган хулоса чиқариш фикри устун бўлган. Тарихий манбалар ўз навбатида бундай ёндашувни аксарият рад этадилар. Султон Ҳусайн Бойқаро ўзининг "Рисола" деб номланган асарида Алишер Навоий ҳақида жуда илиқ ва самимий муносабатини талқин қилади.

Алишер Навоийни султон ҳамма вақт қўллаб-қувватлаган, унга катта ер-сув мулкларини инъом этган, шоир қандай лавозимни эгалламасин унинг илтимосу-таклифлари аксарият ерда қолмаган. Зайниддин Восифий султон билан Навоий ўртасидаги муносабатларга тўхталганда қизиқ бир воқеликни мисол тариқасида келтирган. Алишер Навоий ўзининг ўзбек (туркий) тилидаги "Хамса" асарини тугатиб, султон ихтиёрига тақдим этганида, Бойқаро шоирдан сўради: "Энди ким пир эрури, ким мурид?". Навоий эса: "Пирнинг кўнгли билан мурийднинг кўнгли ҳамоҳангдир", дея ақлли жавоб қайтаради. Шунда султон уни ўзининг оқ отига ўтказиб, отнинг жиловини ушлаган ҳолда боғни айлантирди. Бу ўз навбатида султоннинг Алишер Навоийга бўлган улкан эҳтиромининг яна бир исботи эди. Алишер Навоий тақводор мусулмон, нақшбандия тариқати вакили сифатида шубҳасиз ҳажга боришни ҳам мақсад қилиб қўйган эди. У 1481 йилдаёқ султондан ҳажга юборишга рухсат беришни сўраб мурожаат қилган эди.

Хондамир ўзининг "Ҳабиб ус-сияр" асарида ёзишича, султон агар Навоий мамлакатни тарк этса, у давлат таянчларидан бири ҳисобланган боис салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкин, дея рад жавобини берди. Навоий ўз илтимосини орадан 17 йил ўтганидан сўнг иккинчи маротаба такрорлади. Бу пайтда султон ўғли шаҳзода Абулмуҳсин Мирзо исёнини бостириш мақсадида турган Марвда эди. Султон энди қатъий тарзда рад жавобини бермай, балки Навоийнинг хавфсизлигини, хориждаги йўллар анча хатарли бўлиб қолганлигини таъкидлаган ҳолда, Мирхонднинг ёзишича, "Сафар узоққа чўзилишини ва келгусида яна дийдор кўришиш насиб этадими, йўқми", дея мактубини ини якунлайди. Навоий бундай мураккаб сиёсий ҳолатда мамлакат ва ҳукмдорни ўз ихтиёрича ташлаб кетолмас эди. Шу боис ҳажга аталган пулнинг бир қисмини шайх Ансорий мақбарасига, қолганини эса оддий аскарлар ичида тарқатиб юборади.

Алишер Навоий кўп ҳолда султон ва унинг исёнкор ўғиллари - шаҳзодалар билан ўзаро муносабатларида доимий равишда воситачилик қилиб, уларни яраштиришга муваффақ бўлди. У ҳамма вақт, давлат, халқ манфаатларини ўз шахсий манфаатларидан устун қўйишни, ўзаро низо-парокандалик қудратли давлатни ичдан емиришини шаҳзодаларга қилган панду-насиҳатларида бот-бот такрорлар эди. У ҳатто Маждиддиннинг риёкорлигига чидамаган укаси, Балх ҳокими Дарвеш Али бош кўтарганида ҳам ўз инисини вазминлик ва ақл-фаросатга чақирди. Алишер давлат манфаатларини шахсий манфаатлардан устун қўйди.

Алишер Навоий султоннинг ўғиллари билан бўлган ўзаро низоларни тинчлик йўли билан ечишга муяссар бўлар эди. Бу ҳол катта ўғил Бадиуззамон Мирзо билан бўлган номутаносибликда айниқса яққол намоён бўлди. Алишер Навоий тожу-тахт учун бошланган курашлардан қаттиқ изтиробга тушар эди. 1488 йили устози Ҳасан Ардашернинг, 1492 йили пири, устози ҳамда энг яқин дўсти Абдурахмон Жомийнинг, 1493 йили мураббийси ҳамда дўсти Паҳлавон Муҳаммадларнинг вафотлари, 1496 йили Султон Ҳусайннинг невараси, Навоийнинг суюкли шогирди Мўмин Мирзонинг ўлдирилиши Навоий қалбига туганмас жароҳат бўлиб тушди. Эндиликда у асосий вақтини ижодга бағишлади. Алишер Навоий ҳар қандай оғир вазият бўлишига қарамай, ҳамиша соғлом фикрга таяниш, эл-юрт, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, марказлашган кучли давлат, адолатли ҳукмдор ҳақидаги ғояларга садоқатли бўлиб қолди.

Таъкидлаш жоизки, Султон Ҳусайн даврида бирорта ҳам халқаро доирада жиддий келишмовчилик, урушлар бўлгани йўқ. Давлатнинг халқаро майдонда муносиб ўринни эгаллашида шубҳасиз Навоийнинг ҳам катта ҳиссаси бор эди. У 1490 йили Москвага ўзаро дўстлик ҳақидаги султон элчиларини жўнатишни буткул қўллаб-қувватлайди. Навоий ўз ижоди, қарашларида ҳамиша халқлар, давлатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини боғлаш тарафдори бўлган. Хусусан ўз ғазалларидан бирида у шундай дея ёзган эди:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлик,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш!

1498-1499 йилларда Навоий яна бунёдкорлик ва қурилиш ишларига бош-қош бўлди. Шу пайтда келиб Ҳирот бош Жоме масжиди анча хароб ҳолга келиб қолган эди. Хондамирнинг ёзишича, Навоий шаҳарнинг энг кўзга кўринган меъмор ва муҳандисларини тўплаб, бир неча йилда битадиган ишни бир неча ой давомида тугаллади. Бир вақтнинг ўзида Гозургоҳ ҳудудидаги ободончилик ишлари давом эттирилди. Хуросон шаҳарларидаги таъмирга муҳтож 12 тадан ошиқ масжид, минора, работ ва бошқалар таъмирланиб, улар ҳам асл ҳолига қайтарилди. Навоий томонидан таъмирланган Жоме масжиди ҳозирги кунга қадар Ҳиротнинг гўзал тарихий иншоотларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Улуғ шоир ва мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий 1501 йил 3 январда Ҳиротда вафот этди.



Таъкидлаш жоизки, Алишер Навоий шахсининг ўзи баркамол, комил инсон қиёфаси учун буюк рамздир. Алишер Навоий ўз умри ва ижодини халқ осойишталиги ва фаровонлиги, давлат равнақи ва ободлиги, маданият, фан, адабиёт тараққиётига бағишлади.

Жаҳон аҳли Навоийни нафақат улуғ шоир ва давлат

Ҳирот. Алишер Навоий мақбараси.

арбоби, балки буюк инсонпарвар шахс, қомусий олим, бетакрор сўз санъаткори, Гомер, Низомий, Шота Руставели, Шекспир, Бальзак, Пушкин, Толстой,Тагор каби адабий дунё даҳолари қаторидан жой олганлигини эътироф этади. Жаҳоннинг қайси давлатида бўлмасин илм-фан, маданият аҳли, қолаверса кенг халқ оммаси Навоий номини юксак эҳтиром билан тилга олади. Москва, Токио, Боку шаҳарларида ушбу мутафаккирга ҳайкаллар ўрнатилганлиги, асарларининг ўнлаб жаҳон халқлари тилларига таржима қилинганлиги юқоридаги фикрнинг тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

Улуғ шоирнинг ўлмас меросини ўрганиш мустақиллик йилларида ўзининг моҳиятан ҳақиқий даражасига чиқди, улуғ шоирнинг барча асарлари қайта чоп этилди,буюк мутафаккир ва шоир ҳаёти ҳамда фаолияти юзасидан тадқиқотлар амалга оширилди, қатор китоблар чоп этилди. 2016-йил Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилди. Ўлкамизда Навоийнинг улуғ номини билмаган, унинг ғазалларини ўқимаган зот йўқдир. Халқимизнинг Алишер Навоий буюк номига юксак ҳурмат ва эҳтироми Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг **"Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир"**, деган сўзларида тўлақонли тарзда ўз ифодасини топган.

1991 йили Алишер Навоийнинг 550 йиллиги катта тантаналар билан нишонланиб, шоирнинг маҳобатли ҳайкали халқимизнинг улуғ мутафаккирга бўлган буюк эҳтиромининг муқаддас рамзи сифатида пойтахтимизнинг марказида қад кўтарди.

2.6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур – ҳукмдор ва шоир.



Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530)

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир.Бобур кенг дунёқараши ва мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, "Бобурнома" асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеъриятининг нодир дурдоналари бўлиб, "Мубаййин" ("Баён этилган"), "Хатти Бобурий", "Ҳарб иши", "Аруз ҳақида"ги рисолалари эса ислом қонуншунослиги, шеърият ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Улуғ шоир, давлат арбоби ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14 февралида Андижонда, Фарғона улусининг ҳокими Умаршайх Мирзо оиласида дунёга келди. Бу даврда Ўрта Осиё ва Хуросонда турли ҳокимлар, темурийзодалар, амакиваччалар ўртасида ҳокимият – Амир Темур тузган йирик давлатга эгалик қилиш учун кураш кескинлашган эди.

Адабиёт, нафис санъат, табиат гўзаллигига ёшлигидан меҳр қўйган Бобур, барча темурий шаҳзодалар каби бу илмларнинг асосини отаси саройида етук устозлар раҳбарлигида эгаллади. Бироқ,унинг беташвиш ёшлиги узоққа чўзилмади. 1494 йили отаси Умаршайх Мирзо бахтсиз воқеа туфайли ҳаётдан кўз юмди. Бобур эрта етим бўлиб қолди. 12 ёшида отаси ўрнида Фарғона улусининг ҳокими этиб кўтарилган Бобур қаламни қиличга алмаштириб, Андижон тахти учун укаси Жаҳонгир Мирзо, амакиси Султон Аҳмад Мирзо, тоғаси Султон Маҳмудхон ва бошқа рақибларга қарши курашишга мажбур бўлди. Бобур укаси Жаҳонгир Мирзо билан муросага келиш учун унга ён


беришга – Фарғона улусини иккига таксимлаб, ярмини укасига топширишга қарор қилди ва ўзи Самарқанд учун олиб борилаётган курашга киришиб кетди.

Бу вақтда Самарқандда Султон Маҳмуд Мирзонинг иккинчи ўғли Бойсунғур Мирзо (1495-1497) ҳукмронлик қилар эди. Бобур кучли ва марказлашган давлат тузиш мақсадида 7 ойлик қамалдан сўнг 1497 йилнинг ноябрь ойида Самарқандни эгаллади. Лекин Андижондаги нотинч вазият уни қайтиб кетишга мажбур қилди. Иккинчи марта Самарқанд 1500 йил кузида эгалланди. Лекин, 1501 йилнинг апрелида Сарипул қишлоғи ёнидаги жангда Бобур Шайбонийхон қўшинидан енгилди ва Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлди. 1504 йили Шайбонийхон Андижонни ҳам қўлга киритгандан сўнг Бобур жанубга қараб йўл олди ва шу йилнинг сентябрида Кобул улусида ўз ҳокимиятини ўрнатди. Бобур Кобулда ободончилик ва бунёдкорлик ишларини бошлаб юбориб, эл-юртнинг ҳурматига сазовор бўди.

Кейинчалик у она юрти Мовароуннаҳрга қайтишга ҳам уриниб кўрди. Хусусан, унинг 1511 йили Эрон шоҳи Исмоил билан иттифокликда Самарқандни эгаллаши ҳам афсуски муваффақиятсиз тугади.Бу билан Бобур Самарқандни учинчи марта қўлга киритиши эди. Маълум сиёсий сабабларга кўра у Эрон шоҳи Исмоилни олий ҳукмдор деб эълон қилди. Бобурнинг чет эл қўшини билан ватанига кириб келиши, эронийларнинг шиа мазҳабига эътиқод қилиши, мамлакатдаги оғир иқтисодий ҳаётни жонлантириш учун тегишли чора-тадбирларнинг вақтида амалга оширмаслиги ва бошқалар халқ оммасининг норозилигига сабаб бўлди. Бундай вақтда вазиятдан фойдаланган Шайбонийхоннинг ўғли Муҳаммад Темур Султон ва жияни Убайдулла Султон Бобурга қарши ҳаракатларни бошлаб юбордилар. 1512 йил 28 апрелдаги Чўли Маликда бўлган жангда Бобур енгилиб, Ҳисорга чекинишга мажбур бўлди. Шоҳ Исмоил Бобурни қўллаш мақсадида амир Аҳмад (тахаллуси "Нажми соний", яъни иккинчи юлдуз) бошчилигидаги қўшинни жўнатди. Амир Аҳмад Мовароуннаҳрга келгач талончилик ва қирғин-барот урушини бошлайди. Эрон қўшини Ғузор ва Қаршини эгаллайди. 1512 йил 28 ноябрда Ғиждувонда бўлган жангда Убайдулла Султон бошлиқ шайбонийлар Эрон қўшинига қақшатқич зарба берди. Жангда амир Аҳмад ҳам ўлдирилди. Бобур эса Кобулга қайтишга мажбур бўлди.1519-1525 йиллар давомида Бобур ўз мавкеини мустаҳкамлаш ва кучли давлат тузиш мақсадида Ҳиндистонга қарши бир неча бор ҳарбий ҳаракатлар олиб борди.

1526 йил 21 апрелида Панипатдаги жангда Дехли султони Иброҳим Лўдий мағлуб этилди. Шу ойнинг 27-санасида эса Дехлида Заҳириддин Муҳаммад Бобур номига хутба ўқилиб, у подшоҳ деб эълон қилинди. 1527 йили март ойида Читора ҳокими Рано Санго билан бўлган жангда ҳам Бобурнинг қўли баланд келди. Тарихий маълумотларнинг баён қилишича, Бобурнинг Ҳиндистонга юришида Дехли ҳукмдори Иброҳим Лўдий сиёсатидан норози бўлган Панжоб ҳокимлари ҳам уни қўллаганлар ва Сикри жангидаги бу ғалаба Бобурга Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини узил-кесил ўрнатиш ҳамда Бобурийлар сулоласини барпо этиш имкониятини берди. "Бобурийлар сулоласи" Ҳиндистонда 332 йил (1526-1858) давомида ҳукмронлик қилди.

Афсуски, Бобур ўз ғалабасидан кейин узоқ яшамади.Ватан соғинчи, жангу-жадаллар, ички изтироблар унинг соғлигига салбий таъсир кўрсатди. Бобур 1530 йилнинг 26 декабрида 47 ёшида Агра шаҳрида вафот этди. Уни аввал Жамна дарёси бўйидаги "Боғи Ором" деган жойга дафн этишди. Кейинрок Бобур васиятига кўра фарзандлари унинг ҳокини Кобулга олиб келиб дафн этдилар.Кобулдаги Бобур ўзи асос солган "Боғи Бобур"даги унинг қабри устига кейинчалик мақбара бунёд этилди.



Дехли. Ҳумоюн Мирзо мақбараси.

Қисқа бир вақт ичида Бобур Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, пароканда ерларни бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотиқ масалаларини йўлга қўйиш, боғ-роғлар яратиш ишларига ҳомийлик қилди. Ҳиндистонни ободонлаштириш, унда ҳозиргача машҳур бўлган меъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдириш, айниқса, унинг ўғиллари ва авлодлари даврида кенг миқёсда ёйилди. Ҳиндистон санъати ва меъморчилигига Ўрта Осиё услуби кириб кела бошлади. Бобур ва унинг авлодлари ҳузурида ўша даврнинг илғор ва зеҳни ўткир олимлари, шоирлари, мусиқашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган маънавий-рухий муҳит вужудга келди. Бобурийлар давлатидаги маданий муҳитнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида Жавоҳарлаъл Неру шундай деб ёзган эди: "Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, меъморчиликка тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа сохалари эса бир-бирларига туташиб кетди".

Бобур Ҳиндистонда катта ҳажмдаги давлат ишлари билан бир қаторда ўзининг адабий-бадиий фаолиятини ҳам давом эттирди ва юқорида зикр этилган асарларини яратди. Бобурнинг бутун жаҳон оммасига машҳур бўлган шоҳ асари "Бобурнома" ҳисобланади. Маълумки, унда Бобур яшаган давр оралиғида Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон халқлари тарихи ёритилган. Асар асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми – XV асрнинг иккинчи

ярмида Ўрта Осиёда рўй берган воқеаларни, иккинчи қисми – XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Кобул улуси, яъни Афғонистовда рўй берган воқеаларни; учинчи қисми – XVI асрнинг биринчи чорагидаги шимолий Ҳиндистон халқлари тарихига бағишланган.

"Бобурнома"да ўша даврнинг сиёсий воқеалари мукаммал баён қилинар экан, ўз юрти Фарғона вилоятининг сиёсий-иқтисодий аҳволи, унинг пойтахти Андижон шаҳри, Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари: Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Ўш, Урганч, Ўратепа, Термиз ва бошқа шаҳарлар ҳақида нодир маълумотлар келтирилган. Унда Кобул улусининг йирик шаҳарлари Кобул, Ғазна ва улар ихтиёридаги кўпдан-кўп туманлар, вилоятлар, шимолий Ҳиндистон ҳақида маълумотларни ҳам учратиш мумкин.

"Бобурнома"да келтирилган маълумотлар Бобур даврида ёзилган бошқа тарихий манбалар: Мирхонд, Хондамир, Муҳаммад Солиҳ, Биноий, Муҳаммад Ҳайдар, Фариштa, Абул-Фазл Алломий ва бошқа тарихчиларнинг асарларида бу даражада аниқ ва мукаммал ёритилган эмас. Муаллиф "Бобурнома"да Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Беҳзод, Улуғбек Мирзо ва бошқа алломалар ҳақида ўзининг юқори тарздаги фикр ва мулоҳазаларини билдиради.

"Бобурнома" – Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон халқларининг XV аср охири – XVIасрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўзида акс эттирган бўлса ҳам, шу билан бирга кўплаб долзарб иқтисодий, ижтимоий масалалар, юқорида номлари келтирилган вилоятларнинг ўзаро сиёсий, иқтисодий ва савдо муносабатлари, жуғрофий мавқеи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ҳудуди, халқлари, қабила ваэлатлар, уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, муҳим тарихий иншоотлари –ҳиндлар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дафн маросимлари ҳақида нодир маълумотларни ўзида камраб олган шоҳ асардир. Шу боис "Бобурнома" тарихий ва адабий мерос сифатидадунёолимларини ҳануз ўзига жалб қилибкелмоқда.

Узоқ йиллар давомида Ғарб ва Шарқнинг машҳур шарқшунос олимлари "Бобурнома" мазмунини жаҳон жамоатчилигига етказиш борасида катта фаолият кўрсатдилар. Масалан, голландиялик олим Витсен, англиялик олимлар Ж.Лейден, В.Эрскин, Р. Колдекот, А. Бевереж, Т. Албот германиялик Ю. Клайнрат ва А. Кейзер, франциялик Паве де Куртейл, ҳиндистонлик Мирзо Насриддин Ҳайдар Ризви, туркиялик Р. Р. Арт ва Н. И. Баюр ва бизнинг давримиздаги франциялик олим Бакке Громон, афғонистонлик олим Абулҳай Ҳабибий, покистонлик олимлар Рашид Аҳтар, Наҳви ва Шоҳ Олам Мавлиёт шулар жумласидандир. "Бобурнома"ни ўрганиш соҳасида жаҳоннинг машҳур шарқшунослари қаторидан япониялик олимлар ҳам жой олмоқдалар.

Маълумки, Бобурнинг тарихий, илмий ва адабий меросини ўрганиш ва оммалаштиришда Ўзбекистон олимларининг фаолиятлари ҳам диққатга сазовордир. С.Мирзаев, В.Зоҳидов, Я.Ғуломов, Р.Набиев, С.Азимжонова, А.Қаюмов каби олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан "Бобурнома" бир неча бор рус ва ўзбек тилларида чоп этилди, у кенг китобхонлар оммасининг маънавий мулкига айлантирилди, шоирнинг шеърлари ҳам бир неча бор нашр этилди.

П.Қодировнинг Бобур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган "Юлдузли тунлар" ("Бобур") романи ҳақли равишда ўзбек китобхонларининг севимли асарлари қаторидан жой олди.

Бобур ўзбек адабиётида ўзининг нозик лирик асарлари билан ҳам машҳурдир. Унинг ҳаёти ва адабий фаолияти Мовароуннаҳрда сиёсий ҳаёт ниҳоят мураккаблашган турли гуруҳларнинг бошбошдоқлик ҳаракатлари авжига чиққан ва Темурийлар давлатининг инқирози давом этаётган бир даврга тўғри келган эди. Бундай мураккабликлар инъикосини "Бобурнома"да кўрган бўлсак, уларнинг шоир руҳиятида қандай акс этгани унинг шеърларида намоён бўлади. Мовароуннаҳрни бирлаштиришга уринишлари натижа бермагач, Бобур руҳан қийналган, амалдорларнинг хиёнатлари таъсирида умидсизликка тушган кезлардаги кайфияти шеърларда бевосита акс этган. Кейинчалик ўз юртини тарк этиб, Афғонистон ва Ҳиндистонга юз тутганда Бобур шеъриятида Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, унга қайтиш умиди мавж ура бошлади.

Толеъ йўққи жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишиким, айладим хатолиг бўлди,
Ўз ерин қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролиг бўлди.

Бобур ўз лирик шеърларида ҳамиша инсонларни яхшилик, адолат, инсонпарварликка, юксак инсоний туйғуларни қадрлашга чақиради:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлиг ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

Бобур лирик шеърлари ва тарихий "Бобурнома"сидан ташқари ислом қонуншунослиги ва бошқа соҳаларда ҳам асарлар яратган. 1522 йилда ўғли Ҳумоюнга атаб ёзган "Мубаййин" номли асарида ўша замон солиқ тизими, солиқ йиғишнинг қонун-қоидаларини, шариат бўйича кимдан қанча солиқ олиниши ва бошқа масалаларни назмда изоҳлаб берган. "Хатти Бобурий" деб аталган рисоласида араб алифбосини туркий тиллар, хусусан ўзбек тили нуқтаи назаридан бирмунча соддалаштириб беришга ҳаракат қилган. У тажриба сифатида "Хатти Бобурий" алифбосида Қуръони Каримни кўчирган. Бобурнинг аруз вазни ва қофия масалаларига бағишланган "Муфассал" номли асари ҳам бўлганлиги маълум, бироқ бу асар бизгача етиб келмаган.

Бобур ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан тарихнавис адиб, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимига ўз ҳиссасини қўшган олим сифатида халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.Бобур зиддиятли даврда, Темурийлар салтанати инқирозга юз тутган бир вақтда яшади. Тақдир ўз вақтида уни бошига кўплаб синовларни солди. Довюраклиги, қатъиятлиги ва жасурлиги боис "Бобур" ("йўлбарс") тахаллусини олган бу саркарда ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини йўқотмади. У жисмоний жиҳатдан бақувват бўлиб, моҳир чавандоз, қиличбоз, суворий ҳам эди. Ўз жасурлиги билан кўп вақт қўл остидаги аскарларга намуна ҳам бўлган.

Тарихий манбаларда Бобурнинг жасорати, мардлиги, ўлимдан қўрқмаслиги, одамларга ишончи атрофдагиларда унга нисбатан катта эҳтиром

юзага келтирганлиги алоҳида таъкидланади. Мохир саркарда ўз ҳарбий маҳоратини ривожлантириб, шайбонийлардан "тўлғама" усулини, мўғуллардан пистирма қўйишни, афғонлардан порохли милтиқ ишлатишни ўрганган. Ўз даврида у кучли тўпчилар қўшинини туза олган. Шу билан бирга Бобур юксак инсоний фазилатлар соҳиби ҳам бўлган. У меҳрибон ўғил ва ини сифатида онаси Қутлуғ Нигорхонимга, оғир ҳаёт синовларини бошидан кечирган опаси Хонзодабегимга катта ҳурмат ва эҳтиром бажо келтирган. Бобур оила аъзоларига нисбатан катта масъулият ва меҳр ила муносабатда бўлган. Ўғли Ҳумоюн оғир хаста бўлиб қолганида барчанинг кўз ўнгида шу хасталик ўзига ўтишини худодан сўраб илтижо қилган. Бобурнинг қизи, мусулмон Шарқидаги ягона тарихчи аёл Гулбаданбегим ўзининг "Ҳумоюннома" асарида падари бузрукворининг ажойиб фазилатларини марок билан тилга олади.

XX аср охирлари – XXI аср бошларида Бобур илмий мероси ва тарихини янада чуқур ўрганиш борасида иш юритаётган «Бобур» номидаги халқаро жамоат фонди бу йўналишда кўплаб самарали ишларни амалга оширди. Ушбу жамғарма томонидан Бобур ўтган йўллари бўйича қатор экспедициялар уюштирилди, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистонда улуғ шоирнинг ижоди, фаолияти бўйча аҳамиятга молик учрашувлар ташкил қилинди ва ҳоказо. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида Бобур ижодини ўрганиш бир поғона юқорига кўтарилди, шоир ва давлат арбоби тўғрисида қатор бадиий, тарихий, илмий асарлар чоп этилди. Ҳар йили Бобур таваллуди юртимизда унга бўлган ҳурмат ва эҳтиром маъносида кенг нишонланади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур фаолиятига жаҳон олимларининг берган таърифлари ҳам юксак эътирофга сазовордир. Хусусан, инглиз олими В.Хансен "Ҳиндистон ва унинг 8 минг йиллик тарихи бамисоли бир товус бўлса, бобурийлар сулоласининг ўша минг йиллик тарихидаги 332 йиллик даври ана шу товуснинг гултожидир" деб ёзган бўлса, рус олими Н.В.Веселовский Бобур жасоратига "Айтиш мумкинки, Бобур ботирлигининг чеки бўлмаган, унинг бутун ҳаёти жасорат намуналари билан тўлиб-тошиб ётибди", дея баҳо беради. Ҳинд олими М.Лаъл эса қуйидагиларни ёзган эди: "... Ёшликда кўрган омадсизликлари ўрнига кейинчалик унга улуғ омадлар ёр бўлди. Ниҳоят у Ҳиндистон тарихида илгари ҳеч кўрилмаган салтанатга асос солди. Бобурнинг буюклиги ана шу мезонлар билан ўлчанади ...". Бошқа бир машҳур ҳинд олими Л.П.Шарманинг мана бу таърифи ҳам юқори эътирофга сазовордир: "... У сахий, олижаноб, мард, мафтункор, севимли ва жуда маданиятли киши эди ... У киши ва вазиятни дарҳол англаб олар эди. Мусика ва боғ яратишга жуда ишқибоз эди. Ҳиндистонда жуда кўп иншоотларни барпо этган эди ...".


2.7 Амир Темур ва Темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт

Амир Темур томонидан кучли, марказлашган давлат барпо этилиши билан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун саъй-ҳаракатлар кучайди. Амир Темур ва унинг ворислари отлиқ қўшин ўтиш чоғида деҳқонларнинг ерларини топташ ва экинлар яксон бўлишини олдини олиш учун қатор чора-тадбирлар кўрганлар. Амир Темур фармойишига кўра экинзорлар яқинига ўтов ўрнатиш

таъкикланган. Шоҳрух Мирзо ва Мирзо Улуғбеклар даврида ҳам деҳқончиликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар давом этди. Одатда экин етиштириш учун яроқли бўлган ерлар бекор ётмаган. Абдураззоқ Самарқандий XV аср биринчи ярмидаги деҳқончилик ҳақида сўз юритар экан, деҳқонларни давлат амалдорлари ва қўшин бошлиқлари томонидан зўравонлик ва адолатсизликдан асраш борасида ҳукмдорларнинг қатор фармойишлари эълон қилинганлигини таъкидлайди.

Амир Темур фармойишига кўра ерларни суғорилиши билан боғлиқ бир қатор ишлар амалга оширилган. Унинг топшириғи билан Мурғоб воҳасида аҳамиятга молик суғориш ишлари бажарилган. Эски Ангор каналининг тоғ қисми қаздирилган. Ғиёсиддин Али Амир Темур Ҳиндистондан қайтаётганида Кобулда тўхтагани ҳамда шу ерда Соҳибқирон томонидан катта сув канали барпо этилган ҳақида хабар беради. Амир Темур даврида Самарқанд ва Шаҳрисабзнинг сув таъминоти яхшиланди, деярли ҳар бир ховлидан ариқ орқали сув ўтиши йўлга қўйилди. Дарёлардан узоқда жойлашган ерларда суғориш коризлар орқали амалга оширилган. Суғориш каналлари салтанатнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга оширилган.

Мовароуннаҳрнинг унумдор ерларида шу вақтда донли экинлар ичида буғдой кўп экилган. Буғдойнинг турли навлари, хусусан, гандуми оби (суғорма буғдой), гандуми сафидча (оқ буғдой), гандуми сурхоки (қизил буғдой), гандуми сурхоки баҳорий (баҳорги қизил буғдой), туя тиши навлари айниқса машҳур бўлган. Зарафшон, Қашқадарё, Тошкент воҳалари, Фарғона водийси деҳқончилик марказлари бўлган. Шунингдек, Термиз ҳам донли экинлар етиштириладиган асосий жойлардан бири бўлган. Термизда етиштирилган буғдой Амударё орқали Хоразмга ҳам юборилган.



Темурийлар даври тангалари.

Хоразмда донли экинлар Вазир деган жойнинг жанубий томонларида етиштирилган. Бу даврда ерларнинг бир қисмига ем-хашак етиштириш мақсадида беда, шунингдек арпа ва тариқ ҳам экилган. Мош ва нўхот барча ҳудудларда етиштирилган. Шубҳасиз, Ўрта Осиё халқлари ошхонасида асосий ўрин эгаллаган гуруч кўп жойларда етиштирилган. Тарихий манбаларда Самарқанд томонларда гуруч "бениҳоя кўп", дея таъриф этилган эди. Пахта Зарафшон воҳаси, Балх атрофлари, Шаҳрисабз яқинида ва бошқа ерларда ҳам етиштирилган. Йирик шаҳарларда ён-атрофлардан келтирилган пахтани сақлаш ва сотиш учун махсус бинолар қурилган. Амир Темур давридан бошлаб

Мовароуннаҳрда илк бора зиғир экиш ҳам бошланди. Тут одатда суғориш ариқлари, каналлар бўйида етиштирилган, меваси қуритилган ҳолда анча машҳур бўлиб, уни қишда кўп истеъмол қилишган. Тутни аксарият пилла қурти етиштириш мақсадида экишар эди. Пилла хом ашёси асосан шаҳарга келтирилиб, ундан турли матолар тўқилган. Самарқанд ва Бухородa пилла сотадиган дўконлар ҳам бўлган. Жойларда бўёқ олиш мақсадида рўян ўсимлиги ҳам етиштирилган. Ундан асосан қизил ва сариқ ранглар олинар эди.

Хинадан нафақат косметикада, балки саноат учун аҳамиятли бўлган сиёҳ тайёрлаш, қоғозга ранг бериш, дори тайёрлашда ҳам фойдаланилган. Бухородa "қирмизи" номли бўёқ чўлдаги дарахт куртлари орқали олиниб, у анча қимматбаҳо ҳисобланар эди.

Мовароуннаҳр қадимдан боғ-роғлар ўлкаси бўлиб келган. Боғ ва узумзорлар катта майдонларни эгаллаб, уларда олма, нок, анор, шафтоли ва бошқалар кўплаб етиштирилган. Боғу-роғлар Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз, Термиз ва бошқа шаҳарлар атрофларини ҳуддики, қўрғон деворидек ўраб олган эди. Зайниддин Восифий Тошкент боғларидаги сархил мевали дарахтлар, анвойи гуллар ҳақида завқ-шавқ ила сўз юритган. Ҳовузлар, улар атрофидаги соя-салқин боғлар аҳоли дам олиши учун хизмат қилар эди. Зодагонлар, юқори табака кишилари боғларни режа асосида барпо этишар, у ерда нафақат мевали, балки манзарали дарахтлар ҳам кўплаб экилар эди. Амир Темур цитрус экинлари етиштиришни ҳам бошлаб берди. У барпо этган боғларда лимон, хурмо, шамшод дарахти ҳам ўстирилган. Самарқандга яқинлашган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо пойтахтни ўраб олган боғ-роғ, узумзорларни кўриб ҳайратланган ҳолда шундай дея ёзган эди: "Бу боғу-роғлар ва узумзорлар шунчалик кўпки, шаҳарга яқинлашганинг сари баланд дарахтли ўрмонни ва унинг ўртасида шаҳарни кўрасан".

Узум етиштириш нафақат Заравшон воҳасида, балки Тошкент, Андижонда ҳам жуда тараққий топган эди. Узумнинг самарқандча, тошкентча, соҳиби нав ва бошқа турлари машҳур бўлган. Узумдан мусаллас тайёрлаш ҳам ривож топган бўлиб, улар ичида бухороча мусаллас энг аъло навли дея ҳисобланган. Амир Темур Самарқандни табиийки, барча дунё шаҳарлари орасида биринчи ўрнига қўйиб, унинг атрофида донғи кетган шаҳарлар – Бағдод, Султония, Шероз номлари билан қишлоқлар барпо этишга фармойиш берди. Улар атрофида майдони бир квадрат километрга тенг улкан боғлар барпо этди. Мирзо Улуғбек даврида эса машҳур "Боғи майдон"да кўплаб анвойи гул, дарахтлар етиштирилган. "Боғча" деб номланган боғнинг барпо этилиши ҳам Мирзо Улуғбек номи билан боғлиқ. Амир Темур Самарқанд ва унинг атрофларида яна бир қатор мухташам боғлар ("Боғи Дилкушо", "Боғи Беҳишт", "Боғи Баланд", "Боғи Давлат" ва бошқалар) ҳам барпо этган эди.

Боғу-роғлар нафақат дам олиш, кўнгилочар масканлар бўлиб қолмай, балки уларда расмий тадбирлар, хусусан элчилик қабуллари ҳам ўтказилган. Амир Темур боғларининг файз-таровати ҳамда гўзаллиги элчилар оғзида достон бўлиб, узоқ хорижларга ҳам уларни машҳур қилар эди. Шубҳасиз, боғ-роғларнинг барпо этилиши, янги экин турларини етиштирила бошланиши

мамлакат иқтисодиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, Самарқанднинг иқтисодий марказ сифатидаги аҳамиятини ҳам кучайтирган.

Қишлоқ хўжалигида полиз экинлари ҳам катта ўрин эгаллаган. Клавихо Мовароуннаҳр қовунларига таъриф бериб, уларни "Бутун дунёда энг яхши ва энг мўл-кўл" деб ҳисоблаган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса "Мовароуннаҳрнинг ҳеч бир ерида Бухорочалик кўп ва аъло қовун етиштирилмаган", дея ёзган эди. Қовуннинг айниқса "Мири Темур" номли нави машҳур бўлган. Хоразм қовунлари ичида эса айниқса "кўк тарнай" деган навнинг донғи кетган.

Мамлакатда чорвачилик ҳам юқори даражада тараққий этган. Нафақат кўчманчи, балки ўтроқ аҳоли ичида ҳам қўй-қўзи боқиш кенг тарқалган эди. Қўйларнинг насл таркиби ҳам турлича бўлган. Йилқичиликда отларни етиштиришга катта аҳамият берилган. Турли наслдаги отлар, хусусан "ўзбек", "туркман", "араб" ва бошқа насллар жуда қадрланган. Шошилинч хабар етказиш учун тез чопишга мослашган отлардан фойдаланишган. Отларни асосан кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли етказиб турган. От гўшти ва сути аҳоли орасида машҳур бўлган. Хусусан, бия сутидан тайёрланган қимизга эҳтиёж юқори даражада бўлган. Юк ташиш, ҳарбий юришларда эса аксарият туялардан ҳам фойдаланишган.

Чорвачилик иқтисодиётга гўшт, ёғ, сут, жун, тери бериши билан юқори аҳамиятли соҳа бўлиб, у кўчманчи, ярим кўчманчи аҳоли орасида муҳим ўрин эгаллаган.

Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида ерга эгалик қилишнинг бир неча шакллари бўлган. Улар қуйидагиларда ўз аксини топган: давлат, мулк ва вақф ерлари. Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида шунингдек, жамоа ерлари ҳам сақланиб қолган эди. Шу даврда давлат ерларини маълум хизматлар эвазига инъом этиш – суюрғол кенг тарқалган. Суюрғол, том маънода хайр-эҳсон, ерни ҳадя этиш, маълум имтиёзни англатиб, ҳарбий хизматни ўташ билан шартланган ерни инъом этиш турларидан ҳисобланган. Суюрғол эгаси солиқ дахлсизлигидан фойдаланиб, суюрғолга қарашли ерлардан ўз фойдасига ўлпон олган. Суюрғол эгасининг иқтодордан фарқи шунда бўлганки, у маъмурий – суд дахлсизлигига ҳам эга бўлган. Кейинчалик суюрғол ворисликни ҳам англатадиган бўлди. Суюрғол Амир Темур авлодидан бўлмаган айрим амирларга ҳам берилиши мумкин эди. Шоҳрух даврида катта обрўга эга ҳарбий саркардаларга ер ҳадя этилиши амалда кўп қўлланилди. Бу ўз навбатида унинг олий ҳукмдор сифатида ўрнини мустаҳкамлашга катта таъсир кўрсатди. Мирзо Улуғбек ўз вақтида Балхни ўғли Абдуллатифга, Хоразмни эса Шоҳ Маликка суюрғол этиб берган.

Айрим суюрғол эгалари бир вақтнинг ўзида тархон ёрлиқларига ҳам эга бўлганлар. Мазкур ҳолларда ушбу шахслар қўшимча имтиёзлар олган ёки шундай ёрлиқлар ер эгасини давлат солиқларини тўлашдан озод қилган. Уларнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари тўққиз мартагача кечирилган. Тархонларга берилган имтиёзлар кейинчалик ушбу аслзода қатламнинг бойиши ва кучайишига олиб келди. Уларнинг баъзилари бир неча минг сонли ҳарбий отрядга эга бўла борди, бир қисми эса XV аср охирларига келиб Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи кучга айлана борди.

Тархон фахрий номи баъзи ҳолларда савдогарларга ҳам берилган. Таъкидлаш жоизки, давлат ерларининг шартли эгалик – суюрғолга берилиши ва тархон дахлсизлиги кейинчалик хазина даромадларининг қискариб бориши, ўзаро пароканда мулкларнинг пайдо бўлишига йўл очиб берган. Темурийлар даврида ерларнинг маълум қисми вакф этиб ҳам берилган.

Хусусан, 1420 йили Мирзо Улуғбек ўз ихтиёри билан ер ва суғориш каналларини Самарқанддаги мадраса фойдасига ўтказган. 1464 йили Султон Абусаид қизи Султонбека сағанаси фойдасига Сарой Малик қишлоғининг ярмини ўтказган ва ҳоказо.

Деҳқонлар ва чорвадорлар мамлакат аҳолисининг катта қисмини ташкил этиб, улар солиқ тўловчи аҳоли таркибида, яъни умумий "раият" номи билан аталар эдилар. Деҳқонлар мулкий жиҳатдан ҳам бир неча тоифаларга бўлинганлар. Кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолининг ҳам давлатда ўзига хос ўрни мавжуд бўлган. Улар қорамол, от, қўй-эчки, қимиз, сут маҳсулотлари, гўшт, жун етказиб беришар, ярим кўчманчи аҳоли зироаткорлик ва чорвадорлик билан тенг машғул бўлишар эди.

Кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли орасида баъзи ҳунармандчилик турлари, хусусан гилам, намат тўқиш, терига ишлов бериш ҳам ривожланган эди. Мовароуннаҳр ўлкаси табиий фойдали қазилмаларга бой ҳудуд бўлган. Унда темир, мис, тошкўмир, қўрғошин, феруза, кумуш, олтин конлари айниқса катта аҳамият касб этган. Зайниддин Восифий Тошкент воҳасидаги феруза ва темир конлари, Маҳмуд ибн Вали айнан шу ҳудудда қалайи конлари борлигини ёзиб қолдиришган. Фарғона тоғликларида олтин ва кумуш конлари мавжуд бўлиб, бу ҳудуддан мис, нефть, ложувард, симоб, қўрғошин, новшадил ҳам казиб чиқарилган. Амир Темур ва Темурийлар даврида айниқса темирга эҳтиёж катта бўлиб, ундан қурол-аслаҳа ясашда кенг фойдаланилган. Бадахшон ўлкасида машҳур лаъл (ложувард) тошлари етказилган. Айнан шу ҳудудда кўк ёқут (сапфир) ҳам олинган.

Амир Темур тоғ-кон ишлари устидан тегишли назоратни олиб бориб, қимматбаҳо маъданлар чиқадиган ерларда махсус қўриқчилар гуруҳи кончилар ишини кузатиб борганлар. Самарқанд атрофларидан мармар, Кеш томонидан машҳур қизғиш туз қазиб олинган. XIV аср охирлари – XV аср давомида ҳунармандчилик ҳам тараққий этди. Ўтроқ ва кўчманчи аҳоли савдо чорраҳасида жойлашган Тошкент шаҳри соҳада аҳамиятли марказлардан бири бўлиб қолди. Шаҳарда ҳунармандчилик ривожи кўчманчи аҳоли билан савдо орқали белгиланар эди. Маъдан конлари яқинлиги боис Тошкентда металл буюмлар ясаш ривожланиб кетди. Тошкент бошка жойларга ўзининг "Камони шоший (чочий)" деб аталган ўқ-ёйлари билан ҳам машҳур бўлган.

XIII асрда мўғуллар томонидан вайрон этилган Фанокент калъаси Амир Темур фармонига мувофиқ қайта тикланиб, Сирдарё бўйида ўғли шарафига Шоҳрухия деб ном олди. Андижон ва Ахсикат эса Фарғона водийсининг нафақат маданий, балки иқтисодий, савдо-ҳунармандчилик марказлари ҳам бўлиб қолди. Хусусан, Ахсикатда кулолчилик юқори даражада тараққий топганлигини археологик қазишмалар ҳам тасдикламокда. Амир Темур томонидан қудратли салтанат барпо этилиши, тинчлик – осойишталик, тартиб – қонуннинг

ўрнатилиши аслида бутун салтанатда ҳунармандчилик турларининг кўпайиши ҳамда бениҳоя ривожига кенг йўл очган эди.

Мазкур даврда тўқимачилик илгари ҳам бўлганидек, ҳунармандчиликнинг етакчи тармоғи ҳисобланар эди. Жойларда оддий ва қимматбаҳо матолар тўқилар эди. XIV аср охирларидан бошлаб айниқса қимматбаҳо матоларга бўлган эҳтиёж ортиб борди. Аслзодалар учун тантанали маросимларда байрам либослари асосан шойи, парча, бахмалдан тайёрланган. Ўз навбатида уларнинг хонадонларидаги кўрпа-кўрпачалар ҳам шу матолардан бўлар эди. Самаркандда бахмалнинг тўқ қизил рангли алоҳида тури ишлаб чиқарилган. Унга "қирмизи" деб аталувчи бўёқ билан ишлов бериларди. Мирзо Улуғбек ҳам онаси Гавҳаршодбегим Самарқандга келганида унга қирмизи бахмалдан иборат устки кийим совға қилган. Нуфузли амалдорлар устки кийими, қимматбаҳо шоҳона чодирлар олий навли юпқа жун газлама – сақирлотдан тайёрланар эди.

Бу хилдаги матоларга чет элларда ҳам эҳтиёж катта бўлган. Шунингдек, матолар ичида кимхоб, бўз (карбас), анвойи шойи ва бошқалар ҳам маълум ҳам машҳур бўлган. Касб – ҳунарлар ичида тикувчилик Самарқанд ва Бухоро ҳунармандчилигида катта ўрин тутган. Шаҳарларда гилам ва анвойи рангли пардаларга эҳтиёж катталиги боис у ҳам яхши тараққий этган. Гиламларнинг номлари уларнинг тўқилиш услубидан келиб чиққан. Байрамлар вақтида айвон, кўшклар шойи, парча, гулдор матолар билан безатилган.

Тантаналар пайтида бадавлат аҳоли уйларининг марказий кўчаларга қараган деворларига гиламлар осиш зарур бўлган. Самарқанддаги ҳунарлар орасида қоғоз тайёрлаш етакчи роль ўйнаган. Ёзув қоғози ҳам бошқа давлатларга олиб чиқувчи маҳсулотлар сирасидан жой олган. Сарой, давлат ишларида ҳам қоғозга эҳтиёж катта бўлган. Қоғознинг олий нави "султоний" номи билан машҳур бўлган. Ўша давр манбаларида яна қоғознинг "оддий", "қоғози абри", "мармар қоғоз" навлари ҳақида ҳам сўз юритилган.

XVI аср бошларига қадар Самарқанд Шарқда ёзув қоғози ишлаб чиқариш бўйича асосий марказлардан бири бўлган. Амир Темур ва Темурийлар даврига оид асарлар асосан Самарқанд қоғозига ёзилган. "Оламда яхши қоғоз Самарканддан чиқар", деб ёзган эди Бобур. XVII асрда ҳам бу қоғоз ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиши керак. Негаки XVII асрда яшаган балхлик олим Маҳмуд ибн Вали ўзининг "Баҳр ул-асрор" асарида "Самарқанднинг маҳсулоти – қоғоз, яшил мармар, оқ бўёқ ва олмадир", - дея таъкидлаган эди. Амир Темур ва Темурийлар даврида кулолчилик ҳам муносиб ўрин эгаллаган бўлиб, у ҳунармандчиликнинг етакчи тармокларидан бири бўлиб ҳисобланар эди. Сопол буюмлар ясаш учун маҳаллий гил ишлатилинар, одатда у Самарқанд атрофидан олинар эди. Клавихо бу хусусида ўз асарида "дунёдаги энг яхши гил шу ерда", дея қайд қилган эди. Сопол буюмлар тайёрлашда ғиждувонлик усталар ўз услубларига эга бўлганлар. XV аср Самарқанд кулолчилигининг ўзига хос кўринишлари Бухоро ва Шаҳрисабз мактаблари мисолида кўзга ташланади. Тошкент кулолчилиги эса айрим маҳаллий хусусиятларга эга бўлган.

Қимматбаҳо тошларга ишлов бериш, заргарлик буюмларини ясаш ҳам юқори даражада тараққий этган. Зирак, узук, билакузук ва бошқа қимматбаҳо тақинчоқлар ясашнинг юқори маҳоратли усталари етишиб чиққанлар. Мисгар ва

заргарларнинг катта шаҳарларида ўзига хос устахоналари бўлган. XIV аср охирларида Мовароуннаҳрда рангли ойна ишлаб чиқариш ҳам ривож топди. Ундан Гўри Амир, Шаҳрисабздаги сарой, Бухородаги Улуғбек мадрасаларини безатишда фойдаланишган. Қадама нақш, сиркор кошин ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Амир Темур давлатида, ундан сўнг Темурийлар даврида ҳам курол-аслаҳасозлик яхши тараққий топган. Махсус устахоналарда шамшир, қилич, ханжар, ойболта, совут, дубулға тайёрланар, Амир Темур бу каби устахоналарга катта аҳамият билан қарар эди.

Мовароуннаҳрнинг катта шаҳарлари, хусусан Самаркандда кўплаб кишилар меҳнат қиладиган корхоналар бўлган. Кўп ҳолларда бу корхоналарда асирлар ва қуллар меҳнат қилишган. Тарихий манбаларда турли мамлакатлардан Мовароуннаҳрга келган ҳунармандларнинг фаолияти ҳам алоҳида таъкидланган. Маълум тантаналарда, хусусан Амир Темурнинг 1394, 1396, 1404 йиллари Самаркандга қайтиши муносабати ҳунармандлар ўз шийпонларида бор маҳсулотлари кўргазмаларини уюштирганлар. Бундай тантаналарда кўчаларга гилам, матолар тўшалар, заргарлар ўз буюмларини кўз-кўз килиб териб ташлашар, атроф байрамона тус олар эди. Бу каби кўргазмалар кейинчалик Шоҳрух ҳукмронлиги даврида ҳам ўтказиб турилган. Масалан, 1412 йилги хитойлик элчилар келиши муносабати билан Шоҳрухнинг буйруғи билан барча ҳунармандлар ўз маҳсулотлари билан дўкон, расталарини зийнатлашлари лозим бўлган.

Муаррих ва сайёҳлар XIV аср охирлари - XV асрда Самарқанд, Бухорода бозор, чорсу, тим, тоқ, каппон ва бошқа хил савдо-ҳунармандчилик масканлари бўлганлиги хусусида хабар беришган. Амир Темурнинг фармонига кўра асосий кўчалар иккала томонига дўконлар жойлаштирилди. Усти ёпиқ кўчанинг бошдан-оёқ ҳар-хил ерида ёруғлик тушадиган дарчалари бўлиб, гумбазлари бўлган том билан ёпилган. Самарқанд ва Бухорода ихтисослашган бозорлар ўзига хослиги билан ажралиб турган. Тарихий манбаларда Термиз ва Тошкент бозорлари ҳам ўзининг бойлиги билан ажралиб турганликлари таъкидланган. Чорва моллари учун алоҳида жойлар бўлган. Бозорлар нафақат йирик савдо-иқтисодий марказ вазифасини ўтамай, балки улар шеърият, адабиёт, илм-фан бўйича суҳбатлар ўтказиладиган масканлар ўрнини ҳам ўтаган. Бозорларда ҳукмдорлар фармони эълон қилинар, айбдорлар жазога тортилар эди.

Бозорлар томошагоҳ вазифасини ҳам ўтаган. У ерда найрангбоз, дорбоз, полвон, қўғирчоқбозларнинг томошалари ҳам намойиш қилинган. Бозор ўзига хос маданий марказ вазифасини ҳам ўтаган. Одатда бозор ёнида масжид, мадраса, ҳаммом ёнма-ён қурилар эди. Бозорларнинг маълум расталари ўз молини хориж савдогарларига сотиш учун мўлжалланган эди. Айниқса, Самарқанд бозорларида турли мамлакатлардан келган савдогарларни тез-тез учратиш мумкин бўлган. Чет эл савдогарлари молларини кўриб чиқувчи махсус лавозимли масъул шахс бўлган. Ҳукмдор фармонига кўра барча хориждан келган савдогарлар ўзлари олиб келган қимматбаҳо матоларнинг борини ҳукмдор томонидан тайинланган масъул шахсга кўрсатишлари шарт бўлган. Чет эл моллари шу амалдорларнинг кўригидан ўтмасдан туриб уни сотишга рухсат берилмаган.

Амир Темур томонидан савдо йўллари ободонлаштириш, унда тегишли шароитлар яратиши, карвонсаройлар қуриш ишига катта аҳамият берилган. Карвон йўллари хавфсизлигига Амир Темур, кейинчалик Шохрух Мирзо ҳам катта эътибор билан қарашган. Амир Темурнинг буйруғи билан жанубий – ғарбий вилоятлардан Самарқандга олиб борувчи йўллар ёқасида давлат пойтахтига қадар янги карвонсаройлар барпо қилинган, сайёхлар ва савдогарлар дам олиши учун "катта йўллар" ва отхоналар қурилган. Яқин атрофдаги қишлоқ аҳолиси бундай марказларни озиқ-овқат ва от-улов билан таъминлаб туриши керак бўлган.

Амир Темур ички ва ташқи савдо тараққиётига катта аҳамият берди. Унинг саъй-ҳаракати боис Буюк ипак йўли тармоғи Мовароуннаҳрга қайтди, савдо йўллари хавфсизлигига, Шарқ ва Ғарб савдо муносабатларига катта эътибор билан қаралди. Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га ёзган хатидаги қуйидаги мулоҳазалар эътиборга сазовордир: "Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг, биз уларни илиқ қарши олиб, иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро дунё савдо аҳли ила обод бўлажак!" Шубҳасиз, буюк Амир Темурнинг юқоридаги мулоҳазалари XXI асрдаги янгича тартибдаги савдо-иқтисодий муносабатларда муҳим ўрин эгаллайди.

Низомиддин Шомий ўзининг «Зафарнома» асарида шундай деб ёзган эди: «... Унинг адолатию сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннаҳрнинг энг чекка жойларидангина эмас, балки Хўтан чегарасидан Деҳли ва Канбойит атрофларигача, Бобул Авбобдан то Миср ва Рум ҳудудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ёқда турсин, болалару бева хотинлар ҳам ипакли матолар, олтин-кумуш ва энг зарур тижорат молларини келтирардилар ва олиб кетардилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир донига ҳам кўз олайтира олмайди ва бир дирҳамига ҳам зиён етказмайди. Бу чексиз неъмат ва поёнсиз марҳаматлар Амир Соҳибқироннинг сиёсати ва адолати натижасидандур». 1404 йили Темур салтанатида бўлган Руи Гонсалес де Клавихо ҳам савдо-сотиқ муносабатларининг юқори даражада тараққий этганлигини, савдо аҳлига кўрсатилаётган мурувват, хавфсизлик чоралари, Мовароуннаҳр бозорларининг серҳашамлигини алоҳида қайд этган эди.

Таъкидлаш жоизки, Мирзо Улуғбек ҳам халқаро савдо алоқаларида фаол қатнашган, Самарқанддаги йирик карвонсаройлардан бири унга тегишли бўлган. Ушбу карвонсарой "Мирзойи" деб аталиб, ҳозирги Тиллакори мадрасасининг ўрнида бўлган. Мудофаа деворлари билан мустаҳкамланган карвонсаройлар, одатда катта савдо йўлларининг чорраҳаларида жойлашган. Карвонсаройларнинг бир қисми шаҳарга кетаверишда, дарвоза ёнида, айримлари шаҳар ичида жойлашган. Йирик шаҳарларда бошқа ўлкалардан келган савдогарлар учун алоҳида карвонсаройлар қурилган. Масалан, Бухорода Урганч савдогарлари учун "Урганжий" карвонсаройи барпо этилган, шунингдек, эронлик ва марвлик савдогарлар учун ҳам алоҳида карвонсаройлар бўлган. Аштархон ва Бокуда эса

алоҳида бухороликлар карвонсаройлари бўлган. Исфаҳонда самарқандлик ва бухоролик савдогарларнинг тўхташ жойлари бўлган.

Самарқандга четдан келтирилган моллар орасида Хитойдан келган маҳсулотлар муҳим ўрин эгаллаган. Шунингдек Русь, Волгабўйи, Ҳиндистон, Ғарбий Осиё, Узоқ Шарқ билан ҳам қизғин савдо алоқалари олиб борилган. Четдан Мовароуннаҳрга тери, эгар-жабдуқ, хуржун, зиғир толасидан тўқилган газлама, камон ўқлари, садоқ Рус ва Волгабўйидан, Испания ва Италия давлатларидан қирмизи мато, кумуш коса, мовут, жунли кийим, юпқа газлама, Хитойдан ва унга тобе юртлардан сувсар ва оқ тулки мўйналари, ов қушлари, шойи матолар, нақшсиз атлас, Ҳиндистондан зираворлар, айрим металлар ва қимматбаҳо тошлар, оқ юпқа мато, шакар, доривор ўсимликлар келтирилган. Европадан келтириладиган матолар орасида "фаранги" номли мато машҳур бўлган.

Ўз вақтида Кастилия (Испания) қироли ов лочинларини шахсан Амир Темурга совға қилиб жўнатган эди. Ипак йўли бўйлаб Мовароуннаҳр шаҳарларига Хитой қоғози ва чинни ҳам олиб келинган. Масалан, Хитой императори Дай Минг-хон Шоҳрух Мирзога Хитой қоғозини юборганини муаррих Фасиҳ Аҳмад ал-Ҳавофий алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Хитойдан келтириладиган чинни идишлар, чинни буюмлар, кошинлар ниҳоятда қадрланиб, юқори даражада баҳоланган. Мирзо Улуғбекнинг боғидаги айвон Хитой чинни кошинлари билан безатилганлиги учун кейинчалик "Чиннихона" номини олган. Бухоро яқинидаги Зандана қишлоғида тайёрланиб, кейинчалик машҳур бўлиб кетган "занданачи" матоси хорижда ҳам машҳур эди. Хусусан, тарихий манбаларда занданачи матоси XV асрда Новгородда ҳам сотилгани тўғрисида маълумотлар учрайди. Немис шаҳарларида ҳам бу матога эҳтиёж катта бўлган.

Амир Темур ва кейинчалик Темурийлар давлатида адолатли солиқ тизими бўлганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу хусусда"Тузуклар"да қуйидагича иборалар бор: "Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан раиятдан молу жиҳат олинмасин. Ҳосил етилгач, соликни уч бўлиб олсинлар. Агар раият солик тўпловчи юборилмасдан соликни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солик тўпловчи юбормасинлар. Агар солик йиғувчини юборишга мажбур бўлинса, улар соликни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; катта калтак, аркон ишлатиб ишни уруш – сўкишгача олиб бормасинлар. Уларни банди этиб занжир билан кишанламасинлар".

Шубҳасиз, хазина давлат таянчи бўлмиш муҳим омиллардан бири эди. У эса аксарият тўғри йўлга қўйилган солиқ тизими орқали ҳаёт кечириши мумкин бўлган. Тарихий манабаларнинг хабарига кўра Амир Темур давлатида хирож, тағор, тамға, пешкаш, совурин ва бошқа соликлар мавжуд бўлган. Соликлар йиғиш пайтида юқорида таъкидлаганидек, унинг адолатли бўлиши учун икки вазир масъул этиб тайинланган. Амир Темур сув чиқариб ташландиқ ерни обод қилган кишиларга алоҳида имтиёзлар берган. "Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса ё бирон боғ кўкартирса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили қонун-қоидага мувофик хирож йиғилсин", дейилган эди Амир Темур буйруғида. Соҳибқирон ўз она

юрти, халқини жуда қадрлаган ҳукмдор бўлиб, етти йиллик юришидан қайтганидан сўнг нарх-наво, соликлар борасида йўл қўйилган хатолар учун тегишли амалдорларни жазолаган. Бева – бечораларга кийим-кечак, озиқ-овқат улашиб, 1404 йили салтанат аҳлини уч йиллик барча соликлардан озод этади. Бундай қатъиятли қадамни ўрта асрлар шароитида фақат Амир Темурга ўхшаган забардаст ҳукмдоргина қўйиши мумкин эди.

2.8 Темурийлар ҳукмронлиги даврида илм-фан ва маданий ҳаёт

Гарчи XV аср бошидан ички низолар, ўзаро курашлар мамлакат ички ҳаётига салбий таъсир ўтказган бўлсада, лекин Темурий ҳукмдорлардан Шоҳрух Мирзо (1405-1447), Мирзо Улуғбек (1409-1449), Султон Ҳусайн Бойқаро (1469-1506), қисман Султон Абусаид (1451-1469) ҳукмронлиги даврларида ички осойишталик, маърифат ва маданиятга катта эътибор берилиши туфайли илму-фан ва маданият соҳаси юксалиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон яна Шарқнинг маърифат ва маданият маркази номини қайтариб олди.


Бу вақтда нафақат пойтахт Ҳирот ва Самарқанд, балки Мовароуннаҳр ва Хуросондаги бошқа шаҳарларда ҳам олиму-фузало, шоиру-меъморлар, бастакору-наққошлар гуруҳлари тўплана бошлайди. Бухоро, Хоразм, Балх, Машҳад, Шероз ҳам ўзига хос маданий марказлар ролини ўйнай бошлайди. Тарихда маърифатпарварлиги ва оқиллиги билан ном чикарган Шоҳрух (1405-1447) даврида асрий илм-фан, маданият анъаналари янада тараққий этди.

Шоҳрух Ҳирот, Балх шаҳарларини қайта тиклади, Чингизхон юриши вақтида вайрон бўлган Марв шаҳри қайта барпо этилди, унга Мурғоб дарёсидан ариқ қаздирилиб, шаҳар сув билан таъминланди. Хуросоннинг барча шаҳарларида ободончилик, қурилиш ишларига катта эътибор берилди, катор маданий-маънавий характердаги иморатлар қурилди. Шоҳрухнинг ўғиллари Бойсунқур Мирзо Ҳиротда, Иброҳим Султон Шерозда илм-фан, маърифат юксалишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.Алишер Навоий ўзининг "Мажолисун-нафоис" асарида Бойсунқур Мирзо (Ғиёсиддин Бойсунқур Мирзо) (1397-1433) фаолияти ҳақида сўз юритиб унинг илм-фан, маданият аҳлига нисбатан ҳомийлигига юксак даражада баҳо беради. Бойсунқур Мирзонинг буйруғига кўра Табриздан уста Сайид Аҳмад Наққош, Хўжа мусаввир ва муқовасоз Қавомиддин Табризийлар Ҳиротга келдилар. Турли ҳудудлар маданий уйғунлиги натижасида ўхшаши йўқ – Ҳирот амалий ва тасвирий санъат йўналиши юзага келди. Иброҳим Султон Мирзо (1394-1435) Шерозда бадиий устахона очиб, унга Бағдод ва Табриздан маҳоратли усталарни жалб қилди. Айнан шу шахзоданинг буйруғи билан 1419-1425 йилларда Шарафуддин Али Яздий ўзининг машҳур "Зафарнома" асарини ёзган эди Шоҳрухнинг хотини Гавҳаршодбегим Ҳиротда барпо этган меъморий мажмуаси эса ҳозирда ҳам шаҳарнинг энг диққатга сазовор жойи ҳисобланади.

Ҳиротдаги энг гавжум жойлардан бири Шоҳрухнинг ўғли Бойсунқур Мирзо ташкил этган "Китобхона" номини олган жой бўлиб қолди. Бу ерда ўз даврининг энг сара китоблари қайта кўчирилар, сотиб олинар ва сотилар эди. Бу пайтда ҳукмдор ва амалдорларнинг ҳомийлиги натижасида тасвирий санъат,

амалий санъат, хаттотлик санъати айниқса ўз ривожини маромига етказди. Мирак наққош бошчилигидаги шарқ миниатюра санъати ҳам ўз фаолиятини шу ердан бошлаган эди.

Ҳиротлик ва хуросонлик кўплаб бадавлат зодагонлар, савдогарлар ҳам илм-фан, маданиятга ҳомийлик қила бошлайдилар. Масалан, Шоҳрух даврида яшаган таниқли зодагон Ҳожи Арслон тархон ўзининг маърифатпарварлиги билан ном чиқарган эди.



Самарқанд. Шоҳи – Зинда. XV аср

XV аср иккинчи ярмида Ҳирот мусулмон шарқнинг энг йирик маданият марказига айланди.Пойтахт шаҳрида адабиёт, меъморчилик, миниатюра санъати, хаттотлик, мусиқа, умуман маданият, санъат соҳаларининг ўз даврига хос барча соҳалари улкан чўққига эришди. Шу билан бирга бутун Хуросонда, хусусан пойтахтда аниқ фанлар соҳаси ҳам тараққий этди. Пойтахтда Мавлоно Муҳаммад Олим, мавлоно Кавкабий, Хожа Аҳмад Муставфий каби астрономлар, Хожа Абдул Вафойи Хоразмий, Хожа Аҳмад Муставфий, Мавлоно Абдулқаххор каби кимёгарлар, Мавлоно Ҳоким, Мир Ислом Ғаззомий каби олимлар ҳам самарали фаолият юритишган.

Тарихчи Хондамир ўзининг Навоийга бағишлаган "Макорим ул-ахлоқ" асарида Навоий ҳам яхши математик бўлгани, бу фаннинг ривожига ёрдам берганлигини таъкидлайди.

XV аср Ҳирот тарих фани ҳам тараққий этди. Шоҳрух Мирзо даврида Ҳофизи Абру ўзининг "Зубдат ат-таворих" ("Солномалар каймоғи") асарини ёзди. Шоҳрухнинг ўғли Иброҳим Султоннинг топшириғи билан Шарафуддин Али Яздий ўзининг "Зафарнома" асарини тақдим этди, Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаи саъдайи ва мажмаи баҳрайи" ("Икки саодатли юлдузнинг болқиши ва икки денгизнинг қўшилиши") номли қимматли тарихий асари ёзилди. Мирхонд ўзининг "Равзат ус-сафо", Хондамир "Ҳабиб ус-сияр" каби тарихий, Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг адабий талқиндаги "Тазкират уш-шуаро" асарларини ёздилар. Муиниддин Исфизорий эса Ҳирот тарихини акс эттирган тарихий асарини тақдим этди.

Темурийлар даврида Хуросон мусиқа мактаби ҳам ривож топди. Алишер Навоий ўзининг "Мезонул - авзон" асарида халқ қўшиқларининг 8 тури (рамали махбун шеър тури, туюғ, қўшиқ, чинга, муҳаббатнома, мустазод, орзуворий, туркий) ҳақида маълумот бериб, мазкур турларнинг катта шуҳрат топганлигини ёзади. Мусиқа санъати хусусида Абдураҳмон Жомий, Камолиддин Биноийлар ўзларининг рисолаларини ёзиб, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Натижада дувоздаҳ мақом (ўн икки мақом) янги даражага кўтарилиб, янги куйлар билан бойиди. Шеърият ва мусиқа ўртасидаги узвийликни ёритишда шоир Аҳмадийнинг "Созлар мунозараси" асари катта аҳамият касб этади.

XV асрда Ҳирот тасвирий мактаби жуда тараққий этди. Мазкур мактабдан Камолиддин Беҳзод, Мирак Наққош, Шоҳ Музаффар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Қосим Али Чеҳракушо, Мавлоно Ҳожи, Муҳаммад Наққош, Дарвиш Муҳаммад, Султон Муҳаммад, Абдуллоҳ Кирмоний, Мавлоно Музаффар Али наққош, Хўжа Абдулазиз наққош, Ашрафхон Мир Мунший, Мавлоно Юсуф каби истеъдодли рассом ва наққошлар етишиб чиққанлар. Табиийки, Хуросон ва Мовароуннаҳр рассомлик ва наққошлик мактабининг умумий ва ўзига хос жиҳатлари бўлган. Айниқса, Камолиддин Беҳзод бошчилигидаги Ҳирот рассомлик мактаби улкан ютукларга эришди.

Бизгача турли портретлар, ҳаётий лавҳалар, пейзажлар, бадиий асарларга ишланган расмлар етиб келган. Ҳозирги кунгача етиб келган портрет жанридаги суратлар орасида Жомий, Навоий, Ҳотифий, Беҳзод, Бойқаро, Бобур, Шайбонийхон ва бошқалар катта тарихий аҳамият касб этади. Буюк шарқ рассоми, "Шарқ Рафаэли" номини олган Камолиддин Беҳзод (1455-1537) юқорида таъкидланганидек, Ҳирот тасвирий мактабининг раҳбари бўлган. У оддий ҳунарманд оиладан чиққан бўлиб, ёшлигида етим қолган, дастлабки таълимни Пир Саид Аҳмад Табризийдан олган эди.

Кейинчалик уни Ҳусайн Бойқаро кутубхонасининг бошлиғи Мирак наққош ҳамда Алишер Навоийлар ўз тарбияларига оладилар. У дастлабки вақтда Навоий кутубхонасида ишлайди. Алишер Навоий унинг таълим-тарбиясига катта эътибор билан қараб, рассомни ҳам моддий ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Беҳзод кейинчалик Ҳусайн Бойқаро кутубхонаси раиси лавозимида ҳам ишлайди. Темурийлар салтанати парчаланганидан сўнг Эронга кетиб, 1522 йили Шоҳ Исмоил уни Табриз кутубхонасининг китобдори этиб тайинлади. Буюк рассом 1537 йил Ҳиротда вафот этган.

Мазкур даврда китобат санъати ҳам жуда ривож топди. Нафис ва гўзал китоб яратиш оғир жараён бўлиб, у кўплаб мураккаб моҳиятни талаб этар эди. Ушбу жараёнда варроқ (қоғоз тайёрловчи), саҳҳоф (муковасоз), хаттот (чиройли тарзда кўчирувчи), тасвир (тегишли саҳифаларга сурат чизувчи), тазҳиб (олтин ранг билан нақшловчи), тажлид (қимматбаҳо матодан жилд ясовчи), зарафшон (саҳифалар ҳошияси ва ёзув ораларига олтин ёки кумуш пурковчи)лар иштирок этадилар. Бунда албатта тегишли қонун-қоида, меъёрий жиҳатларга таянилар эди. Қоғоз тайёрлашда Бухоро ва Самарқанд усталари олдинги ўринда турарганлар.

Ўша даврда тайёрланган қоғозларнинг ўзига хос технологияси бўлиб, унга берилган ранглар ҳозирга қадар айнимаї сақланиб келмоқда. Сиёҳлар махсус

рецепт асосида тайёрланар, китобдан ёкимли хид келиб туриши учун сиёхга гулоб ва анбар қўшар эдилар. Буёкларга баъзан суюлтирилган олтин ва кумуш ҳам қўшилган. Китобат ва хаттотлик санъати XV аср иккинчи ярмида ўзининг юқори чўққисига чиқди. Мовароуннаҳр ва Хуросондан Султон Али Машҳадий, Муҳаммад котиб, Султон Али Койиний, Абдул Жамил, Рафиқий, Абдулазиз Самарқандий, Хўжа Али Самарқандий, Ҳалвоий ва бошқа қатор моҳир хаттотлар етишиб чиқдилар.

Шубҳасиз, шу даврнинг энг моҳир хаттоти – СултонАли Машҳадий (1432-1513) бўлган. У ўз умрининг аксарият қисмини аввал Султон Абусаид, сўнгра Султон Ҳусайн Бойқаро саройларида ўтказди. Ҳирот Шайбонийхон қўлига ўтгач (1507), Шайбонийхон учун китоб кўчира бошлади. У араб ёзувидаги настаълиқ услубини яратган. Хаттот Мир Али Табризийдан сўнг уни янада юқори чўққисига олиб чиқди. Султон Али Машҳадийни Алишер Навоий ҳамиша қўллаб-қувватлаган. Шу боис бўлса керак у Навоий вафотидан сўнг она шаҳри – Машҳадга кўчиб кетди. Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган қўлёзмалар ҳозирда жаҳоннинг етакчи мамлакатлари қўлёзма фондларида сақланмоқда.

Мазкур даврда адабиёт соҳасида эса айниқса икки тилда ижод қилиш кенг шуҳрат топди. Алишер Навоийнинг маълумотига кўра XV асрда Қутбий, Дарвеш, Нозукий, Яқиний, Сайид Ҳасан Ардашер, Амир Шайхим Суҳайлий, Осафий, Мавлоно Зиё, Соқий, Сайид Аҳмад, Шоҳ Ғариб, Ғарибий, Бадиуззамон Мирзо, Давлатшоҳ Самарқандий, Камолиддин Биноий, Ҳилолийлар икки тилда ижод килганлар. Ҳусайн Бойқаро ўзининг "Рисола" асарида унинг давлатида 1000 нафар шоирлар ижод қилишини фахр билан тилга олган эди.

Темурийлар салтанатида Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкалари ўртасида мустаҳкам маданий алоқалар бўлган. Бундан ташқари мусулмон шарқи маданий марказлари, катта шаҳарларидан келган олимлар, илм-фан вакиллари, санъат ва адабиёт соҳаси намояндалари Самарқанд, Ҳирот, Бухорода мунтазам бўлишар, турли кечалар, мунозаралар, мушоираларда иштирок этишар эди.

Самарқанд Шарқнинг маданий марказига айланганлиги боис машҳур файласуф Али ибн Муҳаммад Журжоний, таниқли табиб Мавлоно Нафис, шоир Хаёлий Бухорий, "Юсуф ва Зулайҳо" достонининг муаллифи Дурбек, қасида жанрининг таниқли намоёндаси, ўзбек шоири Саккокий, машҳур хаттот Абдураҳим Хоразмий ва бошқалар Мирзо Улуғбек ҳомийлиги остида Самарқандда яшаб ижод қилдилар. Шунингдек, Шарқнинг кўплаб таниқли олим ва шоирлари фузалои-уламолари Самарқандга тез-тез келиб турдилар. Мирзо Улуғбек даврида ўзига хос тарихнавислик мактаби ҳам пайдо бўлди. XV асрдаги таниқли тарихчилар, "Зубдат ат таворих" ("Салномалар қаймоғи") асарининг муаллифи Ҳофизи Абру, "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" ("Икки денгизнинг қўшилиши ва икки саодатли юлдузнинг болқиши") асарининг муаллифи Абдураззоқ Самарқандий, "Равзат ас сафо" ("Жаннат боғлари") асарининг муаллифи Мирхонд, "Ҳабиб ус сияр" ("Дўстга мактуб") ва бошқа қатор асарларнинг муаллифи Хондамир Улуғбек яратган маданий шароитда ўсиб улғайдилар. Мирзо Улуғбек давридаги маданий марказ кейинчалик "Улуғбек академияси" номини олиб, даставвал машҳур француз ёзувчиси ва олими

Вольтер (1694-1778) томонидан эътироф этилган эди. Аждодларимиз тарихида 1004 йилда тузилган Маъмун академиясидан сўнг, Мирзо Улуғбек академияси Ўрта Осиё тарихида иккинчи академия сифатида юзага келди.

XV асрнинг забардаст ўзбек шоирлари ичида, шунингдек Лутфий, Дурбек, Саккоки, Гадоий, Атоий ва бошқаларнинг ҳам номлари маълум ва машҳур бўлган. Жумладан, Навоийдан аввал туркигўй шоир Лутфий (1366-1465) бўлган. Унинг ўз вақтида 20 дан зиёд ажойиб асарлари мавжуд бўлиб, бизгача фақат машҳур "Гул ва Наврўз" ва ғазаллар девони этиб келган, холос.

Бу даврда шунингдек, Шарафуддин Али Яздийнинг (1454 йили вафот этган) Амир Темур тарихига бағишланган, Низомиддин Шомийдан сўнг ёзилган бир хил номдаги "Зафарнома" асари яратилди. Форс-тожик адабиётида айниқса машҳур шоир ва олим, Навоийнинг замондоши ҳамда дўсти Нуриддин Абдурахмон Жомийнинг (1414-1492) роли улкан даражада бўлди. Жомий ва Навоийнинг дўстлиги эса, тарихда халкларимиз ҳамжиҳатлиги ва иттифоклигининг буюк рамзи бўлиб қолди.

Мирзо Улуғбекнинг вафотидан сўнг маданий марказ Хуросонга, жумладан унинг пойтахти Ҳиротга кўчди. Ҳирот маданий ва илмий марказининг шаклланишида Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқаро (1469-1506) ва айниқса буюк шоир ва мутафаккир, ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоийнинг (1441-1501) роли ниҳоятда беқиёс бўлди. Маърифатли ҳукмдор бўлмиш Султон Ҳусайн Бойқаро бутун Хуросонда илм-фан, адабиёт, маданият ҳомийсига айланади. Таъкидлаш жоиз-ки, айнан Султон Ҳусайн Бойқаро ҳайриҳоҳлиги ва ҳомийлиги маданий юксалишга катта туртки бўлиб хизмат қилган эди.

Таянч сўзлар

Ҳирот, Самарқанд, Мовароуннаҳр, Хуросон, тожу-тахт, ижтимоий-сиёсий, давлат, ҳукмдор, салтанат, илм-фан, маданият, сарой, ҳонақоҳ, масжид, шаҳар, ҳарбий, султон, шоир, адабиёт, пойтахт, солиқ, иқтисодий, халқ, лашкар, жанг.

Савол ва топшириқлар

1. Амир Темур вафотидан сўнг салтанатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар қандай кечди?
2. Шохрух Мирзо фаолиятининг асосий қирраларрини изохлаб беринг.
3. Мирзо Улуғбек илмий мероси ҳақида нималарни биласиз?
4. XV аср Мовароуннаҳр ва Хуросон маданий ҳаётидаги умумийлик ва ўзига хослик нимада эди?
5. Султон Ҳусайн Бойқаро давлат бошқарувда қайси жиҳатларга устувор масала сифатида қараган?
6. Алишер Навоийнинг сиёсий фаолияти қандай кечган?
7. Бобур номидаги жамоатчилик жамғармаси халқаро фаолияти ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?
8. Темурийлар даври тарихшунослиги ҳақида гапириб беринг.

9. Темурийлар салтанати парчаланишининг асосий сабаблари нимада бўлган?
10. Темурийлар давлати халқаро муносабатлари қай тарика кечган?
11. Мазкур даврдаги иқтисодий ҳаёт қандай кечган?

2-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
3. Абдурахмонов А. Улуғбек академияси. – Тошкент, 1993.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарк, 2000.
5. Ахмедов А. Улуғбек. Тошкент, 1994.
6. Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вакоъе. – Тошкент, 1979.
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1990.
8. Маънавият юлдузлари (Марказий осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). – Тошкент: А.Қодирий номидаги халк мероси нашриёти, 1999.
9. Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. – Тошкент: O'zbekiston, 2011.
10. Муҳаммаджонов А. Амир Темур ва Темурийлар даври. -Тошкент: Фан, 1996.
11. Наққош, Ғиёсиддин. Хитой сафари кундалиги. О.Бўриев таржимаси. – Тошкент: Mashhur-Press, 2017.
12. Одилов А.А. Амир Темур тузуклари – давлат бошқаруви асоси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2016.
13. Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
14. Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд, 2-китоб. – Тошкент: Fan va tehnologiya, 2014.
15. Қадимги Кеш – Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарк, 1998.
16. Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ.– Тошкент: Ғ.Ғулом нашриёти, 2015.
17. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. I жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.

3- мавзу. Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлиги

Режа:

3.1 Шайбонийлар давлатининг ташкил топиши. Сиёсий воқеалар.
3.2 Бухоро хонлигида давлат бошқаруви.
3.3 Ҳарбий иш.
3.4 Ер эгалиги муносабатлари. Иқтисодий ҳаёт.
3.5 Шайбонийлар давлатида маданий ҳаёт.

3.1 Шайбонийлар давлатининг ташкил топиши. Сиёсий воқеалар

Таъкидлаш жоизки, ўрта Осиё халкларининг XVI аср боши – XIX асрнинг биринчи ярми тарихига оид қатор ёзма манбалар ҳозирга қадар сақланиб қолган. Улар аввало, маҳаллий тарихнавислик мактаблари вакилларининг асарлари, қолаверса, Ўрта Осиёга ташриф буюрган элчилар, сайёҳлар, зобитларнинг маълумотларидан иборат. Ушбу манбалар юқорида таъкидланган давр тарихи, ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик – маданий ҳаёт ҳамда сиёсий жараёнлар ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Шайбонийларнинг бир асрлик ҳукмронлик даври, унда кечган тарихий жараёнлар, иқтисод, савдо, халқаро алоқалар, маиший турмуш тарзи ва бошқалар айниқса Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома", Камолиддин Биноийнинг ҳам шу номдаги асари, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома", Хондамирнинг "Ҳабиб ас-сияр", Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг "Тарихи Рашидий", Муҳаммад ибн Араб Қатағоннинг "Мусаххир ал-билод", Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдулланома" ("Шарафномаи Шоҳий"), Фазлуллоҳ Рўзбехоннинг "Меҳмонномаи Бухоро" каби асарларда ўз аксини топган.

XVI-XIX асрнинг биринчи ярми тарихига оид манбалар маълумотларини илмий муомалага киритишда кўплаб шарқшунос, тарихчи ва ҳуқуқшунос олимлар эътиборга молик тадқиқот ишларини олиб борганлар. Бу йўналишда В.Абдуллаев, А.Арендс, Б.Аҳмедов, С.Азимжонова, М.Абдураимов, Р.Мукминова, А.Муҳаммаджонов, Т.Неъматов, А.Ўринбоев, Г.А.Агзамова, Ш.Воҳидов, Н.Норқулов, А.Эркўзиев, И.Саидахмедовларнинг тадқиқотлари катта аҳамият касб этади.

Маълумки, XIV аср бошларига келиб, 1236 йилда Ботухон томонидан асос солинган Олтин Ўрда давлати икки қисмга бўлиниб кетиб, унинг шарқий қисмида Оқ Ўрда давлати ташкил топди. XV асрнинг ўрталарига келиб Шарқий Дашти Қипчоқ ҳудудларида Жўжихоннинг бешинчи ўғли Шайбон уруғидан бўлган Абулхайрхон кўчманчи ўзбеклар давлатига асос солди. Мовароуннаҳрдаги ўзаро курашлардан фойдаланган Абулхайрхон Сирдарёнинг ўрта оқимидаги бир қанча шаҳарларни, Хоразмнинг бир қисмини босиб олишга эришди. Абулхайрхон (1428-1468) кўп ҳолда Темурийлар салтанати чегараларини хавф солар, 1451 йили Султон Абусаид Мирзонинг (1451-1469) ҳокимиятга келишига айнан у ҳам ёрдам берган эди. Тез орада у ўз давлатининг *пойтахтини* Турадан Сиғноққа кўчирди.

Манбаларнинг (Мулла Шоди, "Фатҳнома") маълумот беришича 864 ҳижрий (1459-1460 йй.) йили Абулхайрхоннинг катта ўғли Шоҳбудоқ вафот этади. Ундан қолган саккиз ёшли Муҳаммад ва беш ёшли Маҳмуд уйғур Бойшайҳ Кўкалдош тарбиясига берилади.Муҳаммад Шайбонийхон (Муҳаммад Шоҳбахт) 1451 йили таваллуд топган. У отаси Шоҳбудоқ ва онаси Қўзибегимлардан эрта етим қолганидан сўнг унга аввал Қорачабек, сўнгра Туркистон ва Ўтрор ҳокими Муҳаммад Мазид Тархонлар ҳомийлик қилганлар. Кейинчалик ака-ука Муҳаммад ва Маҳмудлар Бухорода истиқомат қилишган. Бухорода улар илм олишди, шеърият ва адабиётга ҳавас қўйишди. Манбалар Муҳаммад Шоҳбахт Шайбонийхон истеъдодли шоир ва саркарда, замонасининг ўқимишли ва билимдон кишиларидан бири бўлганлигини таъкидлашади. У катор тахаллуслар билан шеърлар ҳам ёзган.Шайбонийхон бирмунча вақт Бухоро ҳокими Дарвиш Мухаммад Тархон ҳузурида хизматда бўлди. Бобоси вафотидан кейин эса Дашти Қипчоқда ҳокимият учун бошланган жангларга жалб бўлиб, 1488 йил ҳокимиятни қўлга киритди.

XV асрнинг сўнгги чорагига келиб темурий шаҳзодалар ўртасидаги тож-тахт учун ўзаро курашлар авж олиб кетди. Бу пайтда кўпгина мулк ва вилоятлар, хусусан, Фарғона, Ҳисор, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм ҳудудлари ўзларини мустақил ҳисоблаб,кўп ҳолларда бир-бирлари билан кураш олиб борар эдилар. Шунинг учун ҳам Мовароуннаҳрдаги Темурийлар салтанати амалда мустақил бошқариладиган кичик-кичик вилоятларга бўлиниб кетган эди. Шайбонийхон эса Темурийлар ҳукмронлигига барҳам бериш учун бундай вазиятдан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилди.

Темурийлар ўртасидаги сулолавий урушлар, кейинроқ эса Шайбонийхон қўшинларини қўллаб-қувватлашда Тошкент мулки зодагонлари катта роль ўйнадилар. 1485 йилда Тошкентдаги ҳокимиятни машҳур диний арбоб Хўжа Аҳрор ёрдамида Юнусхон эгаллаган бўлса, унинг вафотидан сўнг ўғли Маҳмудхон (1487-1503йй.) Тошкент тахтини эгаллайди.

Муҳаммад Шайбонийхон Маҳмудхон ёрдамида Мовароуннаҳрдаги Темурийлар мулкларига ҳужумлар қилиб турди. Темурийларга қарши курашда Шайбонийхонни иттифоқчи қилишга уринган Маҳмудхон 1495 йилда Ўтрорни Шайбонийхонга топширди. Маҳмудхоннинг ҳужуми хавфи туфайли Андижон беклари ўртасидаги норозиликлардан чўчиган Фарғона ҳокими Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўша йили Маҳмудхон олий ҳукмронлигини тан олди. 1498 йилда Тошкент ҳокими Маҳмудхон 5 минг кишилик қўшини билан Самарқандни эгаллашга ҳаракат қилиб кўрди. Аммо,ўз иттифоқчилигини бузиб шимолдан



Муҳаммад Шайбонийхон (1500 - 1510)

бостириб келган Шайбонийхон ҳужумидан сўнг Самарқанддан чекинишга мажбур бўлди. 1500 йилда Фарғона ҳокими Бобур Мирзо Самарқандга юриш қилди. Аммо, Шайбонийхон ундан олдинроқ ҳаракат қилиб Самарқандни эгаллаб олди. Ўша давр тарихчиларининг кўпчилиги (Бобур, Биноий, Муҳаммад Солих ва бошқалар) Шайбонийхоннинг Самарқанд ва Бухорони эгаллашида Тошкент ҳокимининг қўшинлари фаол иштирок этганлиги ҳақида маълумот берганлар.

Тошкент ҳокими Маҳмудхон Темурийларга қарши курашда Шайбонийхон иттифоқига умид қилган бўлсада, бироқ ниятига ета олмади. Шайбонийхон мавқеини йилдан йилга кучайиб бораётганлигини кўрган Маҳмудхон ундан хавфсираб қайта Темурийлар томонига ўтишга қарор қилди. Узокни кўзлаб иш тутадиган Шайбонийхон эса, ўз ҳокимиятини тўла мустаҳкамлаб олмагунига қадар Мовароуннаҳрнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида сезиларли роль ўйнаб турган амирлар билан дўстона муносабатларни сақлаб туришга ҳаракат қилди.

Мовароуннаҳрда бўлиб турган тинимсиз урушлар ҳарбий лашкарлар сонини кўпайтиришни тақозо этганлиги боис Темурийлар кўп ҳолларда лашкарлар сонини маҳаллий аҳолини мажбурий ҳарбий хизматга тортиш ҳисобидан тўлдиришга ҳаракат қилдилар. Ўз ҳисобидан от ва қурол-яроғ олишга мажбур қилинган, хонавайрон бўлган зироаткор аҳоли ҳисобидан доимий равишда ҳарбий лашкарлар сонини тўлдириб туришнинг иложи йўқлиги туфайли маҳаллий ҳукмдорлар қўшни кўчманчиларнинг ёлланма гуруҳларидан ҳам фойдаланардилар. Муҳаммад Шайбонийхон ҳам дастлаб ана шундай ёлланма гуруҳларга бошчилик қилди. Бу эса унга Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазиятдан яқинроқ вокиф бўлиш имкониятини берди.

Марказий ҳокимиятнинг заифлашувидан фойдаланган Темурийлардан бўлмаган айрим амирлар, йирик ер эгалари – тархон беклари Мовароуннаҳрда ҳокимият учун курашга қўшилган эдилар. Темурий ҳукмдорлардан тархон ёрлиғини олиб, иқтисодий жиҳатдан анча кучайган шахслардан бири Бухоро ҳокими Абдул Али тархон эди. Бу ҳолни Муҳаммад Ҳайдар Мирзо ҳам ўз асарида таъкидлаб ўтади. Асосан кўчманчиларнинг ёлланма лашкарларидан фойдаланган Абдул Али тархон марказий ҳокимиятдан мустақил сиёсат олиб боришга ҳаракат қилди. Манбада берилишича, "катта ва кичик шайбонийлар унинг [Абдул Али тархоннинг] навкарлари эдилар". Абдул Али тархон ўзининг ёлланма лашкарларига Муҳаммад Шайбонийхонни бошлиқ қилиб тайинлаган.

Маълумки, 1498-1500 йилларда Самаркандда Темурийлардан бўлган Султон Али Мирзо ҳукмронлик қилган. У сиёсат ва давлат бошқаруви борасида заиф ва калтабин шахс бўлиб, Самарканддаги ҳокимият амалда Муҳаммад Мазид тархон ва Хўжа Яҳёларнинг (Хўжа Аҳрорнинг ўғли) қўлида эди. Улар юритаётган сиёсат маҳаллий аҳоли норозилигини келтириб чиқарганлиги туфайли Муҳаммад Шайбонийхон бу вазиятдан фойдаланиб, 1498 йил Самаркандга ҳужум қилди. Ушбу ҳужум муваффақиятсизликка учради. Муаррих Муҳаммад ибн Араб Қатағон бунинг сабабини қуйидагича изоҳлайди. Мазид тархон ва Хўжа Яҳёнинг тарафдорлари (улар кўпчилик эдилар) Самаркандни Бобур Мирзога бериш учун, Султон Али Мирзо ва унинг тарафдорлари эса (улар камчилик эдилар) ҳокимиятни Муҳаммад Шайбонийхонга бериш учун курашган эдилар. Шу тариқа Самаркандниг ўзида ҳам икки сиёсий гуруҳ лагери шаклланган эди.

Аммо, 1500 йилда Самарқанд беклари Шайбонийхон ҳокимиятини тан олишга мажбур бўлдилар. Айрим сарой шоирлари, жумладан, шоир ва тарихчи Муҳаммад Солиҳ ҳам Шайбонийхон ҳокимиятини тан олди. Кейинроқ эса, Шайбонийхон Муҳаммад Солиҳга "амирлар амири ва шоирлар подшоси" деган унвон беради. 1500 йилнинг кузида Бобур Мирзо Самарқанд тахтини эгаллаган бўлсада, узоқ вақт уни қўлида саклаб қололмади. 1501 йилда Шайбонийхон шаҳарни Бобур Мирзодан яна тортиб олди.

1500 йилнинг июнида Шайбонийхон Бухоро ҳукмдори Мухаммад Боқи тархон устига юриш қилди. Уч кунлик қамалдан сўнг Бухоро зодагонлари совға-саломлар билан шаҳардан чиқиб, Муҳаммад Шайбонийхон ҳокимиятини тан олдилар. Шундан сўнг Шайбонийхон Самарқанд томонга йўлга чиққач, Муҳаммад Боқи тархон Бухоро ҳокимиятини яна қайта қўлга олишга ҳаракат қилди. Аммо, ҳал қилувчи вақтда етиб келган Шайбонийхон қўшинлари Бухорода қаршилик кўрсатган барча аҳолини қиличдан ўтказдилар.

Муҳаммад Шайбонийхоннинг ҳокимият тепасига келиши ҳақида маълумотлар берувчи манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Темурий ҳукмдорлар душман хавфи туғилган пайтда вақтинча, номигагина бирлаша олардилар. Бир-бирлари билан доимий равишда рақобатлашиб турган темурий амирлар иттифоқдош бўла олмадилар. Темурий ҳокимлар ҳар бири ўз ҳудудларини мустақил саклаб қолишга, қолган вилоятлар хавфсизлиги масаласига арашмасликка ҳаракат қилдилар. Ҳукмдорларнинг бундай сиёсат юргизиши Муҳаммад Шайбонийхонга ниҳоятда қўл келган эди. Ундан ташқари доимий урушлар, солиқларнинг кўплиги, зодагонларнинг ҳаддидан ошиб кетиши, уларнинг айш-ишрат, маишатга берилиши туфайли аҳолининг темурий ҳукмдорларга нисбатан ишончи анча сусайиб кетган эди.

Шайбонийхон 1503 йил баҳорида асосий қўшинлари билан Тошкент ҳокими Маҳмудхон ва Фарғона ҳокими Аҳмадхонларга қарши юриш қилиб Тошкент вилоятидаги Шохрухия ва бошқа кўпгина қалъаларни босиб олишга эришади. Фарғонадаги Архиан қалъаси ёнида бўлган шафқатсиз жангда Маҳмудхон ҳалок бўлади ва Тошкентда қолдирилган унинг ўғли Муҳаммад Султон Шайбонийхон қўшинлари яқинлашиши билан Тошкентдан қочиб кетади.

Тошкентга мустаҳкам ўрнашиб олган Шайбонийхон қўшинларининг катта қисми унинг укаси Маҳмуд Султон бошчилигида Хоразмга юриш бошладилар. Кат ва Булдумсоз қалъаларини эгаллаган Маҳмуд Султон бу ҳудудлардаги бир қисм аҳолини мажбуран Бухорога кўчиришга буйруқ беради. 1505 йилда ўн ойлик қамалдан сўнг шайбонийлар Урганч шаҳрини эгаллайдилар.

Шайбонийхоннинг ўзи катта қўшини билан 1504 йилда Ҳисор вилоятига юриш қилди. Бу пайтдаги Ҳисор вилоятининг ҳокими Хусравшоҳ анча катта ҳарбий кучга эга бўлсада, Шайбонийхонга жиддий қаршилик кўрсата олмади. Бунинг натижасида Ҳисор вилояти барча тоғли туманлари билан бирга Шайбонийхон ихтиёрига ўтди. Шундан сўнг Қундуз, Толикон, Бадахшон ҳамда Балх вилоятлари ҳам ишғол этилди.

Шайбонийхоннинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги рақибларидан бири Дашти Қипчоқдаги қозоқ султонлари бўлганлар. XVI асрнинг бошларида қозоқ султонлари Шайбонийхоннинг жанубга қилган ҳарбий юришларидан фойдаланиб, Мовароуннаҳрга бир неча марта босқинчилик урушларини уюштирдилар, Бухоро ва Самарқандни талон-тарож қилиб, аҳолининг маълум қисмини асир қилиб олиб кетдилар. 1509 йилда Шайбонийхон қозоқ султонлари Жониш Султон, Бурундуқхон ва Қосим Султонларга қаттиқ зарбалар берди. Бунинг натижасида Сиғноқ, Ясси, Саброн шаҳарлари қўлга олишади. Муҳаммад Шайбонийхон Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасини таъмирлашга ҳам буйруқ беради. Шайбонийхон ўзини "Халифа ур-раҳмон ва Имом аз-замон" деб атаб, келажакда бутун мусулмон оламига диний раҳнамо бўлиш истагини билдиради. Бу борада аввало ўзи душман деб билган шиа мазҳабидаги Эронга юриш қилишни режалаштирди.


Шайбонийхон 1509 йилнинг ёзида Марвни эгаллашга муваффақ бўлди. Унинг бу даврга қадар бўлган юришлари натижасида Дашти Қипчоқ, Хоразм, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг катта қисми Шайбонийлар қўл остида бирлаштирилди. Марв шаҳрини эгаллаган Шайбонийхон Эроннинг шимолий вилоятларига юриш қилди ҳамда Машҳад ва Тус шаҳарларини эгаллаб, у ердаги муқаддас жойларни зиёрат қилди. У мазкур шаҳарлардаги баъзи меъморий иншоотларни таъмирлашга ҳам буйруқ беради. Машҳад ва Тус шаҳарларини эгаллаган Шайбонийхон Эрондаги Шоҳ Исмоил асос солган Сафавийлар давлатига хавф солар эди. Шоҳ Исмоил даврида мавқеи энди мустаҳкамланиб бораётган Эрон Шайбонийхоннинг жанубга бўлган иштиёқига табиийки, қарши эди. Шубҳасиз, Шоҳ Исмоил Шайбонийхоннинг бутун мусулмон дунёсига ҳукмронлик даъвосига қарши бўлиб, ўз давлатини диний мазҳабчилик асносида душман деб эълон қилинганлигидан жуда норизо ҳам эди. 1510 йили Марвга келган Шайбонийхон бу ерда туриб жануб томонга жиддий юриш қилиш тараддудини бошлади.

1510 йил кузида Шайбонийхон унинг изидан катта куч билан етиб келган Эрон шохи Исмоил Сафавий қўшинлари билан жангга киришди. Марв яқинида бўлиб ўтган бу жангда Шайбонийхоннинг кам сонли қўшинлари* маглубиятга

* Ибн Рузбехоннинг маълумотларига кўра, Шайбонийхон 1509 йилда қўшинларининг асосий қисмини орқага қайтариб юборган. Бу билан у Мовароуннаҳрдаги сиёсий барқарорликни сақлаш ҳамда қозоқ султонларининг янги босқинларини олдини олишни кўзлаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

учради ҳамда замондошлари томонидан "Халифа ур-Раҳмон ва Имом аз-Замон" деб улуғланган Муҳаммад Шоҳбахт Шайбонийхон жангда ҳалок бўлди.

Марв яқинидаги ғалабадан сўнг Шоҳ Исмоил Шайбонийларга қарши курашда темурий шаҳзода Захириддин Муҳаммад Бобур билан иттифоқчиликни таклиф этди. Ундан ташқари, Шайбонийхон ўлимидан кейинок ўзбек султонлари орасида бошланган келишмовчиликлар давлатни заифлашувига олиб келди ҳамда Шайбонийлар кейинги жангларда мағлубиятга учрай бошладилар. Натижада Хуросон ва Хоразм қўлдан бой берилди. Бобур 1511 йил кузида Шоҳ Исмоил қўшинлари ёрдамида шайбонийлар қўл остидаги Ҳисор, Кўлоб, Қундуз, Бадахшон ва Қарши ерларини эгаллаб, Самарқандни ҳам учинчи марта қўлга киритди. Шоҳ Исмоил томонидан Мовароуннаҳрни бутунлай қўлга киритиш ниятида бўлган Бобурга тажрибали саркарда Нажми Соний*(Амир Аҳмад) бошчилигида 12 минг кишилик қўшин ҳам юборилди.



Шайбонийхон қабр тоши.

Бобурнинг иттифоқчилари, шиа мазҳабидаги эроний қизилбошлиларнинг** талон-тарожлари (айниқса, Самарқанд ва Қарши шаҳарларида) боис маҳаллий аҳоли Бобурни қўллаб-кувватламади. Бобурнинг ўзга мамлакат байроғи остида ватанига қайтиши, унинг шиа мазҳабига сиёсий мақсаддан келиб чиққан ҳолда ҳайриҳоҳлиги, кўп ҳолда қатъиятли иш тутмаслиги маҳаллий аҳоли турли қатламларида норозилик кайфиятини кучайтириб юборди. Бундай вазиятдан Шайбонийлар фойдаланиб қолишди. 1512 йил 28-апрелда Чўли Маликда шайбонийлардан бўлмиш Убайдулла Султон ва Темур Султонлар Бобурга кескин зарба бериб, уни Ҳисорга чекинишга мажбур қилдилар. Бобур ва эронийларнинг бирлашган қўшинлари билан шайбонийлар ўртасидаги ҳал қилувчи жанг 1512 йилнинг 24-ноябрида Ғиждувон яқинида бўлиб ўтади. Мазкур жангда Шайбонийхоннинг жияни, Султон Маҳмуднинг ўғли Убайдулла Султон томонидан иттифоқчилар қўшини тор-мор этилди. Жангда Эронлик саркарда Нажми Соний ўлдирилди. Эронлик қўшин эса орқага қочди. Бу мағлубиятдан сўнг Бобур Мовароуннаҳрдан бутунлай чиқиб кетди ва Кобул ҳамда унинг атрофларида ўз ҳукмронлигини тўла мустаҳкамлади. 1526 йилнинг апрелида Бобур Ҳиндистонга юриш бошлади ва у ердаги Дехли султони

---

* "Иккинчи юлдуз" маъносида

** Сафавийларнинг асосий таянч кучи бўлган ушбу аскарлар XV асрнинг 2-ярмида "қизилбошлилар" деб аталган. Бу харбий кўчманчилар шиа имомлари шарафига бошларига 12 қизил чизиқли салла ўраб юрганлар.

Иброҳим Лўдийнинг қўшинларини тор-мор келтириб, янги давлат – Бобурийлар салтанатига асос солди. Ушбу салтанат Ҳиндистонда 332 йил (1526-1858) давомида ҳукмронлик қилди***.

Муҳаммад Шайбонийхоннинг ўлимидан сўнг марказий ҳокимият анчагина заифлашди. Беклар (амирлар) ва султонларнинг кўпчилиги Шайбонийхондан кейинги бир нечта хонларга номигагина бўйсунардилар. Шайбонийхон вафотидан сўнг унинг амакиси Кучкунчихон (1512-1530) тахтга ўтирди. Айнан Кучкунчихон даврида маҳаллий султонларнинг мустақиллиги кучая бориб, улар орасида Бухоро мулки ҳукмдори Убайдулла Султоннинг обрўси анча баланд эди. Кучкунчихондан кейинги ҳукмдор Абу Саид (1530-1533) нинг қисқа ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказий ҳокимият заифлашиб, амирлар ва султонлар ўртасидаги низолар янада кучайди. Бу пайтда Хоразм мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқди ва Мовароуннаҳр ерлари парчалана бошлади.

Ўзаро урушларга бирмунча барҳам беришга эришган Убайдулла Султон 1512 йилда Бухоро ҳукмдори бўлган бўлса, 1533 йилдан бутун Шайбонийлар давлатининг олий ҳукмдори этиб сайланди. Убайдуллахон I (1533-1540) пойтахтни Самарқанддан Бухорога кўчирди. Убайдуллахон I давридан бошлаб давлат Шайбонийлар ёки Бухоро хонлиги деб ҳам атала бошланди. Ўша пайтда Самарқанд ҳукмдори бўлган Кучкунчихоннинг ўғли Абдулла Султон ҳам Убайдуллахон ҳокимиятини тан олишга мажбур бўлди. Убайдуллахон I Хоразм ва Хуросонга юриш қилди. Беш ойлик қамалдан сўнг Ҳирот шаҳрини эгаллади. У яна Мовароуннаҳр ва Хуросон ерларини бирлаштиришга муваффақ бўлди. Убайдуллахон I Эрон тайзиқига барҳам бериб, давлат ҳудудларини кенгайтирди. У ўзаро низо ва парокандаликка чек қўйиб, кучли давлат барпо этишга эришди. Унинг ҳукмронлиги даврида Бухоронинг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказ сифатидаги мавқеи кучайди. Убайдуллахон I Бухорода Мири Араб мадрасаси, Мирак Саид Ғиёс боғи, Зарафшон дарёси устига кўприк ва бошқа иншоотларни қурдирган. У "Убайдий", "Қул Убайдий", тахаллуслари остида ҳам ижод қилган салоҳиятли шоир ҳам бўлган. Убайдуллахон I араб, форс, ўзбек тилларида ғазал, рубоий, байтлар ёзган. Шоир ва ҳукмронлик мавқеини ўзида жам этган Убайдуллахон ўзбек тилининг бой имкониятлари, ўзига хос хусусиятларидан маҳорат билан фойдаланган.

XVI асрнинг 40-йилларига келиб йирик зодагонлар ва сулолалар ўртасида Мовароуннаҳрнинг пойтахт шаҳарлари ва мулклари учун ўзаро курашлар яна авж олди. Ҳукмдор хонадони вакиллари ўртасида айниқса Бухоро ва Самарқанд учун кураш кучайди. Абдуллахон I нинг қисқа ҳукмронлигидан сўнг (1540-1541) қўш ҳокимият юзага келди. Бу даврда Самарқандда Кучкунчихоннинг учинчи ўғли Абдуллатифхон (1541-1551) Бухорода эса Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон (1540-1550) ҳукмронлик қилиб, ҳар иккаласи ҳам ўзини расмий хон деб ҳисоблар эди.

---

*1526 йилнинг 21-апрелида Дехлидан шимолда жойлашган Панипат деган жойда Дехли султони Иброҳим Лўдийнинг юз минг кишилик қўшини маглуб этилди. 27-апрель куни эса Дехлида Бобур номига хутба ўқилиб, у подшоҳ дея эълон қилинди.

Ўзаро хамда сулолавий курашлар давом этаётган бир шароитда Шайбонийхоннинг невараси Муҳаммад Ёрсултон бир неча ой тахтни бошқарганидан сўнг, амалдаги ҳокимият Барокхон (Наврўз Аҳмадхон, 1551-1556 йй.) қўлига ўтди. Барокхон Абулхайрхоннинг невараси, Тошкент ҳокими Суюнчихоннинг ўғли бўлган. Отаси вафотидан сўнг Тошкент ерларини бошқарган. Тошкент ва Сирдарё бўйи ерлари ҳукмдори бўлган Наврўз Аҳмадхон Бухорода ўз ҳокимиятини тан олдириш учун Самарқанд ва Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарларига бир неча марта юришлар қилиб турди. Наврўз Аҳмадхон Усмонийлар билан дўстона муносабатларни ўрнатиб, турк яничарларини ўз давлатига таклиф қилди. У Тошкентда ўз номига мадраса қурдирди, Самарқанддаги Дарғом канали атрофини ободонлаштирди.

1556 йилда Наврўз Аҳмадхон вафот этгач, Балх ҳукмдори Пирмуҳаммадхон (1556-1561) Бухоро тахтига ўтирди. Шунга қарамасдан 1556 йилда Ахси ва Андижон мулки ҳукмдорлари Бухорони эгаллашга ҳаракат қилиб кўрдилар. Аммо, ўша пайтда катта нуфузга эга бўлган Жўйбор шайхи Муҳаммад Ислом (1493-1563) томонидан қўллаб қувватланган шайбоний Искандар Султоннинг ўғли Абдулла Султон бунга йўл қўймади*. Пирмуҳаммадхон Балхда қолиб тахтни бошқараётган, унинг номига хутба ўқитилиб, тангалар зарб этилаётган бўлсада, 1557 йилдан Бухорода Абдулла Султон ҳукмронлик кила бошлайди. Эндиликда уни Абдуллахон номи билан атай бошлашди.

Мустақил мулклар ва йирик зодагонларнинг ўзаро урушларидан уларнинг ўзларига қарши фойдаланган Абдуллахон аста-секинлик билан Мовароуннахр ерларини ўз ҳокимияти остига бирлаштира бошлади. Унинг бу ҳаракатларини жўйбор шайхлари Хўжа Ислом хамда унинг ўғли Хўжа Саъдлар фаол қўллаб-қувватлаб турдилар. 1561 йилда Абдуллахон Пирмуҳаммад билан алокаларни узди ва отаси Искандар Султонни (1561-1583 йй.) хон деб эълон қилди. Искандар Султон номигагина хон бўлиб, мамлакатни бошқарув ишларига деярли аралашмас, ҳокимият амалда Абдуллахон қўлида эди. 1583 йилда Искандар Султон вафот этгач, Абдуллахон Абдуллахон II номи билан расман хон деб эълон қилинди.

Шу ўринда масала моҳиятига кенгроқ тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон)нинг беш нафар ўғиллари қуйидаги ҳудудларни бошқарар эдилар. Хусусан Дарвишхон – Тошкентни, Бобохон – Туркистонни, Хоразмшоҳ – Сайрамни, Дўст Муҳаммад – Ахсикентни, Муҳаммад Амин – Андижонда ҳукмронлик қилишар ва хар жиҳатдан Абдуллахонга қарши туришар эди. Кўп ҳолларда улар қозоқ султонларидан хам ёрдам сўрашар эди. Гарчи 1582 йили Тошкент яқинидаги Қоракамиш ҳудудида (ҳозирда шаҳар мавзеларидан бири) Дарвишхон мағлуб бўлсада, лекин Туркистон ҳокими Бобохон Тошкентни қайта эгаллаб, ҳатто Бухоро ва Самарқанд остоналарига қадар юришни амалга оширади. Факатгина қозоқ султонлари томонидан унинг ўлдирилиши Тошкентни Абдуллахон II ҳукмига

*Бухоро яқинидаги Жўйбор қишлоғида истиқомат қилувчи шайх Муҳаммад Исломнинг бу пайтда халқ орасида обрўси жуда юқори даражада бўлган. Аввал Муҳаммад Ислом, кейинчалик унинг ўғли шайх Абубакр Саъад хонликдаги шайхулислом лавозимини эгаллаганлар.

қайтишига қайта имкон яратди. Мазкур урушлар Тошкент воҳасидаги иқтисодий аҳволни оғирлаштириб, кўп ҳолда аҳолини очлик ва муҳтожлик домига тортди.

Бундай оғир иқтисодий аҳволга кейинчалик Хоразм, Марв, Термиз ва Самарканд аҳолиси ҳам мубтало этилди. Хоннинг фармонига кўра Марв сув тўғони бузиб ташланди. Тошкент воҳасидаги Фарокат, Чиноз, Шоҳрухия каби кичик шаҳарлар буткул вайрон этилди, баъзи жойларнинг аҳолиси турли ҳудудларга кўчириб юборилди. 1582 йилнинг ўзида Абдуллахон козоқ султонларига қарши юришни амалга оширди ҳамда шайбонийларнинг эски рақиби бўлмиш Бобо султонни ўлдиришга муваффақ бўлди.

Тарихий жиҳатдан Мовароуннаҳр ўлкаси билан азалий боғлиқ бўлган Хуросон ўлкаси, хусусан унинг маркази бўлмиш Ҳирот шаҳрининг эгалланиши мамлакат учун катта аҳамият касб этар эди. 1588 йили Ҳирот тўққиз ойлик қамалдан сўнг қўлга киритилди. Эрон қўшини мағлуб этилди. Таъкидлаш жоизки, Ҳирот аҳолиси кўп жиҳатдан Абдуллахон II га ҳайриҳоҳ ҳам эди. Ҳирот ҳокимлиги хоннинг яқин ва садоқатли амалдорларидан бири бўлмиш амир Қулбобо Кўкалдошга топширилди. Кейинчалик, Хуросоннинг бошқа ҳудудлари ҳам шайбонийлар томонидан қўлга олинди.

Хоразм эса уч маротаба юришдан сўнг фақатгина 1595 йили ишғол қилинди. Хоразм аҳолиси зиммасига оғир солиқлар мажбурияти юкланди. Абулғози Баҳодирхоннинг ёзишича, солиқлар юки шунчалик оғир бўлганки, аҳоли кўп ҳолда уй-жойларини ташлаб, бошқа ерларга кўчиб кета бошлаганлар. Қочиб кетганлар зиммасидаги солиқ юки қолган аҳоли зиммасига юкланган. Кўплаб юришлар, оғир солиқлар шубҳасиз, аҳолининг маълум қисмида норозилик уйғотган.

Шунга қарамасдан, ўзаро парокандалик, низо ва талончиликдан чарчаган аҳолининг катта қисми, турли қатламлар, савдогарлар, зодагонлар, руҳонийларнинг аксарияти Абдуллахон II томонидан олға сурилган кучли ва марказлашган давлат барпо этиш ғоясини қўллаб-қувватладилар. Чунки, айнан марказлашган кучли давлатгина иқтисодий хўжалик ҳаётнинг ўсишига, савдо-сотиқ муносабатларининг ривожланишига имкон яратар эди. Қолаверса, турли низо ва парокандаликни тугатишдан аҳолининг барча қатламлари манфаатдор эдилар.

Шайбоний ҳукмдорлари орасида Абдуллахон II ўзининг қатъиятлилиги, узоқни кўзловчи сиёсатчи ва саркардалик қобилияти билан ажралиб турарди. У марказлашган Шайбонийлар давлатини тиклаш мақсадида бебош ва ўзларини мустақил ҳисоблайдиган амирлар, султонлар, мулклар ҳукмдорлари билан тинимсиз тарзда кураш олиб боришга мажбур бўлди. Тинимсиз урушлар натижасида 1573 йилда Фарғона, 1574 йилда Шаҳрисабз, Қарши, Ҳисор ерлари, 1578 йилда Самарқанд, 1582 йилда Тошкент, Шоҳрухия, Сайрам, Оҳангарон, 1583 йилда Балх, 1584 йилда Бадахшон, 1588 йилда Ҳирот ва унинг атрофлари,1595 йилда Хоразм Абдуллахон II ҳокимияти остига бирлаштирилди. Абдуллахон II узоқ йиллик олиб борилган урушлардан сўнг бутун Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразм ва Туркистонни қўлга киритиб Шайбонийхон тузган давлатни қайта тиклашга муваффақ бўлди.

Ҳунармандлар ва шаҳар савдо-сотиқ аҳли, бадавлат зодагонларнинг бир қисми, шунингдек руҳонийларнинг маълум қисми ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда марказлашган қудратли давлат барпо этиш ғоясини қўллаб-қувватладилар. Абдуллахон II олий ҳукмронлик мавқеини мустаҳкамлаб олгач, маҳаллий ҳоким, зодагон, ҳарбий қўшин бошлиқлари ҳақ-ҳукукларини чеклай бошлади. Жойларда ўзаро фитна ва айирмачи гуруҳларга қарши кураш олиб борди. Мазкур ҳолат ўз навбатида қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдони ривожига замин бўлиб хизмат қилди. Айнан Абдуллахон II иқтисодий ҳаёт ва қурилиш, ободончилик ишларига катта эътибор билан қаради. У томонидан амалга оширилган пул ислоҳоти натижасида олтин, кумуш, мис тангалар умумдавлат микёсида ягона ўлчов ва ҳажм бирлигида муомалага чиқди. Ўзаро хўжалик алоқалари, айниқса, ички ва ташқи савдо бу ислоҳот натижасида бир маромда тараққий топди. Убайдуллахон I, кейинчалик Абдуллахон II даврида пойтахт Бухоро шаҳри қурилиши ва ободончилигига катта эътибор қаратилди.Бу даврда шаҳардан ташқаридаги Сумитон ҳудуди ҳам пойтахт ҳудудига киритилди. Тўғри, бир томондан пойтахт ободончилиги, қурилишига катта эътибор қаратилган бўлсада, иккинчи томондан бу ишларга жалб этилган халқ оммаси зиммасига оғир соликлар масъулияти ҳам юкланар эди.

Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлиги билан Усмонийлар ўртасида ҳарбий соҳада ўзаро муносабатлар анча ривож топди. Аввал Наврўз Ахмадхон, кейинчалик Абдуллахон II турк султонлари билан ўзаро мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйдилар. Бу пайтда Наврўз Ахмадхон ва бошқа хонлар хизматида турк яничарлари (навкарлари) бўлганлигини тарихий манбалар ҳам исбот қилади. Муҳаммад Юсуф Мунший ўз асарида Абдуллахон II нинг ўғли Абдулмўминнинг турк султони Мурод III (1574-1579) га ёзган хати нусхасини келтиради. Хатда 1569 йилда Машҳад олинганидан сўнг, юзага келган вазият нуқтаи назаридан келиб чиқиб, Эронга қарши ҳамкорликда юриш қилиш лозимлиги хақида сўз юритадилар. Шу билан бирга Ҳиндистон билан ҳам мустаҳкам алоқалар ўрнатила бошланди. Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда бир вақтда юзага келган қудратли давлатлар бунга асос бўлиб хизмат қилди.

1572 йилдаёқ Ҳиндистондаги бобурий подшоҳ Акбаршоҳ (1542 -1605) ҳузурига илк бухоролик элчи Хўжа Олтимиш юборилади. У ўзи билан бирга Абдуллахоннинг ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини ўрнатиш хусусидаги мактубини ҳам олиб боради. Абдуллахон II нинг кейинги вакили 1577 йили Абдураҳим элчи Акбаршоҳ ҳузурига нафақат дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш, балки тегишли ҳудудда биргаликда сиёсий ва ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш, жумладан, Эрон давлати ерларини бўлиб олиш режасини ҳам тақдим этади. Акбаршоҳ жавоб тарикасида ўз элчиси Мирза Фуладни Бухорога тегишли нома билан жўнатади.

Бу вақтда Абдуллахон II томонидан Хуросоннинг эгалланиши хатто Россия подшоси Фёдорнинг ҳам қулоғига етиб боради. У эса козок султонлари билан Эрон шоҳи биргаликда Шайбонийларга қарши курашишлари лозим деган хулосага келади. Таъкидлаш жоизки, аввал бошида нисбатан сукут саклаган Ҳиндистон ҳам Эроннинг заифлашувидан манфаатдор эди. Акбаршоҳ Эрон

қўлидан Қандаҳорни тортиб олишни ҳам режалаштирган эди. Лекин, шу билан бирга Акбаршоҳни Абдуллахон II томонидан 1584 йили Бадахшоннинг эгалланиши ҳам анча ташвишга солиб қўйган эди.

Абдуллахон II томонидан Ҳиндистонга юборилаётган Мир Қурайш бошчилигидаги элчилик миссияси зиммасига Бадахшоннинг эгалланиши ҳамда Хуросонни Шайбонийлар давлати таркибига киритиш билан боғлиқ масалаларга изоҳ бериш вазифаси юкланди. 1586 йили Акбаршоҳ томонидан юборилган Ҳаким Ҳумом ва Садр Жаҳон бошчилигидаги элчилар, 1590 йили Бухородан Ҳиндистонга юборилган Мавлоно Ҳусайн раҳбарлигидаги элчилик миссияси ўзаро савдо иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Таъкидлаш жоизки, халқаро майдонда Абдуллахон II нинг Эронга қарши аввал Усмонийлар, сўнг Ҳиндистон билан иттифоқликда қарши ҳаракат қилиш режаси ўз самарасини бермади. Чунки, Усмонийларнинг ҳам, Ҳиндистоннинг ҳам геосиёсий майдонда ўз хисоб-китоби ва манфаатлари мавжуд бўлган. Абдуллахон II ўзининг сўнгги ҳукмронлик йилларида ташқи сиёсат майдонида маълум муваффақиятсизликларга дуч келди. Бир вақтлар ҳокимиятга келишда ўзи ёрдам берган собиқ иттифоқчиси бўлмиш қозоқ султони Таваккал (1586-1598) шимолдан Шайбонийларга хавф сола бошлади. Хусусан, у Тошкент ва Самарканд остоналарига қадар ҳужумларни уюштирди. Жануб, яъни Эронда кучли ҳукмдорлик мақомига эга бўла бошлаган Аббос I (1587-1628) Шайбонийларни Хуросондан сиқиб чиқаришга ҳаракат қила бошлади.

Шимолга сафарга чоғланган Абдуллахон II нинг вафоти (1598 йил февраль) хонликдаги ички ва ташқи сиёсат борасидаги ахволга жиддий таъсир кўрсатди. Хон вафотидан сўнг жойларда халқ ғалаёнлари, маҳаллий ҳокимларнинг айирмачи ҳаракатлари бошланиб кетди. Абдуллахон II нинг вориси ва ёлғиз ўғли Абдулмўминхон гарчи отасининг сиёсатини давом эттиришга ҳаракат қилсада, лекин унинг ҳаддан зиёд шавқатсизлиги, берахмлиги, қариндош-уруғлар, сарой аҳлига нисбатан қирғин-бароти янги хонга нисбатан фитна тайёрланишига замин бўлиб хизмат қилди. 1598 йил охирларида Абдулмўминхон фитнада ўлдирилди[2].

Шайбонийлар хонадони вакилларидан бу қирғин-барот натижасида тахтга деярли муносиб вакил ҳам қолмади. Бухоролик бир гуруҳ амалдорлар шайбонийлардан бўлмиш Ибодулла Султоннинг ўғли Абдуламинни хон қилиб кўтаришга ҳаракат қилдилар.Бошқа бир кўпчиликни ташкил этувчи аслзода ва ҳарбий уруғ бошликларидан иборат гуруҳ Балх ҳокими Абдуллахон II нинг жияни Пирмуҳаммадни тахтга ўтказишга муваффақ бўлдилар. Шайбонийлар сулоласининг охирги вакили Абдуллахон II нинг амакиваччаси Пирмуҳаммад II (1598-1601) гарчи ҳукмдорлик тахтига ўтирган бўлсада, унинг бутун ҳукмдорлик даври жангу-жадалларда ўтди. Хусусан, у қозоқ султонларини хонлик ҳудудидан ҳайдаб чикариш учун жангу-жадаллар олиб борди. Шунингдек, хон турли низо

---

[2] *Абдулмўминхон отаси ҳаётлик чоғида, 1582-1598 йилларда Балх ва Бадахшон вилоятлари ҳокими бўлган. Ҳирот эгалланғандан сўнг, унинг ҳокимлиги Кулбобо Кўкалдошга тақдим этилиши шаҳзода Абдулмўминхонни отасига қарши чиқишига сабаб бўлди. Ота-бола ўртасида муносабатлар ёмонлашиб, 1597-йили Абдулмўминхон Амударё бўйларида хон ҳокимиятига қарши бош кўтарди. Мазкур низо уламолар аралашуви туфайли бартараф этилади. Абдулмўминхон кейинроқ ҳам Хуросонда Эрон сафавийларига қарши курош олиб боради.*

ва исёнлар домига хам аралашиб колди. 1601 йили шу низоларнинг бирида Самарқанд яқинидаги Боғишамол деган жойда қўлга олинди ва 80 ёшга етган кекса киши бўлишига қарамасдан аштархоний Боқимуҳаммад томонидан ўлдирилади. Бир аср давомида ҳукмронлик қилган Шайбонийлар сулоласи айнан шу ҳукмдор номи билан ўз ниҳоясига етди.

3.2 Бухоро хонлигида давлат бошқаруви

XVI асрнинг бошларида Мовароуннаҳрнинг Муҳаммад Шайбонийхон томонидан эгалланиши бу ҳудудларнинг хон уруғи вакиллари бўлган ўзбек султонлари томонидан бўлиб берилишига сабаб бўлди. Айрим ҳолларда Шайбонийхон баъзи қабила бошликларига маълум мулкларни хам берган. XVI асрнинг 60-йилларидан бошлаб Бухоро Шайбонийлар давлатининг маъмурий-сиёсий маркази сифатида эътироф этилганидан сўнг қонун кучига эга бўлган барча ҳужжатлар Бухородан чиқарилган. Давлатдаги бошқарув аппаратини ташкил этган кўп сонли амалдорлар гуруҳи ҳам айнан Бухорода жойлашган эди.

Маъмурий жиҳатдан Бухоро хонлиги вилоятлар ва туманларга бўлинган. Мирза Бадиъ Девоннинг маълумот беришича, Бухоро хонлиги бошқарувида ўзига хос анъана ва қонунлар ўрнатилган бўлиб, жойлардаги юқори мансабга эга бўлган зодагонлар давлат бошлиғи томонидан ҳокимликка кўтарилган.

Йирик ҳудудларда ташкил топган Шайбонийлар давлати хон томонидан бошқарилган. Хонликнинг сиёсий тизимида ўзбек давлатчилигининг Сомонийлардан Темурийларгача бўлган даврида қарор топган давлат бошқаруви қонун-қоидалари ҳамда хусусиятлари билан биргаликда кўчманчиларга хос анъаналар ҳам мавжуд бўлган. Хон – чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиб, у ўз атрофида вилоят, туман ҳокимлари ҳамда нуфузли қабила бошликларини бирлаштирганидан сўнг мустақил сиёсат олиб борган. Аммо, айрим вилоят ҳокимлари мавқеи кучайиб марказий ҳокимиятга бўйсунмай қўйган ҳолатлар ҳам бўлиб турган. Бундай ҳолат айниқса Абдуллахон II даврида кучайган бўлиб, у бўйсунмас ҳокимларнинг аксариятини бўйсундиришга муваффақ бўган эди.

Шайбонийлар давлати бошқарувида аньанавий мусулмон одатлари ва шариат қонун-қоидаларига қаттиқ риоя қилинган. Давлатдаги олий ҳукмдорлик отадан болага эмас, балки сулоладан энг улуғ ёшли шахсга ўтиш тартиби дастлабки шайбонийлар даврида сақланиб қолган эди, лекин XVI асрнинг 40-йилларидан бошлаб ворисийликда тахтни отадан болага ўтиш анъанаси кучаяди ҳамда Абдуллахон II даврида аниқ бир шаклга тушади.

Давлат бошқарувида хон саройидаги олий даражали амалдорлардан ташкил топган марказий бошқарув ҳамда вилоятлар ва туманлардаги маҳаллий бошқарув асосий ўринда турар эди. Табиийки, хон улар ёрдамида ҳамда бевосита иштирокида давлатдаги маъмурий бошқарувни амалга оширган.

Илгариги сулолалар даврида бўлгани каби Шайбонийлар даврида ҳам олий давлат идораси – даргоҳ хисобланган. Даргоҳ тепасида хон турган бўлиб, бу идора сарой девонида жамланган ҳамда давлатнинг ички ва ташқи ҳаётига оид барча масалаларни ҳал қилган. Чунончи, давлатнинг олий даражали амалдорлари аъзо ҳамда одатда бош вазир томонидан бошқариладиган бу

маҳкама давлатнинг сиёсий, молиявий, ҳарбий, ташкилий ва бошқа масалаларини кўриб чиқар эди. Бу ерда қабул қилинган қарорлар хоннинг тасдиғи билан кучга кириб, ҳаётга тадбиқ этилган. Шайбонийлар давлатида девонбеги (бош вазир) лавозими катта обрўга эга бўлиб, у давлат молия ва хўжалик ишларини бошқарган. Таъкидлаш жоизки, кўплаб кўкалдош, оталиқ, нақиб, вазири аъзам, вазир каби олий даражали сарой амалдорлари, нуён, туғбеги, қутвол, дорўға, қурчибоши каби ҳарбий амалдорлар, жўйбор шайхлари, садрлар, шайхулислом каби диний уламоларнинг фикрлари ва манфаатлари ҳам қарорлар қабул қилинишида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Шайбонийлар давлат бошқарувидаги муҳим амаллардан бири нақиб ҳисобланган. Нақиблик мансаби хон ҳузурида катта ваколатларга эга бўлиб, нақиб хоннинг энг яқин ва ишончли кишиларидан бири бўлиб ҳисобланган. Манбаларга кўра, расмий қабул маросимларида нақибнинг олий ҳукмдордан чап томонда биринчи бўлиб жой олиши нақибнинг даргоҳдаги юксак мартабасидан далолат берарди. Шунингдек, хон томонидан чиқарилган фармон ва ёрлиқларда ҳам нақибнинг номи биринчи бўлиб зикр этилган. Нақибга давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳамда ҳарбий масалаларда олий ҳукмдорнинг биринчи маслаҳатчиси сифатида қаралган Айрим ҳолларда ҳарбий музокаралар учун ҳам хон рақиблар томонига ўз нақибини жўнатган.

Ҳарбий юришларни уюштириш, урушларни давом эттириш ёки тўхтатиш, рақиб томоннинг ҳарбий-стратегик томонларини ўрганиш каби вазифалар ҳам нақибга юклатилган ҳамда хон унинг маслаҳатлари билан қарор қабул қилган. Манбаларга кўра, нақибларга ўта маъсулиятли бўлган элчилик вазифалари ҳам юклатилган. Шайбоний ҳукмдорлари нақиблик лавозимига асосан Муҳаммад пайғамбар(с.а.в) авлодлари ҳисобланган сайидлар хонадонига мансуб шахсларни тайинлаганлар.

Шайбонийлар давлатидаги муҳим мансаблардан яна бири оталиқ бўлган. Бу мансабга тайинланган шахс, аввало, вояга етмаган шаҳзоданинг тарбияси учун масъул бўлган. Мазкур лавозим эгаси шаҳзодага оталиқ қилиб, отасининг ўрнини босадиган даражада тарбия берган. Оталиклар шаҳзодаларга мулк қилиб берилган вилоятлардаги хон ҳокимияти сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлганлар. Хонлар вояга етмаган шаҳзодаларга вилоятларни мулк сифати тақсимлаб берганда уларни доимий назорат қилиш учун ўзининг ишончли кишиларини оталиқ қилиб тайинлаган. Бундай ҳолларда шаҳзодалар вояга етгунига қадар маълум вилоятлардаги бошқарув ишлари оталиклар қўлида бўлган. Оталиклар амалда бутун бир вилоят тақдирини, унинг марказий ҳокимият билан муносабатларини ҳал қилганлар.

Давлат ишларида кўкалдош (айнан маъноси-бир онадан сут эмган) мансаби ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Кўкалдошлар давлат билан дўстона ва душманлик муносабатида бўлганлар ҳақида маълумотлар тўплаган. Шунинг учун хам кўкалдош даргоҳнинг энг ишончли кишиларидан ҳисобланиб, бу амалдаги кишиларнинг вазифаси мамлакатда олий ҳукмдор олиб бораётган сиёсат дахлсизлиги, унга фуқаронинг муносабатларини ўрганишдан иборат бўлган. Кўкалдошлар юқори мавқега эга бўлиб, бадавлат кишилар бўлган.

Тошкент ва Бухорода кўкалдошлар ўз маблағлари хисобидан мадрасалар қурдиргани маълум.

Хон ясовули лавозимидаги шахслар сулола ички муносабатларига оид бўладиган тадбирларни бошқариб турганлар. Чунончи, олий хукмдор билан шаҳзодалар ўртасидаги муносабатларни ўрнатилган тартиб асосида йўлга қўйиш, хоннинг шаҳзодаларни қабул килиши, уларнинг арзлари, илтимосларини хонга етказиш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Шайбонийлар хонлари ҳаётида овчилик муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун ҳам хон ҳузуридаги қушбеги ёки амири шикор лавозими маъсулиятли хисобланган. Амири шикорнинг вазифаси хон ва султонларнинг овларини уюштириб туриш бўлган. Ов қилинадиган жой атрофидаги қишлоклар аҳолиси ўз от-улови, курол-аслаҳаси билан келиб хон ва султонларнинг ов ўтказишларида уларга ёрдам бериш, улар дам олганларида кўнок ҳамда озиқ-овқат билан таъминлаш ишлари ҳам қушбегининг вазифаси хисобланган. Манба тили билан айтганда, "турли овчи қушлар (лочин, бургут), този итлар ва бошқалар" ни тайёрлаш ҳам амири шикорнинг зиммасида бўлган.

Давлат даргоҳидаги хавфсизликни таъминлаш, ички тартиб қоидалар, келди-кетгидан хабардорлик эшикоғабоши лавозимидаги шахс зиммасида бўлган. Ушбу мансаб чап эшикоғабоши, ўнг эшикоғабоши, эшикоғабоши каби лавозимларга тақсимланиб, бу хизмат вакиллари уруш пайтларида олий ҳукмдорнинг энг муҳим ҳарбий топшириқларини ҳам бажариб борганлар.

Умуман олганда, ўша замонларга хос равишда давлатнинг бирор-бир хизмат идораси, хизмат тури намоёндалари уруш пайтларида ўзларининг тўғридан-тўғри вазифаларига қўшимча равишда ҳарбий фаолият билан ҳам шуғулланиб келганлар. Бу ҳолатни мирохур(олий ҳукмдорга тегишли йилқи, от-улов, уларнинг таъминоти кабиларга масъул), шиғовул(чет эл элчиларини қабул қилиш бўйича махсус хизмат бошлиғи), қушбеги, чухрабоши(махсус ҳарбий қисм бошлиғи), баковул, дастурхончи каби хизматлар фаолияти орқали ҳам кўриш мумкин. Яъни, улар ўз маъмурий идоравий вазифаларидан ташқари ҳарбий юмушларни ҳам бажариб келганлар.

Мамлакатнинг сиёсий ҳаёти, давлат бошқарувида ҳарбий маъмурий амалдорлар, йирик саркардалар, қўшин бошликларининг (умаро) ҳам ўрни катта эди. Даргоҳдаги ҳарбий ишлар билан боғлиқ чухрабоши ва қурчибоши (қурол-аслаҳа хизмати бошлиғи) вазифаларидан ташқари жибачи, жарчи, коровулбеги, туғбеги каби хизматлар ҳам бўлган. Ички ва ташқи хавфни бартараф этишда, янги ерларни босиб олиш учун қилинадиган истилочилик юришларда қўшинларнинг сони, ҳарбий тайёргарлиги, қўшин бошликларининг қўмондонлик маҳорати кабилар катта аҳамият касб этган.

Бухоро хонлигида марказий ва маҳаллий бошқарув тизими



Шайбонийлар давлати бошқарувида ҳарбий-маъмурий амалдорлардан ташқари, уламолар, шайхлар ва хожаларнинг ҳам мавқеи катта бўлган. Энг кучли ҳукмдорлар ҳам уламолар билан ҳисоблашишга мажбур бўлганлар. XVI асрнинг бошларида Шайбонийхон йирик дин пешволарининг давлат ишларига сиёсий таъсирини анчагина пасайтиришга муваффақ бўлган ва диний ҳамда дунёвий ҳокимиятни ўз қўл остида бирлаштирган эди. Орадан кўп ўтмасдан Бухоро хонлигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида, айниқса Бухоро шаҳрида йирик дин пешволарининг таъсири яна кучаяди. Бу даврга келибижтимоий-маънавий ҳаёт бобида Жўйбор руҳонийлари, дин пешволарининг мавқеи кўтарилиб кетди.

XVI асрнинг ўрталаридан бошлаб жўйбор шайхлари олий ҳукмдор тақдирини ҳал қилиш даражасидаги мавқега кўтариладилар. Қишлоқларда катта-катта ерларга, шаҳарларда эса йирик кўчмас мулкларга эга бўлган шайхлар йирик зодагонлар ва амалдорларга ҳам ўз таъсирини ўтказганлар. Манбаларга кўра, забардаст Шайбонийлар ҳукмдорларидан бири бўлган Абдуллахон II ҳам аввал Хожа Ислом, кейин эса Хожа Саъдларнинг сиёсий ва хўжалик фаолиятини қўллаб-қувватлаган. Давлатдаги Шайх-ул-ислом лавозими ҳам жўйбор шайхлари хонадонидан тайинланган. Дин пешволари орасида шайх ул-ислом, садр, қози калон, муфтий каби диний мансабларнинг мавқеи анча юқори бўлган.

3.3 Ҳарбий иш

Шайбонийлар давлати, унинг сиёсати, бошқарув ишларида йирик саркардалар, қўшин бошлиқлари, қўмондонлар ва амирларнинг ҳарбий маҳорати катта аҳамиятга эга эди. Барча шайбоний ҳукмдорлари ҳарбий сиёсатни Дашти Қипчоқ ўзбекларининг анъаналарига асосланиб олиб борганлар ҳамда бу

жараёнда зарур ҳолларда зудлик билан тўпланадиган кўп сонли қўшинларга таянганлар. Ундан ташқари Шайбонийлар ички ва ташқи хавфни бартараф этишда, давлат сарҳадларини кенгайтириш учун қилинадиган юришларда қўшиннинг сони, ҳарбий тайёргарлиги, жанг усуллари, қурол-яроғлар, қўшин бошлиқларининг ҳарбий маҳорати кабиларга ҳам катта эътибор қаратганлар.

Шайбонийлар давлатида қўшин тўплаш, қўшин таъминоти, унинг таркиби, қўшинни жангга тайёрлаш, қурол-аслаҳалар, ҳарбий ва қоровуллик хизматини ўташ, ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш асосан Чингизхон ва Амир Темур қўшинларининг ҳарбий тузилмаси ва тизимига асосланган бўлиб, унга Шайбонийхон томонидан Дашти Қипчоқ аҳлига хос бўлган айрим ўзгаришлар киритилган.

Ҳарбий ҳаракатлар даврида қўшин ўқ-ёй, узун найза, қилич, гурзи, узун дастали жанг болтаси (табарзин), чангак каби асосий ҳужум қуролларидан фойдаланган. Қўшинда ҳимоя воситаси сифатида қалқон (сипар), ҳамда темир симдан майда қилиб тўқилиб, усти ипак ва бахмал мато билан ёпилган совут (жовшан) ёки жиба (жева) – темир ёки пўлатдан ишланган махсус кийим кабилардан фойдаланилган.

Абдуллахон II даврида Усмонийлар давлати ва Россиядан пилта милтиқ ва замбараклар ҳам келтирила бошланган.Қўшиннинг асосий жанговар қисмини суворийлар ташкил этарди. Шу сабабли ҳам ўзаро урушларда катта роль ўйнаган отларнинг ҳимоясига катта эътибор бериларди. Манбаларда камон ўқи ўтмаслиги учун отлар устига махсус ёпинчиқ – гежм (кежим) ёпилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Шайбонийлар қўшини таркибида душманнинг шаҳар ва мудофаа қўрғонларини ишғол этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган нафтандозлар, манжаниқчилар ва тош отувчилар қисмлари ҳам бўлган. "Абдулланома"да бу қуроллар ва замбараклакларни жойлаштириш, қалъа деворларига зарбалар беришда ўша даврда устоз Рухий исмли киши бошчилик қилгани қайд этилади.

XIV асрнинг иккинчи ярмида Абдуллахон II Бухоро хонлиги қўшинининг жанговарлигини ошириш мақсадида қатор ислоҳотлар ўтказади. Хусусан, ўша давр учун замонавий ҳисобланган қурол-яроғларни Европадан келтиришга муваффақ бўлади. Ҳофиз Таниш Бухорий Абдуллахон қўшинида Фарангистондан олиб келинган пилта милтиклар, фаранги жавшан (совут) ҳамда замбараклар борилги ҳақида ёзади. Шунингдек, бу даврда Усмонийлар давлати билан ҳарбий соҳада ҳам маълум алоқалар ўрнатилган эди. Масалан, Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон) ўз қароргоҳига 300 нафар турк яничарларини хизматга олган.

Шайбонийлар қўшинининг олий бош қўмондони хоннинг ўзи ҳисобланган. Алоҳида бўлинмалар – ўнг қанот, сўл қанот, қалб, коровул ва хировулларга хоннинг ўғиллари, қариндошлари ёки жангда синалган, тажрибали ва довюрак нуёнлар (ёки султонлар) бошлиқ қилиб тайинланган. Илгариги даврларда бўлгани каби Шайбонийлар қўшини ҳам ўн минглик (туман), минглик, юзлик, ўнлик бўлинмаларга бўлинган.

Шайбонийлар қўшини асосан калб (кавл) деб аталувчи марказий қисм, баронғор (ўнг қанот) ва жавонғор (сўл қанот) қисмларидан ва хировул

(қўшиннинг орқа қисми)дан ташкил топган. Ўнг қанотни дўрмон, тубойи, чимбой ва уйғур қабилаларининг лашкари, сўл қанотни эса буркут, қиёт, қўнғирот, найман, қушчи, манғит, ушун (уйшин), ийжонлар ташкил этган. Танғут, ўтарчи, ўкариш-найман, жот, хитой, қорлиқ, кенагас, эчки, туман-минглар бўлса, академик Б.Аҳмедовнинг қайд этганидек, манглай, қанбул ва коровулни ташкил этган. Манбаларда қўшиннинг қанотларига бошчилик қилган саркарда ўғлон деб ҳам эслатилади. Қўшин олдида манглай деб аталувчи ҳарбий қисм ярим доира шаклида саф тортиб борган. Унинг олдида эса тез ҳаракатланувчи кичик жанговор қисм – илғор бўлган. Шунингдек, умумий қўшин олдида коровулдеб аталувчи махсус қисм, қўшиннинг ўнг ва сўл қанотлари олдида борувчи кичик ғўл деб номланувчи бўлинмалар ҳамда қўшин ортидан борувчи махсус ёрдамчи бўлинма – чаноқ ҳаракат қилган.

Қўшин таркибида туғчи қисм, яъни, байроқ остида заҳирада турувчи (туғни кўрикловчи) 20-30 минг кишилик жанговар ҳарбий бўлинма ҳамда забонгири, яъни, душман томонидан "тил" тўтиб келувчи махсус бўлинма ва хабаргири – душман тўғрисида маълумот келтирувчи (разведка) махсус бўлинмалар ҳам бўлган. Ҳарбий юришлар пайтида хон учун расмий қабул маросимлари ўтказиладиган жой–баргоҳ деб аталган. Қўшинда сараланган ўзбек навкарларидан тузилган хоннинг хос соқчилари ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

Шайбонийлар ҳарбий қўшинларининг тузилиши қуйидагича бўлган:



Қўшинни йиғиш ва юришга тайёрлаш, уларнинг маошини тўлаш ҳамда бошқа ташкилий ишлар билан махсус амалдор-тавочи шуғулланган. Тавочилар

катта ҳуқуққа эга бўлиб, лашкар тўплашдан ташқари, ҳарбий юришлар пайтида қўшин учун тўхташ жойларини белгилаш ва айни вақтда қўшин тўхтаган ерда ов ташкил қилиш билан ҳам шуғулланганлар. Лашкар тўплаш иши жарчи деб аталадиган амалдорларга ҳам топшириб турилган.

Ҳарбий юриш вақтида қўшиннинг озиқ-овқат заҳирасини аҳолининг қўлида бўлган ортиқча озиқ-овқатни мусодара қилиш йўли билан тўлатиб турган. Бундай тарзда озиқ-овқат тўплаш "юртовул" ("юрт овламоқ") деб аталган. Бунда хон султонлардан бирининг бошчилигида йўл ёқасидаги қишлоқларга махсус ҳарбий қисм юборар ва бу қисм аҳолидан озиқ-овқат ва чорваларни тўплаб келар эди.

Қўшинни қурол-яроғ билан таъминлашга маъсул бўлган амалдор жевачи бўлиб, у хоннинг қурол-аслаҳаларига ҳам жавобгар бўлган. Хон ва қўшин бошлиқларининг алоҳида топшириқларини бажарувчи шахслар ясовул (Абдуллахон II даврида-мубошир) деб аталган. Хоннинг шахси ва саройни қўриқловчилар қўрчи, хон байроғини кўтариб юрувчилар яловбардор деб номланган. Абдуллахон II даврида қўшинга замбараклар жорий этилган бўлиб, қўшинда тўпчибоши мансаби пайдо бўлади. Ҳарбийлар устидан қаттиқ назорат ўрнатилган бўлиб, улар содир этган жиноят ва жазо турлари махсус ҳарбий судьялар-қози аскар ҳамда муфтий аскар томонидан кўриб чиқилган.

Манбаларда Шайбонийлар қўшинининг ҳарбий маҳорати ва санъати тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Заҳириддин Муҳаммад Бобур шайбонийларнинг "тўлғама" (душман қанотларини айланиб ўтиб, орқадан ҳужум қилиш) деб аталган жанг усулини мақтаб ёзади. Ибн Рўзбеҳон шайбонийларнинг жанг олдидан жуда тез тўплана олиши, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик билан жанг қилишини ўз асарларида алоҳида таъкидлаб ўтади.

3.4 Ер эгалиги муносабатлари. Иқтисодий ҳаёт.

Барча туркий халқларда бўлгани каби шайбонийлар давлатида ҳам ҳокимият, қўшинларнинг тузилиши масалаларида мавжуд одат ҳуқуқлари нисбатан устунроқ бўлган. Ушбу давлат ташкил топган дастлабки даврда унда асосан Абулхайрхон давлатининг тузилиши ҳамда анъаналари сақланиб қолинди. Ундан ташқари ер-мулк масаласида Темурийлар давлатида вужудга келган хизмат эвазига ер-мулк инъом қилиш шакллари Шайбонийлар давлатида ҳам қўлланилган. Бу даврда Бухоро хонлигида ер ҳуқуқи масалаларида: давлатга қарашли ерлар, ушр ерлари, ҳурри хорис ерлари, вақф ерлари, хон ва амалдорларга тегишли ерлар, кўчманчи қабила ва уруғларга тегишли ерлар, суюрғол ерлари, танҳо, тиул ҳамда тархонлик ерлари мавжуд бўлган.

Иқто атамаси XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб гарчи муомаладан чиқиб, ўз ўрнини туркийча "суюрғол" атамасига бўшатиб берган бўлсада, шайбонийлар даври айрим манбалари ва ҳужжатларида "иқто" атамасини учратиш мумкин. Чунки, иқто, суюрғол, танҳо, тиул атамалари ва шу шаклдаги ер мулки ҳуқуқининг мазмуни бир-бирига деярли яқин бўлган. Яъни, бундай ер мулклари давлат олдидаги маълум бир хизматлари учун маълум ҳадя ёки инъом

маъносини англатган. Бу хусусдаги маълумотлар махсус ҳисоб-китоб дафтарларида сақланган.

Суюрғол шайбонийлар даврида ҳам кенг қўлланилган бўлиб, шаҳзодалар, йирик зодагонлар ва нуфузли дин пешволарига маълум шарт ва имтиёзлар асосида берилган ер мулки бўлиб, у наслдан наслга ўтган. Суюрғол эгаси давлатга тўланадиган солиқлардан озод қилинган бўлиб, ўз суюрғолидан оладиган даромаддан ўз ихтиёрича фойдаланган. Бундай имтиёзли суюрғол "дарубаст суюрғол" деб аталган.

Шаҳарлар, туманлар ва ҳатто вилоятлар ҳам алоҳида хизмат кўрсатган шахсларга суюрғол қилиб берилган. Мисол учун, XVI асрнинг бошларида Қарши Худойберди Султоннинг суюрғол мулки бўлган.

Давлат ерлари деҳқонларга муддатсиз меросий фойдаланишга ижара сифатида берилган. Дарубаст сифатида мулк ва ер бериш, Абдуллахон II даврида айниқса ривожланиб, у ўзининг пирлари Хожа Ислом ва унинг авлодларидан Хожа Саъдга ҳамда бошқа Жўйбор хожаларига бутун-бутун босиб олинган вилоятларни дарубаст сифатида ҳадя қилган. Ушбу мулк меросий суюрғол (ҳадя) бўлиб, у барча солиқлардан озод қилиш ҳақидаги имтиёзлар билан бирга ворисликка қолдириш ҳуқуқи билан берилган ер ва бошқа мулклардан иборат бўлган.

Жўйбор хожаларининг Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Марв ва бошқа вилоятларда катта ер майдонлари бўлиб, бу мулклар мерос тариқасида авлоддан авлодга ўтган ва барча солиқлардан озод этилган. Хонлар ва бошқа йирик амалдорлар томонидан уларга ҳадя этилган ер мулкларидан ташқари улар Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг серунум яйловларига, беҳисоб подаларга, катта шаҳарларда жойлашган ўз ҳунармандчилик дўконларига, савдо расталарига, тегирмонлар, ҳаммом ва карвонсаройлардан келадиган даромадларга ҳам эга бўлганлар.

Каттадан-катта бойликларга эга бўлган жўйбор шайхлари ўз хусусий ерларидан ташқари вақф ерлардан келадиган даромадни ҳам назорат қилганлар. Хожаларнинг давлат ишларидаги мавқеи шунчалик кучли эдики, улар ҳатто, амалдорларни юқори мансабларга тайинлаш ёки четлатишда ҳам катта таъсирга эга бўлганлар.

Шайбонийлар даврида ер эгалигининг қуйидаги асосий турлари мавжуд эди:

1. Мулки султоний ёки мулки мамлака (манбаларда мамлакаи девон, мамлакаи подшоҳий, замини мамлака, мамлакати султоний, мамлака атамаларида ҳам учрайди) – давлатга қарашли ерлар бўлиб, бу ерларни сотиш, ҳадя этиш, вақфга бериш фақат хоннинг ихтиёрида бўлган.

2. Мулки холис ёки мулки ҳурри холис – маълум шахсларга тегишли бўлиб, ҳукмдор томонидан давлат олдидаги хизматлари учун берилган шахсий ерлар (суюрғол, иқто, тархон, тиул ва ҳоказо) Бундай ерлар ва уларнинг эгалари дафтардор томонидан махсус дафтарга қайд этиб борилган.

3. Вақф ерлари – ҳукмдор ёки бошқа шахслар томонидан диний муассасаларга мулк қилиб берилган ерлар ва суғориш иншоотлари. Бундай

ерлардан келган даромаднинг асосий қисми мутаваллилар, қозилар ва мусулмон диндорларига тушган.

4. Қишлоқ жамоалари эгалик қиладиган ерлар.Шайбонийлар даврида деҳқончиликка алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, аввало суғориш тизимини тартибга келтириш учун қатор тадбирлар амалга оширилган. Бу жараёнда минтақадаги йирик сув манбалари – Зарафшон, Чирчиқ, Сирдарё, Амударё, Вахш, Мурғоб каби йирик дарёлар ва кўплаб кичик дарёлар хамда кўллар, тоғ сувларининг имкониятларидан кенг фойдаланилган. Шайбонийхон даврида, сиёсий беқарорлик йилларида, Абдуллахон II даврида ҳам сунъий суғориш ишларининг аҳамияти йўқолмаган. Ундан ташқари шайбонийлар даврида деҳқончиликнинг тараққиётини таъминловчи ислоҳотлар ўтказилган. Хусусан, қаровсиз ва лалми ерларни давлат мулкига киритиб, бундай ерларда деҳқончиликни ривожлантириш, деҳқончилик қилишни хохлаганларга ҳар томонлама ёрдам бериш, маълум муддат солиқлардан озод этиш, ердан олинадиган солиқларни йиғишдан маҳаллий амалдорларнинг ўз мансабларини суистеъмол қилишларига йўл қўймаслик учун хам тегишли тадбирлар амалга оширилган.

Бухоро хонлигида ер эгалиги




Солиқ тизими. Бухоро хонлиги девонхонасида молиявий ва солиқ ишлари хисоби бўйича махсус дафтарлар мавжуд бўлиб, уларда турли солиқлар, ижара тўловлари, маълум маҳсулотлар савдосидан тушган даромадлар қайд этиб борилган. Аммо, кўпгина сабабларга кўра, жумладан, хон хазинасининг давлат хазинасидан ажратилмаганлиги, кўпчилик амалдорларнинг ўзбошимчалиги, тўпланган ўлпонларни ижарага бериш, аҳолидан олинадиган солиқларнинг тўсатдан ошиб кетиши кабилар солиқ тизимиданги тартибсизликларни келтириб чиқарар эди. Бундай ҳолатда ўлпон тўловларининг қатъий ўрнатилган меъёрлари мавжуд бўлмасдан, ягона умумдавлат солиқ тизими кўпинча бузилиб турган.

Таъкидлаш лозимки, белгилаб қўйилган "шариат" ўлпонларига бошқа тўловлар қўшилган бўлиб, солиқлар ўлчови нисбатан кучли зодагонлар ва йирик

ер эгаларининг ижтимоий сиёсатидан келиб чиқиб белгиланган. Солиқ тўловчиларнинг асосий қисми деҳқонлар бўлиб, сиёсий беқарорлик давридаги иқтисодий инқирозлар туфайли йирик зодагонлар шаҳарликлардан ҳам йирик соликлар ундирганлар. XVI асрда соликларнинг катта қисми маҳсулот сифатида олинган. Тарихий манбаларнинг маълумот беришича, шайбонийлар даврида бож, ўлпон, солиқ, жарима ва мажбурий тўловларнинг 40 дан ортиқ тури мавжуд бўлган. Оддий аҳоли тўловларнинг кўплаб турларини жумладан, ер ва сувдан фойдаланганлик учун махсус соликлар, амалдорлар фойдасига тўловлар, зодагонлар мулкларини сақлаш учун ўлпонлар, шаҳар деворлари, масжидлар, мадрасалар қурилишлари, суғориш иншоотлари барпо этиш учун, йўллар ва кўприклар қурилишлари учун турли тўловларни тўлаганлар.

Шайбонийлар даврида ижтимоий тузум



Бу даврда солиқ тўловчи аҳоли фуқаро (раият)деб аталган ҳамда улардан турли соликлардан ташқари жарималар ҳам ундириб олинган.

Аввалги даврда бўлгани каби, Шайбонийлар даврида ҳам ердан олинадиган солиқ хирож (мол) деб аталиб, ҳосилнинг маълум қисми ундирилган. XVI-XVIII аср ёзма манбаларда бу атама "мол", "моли-жиҳот", "мол ва жиҳот", кўпроқ "хирож" сифатида тилга олинади. Бу тўловнинг миқдори шароитга қараб 1/3, 1/4, 1/5, айрим ҳолларда эса 1/2 қилиб белгиланган. Мулк ерларидан ҳосилнинг 1/10 миқдорида солиқ ундирилиб у ушр деб аталган. Хирож асосан маҳсулот сифатида ундирилган.

Хирождан ташқари "доимий", "қонуний", ва "фавқулодда" каби бож ва ўлпон турлари мавжуд бўлиб, уларнинг сони ўзаро урушлар ва давлат марказлашуви даврида янада кўпайган. Уруш ҳаракатлари даврида деҳқонлар ва ҳунармандлардан олинадиган солиқ "аваризот" деб аталиб, у қисман пул билан ундирилган.

Марказий ҳокимият вакиллари фойдасига ҳам махсус соликлар ундирилган. Мисол учун, доруғалар фойдасига доруғачи ёки доруғаликдеган солиқ пул кўринишида тўланган. Афсуски, шайбонийлар даврида пул кўринишида тўланган ўлпон ва соликлар ҳақида маълумотлар жуда кам. Шунга

қарамасдан "пул" атамаси қўшилган пилла пули, кўкнор пули, сабзи пули, харбуза (тарвуз) пули каби ўлпон ва солиқлар ҳам пул кўринишида тўланган бўлиши керак. Шунингдек, шаҳар аҳолиси ҳунармандлар ва дўкондорлар махсус солиқ тамға тўлаганлар. Ундан ташқари, йирик бойлар ва судхўрларга тегишли савдо расталаридаги дўконларни маълум ҳақ эвазига ижарага олиб, ўз маҳсулотларини сотганлиги учун тахти жой (тагжой) деб аталувчи солиқ ҳам пул билан тўланган.

Шайбонийлар давлатига қарам бўлган, кўчманчи турмуш тарзи кечириб,чорвачилик билан шуғулланган аҳолига ишлаб бериш ва белгиланган тарзда солиқ тўлаш мажбурияти юклатилган. Кўчманчи чорвадор аҳоли ҳарбий юришлар вақтида ўз от-улови, яроғ-аслаҳаси ва озиқ-овқати билан бирга урушларда қатнашганлар. Уруш ҳаракатлари даврида асосан ўтроқ аҳолидан ошлиғ (ошлик) солиғи ундирилган. Бу солиқ доимий бўлмасада, ҳаракатда бўлган қўшинни сақлаш учун озиқ-овқат йиғими сифатида тўпланган. Шунингдек, қўшинни таъминлаш учун тағор деб номланган озиқ-овқат ўлпони ҳам тўланган. Озиқ-овқат солиқларининг миқдори қатъий белгилаб қўйилмаган бўлиб, уни ҳукмдорларнинг ўзлари хохлаганча белгилаганлар.

Шайбонийлар даврида солиқ ва йиғимлар билан бир қаторда жарималар ҳам бўлган. Мисол учун, кўчманчилар қишда истеъмол қилиши учун ҳар йили кузда ўз хўжайинларига сўйиш учун битта боқилган чорва молини берганлар. Бу –суғум деб аталган. Шунингдек, хонлар, султонлар ва ўғлонлар бир манзилдан иккинчи манзилга кўчиб ўтаётган вақтларида уларга озиқ-овқат тўплови шибоғу(сибоғу) берилган бўлиб, "у кўпинча пиширилган гўштдан иборат бўлган". Совурин ва пешкаш йиғинлари ҳам жарималар қаторига киритилади. Бу йиғинлар пул, маҳсулот, чорва моллари, қимматбаҳо буюмлар, қуллар кўринишида ҳукмдорга тортиқ қилинган.

Бу даврда деҳқонлар ва шаҳар аҳолиси, айниқса ҳунармандлар меҳнат мажбурият (мардикор, қалъа, бегор ва ҳоказо)ларини бажарганлар. Бу мажбуриятлардан озод этилганлар эса, маълум миқдорида пул тўлаганлар. Мардикор – йирикбойларга қарам бўлган деҳқонлар мажбурияти бўлиб, суғориш иншоотларини барпо этиш, таъмирлаш ҳамда тозалаш билан боғлиқ оғир мажбурият бўлган. Бир неча йиллар давом этадиган янги каналлар қурилишида минг-минглаб деҳқонлар иштирок этганлар. Оддий аҳолига шунингдек, қалъалар ва шаҳар деворларини тиклаш ва таъмирлаш мажбурияти ҳам юклатилган бўлиб у, қалъаёки харжи қалъа деб аталган.Ҳунармандчилик ҳамда бозор савдосидаги йиғимлар хон хазинасининг асосий даромади ҳисобланган. Шунинг учун ҳам олий ҳукмдор ҳокимияти кучайган даврлар айрим ҳукмдорлар (УбайдуллахонI, Абдуллахон II) солиқ тизимини тартибга солишга ҳаракат қилганлар. Аммо, бундай ҳаракатлар ҳар доим ҳам керакли натижаларни бермаган.

Шайбонийларнинг пул ислоҳотлари. Шайбонийлар давлатида турли вазндаги олтин, кумуш, мис, мис ва кумуш аралашмасидаги танга-чакалар муомалада бўлган. Олтин тангалар фақат Шайбонийхон ва Абдуллахон II даврларидагина зарб этилган. Бу даврда пул зарб этиш ҳамда кумуш ва мис тангаларнинг муомалада бўлиши бир-бири билан боғлиқ ҳолда кечган. Нумизматик маълумотларга кўра, XVI асрдаги пул муомаласининг асосини

"танга" "тангача", "хоний" деб аталган кумуш ҳамда "мис динор" ёки "динор" деб аталган мис тангалар ташкил этган. Энг кичик мис тангачалар "пул" ёки "қора пул" деб аталган.

Муҳаммад Шайбонийхон 1507 йилда Ҳиротни эгаллагач, бу ердаги Жоме масжидида кенгаш чақириб, пул ислоҳоти ҳақидаги фармонини эълон қилади. Бу пайтда Ҳиротдаги пул муомаласи инқирозга учраган бўлиб, ушбу ислоҳот Хуросондаги савдогар-зодагонларни Шайбонийхон томонига оғдириши лозим эди. Янги кумуш тангаларнинг вазни 5.2 г. бўлиб (илгариги Темурийлар тангалари 4.8 г. бўлган) унга Шайбонийхоннинг номи ва унвони битилган. 1507 йилда бу ислоҳот ҳали охирига етмаган эди. Манбаларга кўра, бу йилда Мовароуннаҳрда ҳали Темурийлар тангалари тўла муомалада бўлган. 1508 йилда ислоҳот якунига етиб, Шайбонийлар давлатининг барча ҳудудларида-Самарканд, Бухоро, Марв, Кеш, Насаф, Нисо, Сарахс, Ҳирот, Машҳад, Нишопур ва Сабзаворда бир хил вазндаги, бир хил сайқалланган тангалар зарб этилиб, муомалага киритилди. Бир хил кумуш ва мис тангалар бутун мамлакат бўйлаб муомалага чиқарилиб, пулнинг қадрсизланишига барҳам берилди.

Аммо, бу ҳолат узоққа чўзилмади. 1510 йилда Шайбонийхон вафот этгач, ўзаро урушлар ва 1512-1513 йиллар қиши қаттиқ келганлиги Мовароуннаҳрда қимматчилик ва очарчиликка олиб келди. Ундан ташқари Шайбонийлар ва Бобурнинг мис тангаларни кўпроқ зарб эттириб муомалага киритиш орқали даромадларини кўпайтириш йўлидаги ҳатти-ҳаракатлари пулнинг қадрсизланишини янада кучайтирди. Шайбонийларнинг ҳокимиятни мутлақ қўлга киритиши ва сиёсий вазиятнинг барқарорлашуви ҳам пул қадрсизланишининг олдини ололмади. Чунки, бозорларда мис пуллар ниҳоятда кўпайиб кетиб, маҳсулот нархидан анча ошиб кетди. Кумуш пуллар бутунлай муомаладан чиқиб, зарб этилмай қўйилди. Бу ҳолат мамлакатда янгидан пул ислоҳоти ўтказиш зарурлиятини туғдирди.

Давлатдаги бу галги ислоҳот анча оғир ва кўп босқичли бўлиб, бу сафар умумдавлат миқёсидаги пул муомаласини бир меъёрга тушириш учун ўн беш йил керак бўлди. Ушбу ислоҳотни кўпчилик тадқиқотчилар Кучкунчихон (1512-1530 йй.) номи билан боғлайдилар. Даставвал Бухорода (Убайдулла Султоннинг мулки) кейин эса Самарқандда (Кучкунчихон мулкидаги пойтахт) бошланган бу ислоҳот жараёнида юқори вазнли мис тангалар зарб этилиб, паст вазнли тангалар муомаласи таъқиқланди. Кумуш тангалар зарб этилиши қисман йўлга қўйилган бўлсада, уларнинг вазни Бухоро ва Самарқандда бир хил эмас эди. Фақат 1525 йилга келиб бутун давлат бўйлаб бир хил тангалар зарб этиш йўлга қўйилди. Бу жараёнда ҳар қандай шахс ўзининг металли ёки буюмларини зарбхонага элтиб, белгиланган вазндаги кумуш тангани эркин зарб эттириши мумкин эди. Бунинг учун хазинага маълум миқдорда тўлов тўланган.

Аммо, кумуш пуллар зарб этилиши ва муомалага киришидан тушган даромаднинг асосий қисми давлат ғазнасига тушмас эди. Йирик мулк эгалари тангаларга ҳукмдор номи ва унвонини қўшиб зарб этсаларда, зарбхоналардан келган даромадни ўзларига қолдирар эдилар. Давлатнинг асосан тўртта шаҳрида – Бухоро, Самарқанд, Балх ва Тошкентда доимий равишда кўп сонли кумуш тангалар зарб этилишига қарамай Кармана, Тоткенд (Зарафшон воҳаси), Ахси,

Кеш, Ҳисор, Ясси каби шаҳарларда ҳам кам бўлсада, зарбхоналар ишлаб турган. Натижада, XVI асрнинг ўрталарига келиб кумуш пулларнинг қиймати тушиб кетди. Ундан ташқари мамлакат ташқарисида ҳам (масалан, қўшни Бобурийлар давлатида) Шайбонийлар кумуш тангаларини зарб этиш авж олди.

Бундай шароитда XVI асрнинг 60-йилларидан бошлаб Абдуллахон II савдо-сотиқ учун зарур бўлган пул ислоҳотини босқичма-босқич равишда амалга оширди. Чунки, Абдуллахон II ҳукмдор сифатида нафақат давлат сарҳадларини кенгайтириш, марказлашган давлат барпо этиш балки, савдо-сотиқ мамлакат иқтисодининг муҳим тармоғи эканлигини яхши англаган эди. У отаси Искандархон (1561-1583 йй.) давридаёқ кумуш металл етишмовчилигини бартараф этиш билан бирга Бухорода олтин тангаларни доимий зарб этишни йўлга қўйди ва буни қаттиқ назорат остига олди.

Абдуллахон II ислоҳоти асосан, кумушнинг нархи ошишига нисбатан кумуш тангаларнинг қийматини оширишга қаратилган эди. 1583 йилга қадар юқорида эслатилган тўртта йирик шаҳарда Искандархон номидаги бир хил вазн ва қийматга эга бўлган кумуш тангалар зарб этилади. 1561 йилдан 1583 йилгача бўлган давр Абдуллахон II нинг кўплаб жангу-жадаллар даври бўлиб, бу юришлар ва ўзаро курашлар катта маблағ талаб этар эди. Шунинг учун ҳам Абдуллахонга ҳам, унинг рақибларига ҳам катта миқдордаги пул зарур эди. 1583 йилда отаси вафотидан сўнг олий ҳукмдор бўлган Абдуллахон II ўз пул ислоҳотининг сўнгги қисмини амалга оширди. Яъни, у кумуш тангалар зарб этишни ўз пойтахти Бухорода марказлаштирди. Бухорода Абдуллахон II номидан ҳар йили кўп миқдорда кумуш тангалар зарб этилди. Балх, Самарқанд ва Тошкентда эса танга зарб этиш кескин камайтирилди. Шунингдек, Абдуллахон II шаҳар савдосидаги кундалик эҳтиёж маҳсулотлари учун мис тангалар зарб этишни йўлга қўйди.

Шайбонийлар ўтказган пул ислохотлари орасида Абдуллахон II нинг ислоҳоти нисбатан муваффақиятли бўлиб, бу ислохот пул муомаласи инқирозига барҳам берди, кумушнинг давлат ҳудудларидан кўплаб чиқиб кетишини тўхтатди, хусусий металлни яна зарбхоналарга жалб этди. Ушбу ислоҳот Абдуллахон II ички сиёсатининг бир қисми бўлиб, халқаро ва ички савдонинг тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этди.

Таъкидлаш жоизки, Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари ҳунармандчилик марказлари сифатидаги фаолиятини давом эттирди. Мақур даврда ҳунармандчиликнинг қатор соҳалари ривож топди. Бу даврда Бухоро ва Самарқандда 130 дан зиёд ҳунар турлари мавжуд бўлиб, уларнинг соҳиблари мамлакат иқтисодий ривожига хизмат қилганлар. Айниқса, ҳунармандчиликнинг газлама тўқиш соҳаси яхши ривожланган эди. Тўқувчилик учун маҳаллий хом-ашё – пахта, шойи, жундан фойдаланишган. Мато кўп ҳолда ишлаб чиқарилган жой номи билан аталар эди. Масалан, Бухоро олачаси айнан шу ном билан машҳур бўлган. Олача матосини шунингдек, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабзда ҳам ишлаб чиқаришган. Ушбу матонинг сифати юқори бўлиб, у қатор ерлар, жумладан Россияга ҳам жўнатилар эди.

Аҳоли орасида бўз матосига ҳам эҳтиёж юқори эди. Бўзнинг бир неча хиллари бўлиб, аҳоли ўз ҳолатига кўра уни сотиб оларди. Бўздан кийим-

кечакдан тортиб, кўрпа-кўрпача тикишда ҳам фойдаланишган. Шаҳар ҳунармандлари ичида шунингдек чит матоси ҳам кенг ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари, фўта, тафта матоларига ҳам ўзига яраша эҳтиёж бўлган. Бухоронинг Заңдана деган жойида ишлаб чиқарилган занданачи матоси нафақат ички бозорда, балки чет элларда ҳам харидоргир мато сифатида донг таратган эди. Маҳаллий аслзодалар қимматбаҳо шойи матолар ва мовутни хуш кўришган. Айниқса, қимматбаҳо Самарқанд мовути, унинг қирмизи номли тури машҳур бўлиб, у бутун мамлакат, чет элларга ҳам сотилар эди. Шойи матоларни тайёрлашда Фарғона тўқувчилари ном чиқаришган эди. Ип-газлама ишлаб чиқариш, тўқиш иши, уларнинг турли буёкларга бўялиши ранг-барангликни талаб этар эди. Шу боис ҳам буёқчилик устахоналарининг сони ҳам бу пайтга келиб ортиб борганлигини қайд этиш лозим.

Машҳур хаттот Султон Али Машҳадий ўз вақтида Самарқанд козоғига юксак даражада баҳо бериб, айнан ушбу қоғоз мактуб битиш, китоб тайёрлашда бирламчи даражага эга эканлигини таъкидлаган эди. Бобур ҳам ўзининг "Бобурнома" асарида "Дунёдаги энг яхши қоғоз Самарқандда тайёрланур", дея ёзган эди. XVI асрда ҳам бу ҳунармандчилик тури анъаналари давом эттирилди. Қоғоз тайёрлаш тегирмонларининг аксарияти Самарқанд яқинидаги Сиёҳ-оби деган жойда жойлашган эди. Бу даврда қоғознинг бир неча навлари тайёрланиб, улар орасида уста Мир Иброҳим томонидан ишлаб чиқарилган "Мири Иброҳимий" қоғози айниқса машҳур бўлган.

Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида металлга ишлов бериш соҳаси ҳам ривож топди. Тошкент воҳаси асосий металл қазиб олинадиган маскан ҳисобланиб, Самарқанд ва Бухородаги машҳур темирчилар маҳаллаларида ундан турли буюмлар ишлаб чиқарилар эди. Мис, бронза, кумушдан заргарлик буюмларини тайёрлашда Бухоро, Самарқанд, Тошкент заргарлари олдинги ўринларда турганлар. XVI аср охирларига келиб қурол-яроғ, айниқса замбараклар, девор тешувчи мосламалар тайёрлаш иши ҳам ривожланди. Абдуллахон II топшириғи билан ўз вақтида 7 та замбарак тайёрланган эди.

Мазкур даврда аҳоли эҳтиёжи, иқтисодий муносабатларнинг ўсиши боис кулолчилик буюмларини тайёрлаш ишида ҳам силжишлар кўзга ташланади. Бу давр кулоллари нафақат маиший турмуш тарзи буюмларини, балки қурилишда ишлатиладиган кошин, ғишт ва бошқаларни маҳорат билан тайёрлашар эди. Самарқанд кулоллари яшайдиган Хумданак, Бухородаги Косагорон гузари, Ғиждувондаги Кулоллар маҳалласи ўз даврида маълум ва машҳур бўлган.

Шунингдек, кўриб чиқилаётган даврда ганчкорлик, ёғочга ишлов бериш, гилам, наъмат тўқиш, чарм-тери ишлаб чиқарувчи кўнчилик соҳаси, от эгар-жабдукларини тайёрлаш, шам ишлаб чиқариш, арқон тўқиш ва бошқа соҳалар ҳам кенг ривожланди.

Баъзи шаҳарлар, жумладан Тошкент, Андижон, Шаҳрисабз ва бошқа баъзи шаҳарлардаги ҳунармандлар одатда кеч куз ва қишда ўз маҳсулотларини тайёрлаб, баҳордан эрта кузгача қишлоқ хўжалиги ишлари билан машғул бўлган бўлишса, Самарқанд ва Бухоро хунармандлари ўз касб-корлари билан деярли доимий тарзда машғул бўлишарди. Кўп ҳолда ҳунармандлар жойларда ўз касб-корлари билан аталувчи маҳаллаларда истиқомат қилишар эди.

Шайбонийлар даврида марказлашган давлатнинг қарор топиши, қудратли ва кучли давлат барпо этишга интилиш (Убайдуллахон I, Абдуллахон II), ички барқарорлик шубҳасиз, савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига сабаб бўлди. Мазкур даврга келиб ижтимоий ҳаётда савдо-сотиқ билан шуғулланувчи доираларнинг таъсири янада ортиб борди. Кўпчилик савдогарларнинг ўз дўконлари бор бўлиб, дўкони йўқ бўлган савдогарлар одатда воситачилар орқали маҳсулотларини етказишган. Бу даврда айниқса Бухоро ва Самарканд савдогарларининг бозори чаққон бўлган. Мазкур шаҳарларнинг бозорлари жуда мўл-кўл бўлиб, уларда асосан 100 дан зиёд турли маҳсулотлар сотиларди. Бозорларнинг кўпчилиги ихтисослашган бўлиб, у ёки бу маҳсулотларни сотишга мўлжалланган эди. Баъзи маҳсулотлар бозорнинг ўзида тайёрланиб, ўзида харидорга ҳам сотилган.

Бозор нафақат хўжалик ҳаёт маркази бўлиб қолмай, у ерда ҳукумат қарорлари жарчилар томонидан эълон қилинар, айбдорлар намойишкорона жазоланар эди. Шунингдек, бозор ўзига хос маданият маркази ролини ҳам ўтаб, дўконларда турли суҳбат, ғазалхонликлар ҳам ўтказилар эди. Савдонинг ҳажми ва моҳиятига кўра сотиладиган жой номи – чорсу, раста, тим, тоқ, дўкон ва бошқа номлар билан ҳам аталган. Улгуржи бозорлар одатда карвонсаройларда ўтказилар эди. Ички ва ташқи савдо кўламининг ортиши, мамлакатда товар-пул муносабатларининг ривожланиши, аҳоли турмуш тарзининг ошишига сабаб бўлар эди.

XVI аср бошларига келиб, Қозон, Астрахань (Аштархон) хонлари, Нўғой беклари, Россия билан муносабатлар ривожлана борди. Ташқи савдо давлат ҳокимияти кучайган вақтда ҳукмдор қўлида мужассамлашар эди. XVI аср иккинчи ярмига келиб Россия билан савдо муносабатлари анча ўсди. Бухоро хонлигига Россиядан тез-тез савдо карвонлари, элчилар ташриф буюра бошлайдилар. Масалан, 1574 йили Россиядан ташриф буюрган Захарий Богданов элчилик карвони ичида подшо Иван Грознийга яқин бўлган ака-ука Строгановлар ҳам ҳамроҳлик қилишган.

Бухородаги ҳиндлар алоҳида мавзеда яшаб, савдо ва судхўрлик иши билан шуғулланишган. Шунингдек, Шайбонийлар давлати шаҳарларида тез-тез форс, араб, турк савдогарларини ҳам учратиш мумкин бўлган. Россиялик савдогарларга маҳаллий пахта матолари, ип-газлама маҳсулотлари, тери буюмлари ва бошқалар жуда маъқул бўлган бўлса, Ҳиндистондан Ўрта Осиёга қуллар, оқ ҳарир матолар, сурп, шакар, турли доривор ўсимликлар олиб келинган. Сибирь хонлигида асосан Бухородан келтирилган матоларга эҳтиёж жуда юқори бўлган. У ердан эса, мўйна, буёқ, мум,асал олиб келинган. Хитой шойиси билан уйғур савдогарлари шуғулланганлар.

Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Урганч ва бошқа шаҳарлар козоклар, туркманлар билан савдо қилувчи асосий маскан бўлиб хисобланган. XVI асрда мавжуд бўлган савдо карвон йўллари Ўрта Осиё шаҳарларини Афғонистон, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Сибирь, Каспийбўйи ерлари билан боғлаган. Савдо йўлларининг денгизларга кўчиши, Ўрта Осиёда бошланган ҳокимият учун курашлар кейинчалик бу савдо йўллари ҳолатига салбий таъсир кўрсатди.

3.5 Шайбонийлар давлатида маданий ҳаёт

Аввалги сулолалар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда юксак даражада ривожланган маданий анъаналар Шайбонийлар даврида ҳам давом этди ҳамда бойитилди. Бу даврда маданий ҳаётнинг кўплаб жабҳалари: адабиёт, тарихнавислик, хаттотлик, мусиқа, эпиграфика, меъморчилик, наққошлик, кабиларда айрим сиёсий ҳаётдаги инқирозий ҳолатларга қарамай ривожланиш жараёнлари кузатилади.

Адабиётнинг турли жанрларида Муҳаммад Солиҳ, Хожа Афсодий, Восифий, Мажлисий, Убайдий, Бақоий, Шайдо, Ошиқ, Азизий, Нисорий, Мушфиқий, Нахлий, Мутрифий кабилар баракали ижод қилдилар. Бу даврдаги адабиёт намоёндалари Ҳиндистон, Эрон, Усмонийлар, Озарбайжон, Шарқий Туркистон каби қўшни давлатларидаги қалам аҳли билан ҳам ижодий алоқада бўлдилар.

Мазкур даврда яратилган адабий асарлар орасида бухоролик адабиётшунос олим ва шоир Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб" ("Дўстлар ёдномаси") асарини келтириш (1516-1597 йй.) мумкин. Қомусий хусусиятга эга бўлган бу асарда Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон, Усмонийлар давлати ва Шарқий Туркистонда яшаб ижод этган 228 та шоирлар, жумладан, Жомий, Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Ҳусайн Воиз Кошифийлар тўғрисида, Арслонбоб, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Занги ота, Шайх Худойдод каби тасаввуф намоёндаларининг ҳаёти, карамотлари ҳақида, шунингдек, тарихий воқеалар, илм-фан ривожи, санъат соҳасидаги ютуқлар, турли шаҳарлардаги меъморчилик ривожи ҳақида маълумотлар берилади. Абдуллахон II га атаб ёзилган мазкур асар Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистондаги адабий муҳит ҳақида бой маълумотлар берувчи манба ҳисобланади.


Бу даврда ҳукмрон сулола вакиллари адабиёт ривожига ҳомийлик қилиш билан бирга ўзлари ҳам ижод билан шуғулланганлар. Хусусан, Шайбонийхон, Убайдуллахон I, Абдуллахон II, Наврўз Аҳмадхон, Дўст Муҳаммад Султон (Наврўз Аҳмадхоннинг ўғли) кабиларнинг айрим асарлари ва ғазаллари бизгача сақланиб қолган. Таъкидлаш жоизки, Муҳаммад Шайбонийхоннинг ўзи ҳам шеърият ва тарих илмига қизиққан бўлиб, унинг шеърий девон тузганлиги тарихда яхши маълум. Шайбонийхон хаттотлик билан ҳам шуғулланган. Шайбонийлар орасида Убайдуллахон I ҳам маърифатли ва илмли ҳукмдор сифатида ном қолдирган. У форсий ва туркий шеъриятдан яхши хабардор бўлиб, ўзи ҳам "Убайдий" тахаллуси остида ўзбек, форс, араб тилларида шеърлар ёзган. Унинг уч тилда ёзган шеърларидан иборат уч девони бир китобга жамланган. Убайдийнинг ўзбек тилидаги девони 306 ғазал, 435 рубоийдан иборатдир. Шунингдек, Абдуллахон II ҳам истеъдодли шоир бўлиб, "хон" тахаллуси остида ўзбек ва форс тилларида шеърлар ёзган.

Шайбонийлар даврда тарихнавислик соҳасида ҳам кўплаб тарихий асарлар яратилди. Сулола асосчиси Шайбонийхон ва унинг ворисларига атаб ёзилган Абдуллоҳ Ибн Муҳаммад Ибн Али Насруллоҳийнинг "Зубдат-ал асар", Мулла Шодийнинг "Фатҳнома", Биноийнинг "Шайбонийнома", Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома", Фазлуллоҳ Рўзбехоннинг "Меҳмонноман Бухоро", Зайниддин

Восифийнинг "Бадоеъ ул вақоъе" , Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдулланома", муаллифи номаълум бўлган "Таворихи гўзида", Нусратнома" кабилар шулар жумласидандир.

Кўчкинчихон топшириғи билан Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асари ўзбек тилига ўгирилди. XVI асрга оид тарихий манбалар орасида "Тарихи Рашидий" асари ҳам алоҳида ўрин тутади. Унинг муаллифи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (1500-1556) Тошкент ҳокими Юнусхоннинг невараси, Бобурнинг холаваччаси бўлган. Асарда ўша давр тарихий воқеликлари анча батафсил баён этилади.

Ҳофиз Кўҳакий эса Али Қушчининг невараси бўлиб, ўз даврининг етук тарихчиси, диний илмлар билимдони сифатида шуҳрат қозонган. У умрининг охирига қадар Тошкентда яшаб (1584 й. ваф.), "Тарихи оли Чингиз", "Тарихи жадидайи Тошканд" ва бошқа қатор асарларни ҳам шу ерда яратган.



Бухоро. Мир Араб мадрасаси. XVI аср.

Манбаларнинг маълумот беришича, бу даврда рассомлик, хаттотлик ва мусиқа санъатида, фиқҳ, тиббиёт, риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия), ва илми нужум (астрономия) соҳаларида ҳам ривожланиш юз беради. Масалан, кўпроқ шоир сифатида танилган Мушфиқий (1538-1588) фалсафа, астрономия, фиқҳ, ҳисоб, физика, мусиқа, араб тили каби соҳаларида ҳам етук саналган. Бу даврда тиббиёт соҳасида ҳам қатор асарлар яратилган. Жумладан, Кўчкунчихон ва Абу Саидхон замонларида яшаган машҳур табиб ва олим Султон Али "Дастур ал-илож", "Муқаддимаи дастур ал-илож" рисолаларини ёзиб, уларда инсон танасидаги касалликларнинг шарҳи ҳамда уларни даволаш тўғрисида маълумотлар берган. Абдуллатифхоннинг шахсий табиби Муҳаммад Юсуф, Наврўз Аҳмадхон саройида эса табиб Шоҳ Алилар фаолият олиб бориб, "Кўз касаллигига оид асарлар сараси", "Кўз табиблари учун қўлланма" каби асарлар яратганлар. Шунингдек, Муҳаммад Юсуфнинг "Иситмани ўрганишга доир", "Қон томири ва сийдик" каби асарлари ҳам маълум. 1562-1567 йилларда табиб Убайдуллоҳ Қаҳҳол тиббиётга оид муҳим қомусий асар "Касаллик шифоси"ни яратган. Ушбу асарларда келтирилган даво услублари, ташхис қўйиш, дорилар тайёрлаш каби маълумотлар ўрта асрлар мусулмон шарқи тиббиётига хос илғор анъаналар XVI асрда ҳам давом этганлигини кўрсатади.

Шайбонийларнинг таълим соҳасида ўтказган ислоҳатлари боис кўп босқичли ўқитиш тизими жорий қилинди. Ҳар бир маҳаллада макаблар очилди,

баъзи хонадонларда уй таълими татбиқ этилди. Болаларга таълим 6 ёшдан бошлаб бериладиган бўлди. Мактабда 2 йил ўқигач, ўқувчилар мадрасага ўтказиларди. Мадрасада уч босқичли таълим жорий этилган. Унинг ҳар бир босқичи 7 йилдан бўлиб, жами 21 йил давом этган. Талабалар илоҳиёт илми, ҳисоб-китоб, фиқҳ, ҳандаса, мантиқ, мусиқа, шеър санъатидан сабоқ олардилар. Мазкур ҳолат шубҳасиз, ўзбек тили равнақи, илм-фан, адабиёт, санъат ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Шайбонийлар ҳукмдорлари меъморчилик соҳасида ҳам қатор ишларни амалга ошириб, турли мақсадларга мўлжалланган қурилиш ишларини амалга оширганлар. Меъморчилик иншоотлари нафақат ҳукмрон сулола вакиллари, балки хусусий мулкдорлар томонидан ҳам бунёд этилган. Мамлакатнинг Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қарши, Кармана, Туркистон, Марв, Балх, Ҳирот, Хива каби кўплаб шаҳарларида турли меъморчилик иншоотлари – мадрасалар, масжидлар, хонақохлар, тимлар, миноралар, ҳаммомлар, карвонсаройлар, сардоба ва кўприклар бунёд этилиб, шаҳарлар деворлари таъмирланди. Мисол учун, Самарқанддаги Шайбонийхон қурдирган Хония, Абусаид ва Қулбобо Кўқалдош номлари билан боғлиқ мадрасалар, Самарқанд яқинидаги сув айирғич, Бухорода шаҳар деворининг таъмирланиши, Мир Араб, Абдуллахон, Модарихон мадрасалари, Тошкентдаги Бароқхон ва Кўқалдош мадрасалари, Туркистонда Шайбонийхон масжиди, Карманада Қосим Шайх масжиди, Балхда калъа деворининг таъмирланиши, Абдуллахон, Қулбобо Кўқалдош мадрасалари, Ҳиротда Кўқалдош мадрасаси кабилар шулар жумласидандир.

Бухоро хонлигидаги меъморчилик ва шаҳарлар тараққиёти Абдуллахон II даврида айниқса юксалди. Ҳозирги Ўрта Осиёнинг деярли бутун ҳудудларини ўз ичига олган давлатни барпо этиш жараёнида Абдуллахон II кўплаб ҳарбий юришлар олиб борган бўлсада, мамлакатдаги иқтисодиёт, маданият, шаҳарлар тараққиётига алоҳида эътибор қаратган. Чунончи, Ўрта Осиёдаги XVI асрга оид меъморчилик обидаларининг асосий кўпчилик қисми бу ҳукмдор даврида бунёд этилган бўлиб, манбаларнинг маълумот беришича, уларнинг сони 100 дан ошади.

XVI асрда Бухорода бўлган Антоний Женкинсон, "Бухоро жуда катта шаҳар, унда ғишли иморатлар, серҳашам бинолар кўп. Ҳаммомлар шундай моҳирлик билан қурилганки, уларнинг мисли дунёда йўқдир", – дея таъкидлаган эди.

Маълумки, XV асрнинг иккинчи ярми Ўрта Осиёнинг диний ҳаёти Хўжа Аҳрор фаолиятининг фаоллашуви билан изоҳланади. Кейинроқ эса, бу ҳудудлардаги маънавий-диний ҳаётда суфийликнинг бир қатор йирик намоёндалари шаклланади. Сиёсий ҳокимиятнинг шайбонийлар қўлига ўтиши натижасида Темурийлар давридаги йирик диний уламолар янги диний вакиллар, хусусан, XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жўйбор шайхлари билан алмашади. Улардан энг машҳурлари Хожа Муҳаммад Ислом (1493-1563), Хожа Саъд (1531-1589), Хожа Тожиддин Ҳасан (1547-1646), Хожа Абдураҳим (1575-1629) кабилар бўлиб, улар нақшбандия тариқатининг йўлбошчилари эдилар. Бу даврда Мовароуннаҳрда яссавия ва кубровия тариқати намоёндалари ҳам

мавжуд бўлган бўлсада, бу иккала тариқат вакиллари Мовароуннаҳрнинг сиёсий ҳаётига жуйбор шайхлари каби таъсир эта олмас эдилар.

Яманнинг Хадрамаут деган жойида туғилган Саид Шамсуддин Абдуллох XV асрнинг 80-йилларида Мовароуннаҳрга келиб Хўжа Аҳрорнинг муриди бўлди. Ўрта Осиёдаги ислом дини тарихига Мир Араб номи билан кирган бу шахс кейинчалик, Шайбонийхон ва Убайдуллахон даврларида жуда катта обрў ва мавқега эга бўлиб, йирик мулкдорга айланади. Туркистондаги Саброн шаҳрида яшаган Мир Араб Бухорога тез-тез бориб, сарой ишларига аралашиб турарди. Унинг мавқеи шунчалик баланд эди-ки, ҳаттоки хон ўзи ҳам у билан ҳисоблашар эди.

Шайбонийлар давридаги вилоят ҳокимлари ўзларининг юқори лавозимдаги амалдорлар билан муносабатларини яхшилаш учун тез-тез шайхларга мурожаат этиб турганлар. Шунингдек, ҳукмрон доира вакиллари ҳам ўзларининг сиёсий курашларида сўфийлар мададидан фойдаланганлар.

Шайбонийлар даври тарихига хулоса тарзида таъкидлаш лозимки, бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда маълум ижобий ўзгаришлар юз берганлигига қарамасдан, ўрта асрлар тарихда бўлгани каби, бу даврда ҳам ўзаро урушлар доимий бўлиб турди. Бу даврга келиб давлат бошқарувида яна кўчманчи ва ярим кўчманчи анъаналар устунлик қила бошлади. Шунга қарамасдан бу давр ўзбек давлатчилиги тарихида мухим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу аҳамият илм-фан ва маданият, шаҳарсозлик ҳамда меъморчилик равнақи билан изоҳланади.

Шайбонийлар сулоласи ҳукмдорлари.

Муҳаммад Шоҳбахт Шайбонийхон – 1500-1510 йй.
Кўчкунчихон – 1512-1530 йй.
Абу Саидхон – 1530-1533 йй.
УбайдуллахонI – 1533-1540 йй.
Абдуллахон I – 1540-1541 йй.
Абдулазизхон (Бухорода) – 1541-1550 йй.
Абдулатифхон (Самарқандда) – 1540-1551 йй.
Муҳаммад Ёрсултон (Бухорода) – 1551 йил бир неча ой.
Наврўз Аҳмадхон-Барокхон(Тошкентда) – 1551-1556 йй.
Пирмуҳаммадхон – 1556-1561 йй.
Искандархон – 1561-1583 йй.
Абдуллахон II – 1583-1598 йй.
Абдулмўминхон – 1598-бир неча ой.
Пир Муҳаммадхон II – 1598-1601 йй.

Таянч сўзлар

Шайбонийлар, манба, мулклар ва вилоятлар, ўзбек, Дашти Қипчоқ, ўзаро урушлар, амирлар, беклар, тархонлар, марказий ҳокимияти, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, "Халифа ур-Раҳмон ва Имом аз-Замон", Эроний кизилбошилар,

Абдуллахон II, давлат, сулола, марказий, маҳаллий, бошқарув, даргоҳ, нақиб, хон, ясовул, улам, шайх, хожа, суюрғол, ер эгалиги, ижтимоий тузум, фуқаро, пул ислоҳоти, ҳарбий бошқарув, ҳарбий қўшин, маданий ҳаёт.

Савол ва топшириқлар

1. Шайбонийлар даври тарихшунослиги ҳақида гапириб беринг.
2. Шайбонийлар ҳокимият тепасига келишидан олдин Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазият қай ҳолатда эди?
3. Шайбонийхон ҳокимият тепасига келишидаги сиёсий воқеалар ҳақида нимларни биласиз?
4. Шайбонийларнинг давлат бошқаруви хусусиятларини тушунтириб беринг?
5. Шайбонийлар даврида қандай диний унвон ва манбалар бўлган?
6. Шайбонийларнинг ҳарбий қўшин тузилиши қандай бўлган?
7. Шайбонийлар давлатидаги ер эгалиги муносабатлари ҳақида нималарни биласиз?
8. Бу даврдаги иқтисодий ҳаёт ва ислоҳотлар тўғрисида сўзлаб беринг.
9. Шайбонийлар даврдаги маданий ҳаёт тўғрисида нималарни биласиз?
10. XVI асрдаги халқаро муносабатлар борасида нималарни биласиз?

3-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1990.
3. Зайниддин Васифий. Бадоеъ ул-вақоеъ. – Тошкент, 1979.
4. История Узбекистана (XVI-первая половина XIX в.). Коллектив авторов. Отв.ред.Алимова Д.А. – Ташкент: Фан, 2012.
5. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989.
6. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. – Тошкент: Шарқ, 2010.
7. Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билад. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.
8. Ражабов Қ., Очилов Э. Убайдуллахон. Рисола. – Тошкент: Abu Matbuot-konsalt, 2011.
9. Ҳасанхўжа Нисорий. Музаккири аҳбоб. Тошкент, 1993.
10. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома (Шарофномайи шоҳий). I – китоб, II – китоб. – Тошкент: Шарқ, 1999, 2000.
11. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. I жилд. Дарслик. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.
12. Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия XVI – XIX асрлар биринчи ярми. Тошкент, 2014.

4-мавзу. XVII-XVIII асрлар биринчи ярмидаАштархонийлар давлати. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт

Режа:

4.1 Аштархонийлар давлатининг сиёсий тарихи.
4.2 Давлат тизими ва маъмурий бошқарув.
4.3 Қишлоқ хўжалиги. Шаҳарлар. Ҳунармандчилик ва савдо.
4.4 Илм-фан ва маданият. Меъморчилик.

4.1 Аштархонийлар давлатининг сиёсий тарихи

Аштархонийлар ҳукмронлиги даврига оид тарихий манбалар орасида Муҳаммад Юсуф Муншийнинг "Тарихи Муқимхоний", Маҳмуд ибн Валининг "Баҳр ал-асрор", Хожа Самандар Термизийнинг "Дастур ал-мулук", Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг "Убайдулланома", Хўжамқулибек Балхийнинг "Тарихи Қипчоқхоний", Абдураҳмон Толенинг "Тарихи Абулфайзхоний", Муҳаммад Вафо Карманагийнинг "Туҳфат ал-хоний", Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон Исфаҳонийнинг "Меҳмонномайи Бухоро" каби асарлар мазкур давлат тарихини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тарихшунослигида XVII-XVIII аср биринчи ярми Аштархонийлар давлати тарихининг турли жиҳатлари Р.Г.Мукминова, Б.А.Аҳмедов, Ҳ.З.Зиёев, Г.А. Агзамова, Г.А. Михалёва, А.Зиё, Х.Ғ. Ғуломов, Ў.М.Мавлонов, З.Б. Рахмонқулова, З.А. Саидбобоев, А. Эркўзиевларнинг катор тадқиқотларида ўз аксини топган.

1598 йилда Абдуллахон II вафот этгач тахтга унинг ўғли Абдулмўмин ўтирди. Ўзаро урушлар натижасида у узоқ вақт ҳокимиятни бошқара олмай, 1598 йил охирларида ҳалок бўлди. Тахтга Абдуллахон II нинг амакиваччаси Пирмуҳаммад II (1598-1601) ўтириб, у ҳам узоқ вақт ҳукмронлик қила олмади.

Абдуллахон II вафотидан кейин марказий хокимиятнинг инкирози ва мамлакатдаги тартибсизликлардан Бухоро хонлигининг ички ва ташқи рақиблари зудлик билан фойдаланишга уринишди. Пирмуҳаммадхон бу рақиблар куршовларини бартараф қилишга ожизлик қилди. У 1601 йили Аштархонийлардан бўлмиш Бокимуҳаммад билан бўлган жангда ўлдирилди. Мамлакатнинг жанубида Эрон шоҳи Аббос I Сабзавор, Машҳад ва Ҳирот ерларини эгаллаб олди. Муҳаммад Юсуф Мунший маълумотларига кўра, "Мовароуннаҳрда ҳам бутун давлатда бўлгани каби бошбошдокликлар авж олиб, ҳеч ким бировга бўйсунишни хоҳламас эди." Ана шундай шароитда янги – Аштархонийлар сулоласи ҳокимият тепасига келди.

Аштархонийлар чингизийлар авлодидан бўлиб, XV асрнинг 80-йилларидан бошлаб Волга дарёси бўйларини ўз ичига олган Астрахань (Аштархон) хонлигида ҳукмронлик қилганлар. XVI аср ўрталарида хонлик Иван Грозний томонидан босиб олингач, сулола ҳукмдори Ёрмуҳаммад Султон ўз яқинлари билан Бухорога келди. Манба тили билан айтганда "ўрус (номила) машҳур насронийлар боскини дастидан (кочиб) Ёр Муҳаммадхон фарзандлари

Жонимуҳаммад Султон, Аббос Султон, Турсун Муҳаммад Султон, Пирмуҳаммад Султон ва аҳли аёли билан Мовароуннаҳрга келди".

Бухоро ҳукмдори Искандар Султон Ёрмуҳаммад ҳамда унинг оила аъзоларини яхши кутиб олиб, улар билан дўстона муносабатда бўлди. Орадан кўп ўтмай Ёрмуҳаммаднинг ўғли Жонимуҳаммад (Жонибек Султон) Искандарнинг қизи Зуҳробегимга уйланди. Шу тариқа Ёрмуҳаммад ва унинг авлодлари Шайбонийлар саройида катта мавқега эга бўла бошладилар. Жонибек Султон ва Зуҳробегимдан уч ўғил – Динмуҳаммад, Боқимуҳаммад, Валимуҳаммадлар туғилди. Вақти келиб Динмуҳаммад Хуросондаги вилоятларнинг бири Обивардга, Боқимуҳаммад эса Самарқандга ҳоким этиб тайинланади.

Бошбошдоқликлар ва ўзаро урушларга чек қўйиш мақсадида 1601 йилда бухоролик бир гурух зодагонлар Жонибек Султонни Бухоро ҳукмдори тахтига таклиф этадилар. Жонибек Султон ўз навбатида катта ўғли Динмуҳаммад фойдасига тахтдан воз кечади. Обивард ҳокими Динмуҳаммад Бухорога келиш вақтида Эрон қўшини билан бўлган тўқнашувда ҳалок бўлди. Шундан сўнг Жонибек Султоннинг иккинчи ўғли Боқимуҳаммад ҳокимиятга таклиф этилди. Бу пайтда Самарқанд ҳокими бўлиб турган Боқимуҳаммад Бухоро тахтига ўтирди (1601-1605 йиллар). Шу тариқа Мовароуннаҳрда тарихий манбаларда Аштархонийлар (Астрахань ёки Ҳожи Тархонлик ҳукмдорлар) ёки Жонийлар (Жонибек султон номидан) деб ном олган ва бир ярим аср ҳокимият тепасида бўлган сулола ҳукмронлиги даври бошланди.

Илк даврда пул муомаласидаги тангалар Жонибек Султон номидан зарб этилган бўлсада, амалда ҳокимиятни Боқимуҳаммад бошқарди. У мамлакатдаги тарқоқликка барҳам беришга ҳаракат қилиб, аввало Хоразмга ҳужум қилди. 1602 йилда Балхни қўлга киритган Боқимуҳаммадхон уни укаси Валимуҳаммадга ҳадя қилиб, Андхуд, Шибурғон, Маймана, Бағлон, Бадахшон ва Ҳисорни ҳам Бухорога бўйсундирди. Боқимуҳаммадхон мамлакат ички ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, давлат бошқарувини тартибга солишга ҳаракат қилди. Муҳаммад Юсуф Мунший маълумотларига кўра, у "Ҳокимият амалдорлари мансабларини қайта кўриб, қўшин тузилишини, фуқаролар ҳолатини назорат қилган" бўлсада, унинг қисқа муддатли ҳукмронлик даврида бу сиёсий ҳаракатлар тегишли натижани бермади. 1605 йилда Боқимуҳаммадхон вафот этгач, тахтга унинг укаси, Балх ҳокими Валимуҳаммадхон (1605-1611) ўтирди.

Валимуҳаммадхон ҳукмронлиги даврида ҳам Балх ва Ҳирот учун курашлар давом этди. Бу курашларда Валимуҳаммадхоннинг қўли баланд келган бўлсада, у 1607 йилда Эрон шоҳи Аббос I билан сулҳ шартномасини имзолади. Бунинг натижасида Хуросон бутунлай Сафавийлар қўлига ўтиб кетди.



Имомқулихон (1611-1642)

Натижада бусиз ҳам Валимуҳаммад саройи ишларига доимий аралашиб юрган, кўп ҳолларда хонсиз ҳам қарор қабул қиладиган, ўзларини сиёсий жиҳат-дан мустақил деб ҳисоблайдиган бир гуруҳ бухоролик амалдорлар Валимуҳаммадга қарши 1608 йилда фитна уюштирадилар. Хон Эрон шоҳи Аббос I ҳузурига қочиб кетди. Бухоро тахтида яна бошбошдоқликлар бошланиб кетиб, 1611 йилнинг ёзида Валимуҳаммадхон Аббос I ёрдамида Бухоро тахтини катта эгаллаши ҳам узоққа чўзилмади. 1611 йилнинг октябрида Самарқанд атрофидаги Имомқулихон билан бўлган тўқнашувда Валимуҳаммадхон ҳалок бўлди. Аштархонийлар тахтига Боқимуҳаммадхоннинг ўғли Имомқулихон (1611-1642) ўтиради.

Бу даврга келиб маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзбошимчалиги ҳаддидан ошиб, бу ҳолат айниқса ўтроқ аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир эта бошлади. Имомқулихон эса айнан ўзбошимча ҳокимлар ҳаракатини сусайтиришга муваффақ бўлди. У Хоразм ва Хуросонни қайта кўлга кирита олмаган бўлсада, Тошкент, Андижон, Туркистон шаҳарларига хавф солиб турган қозоқлар, қалмиқлар ва бошқа кўплаб кўчманчиларга қарши кураш олиб борди. Айрим ҳолларда уларга ён бериб, кўчманчилар кучидан Эрон шоҳларига қарши курашда фойдаланди. Имомқулихон Тошкент ва унинг атрофидаги ерларга ўғли Искандар Султонни ҳоким этиб тайинлади. Аммо, тошкентликлар Искандар Султоннинг талончилик сиёсатидан норози бўлиб исён кўтардилар. Ғалаён натижасида у ўлдирилди. Бунинг эвазига Имомқулихон 1613 йили Тошкентда мисли кўрилмаган қирғин-барот ўтказганлигини тарихий манбалар надомат билан таъкидлаганлар.

Имомқулихон баъзан қозоқ султонлари билан сиёсий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда иттифоқ бўлиб ҳаракат қилишга ҳам тўғри келди. Масалан, Сирдарё бўйидаги баъзи ҳудудлар Эшим султонга ҳокимлик қилиш учун топширилди. Шунга қарамасдан қозоқ султонлари барибир талончилик юришларини давом эттиравергач, Имомқулихон уларга қарши қатъий курашларга отланди.

Имомқулихон жунғорлар (қалмиқлар) билан иттифокликда Талас водийсида Қозоқ хонлигига қақшатқич зарба бериб, тўлиқ ғалабага эришди. Лекин, тез орада шимолда ташкил топган жунғорлар (калмиклар) нинг Ойрат хонлиги (Жунғория (1635-1758))нинг ташкил топиши ташқи сиёсий муносабатлардаги вазиятни ўзгартириб юборди. Жунғорларнинг қозоқлар билан бутун Бухоро хонлигига нисбатан юришлари тез-тез амалга оширила бошланди. Бу эса, ўз навбатида қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ, шаҳарлар ҳаётига ката хавф

солар эди. Уларнинг юришлари боис қозоқларнинг маълум қисми Мовароуннаҳр ҳудудига ҳам кўчиб ўта бошладилар.

Имомқулихоннинг шу даврдаги садоқатли амалдорларидан бири Ялангтўшбий оталиқ бўлиб, у олчин уруғидан чиққан эди. Ялангтўшбий катта ер-мулк эгаси, Имомқулихонни ҳокимиятга келишида қўллаб-қувватлаган шахс бўлиб ҳисобланар эди. Кейинчалик ҳам у хон ҳокимиятини қўллаб-қувватлаб, бир неча йиллар давомида Самарқанд ҳокими бўлиб турди. Ялангтўшбий катта ваколат, бойлик, ўз қўшинига эга бўлиб, Самарқандни деярли мустақил бошқарарди. "Баҳр ал-асрор" асарининг муаллифи Маҳмуд ибн Валининг ёзишича, Самарқанд ҳокимининг хазинаси хон хазинасига тенг бўлиб, бу унинг иқтисодий жиҳатдан қудратли шахс бўлганлигидан дарак берар эди. Айнан Ялангтўшбийнинг буйруғи билан Самарқандда машҳур Шердор (1619-1636) ва Тиллакори (1641-1646) мадрасалари барпо этилган эди.

Таъкидлаш жоизки, гарчи бу даврда Ялангтўшбийчалик бошқа қудратли ҳокимлар учрамасада, лекин шу даражага интилаётган амалдор, ҳокимлар ҳам йўқ эмас эди. Шунга қарамасдан Имомқулихон давлат тизгинини маҳкам ушлаб, кучли марказий ҳокимият барпо этишнинг уддасидан чиқа олди дейиш мумкин. Муҳаммад Юсуф Мунший ўзининг «Тарихи Муқимхоний» асарида Имомқулихон ҳукмронлиги даврига юқори баҳо бериб, жумладан уни Султон Ҳусайн Бойқарога ҳам таққослайди. Хусусан, ушбу муаррих юқорида номи зикр этилган хон даврида «На Балхда, на Бухорода, умуман ҳеч бир ҳудуддда тартибсизлик, исёнлар бўлмагани»ни қайд этади.

Шубҳасиз, Имомқулихон ўз даврининг зеҳнли ва тадбирли давлат арбоби, юқори маълумотли ҳамда салоҳиятли вакили бўлган. Унинг саройида қатор фан ва адабиёт вакиллари, хусусан машҳур тарихчи, Ҳофиз Таниш Бухорий, бир мунча вақт, кейинчалик Хива хони сифатида танилган Абулғози Баҳодирхонлар ҳам фаолият кўрсатишган. 1621 йили хоннинг ташаббуси билан Самарқандда Шарафуддин Али Яздий қаламига мансуб «Зафарнома» асаридан янги нусха кўчиртирилган.

Имомқулихон ташқи сиёсий алоқалар, бошқа давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатишга ҳам ҳаракат қилган. Бу даврда айниқса, Ҳиндистондаги бобурий подшоҳ Жаҳонгир (1605-1627) билан алоқалар мустаҳкамланди. Хусусан, 1625 йили Ҳиндистон элчиси Мир Баракани ватанига кузатиш вазифаси янги хон элчиси сифатида тайинланган Ҳожи Абдулраҳим зиммасига юкланди. Жўйбор шайхларидан бўлмиш Ҳожи Абдулраҳим Ҳиндистон подшоҳи Жаҳонгиршоҳга кўплаб ноёб ва қимматбаҳо совға-саломлар тақдим этди. Совға-саломлар ичида қиймати бир вилоят хирожига тенг бўлган қимматбаҳо лаъл тоши айниқса ажралиб турар эди. Ҳиндистонга элчи сифатида юборилган Хожи Абдулраҳим Жаҳонгиршоҳга Хуросонни Бухоро хонлиги ва Ҳиндистон ўртасида бўлиб олиш режасини ҳам тақдим этади. Жаҳонгиршоҳнинг вафоти (1627 йил) Бухоро хонлиги билан ўзаро муносабатларнинг бирмунча вақт узилиб қолишига сабаб бўлди. Имомқулихон россия билан ҳам элчилик муносабатларини ўрнатади. 1619 йили хон элчиси Одамбий Москвага бориб, рус подшоси Михаил Ромонов қабулида бўлади. Россия подшоси ўз навбатида Бухорога Иван Хохлов бошчилигидаги элчилик гуруҳини жўнатади. И.Хохлов

1620-1622 йилларда хонликда бўлиб, Аштархонийлар давлатига оид кўплаб маълумотларни тўплашга муваффақ бўлди. Имомқулихон гарчи чегара масаласида Эрон билан тўқнашувларга борсада, лекин ушбу давлат билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга аҳамият беради.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Имомқулихон даврида хон ҳокимиятининг мавқеи ошиб, ички вазият, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳолат анча яхшиланади. Муҳаммад Юсуф (ибн Хожи Бақо) Муншийнинг "Тарихи Муқимхоний" асарида берилишича, "Имомқулихон ночорлар ишини енгиллаштирди, арз билан келганларни қайтармади. Унинг замонида на камбағал, на бечора қолмаганди. Чикарган буйруклари ижроси борасида амалдорларига қаттиқ турди, коронғи тушиши билан оддий кийим кийиб вазири ва кўрчи билан бозорлар-у маҳаллаларни айланиб, оддий халқнинг ҳақиқий аҳволидан хабардор бўлиб турарди". Умрининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолган Имомқулихон 1642 йили тахтдан воз кечиб, Маккага ҳаж сафарига жўнайди. У 1644 йили Мадинада вафот этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳажга йўл олган Имомқулихонга нуфузли давлат арбоби сифатида Эрон давлатида катта қабул маросими ҳам уюштирилади.

Имомқулихондан сўнг тахтга унинг укаси Нодирмуҳаммад (1642-1645 йй.)[3] ўтирди. Нодимуҳаммад хон бўлгунига қадар Балх ҳокими (1606-1642) бўлиб, узоқ вақт тахтни бошқара олмади. У ҳокимият тепасига келгач, мамлакатдаги аҳвол тезда ўзгариб кетди. Чунки, хон давлат ишларида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган зодагонларга яқинлашолмай, улар билан тил топиша олмади. Ундан ташқари Нодирмуҳаммадхон мамлакатнинг ижтимоий - сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган амирлар ва султонлар мавқеини чеклаш билан бирга мамлакатнинг асосий вилоятларини ўзининг олти ўғли, бир набираси ва икки жиянига бўлиб берди. Жумладан, ўғиллари Абдулазиз Султонга Самарқанд, Хисрав Султонга Бадахшон билан Қундуз, Баҳром Султонга Тошкент, Субҳонқули Султонга Балх, Қутлуқ Муҳаммад Султонга Ҳисор, Абдурахмон Султонга Шибурғон ва Андхуд, набираси Қосим Султонга Хузор, жиянлари Муҳаммадёр Султонга Шаҳрисабз, Сўфи Султонга Толикон берилди.

Бундай шароитда орадан кўп вакт ўтмай вазият кескин ўзгарди. Саройдаги лавозимлардан озод этилган амалдорларнинг норозилиги кучайиб турган бир пайтда, мамлакат ҳудудларига шимолдан кўчманчилар хужумлари бошланди. Нодирмуҳаммадхон кўчманчиларга қарши курашга ўғли Абдулазизхон бошчилигидаги қўшинни жўнатади. Ҳукмдордан норози бўлган бир гурух амалдорлар 1645 йилнинг апрелида Учтепа атрофидаги Янгисарой деган жойда Нодирмуҳаммаднинг катта ўғли Абдулазиз Султонни хон деб эълон киладилар. Бу пайтда Қарши даштларида ов қилиб юрган Нодирмуҳаммадхон бу хабарни эшитиб Балхга кочади.

Абдулазизхон ҳукмронлиги даври (1645-1681) ўзаро курашлар билан бошланди. Балхда ўрнашиб олган Нодирмуҳаммад қолган ўғилларига ва янги хондан норози бўлган Бухоро амирларига таяниб, Абдулазизхон ҳокимиятини тортиб олишга уринди, аммо бунинг уддасидан чика олмади. Шундан сўнг,

[3]Баъзи манбаларда Надрмуҳаммад деб ҳам юритилади

Нодирмуҳаммадхон Ҳиндистон ҳукмдори бобурий Шоҳ Жаҳондан ёрдам сўради. Бундан фойдаланган бобурийлар Балх ва Бадахшонни эгаллаб, бу ҳудудларда икки йил ҳукмронлик қилдилар. Нодирмуҳаммадхон эса Эрон шоҳи ҳузурига кочиб кетди. 1647 йил октябрда Абдулазизхон Балхга ҳужум қилиб уни бобурийлардан тортиб олди. Нодирмуҳаммадхон эса 1651 йилда ҳаж сафарига чиқиб, йўлда вафот этди[4].

Абдулазизхон даврида мамлакатда нотинчликлар, бебошликлар яна қайтадан бошланди. Айниқса, Балхда ҳукмронлик қилаётган Субҳонқули Султон билан Абдулазизхон ўртасидаги кураш кескинлашди. Абдулазизхон Балхни Бухорога бўйсундиришга бир неча марта уринган (1652-1657) бўлсада, Субҳонқули Султонни мағлуб эта олмади. Ундан ташқари, олий ҳокимиятнинг заифлашгани ҳамда ўзаро урушлардан фойдаланган Хива хонлари Бухорога тез - тез ҳужумлар уюштириб турдилар. Улар 1658 йилда Кармана ва Вардонзани талон-тарож қилиб, 1662 йилда Бухорогача етиб келдилар. Балх можаролари 1658 йилда Абдулазизхоннинг пири Абдуғаффор хожанинг аралашуви билан бироз барҳам топган бўлсада, амалда Субҳонқули Султон Балхни мустақил бошқарар эди.

Хива хонлиги билан олиб борилган урушлар устига мамлакатдаги турли ижтимоий қатламлар ўртасидаги ихтилофларнинг кескинлашиб бориши мамлакат ҳаётига салбий таъсир кўрсатган. Манбалар тили билан айтганда, Абдулазизхон даврида "Мовароуннаҳр ва Балх вилоятлари хоразмликлар ва қозоқлар ҳужумлари туфайли ҳалокат ёқасига келиб қолди". Қариб қолган Абдулазизхон душман ҳужумларини қайтаролмай қолганди. Ундан ташқари, унинг даврида йирик ер эгаларининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигининг кучайиши марказий ҳокимиятни янада заифлаштирганди. 1680 йили Карманага йўл олиб, Бухорони нуфузли амалдор Искандарбийга топширди. Буни билган Хива хонлиги қўшини пойтахтга ҳужум қилди.

1681 йилда Абдулазизхон тахтни укаси Субҳонқули Султонга топшириб, ўзи ҳаж сафарига жўнайди ва ўша ерда вафот этади. Таъкидлаш жоизки, Абдулазизхон ҳукмронлиги даври бир томондан парокандаликни кучайтиришга олиб келган бўлсада, хон ўз ваколати доирасида марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга ҳам ҳаракат қилди. Афсуски, бу ҳаракатлар тегишли самара бермади. Субҳонқулихон (1681-1702) ҳукмронлиги йилларида ҳам мамлакатдаги ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий вазият ўзгармади. Чунончи, Субҳонқулихон даврида унинг ўғиллари ўртасида Балх ҳокимияти учун кураш янада авж олди. Бу жараёнда унинг ўғилларини Балхдаги обрўли хонадонлар қўллаб турдилар. Маҳаллий амалдорлар давлат хазинасига ҳам солиқлар тўламаганлар. Бу холат марказий ҳокимиятнинг Балхдаги мавқеини ниҳоятда заифлашиб кетганидан ва маҳаллий сиёсий кучларнинг, хусусан йирик амирлар мавқеи ошиб кетганидан далолат берарди.

Янги ҳукмдорнинг ҳокимият тепасига келиши Бухоро ва Хива муносабатларини юмшатмади. Хиваликлар Анушахон бошчилигида Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларига талончилик юришларини уюштириб, шаҳар ва

[4] Нодирмуҳаммадхон Мадина шаҳри яқинида, акаси Имомқулихон қабри ёнига дафн этилган.

қишлоқларни вайронага айлантирдилар. Оқибатда суғориш ишлари издан чиқиб, деҳқончиликка путур етди. Бозорларда қимматчилик бошланиб, халқнинг аҳволи ёмонлашди. Мана шундай шароитда Субҳонқулихон давлатнинг бўшаб қолган хазинасини тўлдириш мақсадида қўшимча соликларни жорий этиб, бир неча йиллик соликларни олдиндан йиғиб олишга буйрук берди.

Хива қўшинлари Кармана, Вардонзе ва Бухоро атрофларига қадар бўлган ерларни эгаллаб, Самарқандни ҳам қўлга олишди. Бу даврдаги нуфузли шахслардан бири бу – Бадахшон ҳокими Маҳмудбий оталиқ эди. У асли қатағон уруғидан бўлиб, Абдулазизхон давриданоқ мамлакатдаги нуфузли амалдорлардан бирига айланган эди. Субҳонқулихон айнан шу Маҳмудбий оталиқ ёрдамига таяниб Самарқанддан Хива қўшинини ҳайдаб чиқарди. Самарқанд аҳлини хиваликларга тобе бўлишда айблаб, унга катта бож солиғи солинди. Субҳонқулихоннинг ўғли Сиддиқ Муҳаммад Балх ҳокими бўлиб, отасига қарши бир неча марта бош кўтарган эди. Хон бу ғалаённи бостиришни аввал Маҳмудбий оталиққа топширади. Кейинчалик ўзи ҳам Балхга юриш қилишига тўғри келди. Самарқанд ва Балхдаги юришлари учун Субҳонқулихон Маҳмудбий оталиққа катта миқдордаги совға-саломлар ва қимматбаҳо буюмлар тортиқ қилади.

Субҳонқулихон тушиб қолган вазиятдан фойдаланган Хива хони Анушахон Бухорога қайта ҳужум қилиб, унинг шимолий ҳудудларини талон-тарож қилади. Хива хони талончилигидан чарчаган Субҳонқулихон унга қарши фитна тайёрлади. Фитна натижасида Анушахон 1686 йили тутиб олиниб, кўзига мил тортилади. Хива тахтига ўтирган Эренгхон (Ирноқ) Бухоро хонига бўйин эгишни истамади. Ҳатто хон Балхга кетган вақтида пойтахтни қамал ҳам қилди. Бундай вақтда Субҳонқулихон Маҳмудбий оталиқ ёрдамида хиваликларни ҳайдаб чиқарди. Хонга берилган "ёрдам эвазига" Субҳонқулихон 1688 йили Балх вилояти ҳокимлигини Маҳмудбий оталиққа топширади. Ҳолбуки, Балх ҳамма вақт бўлғуси тахт ворислари ҳоким бўладиган ҳудуд ҳисобланар эди. Субҳонқулихон Хива хонлиги ички ишларига аралашишни давом эттиради. 1688 йили Эренгхон Хивада ўлдирилиб, Бухоро хони маълум вақт олий ҳукмдор сифатида тан олинади. Шоҳниёз Хива ҳудудлари ҳокими деб эълон қилинади. Ўз вақтида Маҳмудбий эса Балх ҳокими сифатида хонга ҳам бўйсунмай қўйди. Субҳонқулихоннинг ҳукмронлиги даври анча зиддиятли ва мураккаб тарзда кечди. Бир томондан у Аштархонийлар давлатининг мавқеини кучайтиришга ҳаракат қилди. Хусусан, у Хива хонлигини ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлди. Балх, Бадахшон ва бошқа ҳудудларни ўз измида ушлаб турди. Марказий ҳокимиятни кучайтириш мақсадида соликларни кўпайтириб, қўшин сонини оширди. Субҳонқулихон қўшни давлатлар билан ҳам ўзаро муносабатларни ўрнатишга ҳаракат қилди. У бобурий подшоҳ Аврангзеб билан бир неча марта мактуб алмашган. 1689 йили Ҳиндистондан Забардастхон бошчилигидаги элчилик гуруҳи Бухорога ташриф буюрган. 1690 йили хон Россияга ўз элчиларини жўнатган. 1691 йили эса Усмоний туркlар давлати элчиси Мустафо човуш Субҳонқулихон қабулида бўлиб, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга келишиб олишган. Субҳонқулихон ободончилик ва қурилиш ишларига ҳам ҳомийлик қилган. Ўзи ҳам "Нишоний" тахаллуси остида шеърлар ёзган.

Субхонқулихоннинг ўғли Убайдуллахон (1702-1711) мамлакатда ҳукм сураётган сиёсий тарқоқликни тугатишга ҳамда марказий давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган сўнгги аштархоний ҳукмдори бўлди. Унинг Самарқанд, Ҳисор, Термиз ва Шаҳрисабзга қилган юришлари натижасиз тугаган бўлсада, узоқ қамалдан сўнг Балхни эгаллашга муваффақ бўлди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Убайдуллахон Балхни эгаллагач, қўшиндаги отлар ва туялар деҳқонлар экинларини пайҳон қилмасликлари ҳақида буйруқ берди. Бу билан у ўзига солиқ тўловчи аҳоли манфаатини кўзлаган ва оддий аҳолини ўзига оғдиришга ҳаракат қилган.

Шунга қарамасдан Убайдуллахоннинг маҳаллий ҳокимлар ҳамда амирларнинг айирмачиликҳаракатларини синдириш йўлидаги кўплаб саъй-ҳаракатлари тегишли самарасини бермади. Убайдуллахон давлатдаги бошқарув аппаратида ислоҳот ўтказишга ҳаракат қилиб, кўплаб амалдорларни мансабидан четлаштирди. Уларнинг ўрнига ҳунармандлар ва савдогарларнинг фарзандларини мансабларга тайинлади. Шунингдек у мамлакатдаги йирик ер эгалари бўлган жўйбор шайхларининг солиқ имтиёзларини ҳам бекор қилди. Аммо, Убайдуллахоннинг бу ҳаракатлари унга норози кучларнинг қўпайишига хизмат қилди,холос.

Убайдуллахон мустақил амирларнинг иқтисодий қудратига зарба бериш, давлат хазинасини бойитиш ҳамда мамлакат молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида 1708 йилда пул ислоҳотини ўтказди. Бу ислоҳотга кўра, хазинада мавжуд кумуш тангалар эритилиб, ҳар биридан тўртта кумуш танга қайта зарб қилинди. Қиймати паст бўлган янги тангалар эски тангалар билан бир хил муомалада бўлиши эълон қилинди. Аммо, зарб этилган паст қийматли тангалар бозорларда савдогарлар томонидан олинмасдан дўконлар ёпиб қўйилди. Натижада аҳолининг норозилиги кучайиб, Бухорода қўзғолон кўтарилди. Бу қўзғолон катта кийинчилик билан бостирилган бўлсада, мамлакатдаги аҳвол яхшиланмади.

Убайдуллахон даврида жунғорлар Мовароуннаҳр ҳудудига ҳарбий юришларини амалга оширдилар. Улар Тошкент ва Самарқандга хавф сола бошлагач, хон ўз қўшини билан уларга қарши юришни ҳам амалга оширди. Убайдуллахон давлат ишларига келиб чиқишидан фарқли равишда ҳунарманд ва савдогарларнинг фарзандларини ҳам жалб қила бошлади. Бу даврда қўшбеги лавозимига ўтириб, катта мавқега эга бўлган Тўрақули қушбеги келиб чиқиши бўйича зодагон оиладан бўлмай, бу эса саройдаги кўплаб амалдорларнинг норозилигига сабаб бўлганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Шубҳасиз, Убайдуллахоннинг марказлашган давлат сари йўл тутиши, низо-парокандаликка қарши туриши зодагонлар, ҳарбийлар, юқори даражадаги амалдорларнинг бир қисми норозилигининг янада ўсишига олиб келди. Бунга катта нуфузга эга бўлган Маҳмудбий фаолиятини ҳам мисол қилиб келтириш мумкин. Маҳмудбий Балх ҳокими билан бирга хон ҳокимиятига очиқчасига қарши чиқади. Маҳмудбийнинг таъсири остида хоннинг жияни Муҳаммад Муқим Султон (1697-1707) Балх ҳокими сифатида хон ҳаётлик чоғидаёқ олий ҳукмдорликка даъво билан чиқади. Убайдуллахон ўзаро низо ва айирмачиликка қарши чиқиб, марказлашган давлат учун ҳаракат қилган охирги аштархоний

ҳукмдори бўлиб қолди. Убайдуллахон II ободончилик ишларига ҳам эътибор беради. У Бухорода мадраса, пойтахт ғарбида Хонобод чорбоғи барпо эттиради. Убайдуллахон 1711 йили фитна натижасида ўлдирилди.

Убайдуллахоннинг ўлимидан сўнг мамлакатда сиёсий таркоклик янада кучайди. Алоҳида вилоятларнинг ҳарбий - сиёсий қудрати орта бориб, Бухоро, Самарканд, Тошкент, Балх, Шаҳрисабз ва Бадахшон ҳокимлари ўзларини мустақил ҳукмдор сифатида тута бошладилар. Мана шундай шароитда Бухоро тахтига 16 ёшли Абулфайзхон (1711-1747 йй.) ўтказилди. Айрим манбалар Абулфайзхон тахтга ўтирган пайтдаёқ Убайдуллахоннинг сиёсатини давом эттиришга ҳаракат қилганлигини тасдиқласада,унинг атрофидаги амирлар бу ҳаракатларга кескин қарши чиқдилар. Ҳар томонлама мавкега эга бўлган амирлар Абулфайзхондан ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар ва охир оқибатда Абулфайзхон кўғирчоқ ҳукмдорга айланиб қолди.

1716-1717 йилларда юз минг кишилик хитой-қипчоқ қабилалари Миёнкол, Қарши остоналарига келиб ўрнашдилар. Ўз навбатида уларнинг кириб келиши жараёнида кўплаб талончилик ишлари амалга оширилди, маълум ҳудудлар хонавайрон қилинди. Шунингдек, XVIII аср 20-йилларида қозоқ султонлари ҳам Зарафшон воҳасига ҳужум қилиб, кейинчалик ўзлари ҳам жунғорлар таъқиби остида шу ерларга келиб ўрнаша бошладилар. Хон эса бундай ҳаракатларга қарши чора-тадбирлар кўллашдан ожиз эди. Россия императори вакили Флорио Беневенининг ёзишмалари ҳамда «Тарихи Абулфайзхон» асарининг муаллифи тарихчи Абдурахмон Толе маълумотларида мамлакатда ҳукм сурган бошбошдоқлик ва хунрезликлар алоҳида таъкидланади.

Мамлакатдаги турли ҳукмдорлар ўртасидаги сиёсий таркоклик авж олган бир шароитда манғит уруғидан бўлган Муҳаммад Ҳакимбий ҳокимиятни эгаллашга ҳаракатни бошлайди. Саройдаги оталиқ мансабида бўлган Ҳакимбийнинг қўлига ҳокимият ўтишига кўпгина амирлар қарши чиқдилар. Улар орасида Шаҳрисабз ҳокими Иброҳимбий кенагас айниқса ажралиб турарди. Иброҳимбий кенагас 1722 йилда ўзининг бир гуруҳ маслакдошлари билан асли келиб чиқиши Хива хонлари авлодидан бўлган Ражаб Султонни Самарқанд ҳокими деб, ўзини эса "Амирлар амири" деб эълон қилди. Ражаб Султон бошчилигида бир нечта ўзбек уруғлари амирларини бирлаштирган Иброҳимбий Бухорога юриш қилди. Бу юришда Муҳаммад Ҳакимбий мағлубиятга учраган бўлсада, Ражаб Султон Бухорони эгаллай олмади ва қозоқ султонларидан ёрдам сўради.

Муҳаммад Вафо Карманагий ўзининг "Тухфат ал-хоний" асарида ёзишича, қозоқ султонлари зудлик билан Мовароуннаҳрга юриш бошлаб, мамлакатдаги сиёсий парокандаликдан унумли фойдаланадилар. Улар 1723-1729 йиллар давомида Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларининг серҳосил ерларига доимий равишда талон - тарожлик юришларини амалга ошириб турдилар. Абулфайзхон давлат ишларини бир томонга ташлаб, майхўрлик ва ишратга берилиб кетди. У бир сафар каттиқ мастлик чоғида ети нафар фарзандини ҳам ўлимга маҳкум этган эди. Улардан фақат кичик ёшдаги Абдулмўмингина тахт остига яшириниб, омон қолган эди. Хон давлат ишларини буткул Жавшон қалмоқ исмли кўшбеги қўлига топшириб қўйди. Мамлакатда парокандалик авж олиб, Самарканд,

Бадахшон, Қарши, Балх, Фарғонани амалда мустақил ҳокимлар бошқара бошлайдилар.

Бухоро хонлигидаги парокандалик қўшни Эрон ҳудудларида Нодиршоҳ (1736-1747 йй.) асос солган Афшорийлар давлати учун ҳам ниҳоятда қўл келди. Ўз ерларини кенгайтириб Эрон ва Афғонистонда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган Нодиршоҳ Бухоро хонлиги ҳудудларига қарши ҳаракатни амалга оширишга киришади. Хусусан, 1736 йилда Нодиршоҳнинг ўғли Ризоқули бошчилигидаги қўшин Амударёдан ўтиб Қарши шаҳрига ҳужум қилди. Бу пайтда Қарши ҳокими бўлган Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ Аблфайзхондан ёрдам сўради. Қарши шаҳри яқинида Ҳакимбий ва Абулфайзхон қўшинлари Ризоқули қўшинларидан мағлубиятга учради. Қарши шаҳри эса қамалда қолди. Бундай шароитда Хива хони Элбарсхон катта қўшин билан Абулфайзхонга ёрдамга шошилди. Бу хабарни эшитган Ризоқули Қарши қамалини тўхтатиб, Эронга қайтишга мажбур бўлди.

1740 йилда Нодиршоҳнинг ўзи катта қўшин билан Бухоро хонлиги устига юриш бошлади. Нодиршоҳ Чоржуй атрофларидан Амударёни кечиб ўтган пайтида Қарши ҳокими Муҳаммад Ҳакимбий унинг ҳузурига бориб ўз хизматини таклиф қилди. Нодиршоҳ Муҳаммад Ҳакимбийни ўз хизматига олди. Абулфайзхон Эронга қарши курашни ташкил этолмай, Нодиршоҳга таслим бўлди. Нодиршоҳ Аштархонийларнинг таслим бўлиши ҳақидаги шартларини Муҳаммад Ҳакимбий орқали хонга жўнатади. Абулфайзхон Зарафшон дарёси бўйидаги Эрон шоҳи ҳузурига бориб, қарамлик ҳақидаги шартномани имзолайди. Шартномага кўра, Бухоро хонлиги Эронга 8 йилга етадиган буғдой ва арпа бериши, 10000 нафар қўшин тўплаб шоҳга жўнатиши керак бўлган. Усгбу қўшинга Муҳаммад Ҳакимбийнинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий бош бўлди. Муҳаммад Ҳакимбий эса қўшбеги (бош вазир) лавозимини эгаллаб, амалда бутун ҳокимиятни ўз қўлига тўплаб олди. 1743-йили Муҳаммад Ҳакимбий вафот этгач, унинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий амалда бутун ҳокимиятни қўлида мужассам этиб олди. 1747 йилда Абулфайзхонга фитна уюштирилиб, ўлдирилгунига қадар ва ундан сўнг охирги Аштархонийлар Абдулмўмин (1747-1750), Убайдуллахон II (1750-1753) ва Шерғозихон (1753-1756) лар даврида ҳам амалдаги ҳокимият Муҳаммад Раҳимбий қўлида бўлди. Муҳаммад Раҳимбий 1756 йил декабрида расман ҳокимиятга ўтирганлиги эълон қилинди. Шундай қилиб, Бухородаги олий ҳокимият манғитлар сулоласи қўлига ўтди.



4.2 Давлат тизими ва маъмурий бошқарув

Аштархонийларнинг давлат тизими ва маъмурий бошқаруви ўз тузилиши ҳамда мазмун - моҳиятига кўра, Шайбонийлар даври давлатчилигидан деярли фарқ қилмас эди. Манбаларнинг маълумот беришича, XVII – XVIII асрнинг биринчи ярми давлат бошқарувида ҳокимият марказда ҳам вилоятларда ҳам асосан бир идора – даргоҳда мужассамлашиб борган. Шунингдек, Шайбонийлар даврида бўлгани каби Аштархонийлар даврида ҳам давлат тизимида ўтроқ турмуш тарзи анъаналари билан бирга айрим ярим кўчманчиларга хос удум ва одатлар ҳам сақланиб қолган.

Бу даврда ҳам хон расман олий ҳокимият бошлиғи бўлиб, давлатдаги ички ва ташқи сиёсатга боғлиқ барча масалалар унинг ихтиёри билан ҳал этилган. Барча олий фармонлар хон томонидан жорий этилиб, унинг номидан тангалар зарб қилинар, хоннинг номи хутбага қўшиб ўқиларди. Аммо, амалдаги бошқарувда кўпгина аштархоний ҳукмдорлари саройдаги катта мавкега эга бўлган амалдорлар ҳамда йирик уламолар қўлида қўғирчоқ эдилар. Имомқулихон, Субҳонқулихон, Убайдуллахон II каби хонлар марказий ҳокимият обрўсини кўтаришга, бебош амирлар мавқеини чеклашга ҳаракат қилган бўлсалар-да, уларнинг бу ҳаракатлари деярли самара бермади. Бу даврда марказий давлат бошқаруви сарой амалдорларикўлида тўпланган бўлса, жойлардаги маҳаллий ҳокимият вилоят ҳокимлари ихтиёрида бўлган.

Аштархонийлар ҳукмронлиги йилларида ҳам нақиб, оталиқ, парвоначи, додхоҳ, девонбеги, қўшбеги, чуҳрабоши, ясовул, инок, кўрчи, ҳарбий қози, ҳарбий муфти, эшик оға боши, мирзабоши, сарой кутубхонаси бошлиғи, дастурхончи каби лавозимлар мавжуд бўлгани маълум. Шу билан бирга

уларнинг айримларида маълум ўзгаришлар юз берганини ҳам таъкидлаш лозимдир.

Оталиқнинг вазифаси XVI асрда асосан жойлардаги бошқарув тизими билан боғлиқ бўлса, Аштархонийлар даврида, айниқса Абдулазизхондан бошлаб, оталиқнинг марказдаги мавқеи кучая бошлади. Масалан, Абдулазизхон Бухоро тахтига чиққач, пойтахтдаги оталиқ вазифасини ўша пайтда энг кучли мавқега эга бўлган Ялангтўшбийга таклиф қилган. Оталиқнинг мавқеи Субҳонқулихон даврида ҳам баланд бўлиб, энг муҳим ҳарбий ишлар (масалан, хиваликларнинг Бухорога таҳдидини қайтариш, Хуросон юриши) оталиққа юклатилган. "Убайдулланома" асарида оталиққа "умдат ал-умаро", яъни "бутун амирлар табақасининг таянчи" деган таъриф берилган. Абулфайзхон давридаги оталиқ мансабида бўлган Ҳакимбий ва унинг ўғли Раҳимбийлар катта мавқега эга бўлиб, улар охир-окибат сулола вакилларидан ҳокимиятни бутунлай тортиб олишга муваффақ бўлдилар.

Аштархонийлар, хусусан Убайдуллахон II ва Абулфайзхон даврларида қўшбеги лавозимидаги амалдорларнинг ҳам мавқеи ўсган. Аниқроғи шу мансабдаги шахснинг мавқеи кўтарилиши билан у эгаллаб турган лавозимнинг ҳам аҳамияти юксалган. Мисол учун, "Убайдулланома"да маълумот берилишича, Тўрақули қўшбеги мансабга тайинлаш ва унвон бериш, хон ёрлиғисиз шахсан ёзма кўрсатмалар тарқатиш, олий қабулларда ўз ҳоҳиши билан иштирок этиш каби имтиёзларга эга бўлган. Ўша манба тили билан айтганда, бу даврда қўшбеги "Амирларнинг энг улуғи" эди.

Бу даврда Бухородан кейинги энг нуфузли шаҳар Балх бўлиб, уни одатда тахт вориси бошқарар эди. Расмий даражадаги давлат бошқаруви икки босқичли бўлиб - марказий ва маҳаллий бошқарув тизимига эга эди. Вилоят ҳокимларининг марказий ҳокимиятга бўйсуниши белгиланган йиллик соликларни тўплаб хон хазинасига юбориб туриши, хон фармонига кўра, ҳарбий юришларда ўз қўшинлари билан қатнашишдан иборат бўлган, холос. Кўп ҳолларда ўзларини марказий ҳокимиятдан мустақил деб ҳисоблаган вилоят амирлари ва ҳокимлари ҳам ўз бошқарув тизими ва ҳарбий кучларга эга бўлганлар.

Бу даврда амалдорлар тоифасига кирган шахслар ўзи эгаллаб турган лавозимларидан, маъсулиятли вазифаларидан ташқари сиёсий жараёнлар ва ҳарбий юришларда ҳам иштирок этганлар. Мисол учун, манбаларга кўра, 1722 йилда Вобкент остонасидаги Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ бошчилик қилган Абулфайзхон ва Самарқанд ҳокими Ражаб Султон қўшинлари билан бўлган тўқнашувда девонбеги, қўшбеги, парвоначи, додхоҳ, мирохўр, эшикоғабоши, тўқсабо, дастурхончи каби мансабдорлар ҳам иштирок этганлар.

Бу даврдаги бошқарувда дунёвий лавозимдаги амалдорлар билан бир қаторда диний лавозимдаги амалдорларнинг ҳам мавқеи баланд бўлган. Бошқарув тизимида йирик дин пешволари хожалар ва диний мансаб эгалари бўлмиш шайхулисломҳ, садр, қози калон ва бошқалар катта аҳамиятга эга бўлган.

Аввалларидек бўлганидек, бу даврда ҳам давлат бошқарувида жўйбор хожаларининг мавқеи баланд бўлиб, асосий диний мансабдорлар улар ичидан тайинланган. Бухоро шайхулисломи ҳам жўйбор шайхлари орасидан

тайинланиб, Абулфайзхон даврида бу лавозимни Хожа Яҳёнинг ўғли Муҳаммад Ҳаким Хўжа эгаллаган. Шайхулислом жамиятда катта роль ўйнаб, нафақат диний, балки барча ишлар бўйича ҳукмдорнинг доимий маслаҳатчиси бўлган. Ҳар бир вилоятнинг ўз қозиси бўлиб, улар диний, оилавий, ворисийлик ҳамда жиноий ишларни кўриб чиққанлар. Ҳарбийлар учун ҳам алоҳида қозилар бўлиб, улар қозийи-аскар деб аталган.

Бухоро хонлигидаги ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда муфтийнинг ўрни алоҳида бўлган. Муфтийфиқҳ (ҳуқуқ) ва ҳадисни жуда яхши биладиган қонуншунос бўлиши лозим бўлган. XVII асрнинг охири – XVIII аср бошларида давлат ҳокимиятининг заифлашуви оқибатида дарвишлар гурухларининг ҳам роли ортиб борган.

Аштархонийлар даврига келиб Бухоро хонлиги ҳудудлари анча қисқарди. XVIII аср бошларига оид манбаларда хонликка бўйсунувчи олтита вилоят: Бухоро, Самарқанд, Сагараж, Ўратепа, Шаҳрисабз ва Хузор тилга олинади. Имомқулихон ҳукмронлиги даврида Хисор, Туркистон, Фарғона ва Балх вилоятлари вақтинчалик қайта бирлаштирилган бўлсада, Абулфайзхон даврига келиб Хива ва Қўқон хонликлари алоҳида давлат эди.

Мавжуд манбаларда Бухоро хонлигига бўйсунувчи вилоятлар ўртасидаги аниқ маъмурий чегаралар ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган. Кўпгина вилоятлар, хусусан Ҳисор, Шаҳрисабз, Фарғона амалда ярим мустақил бошқарилиб, Бухорога номигагина тобе ҳисобланган.

4.3 Қишлоқ хўжалиги. Шаҳарлар. Ҳунармандчилик ва савдо.

Аштархонийлар даврида ҳам давом этган сиёсий парокандалик, урушлар ва ўзаро курашлар мамлакат иқтисодиётининг асоси бўлган қишлоқ хўжалигига ҳам таъсир этмасдан қолмади. XVIII асрга оид айрим манбалар Зарафшон ва Фарғона водийсидаги деҳқонларнинг ўз ерларидан қочиб кетиши ҳолатлари ҳақида ҳам маълумотлар беради. Ҳукмдорлар солиқ ва ўлпонларни ўз вақтида ва доимий йиғиб олиш учун ҳам мамлакат иқтисодиётини кўтаришга ҳаракат қилсаларда, бу ҳаракатлар аксарият ҳолларда самарасиз тугарди. XVII асрнинг бошларига келиб кўплаб суғориладиган ерлар жўйбор шайхларига берилган. Шариат қонунларига кўра, сув сотилмаслиги ва сотиб олиниши мумкин бўлмасада, бой амалдор ва руҳоний ер эгалари суғориш каналларининг хўжайинлари эдилар. Тўғри, соҳада маълум ишлар амалга оширилди. Масалан, Имомқулихон даврида, 1614-1615 йилларда Қарши қамали, 1633-1634 йилларда Қўшкўрғонда ката канал қазилиб, ён-атрофга сув чиқарилган. Лекин бу каби ишлар ҳажми шунчалик кам даражада бўлдики, деҳқончилик соҳасида амалий натижаларга олиб келмади. XVII аср 80-йилларининг охирларида Хива ҳукмдорларининг кўплаб ҳужумлари натижасида келиб чиққан сув таъминотининг бузилиши Аштархонийлар давлатидаги кўпгина вилоятларда, айниқса, Самарқанд, Қарши, Фарғона вилоятларида очарчиликка сабаб бўлди. Манба тили билан айтилганда , "деҳқонларда тариқ ва буғдой нони ҳам йўқ эди".

Сиёсий беқарорлик ва ўзаро урушлар давом этиб турган оғир шароитда ҳам деҳқонлар ўз хўжаликларини давом эттиришга ҳаракат қилганлар. Бухоро

хонлигининг асосий дехқончилик ҳудуди Зарафшон воҳаси эди. Сўнгги ўрта асрлар муаллифлари бошқа вилоятларда ҳам экинлар ва боғ-роғлар мавжудлиги ҳақида маълумотлар берадилар. Мисол учун, Фарғонанинг "ажойиб боғлари ва далалари", Қаршининг "суғориладиган ерлари", Тошкент воҳасининг "тоғли ғаллакор туманлари", Термизнинг "яхши қовунлари ва ғалласи", Шаҳрисабзнинг "яхши ҳосил берувчи ерлари" ҳақида маълумотлар бор.

Аштархонийлар даврида суғориладиган ерларга Ўрта Осиё минтақаси учун анъанавий бўлган буғдой, арпа, жўхори, ловия, мош, шоли, пахта, сабзавот ва полиз экинлари, дашт ва тоғолди адирларидаги лалми ерларда буғдой , арпа, қовун, тарвуз ва бошқалар экилиб дехқончилик қилинган. Ўзаро урушлар дехқончилик тараққиётини бирмунча орқага суриб турган бўлишига қарамасдан, тинчлик даврларида ерлардан анча юқори ҳосил олинган.

Бу даврда полиз экинлари етиштириш анча ривожланган. Бу экинлар орасида қовун айниқса кўп етиштирилган. Бу ҳақида "Бобурнома" да шундай маълумот берилади. "Мовароуннаҳрнинг ҳеч қаерида Бухородагидек кўп ва хўб қовун бўлмайди. Фарғона вилоятида, Ахсида Бухороникидан ҳам ширинроқ мири тимурий навли қовун бўлсада, Бухорода қовунларнинг нави кўп, улар ҳам жуда ширин". Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) ҳам кўпгина ҳудудларда ковун етиштирилганлиги ҳақида маълумотлар беради . Полиз маҳсулотларидан асосан пул кўринишида солиқлар олинган.

Суғориладиган ерларнинг кўпчилик қисмини боғлар ва узумзорлар ташкил қилган. Самарқанд , Бухоро, Тошкент каби шаҳарлар атрофида кўплаб боғлар, чорбоғлар мавжуд бўлган .

Бу даврда чорвачилик ҳам қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи сифатида катта аҳамиятга эга эди. Хон ва йирик сарой амалдорлари, дин пешволари, қабила бошлиқлари, йирик чорвадор бойларга тегишли катта-катта яйловларда, дашт ҳудудларида минг- минглаб қўйлар, подалар, йилқилар, туялар боқилган. Бобур маълумотларига кўра, йирик зодагонларнинг 30-40 мингтагача қўйлари бўлган. Андижон бекларидан бири, қалъа ҳимояси пайтида бу ердаги аскарларга 18 мингта қўй тарқатган. Айрим ҳудудларда, масалан Қоракўлда қоракўл териси, Қаршида қора ва кўкимтир кулранг тери ишлаб чиқариш ривож топган. Қўйчилик ярим кўчманчи аҳолининг асосий бойлиги ҳисобланган.

Ўтроқ дехқончилик туманларида анъанавий уй чорвачилиги сут-қатиқ, учун сигир, семиртириб боқиш учун бука ва қўй боқиш давом этган. Хўкиз ва отлардан дехқончиликда омоч тортиб ер ҳайдашда кенг фойдаланилган. Чорвачилик ишлаб чиқариш ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган қўйлар, йирик шохли ҳайвонлар, қорабайир отлар, икки ўркачли туялар ҳамда жун, тери ва бошқа маҳсулотлар етказиб берадиган асосий тармоқ сифатида аштархонийлар даврида ҳам ўз мавқеини сақлаб колди.

Айрим аштархоний ҳукмдорлари даврида мамлакатнинг асосий бойлиги ҳисобланган ерни тақсимлаш расман олий ҳукмдор қўлида бўлсада, амалда кўплаб давлат ерлари йирик амалдорлар ва дин пешволари қўлида эди. Айниқса, XVIII асрдан бошлаб, ярим кўчманчи қабилалар бошлиқлари бўлган амирлар ва бекларнинг ҳокимияти кучайиб, улар амалда йирик ҳудудларнинг хўжайинлари эдилар.

Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида ерга эгалик қилишнинг мулки султоний, мулк (хусусий ер), вақф ерлари шакллари бўлган. Мулки султоний давлат ерлари бўлиб ҳисобланиб, ундан келадиган даромад хон хазинасига тушган. Давлат ерларидан ўша жойларда яшаган деҳқонлар фойдаланган, улар ердан фойдаланиб, олинган ҳосилдан хирож солиғи тўлаганлар. Хон давлат ихтиёридаги ерларни, аҳоли яшайдиган қишлоқларни шахзодаларга, йирик дин вакиллари, уламолар, саййидларга суюрғол шаклида, ҳарбий қисм бошлиқлари, сарой амалдорларига танҳо шаклида инъом этилган. Суюрғол қилинган катта ер эгалари хон хазинасига солиқ тўламаганлар. Танҳо шаклида инъом этилган ерлар танҳодорларнинг хусусий мулки бўлмай, ўша ерларда ишлаётган деҳқонлардан солиқ олиш ҳуқуқи берилар эди. Хон айрим шахсларга ҳукмдорга кўрсатган алоҳида хизматлари учун ҳам ер-мулклар инъом этган. Бундай мулклар солиқлардан озод қилиниб, улар "мулки хурри холис" деб аталган. Хусусий мулк эгалари одатда ерларни ерсиз деҳқонларга ижарага бериб, ундан катта даромад олишган. Диний маҳкамаларга берилган ерлар вақф мулклари бўлиб, улар солиқлардан ҳоли бўлганлар. Олий ҳукмдор ерни сотиш, ҳадя этиш ёки вақф мулкига ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган. Шартли ер эгалари суюрғол, иқто, танҳо, тиул каби номлар билан аталган. Таъкидлаш лозимки, XVII-XVIII асрларга келиб суюрғолнинг мазмуни ўзгаради. Бу даврга келиб суюрғол асосан ҳукмдор хизматида бўлган руҳонийлар-сайидлар, хўжалар, шайхлар, уламолар, шунингдек шоирларга ҳадя қилинган. Маҳмуд ибн Вали шундай маълумот беради: "Агар подшо ерни кимгадир ҳадя тариқасида берса, бундай ерлар уламолар ва сайидларга берилса, суюрғол дейилади, агар ҳарбийларга берилса, у ҳолда танҳо дейилади."

Шаҳарлар. Ҳунармандчилик ва савдо. Сўнгги ўрта асрлар даврида ҳам жамият ҳаётидаги шаҳарларнинг ўрни асло пасаймаган. Савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик асосан шаҳарларда марказлашган бўлиб, фан ва маданият ҳам шу ерда тараққий этган. Йирик иқтисодий, сиёсий-маъмурий ва маданий марказлар бўлган Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарлари Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаганлар.

Самарқанд ўзининг ихтисослашган бозорлари ва савдо қаторлари билан ажралиб турган. Манба тили билан айтганда , "бу шаҳарнинг битта ўзига хос хусусияти борки, бу хусусият бошқа шаҳарларда кам учрайди, яъни, ҳар бир маҳсулот учун алоҳида бозор бўлиб , улар бири-бири билан аралашиб кетмайди. Бу ажойиб анъанадир". Дарҳақиқат, Аштархонийлар даврига оид турли манбалар Самарканддаги кўзагарлар , темирчилар , заргарлар , чопондўзлар, дўппидўзлар , баққоллар , қассоблар , чўянчилар , читпазлар, бўёқчилар, нонфурушлар каби кўплаб алоҳида бозорлар ҳақида маълумотлар берадилар. Бу даврдаги кўплаб меъморий иншоотларнинг қурилиши туфайли шаҳарнинг кўриниши ҳам ўзгарди. Мисол учун, ўзбек амирларининг мавқеи кучайган даврда Ялангтўшбий томонидан Регистон майдонида Шердор ва Тиллакори(1631-1642йй.) мадрасалари бунёд этилди. Самарқанд атрофларида боғ-роғлар билан бир қаторда сув тегирмонлари ҳам мавжуд бўлган. Сиёб каналидан чиқарилган ариқлар бўйларида бутун дунёга машҳур бўлган Самарқанд қоғози ишлаб чиқариш устахоналари жойлашган.

Бу даврда Тошкент мамлакатнинг маъмурий бошқарув ва иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаган бўлиб, бу ерда ички ва ташқи бозор учун кўплаб маҳсулотлар мавжуд эди. Тошкент, айниқса, тоғ-кон саноати маҳсулотлари, қозоқ даштлари билан савдо-сотиқ муносабатларида машҳур бўлганлиги манбаларда эслатиб ўтилади. Тошкент атрофларида боғлар ва узумзорлар мавжуд бўлган. Тошкент қалъаси ташқарисида Кайковус чорбоғи жойлашган. Манбалар бу чорбоғни "улуғ султонлар тахтининг жойи" ва Тошкент ҳокимларининг қароргоҳи сифатида эслатадилар.

Тошкентда ва унинг атрофларида турли мамлакатлардан келган савдогарлар тўхташлари учун карвонсаройлар мавжуд бўлган . Шунингдек карвонсаройлар Чирчиқ дарёси бўйлаб кетувчи тоғ йўли бўйларида ҳам қад кўтарган. Тошкентнинг кенг дашт ҳудудлари чегарасидаги воҳада жойлашганлиги бу даврда ҳам шаҳар хўжалигининг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлган бўлсада, манбалар кўчманчиларнинг кўплаб ҳужумлар уюштирганликлари ҳақида ҳам маълумотлар берадилар. Шу билан бирга Тошкентнинг ҳимоя деворлари кўп марталаб шаҳар аҳолисининг ҳимоясини таъминлаганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Шайбонийлар давридаёқ пойтахтга айлантирилган Бухоро шаҳри ҳам йирик ҳарбий-сиёсий, маъмурий ва маданий марказлардан бўлиб, аштархоний ҳукмдорларнинг қароргоҳи шу ерда жойлашган эди. Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган Бухоро шаҳри манбаларга кўра ,бу даврда, "бир нечта дарвозаси бўлган баланд девор билан ўраб олинган ва уч қисмга бўлинган. Унинг икки қисми ҳукмдорга, бир қисми эса савдогарлар ва бозорга тегишлидир". Шаҳарда зич қурилган турар -жойлар ҳамда хўжалик иншоотлари (карвонсаройлар, тимлар, ҳаммомлар ва ҳоказо) жуда кўп бўлиб, унча аниқ бўлмаган маълумотларга кўра, унинг ҳудуди ва атрофида деҳқончилик қилинадиган ерлар бўлган .

Мамлакатнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида бошқа шаҳарлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. XVII-XVIII асрнинг баъзи йилларида Андижон Фарғонанинг маркази бўлган бўлса , айрим пайтларда бу вазифани Ахси шаҳри бажарган. Бу даврда Қарши, Шаҳрисабз, Термиз, Жиззах, Хўжанд, Хоразмдаги шаҳарлар кейинроқ, Қўқон каби кўплаб йирик шаҳарлар мавжуд бўлган бўлсада, айирмачи кучлар ҳукмронлиги шароитида шаҳарлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар суст эди. Сиёсий тарқоқлик ҳамда ярим мустақил мулкларнинг мавжудлиги уларнинг ўзаро алоқаларини сезиларли даражада чеклаб қўйган.

Бу даврда ҳунармандчиликнинг асосий марказлари шаҳарлар бўлсада, ўзаро иқтисодий муносабатларнинг заифлашуви ҳамда натурал хўжаликнинг ривожланиши сабабли энг керакли ҳунармандчилик маҳсулотлари етиштириш кўпгина йирик қишлоқларда ҳам ривожлана бошлайди. Мамлакатнинг ҳунармандчилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи асосан маҳаллий ҳунармандлар маҳсулотлари ҳисобига қондириларди. Бу даврда тўқимачилик ва у билан боғлиқ ҳунармандчилик турлари (ип йигириш, газламалар тайёрлаш, кийимлар тикиш ва бошқалар) ривожланишда давом этади.

Самарқанд ва Бухородаги ҳунармандчилик аҳолисининг катта қисми мато билан шуғулланувчи кичик ишлаб чиқарувчилар бўлган. Мамлакатнинг бошқа

шаҳарларида ҳам турли-туман матолар тайёрланган. Мато тайёрлаш уларни маҳсулоти сифати, ипагининг тури, қайта ишланиши, ранг берилиши, жиҳатлари билан фаркланиб турган. Матоларнинг асосий хомашёси пахта, ипак, кам ҳолларда жун ҳисобланган. Самарканд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз каби шаҳарлар ва уларнинг атрофларидаги йирик қишлоқлар олача, бўз, чит, духоба каби матолар билан шуҳрат қозонган.

Бу даврда ҳунармандчиликнинг энг ривожланган тармокларидан бири бўлган кулолчилик мамлакатнинг барча йирик шаҳарларида, кўпгина қишлоқларида мавжуд бўлиб, бу соҳанинг ривожида бутун Ўрта Осиёга хос анъаналар билан бирга, маҳаллий хусусиятлар ҳам алоҳида ажралиб туради. Кулолчилик маҳсулотлари тайёрловчи ҳунармандлар асосан уч тоифага: косагарлар (егуликлар, мевалар, ширинликлар учун идишлар), кўзагарлар (суюқликлар учун идишлар, хумлар) ва қурилиш ашёлари (силлиқланган ғиштлар, тандирлар) тайёрловчиларга бўлинган. Ички бозорда кулолларнинг маҳсулотига талабнинг юқорилиги, хомашё манбаи бўлган гил тупроқнинг кўп жойларида мавжудлиги кулолчиликнинг тараққиётини таъминлаган эди.

Ёғочга ишлов берувчи ҳунармандлар ёғоч хомашёсидан турли туман маҳсулотлар тайёрлаганлар. Бундай ҳунармандлар эшиклар ва дераза ромлари, аравалар ва ғилдираклари, сандиклар, бешиклар, мехнат қуролларига дасталар ва соплар, қайиқлар (Амударё ва Сирдарё бўйларида) каби кўплаб маҳсулотлар тайёрлаганлар. Энг яхши усталар ёғочга нақш бериш билан шуғулланганлар. Бой зодагонлар уйларининг пештоқлари, эшиклари, устунлар шунингдек, масжид ва мадрасалар устунлари, хонақолар эшиклари бой жимжимадор ва мураккаб бўлган шаклдаги нақшлар билан безатилган. Биргина Бухоролик савдогарларнинг ўзи 200 га яқин касб турлари билан шуғулланганлар.

4.4 Илм-фан ва маданият. Меъморчилик.

Аштархонийлар даврида ҳам илм-фан, меъморчилик ва амалий санъат, маданият тараққиёти давом этди. Бу даврдаги ижтимоий-фалсафий фанлар илгари асрлар анъаналари асосида тараққий этиб, бир қатор даврга мос йўналишлар ҳам пайдо бўлди. Замонавий тадқиқотчилар бу даврдаги ижтимоий-фалсафий фанлар ривожи айниқса адабиёт, тарихнавислик, фалсафий-ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий йўналишларида айниқса сезиларли бўлганлигини таъкидлайдилар.

Бу даврда ўрта асрлардаги анъанавий тарихнавислик давом эттирилиб кўпгина тарихий адабиётлар яратилди. Чунончи, Маҳмуд ибн Валининг XVI аср охири XVII аср бошларидаги Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихига оид "Баҳр ал-асрор" асари, Муҳаммад Юсуф Мунший нинг Балх ҳокими Мукимхонга атаб ёзилган "Тарихи Мукимхоний" асари, Хожа Самандар Термизийнинг "Дастур ал мулк" бадиий-тарихий асари, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг "Убайдулланома", Муҳаммад Вафо Карманагийнинг "Туҳфат ул - хоний", Абдураҳмон Толенинг "Тарихи Абулфайзхон" каби тарихий асарларини айтиб ўтиш лозим. Бу асарларнинг аксариятида хон ҳокимиятини, унинг шахсини улуғлаш билан бирга ўша давр жамиятидаги инкирозли ҳолатлар сиёсий

тарқоқлик ва ўзаро урушлар натижаси эканлиги тўғри англаниб, бундай ҳолатларга барҳам беришнинг асосий чораси ҳокимиятни марказлаштириш ҳамда уни адолатли бошқаришдир, деган фикрлар ҳам илгари сурилган. Шунингдек, ушбу тарихий асарларда мусулмон оламида кенг тарқалган афсоналар, ривоятлар, шеърий ҳамда насрий шаклдаги ҳикматли сўзлар, Қуръон оятлари ҳамда диний китоблардан парчалар, тарихий воқеликка ўта маҳорат билан бирлаштириб юборилган. Бу ҳолат Аштархонийлар даври тарихшунослигида ҳам ўрта аср анъаналари давом эттирилганлигининг белгисидир.

XVII-XVIII асрлар биринчи ярмида таълим тизими ҳам ўзига хос тарзда бўлган. Бу даврда шаҳар ва қишлокларда кўплаб мактаблар (мактабхоналар) ҳам мавжуд бўлган. Ўғил болалар масжид, мадраса, қорихоналар қошидаги ёхуд хусусий мактабларда таҳсил олганлар. Уларга одатда масжид имоми, мулла, ўқимишли бошқа шахс ҳам ўқитувчи сифатида сабоқ беришган. Қизлар одатда хонадонларда аёл ўқитувчилар (отинойи, отинбиби, бибиотин, бибихалифа) томонидан ўқитилган. Болалар одатда 5-7 ёшдан мактабга берилган. Мактаб харажатлари ва домлалар маоши вақф мулкидан тушган даромадлар ва ота-оналар томонидан тўланадиган ҳақ эвазига қопланган. Етимлар бепул ўқитилган. Мактабдаги таълим 5-8 йил давом этган. Мактабларда "Ҳафтияк" ("Қуръони каримни еттидан бири"), ҳисоб-китоб, Навоий, Фузулий, Бедил, Шерозий, Машраб, Сўфи Оллаёр асарлари, "Чор китоб" ва бошқаларни ўқиб, сабоқ чиқарганлар. Қизлар ўқиш билан бирга ахлоқ-одоб, пазандачилик, уй-рўзгор санъатидан ҳам дарс олишган. Мактабларни тугатган иқтидорли ўғил болалар ўрта махсус ва олий таълим даргоҳи бўлган – мадрасаларда таълимни давом эттиришган. Мадрасадаги ўқиш 7-12 йил давом этган. Хонликда бу даврда 150 дан ортиқ мадрасалар бўлган. Ўқув даргоҳида араб, форс тилидаги китоблар ўқитилган. Аввал бошда "Аввали илм" ўқув қўлланмаси, кейинчалик араб тили грамматикаси ўқитилган. Мадрасада фиқҳ, фалакиёт, ҳандаса, тиббиёт, кимё, тарих, жуғрофия, адабиёт, аруз илми, хаттотлик, нотиқлик, ҳадис илми, жами 137 дарслар ва қўлланма ўзлаштирилиши шартли бўлган.

XVII аср Ўрта Осиёдаги ижтимоий-фалсафий фикрларнинг йирик вакилларидан бири Ибн Муҳаммаджон Юсуф ал-Қорабоғийдир (1563-1647йй.) Кавказнинг Қорабоғ қишлоғида (Озарбайжон) таваллуд топган ушбу аллома аввал Ширвон, Шероз, кейин эса Самарқандда ижод қилиб, Бухорода вафот этган. Фалсафий йўналишда ижод қилган Қорабоғий тиббиёт, астрономия каби табиий фанларни яхши билиши билан бирга шеърлар ҳам ёзиб турган. Қорабоғий бутун дунёни ягона танага ўхшатиб, унинг аъзолари қонуний бир-бирига боғлиқлигини таъкидлаб шундай ёзади: "олам ягона вужуд ҳисобланади ва барча мавжуд нарсалар, мавжудот унинг аъзолари ҳисобланади".

XVII аср Ўрта Осиёдаги мутаффаккирлардан яна бири Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад ал-Бухорий бўлиб, у ал-Мавлиёвий тахаллуси билан ҳам маълумдир. Ал-Бухорийнинг ижоди фақат фалсафий қарашлар билан чегараланиб қолмай, тарих, шеърият, ҳуқуқ, тилшунослик кабиларни ҳам қамраб олади. Мутаффакирнинг бизга қадар йигирмага яқин асарлари етиб келган

бўлиб, бу асарларда асосий эътибор ўрта асрларда кенг тарқалган рухлар ва инсоннинг руҳий кучларига қаратилган. Муҳаммад ал-Бухорий ўзигача бўлган мутаффакирлардан фарқ қилган ҳолда руҳнинг тўрт кўринишини ажратади. Булар табиий, ўсимлик, ҳайвонот ва инсоният рухларидир.

Аштархонийлар давлатида адабиёт айниқса Субҳонқулихон даврида анча равнақ топди. Субҳонқулихоннинг ўзи "Нишоний" тахаллуси остида шеърлар ёзган. Хоннинг ўзи сарой мушоираларини ўтказиб турган. Тарихий манбалар Субҳонқулихоннинг бой кутубхонаси ҳақида ҳам хабар беришади. XVII-XVIII асрлар биринчи ярмида адабиёт сохаси ҳам анча тараққий этган. Бу даврда Мирзо Абдулқодир Бедилнинг хизмати ката бўлди. У асли шаҳрисабз (1644-1721)лик бўлиб, туркийларнинг барлос уруғидан бўлган. Ҳиндистонда ижод қилиб, машҳур бўлган. У 120 мингдан ортиқ шеърий ва насрий асарлар ёзган. Унинг "Ирфон" достонида фалсафа, тарих, илоҳиётнинг турли масалалари баён этилади. Бедил Ўрта Осиёда жуда машҳур бўлиб "Абдулмаъоний" ("Маънолар отаси") деган шарафли номга сазовор бўлган. Саидо Насафий – асл исми Миробид (1637-1710) ҳунарманд тўқувчи бўлиб, ўз шеърларида ижтимоий тенгсизлик, зулм-зўравонликка қарши чиққан. У 212 хил касб-ҳунар вакиллари ҳақида фикр билдириб, аҳли ҳунарни улуғлаган. Унинг "Баҳориёт" ("Ҳайвонотнома") мажозий-мунозара асарида, ғазалларида ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти акс эттирилади. Сўфи Оллоёр (1644-1724) тариқат арбоби ва шоир бўлган. У шайхлик мартабасидан кўтарилиб, валиуллоҳ (каромат соҳиби) бўлиб етишган. Унинг қатор асарлари мавжуд бўлиб, унда олим, шайх, шоирнинг фалсафий қарашлари акс этган. Сўфи Оллоёрнинг айниқса, "Тақводорлар маслаги" ("Маслак ул-муттақин") асари (12000 байт, 135 та боб) машҳур бўлиб, кейинчалик мактаб ва мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган. Бу даврда ижод қилган шоирлар орасида Турди Фароғий фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекларнинг юз уруғидан бўлган бу шоир Абдулазизхон даврида катта нуфузга эга бўлиб, сарой доираларига яқин бўлган. Турди Фароғийнинг бизга қадар тўрт юз мисрадан ортиқ шеърлари етиб келган бўлиб, уларда оддий меҳнаткаш халқ аҳволига ачиниш, амалдорлар зулмини қоралаш, ўзаро тинч-тотувлик ва аҳиллиққа чақириш ғоялари устунлик қилади.

XVII-XVIII асрларда Бухорода тўртта йирик тазкира яртилган. Булар– Мутрибийнинг "Тазкират аш-шуаро", Малиҳо Самарқандийнинг "Музаккир ал асҳоб", Мулла Содиқ Самарқандийнинг "Риёз аш-шуаро", Нурмуҳаммад Насафийнинг "Масҳан ан-мусаннифин", тазкираларидир. Биргина Мутрибийнинг тазкирасида уч юз йигирмадан зиёд шоирлар ҳақида маълумотлар бор. Бу даврда Сайидо Насафий Қаршида тикувчилик қилиб, ижод қилган бўлса, самарқандлик ижодкорлар Ғофур Самарқандий атторлик, Масиҳо темирчилик, Манзур Самарқандий косиблик, Фитрат Самарқандий зардўзлик билан шуғулланганлар. Шунингдек,XVII-XVIII асрлар Хивада яшаб ижод этган Абулғози Баҳодурхон, Нурмуҳаммад Ғариб Андалиб, Паҳлавон Равнақ, Муҳаммад Ниёз Нишотийларни, Қўқонда яшаб ижод этган Бобораҳим Машраб, Хўжа Назар ўғли Ҳувайдо, Мулла Шермуҳаммад Акмал каби ижодкорларни санаб ўтиш мумкин.

Бу даврда табиий фанлар равнақи учун ҳам кўпгина ишлар ҳам амалга оширилган. Хусусан, Хон Улум тахаллуси билан маълум бўлган Қози Муҳаммад Акбархон Эрон алломаси Баҳовуддин Омияйнинг "Хулосат ал-ҳисоб" ("Арифметиканинг моҳияти") китобига изоҳлар ёзган. Бир қатор математик асарлар меросни тақсимлаш масалаларига қаратилган бўлиб, Турсун ал-Зоминийнинг "Турфа-йи амир" ("Амирга ҳадялар"),Муҳаммад Аминас-Чахорёкининг "Масоил-и ададия" ("Арифметиканинг қўлланилиши"), "Рисола фи-л-васият" ("Васият хақида рисола "), Ал-Бадиий ал -Ҳисорийнинг асарлари шулар жумласидандир. Шунингдек, Мирза Бади Девон "Мажма ал-арқам" асарининг каттагина қисми математикага бағишланган.

Мазкур даврда меъморчиликнинг ҳам ўзига хос йўналишларда ривожланганлигини кузатиш мумкин. XVII-XVIII асрларга келиб, маҳобатли меъморчиликда минтақавий меъморчилик мактаблари Хоразм, Мовароуннаҳр, Фарғона, Тошкент кабиларнинг ўзига хос хусусиятлари кузатилади. Бу даврда Бухоро, Хива, Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз, Термиз каби кўплаб шаҳарлар ўрта асрлар анъанавий тузилиш шаклларини сақлаб қолади. Мамлакатнинг барча ҳудудларида кўплаб масжид ва мадрасалар, бозорлар, хонақоҳлар, карвонсаройлар, работлар, ҳаммомлар, сардобалар ва бошқа меъморий иншоотлар барпо этилади. Меъморий иншоотлар орасида Бухорода Абдулазизхон томонидан бунёд этилган мадрасани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ундаги мармар тахтачалар, қимматбаҳо кошин безаклар, нафис, ганчлик гумбазлар ушбу давр меъморчилигида ҳам етакчи анъаналар сақланиб қолганлигидан далолат беради. Шунингдек, Бухорода Убайдуллахон томонидан мадраса ва масжид, Боқи Муҳаммадхон томонидан масжид, Субхонқулихон томонидан шифохона (Доруш-шифо), Чорбоғ масжиди, Нодир Девонбеги томонидан масжид ва мадрасадан иборат меъморий мажмуа–Лаби Ҳовуз кабилар бунёд этилган.

Бу даврда Самарқандда ҳам кўплари ҳозирги кунгача сақланиб қолган меъморий иншоотлар барпо этилган. Хусусан, Самарқанддаги йирик мулкдорлардан бири бўлган Ялангтўшбийнинг Регистон майдонида бунёд этган иккита йирик мадрасаси диққатга моликдир. Бу иншоотлардан бири Улуғбек мадрасаси рўпарасидаги Шердор мадрасаси бўлиб, улар тузилиши жиҳатидан бир-бирига ўхшаб кетади. Мадрасанинг номланиши унинг пештоқига тасвирланган иккита шер тасвири билан боғлиқ бўлиб, ушбу мадрасанинг нақш ва безакларида қадимги Шарқ меъморчилик анъаналари давом этганлиги кузатилади.

Ялангтўшбий томонидан қурилган иккинчи иншоот Тиллакори мадрасаси ҳам аштархонийлар давридаги меъморчиликнинг нодир намуналаридан ҳисобланади. Бу мадраса безатилишида жуда кўп олтин ишлатилганлиги боис ҳам "Тиллакори" ("олтин қадалган")деб номланган. У ўз вақтида жума масжиди вазифасини ҳам бажарган. Ялангтўшбий қурдирган ушбу иккита иншоот Самарканддаги Регистон майдонининг яхлит меъморий ансанбли бўлиб шаклланди. Шунингдек, бу даврда Самарқанд атрофида Назрдевонбеги мадрасаси, Хўжа Аҳрор қабри олдида мадраса, шаҳардаги Қози Соқий мадрасаси, Самарқанд ва Бухоро йўлида кўплаб сардобалар бунёд этилди.

Бундан ташқари,аштархонийлар даврида Балхда Нодирмуҳаммадхон, Субхонқулихон мадрасалари , Балх атрофида қатор чорбоғли саройлар, Балх аркидаги иморатлар, Жоме масжиди, Ҳазрати Али мозоридаги гумбаз, Хивадаги Араб Муҳаммадхон, Хўжамберди Шерғозийхон мадрасалари, Бухорода Пояндавий оталиқ масжиди, Шодимбек мадрасаси, Бозори гўсфанд мадрасаси, Қаршида Шермуҳаммадбий ва Хўжа Қурбоний мадрасалари, Шаҳрисабз атрофида Хўжа Илм кон меъморий мажмуаси каби кўплаб иншоотлар бунёд этилади. Ушбу иншоотлар бу даврда мамлакатда мавжуд бўлган ўзаро урушлар ва мураккаб сиёсий вазиятга қарамасдан Мовароуннаҳр меъморчилигида азалий анъаналар давом этганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон тарихидаги Аштархонийлар даври (1601-1756) бошбошдоқлик, ўзаро курашлар, маҳаллий ҳокимларнинг марказга бўйсунмаслиги даври бўлиб, сиёсий беқарорлик тахминан юз йил ўтиб сулола инқирози ҳамда давлатнинг бўлиниб кетиши билан тугади. Ташқи алоқалар асосан қўшни ҳудудлар билан чекланиб қолиб, мамлакат жаҳон техникавий тараққиётида рўй бераётган кўпгина янгиликлардан четда қолди. Шунга қарамасдан маданий ҳаётнинг баъзи соҳаларида (меъморчилик, тарихнавислик, адабий муҳит, ислом ҳуқуқи) маълум тараққиёт жараёнлари рўй берганлиги ҳам таъкидлаш жоиз.

Аштархонийлар ҳукмдорлари.

1.Боқимуҳаммадхон - 1601-1605 йиллар
2.Валимуҳаммадхон - 1605-1611 йиллар
3.Имомқулихон - 1611-1642 йиллар
4.Нодир Муҳаммадхон - 1642-1645 йиллар
5.Абдулазизхон - 1645-1681 йиллар
6.Субхонқулихон - 1681-1702 йиллар
7.Убайдуллахон - 1702-1711 йиллар
8.Абулфайзхон - 1711-1747 йиллар
9.Абдулмўмин - 1747-1748 йиллар
10.Убайдуллоҳ II - 1748-1753 йиллар
11.Шерғози - 1753-1756 йиллар

Таянч сўзлар

Жонибек Султон, Ҳожи Тархон, Аштархонийлар, Жонийлар, ўзаро урушлар, Сафавийлар, хокимлар, Имомқулихон, Абдулазихон, Субхонқулихон, Убайдуллахон, сиёсий таркоклик, Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ, Иброҳимбий кенагас, Раҳимбий, давлат тизими, даргоҳ, сарой амалдорлари, вилоят, марказий ва маҳаллий бошқарув, диний лавозимлар, солиқлар, деҳқончилик, чорвачилик, кўчманчи аҳоли, ер эгалиги, суюрғол, икто, танҳо, шаҳарлар, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, илм-фан ва маданият, меъморчилик, Ялангтўшбий, Регистон.

Савол ва топшириқлар

1. Сўнгги шайбонийлар ҳақида нималарни биласиз?
2. Аштархонийларнинг ҳокимият тепасига келишини гапириб беринг?
3. Имомқулихон ҳукмронлиги даври қайси жиҳатлари билан ажралиб туради?
4. Убайдуллахон ҳукмронлиги даври ҳақида гапириб беринг.
5. Аштархонийларнинг давлат тизими ва маъмурий бошқаруви қай даражада ташкил қилинган эди?
6. Давлатдаги диний лавозимлар ҳақида нималар дейиш мумкин?
7. Аштархонийлар даври қишлоқ хўжалиги тўғрисида сўзлаб беринг.
8. Бу даврдаги ер эгалиги муносабатлари қандай эди?
9. Аштархонийлар даври шаҳарлари ҳақида маълумот беринг.
10. Аштархонийлар даври илм-фан ҳақида нималар дея оласиз?

4- мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000.
2. Ахмедов Б. История Балха (XVI- первая половина XVIII вв.). – Ташкент: Фан, 1982.
3. Гуломов Х. Дипломотические отношения государств в Средней Азии с Россией XVIII- в первое половине XIX в. – Ташкент: Фан, 2005.
4. История Узбекистана (XVI–первая половина XIX в.). Коллектив авторов. Отв. ред. Алимова Д.А. – Ташкент: Фан,2012.
5. Зиёев Х.З. Сибирь, Волга ва Урал бўйидаги ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ, 2003.
6. Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. – Тошкент: Академия, 2004.
7. Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билад. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.
8. Мирзо Олим Муширф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул хавоқин. – Тошкент, 1995.
9. Очерки по истории государственности Узбекистана. Ташкент, 2001.
10. Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI-XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида жўйбор хожаларини тутган ўрни. – Тошкент, 2007.
11. Эркўзиев А. Ўрта Осиё ва Ғарбий Европа ўртасидаги иқтисодий алоқалар ва савдо йўллари тарихи. – Тошкент: Yangi nashr, 2014.
12. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. I – жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.

5-мавзу. XVIII аср иккинчи ярми – XIX аср биринчи ярмида Бухоро амирлигидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт

Режа:

5.1 Бухоро амирлигининг сиёсий тарихи.
5.2 Амирликнинг ҳудуди, маъмурий тузилиши ва аҳолиси.
5.3 Давлат бошқарув тизими. Мансаблар, унвонлар ва амаллар.
5.4 Ер эгалиги муносабатлари. Деҳқончилик ва чорвачилик. Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ.
5.5 Амирликдаги маданий ҳаёт.

5.1 Бухоро амирлигининг сиёсий тарихи

XVIII аср иккинчи ярми – XIX аср биринчи ярмида Бухоро амирлигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти тарихига оид қатор манбалар мавжуд. Улар орасида Абдураҳмон Толенинг "Тарихи Абулфайзхоний", Муҳаммад Вафо Карминагийнинг "Тухфайи хоний", Мирзо Абдулазим Сомийнинг "Тарихи салотини манғития", "Тухфайи шоҳий", Мирзо Салимбекнинг "Тарихи Салимий", Аҳмад Донишнинг "Рисолаи тарихи амирони манғит" каби асарлар катта аҳамият касб этади. Бухоро амирлигидаги давлат бошқаруви масаласи айниқса, Мирза Бади-девоннинг "Мажма ал-аркам", номли асарида ўз ифодасини топганлигини алоҳида қайд этиш даркор.

А.А.Семёнов, Б.Искандаров, О.Сухарева, Л.Епифанова, Р.Г.Мукминова, Г.А.Агзамова, Г.Остонова, Ш.Воҳидов, А.Зиё, Р.Холикова ва бошқалар ўз тадқиқотларида юқорида кўтарилган мавзунинг кўплаб жиҳатларини очиб беришга муваффақ бўлганлар.

Сўнгги аштархонийлардан бўлган Абулфайзхон ҳукмронлиги даврида марказий ҳокимият заифлашганлигидан фойдаланган ўзбек уруғлари турли вилоятларда ҳокимиятга қарши исён ва ғалаёнлар кўтаришиб, ўзларини мустақил деб эълон қила бошладилар. Улар орасида аштархонийлар саройида катта нуфузга эга бўлган, манғит уруғи бошлиқлардан бири Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ (вафоти 1743 й) ҳамда унинг ўғли Муҳаммад Раҳимбийлар алоҳида ўрин тутишди. Бухорода бўлиб ўтаётган тартибсизликлардан фойдаланган Эрон шоҳи Нодиршоҳ 1745 йилда Муҳаммад Раҳимбий бошчилигида Бухорога катта қўшин жўнатади. Ўз навбатида, Муҳаммад Раҳимбий Бухорода визиятни юмшатиш борасида маълум ишларни ҳам амалга оширди. Хусусан, Миёнқол ва Шаҳрисабздаги қўзғолонлар бостирилди. Муҳаммад Раҳимбий давлат бошқаруви тизими ишлари ва ҳукумат амалдорларини алмаштириш ишларига жиддий киришди.

У деярли барча йирик давлат мансабларига ўзининг яқин қариндошлари ва маслакдошларини қўйиб, уларнинг ёрдамига таянган ҳолда пойтахтда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди. 1747 йилда Нодиршоҳ ўлдирилгач, орадан кўп ўтмай Абулфайзхон ҳам қатл этилди. Абулфайзхон Муҳаммад Раҳимбийнинг кўрсатмасига биноан ўлдирилди. Тахтга ўтирган собиқ хоннинг ўғли Абдулмўмин ҳам 1748 йилда ўлдирилди. Унинг ўрнига ҳам жуда ёш бўлган

Убайдулла Султон номигагина тахтга ўтказилди. 1756 йилга келиб ўзбекларнинг тўрт уруғи – манғит, хитой- қипчоқ, баҳрин, саройларнинг йирик амалдорлари, руҳонийлар ва уруғ оқсоқолларининг розилиги билан Муҳаммад Раҳимхон (1756-1758) тахтга ўтирди ва манғитлар сулоласи ҳукмронлигини бошлаб берди.

Асли чингизий хонлар авлодидан бўлмаган Муҳаммад Раҳимбий Абулфайзхоннинг қизига уйланиб, унга куёв бўлганлиги бу борада унга қўл келди. Янги ҳукмдор нуфузли уруғ бошлиқлари, биринчи навбатда манғит уруғи вакилларига таяниб иш кўрди. Хусусан, ҳар рамазон ойидан сўнг манғитлардан бўлган амалдорларга 30 тангадан 100 тангагача мукофот пули ҳадя этилар эди. Бўйсунмаган қабилаларга эса тегишли жазо чоралари қўлланилди. Жумладан, Миёнқолдан еттита уруғ, Нурдан барқутлар, Қобадиёндан дўрмонлар, Шаҳрисабзнинг Сангфуруш деган жойидан кенагаслар, ургутликлар, Ҳисори Шодмон аҳолиси яшаш жойларидан кўчирилиб, бошқа ҳудудларга жойлаштирилди. Шунингдек, Қўқон хони Эрдонабий ёрдамида 1754-1755 йили бўйсунмай қўйган Ўратепага, Тошкент хўжалари ва Қашғар ҳокими билан биргаликда қалмиқларга қарши юришларни уюштирди. Ҳисорга юриш қилиб, амакиси Дониёлбий оталиқни у ерга ҳоким этиб тайинлади.

Муҳаммад Раҳимхон марказлашган давлат тизими тузиш сиёсатини олиб борди. У йирик мулкдорларни давлатни бошқарув ишларига аралаштирмай, мустақил сиёсат юргизди. Бу ҳукмдор Миёнқол, Нурота, Ургут, Қобадиён, Бойсун каби марказий ҳокимиятни тан олмаган вилоятларга юришлар қилиб, уларни бўйсундиришга эришди. Унинг даврида Зарафшоннинг юқори оқими, Жиззах, Зомин яна Бухорога қўшиб олинди. Муҳаммад Раҳимхон қисқа муддат ичида катта ҳудудни бирлаштирган манғитларнинг марказий давлат тизимини барпо этди. 1758йилга келиб Тошкент, Қўқон, Марв, Балх ва Қундуздан элчилар келиб унинг ҳокимиятини тан олганликларини билдирдилар. Муҳаммад Раҳимхон маълум ободончилик ва суғориш ишларини ҳам амалга оширган. Хусусан, у урушлар туфайли вайрон бўлган Дарғом каналини қайта қаздирган, Бухоро шаҳри мудофаа деворини мустаҳкамлаган, йўлларни тузатган ва ҳоказо. Муҳаммад Раҳимхон марказий ҳокимият мавқеини кўтаришга, парокандалик ва низоларга чек қўйишга харакат қилган.

Муҳаммад раҳимхон вафот этгандан сўнг унинг балоғатга етмаган невараси Фозилтўра тахтга ўтказилиб, ҳокимият аслида Муҳаммад Раҳимхоннинг амакиси Дониёлбий оталиқ (1758-1785) қўлига ўтди. Дониёлбийнинг ҳукмронлиги даври марказий ҳокимиятнинг заифлашуви билан изоҳланади. У ҳокимиятга келган дастабки пайтдаёқ марказлашган давлат сиёсатига қарши ғалаёнлар ва қўзғолонлар кўтарилди. Миёнқол воҳаси, Шаҳрисабз ва Китоб, Шеробод ва Бойсун, Ҳисор вилоятларида катта-катта халқ ғалаёнлари ва чиқишлар бошланиб кетди. Даставвал, Ҳисорга бадарға қилинган юз, кенагас, буркут, баҳрин, сарой каби ўзбек уруғларининг амирлари бош кўтардилар. Улар манғитлар сулоласини тахтдан ағдаришни режалаштирган эдилар. Дониёлбийнинг исёнкор амирларни тинчлаштириш учун қилган ҳаракатлари зое кетди. Шундан сўнг Дониёлбий қўзғолонларга қарши қўшин жўнатди ва Бухоро шаҳри аҳолисининг ёрдами билан қўзғолон бостирилди. Исёнчи амирларнинг кўпчилиги қатл этилди.

Орадан кўп ўтмасдан юз уруғининг бошлиғи Фозилбий бош кўтарди. Дониёлбий қийинчилик билан бўлсада, бу қўзғолонни ҳам бостирди. Айниқса, 1771 йилда Шаҳрисабз ва Хузорда кўтарилган қўзғолон давлат асосларини жиддий ларзага соди. Бу кўзғолонни ҳам катта куч сарфлаб бостиришга эришган Дониёлбий қўзғолончилар раҳбарларини қатл эттирди. Мамлакатда ғалаёнларнинг деярли тўхтовсиз кўтарилиб туриши марказий ҳокимиятнинг обрўси ва қудратини тушириб юборди. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ҳам ночор ҳолатга тушиб қолди. Унинг ҳукмронлиги даврида солиқлар миқдори ҳам ошиб кетди. Халқнинг турмуш тарзи пасайиб кетди. Дониёлбийнинг ўзи ҳокимиятни Низомиддин қозикалон ва Давлат қўшбеги каби эроний амалдорлар қўлига топшириб қўйди. Ўзи кўп ҳолда маишатга ҳам берилди. Натижада 1785 йилда пойтахт Бухорода Дониёлбий ҳукмронлигига қарши қўзғолон кўтарилди. Қўзғолон бостирилган бўлсада, Дониёлбий 1785 йилда тахтни ўғли Шоҳмуродга топширишга мажбур бўлди.

Шоҳмурод тахтга ўтирганидан сўнг "Амир" унвони билан ҳокимиятни бошқарди. Ҳокимиятга келган Шоҳмурод (1785-1800) Дониёлбийнинг тўнғич ўғли бўлиб, ёшлигидан художўй бўлиб ўсган. Мадрасани тамомлаб, дарвишлик тарғиботчисига айланган. Ҳокимиятга келгач расман Хон бўлган Абулғозини ҳокимиятдан четлатиб, ўзини мутлақ ҳокимият эгаси деб эътироф этган. Шоҳмурод қўзғолон кўтарган халқ оммасига ҳайриҳоҳлик билдириб, уларнинг талабларини бажаришга ҳаракат қилди. Ўз ёрлиғи билан оғир солиқларни бекор этди. Отаси Дониёлбий даврида порахўрлиги ва ҳокимиятни суистеъмол қилганлиги билан халқ оммасининг норозилигига учраган Давлат қўшбеги ва Низомиддин қозикалонларни қатл эттирди.

Шоҳмурод ўз ҳукмронлиги даврида шаҳарлар тараққиёти ва ободончилигига, ирригация ва қишлоқ хўжалиги ривожига алоҳида эътибор берди. Тарихда "Амири маъсум" ("Гуноҳсиз амир") номи билан қолган Шоҳмурод ўздаврида марказий ҳокимиятни нисбатан мустаҳкамлашга эришди. Унинг ҳукмронлиги даврида мамлакатни ривожлантиришга йўналтирилган тўртта муҳим ислоҳот–молия, суд, маъмурий ва ҳарбий ислоҳотлар ўтказилди. Аввало,1758 йилдан бошлаб, амирликда тўла ҳолатда (аралашмаларсиз) кумушдан иборат бўлган тангалар,олдингиларидан ўзининг қиймати, сифати ва ташқи кўриниши билан фарқ қиладиган соф тилла тангалар зарб этила бошланди. У давлат зарбхоналарида аҳолининг ўз шахсий жамғармаларидан олиб келган кумуш ва олтиндан бир хил ўлчамдаги кумуш ва тилла тангаларни зарб қилишга ҳам рухсат берди.

Амир Шоҳмурод адлия соҳасида ўтказган ислоҳоти билан мамлакатда суд ишларини олиб боришни бирмунча эркинлаштирди. Манбаларга кўра, амирликдаги суд ҳайъати ишларини Шоҳмуроднингбевосита ўзи бошқарган. Суд ишларини олиб бориш учун махсус судлов қонунлари мажмуаси ишлаб чиқилган бўлиб, барча вилоят, туман, беклик қозилари айнан мана шу қонунлар мажмуаси асосида иш олиб борганлар. Умуман олганда, амир Шоҳмурод томонидан ўтказилган ислоҳотлар мамлакатдаги марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаб, иқтисодий юксалишни таъминлаган эди. Шунингдек, солиқларнинг тарибга солиниши, суд ишларидаги ноҳакликларга чек қўйилиши,

маҳаллий амалдорлар устидан назорат ўрнатилиши – савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалигининг юксалишига шароит яратиб берган эди.

Шоҳмурод ўзи идора этиб турган марказлашган давлат тизимини янада мустаҳкамлаш соҳасида ҳам маълум ишларни амалга оширди. Унинг даврида ҳам амирликда бир нечта уруғлар ва айрим вилоятларнинг норозиликлари содир бўлиб турган эди. Хусусан, 1786 йилда Кармана сарҳади аҳолиси Бухоро амирига бўйсунишдан бош тортди. Шоҳмурод Кармана аҳолисини бўйсундириш учун бир неча марта юриш қилишга мажбур бўлди. Карманадан сўнг итоат этмай қўйган Шаҳрисабз ва Хўжандга қилинган юришлар муваффақият билан якунланди.

Шоҳмурод дарвешлик ҳаёт тарзини кечирган. Унинг юриш-туриши, кийиниши, умуман маиший ҳаётга бўлган муносабатида зоҳидлик яққол намоён бўлар эди. Шоҳмурод камтарона ҳаёт кечиришни ўз ҳаёти мазмунига айлантирган. У йилига битта олача чопон, бўз кўйлак кийиб, оддий бўз салла ўраган. Юриш-туриши, овқатланиши ҳам жуда камтарона бўлган. Шундан келиб чиққан ҳолда у ҳокимиятга келганидан сўнг барча кўнгилочар ишларни, хусусан маст қилувчи ичимликларни сотиш ва уни истеъмол қилиш, тамаки чекиш, қўшиқ куйлаш, дорбозлик, масхарабозлик, қўғирчоқ ўйнатиш ва бошқаларни ман этди. Аксинча, назардан қолган вақфларни қайта тиклади, масжид, мадраса, зиёратгоҳларни обод қилишга ўз эътиборини қаратди. Ҳар қандай кўнгилочар жойлар ёпиб қўйилди. Шоҳмурод ўғрилик, қароқчилик, босқинчиликка қарши қатъий чора-тадбирлар кўрди. Амир Шоҳмурод сув иншоотларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратди. Бу даврда қатор кўприклар қурилди, йўллар тартибга солинди, давлатнинг шарқий ҳудудидаги сув таъминотини яхшилаш чоралари кўрилди. Унинг ҳукмронлиги даврида ҳарбий соҳада ҳам маълум ўзгаришлар қилинди. Хусусан, у йирик ҳарбий саркардаларга қарашли ерларни тортиб олиб, ундан келадиган даромаддан ҳарбийларга ҳар ой тўланадиган маош жорий этди. Солиқ тизими ислоҳ этилиши натижасида ёрғу, бож, тарх, тушман, ясоқ, олиқ ва солиқ, ҳунармандлардан олинадиган солиқ тури бекор этилди, баъзи солиқлар тури, хусусан хирож камайтирилди. Лекин, янги жорий этилган "жўл" солиғи омма елкасига анча оғир юк бўлиб тушди. Амир Шоҳмурод кучли ва марказлшган давлат тузиш йўлида кўпгина чора-тадбирларни амалга оширди. Унинг ҳукмронлиги даврида бир неча ўн йиллар давомида парокандалик ва низолар авж олган давлатда нисбатон осойишталик ўрнатилди, ички ва ташқи савдо ривож топди, аҳоли турмуш тарзи анча яхшиланди, давлатнинг нуфузи ва эътибори кўтарилди.

Мамлакатда амалга оширилган ислоҳотлар ва муваффақиятли ҳарбий ҳаракатлар натижасида анча мустаҳкамланиб олган Шоҳмурод қўшни Афғонистонга ҳам ҳарбий юришлар уюштиради. Хусусан, Шоҳмурод Амударёнинг ўнг қирғоғидаги илгариги Бухоро ерларини қайтариб олиш учун афғон амири Темуршоҳга қарши урушлар олиб боради. Шоҳмурод 1789 йилда Афғонистонда бош кўтарган ўзбек аҳолисига амалий ёрдам кўрсатди. Афғон амири билан бўлган урушлардан сўнг Шоҳмурод ва Темуршоҳ ўртасида сулҳ тузилиб, Амударё ҳар иккала давлат ўртасидаги чегара деб белгиланди. Гарчи Балх амирлик ҳудудига кирмаган бўлсада, лекин Маймана ва Андхуд Бухорога

қарашли ерлар эканлиги тан олинди. Амир Ҳайдар ёшлигида 10 йил Бухоро мадрасаларида таҳсил олган бўлиб, диний ва дунёвий илмлардан яхши хабардор эди. Унинг ҳукмронлиги даврида Бухорода илм-фан, айниқса диний илмлар ривожига катта эътибор берилган. У мадраса таълим тизимини ривожлантириш мақсадида Истанбул, Кобул ва бошқа мусулмон давлатлари шаҳарларидан кўплаб китобларни олдирган. Унинг ўзи ҳам баъзида мадрасада сабо берган, диний таълим ҳақидаги асар ҳам ёзган. У қурилиш ва ободончилик ишларига ҳам эътибор берган. Амир Ҳайдар Бухорода онаси Бону Шамсга атаб мадраса, шунингдек, Чор-Минор, Халифа Ниёзқул мадрасаларини қурдирган. Шунингдек, Қаршида иккита –Али ва Мир Мухаммад мадрасаларини барпо этган. Амирликда кўплаб масжид, хонақоҳ, ҳаммомлар қурилган, йўллар, ариқлар таъмирланган. Мураккаб сиёсий вазият кўп ҳолда уни юришларга жалб этар, эътиборни хавфсизлик ва мудофаага чақирарди. Амир Шоҳмурод 1800 йилда вафот этганидан сўнг, унинг ўғли амир Ҳайдар (1800-1826) валиаҳд сифатида тахтга ўтирди.

Отаси даврида Қарши ҳокими бўлган амир Ҳайдар оқ кигизга ўтказилиб хон этиб кўтарилади. Аммо, Ҳайдар хон унвонини эмас, балки "амир ал-мўминин" унвонини олди. Манбаларга кўра, хутбаамир Ҳайдар номига ўқилган бўлсада, тангалар амир Ҳайдар, амир Шоҳмурод ва Дониёлбий номларидан зарб этилган.

Отасининг сиёсатини давом эттиришга ҳаракат қилган амир Ҳайдар ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Бухоро ҳудудининг яхлитлигини сақлаш, Зарафшоннинг юқори оқими ҳудудлари, Шаҳрисабз, Миёнқол ерларини қўлда сақлаб қолиш учун курашлар олиб борди. Ўратепани вақтинча ўзига бўсундиришга эришди.

Амир Ҳайдар даврида Хива хонлари амирлик ҳудудларига тез-тез талончилик урушлари қилиб турдилар.1806 йилда амир Ҳайдар бутун Бухоро аҳлини қуролланишга ва Хива хони Элтузарга қарши курашишга чақирди.Тез орада уларни мағлубиятга учратиб, амирлик ҳудудларидан ҳайдаб чиқаришга эришди. Бу воқеалардан сўнгБухоро билан Қўқон ўртасида урушлар бошланиб кетди. Қўқон хони Олимхон 1807, 1810 йилларда Ўратепага ҳужумлар қилиб,катта ўлжаларни Қўқонга олиб кетди. Бундай ҳужумлар Қўқон хони томонидан Жиззах ва Зомингa ҳам уюштирилиб турилди.

Доимий равишда олиб борилган уруш ҳаракатлари катта харажатларни талаб этганлиги боис, амир Ҳайдар қўшимча соликлар йиғиш ҳақида фармон берди. Бу эса меҳнаткаш аҳоли аҳволини янада оғирлашишга ва амир Ҳайдар ҳамда у олиб бораётган сиёсатга қарши чиқишларга олиб келди. Мана шундай қўзғолонлар 1821-1825 йилларда Миёнқол, Самарқанд ва Ургутда бўлиб ўтди. Амир Ҳайдар бу қўзғолонларни катта қийинчиликлар билан, қўзғолончиларга катта ваъдалар бериш эвазига бостиришга эришди. Шаҳрисабз ва Марв воҳаси учун ҳам Амир Ҳайдар урушлар олиб боришга мажбур бўлди.

Амир Ҳайдар давлат нуфузини кўтариш, тарихий ерларни ўз измига қайтариш мақсадида 1817 йили Шимолий Афғонистон ерларига юриш қилган. Натижада Қундуз, Бадахшон, Маймана ерлари Бухоро амирлиги тасарруфига ўтди. Кейинчалик Амир Ҳайдар қўшни Афғонистон ҳукмдори Шужоъ ал-мулк


Дурроний билан дўстлик алоқаларини ўрнатган бўлсада, Қўқон ва Хива давлатлари билан Бухоро давлати ўртасидаги муносабатлар кескин эди. Манбаларга кўра, шундай шароитда амир Ҳайдар ҳатто Усмонийлар давлати султони Маҳмуд II га ёрдам сўраб мурожаат этган ва унинг итоатига ўтишга тайёр эканлигини ҳам маълум қилган. Ҳар бири 800 кишидан иборат 50 та сарбозлар бўлинмаси ва 250 кишилик тўпчилар гуруҳи ташкил этилган. Мунтазам пиёда қўшиннинг сони 40000 кишидан зиёд бўлган.

Амир Ҳайдар 1826 йилда вафот этганидан сўнг унинг иккита катта ўғиллари амир Ҳусайн(икки ярим ой) ва амир Умар (тўрт ой) қисқа муддат тахтга ўтириб, ўз укалари Насрулло томонидан ўлдириладилар. Шундан сўнг тахтга амир Ҳайдарнинг учинчи ўғли Насрулло ўтирди. Насрулло бунгача Қарши вилоятининг ҳокими бўлган. Амир Насруллонинг ҳукмронлик даври (1826-1860) аввало,Бухоро амирлигидаги сиёсий тарқоқлик, зодагонларнинг бошбошдоқликларига барҳам бериш билан изоҳланади. Амир Насрулло ҳокимиятни бошқаришда ниҳоятда қаттиққўллик сиёсатини олиб борди. Ўзининг бераҳм ва шафқатсиз сиёсати туфайли амир Насрулло "қассоб амир" деган номга сазовор бўлганэди. Тарихий манбаларда ҳукмронлигининг дастлабки даврида амир томонидан кунига 50-100 нафар киши қатл этилганлиги таъкидланган эди.

Шу билан бирга Амир Насрулло марказий ҳокимиятни тан олмайдиган бўйсунмас маҳаллий ҳокимларга қарши кескин кураш олиб борди. Бу борада Шаҳрисабз Бухорога бўйсунмай қўйган энг йирик мустақил вилоят ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам амирнинг сиёсатидан норози бўлган кўплаб амалдорлар Шаҳрисабзга кочиб паноҳ топганлар. Амир Насрулло 1832 йилда Шаҳрисабзга қарши уруш бошлаб, 32 марта амалга оширган юришидан сўнг 1856 йили Шаҳрисабз ва Китобни бўйсундиришга эришади. Тарихий манбалар Насруллохонни жасур ва ўта қатъиятли бўлганлиги боис унга "баҳодир" унвони билан мурожаат этганлар.

Амир Насрулло Қўқон ва Хива хонлари билан ҳам ўзаро урушлар олиб борди. У 1842 йилда Қўқонга юриш қилиб уни эгаллади. Юриш натижасида Қўқон хони Муҳаммад Алихон, унинг онаси, таниқли шоира Нодирабегим ва бошқа машҳур зотлар ўлдирилади. Аммо, бу пайтда Хива хони Оллоқулихон Бухоро чегараларига ҳужум қилганлигини эшитгач, амир Қўқонга ўз ноиби Иброҳим Парвоначи манғитни қолдириб, орқага қайтишга мажбур бўлади. Амир Насрулло ўз қўшинлари билан Хивага юриш қилиб, Ҳазораспни қамал қилди. Аммо, мағлубиятга учраб, орқага қайтиб кетишга мажбур бўлди. Амир Насрулло 1843 йили Марвга юриш қилиб, уни ҳам қўлга киритди.

XIX аср биринчи ярмида Ўрта Осиё хонликлари



Амир Насрулло ўз ҳукмронлиги даврида Ўратепа ва Хўжанд учун Қўқон хони билан тўхтовсиз урушлар олиб борди. Бунинг натижасида шаҳарлар қўлдан-қўлга ўтиб, кўпгина вайронагарчиликлар келиб чиқди, талон-тарожлик авж олди. Унинг ҳукмронлиги даврида ҳарбий сохага ҳам катта эътибор қаратилди. Хусусан, 1837 йили амирликда сарбозлардан иборат доимий қўшин ҳам ташкил этилди. Амир Насрулло ободончилик, қурилиш ишларига ҳам эътибор берган. Унинг ҳукмронлиги даврида Бухорода Қози Ҳасанхўжа, Олимжонбой, Эшони Пир, Мирзо Убайд, Модарихон, Исмоилхўжа каби жами 9 та мадраса қурилган, Халифа Худойдод мажмуасининг қурилиши якунланган (1855 й), қатор ариқлар қаздирилган, тим, карвонсарой, жамоат ҳаммомлари, кўприклар қурилган, йўллар таъмирланган ва ҳоказо.

Манбаларга кўра, амир Насрулло Бухоронинг амалдаги охирги мустақил ҳукмдори бўлиб қолди. Амир Насруллодан сўнг тахтга унинг ўғли амир Музаффар (1860-1885) ўтирди. У манғитлар сулоласидан бўлган тўртинчи амир бўлиб, унинг 25 йиллик ҳукмронлик даврида кўплаб зиддиятли воқеалар содир бўлдики, улардан энг аянчлиси– Бухоро амирлигининг Россия империясига қарам давлатга айланиши ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, XIX аср охири биринчи ярмига келиб Ўрта Осиё масаласида инглиз-рус рақобати кучайиб кетди. Мустамлакаларни кенгайтириш, янги хомашё ва маҳсулотлар бозорига эга бўлиш, Шарқда таъсирини янада кучайтириш бу..... асосий омиллар рўйхатини ташкил этилди. Ҳиндистонда

муқим ўрнашиб олган Буюк Британия ўзбек хонликларида ўз сиёсий ва иқтисодий таъсирини кучайтириш мақсадида қатор экспедициялар ташкил эта бошлади. 1825 йили мазкур экспедициялардан бирига У.Муркфорд бошчилик қилган. У 1825 йил февралда 70 та кишиси билан Буорога 80 та сандиқда турли моллар олиб келиб, ўзини савдогар аҳли дея таништирди. У Бухоро қўшбегиси билан учрашишга муваффақ бўлади. Амирликда Англияга хайрихоҳ гуруҳни шакллантиришга ҳаракат қилади. Бунга жавобан Россия ҳукумати Амир Ҳайдарга инглизлар ҳаракатидан норозилигини билдиради. 1826 йили Россия ҳукумати полковник Ф.Берг бошчилигидаги экспедицияни Устюрт томонга жўнатиб, хонликларга борадиган йўлларни яхшилаб ўрганиш вазифасини юклатди. Инглизларнинг лейтенант А.Берис бошчилигидаги иккинчи экспедицияси 1832 йили Бухорога кириб келди. Ўзини арман савдогари деб таништирган А.Берис ҳинд ва афғон савдогарларига таяниб, қушбеги билан алоқа боғлайди. А.Берис амирлик хусусида кўплаб қимматли маълумотлар йиғди. Ҳинд савдогарларига қарз берилиб, улар инглиз моллари билан таъминланган ҳолда амирликка ..... бошладилар. Уларнинг моллари рус моларига нисбатан анча арзон бўлган. А.Берис экспедицияси инглиз савдосининг Бухоро амирлигида илдиз отишига сабаб бўлди.

1839 йили инглиз-афғон уруши бошланиши боис Англиянинг Россия билан муносабатлари янада кескинлашди. Ҳиротда разведка жосуслик маҳкамасини очган инглиз разведкаси ўз айғоқчиларини Бухорога ва қўшни хонликларга йўллай бошлайдилар. Улардан Жеймс Аббот, Стоддат, Конолли ва бошқалар амирликка жўнатилди. Таъкидлаш жоизки, кейинчалик қўлга олинган Стоддат ва Коноллилар Амир Насрулло томонидан қатл этилади. Унга жавобан Ўрта Осиёда ўзининг стратегик манфаатлари мавжуд деб ҳисоблаган Россия империяси ўз саъй-ҳаракатларини кучайтирди. У 1839 йили Оренбург генерал-губернатори В.А.Перовский бошлиқ экспедицияни Хива хонлигига жўнатди. 1847 йилда хонликларга борадиган ерда 2 та –Аралск ва Копал истеҳкомларини қурди. 1841 йили 8 ой давомида Бухоро амирлигида бўлган тўғ муҳандиси К.Бутенев бошчилигидаги элчилик гуруҳи ҳам ушбу ҳудуд хусусида кўплаб маълумот йиғишга муваффақ бўлди.

Ўзбек хонликлари, хусусан Бухоро амирлигидаги асрий қолоқлик, жаҳон цивилизацияси, тараққиёт, халқаро савдо йўлларидан узилиб қолганлик, хонликлар ўртасидаги доимий низолар, ўзаро урушлар Англия ва Россия учун ҳам баробар қўл келар, бу давлатлар ўз таъсирини тоборо чуқурроқ сингдиришга ҳаракат қилишарди.

5.2 Амирликнинг ҳудуди, маъмурий тузилиши ва аҳолиси

Ўрта Осиё хонликлари ичида Бухоро амирлиги алоҳида мавқега эга бўлган, катта ҳудудларни эгаллаган давлат эди. Манбаларга кўра, XVIII асрнинг ўрталарига келиб Бухоро амирлиги ҳудудларида бирмунча ўзгаришлар содир бўлади. Бу даврда Бухоро ҳукмдорлари ўз тасарруфларида Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги Вобкент, Ғиждувон, Қоракўл,Вағоза туманлари, Қашқадарё ва Миёнкол воҳаларини сақлаб қола олган эдилар. Хўжанд, Тошкент, Ҳисор вақти-

вақти билан эса Ғузор, Шаҳрисабз, Нурота, шунингдек Амударёнинг ўнг соҳилидаги Балх, Андхўй,Маймана,Бадахшон ва Шибурғонлар ҳам Бухорога вассал бўлишига қарамай унга итоат этмай қўйганлар.Сиёсий парокандаликнинг асосий сабаби–сўнгги аштархонийлар давридаги ўзаро курашлар, айирмачи кучлар мавкеининг ўсиши эди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, яъни манғитлар сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилгач, Бухоро амирлиги мавқеи яна аста-секинлик билан мустаҳкамлана бошлайди. Шу асрнинг 70-80 - йилларига келиб Бухоро амирлигининг марказий ҳудудини Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини ўз ичига олган Зарафшон воҳаси ташкил қилар эди. XIX асрнинг бошларига келиб Бухоро амирлиги ҳудудига Зарафшон ҳамда Қашқадарё воҳаларидан ташқари, Сурхон воҳаси, Ҳисор, Хўжанд, Ўратепа, Панжикент каби аҳоли зич жойлашган туманлар, Жанубий Туркманистоннинг катта қисми, жумладан Чоржўйдан то Мурғоб дарёсигача бўлган ҳудудлар кирар эди. Бу даврда Бухоро амирлиги ҳудудларининг кенгайишига асосий сабаб–манғитлар сулоласининг марказлашган давлат барпо этишга интилиши бўлган. XIX аср бошларида Бухоро амирлиги бир томондан Эрон ва Афғонистон,иккинчи томондан Хива хонлиги, учинчи томондан қозоқ жузлари ва тўртинчи томондан Қўқон хонлиги ҳудудлари билан чегарадош бўлган.

Бухоронинг сўнгги амири Сайид Амир Олимхоннинг маълумотларига кўра, XX аср бошига келиб "Бухоро мамлакати Амударёнинг шарқий соҳилларидан, яъни, Россия Помиридан то Хиванинг кенг давлатларигача чўзилиб боради. Бухоро шимол тарафдан Қизилқум саҳроси билан, ғарб тарафдан Сирдарё ҳамда Хўқанд хонлиги билан, жанубдаэса Афғонистон, Шарқда туркман ўлкаси ҳамда Хива дашти билан чегарадош", бўлган.

XIX асрнинг 50-йилларида Бухоро амирлиги бирнеча вилоятлардан ташкил топган бўлиб,улардан Бухоро ва Самарқанд ўз навбатида туманларга бўлинган эди. Вилоят ҳукмдорлари ҳоким деб аталган. Кейинчалик вилоят ўрнига бекликлар пайдо бўлгач, уларнинг ҳукмдорлари бек деб аталган. Замонавий маълумотларга кўра, бу даврда Бухоро амирлигида 44 та беклик мавжуд бўлган.

XIII аср охирларида чоп этилган Мирзо Бади Девоннинг "Мажма ал-аркам" асаридаги маълумотларга кўра, амирлик қуйидаги маъмурий-ҳудудий бирликларга: 100 минг танобдан иборат суғориладиган ер туманга, 50 минг танобдан иборат суғориладиган ер ҳазорага, 25 минг таноб суғориладиган ер нимҳазорага, 10-15 минг таноб суғориладиган ер обхўрига, 400 таноб суғориладиган ер қаряга, 300 таноб суғориладиган ер маъразага (экинзор) бўлинган. Бундай тартибда бўлиниш бўйича хирож, закот ва бошқа турдаги солиқларни йиғиш ва олиш қулай бўлган.

Маҳаллий маъмурият намоёндалари мавзени қишлоқ ва масжидлардан каттароқ ҳудудий бўлинма деб таърифланганлар. Мисол учун, Карки вилояти мавзеларга бўлинса ҳам улар ўз навбатида бекчаларга бўлинган, бекча қишлоқлардан иборат бўлган. Помир вилоятларидаги Рўшон ва Шуғнон маъмурий туманлари оқсоқоллик дейилган. Аҳоли яшайдиган пунктлар манбаларда учта атама- қишлоқ, мавзе, даҳа номлари орқали қайд этилган.

Маълумотларга кўра, Бухоро амирлиги аҳолиси XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тезлик билан кўпая бошлайди. XIX асрнинг бошларига келиб амирлик аҳолиси тахминан 2млн.дан ошиқ, 50-йилларга келиб тахминан 2,5млндан ортиқ кишини ташкил этган. Бухоро шаҳрида тахминан 60 мингдан зиёдроқ, Самарқанд шаҳрида эса тахминан 50 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилган.

Амирлик аҳолисининг катта қисмини ўзбеклар ташкил қилган бўлиб,кўплаб ўзбек уруғлари вакиллари амирликнинг деярли барча ҳудудларида яшаганлар. Аҳоли таркибидаги тожиклар Самарқанд, Бухоро, Нурота, Ургут, Китоб каби шаҳарларда, тоғли туманларда, жумладан, Панжикент, Вахш, Ҳисор, Қоратегин, Кўлоб, Шаҳрисабз, Қобадиён, Яккабоғ бекликларида, Зарафшоннинг юқори қисмида истиқомат қилганлар.

Туркманлар ҳам Бухоро амирлиги аҳолисининг сон жиҳатдан катта қисмини ташкил этганлар. Улар амирликка қарашли бўлган Амударёнинг икки қирғоғида жойлашган ерларда, яъни амирликнинг жанубий ва ғарбий ҳудудларида истиқомат қилишган. Бухоро амирлиги ҳудудида аҳолининг озчилик қисмини араблар ташкил этган бўлиб, улар асосан Қарши ва Шеробод бекликларида яшаганлар. Сўнгги тадқиқотларда амирлик аҳолисининг жойлашуви, яшаш тарзи, хўжалик юритиши ва этник таркиби қуйидагича берилади:

Бухоро амирлиги аҳолисининг ҳудудий жойлашуви

Ҳудудлар (водий вавоҳалар)	Истиқомат қилувчи аҳоли сони (тахминан)	Фоиз ҳисобида
Зарафшон воҳасида	700.000	31.8
Қашқадарё воҳасида	500.000	22.2
Қизилқум ва Яксув бўйидаги воҳаларда	225.000	12.0
Амударё бўйидаги воҳаларда (Сурхоннинг қуйилишидан то Чоржўйгача)	300.000	14.0
Қолган ҳудудларда	430.000	20.0
Бутун амирлик бўйича	2.155.000	100.0

Бухоро амирлиги аҳолисининг яшаш тарзи бўйича тақсимоти

Аҳолининг яшаш тарзи	Аҳоли сони	Фоизда
Ўтроқ аҳоли	1.399.606	65.0
Ярим кўчманчи аҳоли	322.986	15.0
Кўчманчи аҳоли	430.648	20.0
Жами	2.153.240	100.0

Бухоро амирлиги аҳолиснинг хўжалик юритиш бўйича тақсимоти

Аҳолининг хўжалик юритиш тарзи	Аҳоли сони	Фоизда
Деҳқончилик ва чорвачилик	1.830.254	85.0
Ҳунармандчилик васавдо	215.324	10.0

Доимий хўжалик иш юритишга эга бўлмаганлар	107.662	5.0
Жами	2.153.240	100.0

Бухоро амирлиги аҳолисининг этник таркиби

Этник гурухлар	Жами аҳолига нисбатан фоиз хисобида	Аҳоли сони
Туркий халқлар	85.0	1.830.254
Эроний халқлар	12.0	258.389
Бошқа элатлар	3.0	64.597
Жами	100.0	2.153.240

Бухоро амирлигида маҳаллий аҳоли билан бир қаторда, диний эътиқодлари турлича бўлган турли хил халқ вакиллари ҳам истиқомат қилганлар. Маҳаллий аҳоли ўз вақтида қўшни мамлакатлар, узоқ-яқин шаҳарлар аҳолиси вакилларига хайрихоҳлик билан қараганлар. Шаҳарларда турли халқ вакилларига ер ажратиб берилиб, бу манзилларга уларнинг маҳаллалари юзага келган. Тарихий адабиётларнинг хабарига кўра, XИX аср ўрталарида Бухорода "Яҳудийлар маҳалласи, шаҳар атрофида татар маҳалла, Афшар маҳалла" ва бошқалар мавжуд бўлган. Мазкур аҳолининг эркин яшаши, диний эътиқодлар учун тегишли шароитлар яратиб беришган. Яҳудийлар амирликнинг Бухоро, Самарканд, Қарши, Каттақўрғон ва бошқа ерларида яшаганлар. XИX аср 20-йилларида Бухорода бўлган Й.К.Меендороф пойтахтдаги 3 та кўчада яҳудийлар яшаганлиги, Самарқандда уларнинг алохида маҳалласи борлигини қайд этган. Яҳудийлар мактаби ва синагоги Бухорода ва Самарқандда ҳам бўлган. Хонликда шунингдек, ҳиндлар, афғонлар, руслар, арманлар, татарлар, форслар, қалмиклар ва бошқаларни ҳам учратиш мумкин бўлган. Бухородаги Нўғай Саройида кўп сонли россиялик татарлар истиқомат қилганлар.

Амирликда ўтрок аҳолидан ташқари, тоғ олди вадашт ҳудудларда кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли ҳам яшаган. Кўчманчилик ва ярим кўчманчилик тарзида ҳаёт кечирган қозоқлар чўл ва дашт ҳудудларида яшаган.

5.3 Давлат бошқарув тизими. Мансаблар, унвонлар ва амаллар

Бухоро амирлигида XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб манғитлар сулоласининг вакиллари ҳукмронлик қилдилар. Сулола ҳукмронлигининг асосчиси Раҳимбий ибн Ҳакимбий бироз муддат (1747йилдан кейин) Абдулфайзхоннинг ўғилларига оталиқ бўлган бўлиб, 1756 йилда сайидлар, хўжалар ва рухонийлар томонидан Бухоро тахтига ўтказилади. Раҳимбий хон унвонини олмасдан ўзини "ноиб ул-ҳукумат" ("хоким ўринбосари") деббилган. Дониёлбий оталиқ ҳам хонликка даъво қилмай аввал Фозилтўрани, кейин эса Абулғозийни(1758-1784йй.) хон деб эълон қилиб, ўзи уларга ноиб хисобланган. Шоҳмурод 1785йилда Бухорода "амир" унвони билан тахтга ўтиради.

Бухоро амирлигининг сиёсий тизими, идора этиш тартиб-қоидалари, давлат рамзлари, унвон ва мансаблар ҳақида кўпгина олимлар тадқиқот ишлари олиб борганлар. Ушбу тадқиқотларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, манғитлар ҳукмронлиги даврида давлат тизимида жиддий ўзгаришлар амалга оширилмаган. Бу даврда олий ҳукмдор гарчи амир унвони билан ҳокимиятни бошқарган бўлсада, Бухоро амирлиги ҳам ўз тизими, қонун-қоидалари, бошқарув тартиблари ва бутун моҳияти билан, ўрта асрлар Мовароуннаҳрдаги мусулмон давлатлари, хусусан, Шайбонийлар ва Аштархонийлар давлат тизмидан деярли фарқ қилмаган.

Бухоро амири Сайид Олимхон ўзининг "Бухоро халқининг ҳасрати тарихи" асарида Бухоро амирлигининг сиёсий ва идоравий ташкилотлари ҳамда давлат бошқаруви ҳақида маълумотлар бериб, жумладан қуйидагиларни ёзади: "Бухоро амирлари ҳукм юритишларида – шариат усул ва одатларига риоя қилар эдилар. Бухоронинг ислом уламолари амирни пайғамбар халифаси-ўринбосари, усул ва шариат ҳимоячиси деб билар эди. Амирнинг тирикчилиги бутунлай шариатга мос бўларди, уни бузиш мумкин эмас эди. Бухоро хонлари бутунлай манғитларнинг ўзбек тоифасидан бўлган. Бухоро подшоҳларини ўзбек одатларига кўра, тўшакча устига табаррукона ўтқазиб, сайидлар, хўжалар ва муллолар уни ердан кўтарадилар. Бухоро мамлакати 28та вилоят (боғот)га бўлинар эди. Энг катта вилоятларга амирнинг ўзи ҳокимларни тайинлар эди. Бу вилоятларга Нурота, Қоракўл,Бойсун, Ҳисор, Денов, Кўрғон, Болжувон, Кўлоб, Кубодиён, Дарвоз, Рўшон,Самарқанд, Миёнқол, Фароб, Урметон ва Масчоҳлар кирар эди. Валиаҳдга қарашли мулк Қарши ҳисобланар эди."

Бухоро амирлигида давлат мутлақ қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятга эга бўлган амир томонидан бошқарилар эди. Давлат аҳамиятига молик бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий,диний ва бошқа масалалар Бухородаги бош қароргоҳ– Аркда кўриб чиқилган ҳамда ҳал этилган. Бош қароргоҳ ҳисобланган -Аркда амир ва унинг оиласидан ташқари қўшбеги, шиғовул, тўпчибоши, мирзабоши каби сарой амалдорлари ўз оилалари ва хизматкорлари билан яшаганлар.

Заруратга қараб мамлакат пойтахтида амир бошчилигида давлат кенгаши чақирилиб турилган. Анъанага кўра, лавозимларига қараб 5 тадан 20тагача амалдорлар аъзо бўлган ушбу кенгашда мамлакат хаётига доир энг мухим масалалар кўриб чиқилган.

Илгариги даврларда бўлгани каби, манғитлар даврида ҳам, давлат бошқаруви тизими икки бўғин–марказий ва маҳаллий бошқарув тизимидан иборат бўлган. Бу тизимлар мусулмон давлатларига хос бўлган мураккаб бошқарув тармоқларига эга бўлган ҳамда асосан амир, сарой амалдорлари, ўзбек уруғлари ва қабилабошлиқлари, уламолар, ҳарбий бошлиқлардан ташкил топган. Амирликдаги марказий ҳокимият амир бошчилигидаги сарой аъёнлари қўлида бўлса, маҳаллий бошқарув вилоят ноиблари қўлида эди. Вилоят беклари амир томонидан асосан манғит уруғи вакилларидан тайинланган.

Амирликнинг пойтахти Бухоро ва унинг атрофидаги туманлар амир томонидан бошқарилган. Вилоят беклари нисбатан кичик ҳудудий бўлинмалар амлок мулклар ҳисобланиб, уларнинг бошқарувчилари амалдор деб аталган.

Амирликнинг маъмурий тузилишидаги энг қуйи бўғин қишлоқ жамоалари бўлиб, уларни оқсоқоллар бошқарганлар. Бухоро амирлиги Россия империяси истилосига қадар ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон республикаларининг катта қисмини ўз ичига олган Ўрта Осиёдаги йирик давлат эди.

Таъкидлаш лозимки, манбалар ва адабиётларда Бухоро амирлигида мавжуд бўлган унвон,мансаб ҳамда амалларга оид маълумотлар чалкаш, кўп ҳолларда бир-бирини инкор этади.

Бухоро амирлигидаги энг юқори унвон ва мансаблар,аввало манғит уруғи вакилларига, сайидларга, хўжаларга ҳамда уламоларга берилган бўлиб, давлатдаги энг юқори унвон амир ул-умаро, оталиқ, ҳоким (валий, бек), қўшбеги ва девонбегилар бўлган. Давлат амир, амир ул-умаро томонидан бошқарилиб, у амалда ва расман чекланмаган ҳуқуқларга эгабўлган. Оталиқ унвони манғитлар даврига келиб оталиққа олинган шахснинг маслаҳатчиси ва ишончли вакили, ҳарбий ва маъмурий ишларда асосий вакилига айланди. Амир Шоҳмурод даврида оталиқнинг ваколатлари чекланиб, унга Зарафшон дарёси сувининг тақсимотини назорат қилиш, Бухоро канали (руд-и шаҳр) ва доруғалик вазифаси юкланади.

Бу даврда қўшбеги ёки қўшбегийи боло энг олий сарой мансаби ҳисобланиб, унинг мавқеи жуда баланд бўлган. Амалда бош вазир вазифасини бажарган бу мансаб эгаси иқтисодий,сиёсий ва ҳарбий масалалар бўйича амирнинг энг яқин одами бўлган. Саройдаги олий мансаблардан яна бири девонбеги бўлиб,бу мансабдор вазир ваколатларига эга бўлган. Девонбеги молия ишлари, даромад ва харажатлар ҳамда солиқ йиғиш устидан тўла назорат қилиш ишларига жавоб берган.

Амирликдаги марказий давлат бошқарувида Бухоро шаҳри алоҳида ўрин эгаллаган. Жумладан, Бухоро шаҳри ҳокими амирнинг биринчи вазири ва бошқа вилоятлар бошқарувчиси ҳисобланган. Шаҳардаги жамоат тартибини сақлаш миршабларга топширилган бўлиб, улар шаҳар миршаббошисига бўйсунишган. Бухоро шаҳри миршаббошисига бошқа барча шаҳарлар миршаббошилари бўйсунган. Манғитлар даврида Бухорода қўшбеги, қозикалон, бош раис ва миршаббоши биргаликда "чор ҳоким", яъни, "тўрт ҳоким" деб юритилган.

Амирликнинг бошқарув тизимида бош раис алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Ушбу амал ярим диний, ярим тарғиботчи усулида эди. Амирликда бош раис одатда эшон раис ёки раис-уш шариат деб аталган бўлиб унга барча маҳаллий раислар бўйсунган. Бош раис уларни вақти-вақти билан амир олдида текширувдан ўтказиб турган. Эшон раис қозикалондан кейин турадиган амалдор бўлиб, унинг маҳкамасига вақтинча ўринбосарлик қилувчи халифа, ноиб, мулозимлар, мирзалар, мирохўрбоши, терговчи, шаҳар мироби кабилар кирган.

Амир саройида ижро ҳокимиятини амалга оширувчи лавозимлар қаторига шаҳар хавфсизлигига жавобгар бўлган миршаб ва унинг қўл остидагилар, сув таъминотига жавобгар бўлган мироб ва унинг қўл остида ишлайдиганлар кирган. Миршаб қўл остида ясовулбоши, девонбеги, маҳрамбоши, мирзалар, даҳбоши, шабгард (кечки қоровул), фаррошбоши кабилар бўлган. Мироб тасарруфида

эсамаҳрам, мирзалар, баковуллар,мирохўрлар, сув тармоқлари назоратчилари, маҳалла, мавзе ва қишлоқ оқсоқолларифаолият юритганлар.


Амирнинг иккинчи вазири қўшбегийи поён, баъзи манбаларда мирипоён деб аталган бўлиб, унга ясовулбоши, мирохўрбоши, хазиначи, мирзалар, баковулбоши, закотчилар бўйсунган. Мирипоён уларни бевосита ўз назоратига олиб турган.

Бухоро амири ҳузурида юқори лавозимдаги мансабдорлар билан бирга қуйи амалдаги мансабдорлар ҳам мавжуд бўлган. Амир фармонларини етказувчи парвоначи, амирга доимо ҳамроҳ бўлиб юрувчи ҳидоячи, амир маслаҳатчиси ва хорижий меҳмонларни кутиб олувчи шиғовул, амир осойишталиги ва тинчлигини муҳофаза қилувчи тонготар (тунқатор),амирга қаратилган салом ва таъзимларни қабул қилувчи жавобгар салом оғаси, амир дастурхонига жавобгар дастурхончи, амир сафари чоғида номозга чорловчи имоми жилов,амир сафари чоғида қонун билан шуғулланувчи муфти жилов, амир маслаҳатчилари гуруҳи жаъмоға кабилар шулар жумласидан. Амирга бўлган садоқати ва хизмати учун алоҳида шахслар додхоҳ, иноқ, тўқсабо,оталиқ, эшикоғаси каби унвонларга эга бўлганлар.

XVIII-XIX асрнинг биринчи ярмида амирликда энг олий диний мансаб шайхулислом ҳисобланган. Аммо,бу даврда унинг вазифалари анча торайган эди. XIX аср ўрталаридан бошлаб шайхулислом ўрнини қозикалон эгаллайди. Юқорида эслатилган амир ҳузуридаги кенгашда дин вакилларидан қозикалон, шайхулислом, нақиб ва раис қатнашган.

Амир Музаффар давридан бошлаб, амирликдаги барча ҳуқуқий нормалар қозилар томонидан ҳал қилинган. Барча фуқаролик,хўжалик ва жиноий ишлар Қуръон ва шариат аҳкомлари асосида кўриб чиқилган ҳамда жазолар тайинланган. Қозилар амир иродасига кўра қозикалон томонидан тайинланган. Шариат бўйича бошқарув қозилар қўлида бўлган. Қозикалон амирлик пойтахтининг бош қозиси бўлиши билан бирга, давлатдаги бошқа қозилар бошлиғи ҳисобланган.

Бухоро амирлигидаги унвон ва мансаблар



Амирликда расман учта диний унвон – ўроқ, судур ва садр мавжуд бўлган. Манбаларга кўра, мадрасани тугатган шахс мулла, қози, раис амалларини эгаллаши мумкин бўлган. Юқоридаги амаллардабир неча йил ишлаганидан сўнг шариат ҳуқуқлари соҳасида тўплаган билим ва тажрибалари асосида бундай шахсларга дастлаб ўроқ, кейин судр ва сўнгра садр унвонлари берилган. Энг

охирги диний унвони бўлган шахслар қозикалон, муфтий, аълам, охун каби диний амалларни эгаллаши мумкин бўлган.

Амирликда ҳарбийлар томонидан содир этилган жиноятлар ва уларнинг шикоятларини шу масалалар билан шуғулланувчи махсус амалдор-қози аскар кўриб чиққан. Ҳарбий жиноятлар бўйича фатво тайёрлаш муфтий аскар зиммасида бўлган. Демак, амирликдаги ҳарбийлар ва фуқаролик ишлари алоҳида-алоҳидамаҳкамалар томонидан кўриб чиқилган.

Амир Насрулло даврида амирликда 1837 йили мунтазам қўшин – сарбозлар ташкил этилган. Энг юқори ҳарбий унвонлар саркарда,амири лашкар, додхоҳ(қўшин бошлиғи) кабилар бўлиб, қўрғонбеги, тўқсабо, мингбоши каби олий тоифали ҳарбий амалдорлар ҳам фаолият юритган. Бекликлар ҳудудидаги қўшинга бекларнинг ўзлари раҳбарлик қилганлар. Бекнинг энг яқин ёрдамчилари ясовулбоши бошчилигидаги ясовуллар бўлган. Қўшинда понсадбоши, юзбоши, элликбоши, ўнбоши, мирохўр каби бўлинма бошлиқлари ҳам бўлган. Мингбоши байроқ (туғ) кўтариб юриш ҳуқуқига эга эди.

5.4 Ер эгалиги муносабатлари. Деҳқончилик ва чорвачилик. Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ

Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида бўлган каби Бухоро амирлигида ҳам аграр муносабатлар, яъни, ерга эгалик муносабатлари иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил этган. Манбаларга кўра амирликда ер эгалигининг қуйидаги тўртта тури: давлатга тегишли ерлар (мулки султоний); хусусий ерлар (мулк); диний муассасалар ихтиёридаги ерлар (вақф) ва қишлоқ жамоаларига тегишли ерлар мавжуд бўлган. Манбаларда амлок ерлар, амлоки султоний, подшоҳ ерлари каби атамалар билан аталаган давлат ерлари билан бир қаторда мулки хирожий, хирож ерлари атамаси ҳам тилга олинади.

Таъкидлаш жоизки, Амир энг катта ер эгаси ҳисобланган. Давлат ерларини расман сотиш,ҳадя этиш ҳамда вақфга бериш таъқиқланган бўлсада, бунга доим ҳам амал қилинмаган. Давлат ерлари бўш ётган ерлар (камишзорлар, тошлоқ, тўқайзор, тоғолди)ни ўзлаштириш ҳисобига кўпайтириб турилган. Бундай ерларни ўзлаштирган шахслар бир неча йил солиқлардан озод этилиб, кейин белгиланган тартибда солиқ тўлаганлар.

Ундан ташқари давлат (амлок) ерлари ҳукмдор олдида катта гуноҳ қилган йирик ер эгалларидан мусодара қилинган ерлар ҳисобига ҳамда меросхўри бўлмасдан вафот этган шахсларнинг ерлари давлат ихтиёрига ўтиши ҳисобидан ҳам кўпайган. Айрим манбаларга кўра, давлат ерларидан доимий мавжуд бўлган ер солиғи- хирож олинган бўлса,бошқа манбаларда давлат ерларидан ҳосилнинг катта қисми, яъни 40-50 фоизи олинганлиги қайд этилади.



Бухоро амирлиги тангаси.XVIII аср охири – XIX аср бошлари

Амирликда мавжуд бўлган яна бир ер эгалиги шакли мулк(хусусий) ерлар бўлиб,бу ер эгалиги шакли қўзғалмас мулк хисобланган ҳамда хеч қандай чекланишларсиз мерос қилиб қолдириш мумкин бўлган. Мулк ерларидан олинадиган солиқлар ҳақида тадқиқотчиларнинг турли фикрлари мавжуд. Замонавий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мулки хурр ёки мулки холис айрим йирик ер эгаларига тегишли бўлган ер эгалиги шакли хисобланган. Мулки хурр эгаси доимо амалдаги ҳукмдор томонидан берилган ёрликка эга бўлиши шарт бўлган ва айнан шу ёрлиқ туфайли у ер солиғидан озод қилинган.

Амирликда деҳқон аҳли фойдаланаётган ерларга нисбатан мулки хирож атамаси ишлатилган. Бундай ерларга эга бўлган ер эгалари ўз ерларини эркин сотиш, мерос қолдириш ва ҳадя қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Бундай ерлардан расман ҳосилнинг учдан бири миқдорида солиқ белгиланган бўлсада, амирликнинг хар бир ҳудудида ўрнатилган ва белгиланган тартиб ҳамда урф-одатларга кўра, солиқ миқдори ҳосилнинг учдан биридан то бешдан биригача бўлган.

Анъанага кўра, вақф ерлари асосан диний муассасалар – масжидлар, мозорлар, хонақо, мадрасаларга ер майдонларини мерос қолдириш ҳамда хайр-эҳсон қилиш натижасида вужудга келган бўлиб, у ер эгалигининг алоҳида шаклини ташкил этган. Ушбу ерлардан тушган фойда мутавалли ихтиёрига келиб тушган. Мутавалли асосан вақф эгалари авлодларидан тайинланган бўлиб, у вақф ҳужжатларига асосланиб фойдани тақсимлаб чиққан. Амирликда вақф ерларини сотиш, бундай ерлардан солиқ олиш тақиқланган бўлсада,манбалар ва ҳужжатлар бунга амал қилинмаганлигини кўрсатади.

Амир Насрулло давридан бошлаб ер эгалигининг танҳо шакли тарқалади. Насрулло ўзига бўйсунмаган амалдорлар ва уруғ оқсоқолларининг ерларини мусодара қилиб, бундай ерларни вақтинча эгалик қилиш ҳуқуқи билан ўз тарафдорларига ҳадя(танҳо) қилган. Амир Музаффар давридан бошлаб танҳо тоғли ҳудудларга ҳам ёйилади. Танҳо турли ҳажмда(бир неча танобдан бир неча юз танобгача) берилган бўлиб, танҳонинг берилиш миқдори энг аввало, ернинг суғорилиши, ернинг унумдорлиги, қолаверса, амалдорнинг эгаллаган мавқеи ва таъсирига ҳам боғликбўлган.

Деҳқончилик ва чорвачилик Бухоро амирлиги иқтисодининг асосий тармоқлари хисобланган. Аҳолининг 85 фоизи деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлиги ҳам юқоридаги мулоҳазанинг далили бўлиб хисобланади. Амирликда XVIII асрнинг охирларидан бошланган иқтисодий юксалиш,аввало деҳқончиликнинг тикланиши билан изоҳланади. Анъанага кўра, суғориладиган ҳамда лалмикор ерларда деҳқончилик соҳасида буғдой, арпа, жўхори, полиз ва

сабзавот экинлари етиштиришга катта эътибор қаратилган. Узумчилик ва боғдорчилик ҳам яхши ривожланган. Амирликда узумнинг 10 дан ортиқ навлари етиштирилган.

Шунингдек, амирликда шоликорлик ҳам яхши тараққий этган. Нисбатан сифатли шоли Шаҳрисабз, Каттақўрғон ва Ҳисор воҳаларида етиштирилган. Шаҳрисабз ва Ҳисор шоликорлари амирликнинг пойтахти Бухорони доимий равишда сифатли гуруч билан таъминлаб турганлар.

Амирликда XIX асрнинг бошидан бошлаб Россия империясига кўп миқдорда пахта сотилиши натижасида пахтачиликка эътибор кучайтирилган. Рус манбаларига кўра, Бухоро амирлигининг "Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида жойлашган Яккабоғ, Китоб, Чироқчи, Қарши, Шаҳрисабз, Ғузор, Термиз, Шеробод, Ҳисор туманларида пахта катта миқдорда етиштирилади. Ўрта Осиё хонликлари ичида Бухоро пахтаси алоҳида диққатга сазовор бўлиб, у анча қиммат туради".

Шариатда чекиш таъқиқланганлигига қарамасдан, Қарши ва Миёнқол воҳаларида тамаки етиштириш ривожланган. Қарши тамакиси энг сифатли тамаки ҳисобланган. Ундан ташқари, амирликда ипакчиликнинг ривожланишига ҳам катта эътибор қаратилган. Бухоро воҳаси,Зарафшон водийси, Кармана, Шаҳрисабз, Китоб,Миёнқол, умуман, сув кўп бўлган барча ҳудудларда тут дарахтлари кўплаб ўстирилган. Бухорода ва бошқа йирик шаҳарларда тоза ипак ва ярим ипакдан турли хил матолар тайёрланган.

Амирликдаги деҳқончилик ва боғдорчилик оддий ва анъанавий ҳолатда бўлган. Ерлар от, ҳўкиз кам ҳолларда туяларга омоч қўшилиб ҳайдалган ҳамда мола, кетмон ва бел орқали ишлов берилган.

Амирликда мавжуд бўлган чўл ва дашт ҳудудлари,тоғ ва тоғ олди адирлари маҳсулдор чорвачилик учун қулай имкониятлар яратган. Амирликнинг чўл ҳудудларида, жумладан Бухоро ва Қарши ҳудудларида қоракўл тери етиштиришга ихтисослашган қўйчилик тараққий этган. Бунга асосий сабаб, ташқи бозорда (айниқса, Россия бозорида) қоракўл терисига, ундан ишланган маҳсулотларга талаб катта эди. Чорвачиликнинг етакчи тармоғи сифатида йилқичилик нафақат дашт ҳудудларида,балки воҳаларда ҳам ривожланган. Шаҳрисабзнинг қорабайир ва Қаршининг арабий отлари ўз чидамлилиги, тезлиги ва кучи билан бутун амирлик ва ундан ташқарида ҳам машҳур бўлган.

Чорвачиликда туячилик соҳасига ҳам алоҳида эътибор берилган. Оғир ва олис йўллар ҳамда сувсизликка чидамли бўлган оғир юк кўтарувчи туялардан карвон савдосида,тегирмонларда, ёғ чиқаришда,баъзи ҳолларда ер ҳайдашда фойдаланилган. Шунингдек, туянинг сути ва жуни қадрланган. Бухоро амирлигида чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларнинг ички ва ташқи бозорга туёкли моллар,сифатли тери, жун ва бошқа турли маҳсулотлар (шол,намат,арқон ва ҳоказо) ҳамда озиқ-овқат (гўшт ва сут маҳсулотлари) етказиб беришдаги аҳамияти катта эди.

Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ. Бухоро амирлигида асосий ҳунармандчилик марказлари сифатида шаҳарлар катта аҳамиятга эга бўлган бўлсада,кўпгина йирик қишлоқларда ҳам ҳунармандчиликнинг кундалик эҳтиёж учун зарур соҳалари ривожланган эди. Бутун ўрта асрларда мавжуд бўлганидек,

амирлик даврида ҳам ҳунармандлар уюшмалари (касаба, цехга эга бўлганлар) унинг ташкил топиши маҳсулот ишлаб чиқариш устидан назорат ўрнатишга, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳукукини сақлаш ва рақобатбардошликка интилиш биланбоғлиқ эди. Амирликдаги ҳунармандчиликнинг барча соҳаларида бундай уюшмалар мавжуд бўлиб, уни сайлаб қўйиладиган шахс–раис ёки оқсоқол бошқарган. Ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар нархини белгилашда, турли солиқ ва тўловлар йиғимида,уста ва шогирд муносабатларида, хўжалик ишларини юритишда уюшма раисининг хизмати катта бўлган.

Ҳунармандчилик соҳасида тўқимачилик унинг асосий тармоғи ҳисобланган. Ушбу тармоқнинг ривожланишига асосий сабаб, биринчидан, соҳа учун маҳаллий хом ашё манбалари– пахта, жун, ипак етарли даражада бўлган бўлса, иккинчидан, ички ва ташқи бозорда, кундалик ҳаётда тўқимачилик маҳсулотларига талаб катта эди. Мамлакатда айниқса, бўз, чит, олача матолари кўп миқдорда тайёрланган. Қарши, Ҳисор, Балжувон, Денов, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва уларнинг атрофларида ипак матолар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бошқа шаҳар ва қишлоқларда ҳам ип йигириш, мато тўқиш, тайёр кийим тикиш, гилам тўқиш ва бошқа тўқимачилик соҳалари анча ривожланган. Тарихий манбалар маълумотларига кўра, Бухоронинг зарбоф тўнлари, Шаҳрисабзнинг ироқи дўппилари,Термизнинг ҳарир матолари, Самарқанд ва Бойсун ҳунармандларининг ипак матолари амирликдан ташқарида ҳам машҳур бўлган.

Бухоро давлати ҳунармандчилигидаги муҳим тармоклардан яна бири бу – кулолчилик бўлган. Хўжалик тарққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган кулолчилик амирликнинг деярли барча ҳудудларида ривожланган эди. Кулолчилик энг тараққий этган марказлар Бухоро, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисаб, Ургут, Денов, Ғиждувон кабилар бўлиб, уларнинг маҳсулотларига ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган. Амирлик кулолчилигида Ўрта Осиёнинг кўпгина кулолчилик мактабларига хос бўлган манзаралар(турли гуллар ва ўсимликлар тасвири), турли ҳайвонлар, қушлар, ҳашоратлар ёки улар танасининг бир қисмини шартли равишда тасвирлаш кулол усталар томонидан кенг қўлланилган.

Бу даврда иқтисодиётнинг металлга ишлов бериш соҳаси ҳам яхши ривожланган. Шаҳрисабз, Ургут, Нурота, Бойсун, Шеробод каби тоғли туманлардан маъданлар қазиб олинган бўлиб, улардаги конлардан фойдаланиш баъзи танаффуслар билан XX аср бошларига қадар давом этган эди.

Бу даврда амирликдаги металлга ишлов бериш тараққий этган қуйидаги тўртта асосий тармоғи – темирчилик, мисгарлик, чўян қуйиш ва рихтагарликни алоҳида кўрсатиш мумкин.Темирчилик соҳасида усталар қишлоқ хўжалигида ва кундалик турмушда ишлатадиган меҳнат қуроллари, ҳарбийлар учун жанговар қуроллар ясаганлар. Амирликнинг кўпгина шаҳарларида Темирчи, Гузари Чилангарон каби чиланагар-темирчилар махсус маҳалла гузарларининг мавжудлиги ушбу ҳунармандчилик турининг анча тараққий этганлигини кўрсатади. Йирик шаҳарларда мисгарлик ҳам ривожланган. Мис хом ашёси асосан Россиядан келтирилиб, ундан чилим идишлар, баркаш, лаган, кўзача,

тоғорача каби кўплаб идишлар ясалган ҳамда улар турли нақшлар билан моҳирона безатилган.

Бухоро амирлигининг металлга ишлов бериш саноатида дегрезлик – чўян қуйишнинг алоҳида ўрни бор эди. Бу соҳа усталари асосан шаҳарлардаги махсус гузарларда яшаганлар. Бу ерларда чўяндан қозон, чироқ, манқалдон каби буюмлар ясаганлар. Бронзадан буюмлар ясаш – рихтагарлик ҳам амирликнинг кўпгина шаҳарларида тараққий этган эди. Ушбу касб соҳиблари турли буюм ва тақинчоқлар ясаганлар.

Ундан ташқари, амирликда ҳунармандчиликнинг бошқа кўпгина турлари ҳам ривожланган. Хусусан, Бухоро, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги заргар усталар томонидан тайёрланган заргарлик буюмлари, қимматбаҳо тошлар,металл ва турли хил шишалардан ясалган тақинчоқлар амирлик ва ундан ташқари ҳудудларда ҳам машҳур бўлган. Кўнчилик ҳам яхши ривожланган тармоқ бўлган. Чармгар усталар томонидан яхши ишлов берилган терилардан турли хил оёқ кийимлари, бош кийимлар, пўстин ва ним пўстин, турли хил мешлар (сут,сув, қимизваҳоказо учун) тайёрланган.

Амирликнинг деярли барча ҳудудларида ёғоч ўймакорлиги тараққий этган. Шаҳарларда моҳир дурадгорлар ҳам кўп бўлган. Амирликнинг шаҳар ва қишлоқларида тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотлари ички бозор эҳтиёжларини таъминлабгина қолмасдан, кўп ҳолларда ташқи бозорга ҳам чиқарилган.

Бухоро амирлиги ҳукмдорлари ва аҳолиси савдо-сотиқ ишларига катта эътибор қаратишган. Амирликда ҳунармандчилик ва ундаги ишлаб чиқаришнинг тараққий этиши доимий савдо-сотиқ муносабатларининг янада кенгайишига асос бўлган эди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг кўпгина шаҳарларида карвонсаройлар қурилишига катта эътибор қаратилиб, бу ҳолат савдо муносабатлари ривожини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган эди.

Амирликнинг йирик шаҳарлари–Бухоро, Самарқанд, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Каттақўрғон, Денов, Нурота ва бошқалар асосий савдо марказлари бўлганлар. Манбаларга кўра, XIX аср бошларига келиб йирик карвон йўллари чорраҳасида жойлашган Қарши шаҳрининг аҳамияти ошиб кета бошлайди. Ички бозорларда аввало, кундалик эҳтиёж моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар, пахта матолари, жун ва ипак матоларига талаб катта бўлган. Ички савдонинг тараққиётида йирик шаҳарларнинг атрофлардаги қишлоқлар билан иқтисодий муносабатлари ҳамда шаҳарлараро савдо-сотиқ алоқаларининг ривожланганлиги муҳим ўрин тутган. Чунончи, амирликдаги бозорлар нафақат шаҳарлар, балки уларнинг атрофидаги қишлоқлар аҳолисининг талабларини қондиришда ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Амирликдаги барча шаҳарларда, йирик қишлоқларда ихтисослашган бозорларнинг мавжудлиги ички савдонинг давлат иқтисодиётидаги муҳим аҳамиятидан далолат берарди.

Ички савдонинг тараққий этишида амирликда мавжуд бўлган пул муомаласининг ўрни катта бўлган. Хусусан, манғитлар ҳукмронлиги даврида бу соҳада бирмунча барқарорлик ўрнатилган бўлиб, муомалада асосан уч турдаги –

тилло, танга (кумуш) ва пул (мис) мавжуд эди. Шаҳар ҳамда қишлоқлардаги савдо-сотиқ ва тўловларда асосан танга ва пул ишлатилган.

Бухоро амирлигида қўшни давлатлар ва халқаро савдо алоқаларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилган. Ташқи савдо алоқаларида Хива ва Қўқон хонлари, қозоқ ва туркман даштлари, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Қашғар ва айниқса Россия билан бўлган савдо муносабатлари муҳим ўрин тутган эди.

Кўчманчи қозоқлар амирлик бозорларига палослар, наматлар, жун, тери, гўшт ва сут маҳсулотлари келтирган бўлсалар, деҳқонлар ва ҳунармандлар қозоқ даштларини озиқ-овқат маҳсулотлари, сабзавотлар, кундалик эҳтиёж моллари, кийим-кечаклар, пахта матолари билан таъминлаганлар. Амирликда туркман гиламлари ва отларига талаб катта бўлган. Туркманлар амирлик бозорларидан бошқа маҳсулотлар билан бирга кўпроқ ҳар хил матолар харид қилганлар.

XVIII аср охири– XIX аср бошларидан бошлаб Бухоро амирлигининг ташқи савдо алоқаларида Россиянинг савдо шаҳарлари (асосан Оренбург ва Астрахань) муҳим ўрин тута бошлайди. Россияга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – тери, қоракўл тери, жун, пахта, ипак толалар, турли матолар олиб чиқилган. Россиядан эса турли фабрика маҳсулотлари, чўян, мис, қўрғошин келтирилган.

Бухоро савдогарлари Балх ва Бадахшонга савдо карвонлари билан қатнаб турганлар. Бу ҳудудларга амирликдан қозонлар, Бухоро матолари, Россиядан келтирилган игна, ойна, қайчи кабилар олиб келинган ҳамда Бухорога кумуш, олтин олиб қайтилган.

Савдо карвонлари Кобул ва Ҳиндистонга ҳам бориб савдо-сотиқ ишларини амалга оширган. Ҳиндистондан қимматбаҳо тошлар, дори-дармонлар, хушбўй гиёҳлар, кашмир матолари келтирилган. Ўз навбатида, ҳинд савдогарлари Бухоро бозорларидан Россиядан келтирилган маҳсулотлар, маҳаллий матолар, зарбоф тўнлар, қорабайир отларни харид қилганлар. Амирлик савдогарлари Хитой, Шарқий Туркистон билан ҳам савдо-сотиқ алоқалари олиб борган. Хитой билан савдо алоқалари Қўқон хонлиги орқали олиб борилган бўлиб, Хитойга пахта, қоракўл тери, турли хил ҳунармандчилик маҳсулотлари етказиб берилган. Ўз навбатида Хитойдан кўплаб ипак матолари ва чинни буюмлар ҳам келтирилган.

XIX аср бошларида, айниқса, унинг 40-50 - йилларидан бошлаб жиддий равишда кучайган Россия ва Англиянинг Ўрта Осиё, жумладан, Бухорога нисбатан қизиқиши, амирлик иқтисодий ҳаётига уларнинг кириб келиши, ўз навбатида Бухоро амирлигида ишлаб чиқариш муносабатларининг жадал суръатлар билан ўсиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг ривожланишига олиб келди. Маҳаллий ҳунармандлар, савдогарлар, умуман ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча тармоқ эгалари ишлаб чиқаришга бўлган муносабатларини ўзгартирдилар. Манбалар тили билан айтганда, "Ўрта Осиё хом ашёси ва унинг баъзи бир маҳсулотларига талаб кучая бошлади. Бундан рағбатланган маҳаллий ишлаб чиқариш тармоқлари имкониятлари борича ўз жамоаларида ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуришга ҳаракат қилдилар".

Бунинг натижаси ўлароқ, XIX аср ўрталарига келиб, талабдан ортиқча маҳсулот ишлаб чиқариши туфайли бухоролик савдогарлар ташқи савдо

алоқаларини кучайтирдилар. Хусусан, бухоролик савдогарлар Россияга кўпроқ пахта ва ипак газлама маҳсулотларини олиб бориб, Россиядан темир ва мис келтира бошладилар. Ҳунармандчилик маҳсулотлари кўплаб Ҳиндистон,Эрон ва Хитойга чиқарилиб, бу худудлардан асосан қимматбаҳо металлар келтирилган.

Солиқлар. Бухоро амирлигида энг асосий солиқ бу ердан олинадиган хирож солиғи эди. Бу солиқ амлокдор ва оқсоқоллар иштирокида ҳосил пишиб етилган пайтда ҳосилга қараб белгиланган. Ҳажми эса ҳосилнинг учдан, тўртдан айрим ҳолларда бешдан бир қисми кўринишида бўлган. Деҳқонлар амлокдор учун ўн ботмон ердан ярим пуд кафсан солиғини, доруғалар учун кафсани доруға (ҳосилнинг кам хажмдаги маълум қисми) ҳам тўлаганлар. Ундан ташқари амир далаларни айланганда, ҳарбий ҳаражатлар пайтида ҳам қўшимча солиқ ва тўловлар олинган. Амир Шоҳмурод даврида кўплаб ортиқча солиқлар бекор этилиб, фақат шариатга мос солиқ турлари жорий этилган эди.

Қонуний ер солиғидан ташқари ер эгалари ҳар бир таноб боғ ёки томорқадан махсус таноб пули ва ем-хашак етиштирадиган ерлардан алаф пули олинган. Улар умумий номда танобона деб ҳам юритилган. Бу солиқлар ерларнинг бозор жойлашган жойга узоқ яқинлигига қараб ҳажм жиҳатдан фарқ қилган. Амир Насрулло даврида амирликнинг солиқ тизимига бироз ўзгартиришлар киритилди. Яъни, полиз экинлари экиладиган ерлар учун қўш пули жорий этилган. Кейинчалик бу солиқ полиз экинлари экилмайдиган бошқа ерларидан ҳам олинадиган бўлган.

Амирликдаги яна муҳим солиқлардан бири – закот эди. Закот давлатнинг мол-мулкдан оладиган солиғи бўлиб, мол-мулк нархининг қирқдан бир хажмида ундирилган. Бу солиқнинг энг даромадли томони маҳсулотларга солиқ солиш шунингдек, савдогарларнинг маҳсулот учун олиб келган пулларига солиқ солиш бўлган. Закот маҳсулотлардан бир неча марта ундириб олинган. Чорвачилик туманларида закот маҳсулот кўринишида (бешта туядан битта қўй ёки эчки, қирқта қуйдан битта қўй ёки эчки каби) ундирилган. Бу солиқ тури XIII аср охирларида жорий этилган.

Урушлар даврида фавқулодда солиқ – жўл ундирилган. Ундан ташқари савдо-сотиқдан даллоли, бошқа вилоятлар ва давлатлардан олиб ўтилаётган маҳсулотлар учун бож, дарёдан маҳсулотни қайиқда олиб ўтгани учун сув пули, бозордаги савдо жойи учун пули тахтажой, бир жуфт омоч тортадиган от ёки ҳўкиз учун яксара (бир ботмон ғалла), омоч тортадиган битта от ёки ҳўкиз учун нимсара (ярим ботмон ғалла) каби солиқлар олинган. Янги ариқлар ва каналлар қазиш эскиларини тозалаш учун маҳаллий аҳоли ҳашарларга жалб этилган. Оммавий жамоат ишларига иштирок этмаганлардан шариатга кўра, боқипули деб аталаувчи жарима олинган. Солиқлар, тўловлар ва жарималар пул ва маҳсулот кўринишида, маҳаллий солиқ йиғувчилар ҳамда амир тайинлаган кишилар томонидан йиғиб олинган.

5.6 Амирликдаги маданий ҳаёт.

XVIII асрнинг охирларига келиб амирликда иқтисодий ҳаётнинг бирмунча ривожи маданий ҳаётга ҳам таъсир этмасдан қолмади Айниқса, илгариги

даврларда шаклланган мактаб ва олий таълим берувчи мадрасалар фаолияти бу даврда анча тараққий этди. Бошланғич таълим берувчи мактаблар амирликнинг барча йирик қишлоқларида, шаҳарларининг барча маҳаллаларида мавжуд бўлиб, бу мактабларда болаларнинг дастлабки саводи чиқарилган. Мактабларда араб алифбосида савод чиқарилиб, Қуръоннинг маълум оятлари ёдлатилган. Шариатга оид дастлабки сабоқлар берилган.

Мадрасалар амирликнинг барча шаҳарларида мавжуд эди. Мадрасаларда ўқитиш игариги даврларда бўлганидек уч боқичда: 1) паст қадам, 2) миёна (ўрта) қадам ва 3) пешқадамда амалга оширилиб, етти йил давом этган. Мадраса ўқитувчилари-мударрислар ва бошқа хизматчилар маошлари, талабалар нафақалари, кутубхона харажатлари, таъмирлаш ишлари ва бошқаларга кетадиган маблағлар вақф ерларидан келадиган фойда хисобидан қопланган. Мадрасалар одатда ҳукмдорлар, амалдорлар, нуфузли шахслар, йирик дин пешволари ва савдогарлар томонидан кўп холларда пишиқ ғиштдан икки қаватли қилиб қурилган. Уларнинг биринчи қаватида масжид, қироатхона ва кутубхоналар, иккинчи қаватида эса талабалар яшайдиган ҳужралар жойлашган.

Мадраса талабалари диний билим бўлган Қуръони Карим, фиқх, шариат асослари, диний-ахлоқий адабиётлар биланбирга тил, адабиёт, тарих, фалакиёт, мантиқ, фалсафа, ҳандаса каби дунёвий ва аниқ фанлардан ҳам таълим олганлар. Шунга қарамасдан, бу даврда мадрасаларда диний-ахлоқий таълимга асосий эътибор қаратилиб, дунёвий таълим бериш нисбатан оркада қолган эди.

Ҳозирги кунгача сақланиб қолган меъморчилик ёдгорликлари ҳамда ёзма манбалар амирликда адабиёт, тарих, хаттотлик ва мусиқа санъати, меъморчилик ривожланганлигидан далолат беради. Амир Ҳайдар саройида мунший (амир котиби) лавозимида хизмат қилган Мирзо Содиқ Мунший XIX аср бошларидаги адабий муҳитнинг кўзга кўринган намоёндаларидан бири эди. Ундан мерос қолган шеърий девон - "Девони Содиқ Мунший" ҳамда шеърий усулда битилган тарихий асари унинг адабиёт ривожига қўшган хиссасини кўрсатади. Бу даврда амирликнинг турли шаҳарларида яшаб ижод қилган кўплаб шоирлар ижодида халқпарварлик, жабр-зулмга қарши исёнкорлик кайфияти кучли бўлиб, улар кўп ҳолларда ҳукмдорлар ва амалдорлар томонидан қувғинга олинган. XIX аср адабиётида Шавқий тахаллуси билан шеърлар ёзган каттақўрғонлик Муҳаммад Шариф, "Чор дарвиш", "Мафилоро", "Тўтинома" каби асарлар муаллифи Мулла Қурбон Хиромий ва бошқалар катта роль ўйнаганлар.

Бу даврда яратилган тарихий асарларнинг кўпчилиги ҳукмрон манғитлар сулоласи тарихига бағишланган бўлиб, уларда ўрта асрлар тарихнавислигидаги анъаналар давом эттирилгани кузатилади. Амирликда яшаб ўтган илм-фан намоёндаларининг фаолияти кўп қиррали бўлиб, уларнинг аксарияти тарихий асарлар ҳам яратганлар. Хусусан, Мулло Ибодулланинг "Тарихи амир Ҳайдар", Муҳаммад Шарифнинг "Достони амирони манғит", Мир Олим Бухорийнинг "Фатҳноман султоний", Мирзо Абдулазим Сомийнинг "Тарихи салотини манғития", "Даҳман шохон", Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Накининг "Тожу тавориҳ", Мирзо Шамс Бухорийнинг "Баёни баъзи ҳодисоти Бухоро, Ҳўқанд ва Қашғар" асари, Мирзо Содиқ Муншийнинг "Манғит ҳукмдорлари тарихи" кабилар шулар жумласидандир. Амирликнинг шу даврдаги кўзга кўринган ва

ўзига хос вакили Муҳаммадниёз Нишотий (XIII аср) бўлиб, у ҳаётининг катта қисмини фақирликда ўтказган. Шоир ўзининг машҳур асари "Ҳусну дил" достонини 1778 йилда ёзиб тугатган. Ушбу асар мажозий маънода ёзилган асар бўлиб ҳисобланади. Унда кўплаб олижаноб маънавий фазилатлар уларга қарама-қарши бўлган салбий иллатларга қарши қўйилади. Унинг "Қушлар мунозараси" мажмуаси мунозара шаклида битилган мажмуа ҳисобланади. У қушлар образи орқали инсонга хос салбий иллатларни қоралайди. Шоир 38 та ғазал, 14 та мухаммас, 1 та қасиданинг муаллифи ҳамдир. Мужрим Обид (1748-1818) – "Мужрим", "Обид" тахаллуслари остида туркийда 459 та, форсийда 206 т ғазал ёзган. Шоирнинг ижодида ижтимоий адолатсизлик кораланиб, унинг панду-насиҳатлари акс этади.

Вола (1770-1842) асли кўзи туғма кўзи ожиз бўлиб, унга табиатан кучли ирода, акл-заковат, қобилият ато этилган эди. Бизгача бу истеъдодли шоирнинг 3000 мисра шеъри етиб келган. У ҳам ўз шеъриятида ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлики қоралайди. Амирликда ном чиқарган маданий арбоблардан бири –Аҳмад Дониш (1827-1897) бўлган. У йирик олим, файласуф, тарихчи, давлат сифатида ном чиқарган. Дониш 20 йил давомида Бухородаги сарой кутубхонасида хаттот ва рассом бўлиб ҳам ишлаган. Унинг "Манғитлар хонадони ҳумдорларидан тарихидан қисқача хулоса" номли асари анча ном чиқарган. Амирликда мусиқа санъати ҳам анча ривож топди. Хусусан, XVIII аср охирларида Бухорода "Шашмақом" юзага келди. Бухоро Шашмақоми Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ирок мақомларидан иборат бўлиб, 250 дан зиёд турли шаклдаги куй ва ашулалардан ташкил топган.

Амирликнинг маданий ҳаётида хаттотлик ҳам муҳим ўрин эгаллаган эди. Бу даврда Самарқанд, Бухоро,Шаҳрисабз каби шаҳарларда хаттотлик матаблари мавжуд эди. Ўз касбининг устаси бўлган моҳир хаттотлар давлат ва хўжалик ҳужжатлари тайёрлашда, илмий-бадиий асарлар ёзиш ва кўчиришда, меъморий иншоотларга турли ёзувлар (Қуръони Карим оятлари, ҳадислар, ҳикматлар)ни чиройли нақшлар тарзида битишда машҳур бўлганлар. Амир Ҳайдар даврида Мир Маъсум Оламиён, Амир Насрулло даврида Мирзо Содиқ Жондорий каби хаттотлар ном чиқарганлар.

XVIII аср иккинчи ярмида Бухорода қурилган бинолар орасида шаҳарнинг Шайхи Жалол дарвозаси яқинида 1753-1754 бино қилишига хонақоҳи алоҳида таъкидлаш жоиз. 1796-1797 йилларда қурилган Дорулло Турсунжон мадрасаси ҳам катта бинолардан бири бўлиб ҳисобланган. XVIII аср охирлари –XX аср биринчи ярмидаги меъморий иншоотлар орасида Халифа Худойдод Мажмуаси (масжид, мадраса, мақбара, сардоба; 1777-1855 йилларда қурилган) ўзининг юқори бадиий ечими билан ажралиб туради. Айнан шу комплекс ёнида 1807 йили Чорминор қуриб битказилган. Н.Ханиковнинг XIX аср 40-йилларида берган маълумотига кўра, пойтахт Бухорода амир рўйхатидан ўтган 103 та мадраса (уларнинг 6 таси катта мадраса бўлган) мавжуд бўлган. Қаршидаги Али ва Мир Муҳаммад мадрасалари ҳам шу даврда барпо бўлган. Бу даврда амирликнинг Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Ғузор, Каттақўрғон, Денов каби кўплаб шаҳарларида масжид ва мадрасалар бунёд этилган. Бухородаги Домулло Турсунжон мадрасаси, Худойдод меъморий (масжид, мадраса ва

сардоба) мажмуаси, Эрназар элчи мадрасаси, Қаршидаги Али ва Мир Муҳаммад мадрасалари шулар жумласидандир. Ундан ташқари, бу даврда шаҳарларда кўплаб ихтисослашган ёпиқ бозорлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, йўллар бўйларида сардобалар бунёд этилган.

Хуллас, мамлакатимиз давлатчилиги тарихида Бухоро амирлиги давлатининг ҳам ўз ўрни ва мавқеи бўлиб, манғитлар ҳукмронлиги даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда катор юксалишлар бўлиб ўтди. Аммо, амирлик иқтисодий жиҳатдан қудратли ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкам эмас эди. Кўп ҳоллардаги иқтисодий танглик, сиёсий бекарорлик, ўзаро низолар XIX асрнинг иккинчи ярмида давлатнинг катта ҳудудларини Россия империяси томонидан босиб олинишига сабаб бўлди. Бухоро амирлари эса 1920 йилга қадар Россияга вассал ҳолатда тахтни эгаллаб турдилар.

Бухоро амирлигидаги манғитлар сулоласи ҳукмдорлари (1756-1920)

1. Муҳаммад Раҳимбий – 1756-1758 йиллар
2. Дониёлбий – 1758-1785 йиллар
3. Амир Шоҳмурод – 1785-1800 йиллар
4. Амир Ҳайдар – 1800-1826 йиллар
5. Амир Ҳусайн – 1826 й. икки ярим ой.
6. Амир Умар – 1826 й. тўрт ой.
7. Амир Насрулло – 1826-1860 йиллар

Таянч сўзлар

Бухоро, Самарқанд, Зарафшон воҳаси, амирлик, манғитлар сулоласи, Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ, Муҳаммад Раҳимбий, марказлашган давлат, Дониёлбий оталиқ, Миёнқол воҳаси, Шоҳмурод, Амир Насрулло, вилоят, туман, беклик, нимҳазора, мансаб, унвон, амал, давлат кенгаши, марказий ва маҳаллий бошқарув, манғитлар, сайидлар, хўжалар, "чор ҳоким", қўшбеги, девонбеги, амир ул-умаро, қози, шайхулислом, қозикалон, ҳарбийлар, ер эгалиги, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ, соликлар, закот, жўл, яксара, уруш, маданий ҳаёт.

Савол ва топшириқлар

1. Манғитлар сулоласининг сиёсий ҳокимият тепасига келиши ҳақида нималарни биласиз?
2. Амир Шоҳмурод ислоҳотлари ҳақида гапириб беринг.
3. Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даври қай даражада кечган эди?
4. Амир Насрулло ҳукмронлиги даври қайси жиҳатлари билан ажралиб туради?
5. Бухоро амирлигининг маъмурий тузилиши ҳақида сўзлаб беринг.
6. Амирликнинг аҳолиси ҳақида нималарни биласиз?
7. Амирликдаги мавжуд қандай мансаб ва унвонларни биласиз?

8. Амирликдаги ер эгалиги муносабатлари қандай эди?
9. Бухоро амирлигидаги ҳанармандчилик ва савдо-сотиқ ҳолати ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?
10. Бухоро амирлигилаги солиқ сиёсати қай аҳволда эди?
11. Амирликдаги маданий ҳаёт ҳақида нималарни биласиз?

5-мавзу бўйча фойдаланилган адабиётлар

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000.
2. Ахмедов Б. История Балха (XVI- первая половина XVIII в.). – Ташкент: Фан, 1982.
3. Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан (XIX-XX аср бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006.
4. История Узбекистана (XVI– первая половина XIX в.). Коллектив авторов. Отв. ред. Алимова Д.А. – Ташкент: Фан, 2012.
5. Сагдуллаев А., Аминов Б., Якубов Б. Қашқадарё тарихидан лавҳалар. – Қарши: Насаф, 1997.
6. Мирзо Салимбек. Кашкўли Салими. Таварихи муттақаддими ва мунттааширин. – Бухоро, 2003.
7. Мухаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий (Фойдали тарих). – Тошкент, 2001.
8. Холиқова Р. Россия – Бухоро: тарих чорраҳасида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005.
9. Чориев З.У. Тарих атамамаларининг изоҳли лўғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005.
10. Шодмон Воҳид. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвонлар ва мансаблар. – Тошкент: Ҳамид Сулаймон номидаги кўлёзмалар институти, 1996.
11. Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқаруви тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.
12. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. I жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.

6-мавзу. XVI – XIX аср биринчи ярмида Хива хонлигида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, иқтисодий ва маданий ҳаёт

Режа:

6.1 Хива хонлигининг ташкил топиши ва сиёсий тарихи.
6.2 Хива қўнғиротларининг сиёсий тарихи.
6.3 Хива хонлигининг ҳудуди, маъмурий тузилиши, аҳолиси ва давлат бошқаруви.
6.4 Хон саройидаги унвон ва мансаблар.
6.5 Ер эгалиги. Деҳқончилик ва чорвачилик.
6.6 Ҳунармандчилик ва савдо-сотик. Шаҳарлар.
6.7 Маданий ҳаёт. Меъморчилик.

6.1 Хива хонлигининг ташкил топиши ва сиёсий тарихи

XVI – XIX аср биринчи ярмида Хива хонлигида кечган сиёсий жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт масаласи қатор тарихий манбаларда ўз аксини топган. Улар орасида мазкур тарихий давр орлиғида ёзилган Абулғози Баҳодирхоннинг "Шажараи турк", Баёнийнинг "Шажараи Хоразмшоҳий", Муҳаммад Вафо Карманагийнинг "Тарихи Раҳимхоний", Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг "Жоме ал-вақоети султоний", "Фирдавс ал-иқбол" ва бошқа тарихий манбалар катта аҳамият касб этади.

XVI – XIX аср биринчи ярми Хива хонлиги тарихини ёритишда XIX – XX аср археологлари, тарихчи олимларидан С.П.Толстов, Я.Ғ.Ғуломов, Қ.Муниров, М.А.Итина, М.Йўлдошев, А.Р.Муҳаммаджонов, П.П.Иванов, Р.Г.Мукминова, С.Камолов, А.Абдурасулов, Г.А.Агзамова, Х.Ғ.Ғуломов, У.А.Абдурасулов, Н.Аллаева, С.Тўраева, Ю.Раҳмоноваларнинг тадқиқот ишларини алоҳида қайд этиш лозим. Шунингдек, ушбу давр тарихини ёритишда XVI – XIX аср биринчи ярмида хонликда бўлган рус элчилари, саёҳатчиларининг эсдаликлар, Бухоро, Қўқон хонликларига оид манбалар ҳам муносиб ўрин эгаллайди.

XV аср охирлари – XVI аср бошларига келиб Хоразм темурийлардан бўлмиш Султон Ҳусайн Бойқарога (1469-1506) қарашли ҳудуд хисобланиб, у ерга Чин Сўфи ҳокимлик қилар эди. Шайбонийлар давлатининг асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон (1488-1510) Моваруннаҳр ерларининг асосий қисмини эгаллаб, 1505 йили ўз эътиборини Хоразм ерларига қаратди. Темурийлар орасида шу пайтда ҳукм сурган бошбошдоқлик, ўзаро низо-фитналар шимолдан кириб келган кучларга қарши туриш имконини бермади. Ўн ойлик камалдан сўнг Урганч эгалланиб, Хоразм ерлари Шайбонийхон қўлига ўтади. Шайбонийхон ўлимидан сўнг (1510) эса Хоразм ҳудуди Эрон шоҳи Исмоил Сафавий ихтиёрига ўтди. Шоҳ Хива, Ҳазорасп, Урганч, Вазир шаҳарларига мазкур ерларни бошқариш мақсадида ўз доруғаларини тайинлади. Тез орада Эрон шоҳининг ҳукми, "қизилбошлар"нинг зулмига қарши халқ оммасининг умумий норозилик кайфияти авж олди. Ушбу ҳаракатга Вазир шаҳрининг (Устюртда, Кўҳна Урганчдан 60 км узоқликда жойлашган бу шаҳарни XVасрда ўзбек хонларидан бўлган Мустафохон барпо этган) қозиси Умар Шайх бошчилик қилди.

Қўзғолончилар Хоразмнинг Вазир, Урганч, Хива, Ҳазорасп шаҳарларидаги эроний ноиблар ва уларнинг қўшинларини қириб ташладилар.

1511 йилда Хоразмнинг обрўли шайхларидан бўлган Шайх Саид Ота авлодлари Дашти Қипчоқ ўзбекларининг Берка султон авлодидан бўлган Элбарсхонга мактуб йўллаб, уни Хоразм тахтига таклиф қилдилар*. 1511 йили Элбарсхон тахтга ўтиргач, эронийларни мамлакат ҳудудларидан бутунлай ҳайдаб чиқариб, амалда мустақил хонликка асос солди. У мамлакат ҳудудларини ҳозирги Туркманистоннинг жанубий қисми, Эроннинг шимолидаги Сарахс вилояти, Манғишлоқ, Абулхон, Дурун ҳисобига анча кенгайтирди. Элбарсхон тириклик вақтидаёқ айирмачи зодагонлар, уруғ бошлиқлари, ҳарбийлар ўртасида айирмачилик ҳаракати бошланган эди. Унинг ўлимидан (1518) сўнг ушбу ҳаракат янада авж олди. Бу даврга келиб ҳокимият учун курашлар кучайиб кетди. Сўфиёнхон (1525-1535) даврида ҳокимиятда Берка Султон авлодлари буткул четлашиб, Аминак хонадони вакиллари ҳукмронликни қўлга олдилар. Ушбу курашлардан фойдаланган Бухоро ҳукмдори шайбоний Убайдуллахон 1537 – 1538 йилларда, қисқа муддат Хоразмни эгаллашга муваффақ бўлди.

Бу пайтда хонлик тахти Аминак авлодидан бўлган Аванешхон (1535-1539)га тегишли бўлиб, * Берка Султон авлодидан бўлган тахт даъвогарлари Бухорога кочишга мажбур бўлган эдилар. Аванешхоннинг катта ўғли Динмуҳаммаднинг Эрон билан ҳудудларни ўз таъсирига олиш борасидаги махфий музокаралари Бухоро ҳукмдори Убайдуллахоннинг Хоразм юришига расман сабаб бўлди. Убайдуллахон билан Хоразм юришида Тошкент ҳокими Бароқхон (Наврўз Аҳмадхон), Самарқанддан Жувонмардалихон, Ҳисордан Маҳдий Султон ва Ҳамза Султонлар ҳам ўз ҳарбий бўлинмалари билан иштирок этдилар. Аванешхон қўшини зарбага учраб, ўзи Биётқир деган жойдаги жангда ўлдирилди. Убайдуллахон ўғли Абдулазизни Хоразм ноиби этиб тайинлаб, ҳудудни тўрт қисмга бўлди. Убайдуллахон 1538 йилда яна Хоразмга қўшин тортди. Ҳазорасп билан Хива шаҳарлари оралиғидаги Кардаронхос деган жойда Бухоро қўшинлари мағлубиятга учради. Шайбонийлардан озод бўлган Хоразмда энди ички курашлар авж олиб кетди. Шунингдек, Урганч, Кат, Янги шаҳар, Хива, Ҳазорасп каби шаҳарлар ва вилоятлар ҳукмдорларининг марказдан узоқлашувчи ҳаракатлари кучайиб, улар амалда ўзларини мустақил ҳисоблар эдилар. Айрим шаҳарлар бир вақтнинг ўзида иккта ҳукмдор томонидан (масалан, Хивада Пўлат Султон ва Темир Султон) бошқарилди. Ўзаро сулолавий, тахт учун курашлар айниқса Элбарсхон ва Анушахон авлодлари ўртасида кучайиб кетди. XVI асрда Абулғозий маълумотларига кўра, бундай курашлар натижасида қисқа муддатга ҳокимиятдан ўнлаб хонлар алмашганлар. Натижада марказий ҳокимият деярли инқирозга учраган эди. Ўзаро курашлар ва сиёсий танглик, ўз навбатида иқтисодий ҳаётнинг ҳам издан чиқишига сабаб бўлди.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Ҳожимхон (Ҳожи Муҳаммадхон, 1558-1593, 1598-1602 йй.) ҳукмронлиги даврида Хоразмдаги ўзаро урушларга бироз барҳам берилиб, тинчлик ва осойишталик ўрнатилди. Тарихий манбаларда Ҳожимхонга ижобий таъриф берилиб, "уни тажрибали, адолатли, тақводор ҳукмдор"

* Берка Султон ҳам Шайбонийлар хонадонига мансуб бўлиб, XV аср 80-йилларида ўлдирилган эди.

бўлганлиги таъкидланади. Унинг ҳукмронлиги даврида суғориш ва деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо содиқ ишларига жиддий эътибор қаратилиб, ташқи савдо ҳамда муносабатлар ривож топди. Ҳожимхон ҳукмронлиги даврида пойтахт Урганчдан Хивага кўчирилди. Бунга асосий сабаб биринчидан, Амударё ўзанининг ўзгариб Каспий денгизга оқмай қўйиши натижасида Урганч ва унинг атрофларидаги сув танқислиги бўлса, иккинчидан Хиванинг бу даврда сиёсий ва иқтисодий мавқеи анча кучайиб, асосий савдо марказига айланиши эди. Пойтахт Хивага кўчирилганидан сўнг давлат ҳам Хива хонлиги деб атала бошланди*.

Бу орада Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II Шайбонийлар давлатини қайта тиклашга муваффақ бўлиб, Хоразм ҳудудларини Шайбонийлар тасарруфига олиш учун ҳаракат бошлади. Чунончи, бир неча юришлардан сўнг, 1593 йилда Хоразм шайбонийлар қўлига ўтди. Абдуллахондан мағлубиятга учраган Ҳожимхон Хивани ташлаб бир гуруҳ навкарлари билан Эронга кочди ва шоҳ Аббос (1587-1623) саройидан паноҳ топди. 1598 йилда Абдуллахон II вафот этганидан сўнг Ҳожимхон шоҳ Аббосдан рухсат олиб, Хоразмга қайтди. Янги шароитда у Урганч билан Вазирни бошқаришни ўзига олиб Хива билан Катни Араб Муҳаммадхонга, Ҳазораспни Исфандиёр Султонга берди. 1600 йилда Ҳожимхон Урганч ва Вазир қалъалари бошқаришини ўғилларига топшириб, ўзи Хивада кичик ўғли Араб Муҳаммадхон билан қолди. 1601 йилда Ҳожимхон 83 ёшда вафот этгач, тахтга унинг ўғли Араб Муҳаммадхон (1602-1621 йй.) ўтирди.

Араб Муҳаммадхоннинг дастлабки ҳукмронлиги йилларида тожу-тахт учун курашлар давом этди. Хусусан, 1605 йилда найман уруғи вакиллари Элбарсхон авлодига мансуб Хусрав Султонни тахтга ўтказишни режалаштирадилар. Аммо, бу фитна ошкор бўлиб, Хусрав Султон қатл эттирилади. Орадан икки йил ўтгач, уйғур оқсоқолларининг маслаҳати билан Солиҳ Султон деган кимса тахтга даъвогар бўлади, бу исён ҳам бостирилиб Солиҳ Султон ўлдирилди.

1616 йилга келиб тахт ва мансаб талашиш можароларига Араб Муҳаммадхоннинг ўғиллари ҳам қўшилдилар. Унинг Исфандиёрхон, Ҳабаш, Элбарс, Абулғози, Шариф Муҳаммад, Хоразмшоҳ ва Афғон Султон исмли 7 нафар ўғли бор эди. Исфандиёр Ҳазораспда, Абулғозий Султон Катда, Ҳабаш билан Элбарс Султонлар Вазир ва Урганч ҳокимлари этиб тайинланган эдилар. Хон фарзандларининг хар бири тахтга даъвогар эди. Айниқса Ҳабаш Султон билан Элбарс Султонларнинг ҳаракатлари кескин хусусиятга эга эди. Ота – болалар ўртасидаги зиддиятлар кучайиб, бу ҳол охир - окибатда қонли урушга айланди. 1621 йилда Тошли ариғи (Хива яқинида) ёнида Араб Муҳаммадхон ва унинг ўғиллари Ҳабаш ҳамда Элбарс Султон қўшинлари ўртасида жанг бўлиб ўтди. Исфандиёр ва Абулғозий Султонлар оталари томонида туриб курашган бўлсалар-да, бу жангда Араб Муҳаммадхон енгилди. Араб Муҳаммадхон кўзлари кўр қилиниб ўзи Хивага жўнатилди. 1623 йилда эса Қум қаъласи яқинида Араб Муҳаммадхон хотинлари, ёш ўғиллари ва иккита набираси билан ўғиллари Ҳабаш ва Элбарс Султон томонидан ўлдирилди. Исфандиёр Эронга

* Хоразм ҳукмдорлари қароргоҳини Хивага кўчирилиши босқичма-босқич амалга оширилиб, у Абулғозихон (1643-1663) даврида ниҳоясига етди.

(гарчи унга Маккага боришга рухсат берилган бўлсада), Абулғозий эса Бухорога қочиб, жон сақладилар.

1623 йилда отасининг қатл эттирилганлигини эшитган Исфандиёрхон Дурун шаҳри, Абдулхон тоғлари, туркманларнинг така, ёвмут, сариқ уруғларидан қўшин тўплаб Урганчга юриш бошлади. Урганч яқинида Исфандиёрхон ва Ҳабаш – Элбарс қўшинлари ўртасида 23 кун давом этган жангда бирлашган ака – укалар қўшинлари Исфандиёр қўшини томонидан тор – мор этилди. Элбарс қўлга олиниб, қатл этилди. Ҳабаш Сирдарё бўйларидаги қорақалпоқлардан нажот сўради. Аммо, у бу ердан бошпана тополмади. Шундан сўнг у навкарлари билан қўлга олиниб, Исфандиёрхонга топширилди. Охир-оқибатда уларнинг барчаси қатл этилди.

1623-1643 йиллар давомида Хива хонлиги тахтини Исфандиёрхон бошқарди. Ўзининг йигирма йиллик давлат бошқарувини Исфандиёрхон туркман қабила бошлиқларига таяниб олиб борди. Хонликнинг юқори лавозимларига туркманлар тайинланиб, уларга катта имтиёзлар берилди. Натижада ўзбек уруғларнинг Исфандиёрхон сиёсатига қарши норозилиги кучайиб борди. Исфандиёрхон тахтга ўтирган йилиёқ найман уруғларини қирғин-барот қилди. Хонликдаги ўзбек уруғлари уч бўлакка бўлиниб, Моваруннаҳр ерларига кўчиб кетдилар. Орадан кўп ўтмасдан ўз юртига қайтиб келган ўзбеклар Исфандиёрхон томонидан қиличдан ўтказилди.

Исфандиёрхон хонлиги даврида ҳам Хоразмда тинчлик ва осойишталик ўрнатилмади. Тожу-тахт учун курашлар илгариги даврлардагидек давом этди. Хонликдаги сиёсий ҳокимиятни туркманлар қўлига бериб қўйган Исфандиёрхондан норози бўлган кучлар сафи ортиб борди. Шунингдек, Амударёнинг Оролга қўйилиш жойида (Орол бўйида) истиқомат қилган ўзбеклар (бу ерда ўзбек қўнғиротлари катта сиёсий мавқега эга эдилар) нинг хонликнинг сиёсий ҳаётига таъсири кучайиб борди.

Манбалар маълумотларига кўра, 1643 йилда Орол бўйи ўзбеклари Абулғози Султонни (1643-1663йй.) хон қилиб кўтардилар. Хоразм давлатчилиги тарихида йирик давлат арбоби ва тарихнавис ижодкор сифатида машҳур бўлган Абулғозихоннинг ҳаёт йўли оғир кечган. Абдулғозихон отаси Араб Муҳаммад тахтдан кетгач ўзи тахтга ўтиргунга қадар узоқ йиллар (йигирма йилдан кўпроқ) муҳожирликда яшашга мажбур бўлган эди. У дастлаб Бухоро ҳукмдори Имомқулихон ҳимоясида, кейинроқ эса, икки йилга яқин қозоқ султони Эшимхон саройида яшаган. Шундан сўнг у Тошкентга келиб, бу ерда икки йил яшади. Тошкентдан Бухоро орқали Хивага қайтган Абулғозийни Исфандиёрхон босқинчиликда айблаб ҳибсга олди ва Исфаҳон шаҳрига Эрон шоҳи ҳузурига бадарға қилди. Исфаҳон яқинидаги Таборак қалъасида ўн йил асирликда яшаган Абулғози 1639 йилда ўз назоратчилари ёрдамида бандиликдан кочишга муваффақ бўлди. Шундан сўнг у бир йилга яқин Хуросоннинг Моҳин қишлоғида, икки йилга яқин Манғишлоқ туркманлари орасида яшайди. Кейин уни қалмиқ хони ўз ўрдасига таклиф этади. Бу ерда Абулғози бир йилга яқин яшагач, қалмиқ хони тўплаб берган катта куч билан 1643 йилда Урганчга қайтиб, Орол бўйи ўзбеклари ёрдамида Хива тахтига ўтиради.

Бу борада академик Б.Ахмедов ёзганидек, "Абулғози ҳаммаси бўлиб йигирма йил атрофида хонлик маснадида ўтирди. Лекин бошқа ҳукмдорларга ўхшаб ҳузур-ҳаловат кўрмади. Умри кўпроқ уруш – талашларда ўтди." Манбаларга кўра, Абулғозихон ҳақиқатан ҳам бутун умрини тахт учун кураш ва жангу – жадалларга бағишлаган ҳукмдор бўлган. Аммо, у давлат арбоби сифатида ҳам қобилиятли шахс бўлган. Абулғозихон даставвал хонликда марказлашган бошқарув тизимини мустаҳкамлашга эътибор қаратди. Бу жараёнда у аввало туркман йўлбошчиларини бошқарув ишларидан четлаштирди. Уларнинг ер – сувлари, мол - мулклари мусодара қилиниб, ўзлари мамлакат ичкарисига сургун қилинди.

Хонликдаги барча лавозимларга ўзбек уруғларининг бошлиқлари қўйилди. Хива тарихчиси Мунисниng маълумот беришича, Абулғозихон маъмурий ислоҳот ўтказиб, хонликнинг бошқарув тизимини батамом янгитдан ташкил этди. Хонликнинг бошқарув тизимида ўзбек уруғларининг мавқеи ортиб борди ҳамда уларнинг 360 нафар вакили хон саройида турли лавозимларга кўтарилди. Хон янги амалдорлар орасидан энг обрўли 32 нафарини ўз ёнига олди. Мунис таъбири билан айтганда, "Андоққим икки шайх ул-ислом, икки қози, бир раис Саид ота авлодидан, бир мутавалли, бир нақиб, тўрт оталиқ, тўрт иноқ, тўрт мироб, тўрт парвоначи, икки оқо, икки арбоб, тўрт чиғатойи иноқи ва бир вазирким, ҳоло меҳтар дерлар ва бир қушбеги, бу иккови ўринсиз хон ҳузурида оёқ устида турадилар".

Абулғозихон ўзбек қабилаларини ўтроқлаштириш сиёсатини олиб бориш билан бирга, уларни тўртта гуруҳга бўлиб, Бухоро билан чегарадош бўлган Дояхотун (Дарғонота яқинида) дан тортиб, то Оролгача бўлган ҳудудларга жойлаштирди. Шунингдек, Абулғозихон 1645-1650 йилларда Хуросон, Жанубий Туркманистон, Тажан, Мурғоб, Атрек, Гурлан, Абулхон ва Манғишлоқ атрофидаги туркманлар устига ҳам қатор юришларни уюштирди, хонлик сарҳадларини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Хоннинг топшириғи билан Вазир қалъаси аҳолиси Гурлан қалъаси яқинида тикланган Кичик Вазир қишлоғига кўчирилди. 1646 йилда Абулғозихоннинг буйруғига биноан Урганчарна ариғи қазилади ва унинг яқинида янги қалъа бунёд этилиб, бу қалъага Янги Урганч деб ном берилди. Бу ерга Кўҳна Урганч аҳолисининг бир қисми кўчириб келтирилади. 1648 йилда Ғозиобод канали қазилиб, унинг яқинда чегара истеҳкоми қурилади.

Давлат бошқаруви ва бунёдкорлик ишлари билан шуғулланган Абулғозихон тарихчи, табиб сифатида ҳам ижодий мерос қолдирган. Тахминан 1657 йилда Абдулғози табобатга оид "Манафиъ ул-инсон" ("Инсонга фойдали нарсалар") номли асарини ёзган бўлса, 1658-1664 йилларда "Шажараи турк", "Шажараи тарокима" каби тарихий асарларини яратди.

Абулғозихон ҳали ўзи ҳаётлик даврида Хива хонлиги тахтини ўғли Анушахонга (1663-1686) топширди ва орадан олти ой ўтиб, вафот этади. Анушахон Хива хонлиги мавқеи ва қудратини ошириш мақсадида отасининг ишларини давом эттирди. У Бухоро, Самарқанд ва Хуросонга бир неча марта ҳарбий юришлар уюштириб хонлик чегараларини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш ҳаракатида бўлди. Анушахоннинг ҳарбий юришларида жасорат

кўрсатган туркманларга бўлган муносабат ўзгарди. Хон туркманларга Хоразм воҳаси ҳамда унинг атрофларига кўчиб келишига рухсат берди.

Таъкидлаш жоизки, Абулғозихон, сўнгра унинг ўғли Анушахонлар даврида марказий ҳокимиятнинг нуфузи мустаҳкамланди. Хон ҳокимияти қудратини барча зодагон ва ҳарбийлар, уруғ бошлиқлари, руҳонийлар ҳам тан олдилар. Мамлакатда маълум сиёсий барқарорликнинг юзага келиши иқтисодий ҳаётга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Мазкур ҳол суғориш тармокларини тиклаш, пойтахтни тўлақонли равишда янги Урганчга кўчириш, Шоҳобод, Ёрмиш, Ғозиобод ва бошқа каналларнинг қурилишида ўз аксини топди. Бу эса ўз навбатида деҳқончилик, экинларни етиштиришда ҳам катта аҳамият касб этди. 1685 йили Анушахон қисқа муддат оралиғида Самарқандни эгаллади. Шаҳарда хон номига хутба ўқилиб, унинг номидан тангалар зарб этилди. Хон Хуросонга ҳам катта-катта юришларни амалга оширди. Натижада Хуросоннинг йирик шаҳарларидан бири – Машҳад икки маротаба қўлга олишди.

1686 йилда сарой аъёнлари томонидан фитна уюштирилиб, Анушахон ўлдирилди. Фитнада қатнашган амирлар гуруҳига манғитлардан бўлмиш Одинақул оталиқ бошчилик қилди. Бунда Бухоронинг аштархоний ҳукмдори Субҳонқулихоннинг ҳам қўли бор эди деган тахминлар хақиқатга яқин. Тахтга эса унинг ўғли Худойдод (1687-1688йй) ўтказилади. Янги ҳукмдорнинг хонлик фаолияти узоқ давом этмади. Огаҳий хабарларига кўра, сиёсатда билимдон ва халққа адолатли хон сифатида обрў орттира бошлаган Худойдодни иниси Арангхон* шаҳид этди. Аммо, Арангхоннинг (1689-1690йй.) ҳукмронлиги ҳам узоқ давом этмади. 1690 йилда у Орол ўзбеклари билан бўлган жангда халок бўлди.

Арангхон вафотидан сўнг Бухоро хони Субҳонқулихон Хива тахтига ўз одами Шоҳниёзни (1690-1707йй.) ўтказиб, амалда Хива хонлигини Бухорога қарам давлатга айлантирди. Шунинг учун ҳам Шоҳниёз гарчи ўзини хон деб эълон қилган бўлсада, ўз фаолияти давомида Бухоро хонлиги таъсиридан қутула олмади. XVII асрнинг охири – XVIII асрнинг бошларига келиб, Хива хонлигида сиёсий тарқоқлик, тахт учун курашлар ва маҳаллий ҳукмдорларнинг мустақилликка интилиш ҳаракатлари авж олиб кетди. Вилоятлар ҳокимлари хонга итоат этмай қўйганликлари боис Хива хони сарой амалдорлари ва маҳаллий ҳукмдорлар қўлидаги қўғирчоққа айланиб қолган эди. Хонлик тарқибидаги Ҳазорасп, Хонқа, Урганч, Кат ва Шовот қалъаларининг марказий ҳокимиятга тобелиги расмий кўринишга эга эди.

Шоҳниёз Бухоро таъсиридан қутулиш ҳамда марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида 1700 йилда Россия ҳукмдори Пётр I га мактуб йўллайди. Бу мактубда Хива хонлигини Россияга қўшиб олиш сўралган эди. Пётр I нинг Хивани Россия тарқибига қўшилганлиги ҳақидаги ёрлиғи топширилди. Аммо, Хивада сиёсий курашлар авж олиб турган шароитда ушбу ёрлиқ ҳеч кимнинг эътиборини тортмади. Умуман, Огаҳий маълумотларига кўра,

* *Айрим адабиётларда Эрнакхон ёки Эрангхон деб ҳам берилади.*

Арангхон давридан то Шерғозихон даврига қадар Хивада ўнлаб ҳукмдорлар алмашганлар*.

Шерғозихон (1715-1728йй.)нинг ҳукмронлиги даври сиёсий воқеаларга бой бўлди. Унинг ҳукмронлиги даври ўзбек, туркман, қоракалпоқ зодагонларининг ўзбошимчалик ҳаракатларига қарши кураш билан ўтди. Бу пайтга келиб, Орол бўйи ўзбеклари орасида ҳам сиёсий вазият кескинлашиб кетган эди. Бунинг асосий сабаби – Орол бўйида яшаётган ўзбекларнинг қўнғирот, манғит, хўжайли ва қипчоқ уруғига мансуб аҳолисининг мустақиллик учун курашлари эди. Бу курашларга бошчилик қилган, манғит бийларидан бўлган Шералибий Хива хонлигига итоат этишдан бош тортиб, Орол бўйини мустақил хокимлик деб эълон қилди. Шерғозихон бу ердаги ҳаракатларни бостиришга ҳаракат қилган бўлсада, бу ишнинг бутунлай уддасидан чика олмади.

XVIII асрнинг бошларига келиб Россия ҳукуматининг Хива хонлигининг ички ишларига аралашуви кучайди. Россия империяси ҳукмрон доиралари Ўрта Осиё, жумладан Хива хонлигини ҳам босиб олишни режалаштира бошлаган эдилар. Россия императори Пётр I нинг 1717 йилда Хивага уюштирган Бекович-Черкасский бошчилигидаги экспедицияси ҳам айнан шу максадда ташкил этилган эди. Аммо, Шерғозихоннинг хийла ишлатиши натижасида 6 минг кишидан иборат бу экспедиция бир кечада қириб ташланди. Шунга қарамасдан то Ўрта Осиё босиб олинмагунича Россия империясининг бундай ҳаракатлари давом этди.

Ўзаро ички курашлар, шаҳзодаларнинг ўзаро можаролари, кўплаб йиғиладиган соликлар хонликдаги иктисодий аҳволни оғирлаштириб юборди. 1728 йил Хивада хонга қарши форс қулларидан иборат қўрикчилар гуруҳи фитна уюштирди. Окибатда Шерғозихон ва унинг якин мулозимлари ўлдирилди.

Шерғозихон ўлимидан кейин тахтга ўтирган қозоқ султони Элбарсхон (1728-1740) даврида ички курашлар давом этиб, қўшни ҳудудларга кўплаб талончилик юришлари уюштирилиб туриши натижасида Хива хонлигининг ҳарбий қудрати заифлашиб борди. Бу вазиятдан унумли фойдаланган. Эрон шоҳи Нодиршоҳ 1740 йилда Хива хонлигига ҳужум бошлади. Даставвал Ҳазорасп ёнида Хива қўшинлари билан эронийлар ўртасида каттик жанг бўлди. Бу жангда Хива қўшинлари енгилиб, Ҳазорасп қалъасига чекинди. Эронийлар Ҳазорасп қалъасини узоқ муддат қамал қилиб уни эгаллай олмагач, Хонка қалъасига ҳужум қилдилар. Бу пайтда вазият ўзгариб, Элбарсхонга мадад бериб турган манғит беклари Нодиршоҳ томонга ўтиб кетдилар. Окибатда Элбарсхон енгилди ва қўлга олиниб, Нодиршоҳ томонидан қатл этилди. Муҳаммад Вафо Карманагийнинг "Тарихи Раҳимхоний" асарида хоразмликлар ўз ватанларини жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилганликлари қайд этилади.

Элбарсхоннинг мағлубиятидан сўнг, Абулхайрхон сулҳ тузиш учун Нодиршоҳга нома юбориб, ундан рад жавобини олди. Орадан кисқа вақт ўтиб, Нодиршоҳ Хивага иккинчи марта юриш қилди ва уни эгаллади. Аввал Тоҳирхон (1740-1741) шоҳнинг вакили сифатида хон этиб кўтарилди. Абулхайрхон эса қозоқ даштларга қочиб кетди. Бу ерга Нодиршоҳ манғит бекларидан бўлган

* Баъзи маълумотларда 13 та хон алмашган дейилади.

Ортиқбек ва Хуродбекларни ноиб этиб тайинлади. Аммо, Орол бўйи ўзбеклари Нодиршоҳга итоат этишдан бош тортдилар. Абулхайрхоннинг ўғли Нуралини ўзларига хон қилиб кўтардилар. 1741 йилда Хивада эронийларга қарши қўзғолон кўтарилиб, Нодиршоҳнинг ноиблари ўлдирилди, аскарлари ҳам қириб ташланди. Хивага Нуралихон хон қилиб ўтказилди. Аммо, Нуралихоннинг хон сифатида сиёсий таъсири деярли йўқ даражада эди.

1741 йилда Нодиршоҳ ўғли Насрулло бошчилигида яна Хивага юриш қилиб Нуралихон ва унинг тарафдорларини Хивадан ҳайдаб юборди.Тахтга эса Элбарсхоннинг ўғли Абулғози II (1741-1745)ни хон қилиб ўтказди. Аммо, унинг ҳукмронлиги ҳам узоқ чўзилмади. 1746 йида Хивада манғит иноқлари томонидан уюштирилган фитнада Абулғози II ўлдирилди. Шундан сўнг Нодиршоҳнинг розилиги билан 1747 йилда қозоқ султони Абулхайрнинг укаси Ғоибхон (1747-1757) тахтга ўтқазилди. Манбаларда Ғоибхоннинг золим ҳукмдор бўлганлиги эслатилади. У Хива тахтига ўтиргач аввало, ҳокимиятини иноқлар таъсиридан халос қилиш мақсадида манғит иноқларидан бўлган Ҳурозбекни тарафдорлари билан қатл эттирди. Давлатдаги йирик мансаблар эса қозоқ бекларига бўлиб берилди. Ғоибхон аҳолига нисбатан жабр-зулмни кучайтириб, 1756 йилда Хива аҳолисидан 40 минг танга қўшимча солиқ йиғиб олди. Бу эса Хивада халқ қўзғолонига сабаб бўлди. Ғоибхон тахтни ташлаб қозоқ даштларга қочиб кетди. Ҳокимиятни эса қисқа муддат унинг укаси Абдуллахон эгаллади.

Хивадаги ички низолардан фойдаланган Бухоро ҳукмдори Муҳаммад Раҳимбий Хивани ўз таъсирига ўтказиш ҳаракатини бошлади. Шу мақсадда ўз одами Темур Ғозихонни (1757-1762) Хива тахтига ўтказди.Темур Ғозихон ҳам Хивада етарли даражада сиёсий барқарорлик ўрната олмаган бўлсада, унинг ҳукмронлиги давридан бошлаб хонликда ўзбекларнинг қўнғирот уруғидан бўлган иноқларнинг мавқеи ортиб борди. Темур Ғозихон бир неча йил ҳукмронлик қилиб,1762 йили сарой фитнаси натижасида ўлдирилди. Унинг ўлимидан сўнг Хивадаги хонлик ҳокимияти қозоқ султони Тавкахон (1762-1764) қўлига ўтди. Бироқ, орадан кўп ўтмасдан у ҳам тахтдан маҳрум бўлди. "Фирдавс ул-иқбол" асарининг маълумот беришича, у "ўз ҳоҳиши билан хонлик лавозимидан озод қилинган" эди. Шундан кейин хонликдаги сиёсий вазият янада кескинлашди.

XVIII 60-йиллари ўрталарига келиб туркманларнинг ёвмут қабиласи таъсири ортиб бориб, хонлик ҳокимияти амалда уларнинг қўлига ўтди. Ёвмутлар туркманларнинг бошқа қабилалари (салира, човдур, така) ичида катта мавқега эга бўлиб, марказий ҳокимиятнинг ўта сусайиши уларнинг бутун хонлик бўйича ўз таъсирларини ўтказишларига сабаб бўлди. Масалан, 1767-1770 йилларда улар бутун хонликдаги ҳокимиятни ўз қўлларига олган эдилар. 1770 йили ёвмут туркманлари Хива, Ҳазорасп, Хонқа ва бошқа ерларни эгаллаб, бу ерларда турли хунрезликларни уюштирдилар.

Улар "қўғирчоқ" хон бўлмиш Бўлагайни тахтдан ағдариб, тахтга ўз вакиллари Жаҳонгир Султонни ўтказдилар. Ўзаро низо ва парокандалик, сиёсий ҳаётнинг барқарорлиги, туркман ёвмутларининг талончилиги, доимий урушлар хонлик ижтимоий-иқтисодий ҳаётига катта зарар етказди. XIX аср тарихчиси Мунис бу даврда даҳшатли очарчилик бошлангани, одамлар ўз уй-жойларини

ташлаб Орол бўйи ва Бухоро томонга кўчиб кета бошлаганликлари, шаҳар ва қишлоқлар ҳувиллаб, Хиванинг ўзида бор-йўғи 40 тагини оила колганлигини афсус-надомат ила таъкидлаган эди.

6.2 Хива қўнғиротлари сулоласининг сиёсий тарихи

Қўнғирот қабилалари мавкеининг кўтарилиши аслида XVIII аср иккинчи ярми Анушахон (1663-1685) ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Унинг даврида қўнғиротлардан бўлмиш Ўмбой Иноқ иноқ мақомини олиб, хонликдаги энг нуфузли амалдорлардан бирига айланган эди. Қўнғиротларнинг яна бир вакили Эшмуҳаммадбий Шерғозихон ва Элбарсхонлар даврида хонликнинг энг нуфузли сиёсатдонларидан бири даражасига чиккан эди. Эрон шоҳи Нодиршохнинг Хоразмга юришлари вақтида Эшмуҳаммадбий ҳам хоннинг энг якин 20 та кишиси қаторида қатл этилди. Бу воқеа қўнғиротлар мавкеига салбий таъсир кўрсатган эди.

Эшмуҳаммадбийнинг ўғли бўлмиш Муҳаммад Амин отасининг ўлимидан сўнг саройдаги яна бир юкори мавкега эга Дўст Муҳаммад Арбоб қўлида тарбия топди. У зукко сиёсатчи ва зехнли арбоб сифатида вояга етди. Ўз даврининг кўплаб нуфузли оилалари, қабила бошликлари, зодагонлари билан мустаҳкам алоқа боғлади. Бу эса кейинчалик унинг ҳокимият поғонасида фаолият кўрсатишида ижобий роль ўйнади.

Муҳаммад Амин 1763 йили иноқ лавозимига тайинланди. Шу йилдан бошлаб марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, қўнғирот уруғининг мавкеини кўтариш жараёни бошланди. Қўнғиротлар сулоласи бошлиғи Муҳаммад Амин иноқ (1763-1790) Хивада ҳокимиятни қўлга олгач, саройдаги бир канча лавозим ва амалларга ўзига содиқ ва ишончли одамларни тайинлади. У шу йўл билан хонликдаги муҳим сиёсий-маъмурий, молиявий ва ҳарбий ҳокимиятни ўз қўлига олиб, айрим мустақил бекларни ўзига итоат эттирди.

Манбаларнинг маълумотларига кўра, шаҳарлик савдогарлар, ҳунармандлар ва дин пешволари ёрдамида ўз ҳокимиятини анча мустаҳкамлаган Муҳаммад Амин иноқ 1770 йилда туркманлар ҳужумини, 1782 йилда бухороликлар тажовузини муваффақиятли равишда қайтарди. Унинг ҳукмронлиги даврида Хива хонлигида деҳқончилик, савдо – сотиқ ва ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида маълум чора – тадбирлар амалга оширилди. Маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзаро низолари ва курашларига чек қўйилиши натижасида хонликдаги иқтисодий ҳаёт яхшиланиб борди.

Муҳаммад Аминнинг ўғли Аваз иноқ (1790-1804) отасининг ишларини давом эттирган бўлса, Авазнинг ўғли Элтўзар иноқ 1804 йилда Хива тахтига ўтириб, сохта хон Абулғози V ни ҳайдаб юборди ва ўзини расман хон (1804-1806) деб эълон қилди. Шу тарика Хивада қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги расман қарор топди. Элтузархон хонликдаги мустақил ҳокимларни бирлаштириш сиёсатини давом эттирди. Аммо, унинг ҳукмронлиги узоқ давом этмади. 1806 йилда Элтузархон бухороликлар билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Тахтга унинг укаси Муҳаммад Раҳимхон I ўтирди.

Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) марказлаштириш сиёсатига катта эътибор бериб, Хива хонлигини бирлаштиришни ниҳоясига етказди. Хива тарихчиларининг маълумотларига кўра, Муҳаммад Раҳимхон I хонликдаги вазиятни тўғри тушуниб, шунга яраша давлат сиёсати ишлаб чикди ва ушбу сиёсатни қатъийлик билан амалга оширди. Хусусан, унинг бевосита ташаббуси билан хонликда маъмурий – сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ислоҳотлар ўтказилди.

Душманлари, айирмачи кучларга нисбатан бешафқат муносабатда бўлган Муҳаммад Раҳимхон I ўз атрофига ўзбек, туркман, қозоқ ва қорақалпокларнинг нуфузли вакилларини тўплаб, уларга қатор амаллар ва унвонлар берди. Хон саройи қошида доимий фаолият кўрсатувчи Кенгаш (Девон) таъсис этилди. Руҳонийларга ҳам алоҳида эътибор берилиб, шайхулислом Кенгашнинг аъзоси ва хоннинг энг яқин маслаҳатчисига айланди. Муҳаммад Раҳимхон I нинг мусулмон руҳонийларининг халқ орасидаги мавқеини ҳисобга олиб сайидлардан бўлган Сайид Пирмуҳаммад Хўжанинг қизига уйлангани ҳам тарихдан маълум.

Бу хон даврида мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти нисбатан жонланганлиги ҳақида ҳам маълумотлар талайгина. Унинг даврида махсус ислоҳотлар ўтказилиб, соликлар тартибга солинди. Божхона тизими ташкил этилиб, ички ва ташқи савдодан келадиган даромадлар кўпайиб борди.

Муҳаммад Раҳимхон I мамлакат сарҳадларини кенгайтириш ҳамда бўйсунмас қабилаларни итоат эттириш мақсадида қатор ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. Қийинчилик билан бўлсада, 1811 йилда Орол-Қўнғирот ерлари тобе эттирилди. 1812-1813 йилларда Сирдарё бўйидаги қозоқ ва қорақалпоқ овулларига кетма-кет қўшин юборилиб, улар Хива хонига бўйсундирилди. Шундан сўнг хонлик ҳудудларини Жанубий Туркманистон ва Хуросон вилоятлари ҳисобига кенгайтириш ҳаракати бошланди. Аммо, бу масалада Хива билан Бухоро ўртасида кураш бошланиб кетди. 1817 йилги Чоржўй қальаси якинидаги биринчи тўқнашувда Хива қўшинлари мағлубиятга учради. Шунга қарамасдан Муҳаммад Раҳимхон I Бухоро ҳудудларига 1820, 1823, 1824 йилларда қатор талончилик урушлариниамалга ошириб турди. Муҳаммад Раҳимхон I Марв воҳасини эгаллаб, Мурғоб воҳасидаги сув тўғонини тиклашга қарор қилди.

Жанубий Туркманистон ва Хуросон вилоятларига ҳарбий юришлар Муҳаммад Раҳимхондан кейин тахтга ўтирган ўғли Оллоқулихон (1825-1842) ва невараси Раҳимқулихон (1842-1845) даврида ҳам давом этди. Оллоқулихон отасининг давлат ҳудудини кенгайтириш ва уни мустаҳкамлаш сиёсатини давом эттирган ҳолда ўз ҳукмронлиги даврида Бухоро амирлигига 7 маротаба, Хуросонга 5 маротаба юришларни амалга оширди. Хоннинг Россия империяси билан муносабатлари ҳам силлиқ кечмади. Хон империянинг унинг манфаатларига жавоб берувчи талаб ва таклифларини рад қилди. Бу шартларни зўравонлик билан амалга оширмоқчи бўлган Оренбург генерал-губернатори В.Перовский бошчилигидаги 5 минг кишилик ҳарбий отряд 1839 йилнинг кеч кузи ва қишида муваффақиятсизликка учраб, орқага қайтишга мажбур бўлди. Россия ҳукумати томонидан 1841 йили юборилган капитан Никифоров, 1842 йилги капитан Данилевский элчилик миссиялари ҳам тегишли натижа бермади.

Оллоқулихон даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт бобида ҳам қатор ижобий ўзгаришлар бўлди. Бир қанча сув иншоотлари, каналлар барпо этилди, курилиш, бунёдкорлик ишларига йўл очилди, савдо-иқтисодий муносабатлар ривож топди. Оллоқулихон 1842 йилда вафот этгач, тахтга унинг ўғли Раҳимқулихон ўтирди. Тахтни эгаллаган янги хон ҳам Жанубий Туркманистон ерларига ҳужум бошлади. У шунингдек, Ҳазораспни ҳам қамал қилди. Аммо, мағлубиятга учраб орқага чекинишга мажбур бўлди. Бу орада Раҳмонқулихон Чоржўйни қамал қилиб, унинг атрофидаги қишлоқларни талади. Раҳимқулихон Хуросон учун бўлган жангларнинг бирида ҳалок бўлгач, тахтга унинг укаси Муҳаммад Аминхон (1845-1855) ўтирди.

Муҳаммад Аминхон ҳукмронлиги даврида ҳам Жанубий Туркманистон ва Хуросонда тинчлик ҳукм сурмай, хонга карши исёнлар давом этди. Айниқса, Марв ва Сарахс шаҳарларида кўтарилган қўзғолонлар ҳокимиятни ларзага келтирди. Қўзғолончилар Хива хонига бўйсунишдан бош тортиб, хон амалдорлари ва солиқ йиғувчиларни тутиб, қатл қилдилар. Оғаҳий маълумотларига кўра, Муҳаммад Аминхон Марв ва Сарахс учун ўн маротаба юриш қилган.Фақатгина 1854 йилда Марв қўзғолони кийинчилик билан бостирилди. 1855 йилиСарахс остонасида туркманлар билан Хива лашкарлари ўртасида бўлган жангда Хива қўшинлари мағлубиятга учраб, Муҳаммад Аминхон, унинг ўн тўрт нафар шаҳзодалари ва сарой амалдорлари фожеали тарзда ҳалок бўлдилар.

1855 йил Сайид Абдуллахон (беш ярим ой – 1855 йил 20 март – 27 август) Хива тахтига ўтирди. Аммо, бир гуруҳ сарой амалдорлари Сайид Абдуллахонни тан олмасдан унга қарши фитна уюштириб, ёвмут туркманлари билан алоқа ўрнатдилар ҳамда уларни исёнга чорладилар. Ёвмутлар исён кўтариб Ғазовот ва Илонли атрофларидаги қишлоқларни талай бошладилар. Сайид Абдуллахон Хивадаги фитначиларни фош қилиб, унинг иштирокчиларини қатл эттиргач, исёнчиларга қарши кураш бошлади. Даставвал, Хива қўшинлари билан бўлган жангда ёвмутлар мағлубиятга учраб дашт ичкарисига чекинган бўлсаларда, августнинг охирида ёвмутлар Хива навкарлари қароргоҳига (Илонли якинида) тунда тўсатдан ҳужум қилдилар. Бу ҳужумда Хива навкарлари мағлубиятга учраб, Сайид Абдуллахон ўлдирилди.

Бу воқеадан кейин саройдаги вазир Муҳаммад Ёқуб мехтар бошчилигидаги бир гуруҳ амалдорлар Сайид Абдуллахоннинг ўн етти яшар укаси Қутлуғ Муродни хон қилиб кўтардилар, Ёқуб мехтар ва Иброҳим қўшбеги давлат бошқарувида хоннинг энг якин кишилари эдилар. Бу орада хонликдаги сиёсий вазият яна кескинлашиб кетди. Қутлуғ Муродхонга бўйсунмаган туркман ёвмутлари Ота Муродни, қозоқ ва қорақалпоқлар Жорлиқ Тўрани ўзларига хон деб эълон қилдилар. Қутлуғ Муродхон уларнинг исёнларини кийинчилик билан бостирди. Аммо, унинг ҳукмронлиги хам узоқ чўзилмади (тўрт ярим ой). Қутлуғ Муродхон ўз укаси Ниёзбек Муҳаммад томонидан хийла ишлатилиб уюштирилган фитна (ёвмут туркманлари ёрдамида) натижасида ўлдирилди.

Қутлуғ Муродхон ўлимидан сўнг Хива тахтига Сайид Муҳаммадхон (1856-1864) хон қилиб кўтарилди. У ҳокимиятга келган пайтда хонликда сиёсий вазият кескинлашган, иқтисодий аҳвол ниҳоятда оғир бўлиб, кўпчилик вилоятларда

очарчилик ҳукм сурган, юқумли касалликлар тарқалган эди. Вазиятни тўғри баҳолай олган Сайид Муҳаммадхон юз бераётган исёнларни тинч йўл билан ҳал қилиш, тинчликни қарор топтириш, иқтисодиётни тиклаш чораларини кўрди. У аввало Бухоро ва Россия билан савдо-иқтисодий алоқаларини яхшилади. Деҳқончилик, ободонлаштириш ва қурилиш соҳаларида қатор тадбирлар ўтказилди. Аммо, хонликдаги ички нотинчлик тўхтамади. Хонликда фақат ўзбек уруғларигина эмас балки, ярим кўчманчи ва чорвадор аҳоли бўлган туркман, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа халқлар оғир солиқлар ва турли тўлов ҳамда мажбуриятларга тортилганлиги боис хонликнинг турли шаҳар ва вилоятларида норозиликлар, исёнлар бўлиб турди.

Сайид Муҳаммадхон 1864 йил 10 сентябрда касалланиб вафот этгач, тахтга унинг ўғли Сайид Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910) ўтирди. Соний ва Феруз тахаллуслари билан ҳам машҳур бўлган ушбу ҳукмдор Хива хонлари орасида энг маърифатпарвар ҳукмдор бўлганлиги боис ҳам 47 йил давомида мамлакатни идора қилган. Айнан унинг даврида Россия империясининг хонликка ҳарбий юриши амалга оширилиб, Хива хонлиги 1873 йили империядаги қарам давлатга айланди.

6.3 Хива хонлигининг ҳудуди, маъмурий тузилиши, аҳолиси ва давлат бошқаруви

Хонликнинг аниқ чегаралари ҳақида маълумотлар сақланмаган. Чунки, хонлик пайдо бўлган дастлабки даврлардан бошлаб сиёсий вазият ва ҳарбий ҳаракатларга қараб давлат чегаралари доимий равишда ўзгариб турган. XIX асрга келиб хонлик таркибига туркман, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа халқларнинг қўшилиши натижасида давлат сарҳадлари анча кенгайди. Манбаларга кўра, Элтузархон (1804-1806 йй.) даврида хонликнинг ҳудуди унча катта бўлмасдан, шимолий чегараси Орол-Қўнғирот ҳокимлиги, жанубий чегараси эса Дарғонота билан чегарадош бўлган. XIX аср ўрталарига оид рус манбаларида хонликнинг ғарбий чегараси Каспий денгизигача, жанубда эса Марв водийси орқали Эронга туташиб кетганлиги, шимолда эса Урал дарёсигача чўзилганлиги қайд этилган. XVII-XVIII аср тарихий манбаларида Орол ерлари "Орол диёри", Марказий ва Жанубий Хоразм, "Хоразм диёри" номлари билан юритилган. Шунингдек XVII-XVIII асрларда Хоразмнинг Мовароуннаҳрга интилиши кучайиб борди. Бу "Беш қалъа" номини олган шаҳарлар: Ҳазорасп, Ҳонқа, Урганч, Кат, Шоҳободнинг таъсирини кучайтирди.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар борасида хонлик икки: Шимолий ва Жанубий қисмларга бўлинган эди. Шимолий қисм ўз ичига Кўҳна Урганч – Хўжайли йўналиши бўйича Орол денгизигача бўлган ерларни ўз ичига қамраб олган. Унинг таркибига Шуманай, Хўжайли, Қўнғирот ва унинг атрофидаги ерлар кирган. Мазкур ҳудуднинг катта қисми кам ўзлаштирилган, аҳоли сийрак яшайдиган дашт зоналари ҳисобланган. Жанубий қисм эса ўз ичига Хива ва унинг атрофларини, Ҳонқа, Ҳазорасп, Урганч, Кат, Қўшкўпир ва унга туташ ерларни қамраб олган. Бу қисм аҳоли анча зич яшайдиган, сув иншоотлари, каналлар мавжуд бўлган, ҳосилдор ерларга эга ҳудуд бўлган.

Хоразм аҳолисининг этник киёфаси бир хилда бўлмаган. Мазкур киёфа воҳада рўй берган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жарёнларга бевосита боғлиқ бўлган. Аҳолининг маълум қисмини Хоразмнинг қадимий зироаткор ўтроқ аҳолиси авлодлари – хоразмликлар ташкил этиб, асрлар давомида у туркий қавмлар таъсирида ўсиб борган. Шунингдек, турли даврларда воҳага кириб, шу ерда қолиб кетган қипчоқ, чўғроқ ва бошқалар ҳам шу аҳолига сингиб борган. Аҳоли туркий қавм таъсирида туркий тилни ўз она тиллари сифатида қабул қилганлар.

XVI – XVII асрларда Хоразм ҳудудига Дашти Қипчоқ томондан кўплаб қабилаларнинг кириб келиши жараёни бошланди. Кириб келган қабилаларнинг катта қисми маҳаллий аҳоли таъсирида ўтроқ турмуш тарзини қабул қилганлар. Мунис Хоразмийнинг хабарига кўра, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли орасида муносабатларни мутаносиблаштириш ва қабилалар устидан назоратни тўлақонли равишда амалга ошириш мақсадида Абулғозихон уларни 4 та гурухга бўлади. Бу гурухлар – тўп номини олади. Дашти Қипчоқдан келган аҳолининг бир қисми кўчманчи ҳаёт тарзини сақлаб қолган. Хонликнинг шимоли-шарқий чеккасида қорақалпоқлар ҳаёт кечиришар, мазкур қавм бу ерларга XVIII асрда Сирдарё бўйларидан кўчиб келганлар. Қорақалпоқлар XVIII – XIX аср биринчи ярмида чорвачилик, балиқчилик ва қисман деҳқончилик билан ҳам машғул бўлишган. Дашт қисмида кўчманчи ҳаёт тарзини кечирган қозоқлар аксарият чорвачилик билан шуғулланишган. Хоразмнинг ғарбий қисми ва жанубий томонларида туркманлар яшаганлар. Туркманларнинг катта қисми ярим кўчманчи ҳаёт тарзига эга бўлганлар. XIX аср 2-ярмига келиб туркманлар ўзбеклардан кейин сони бўйича хонликда 2-ўринда турганлар. Улар жами аҳолининг 25% ни ташкил қилганлар. 1819 йили хонликда бўлган Муравьёв хонлик аҳолисининг умумий сони 300 минг атрофида бўлган деб ёзган эди.

Хива хонлиги маъмурий жиҳатдан XVI – XVIII асрларда вилоятларга бўлинган бўлса, XVIII аср охири – XIX аср бошларидан бошлаб давлатдаги асосий маъмурий ҳудудлар беклик деб аталган. Бу даврда хонликда 16та беклик ва 2та ноиблик мавжуд эди. Улар Ҳазорасп, Гурлан, Хонка, Кўҳна Урганч, Қўшкўприк, Питнак, Қиёт, Шоббоз (Шоҳаббоз), Шовот, Тошҳовуз, Амбарманак, Урганч, Хўжайли, Шуманай ва Қўнғирот бекликлари ҳамда Бешариқ ва Қиёт-Қўнғирот ноибликлари бўлган. Уларни хон томонидан тайинланган беклар ва ноиблар бошқарганлар. Хива шаҳри бошкаруви хон ва бош вазир ихтиёрида бўлган. Хонликнинг пойтахти турли даврларда Вазир, Кат, Кўҳна Урганч, Хива шаҳарлари бўлган.

Муҳаммадхон Раҳимхон I (1806-1825 йй.) хонликнинг маъмурий бошқарув тизимини анча ўзгартирди. Бекликларнинг марказий ҳокимиятга бўйсунмаслигини ҳисобга олиб, Муҳаммадхон Раҳимхон I хонлик ҳудудида кентларга ажралишни бекор қилди ва манбаларга кўра, хонликда аввал 15та ҳамда кейинроқ яна 11та ҳокимлик ташкил этди. Булар қуйидагилар эди: Ҳазорасп, Остона, Урганч, Кат, Тошҳовуз, Қўшкўприк, Оқдарбанд, Гурлан, Кўк қашқа, Қўнғирот, Кўҳна Урганч, Илонли, Тахта, Хонка, Шоббоз, Манок, Ғозиобод, Шайх, Мангит, Хўжайли, Шуманай, Тўрчи, Оқтепа, Қорағон, Хитой. Ҳокимликлар ўз навбатида масжид-қавмларга бўлинган. Манбалар хонликда

жами 1537та масжид-қавмлар бўлганлиги ҳақида маълумот беради. Вилоят ҳокимлари хон томонидан, масжид-қавмларнинг қози ва оқсоқоллари эса вилоят ҳокимлари томонидан тайинланган.

Шундай қилиб, Хива хонлиги маъмурий жиҳатдан ҳозирги Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Қозоғистон ва Туркманистон Республикаларининг бир қисмини ўз ичига олган давлат эди.

Хива хонлигининг ўтроқ деҳқончилик воҳаларида асосан ўзбеклар яшаб, улар давлатдаги аҳолининг кўпчилигини ташкил этганлар. Хонликда шунингдек, туркманлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, оз миқдорда тожиклар, яҳудийлар, ҳиндлар, эронийлар, ҳам яшаганлар. Хива хонлигидаги аҳолининг умумий сони ҳақида маълумотлар деярли йўқ. Архив ҳужжатлари ва рус сайёҳларининг маълумотлари бу масалага қисман аниқлик киритади. Хусусан, XIX асрнинг биринчи чорагига оид маълумотларда хонлик аҳолиси 300 минг, шу асрнинг 40-йилларига оид маълумотларда 300 мингга яқин, сўнгги чорагига оид манбаларда 700 мингга яқин деб берилса, архив манбаларини чуқур ўрганган олим М.Йўлдошев XIX аср ўрталарида хонликда 800 мингга яқин одам истиқомат қилганлиги ҳақида маълумот беради.

XIX асрнинг ўрталарига келиб хонликда шаҳар ҳаётининг ривожланиши натижасида шаҳар аҳолисининг сони кўпайиб борди. Хива, Ҳазорасп, Хонқа, Урганч, Қўнғирот, Кўҳна Урганч каби шаҳарларда рус сайёҳлари берган маълумотларга кўра, 2 мингдан 5 минггача хонадон яшаган. Хонлик пойтахти Хива шаҳрида 21 мингдан ортиқ аҳоли яшаган.

Давлат тизими. Мансаблар ва унвонлар. XVIII асрда Хивада муайян бир сулола ҳукмдор эмас эди. Чингизийлар сулоласига мансуб баъзи шахслар Хивага чақирилиб хонлик тахтига кўтарилган бўлсада, амалда ҳокимият қўнғирот сулоласидан бўлган иноқ қўлида бўлган. 1804 йилдан бошлаб фақат Қўнғиротлар сулоласи вакиллари Хивада хон бўлганлар.

Хива хонлигида унвон ва мансабларни сарой, ҳарбий ва диний унвон ҳамда ва амалларга бўлиш мумкин. Бу тасниф соф назарий бўлиб, аслида хонлик даврида муайян унвон ва мансаблар соҳалар бўйича берилмаган. Ўша вақтда амалдор ва унвон эгаси кўпинча хонга нисбатан шахсий садоқати, қавми якинлигидан бир мансабдан бошқа мансабга ўтиб, унвонлар соҳибига айланган. Хонликда энг олий унвон хон бўлиб, у маъмурий, сиёсий ва ҳарбий ваколатларга эга бўлган.

Хива хонлиги давлат тизимида Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигидан фаркли ўлароқ, хон ҳузурида Олий кенгаш амал қилган. Маълумотларга кўра, бу Олий Кенгашни Муҳаммад Раҳимхон I "ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун илгари иноқ ва оталиқлар бошлиқ бўлган уруғ оқсоқоллари кенгаши ўрнига таъсис этган эди. Бу Олий кенгашга турли даъво ва жиноий ишларни кўриш ва қарор чиқариш ҳуқуқини берди." Кенгашнинг ваколати чегараланган бўлиб, маслаҳат берувчи органга ўхшар, унинг аъзолари энг юқори мансаб ва унвондаги амалдорлар бўлган. Кенгаш мажлисида бошқа амалдорларга қараганда қўпроқ иноқ, шайх ул-ислом, девонбеги ва ясувулбоши ҳал этувчи овозга эга бўлганлар. Кенгаш мажлислари масаланинг муҳимлигига қараб, хон томонидан чақирилар эди. Олий кенгаш оқсоқоллардан, яъни, маълум мансаб ва унвон эгаларидан,

чунончи, нақиб, шайх ул-ислом, мутаввалли, мироб, қози, фармончи, дарға, шиғовул, дастурхончи, арбоб, мирохўр кабилардан иборат эди. Шунингдек, хоннинг қариндош уруғларидан бўлган беклар, оталиқ, иноқ ва бийлар ҳам бу кенгашга кирганлар.

Бу тор доирадаги кенгаш гарчи давлат ташкилоти сифатида расмийлаштирилмаган бўлсада, унинг қарори хоннинг қароридек кўрсатилсада, амалда юқори қонун чиқарувчи маъмурий ва суд ҳокимияти эди. Кенгаш хонликнинг ички ишларига доир ҳамма масалалар бўйича қарор қабул килар ва хонликнинг бошқа давлатлар билан бўлган ташқи муносабаларига доир муаммоларни ҳал этар эди. Гарчи кенгаш давлатнинг турли-туман ички ва ташқи ишларини муҳокама қила олса-да, муҳокама қилинган масалалар бўйича қарор чиқариш аввало хоннинг хоҳиш – иродасига боғлиқ бўлган.

6.4 Хон саройидаги унвон ва мансаблар

Унвонлар орасида энг каттаси иноқ эди. Одатда иноқлар энг қудратли ўзбек уруғларидан тайинланган ҳамда улар хоннинг энг яқин маслаҳатчилари бўлган. Иноқлар йирик амалдор, яъни уруғ бошлиғи ҳисобланган. Абулғозихон тантанали маросимларда ўтириш учун иноқларга ўз ёнидан тўртта жой ажратган. Иноқлар бий, султон, мингбоши каби унвонларни ҳам олганлар. XX аср бошларига келиб иноқлар бек мартабасига тушиб, олий сарой амалдорларидан маъмурий мансаб эгаларига айланадилар.

Оталиқ – уруғ оқсоқоли. Иноқ бошлиқ тўпа (гуруҳ) га бирлашган уруғ бошлиғи. Хоннинг энг яқин маслаҳатчиларидан бири бўлган. Оталиқ қилич ва пичоқ тақиб юрган.

Бий – сарой унвони. Иноқ ва оталиқдан кейинги мартаба. Бий қабила ва уруғнинг бошлиғи ҳисобланиб, кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий халқларнинг, жумладан ўзбекларнинг уруғ оқсоқолларига бериладиган унвон эди. XVII-XIX асрларда бийлар йирик ўзбек қабила ва уруғларига бошчилик қилиб, фақат марказий ҳокимиятга итоат этганлар. Бий унвони авлоддан авлодга мерос қилиб қолдирилган.

Амир ул-умаро – амирларнинг амири, Хива хонлигида XIX асрнинг ўрталарида таъсис этилган. Сайид Муҳаммадхон бу унвонни биринчи марта ўзининг акаси Сайид Маҳмуд тўрага берган эди. Муҳаммад Амин иноқ ҳукмронлиги даврида амир ул-умаро унинг акаси Фозилбий эди. Ўшандан кейин амир ул-умаро унвони ҳеч кимга берилмаган.

Қўшбеги – Хива хонлигида саройнинг олий мансабларидан бири бўлиб, молия ва солиқ йиғиш ишларини бажарган. Қўшбегининг махсус девони ҳамда унга тобе этувчи амалдорлари бўлган.

Меҳтар – катта, улуғ деган маънони беради. Меҳтар сарой хизматкорларининг бошлиғи вазифасини бажариб, хонга яқин кишилардан ва хон уруғига мансуб аъёнлардан тайинланган. Меҳтарнинг ҳам ўз девони бўлиб, ер солиғи "солғут" тўплаш ҳам унинг хизматига кирган.

Бекларбеги – қорақалпоқ ва кўчманчи халқларнинг оксоколларига бериладиган фахрий унвон. Бекларбегининг вазифаси уларнинг ўз уруғларидан

йиғиладиган харажатларнинг тўғрилигини текшириб туриш ва уларни тўла равишда хазинага топшириш устидан назорат қилишдан иборат бўлган. Бу лавозимга амалдорлар одатда хоннинг қариндош-уруғларидан тайинланган.

Бек– XIX асрда Хива хонлигининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида беклар анча катта рол ўйнаганлар. Бек – хон ва давлат арбобларининг қариндошларига, фарзандларига бериладиган фахрий унвондир.

Парвоначи – хон саройидаги олий вазирлардан бири. Парвоначи саройнинг ички ва ташқи ишларида ҳам фаол қатнашиши мумкин бўлган. У арзу-шикоятларни хоннинг ҳузурига олиб кириб, жавобини қайтарган. Шунингдек, парвоначи хоннинг фармонларини сарой аъёнларига етказиб турган.

Эшикоғоси – сарой дарвозаларини қўриқлаш ишларини бошқарган. Ойболта унинг мансаб аломати бўлган. Ҳукмдор саройда бўлган вақтда эшикоғоси уни қўриқлаш билан шуғулланган. Эшикоғоси арзгўйларнинг нима хусусда келганларини суриштириб, уларни саройдаги тегишли амалдорлар томонига жўнатар эди. Фақат жуда муҳим хабарлар билан келган кишиларгина хон ҳузурига киритилган.

Саройда дарвоза ортида турадиган қоровуллар ва махсус дарвоза қўриқчиларидан ташқари хонни қўриклайдиган тунқатор ёки тунотарлар, яъни кечаси билан хонни қўриқлаб чиқадиган хизматчилар ҳам бўлган.

Маҳрам – ишончли хизматкор, сидқидилдан хизмат қилувчи сарой ичкарисидаги ходим маъноларини англатади. Маҳрамлар хонга яқин кишилар ҳисобланган. Давлат бошқарувида улар бевосита хоннинг маслаҳатчилари бўлишган. Маҳрамлар хоннинг оромхонасига кириш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Хива хони саройида яна қуйидаги унвон, мансаб ва вазифалар мавжуд бўлган: офтобачи, бухчабардор, соатбардор, китобдор, мўзабардор (хон пойабзалини берувчи), шарбатдор, маҳрам боши (юқори лавозим ҳисобланган), тўшакчи, карнайчи, сурнайчи, жарчи, ошмехтар (хон ва сарой ошхонаси бошлиғи), сорбон (туячилар), камон халфа (овчи, қушчи), мерганлар, сайис (от боқувчи), кўмирчи, кучанчи (эгар-жабдуқчи), тамакисоз, лойкаш, кулол, ходимчи, рўмолчи, селобчи (жом ушлаб турувчи), пояки (чилимчи), аравачи, носчи, қиличкор (қилич ва шамшир ясовчи), ошпаз, товоқчи, даракчи (отчопар), жирчи (ашулачи), йўнувчи (дурадгор), девон (мирза), муширф (озуқа йиғувчи), божбон (закотчи) ва боқалар. Уларнинг барчаси сарой хазинасидан маош олганликлари ҳақида маълумотлар бор. Саройдаги умумий тартибни арбоб назорат қилган.

Хонликдаги харбий унвонлар ва мансаблар. Давлатдаги энг олий ҳарбий амалдор хоннинг ўзи эди. Кўп ҳолларда шахсан хон бошчилигида, айрим ҳолларда таниқли саркардалар бошчилигида бошқа ҳудударга юришлар уюштирилган. Энг юқори ҳарбий-маъмурий лавозим амир ул-умаро эди. Ундан кейинги расмий равишда юқори саркарда ясовулбошилик мансаби эди. Хонликда улар икки киши бўлиб, бири ёвмуд туркманларига, иккинчиси эса човдирларга қўмондонлик қилар эди. Хон ҳузуридаги расмий қабул маросимларида ясовулбошиларнинг доимий ўринлари бўлмас эди. Лекин улар хон ҳузурида бўладиган тордоирадаги кенгашда мехтар, қўшбеги ва девонбеги

билан бир каторда қатнашар эдилар. Ясовулбошига ясовуллар, миршаблар, шотирлар, эшикоғолари итоат этганлар.

Ясовулбошидан кейинги ҳарбий унвон мингбоши эди. Ҳарбий юришлар пайтида мингбошиларга катта маъсулият юкланган. Яъни, улар қўшинни айтилган ерга тўплаши, уларнинг тайёргарлик даражасини назорат қилиши, жанг пайтида қўшиннинг маълум гуруҳига йўлбошчилик қилиши лозим бўлган. Шунинг учун ҳам архив ҳужжатларига кўра, мингбошилар яхши инъомлар олганлар.

Хива хонлигида ҳарбий истеҳкомлар-калъалар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар маъмурий-мудофавий вазифани бажарган. Бундай калъалар қутвол (қалъабон) қўлида эди.

Хива қўшинларида саркардалар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Саркардалар бир неча юздан бир неча минггача бўлган навкарга бошчилик қилганлар. Юришлар пайтида саркарда бошчилигида туғ (байроқ) кўтариб борилган. Байроқ кўтариб борувчиларга туғбеги бошчилик қилган. Қўшинда юзбоши, панжшоҳбоши (элликбоши), даҳбоши (ўнбоши), коровул, маҳрам, навкар каби вазифалар бўлган.

Навкарлар солиқлар ва турли мажбуриятлардан озод қилинганликлари боис катта ер эгаларини қаттиқ ҳимоя қилганлар. Хива қўшинида деҳқонлардан олинадиган навкарлардан ташқари, туркманлар, қоракалпоклар, қозоқлар ва бошқа кўчманчи халқлар аскарлари ҳам бўлиб, улар хонга мажбурий равишда маълум миқдорда аскарлар берганлар.

Хонликдаги диний ҳамда қозихона унвонлари. Хивада давлатни бошқариш бўйича ислом дини мафкуравий асосни ташкил этган. Қонунлар шариат тартиб ва йўриқлари асосида амал қилган. Шайх ул-ислом – хонликдаги энг юқори мартабали киши эди. У диний маросимларнинг аниқ бажарилиши устидан назорат қилган. Маросимлар пайтида шайх ул-ислом хоннинг ўнг томонида ўтириш ҳуқуқига эга бўлган.

Қози ул-қузот (қози калон) – мусулмон ҳуқуқи ва қонунлар бажарилишини шариат асосида назорат қилган. Қози калон пойтахтда ўз девони ва маҳкамасига эга бўлган. Вилоят марказларида ҳам вилоят қозиси бўлган. Улар маҳкамаларининг номи Дор ул-қазо деб аталган. Лашкарлардаги қонун-қоидалар кетидан қозии аскар (аскар қозиси) назорат қилиб, шаърий масалаларни ҳал этиб турган.

Муфтий – қозиларнинг ҳуқуқшунослари ҳисобланган. Улар бирор иш кўрилаётган пайтда иштирок этишлари, ҳукмона тузишлари ва ҳукмларнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун ҳужжатларга муҳрларини босишлари лозим эди. Хивада бош муфтий еттита бўлиб, барча муфтийларнинг хон ёнида ўрни бор эди. Лашкарда ўзининг муфтий лашкари хизмат қилган.

Аълам – муфтийларнинг бошлиғи ҳисобланган. Унинг вазифаси фатволарда келтириладиган шариат ривоятларини текширишдан иборат бўлиб, айрим ривоятларнинг асл нусхасига мослигини аниқлагач, аълам унга ўз муҳрини босган.

Раислар – шариат тартиб-қоидалари, диний маросимлар – рўза, беш вақт намоз, таҳорат, хайри-эҳсон ишларининг аниқ бажарилиши устидан назорат

қилган. Ота-оналар болаларини ўз вақтида мактабга юбориши, бозорларда сотувчилар харидорларни алдамаслиги тарозиларни текшириб туриш ҳам раиснинг вазифаси бўлган. Ҳар бир шаҳар ва катта қишлоқнинг ўз раиси бўлиб, қози калон тақдимига мувофиқ хон томонидан тайинланган.

Мутавалли – диний муассасаларда хайр-эҳсон маблағлари ва хўжалик ишлари билан шуғулланувчи хўжалик нозири. Мутаваллининг вазифаси вақф мулки, ундан фойдаланиш ва келадиган даромадни назорат қилиш, уни тақсимлаш, ижарага бериш, охун ва мударрисларга маош тўлаш кабилардан иборат эди.

Мударрис – мадраса ўқитувчиси, муайян илоҳиёт фанидан дарс берган.
Охун-охунд – ваъзхон, нотиқ, дин тарғиботчиси. Мударрис ва охунлар ўзлари таълим берган мадрасанинг вақфидан маош олиб турганлар. Шунингдек, мадраса уларга ҳужра ҳам берган.

Хива хонлигининг давлат тузилиши ўзининг мукаммаллиги жиҳатидан ўз даврининг баъзи бир Ғарбий Европа давлатлари тузилиши даражасида бўлмасада, бироқ маълум идора қилиш тизими мавжуд бўлиб, етарли даражада тартибли эди. Шунга биноан, юқорида эслатилганидек, давлат мансаблари сарой-маъмурий, диний ва ҳарбий лавозимларга бўлинар эди. Бу вазифаларни бажарувчиларга давлат хазинасидан тегишли маош ва мукофотлар берилган. Санаб ўтилган турли-туман амалдорлар ва хизматкорларнинг мавжудлиги Хива хонлигида катта бошқарув аппарати бўлганлиги, мукаммал бошқарув сиёсати юритилганлигини тасдиқлайди.

6.5 Ер эгалиги. Деҳқончилик ва чорвачилик

Бутун Ўрта Осиё ҳудудида бўлгани каби Хива хонлигида ҳам ер эгалигининг қуйидаги шакллари ҳукмронлик қилган: давлатга қарашли ерлар ёки подшолик ерлари; хусусий шахсларга қарашли ерлар; диний муассасаларга қарашли ерлар ёки вақф ерлари.

Подшолик ерлари бевосита давлатга, хонга тегишли бўлиб, авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган. Давлат ерларига доимий суғориладиган экинбоп ерлардан ташқари ташландиқ ерлар, қумлик, адирлар ва яйловлар, кўл ва тўқайзорлар ҳам кирган. Давлат ерлари босиб олинган ҳудудлар, исёнкор мулкдорларнинг мусодара қилинган ерлари, янги ерларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига ҳам кенгайиб борган. Давлат ерлари хон томонидан мулкдорларга ва ижарачи деҳқонларга, беватан (ерсизлар)ларга фойдаланиш учун бўлиб берилган.

Бундай ерлардан давлатга олинган ҳосилнинг 40-50 фоизигача маҳсулот ёки пул кўринишида солиқ ундирилган. Давлат ерлари хонлик хазинасининг асосий манбаи ҳисобланган. Хон ўзига холис хизмат қилган амалдорларга, яқин қариндошларига, содиқ хизмат қилган навкарларга ва диндорларга давлат ерларидан инъом қилиб берган. Бундай ерлар солиқлардан озод этилган.

Хусусий (мулк) ерлар хоннинг шахсан ўзига, унинг яқин қариндошларига, йирик бойларга, сарой амалдорларига, ҳарбийларга ва бошқа зодагонларга тегишли ерлар бўлган. Хонликнинг сувга яқин бўлган ўтроқ марказий

туманларидаги унумдор ва серҳосил ерларнинг асосий қисми мулкдорлар қўлида эди. XIX асрнинг биринчи ярмига оид маълумотларга кўра, мулк эгаларига тегишли ерлар хонликдаги барча суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этган. Манбаларнинг маълумот беришича, айрим мулкдорлар ихтиёрида икки-уч минг танобдан ўнлаб минг танобгача ер бўлган. Мисол учун, Питнак, Ҳазорасп ва Шўрохон шаҳарлари ҳамда уларга туташ бўлган қишлоқлар амир ул-умарога тегишли бўлган. Муҳаммадаминхон ўғли Абдулла тўрага 20 минг танобдан ортиқ ерни инъом қилган ва ҳоказо.

Вақф ерларига диний муассасалар, масжид, мадраса, қабристон, хонақоларга қарашли ер-мулклар кирган. Бу мулклар диний муассасаларга хон, амалдорлар ва айрим шахслар томонидан вақф қилиб берилган. Бундай ерлардан келган даромад диний муассасалар эҳтиёжи учун сарф этилган. Маълумотларга кўра, XIX аср ўрталарида хонликдаги вақф мулкининг умумий ҳажми 170-175 минг танобни ташкил этган.

Хива хонлигидаги кам ерли ва умуман ерсиз, от-уловсиз деҳқонлар кўпчиликни ташкил этган бўлиб, улар давлат, мулк ҳамда вақф ерларида ижарага ишлаганлар. Ижарадорлар ижарага олган ер миқдорига қараб давлатга солиқ тўлаганлар. Улар кимнинг ерида хизмат қилишларига қараб беватан, коранда ва вақфкор деган қатламларга бўлинган. Давлат ерларини ижарага олган ерсиз ва камқувват деҳқонлар беватанлар, мулк ерларидаги ижаракорлар коранда, вақф ерлари ижаракорлари эса вақфкор деб аталган.

Деҳқончилик ва чорвачилик Хива хонлиги иқтисодий ҳаётининг асосларидан ҳисобланган. Деҳқончиликда Амударё қуйи оқимидан олинган кўплаб каналлар ва ариқлар муҳим ўрин эгаллаган. Таъкидлаш лозимки, Хива хонлигида сув манбаларининг етарли бўлишига қарамасдан, деҳқончилик тараққиёти қўшни Бухоро хонлигидагидек юксак даражада ривож топмаган эди.

Хонликда донли экинлардан буғдой етиштириш нисбатан кенг ривожланган бўлиб, буғдой Питнакдан Шоҳаббозгача бўлган ҳудудларда айниқса кўп экилган. Суғориладиган ерларга буғдойнинг саранчи нави кўп етиштирилган. Буғдой йиғиб олинган далаларга қовун, тарвуз, мош, жўхори каби экинлар экилган. Хонликда кўплаб шоли экинзорлари мавжуд бўлган.

Пахта етиштириш асосан Гурлан, Янги Урганч, Хива, Хонқа, Шоҳаббозда ривожланган. Пахта чигитидан ёғ олиниб, толаси маҳаллий ҳунармандлар эҳтиёжи ва ташқи бозорга чиқарилган. Сув кўп талаб қилмайдиган (Ҳазорасп, Қўнғирот, Тошҳовуз, Илонли, Ғазават, Манғит ва Гурлан) кунжут, нўхат, мош, арпа ва бошқа экинлар экилган. Сабзавот, полиз экинлари кўплаб етиштирилган. Хоразм қовунлари қўшни ҳудудларда ҳам машҳур бўлган. Боғдорчилик ҳам анча тараққий этган. Аммо, ипакчилик кам миқдорда ривожланган.

Хонликнинг ўтроқ деҳқончилик туманларида чорвачилик яхши ривож топмаган. Воҳаларида йирик ҳайвонлар деҳқончиликда (ер ҳайдаш, ҳосилни янчиш, сув чиқариш ва ҳоказо) фойдаланиш, гўшт ва сут маҳсулоти учунгина боқилган. Хонлик аҳолисинг гўштга бўлган талабини кўчманчи туркман ва қозоқ қабилалари қондирганлар. Кўчманчилар қўй, йилқи, туя етиштириб аҳолининг гўшт, сут, тери, жун билан тўла таъминлаб турган.

Солиқ сиёсати. Хива хонлигида қўшни давлатларда бўлгани каби хирож, закот, бож, жизъя каби соликлар мавжуд бўлган. Муҳаммад Раҳимхон I амалга оширган иқтисодий ислоҳот туфайли хонликдаги солиқ сиёсатига ўзгартиришлар киритилади. Хусусан, илгари маҳсулот кўринишида йиғиб олинадиган хирож ўрнига пул солиғи солғит (солғут) жорий этилди. Бунга кўра, 10 танобдан ортиқ ери бўлганлар йилига 3 тилло (54 танга), 5-10 таноб ери бўлганлар 2 тилло (36 танга), 5 танобгача ери бўлган деҳқонлар 1 тилло (18 танга) миқдорда солиқ тўлаганлар. 15 танобгача ерни ижарага олган ижаракорлар йилига давлат хазинасига 34 танга, 10 танобгача ерни ижарага олганлар 22,6 танга, 5 танобгача ерни ижарага олганлар 11,3 танга миқдорда солиқ тўлаганлар. Ижаракор деҳқонлар давлат хазинасига солиқ тўлашдан ташқари, ижарага ер берган хўжайинга пул ёки маҳсулот билан ҳақ тўлаши ёхуд ишлаб бериши лозим бўлган.

Хонликдаги ярим ўтроқ ва чорвадор аҳоли ҳам давлат хазинасига белгиланган миқдорда хирож ва закот тўлаганлар. XIX аср бошларидан бошлаб улардаги хирож солиғи солиқ кесма деб атала бошлаган. Бунга кўра, қорақалпоқлар ва қўнғиротлар экин майдони ва ҳосил миқдоридан қатъий назар давлат хазинасига ҳар йили 24.5 минг кичик тилло миқдорида солиқ тўлаб турганлар. Қорақалпоқлар ва қозоқлардаги ерсиз ва от-уловсиз деҳқонлар, хон, унинг қариндошлари ва сарой амалдорларининг шахсий ерларида ижаракор бўлсалар ҳосилнинг ҳар 4 ёки 5 ботмони ҳисобидан икки ботмон миқдорида давлат хазинасига солиқ тўлаганлар.

Чорвадор аҳоли хон хазинасига закот солиғи тўлаган. XIX аср бошларига қадар бу солиқ натура кўринишида, 40 бош чорва ҳисобидан бир бош ундирилган бўлса, кейинги даврларда закотни ундиришга ўтилган. Эндиликда чорвадорлар йирик чорва учун 40 бош чорвадан 5 тилло, майда чорванинг ҳар 40 бошига 10 аббос (10 аббос – 25 кумуш танга) миқдорида солиқ тўлаганлар.

Юқоридагилардан ташқари хонликнинг барча ўтроқ, ярим ўтроқ ва кўчманчи аҳолиси қазув, бегор, қочув, отланув, бож пули, милтиқ солиғи, улов тутув, қўналға, чопар пули, тарози ҳақи, миробона, дарвозабон, мир туман ҳақи, афанак пули каби қўшимча тўлов ҳамда мажбуриятларни ҳам бажарганлар. Улар орасида энг оғири қазув, қочув ва бегор бўлиб, бу давлат қурилиши, ариқларни ва дарёдаги дамбаларни таъмирлаш, қалъа, сарой, шаҳар деворлари, йўл ва кўприклар қурилиши ҳамда таъмирланиши учун ҳар йили 12 кун бепул ишлаб бериш мажбурияти бўлган.

6.6 Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ. Шаҳарлар.

Хоразм ҳунармандчилиги ихтисослашган бўлишига қарамай, ярим кўчманчи хўжаликларда уй ҳунармандчилиги устунлик қилган. Ҳунармандчиликнинг асосий соҳаларидан бири тўқимачилик эди. Кўчманчи аҳолининг турли матоларга бўлган талаби ва қисман ташқи бозор учун маҳсулот етказиб берувчи тўқимачилик саноати ривожини тақозо этган. Хонликда ипак, ярим ипак ва пахта матолар ишлаб чиқарилган. Матолар асосан қўлда тайёрланган.

Ундан ташқари хонликда кулолчилик, мисгарлик, дегрезлик, темирчилик дурадгорлик каби анъанавий ҳунармандчилик турлари ҳам ривожланган. Манбалар шаҳар ва қишлоқларда ер хайдайдиган мослама тайёрловчилар (пазачи), от абзали тайёрловчилар (кучанчи), мисгарлар, заргарлар, пичоқчилар, қинчилар, бўёқчилар, телпакдўзлар, қулфгарлар, жувозчилар, шамчилар, совунчилар, новвойлар, ошпазлар кабилар махсус касб-ҳунарга ихтисослашганликлари ҳақида маълумотлар беради.

Хивада гилам тўқиш ўзининг қадимий аҳамиятини хонлик даврида ҳам сақлаб қолди. Илгаригидек, гилам тўқиш билан туркманлар ҳам шуғулланганлар. Хива гиламлари ички ва ташқи бозорда машҳур бўлган. Умуман олганда, маҳаллий ҳунармандларнинг махсулотлари ички ва ташқи бозор учун ишлаб чиқарилган.

XVI асрнинг охирига келиб Амударё асосий ўзанининг ўзгариши Хоразмнинг ташқи савдо алоқаларига ҳам таъсир этди. Хоразмнинг илгариги савдо марказлари ўз аҳамиятини йўқота бориб, Россия билан савдо алоқаларида Волганинг қуйи оқимлари оркали ўтган йўллар катта аҳамият касб эта бошлади. Астраханда хивалик савдогарларга имтиёзлар берилган бўлиб, улар рус савдо ярмаркаларида иштирок этиб турганлар. XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб, яъни Оренбург шаҳрига асос солингач, Хива савдогарлари Уралбўйи оркали савдо-сотиқни янада жонлантирдилар. Хивадан Россияга пахта матолар, мевалар, қимматбаҳо тошлар, қоғоз маҳсулотлари, парча ва буюм шаклидаги ипак ва ярим ипак матолар, гиламлар, туя жунидан матолар, қисман коракўл, гуруч, сайғоқ (кийик) шохи, кашмир матоси каби маҳсулотлар олиб борилган. Россиядан эса Хивага олтин ва кумуш тангалар, мис, чўян, темир ва бошқа металлар, пахта, ипак ва юнг матолар, бўёқлар, шакар, чой, биллур идишлар, ошланган тери каби маҳсулотлар келтирилган.

Хива хонлиги савдогарлари қўшни Бухоро ва Қўқон хонликлари билан, шунингдек, Хитой, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон билан ҳам савдо алоқалари олиб борганлар. Бу давлатларга Россиядан келтирилган маҳсулотлар билан бирга маҳаллий маҳсулотлар (заргарлик буюмлари, гиламлар, отлар) ҳам олиб борилган. Чет давлатлардан асосан турли матолар, металл, зираворлар, бўёқлар, фил суяги, шакар (қанд) каби маҳсулотлар келтирилган.

Хива хонлигининг Янги Урганч, Кичик Вазир, Қиёт, Хонка, Тирсак, Гурлан, Ҳазорасп, Қўнғирот, Шоҳаббоз каби шаҳарлари ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ марказлари эди. Манбаларнинг маълумотларига кўра, XIX асрнинг биринчи ярмида Янги Урганч химоя деворлари билан ўраб олинган савдо маркази бўлиб, унда бир ярим мингта хонадон бўлган. Урганчлик савдогарларни нафақат Бухоро, Қўқон ва Туркистон бозорларида, балки Астрахань, Оренбург, Нижний Новгород, Москва, Қашғар, Машҳад, Кобул бозорларида ҳам кўплаб учратиш мумкин бўлган. Урганч бозорлари асосан ички савдо маҳсулотларига мўлжалланган бўлсада, ташқи савдо учун маҳсулотлар йирик савдогарларнинг уйларидаги устахоналарда тайёрланган. Шаҳарда 300 га якин савдо дўконлари бўлган.

XVII – XVIIIасрларда Қиёт шаҳри саройлари, масжид ва мадрасалари билан шуҳрат қозонган бўлиб, XIX асрнинг биринчи ярмидан ўз аҳамиятини

йўқота бошлайди ва 50-60 хонадондан иборат қалъага айланади. Бу ерда 30 га яқин дўконлар бўлиб, сешанба ва шанба кунлари бозор бўлган.

Жувархас каналининг Амударёдан сув оладиган жойида жойлашган Ҳазорасп шаҳри барча қўлайликларга эга эди. Шаҳарда саккизта масжид ва шунча мадраса бўлиб, 450-500 та хонадон истиқомат қилган ҳамда 400 га яқин савдо дўконлари мавжуд бўлган. Ҳунармандчилик маҳсулотлари асосан дўконларда ва қисман уйларда тайёрланган. Ҳазораспда катта бозор душанба ва жума кунлари бўлган.

Хонликдаги йирик савдо-ҳунармандчилик марказларидан бири Гурлан эди. Манбаларга кўра, XIX асрнинг ўрталарида шаҳарда, атроф ҳудудлар билан қўшиб ҳисоблаганда уч мингтагача хонадон истиқомат қилган. Шаҳарда кўплаб масжид ва мадрасалар, боғлар, тутзорлар бўлиб, далалардаги шоли, пахта ва буғдойдан яхши ҳосил олинган.

Маълумки, XVII асрнинг бошларига келиб Хива бутун хонликнинг пойтахтига айланган эди. Арабмуҳаммадхон даврида Хивада йирик мадраса бунёд этилган бўлса, Абулғозихон давридан бошлаб шаҳарнинг сиёсий – маъмурий ва иқтисодий мавқеи янада кўтарилди. Пойтахт шаҳар сифатида шаҳарнинг мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида XIX асрнинг охирларига қадар Хивада кўплаб масжид ва мадрасалар, бозорлар ва карвонсаройлар, сарой ва миноралар, ҳаммомлар бунёд этилди. Манбаларга кўра, Хива бозорлари ҳафтанинг деярли барча кунлари ишлаб, раислар томонидан бошқарилган. Рус сайёҳлари Хива бозорларини гавжумлиги ва маҳсулотларга бойлиги, ажнабий савдогарларнинг кўплиги билан Бухоро ва Қўқон бозорларидан қолишмаслиги ҳақида маълумотлар қолдирганлар.

6.7 Маданий ҳаёт. Меъморчилик.

Хива хонлигининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида бўлиб ўтган воқеалар маданий ҳаётга таъсир этмасдан қолмади. Шунга қарамасдан хонликдаги маданият ўзига хос йўналишларда давом этди. Маданий ҳаёт равнақи таълим-тарбия, адабиёт, тарихнавислик, меъморчилик ва амалий санъат кабиларда кузатилади.

Бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби, Хива хонлигида ҳам асосий илм ўчоғлари бошланғич мактаблар ва мадрасалар бўлган. Бошланғич мактаб, яъни, қуйи таълимда ўқиш-ёзишни ўрганиб, хат-савод чиқарган ўсмирлар пойтахт Хивадаги ҳамда Бухородаги мадрасаларда ўқиб таълим олганлар. Манбаларга кўра, XIX асрда Хива хонлигида 1500 га яқин бошланғич мактаб ва 130 та мадраса бўлган. Фақат Хиванинг ўзида 22 та мадраса бўлиб, улар ичида Муҳаммад Раҳимхон, Шерғозихон, Раҳмонбердибий, Оллоқулихон, Хожа Маҳрам, Фозилбек, Давлат Қоракўз, Бекниёз девонбеги мадрасалари алоҳида нуфузга эга эди.


Хоразм адабий муҳитида илғор ғояларни тарғиб этган шоирлардан бири Нурмуҳаммад Ғариб Андалиб (1710-1770) эди. Классик поэзиянинг турли жанрларида ижод қилган Андалибнинг "Саид Ваққос", "Зайнул араб", "Юсуф ва Зулайҳо", "Лайли ва Мажнун" каби достонлари машҳурдир.

Хивада ижод этган шоирлар ичида Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809-1874) алоҳида ўринга эга. Тарихчи, таржимон ва шоир бўлган Огаҳийнинг 1832 йилда тузилган "Таъвизул ошиқон" ("Ошиқлар тумори") девонидаги ғазаллари айниқса машҳурдир. Бу даврда шунингдек, Паҳлавон Равнақ, Муҳаммад Ниёз Нишотий, Муҳаммад Хокисор, Табибий, Мунис, Комил Хоразмий, Комдон, Муродий каби шоирларнинг ижоди ривож топди. XVII – XVIII асрларда "Гўр ўғли" мажмуаси достонлари ривожлантирилди, "Тоҳир ва Зуҳра", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам", "Сайёд ва Ҳамро", "Санобар", "Юсуфбек ва Аҳмадбек", "Баҳром ва Дилором" каби достонларнинг фольклор ва халқ оғзаки ижодидаги кўринишлари тараққий этди.

Бу даврда тарихнависликдаги илгариги анъаналар сақланиб қолди. Тарихий асарлар орасида Абулғозининг "Шажараи турк" ва "Шажараи тарокима" ўзбек тилида битилган муҳим тарихий асарлар ҳисобланади. Тарихнавислик анъаналарини кейинчалик Мунис, Огаҳий, Муҳаммад Юсуф Баёний каби тарихнавислар давом эттирдилар.

XIX аср бошларида Муҳаммад Раҳимхоннинг буйруғи билан Шермуҳаммад Мунис (1778-1829) "Фирдавс ул-иқбол" ("Бахту саодат жаннати") асарини яратди. Хива хонлигининг XVIII – XIXасрлар тарихи ҳақида қимматли маълумотлар берувчи бу асарни кейинроқ Оллоқулихон топшириғи билан Мунисниng жияни Огаҳий давом эттирди ва 1872 йилгача бўлган воқеалар билан бойитди. Шунингдек, Хива хонлиги тарихига бағишланган асарлар орасида Баёний (1859-1923 йй.) нинг "Шажараи Хоразмшоҳий" асари ҳам қимматли ҳисобланади.

Хоразм Ўрта Осиёда ўзига хос услубларга бой бўлган меъморчилик мактабига эга воҳа ҳисобланади. Бу ҳудудда пайдо бўлган меъморий иншоотлар нафис безаклари, жимжимадор нақшлари билан Хоразм меъморчилик мактабининг ўзига хослигини кўрсатиб туради. XVIII – XIXасрларда Хива хонлигида кўплаб иншоотлар бунёд этилди. Айниқса хонликнинг пойтахтлари Урганч ва Хива шаҳарларида кўплаб саройлар, масжид ва мадрасалар, хонақолар, карвонсаройлар, ёпиқ бозорлар қурилган. Хивадаги меъморий ёдгорликлар асосан Ичан (ички) қалъада бунёд этилган. Хоннинг ёзги қароргоҳи бўлган Дишан (ташқи) қалъа ҳам нодир меъморчилик намунаси ҳисобланади.




Хива. Ичан қалъа. XVI-XIX асрлар.

Хонликдаги бошқа шаҳарлар – Янги Урганч, Ҳазорасп, Тошҳовуз, Янги Вазир, Шоҳаббоз, Гурлан, Хўжайли, Қўнғирот кабилар мудофаа деворлари билан ўраб олиниб, уларда ҳам кўплаб меъморий иншоотлар бунёд этилган.

Мавзуга хулоса тарзида таъкидлаш жоизки, XVI – XX асрнинг бошларида мавжуд бўлган Хива хонлиги – Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихида, иқтисодий ва маданий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиб, жамият тараққиётининг минтақа ҳудудларидаги ўзига хос томонларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Унинг тарихи мамлакатимиз тарихининг ажралмас ва узвий бўлаги бўлиб ҳисобланади.


XIX аср ўрталарида ўзбек хонликлари



Хива хонлари

1. Эрон шоҳининг ноиблари – 1510-1512 йй.
2. Элбарсхон – 1512-1537 йй.
3. Аванишхон – 1537 й (бир неча ой).
4. Шайбоний Убайдуллахон – 1537-1538 йй. (бир неча ой).
5. Ҳожимхон (Ҳожи Муҳаммадхон) – 1558-1593 йй.
6. Шайбоний Абдуллахон II – 1593-1598 йй.
7. Ҳожимхон – 1598-1602 йй.
8. Араб Муҳаммадхон – 1602-1623 йй.
9. Исфандиёрхон – 1623-1643 йй.
10. Абулғозихон – 1643-1663 йй.
11. Анушахон – 1663-1687 йй.
12. Арангхон (Эранг, Эрнак) – 1688-1690 йй.
13. Шоҳниёзхон – 1690-1707 йй.
14. Араб Муҳаммад – 1707-1715 йй.
15. Шерғозихон – 1715-1728 йй.
16. Элбарсхон – 1728-1740 йй.
17. Нодиршоҳ (Эрон шоҳи) – 1740 й.
18. Абулғозихон II – 1741-1747 йй.
19. Ғоибхон – 1747-1757 йй.
20. Темур Ғозихон – 1757-1763 йй.
21. Тавкахон – 1763 й. (бир неча ой)

Хива хонлигидаги олий даражали унвонлар ва мансаблар



Хива қўнғиротлари сулоласи

22. Муҳаммад Амин иноқ – 1763-1790 йй.
23. Аваз иноқ – 1790-1804 йй.
24. Элтўзархон – 1804-1806 йй.
25. Муҳаммад Раҳимхон I – 1806-1825 йй.
26. Оллоқулихон – 1825-1842 йй.
27. Раҳимқулихон – 1842-1845 йй.
28. Муҳаммад Аминхон – 1845-1855 йй.
29. Абдуллахон – 1855 й. (беш ярим ой – 20 март-27 август)
30. Қутлуғ Муродхон – 1855 й. (тўрт ярим ой).
31. Сайид Муҳаммадхон – 1856 -1864 йй.

Таянч сўзлар

Хон, ноиб, Вазир шаҳри, Элбарсхон, Убайдуллахон, Ҳожимхон, Араб Муҳаммадхон, Исфандиёрхон, найман, Оролбўйи ўзбеклари, Абулғозихон, "Шажараи турк", Анушахон, Бекович-Черкасский, Хива, Урганч, Хоразм, кичик жуз, қўнғиротлар, Муҳаммад Амин инок, Муҳаммад Раҳимхон I, ёвмут туркманлари, Муҳаммад Ёқуб мехтар, Феруз, беклик, ноиблик, вилоят, давлат тизими, унвон, мансаб, маъмурий, сиёсий ва ҳарбий ваколатлар, Олий кенгаш,

бий, бекларбеги, қўшбеги, ясовулбоши, диний ва қозихона унвонлари, раислар, мутавалли, мударрис, ижарадорлар, солғит, меъморчилик.

Савол ва топшириқлар

1. XVI аср бошлари Хоразмдаги сиёсий жараёнлар қандай кечган?.
2. Хивада Ҳожимхон ҳукмронлиги даври ҳақида нималарни биласиз?
3. Абулғозихон ҳукмронлиги асосий жиҳатлари нимада бўлган?
4. Шерғозихон ҳукмронлиги даври сиёсий воқеалари қандай кечган эди?
5. Қўнғиротлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши ҳақида гапириб беринг.
6. Муҳаммад Раҳимхон I сиёсатининг асосий жиҳатлари нималарда акс этган?
7. Муҳаммад Раҳимхон II фаолияти тўғрисида сўзлаб беринг.
8. Хива хонлигининг ҳудуди ва маъмурий тузилиши қандай бўлган?
9. Хонликдаги сарой унвонлари ҳақида гапириб беринг.
10. Хонликдаги диний ва қозихона унвонлари ҳақида нималарни биласиз?
11. Хонликдаги ер эгалиги ва деҳқончиликнинг ўзига хос жиҳатларини изоҳланг.
12. Хонликдаги маданий ҳаёт ва меъморчилик ҳақида нималарни биласиз?

6-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Абулғозий. Шажара-и турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992.
2. Абдурасулов А. Хива. Тарихий-этнографик очерклар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
3. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000.
4. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. . – Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
5. Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. – Тошкент: Ғ.Ғулом нашриёти, 1994.
6. Воҳидов Ш., Холикова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан (XIX – XX аср бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006.
7. История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.). Коллектив авт.– Ташкент: Фан, 2012.
8. Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида. – Тошкент, 2009.
9. Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Зубдату-т-таворих. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
10. Хорезм в истории государственности Узбекистана. – Ташкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013.
11. Худойберганов К. Ёзувларга яширган тарих. – Хива, 1996.
12. Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. – Тошкент: Фан, 1959.
13. Ҳасанов С. Хоразм маърифати – олам кўзгуси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
14. Эркўзиев А. Ўрта Осиё ва Ғарбий Европа ўртасидаги иқтисодий алоқалар ва савдо йўллари тарихи. – Тошкент: Yangi nashr, 2014.
15. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. Iжилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.

7-мавзу. Қўқон хонлиги.Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт (XVIII – XIX аср биринчи ярми)

Режа:

7.1 Қўқон хонлигининг сиёсий тарихи.
7.2 Хонликнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши ва аҳолиси.
7.3 Давлат бошқаруви. Мансаблар ва унвонлар.
7.4 Ер эгалиги муносабатлари ва солиқлар. Ҳунармандчилик, савдо-сотиқ.
7.5 Қўқон хонлигида маданий ҳаёт.
7.6 XVIII – XIX аср биринчи ярмида Тошкент.

7.1 Қўқон хонлигининг сиёсий тарихи

Қўқон хонлиги тарихига оид манбалар орасида шу давр тарихий воқелиги моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи қатор асарлар мавжуд. Улар орасида Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг "Мунтахаб ут-таворих", Мулла Ниёз Муҳаммаднинг "Тарихи Шоҳрухий", Мирза Олим Мушрифнинг "Ансаб-ул салотин ва таворих ул-хавоқин", Абу Убайдуллонинг "Хулосат ул-аҳвол", Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг "Тарихи жадидайи Тошканд", Муҳаммад Юнус Тоибнинг "Тарихи Алимқули лашкар", Аваз Муҳаммад Атторнинг "Тарихи жаҳоннамойи", Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг "Тарихи Азизий", Исҳоқхон Ибратнинг "Тарихи Фарғона", Мулла Олим Махдумнинг "Тарихи Туркистон", Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг "Хуллас ут-таворих", Муҳаммад Фозилбекнинг "Мукаммал тарихи Фарғона" каби асарларида Қўқон хонлигининг XVIII – XIX асрлар тарихи, турли ҳукмдорлар фаолияти, ички ва ташқи сиёсат, баъзи жойларида савдо-сотиқ, солиқ, бож ва молия тизимига оид маълумотлар ҳам жой олган.

Қўқон хонлиги тарихининг турли қирралари Р.Н.Набиев, Ҳ.Н.Бобобеков, Ҳ.З.Зиёев, Ш.Ҳ.Воҳидов, Г.А.Агзамова, Ф.Ғаффоров, Д.Сангирова, В.Ишқувватов, З.А.Илҳомов, Б.Я.Турсунов, Ў.А.Султонов, Ш.Ю.Маҳмудов, Ш.Т.Қўлдошев, З.Мадрахимов, М.Алиҳожиев ва бошқаларнинг илмий-татқиқот ишларида ҳам очиб берилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кейинги йилларда Қўқон хонлиги тарихига оид тадқиқотлар хорижлик муаллифлар томонидан ҳам амалга оширилди. Хусусан, қирғиз олимлари С.С.Соодонбеков, Т.К.Бейсембиев, турк тарихчиси М.Сарай, кореялик Ким Хондонг, инглиз олимлари М.Холдсворт, Б.Манс ва бошқаларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир.

XVIII асрнинг бошларида Аштархонийлар давлатида юзага келган оғир сиёсий вазият, ўзаро бошбошдоқлик, низо ва парокандаликнинг кучайиши Фарғона водийси ҳудудида Бухородан алоҳида бўлган янги давлатнинг юзага келишига олиб келди. Аштархонийларнинг давлат ҳудудларини ҳимоя қилишга ожизликлари, шимолдан кўчманчилар, хусусан, жунғорларнинг ҳужумлари ҳам водийда алоҳида давлат бирлашмасини ташкил этишга ундар эди. Натижада водийда кейинчалик "Қўқон хонлиги" деб номланган янги давлат ташкил топди.

1704 йили Чодак хўжаларининг Аштархонийларга қарши исёни унга туртки бўлиб хизмат қилган эди.

Маълумотларга кўра, минг уруғининг бошлиғи, тахминан 1669-1670 йилларда туғилган Шоҳрухбий ибн Ашур Муҳаммад (1709-1721) Чодак хўжалари қўлида бўлган сиёсий ҳокимиятни куч билан тортиб олиб, 1709/1710 йилда Фарғона водийсидаги минглар сулоласи ҳукмронлигига асос солди. Шоҳрухбий ўзининг келиб чиқишини "Олтин бешик" афсонасига боғлаган эди. Ушбу афсонага кўра, 1512 йили Бобур Фарғонада ўғил кўриб, уни водийда қолдиришга мажбур бўлган экан. Бола минг уруғи авлодида вояга етган ва уни "Олтин бешик" деб номлашган. Унинг ўғли Тангриёр кейинчалик "бий" унвонини олиб Фарғонани Бухоро хонлиги номидан бошқарган. Шоҳрухбий ўзини айнан Тангриёр авлодининг ўнинчи бўғини дея таништирган. Албатта, бу тўқиб чиқарилган афсона бўлиб, "Бобурнома"да ҳам унга ҳеч қандай ишора этилмаган. Шоҳрухбий ҳокимиятга келишда айнан шу афсонани достон қилиб, бошқа уруғлардан устунлигини намоён қилган. Шу вокелик билан ўзини ҳокимиятга даъвогар деб билган.

Аммо, унинг ҳокимияти хали аштархонийлардан тўла ёки батамом мустақил эмас эди. Чунки манбаларда Шоҳрухбийнинг номи аштархоний Абулфайзхондан сўнг тилга олиниб, Шоҳрухбийга Бухоро хони томонидан оталиқ унвони берилгани эслатилади. Кейинчалик, Шоҳрухбий Бухоро хонлигидан мустақил равишда сиёсат олиб боришга ҳаракат қилиб, минглар сулоласи тасарруфидаги ерларни кенгайтира бошлади. Тепакўрғон янги давлатнинг қароргоҳига айланди. Шоҳрухбий ҳукмронлиги даврида Қўқон, Наманган, Марғилон, Конибодом, Исфара ва уларнинг атрофларидаги ерлар минглар сулоласи қўлида бўлган. Шоҳрухбий 1721/1722 йиллар оралиғида ҳокимият борасидаги тортишувлар вақтида ўлдирилди. Унинг 3 нафар ўғли бўлган. Булар: Абдураҳимбий, Абдукаримбий ва Шодибийлар эди.

Шоҳрухбийнинг ўғли Муҳаммад Абдураҳимбий (1721-1733) тахтга ўтирганидан сўнг минглар тасарруфидаги ерлар яна кенгая бошлади. Абдураҳимбий 1724 йилда Андижонни, 1725 йилда Хўжандни, 1726 йилда Ўратепани босиб олиб, уларни хонлик ҳудудларига қўшиб олади. У киска муддат бўлсада 1732 йили Аштархонийларга қарашли Самарқанд ва Каттақўрғонни эгаллаб, Шаҳрисабзга ҳам таҳдид солган. Абдураҳимбий Қалъайи Раҳимбий қалъасини қурдирган. У 1733 йили суиқасд натижасида ўлдирилади.

1733-1750 йилларда ҳукмронлик қилган Муҳаммад Абдулкаримбий ибн Шоҳрухбий асосий эътиборини мудофаа ишларига қаратди. Пойтахтни Тепакўрғондан Қўқонга кўчиради. Абдукаримбий хонликнинг пойтахти Қўқонда Исфара, Қатағон, Марғилон, Ҳайдарбек номли дарвозалар қурдириб, шаҳар атрофини мустаҳкам девор билан ўратиб олади. Шу билан бирга у 1741-1745 йиллардаги қалмиқлар (жунғорлар) нинг Фарғонага қилган ҳужумларига зарба берди. Абдулкаримбий қалмиқларга қарши курашда қирғиз-қипчоқлар ва Ўратепа ҳокими Фозилбий юз ёрдамига таянди ҳамда хонлик мустақиллигини

сақлаб қолди*. Унинг ҳукмронлиги жангу жадаллар домида ўтганига қарамай, маълум қурилиш, ободончилик ишларига ҳам эътибор берилган. Хусусан, Абдулкаримбий Қўқонда сарой, мадраса, бозор барпо этган. Хонликнинг бошқа ҳудудларида ҳам маълум ободончилик ишлари амалга оширилган.

Абдулкаримбий 1750 йилда вафот этганидан сўнг, хонлик тахтига унинг ўғли Абдураҳмон ўтирди. Аммо, у тахтда беш ой ўтириб, сўнг Марғилонга ҳоким этиб жўнатилди. Тахтга Абдураҳимбийнинг иккинчи ўғли Эрдонабий ўтирди (1751-1752). 1753 йилда қалмиқларнинг тазйиқи ва талаби билан уларнинг қўлида гаров сифатида ушлаб турилган Бобобек (1752-1753) хонлик тахтига кўтарилди. Лекин, орадан бир йил ҳам ўтмай Ўратепа юриши вақтида Бобобек Бешариқда ўлдирилди ҳамда Эрдонабий (1753-1764) қайта Қўқон тахтини эгаллади. Хитойлик географларнинг маълумотларига кўра, унинг ҳукмронлиги даврида, 1759-1760 йилларда Фарғона тўртта мулк: Андижон, Наманган, Марғилон ва Қўқонга бўлинган бўлиб, улар ичида Қўқон етакчилик қилган. Тарихий манбалар Эрдонабийни жасур ва адолатли ҳукмдор дея таърифлашган. У хонлик ҳудудини кенгайтиришга ҳаракат қилган. 1758 йили навбатдаги юришдан сўнг Ўратепани қўлга олади. 1762 йили хонликка келган хитойлик элчилар Хитойнинг Туркистон ва Самарқандга юриш қилиш нияти борлигини, шу боис Қўқон хонини уларга от-улов, ем-хашак, аскарлар билан ёрдам бериши лозимлигини таъкидлайдилар. Хон бунга қарши чиқиб ён-атрофдагилар билан маслаҳатлашиб, Афғонистон ҳукмдори Аҳмадшоҳ Дурронийдан ёрдам сўрайди. Тўғри, гарчи Хитой юриши амалга ошмаган бўлса ҳам, лекин Эрдонабий унга қарши иттифоқ туза олишини маълум қилиб қўяди. Эрдонабийдан сўнг тахтга Шоҳрухбийнинг учинчи ўғли Шодибекнинг фарзанди Сулаймонбек ўтиради. Унинг тахтни эгаллашида уруғ оқсоқолларининг кўмаги катта бўлган бўлсада, у атиги 3 ой ҳукмдорлик қилди.

1764 йилда Қўқон тахтига Абдураҳмонбийнинг ўғли Норбўтабий (1764-1800) ўтирди. Норбутабий марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашда, бўйсунмас ҳокимлар қаршилигини бостиришда нисбатан муваффақият қозонади. У Чуст ва Намангандаги ғалаёнларни бостирганидан сўнг, бу шаҳарларга ўз одамларини ҳоким этиб тайинлайди. Норбўтабий бир қанча уринишлардан сўнг Андижон, Ўш, Хўжанд ва яқин атрофдаги қўшни ҳудудларни босиб олади. У 1799 йилда Тошкентни ҳам босиб олишга ҳаракат қилди, аммо унинг юборган қўшинлари мағлубиятга учради. Тарихий манбалар бу ҳукмдорни анча тадбирли ва зеҳнли ҳукмдор дея таърифлашган эди.

Норбўтабий даврида хонликда бир мунча барқарор вазият юзага келди. Бунинг натижасида иқтисодий ҳаёт, савдо-сотиқ, ички ва ташқи савдо алоқалари ривож топди. Шу даврда муомалага чиқарилган майда чака танга – пул (фулус) бутун хонлик бўйича хўжалик ҳаёт ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Янги сув иншоотлари, ариқлар барпо этилди. Натижада суғориладиган, ҳосилдор ерларнинг ҳажми анча ўсди. Рус сайёҳи Ф.Ефремовнинг ёзишига кўра,

* Пойтахт Қўқон шаҳрини мудофаа қилишда Ботир қипчоқ исмли йигитнинг қаҳрамонлиги алоҳида аҳамиятга эга. У душман қўшини ичига кириб олиб, унинг маълум қисмини йўқ қилишга муваффақ бўлди. Ўзи жангда қаҳрамонона тазда ҳалок бўлгач, унинг иши бутун хонлик ҳарбийларини руҳлантириб юборади.

Норбўтабийни шу даврда мустақил ҳукмдор сифатида Хитой ҳам тан олган ва у билан иттифоқчилик муносабатларига ҳам эга бўлган.

Норбўтабийдан сўнг унинг ўғли Олимхон (1800-1810) тахтга ўтириб, Қўқон хонлигининг сиёсий қудратини мустаҳкамлаш, мамлакат ҳудудларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берди. Натижада Қўқон хонлигининг сиёсий мавқеи ошиб борди. Олимхон даврига келиб Қўқон хонлигидаги давлат бошқаруви олдинги давлатлар бошқарув тизимидан деярли фарқ қилмас эди. Унинг даврида Қўқон давлати кучайиб бориши билан давлатнинг сиёсий мақоми ҳам ўзгаради. Агар Қўқоннинг дастлабки ҳукмдорлари "бий" ва "бек" унвони билан мамлакатни идора қилган бўлсалар, Олимхон давридан бошлаб ҳукмдорлар расман "хон" деб юритила бошланди. Олимхон 1805 йили ўз давлатини расман Қўқон хонлиги деб аташни жорий этади. У кучли ёлланма қўшин ҳам барпо этди.

Ўз даврида Олимхон ҳарбий юришлар қилиб ўзига янги вилоятларни, жумладан Оҳангарон воҳаси, Тошкент, Чимкент, Туркистонни бўйсундиришга муваффақ бўлди. У қисқа муддат Ўратепани ҳам эгаллади, Жиззах ва Зомингa юришлар қилди. Тошкент ва унинг атрофлари қўлга олингач, Россия билан савдо учун қулай вазият юзага келди. Олимхон савдо ва иқтисодий муносабатларни ривожлантириш мақсадида Сирдарё бўйида Оқмасжид қалъасини барпо этди. Ҳарбий ислоҳотлар ўтказиб, марказлашган ва кучли давлат тузиш учун ҳаракат қилаётган Олимхоннинг сиёсатидан норози бўлган айрим зодагонлар гуруҳи унга қарши фитна тайёрлай бошладилар. Олимхон ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида укаси Рустамбекни, бир нечта саркардаларни, дин пешволарини ўлдиртириб юборди. Манбаларнинг маълумот беришича, бу воқеалардан сўнг кучайиб кетган фитначиларга Олимхоннинг укаси Умарбек бошчилик қилган. Натижада, 1810 йилда Олимхон Тошкентдан Қўқонга қайтаётганда, Олтиқуш мавзесида ўғли Шоҳрухбек билан бирга Қамбар Мирза томонидан отиб ўлдирилади.

Манбаларга кўра, Умархон (1810-1822) ҳукмдорлиги даврида йирик ер эгалари, ҳарбий саркардалар ва руҳонийларнинг мавқеи янада ошади. У давлат бошқаруви ишларида изчил тартиб, қонун – қоидалар ўрнатди ва диний ишларни тартибга солди. 1818 йилда Умархон пойтахтда жоме масжидини битказиб, руҳонийларнинг розилиги билан "амир ал-муслимин" унвонини олади ҳамда ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимиятга эга бўлади. Ўша йили у ички сиёсатда аҳамиятли бўлган "мингбоши" лавозимини жорий этади.

Муҳаммад Ҳакимхон маълумотларига кўра, Умархон даврида Амир Темур ва Султон Ҳусайн Бойқаро замонига тақлидан унвон ва лавозимлар жорий этилиб, уларга ҳокимиятга яқин шахслар тайинланади. Шунингдек, Олимхон зулмидан қочиб кетган айрим амалдорлар Умархон хизматига қайтиб келиб, лавозимларни эгаллайдилар.

Манбаларнинг гувоҳлик беришига қараганда, Қўқон хонлигининг Ўрта Осиё минтақасидаги сиёсий жараёнлар ва ўзаро муносабатларга фаол аралашуви ҳам Умархон давридан бошланади. Ўз даврида Умархоннинг элчилари Хива, Хитой ва Усмонийлар давлатларига жўнатилганлиги маълум. Умархон Россия империяси билан ҳам дипломатик муносабатларни ўрнатишга ҳаракат қилди. Бу

борада у ўз элчиларини С.Петербургга жўнатади. Ушбу элчилик миссияси муваффакиятсиз тарзда якун топган бўлсада, империя 1813 йил май ойида Ф.Назаровни элчи сифатида хонликка жўнатади. Умархон Кўкон хонлиги ҳудудини кенгайтириш мақсадида Бухоро амирлигига қарашли Туркистон шаҳрини (1815 йил), Ўратепани (1817 йил) қўлга киритишга муваффақ бўлади. Сирдарё бўйларидаги ерларда Янгиқўрғон, Жулек, Қамишқўрғон, Қўшқўрғон номли қатор ҳарбий истеҳком қалъаларини қурдиради. Қатор фитна ва исёнлар, хусусан, Чимкент ва Сайрамдаги ғалаёнларга ҳам чек қўяди.

Н.Петровский Умархон ҳукмронлиги даври ҳақида қуйидаги маълумотларни беради: "Умарнинг хонлиги ҳам олдинги хонларникидек давом этди, яъни, у ўз ерларини кенгайтирди. Бу хон даврида Туркистон вилояти мусулмонларнинг Ҳазрат (Султон ал-орифин Аҳмад Яссавий дафн этилган) Туркистон шаҳри билан бирга забт этилди. Умархон халқ севиб ардоқлаган хонлардан бири бўлди. Қўқонда икки қатор шеър тарқалган бўлиб, унда Умархон ҳақида жуда илиқ ва яхши сўзлар айтилар эди".

Ўз даври муаррихлари Умархонни адолатли ва тақводор ҳукмдор сифатида таърифлашган. Умархон давлат ишларини тартибга солди, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ муносабатлари жонланди. Хоннинг ўзи шеърият ва адабиёт ихлосманди бўлиб, саройга ўз даврининг моҳир шоирлари, рассомлари, хаттотларини тўплади. Умархоннинг ўзи "Амирий" тахаллуси остида шеърлар ёзган, саройда 70 дан зиёд шоирларни йиғган. Унинг ҳукмронлиги даврида таълим тизими анча яхшиланди, қатор янги мактаб, мадрасалар очилди. Умархоннинг хотини Моҳлар ойим Нодирабегим тахаллуси билан машҳур шоира сифатида элга танилди. Нодирабегим нафақат шоира бўлиб қолмай, фан, адабиёт, санъат ҳомийси сифатида ҳам обрў қозонган эди. Унинг ҳукмронлик даврида Тошкент, Туркистон, Чимкент, Сайрам, Авлиёотада қатор қурилиш ишлари амалга оширилади, кўплаб масжид ва мадрасалар қурилади, йўллар, қабристонлар тартибга келтирилади.

1822 йилда Умархон касалланиб вафот этганидан сўнг, тахтга унинг ўғли Муҳаммад Алихон (Мадалихон, 1822-1842) ўтиради. Унинг ҳукмронлиги даврида Кўкон хонлигининг ҳудуди янада кенгайиб, қирғизларнинг баъзи туманлари хонликка қўшиб олинади ҳамда Кўлоб, Ҳисор, Бадахшон, Дарвоз, Масчоҳ каби вилоятлар Муҳаммад Алихон ҳукмронлигини тан олдилар.

Манбаларга кўра, Муҳаммад Алихон ҳукмронлигининг дастлабки йиллари анча одилона тарзда кечган. У 1826-1831 йиллар давомида Қашғарга юришлар қилиб, бу ердаги мусулмонларни хитойликлар зулмидан озод қилди ҳамда 70 минг уйғур мусулмонларини хонлик ҳудудига, хусусан Тошкент ва Фарғона водийсига кўчириб келтирди. Натижада дин пешволари Муҳаммад Алихонга "Ғозий" ("дин ҳомийси", "дин йўлида курашувчи") унвонини бердилар. Унинг Шаркий Туркистонга бир неча марта юришлари боис, у ерлардан бож олиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди. Ўз ҳукмронлиги даврида у маълум ижобий ишларга йўл очган бўлсада, лекин маълум амалдорларнинг танобини тортиб

қўйилиши, хоннинг маишатга хам берилиши турли норозиликларга сабаб бўлди. Муҳаммад Алихон отаси Умархон даврида юзага келган хон ва маҳаллий аслзодалар ўртасидаги иттифокни бузиб, кўплаб амалдорларни таъкиб эта бошлайди.

1840 йилда Муҳаммад Алихоннинг бош маслаҳатчиси, давлатни бошқарув ишларида катта тажрибага эга бўлган Ҳаккули мингбошининг тухматга учраб хон томонидан қатл этилиши шусиз хам қалтис бўлиб турган вазиятни янада кескинлаштириб юборди. Эндиликда хон давлат бошқаруви, ҳукумат ишларига лоқайд муносабатда бўлиб, кўп вақтини харамда ўтказа бошлади. Натижада давлат бошқарув ишларида юзага келган салбий ҳолатлардан умумий норозилик авж олиб, хонни ағдариш учун фитна тайёрлана бошланди.

Лекин ўз кучлари билан фитнани амалга оширишга кўзи етмаган бир гурух Қўқон амалдорлари бошка хон сайлаш мақсадида Бухоро амири Насруллога нома ёзиб, ундан ёрдам сўрашди. Қўқон хонлигига юриш қилиш учун баҳона тополмай турган Амир Насрулло бу таклифни тезда кабул қилиб, 1842 йил апрелда Қўқонга юриш қилди. Қўқон қўшинлари мағлубиятга учрайди. Қўқондан оиласи билан Наманган томонга кочган Муҳаммад Алихон тутиб келтирилиб, оиласининг бир қисми билан қатл эттирилди. Ушбу кирғинда таниқли шиора Нодирабегим ҳам ўлдирилди.

Амир Насрулло Қўқон хонлигининг Бухорога қўшиб олинганлигини эълон қилиб, Қўқонда ўз ноиби Иброҳим додхоҳ манғитни қолдиради. Аммо, Иброҳим додхоҳнинг Қўқон халқига ўтказган жабр-зулми, соликларнинг ҳаддан ташқари ошиб кетиши натижасида аҳоли қўзғолон кўтариб, Бухоро ҳукмронлигидан озод қилиш учун қипчоқларни ёрдамга таклиф этадилар. Қипчоқлар Муҳаммад Алихоннинг қариндоши Шерали бошчилигида Қўқонга келиб, бухороликларни тор-мор этдилар ҳамда Шералихон (1842-1845) тахтни эгаллади. Қипчоқлар эса шу вақтдан бошлаб узоқ вақт хонликда етакчи мавкега эга бўлдилар.

Қўқонда рўй берган воқеалардан хабар топган амир Насрулло 1842 йилнинг кузида яна Қўқон хонлигига юриш қилди. Аммо бу сафар омад унга кулиб бокмади. Муҳаммад Алихон даврида юзбоши бўлган Мусулмонқули қипчоқ Насруллонинг ишончига кириб Қўқонга келди. У қўқонликларни таслим бўлишга кўндириш ўрнига уларни бир тану бир жон бўлиб амир Насруллога қарши курашга чорлайди. Унинг маслаҳатига кўра Қўқонда ҳимоя воситалари кучайтирилди. Бир ойдан зиёдроқ Қўқонни қамал қилган амир Насрулло ўзига қарши суиқасд уюштирилаётлиги ҳамда хиваликлар чегарадаги Бухоро амирлиги қишлоқларига ҳужум қилаётганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб, Бухорога қайтишга мажбур бўлади.

Бухороликларнинг кетиши билан Қўқон хонлигида бир муддат тинчлик ва осойишталик юзага келди. Шералихон кекса одам бўлиб,қатор ижобий фазилатларга эга бўлган инсон эди. Унинг бу хулқ-атворидан нобоп кучлар хам ўз мақсадида фойдаланмоқчи бўлдилар. Шералихоннинг даврида барча давлат лавозимларини қипчоқлар эгаллаб, улар давлат бошқарувини ўз қўлларига олдилар. Аммо, 1845 йилда Бухородa бўлган Олимхоннинг ўғли Муродхон (Қўқонда 11 кун хон бўлган) амир Насруллонинг ёрдами билан Қўқонга келиб Шералихонни қатл этади ва тахтни эгаллайди. Бу пайтда Наманганда бўлган

мингбоши Мусулмонқули бу воқеадан хабардор бўлгач Шералихоннинг беш ўғлидан бири Худоёрхонни олиб Қўқонга келади ҳамда уни хонлик тахтига ўтказади (1845-1853, 1863, 1865-1875). 16 ёшга кирган Худоёрхоннинг ёшлигидан фойдаланган Мусулмонқули мамлакатни деярли ўзи бошқарди. Худоёрхоннинг биринчи хонлиги даврида иккита куч – ўтроқ аҳоли ва кўчманчи туркий қабилалар ўртасидаги ҳокимият учун кураш хонликнинг асосий муаммосига айланди.

Умуман олганда, XIX асрнинг ўрталарига келиб Қўқон хонлигидаги сиёсий жараёнлар ҳамда ички аҳвол янада оғирлашган эди. Бунинг сабаби биринчидан, ўтроқ аҳоли кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлган қипчоқлар ҳокимиятини тан олмаганлар. Хонлик ҳудудларидаги баъзи вилоят ҳукмдорлари Мусулмонқулга қарши чиқдилар. Иккинчидан, ҳокимиятда юқори мавқени эгаллаш ҳамда хонга таъсир ўтказиш учун қипчоқлар орасида ҳам ўзаро курашлар борарди. Бу курашларда қипчоқларнинг қулон уруғидан бўлган Мусулмонқули ҳам фаол иштирок этган. Учинчи сабаб эса, қипчокларнинг ўтроқ аҳолига нисбатан юритган сиёсати эди. Қипчоқлар ўтроқ аҳолига нисбатан беписандлик назари билан қараб, бошқа элат ва этник гуруҳларни камситганлар. Тўртинчидан эса, ташқи омил – Россия империясининг аста-секинлик билан хонлик ҳудудларига бостириб кириши сиёсий жараёнларнинг янада кескинлашувига сабаб бўлган эди.

1852 йилга келиб, Мусулмонқули ва қипчоқларга қарши кураш учун ўтроқ мулкдорлар ва тошкентлик зодагонлар Худоёрхон атрофида бирлашдилар. Бу кучлар ёрдамида Худоёрхон Мусулмонқулини 1853 йилда қатл этиб, унинг тарафдорларини йўқ қилгани билан тахт учун курашларга барҳам бера олмади. Бундай вазиятда хонликнинг ички аҳволи оғирлашиб, у фаол ташқи сиёсатдан ҳам анча орқада қолди. 1858 йилда Шералихоннинг иккинчи хотинидан бўлган ўғли Маллахон Худоёрхонни тахтдан ағдариб, ўзини хон деб эълон қилди. Маллахон ва Алиқули қирғиз бошчилигида янгидан тикланган кўчманчилар гуруҳи узоқ ҳукм сурмади. Айнан шу гуруҳ аъзолари Маллахонга қарши тил бириктириб, 1863 йил 25 февралда уни ўлдирдилар. Тахтга эса Худоёрхоннинг акаси Саримсоқбекнинг ўғли Шоҳмурод ўтқазилди. Лекин, қўшин бошлиқлари ва саройдаги кўпчилик амалдорлар унга қарши фитна уюштириб, Худоёрхонга яна тахтга ўтиришни таклиф этиб, одам юборадилар.

Бу пайда Маллахон ўлимини эшитган Худоёрхон амир Музаффарнинг рухсати билан Бухородан Жиззахга келган эди. Туркистон ҳокими Қаноатшоҳ ёрдамида қўшин йиғиб, 1863 йилнинг март ойида Жиззахдан Тошкентга келган Худоёрхон Қўқонга қарши юриш учун Тошкент қўшини билан Хўжандга келди. Бу орада амир Музаффар ҳам Бухоро лашкари билан Хўжандга келади. Худоёрхон Қўқонга ҳужум қилишни режалаштираётган пайтда, яъни, 1863 йилнинг 5 майида шаҳар аҳолиси унга шимолий дарвозаларни очиб бердилар. Натижада Қўқонда қирғин бошланиб, Шоҳмуродхон ўз тарафдорлари билан Марғилонга қочди. Худоёрхон иккинчи марта (1863 й.) тахтни қўлга киритди.

Аммо, хонликдаги қирғиз-қипчоқлар Косон ва Чуст атрофларида қўзғолон кўтардилар ва Тўрақўрғонга ҳужум қилдилар. Улар ҳатто Тошкент атрофларидаги қабила бошлиқларига нома юбориб мадад беришни сўрадилар.

Оқибатда Тошкент атрофида қозоқлар қўзғолон кўтариб, улар Тошкентни қамал қилдилар. Худоёрхон томонидан юборилган қўшинлар бу исёнларни бостиришга муваффақ бўлдилар. Аммо, мағлубиятга учраган қирғиз-қипчоқ бошлиқлари тахт учун курашни давом эттирдилар. Хусусан, Шодмонхўжа, Саид Маҳмудхонтўра, Аликулилар Султон Саидхон бошчилигида Марғилон томондан келиб Андижонни босиб олдилар ва унинг атрофларидаги Баликчи, Қува, Асака, Шаҳрихон, Ўш, Пойтуғ мавзеларини талон-тарож қилдилар. 1863 йил 26 апрелда Султон Саидхоннинг қўшини Мингтутга келиб, Қўқонни қамал қилди. Амир Музаффарнинг Худоёрхонга ёрдами туфайли қирғиз-қипчоқ лашкари Асака томонга кетиб, Қўрағулча дарасида ҳимояга ўтди. Қаттиқ курашлардан сўнг 1863 йилнинг 24 июлида Султон Саидхон Қўқон тахтини (1863-1865) эгаллади. Худоёрхон эса яна Бухорога қочди.

Хонликдаги ички низолар ташқи душманларга ниҳоятда қўл келган эди. Бундай вазиятдан унумли фойдаланган Россия империяси қўшинлари 1864 йилда Туркистон ва Чимкентни босиб олдилар. 1865 йил баҳорида улар Тошкентга яқинлашиб, Ниёзбек қалъасини эгалладилар. Узоқ қамалдан сўнг 17 июнда Тошкент эгалланди.

7.2 Хонликнинг маъмурий–ҳудудий тузилиши ва аҳолиси

XVIII аср охирларида хонликнинг ҳудуди фақат Фарғона водийсидан иборат бўлиб, бу даврда Норбўтабий водийдаги барча беклик ва вилоятларни ўз итоатига киргизиб, уларни Қўқонга бўйсундирди. Унинг даврида Андижон ва Марғилон вилоятлари водийдаги энг катта мулклар эди. Олимхон даврида хонлик ҳудудлари Тошкент ва унинг атрофидаги ерлар ҳисобидан анча кенгайди. Тарихий манбаларда Тошкент мулки - вилоят, шаҳар, Тошкент ва Дашти Қипчоқ вилояти номлари билан тилга олинади. Унинг ҳудудларига Оҳангарон, Чиноз, Тошкент атрофи, Сирдарё бўйларидаги Туркистон шаҳри ва унинг атрофлари кирган. Бу мулкнинг ҳокимлари манба ва ҳужжатларда ҳоким, ҳукмдор, волий, ноиб атамалари билан тилга олинади. Умархон даврида Хўжанд, Ўратепа ва Жиззах атрофидаги ерларга ҳам кетма-кет юришлар қилиниб, 1817 йилда Ўратепа босиб олинади.

Муҳаммад Алихон даврида хонликнинг ҳудудлари янада кенгаяди. Бу даврда хонлик шимолда Россияга қарашли Ташқи Сибирь округи билан, ғарбда Хива ва Бухоро амирлиги билан, жанубда Қоратегин, Дарвоз ва ундан узоқроқдаги ерлар – Шуғнон, Рўшон ва Вахон (бу ҳудуд расман Қўқонга қарам бўлган) Кўлоб билан, шарқда Қашғар билан чегараланган. Хонлик ерларига Сирдарё билан Қоратегин Ўртасида жойлашган Фарғона ҳудудлари, Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Наманган, Хўжанд ва бошқа шаҳарлар, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида жойлашган Қурама вилояти, Туркистон, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги то Балхаш кўлигача бўлган қирғизлар яшайдиган ерлар, кўчманчи қирғизлар яшайдиган Биллур тоғининг шарқий этаклари, 1830 йилдан бошлаб ғарбий этаклари ҳам кирган.

XIX аср манбаларида Қўқон хонлиги беклик, баъзан вилоят ва саркорлик сифатида тилга олинган маъмурий – ҳудудий қисмларга бўлинган ҳамда уларни

хон томонидан тайинланадиган беклар, ҳокимлар ва саркорлар бошқарган. Айрим манбалар Қўқон хонлигидаги 15 та бекликнинг номини келтиради. Булар: Қўқон ва унинг атрофи, Марғилон, Шаҳрихон, Андижон, Наманган, Сўх, Маҳрам, Булоқбоши, Аравон, Баликчи, Чортоқ, Навкат, Косон, Чуст ва Бобо дарҳон. "Туркестанские ведомости" (1876, №13) тўпламида эса Асака, Марғилон, Баликчи Ўш, Сўх, Косон ва Ўзган саркорлик сифатида ҳам тилга олинади.

Ҳокимлар ва ҳудудий бўлинма бошликлари хон оиласи аъзолари, унга яқин гуруҳлар, юқори табақа вакиллари ҳамда етакчи қабилалар сардорлари орасидан тайинланган. Мисол учун, Худоёрхон даврида еттита беклик хоннинг ўғиллари ва яқин қариндошлари томонидан бошқарилган. Ўз навбатида ҳокимлар вилоят ҳудудларини ўзларининг фарзандлари ва қариндошларига бўлиб берганлар. Қўқон хонлигининг маъмурий-ҳудудий бошқарув тизимида бек (ҳоким, волий) ва унинг ўрдаси алоҳида ўрин эгаллаган. Хон томонидан тайинланган ҳоким ва қози кўплаб ваколатларга эга бўлган.

Бек ўрдасида ҳам хон саройидагидек юзлаб амал ва унвонлар жорий этилган бўлиб, улар маҳаллий аҳолидан йиғиладиган солиқ ҳамда тўловлар ҳисобидан кун кечиришган. Беклар хоннинг итоаткор вассаллари бўлиб, мамлакатни идора этишида уни қўллаб-қувватлашлари, зарур бўлганда унга ёрдам беришлари, унинг ҳурмат-иззатини жойига қўйишлари, керакли вақтда ўз қўшинлари билан ҳарбий юришларда иштирок этишлари ва совға-саломлар юбориб туришлари лозим бўлган.

Қўқон хонлигида Қўқон, Тошкент, Андижон, Наманган, Марғилон, Чимкент, Жиззах, Ўш, Хўжанд, Ўратепа каби аҳолисининг сони жиҳатидан катта, ҳунармандчилик ва савдо ривожланган, мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ўнлаб шаҳарлар мавжуд бўлган. Хонликнинг пойтахти Қўқон шаҳри бўлиб, у мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий маркази эди.

XIX асрда хонликнинг чегара ҳудудларини бир неча қалъа ва истеҳкомлар муҳофаза қилган. Улар жумласига Оқмасжид, Авлиёота, Пишпак, Тўкмоқ, Ниёзбек, Маҳрам кабиларни киритиш мумкин. Чу водийси бўйлаб бунёд этилган истеҳкомлар эса нафақат чегара муҳофазаси учун, балки уларнинг атрофидаги шаҳар ва қишлоқларни итоатда ушлаб туриш учун ҳам хизмат қилган. Ушбу шаҳар ва қалъаларда ҳарбий қисм ҳамда уларга бошлиқ бўлган ботирбошилар бўлган. Мудофаа мақсадлари учун қурол ва аслаҳалар сақланган.

Хонлик таркибига кирувчи ҳудудлар аҳолисининг жойлашуви ва турмуш тарзи бир – биридан фарқ қилган. Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсининг суғорилиб деҳқончилик қилинадиган қисми аҳоли жойлашуви жиҳатидан зич бўлиб, улар ўтроқ ҳаёт кечирганлар. Саҳро, тоғ ва тоғ олди текисликларидан иборат ҳудудларда кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли яшаган.

Хонликдаги аҳоли сони ҳақида манбалар турли маълумотлар берадилар. Бу маълумотларга кўра, XIX асрнинг бошларида хонликда (Тошкент ва Туркистонни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) аҳоли сони 1 миллион, XIX асрнинг ўрталарида 1,5-2 миллион, XIX асрнинг иккинчи ярмида 3 миллион киши бўлган бўлса, Россия империяси томонидан кўплаб ҳудудларнинг босиб олиниши ҳамда

уларнинг мустамлака маъмурияти таркибига кириши натижасида хонлик тасарруфидаги Фарғона водийсида 2 миллионга яқин аҳоли қолгани тахмин қилинади.

Хонликда ўтроқ аҳоли кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолига нисбатан кўпчиликни ташкил этган. XIX аср бошларида аҳолининг 40 фоиздан ортиғи кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлса, шу асрнинг охирига келиб улар 15 фоизни ташкил этган. Хўжалик машғулотларига кўра, ўтроқ аҳолининг асосий қисми деҳқончилик, ҳунармандчилик, косиблик ҳамда савдо-сотиқ билан банд бўлса, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли чорвачилик билан шуғулланган.

Қўқон хонлиги аҳолисининг кўпчилиги ўзбеклар бўлиб, мамлакат шаҳар ва қишлоқларида тожиклар ҳам яшаган. Хонликда яна қирғизлар ва қипчоқлар ҳам истиқомат қилганлар. Улар Сирдарёнинг бошланиш жойларидан Балхаш кўлигача бўлган тоғли районлардан то Қашғар чегарасигача бўлган ерларда, Еттисув, Талас водийси, Олой тоғлари, Бадахшон, Фарғона водийси ҳудудларида кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт кечиришган. Бундан ташқари, Фарғона водийсида қорақалпоқлар, Андижон атрофларида уйғурлар, Тошкент атрофларида қозоқлар, хонликнинг шарқий қисмида, Қўқон хонлигини Бухоро ва Россиядан ажратиб турадиган чўлларда кўчманчи қозоқлар яшаганлар.

Манбаларнинг маълумотларига кўра, XIX асрнинг бошларида қирғизлар, қалмиқлар, уйғурлар, қорақалпоқ, қозоқ ва қипчоқлар Хитой ҳукумати тазйиқи остида Шарқий Туркистондан Фарғона водийсигача кўчиб келишга мажбур бўлганлар. Шунингдек, хонликнинг айрим шаҳарларида лўлилар, хиндлар, афғонлар, араблар ва бошқа Осиё халқлари истиқомат қилганлар. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топганидан сўнг руслар, яҳудийлар, арманлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшаганлар.

7.3 Давлат бошқаруви. Мансаблар ва унвонлар

Ўзбекларнинг минг қабиласи (уруғи) бошликларидан бири Шохрухбий асос солган Қўқон хонлигидаги давлат бошқарув тизими ўрта асрларда Мовароуннаҳрда ҳукм сурган мусулмон давлатлари бошқарув тизимидан деярли фарқ қилмас эди. Хонликда Бухоро амирлигида бўлгани каби Амир Темур даврида шаклланган ҳамда Шайбонийлар даврида қисман ислоҳот қилган давлат бошқаруви ва тизими мавжуд бўлган. Хонликда энг олий ва марказий унвон хон унвони бўлиб, унинг ҳукуқи чекланмаган. Фармон бериш ва унинг бажарилишини назорат этиш хоннинг қўлида бўлган.

Хонликнинг минг қабиласидан бўлган ҳокимлар турли йилларда маълум ҳудудларда ҳам ҳукм сурганлар. Олимхон давригача минг уруғи бошликлари бий унвони билан ҳокимиятни бошқарганлар.

Хон авлодлари хонзода, амирзода, мирзода, шаҳзода, тўра деб аталганлар. Хонликдаги давлат низоми мутлақ якка ҳокимлик бўлиб, хоннинг ўзи чекланмаган ҳокимиятга эга бўлсада, маълум тарихий даврларда унинг салоҳияти ва ҳокимияти чекланиб, сарой амалдорлари ҳамда қўшин бошликларининг хонга таъсири кучли бўлган. Бунга Мусулмонқулининг мингбоши ва оталиқ бўлган даврини (Худоёрхон даврида, 1844-1852) ёки

Алиқулининг амирлашкарлик ва вазирлик даврини (Султон Сайидхон, 1863-1865) мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ҳолат хоннинг сиёсий куч қудрати маълум иқтисодий асосларга ҳамда маълум ижтимоий гуруҳлар фаолиятига боғлиқ бўлган дейишга асос бўлади.

Мамлакатда хон энг катта ва йирик мулкдор бўлиб, хонлик ҳудудидаги барча бойликларга, ер, сув, қўриқ ерлар, кўлу анҳорларга эгалик қилган. Улардан келадиган закот, хирож, танобона ва бошқа солиқлар шаклидаги даромадлар хон хазинасини мунтазам равишда тўлдириб турган. Хон ва унинг қариндошлари, сарой аҳли ва маъмурият, қўшинлар ва қўшин бошликлари асосан солиқлар ҳисобидан рағбатлантирилган.

Тарихий манбалар берган маълумотларга кўра, хон саройида мингбоши бошчилик қиладиган кенгаш тузилган бўлиб, бу кенгаш саройдаги давлат аҳамиятига молик муҳим ишларни кўриб чиққан. Дастурхончи, рисолачи ва бошқа муҳим амалдорлар аъзо бўлган ушбу кенгаш давлат бошқарувида муҳим аҳамиятга эга эди.

Қўқон хонлигида асосан Олимхон, Умархон ва Муҳаммад Алихонлар даврида (1798-1842) давлат бошқаруви ва давлатчилик ички ва ташқи сиёсат анча барқарор ҳамда нисбатан тинч ривожланган. Аммо, XIX асрнинг ўрталарига келиб Қўқон хонлиги инқирозга учрай бошлайди. Ушбу инқирознинг асосий сабаблари сифатида ўтроқ халқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги қарама-қаршиликлар, ўзаро низо ва урушлар, хон тахти учун олиб борилган курашлар, Бухоро амири билан бўлган низолар ва душманлик, сарой амалдорларининг хоинликлари кабиларни кўрсатиш мумкин. Буларнинг натижасида иқтисодий ҳаётда тараққиёт даражаси пасайиб, ижтимоий тарқоқлик кучайиб борди ва давлат инқирозга юз тутди.

Қўқон хонлигида унвонлар ва мансаблар улар ижрочиларининг вазифалари ҳамда мартабаларига қараб ҳарбий, ҳарбий-маъмурий, сарой унвон ва мансаблари ҳамда маъмурий вазифалари, диний мансаб ва унвонлар ҳамда диний қозихона амалларига бўлинар эди. Хон саройида қуйидаги ҳарбий мансаб ва унвонлар жорий этилган:

- амир ул-умаро – амирлар амири. Хон томонидан кенг ваколатлар берилган (давлатдаги муҳим ишлар, амалдорларни амалга қўйиш ва олиш, давлатдаги ички тартибни сақлаш, саройдаги тартиб – интизом кабилар) шахс бўлиб, хондан кейинги энг юқори мансаб ҳисобланган;
- амирлашкар – амир ул-умародан кейинги мансаб. Қўқон хонлигида мингбоши ҳарбий унвонининг вазифалари, даражаси амирлашкарликка тенг бўлган;
- мингбоши – маъмур сифатида минг нафар отлиқ аскар берадиган мулкнинг ҳокими. Бу унвондаги шахс ҳарбий юришлар вақтида қўшинни бошқариб, лашкарбоши унвонини олган. Бу унвоннинг эгаси вазирликка ҳам даъвогар бўлган. Бу унвон Шералихон даврида (1842-1845) юқори даражадаги вазифага айланиб кетган;
- ботирбоши – ботир, баҳодирлар бошлиғи. Беш юз кишидан кўп лашкарга бошчилик қилган. Вилоятларда ботирбоши ҳарбий ва қўшин ишларига

масъул эди. Ботирбоши баъзан қурилиш ҳамда суғориш ишларига ҳам бошчилик қилган. (Улуғ наҳр ариғи, Отабек ботирбоши);

- қўшбеги – ҳарбий қўшиннинг бошлиғи. Бу мансаб юриш ва жанг вақтларида берилиб, унинг эгаси мингбоши унвонини олишга даъвогарлик қилган ҳамда алоҳида вилоятга ҳам ҳоким бўлиши мумкин эди;
- воли ёки волий (ноиб, муовин) – тобе этилган вилоят ва туманларда хоннинг ўринбосари. Вилоятларда лашкар унга итоат этган ҳамда у вилоятнинг ҳарбий маъмурий ишларига бошчилик қилган;
- қалъабон ёки қутвол – Қўқон хонлигининг чегараларида жойлашган қалъа ва истеҳкомларининг ҳокими бўлиб, шу ҳудудларнинг ҳарбий-маъмурий, хирож ва бож олиш ишларига жавобгар бўлган. Ҳарбий мақсадга кўра, қалъабон вазифасига додхоҳдан қўшбегигача бўлган шахслар тайинланган;
- қўрбоши – қўрхона яъни аслаҳахона бошлиғи. Бу мансаб эгаси хон ва мингбошига итоат этган. Қўрбоши қўрхона, милтиқхона, тўпхоналарга бошчилик қилиб,хомашё топиб келишдан тортиб то тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни хон қарорига биноан тарқатиб бериш жараёнига жавобгар бўлган;
- ёфар – соқчилар бошлиғи. Бу мансаб эгасининг гурухи юз нафар аскардан иборат бўлган. Ёфар ўз гуруҳининг ҳисоб-китоби, йиллик харажатини аскарлари учун хазинадан олиб берган. Манбаларда ёфарлар ғаллагир (ғалла олувчи), жавгир (буғдой олувчи) ва сарпо олувчи сифатида ҳам қайд этилган;
- тўпчибоши – тўпчилар, замбаракчилар гурухи бошлиғи;
- тўқсабо – ўзларининг туғига эга бўлган ҳарбий гуруҳнинг бошлиғи;
- понсадбоши – беш юз нафар аскардан иборат гуруҳ раҳбари;
- юзбоши – юз кишилик ҳарбий даста бошлиғи;
- панжоҳбоши – элликбоши, эллик нафарли ҳарбий гуруҳ бошлиғи;
- даҳбоши – ўн кишилик ҳарбий гуруҳ бошлиғи;
- қоровулбеги – соқчилар ва қоровуллар бошлиғи.

Ҳарбийлар қаторига аскар, сарбоз, нукар, сипоҳи, мерган, маҳрам, ботур, тўпчи, занбарчи, қўрчи, қоровул кабилар ҳам кириб, қўшин сафида, ноғорачи, сурнайчи, тўғчи (байроқдор) кабилар ҳам хизмат қилганлар. Бу ҳарбий унвонлар орасида мингбошидан понсадбошигача бўлганлари олий унвонлар, қўрбошидан қоровулбошигача бўлганлар ўрта унвонли мансаблар, қолганлари эса паст унвонлар ҳисобланган. Элликбошидан мингбошигача бўлган ҳарбий лавозимдаги амалдорлар ўз хизматларига мулозимлар олганлар. Понсадбошидан юқори мансабдаги ҳарбийларга яна мирзолар ва муншийлар ҳам хизмат қилган. Манбаларда ҳарбийларга саройдан йилига турли ҳажмдаги маош берилганлиги қайд этилган.

Қўқон холигидаги сарой унвон ва мансаблари қуйидагилар эди:

- Оталиқ – хон ёки хонзоданинг мураббийси, уларнинг ҳомийлари. Улар тарбиялаган хонзода тахтга ўтирганидан сўнг, оталиқлар ҳам юқори мансаб ва унвонларни эгаллаганлар.
- Бекларбеги – бекларнинг беги. Бу унвон хоннинг ворисига ёки баъзи вилоятларнинг ҳокимига берилган.
- Бий – туркий қабилаларнинг бошлиқлари.

- Девонбеги – хон девонининг бошлиғи, Қўқон хонлиги вилоятларидан Тошкент ва Дашти қипчоқ мулкида ҳам девонбеги мансаби бўлган.
- Хазиначи – давлат хазинасининг ҳисоб-китобига жавобгар шахс. Хазиначилар вилоят марказларида ҳам фаолият юритган.
- Инок – хоннинг хос ва сирдош мулозими.
- Эшикоғаси ёки чеҳраоғаси – эшик олдидаги соқчи, посбон. Хон маҳрамлари ва соқчи-мулозимларининг бошлиғи. Нотаниш кишиларни хон ҳузурига ижозатсиз қўймасликка жавобгар шахс.
- Парвоначи – бу унвон эгаси хон номига келган хат ва аризаларни саройга олиб кириб, жавобини олиб чиққан. Бу унвон бошқа унвон соҳибларига ҳам берилган.
- Додхоҳ – хон олдига фуқароларнинг ҳоҳиш-истак ҳамда мақсадларини баён этиш ҳуқуқига эга мансаб, сарой унвони.
- Дастурхончи – хон дастурхонига, умуман, ошхонасига жавобгар сарой мансаби.
- Сарой қоровулбегиси – хон ўрдасининг соқчиларига бошлиқ бўлган сарой амалдори.
- Тунқатор – тун бўйи уйғоқ бўладиган соқчи. Хоннинг дам олиши ва юришлари вақтида қўриқчилик қилиб, хоннинг яқин кишиларидан тайинланадиган амалдор.
- Офтобачи – хоннинг хос мулозимларидан бўлиб, унинг ювиниши ва таҳорати вақтида хизмат қиладиган амалдор.
- Шарбатдор – энг олий ва фахрий унвонлардан бўлиб, хоннинг хос мажлислари ва сафарларида хизматда бўлган.
- Ҳидоячи – хон саройига юборилган тортиқ ва совғаларни қабул қилиб олиб, хон назаридан ўтказувчи амалдор.
- Шиғовул – саройга ташриф буюрган элчилар ва чопарларни хон ҳузурига бошлаб кирувчи амалдор. Манбаларга кўра, бу мансабдаги амалдорнинг вазифалари кенг бўлган.
- Саркор – саройдаги хон амалдорларининг бошлиғи. Бу мансабдаги шахс хонга тегишли шифохоналар, корхоналар ҳамда қурилиш ишларига ҳам бошчилик қилган.
- Қушбеги (мири шикор) – ов пайтида хонга ҳамроҳлик қиладиган мансаб эгаси. Қушбегининг овчи итлари, лочин ва бургутлари бўлиб, ов пайтидаги хоннинг дам олиш жараёнларига ҳам бу шахс жавобгар бўлган.
- Саломоғаси – хон номидан халққа салом берувчи.
- Китобдор – сарой китобхонаси учун жавоб берадиган амалдор.
- Рисолачи – элчилар ва уларнинг хат-хабарларига жавоб бериш учун масъул бўлган сарой амалдори.
- Жамъоға – хоннинг суҳбати, қабули ҳамда базмларига иштирок этувчиларга хабар бериб, чақириб келадиган сарой амалдори.
- Жарчи – халқ йиғиладиган оммавий жойларда хоннинг фармон ва буйруқларини жар солиб (баланд овоз билан) эълон қиладиган шахс.

- Чопқучи – пичоқ ясовчи, хон саройидагилар учун қуроллар (пичоқ, ханжар қилич) ясаб, кўрчи вазифасини ҳам бажарган.
- Шотир – хон рикоби олдида юрадиган хизматчи, одамларни хон келишидан хабардор этиб, уларни таъзимга чорлаб турган.
- Удайчи – хонрикоби олдида юриб, унинг шаънига баланд овоз билан мақтовли сўзлар ва ҳамду санолар айтиб борувчи хизматчи.

Юқоридаги амал ва мансаб эгалари ўз хизматлари эвазига йиллик маош (пул, от, қўй, ғалла кўринишида) олганлар. Бундан ташқари, уларга тегишли ер-мулклар ҳам берилган.

Бутун ўрта асрлар мусулмон давлатларида бўлгани каби Қўқон хонлигидаги мусулмон руҳонийлари ҳам алоҳида имтиёзларга эга бўлган ижтимоий табақа ҳисобланган. Хонликдаги давлат бошқарувида, таълим – тарбияда, суд ишларида ҳамда жамият ҳаётининг турли соҳаларида уларнинг фикри катта аҳамият касб этган. Қўқон хонлигида қўйидаги диний ва қозихона мансаб, унвон ҳамда амаллари мавжуд бўлган:

- Шайх ул-ислом – диндорларнинг энг олий унвони бўлиб, 1818 йилда Умархон томонидан жорий этилган.
- Хўжа калон – фиқх олими (ҳуқуқшунос) нинг фахрий унвони.
- Халифа – ўринбосар. Қўқондаги нақшбандия, қаландария, яссавия тариқатларининг раҳбарлари.
- Аълам – фақих олим ҳамда шариат қонун – қоидаларнинг билимдони.
- Охунд – билимли ва мадрасада ўқийдиган киши.
- Судур – вақф мулкларининг даромадлари ҳамда ҳисоб – китобига жавобгар мансабдор.
- Ўроқ – вақф ерларининг хирож ва солиқларига масъул шахс, ўроқ шаклидаги нишонни салласига тақиб юрган.
- Мударрис – мадрасада таълим берувчи устоз.
- Имом ва имом хатиб – масжид имоми ҳамда жума намозларида хутба ўқиб хизмат қиладиган имом.
- Муаззин – мусулмонларни намозга чақирувчи, азон айтувчи.
- Қози ул – қуззот – қозилар қозиси (адлия вазири).
- Қози калон – хонлик пойтахти ҳамда вилоятлар марказларидаги қозилар ва қозихоналар устида назорат қилувчи амалдор.
- Қозии аскар – қўшин қозиси.
- Таракачи – мерос қолган мол-мулкларни меросхўрларга тақсимлаб (тарака) берувчи шахс.

Хонликдаги диний ва қозилик лавозимида бўлганлар давлат томонидан белгиланган маош ҳамда турли эҳсонлар ҳисобидан кун кўрганлар. Мадраса, масжид, мозорлар ўзларининг вақф мулкларига эга бўлиб, шу мулк даромадидан ўз хизматчиларига маош берганлар. Вақф мулкларига мутавалли мутасадди – бошлиқ эди.

7.4 Ер эгалиги муносабатлари ва солиқлар. Ҳунармандчилик, савдо-сотиқ

Қўқон хонлиги хўжалик ҳаётининг асосини ташкил қиладиган соҳа деҳқончилик эди. Чунки хонликнинг асосини ташкил этган Фарғона водийсида сув манбаларининг етарли даражада бўлганлиги деҳқончилик хўжалигида мўл ҳосил бўлишни таъминлаган. Хонликда XVIII асрга қадар ерларни суғориш учун сойлар ва жилғаларнинг сувларидан ҳам унумли фойдаланилган.

Хонликдаги тахт учун ўзаро курашлар ҳамда сиёсий тарқоқлик давом этаётган бўлишига қарамай XVIII аср иккинчи ярмидан бошлаб айрим туманларнинг суғориш тармоқлари таъмирланган ва янгилари қазилган. Чунки, хонликда ип ва газлама ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши, бу маҳсулотларни Россия ва у орқали Шарқий Европа мамлакатлари бозорларида кўплаб сотила бошлаши, уларга бўлган талабнинг тобора кучайиб бориши суғорма деҳқончилик ерларини кенгайтириш ҳамда янги ерларни ўзлаштиришни тақозо қилар эди.

Шунинг учун ҳам XIX аср Қўқон хонлигида хусусан, Фарғона водийсининг суғорилиши тарихида янги даврни бошлаб бердики, айнан шу даврдан бошлаб, водийда йирик суғориш иншоотлари, ариқлар, каналлар, тўғонлар қурила бошланган. Масалан, Сирдарёнинг асосий ирмоқларидан бўлган Норин ва Қорадарёлардан сув оладиган Шаҳрихонсой канали, Наманган Янги ариғи, Чинобод ариғи, Улуғнаҳр, Андижонсой канали, Олтиариқ, Мутаган ариғи ва бошқа суғориш тармоқларининг кўпайиши, суғориладиган далаларнинг сезиларли даражада кенгайиши ҳамда деҳқончилик ва боғдорчиликнинг ривожланишига олиб келган.



Қўқон хонлиги тангалари. XIX аср.

Қўқон хонлигида суғориш иншоотларини барпо этишнинг маълум тартиб – қоидалари мавжуд бўлган. Чунончи, суғориш тармоқлари ва уларни барпо этиш ишлари икки гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳга ҳажм жиҳатдан кичик суғориш иншоотларидан фойдаланувчи кишлоқ аҳолиси иштирок этган. Уларга маҳаллий мутасадди кишилар, мироббошилар бошчилик қилган. Иккинчи гуруҳ суғориш иншоотларига ҳажм жиҳатдан катта ва йирик каналлар киритилиб, уларни бунёд қилиш ишларига хонликнинг турли вилоятларидан қазувчи – ҳашарчилар жалб этилган. Бундай иншоотлар қурилишига бевосита хон ёки жойлардан унинг вакили бошчилик қилган.

Хонликда деҳқончилик экинларининг аксарияти Ўрта Осиё хонликларига хос бўлиб, ғаллачилик, боғдорчилик, сабзавот ва полиз маҳсулотлари

етиштириш ҳамда ипакчилик яхши ривожланган. Донли экинлардан маккажўхори етиштириш кенг тарқалган бўлиб, у шаҳар ва қишлоқларда камбағалларнинг асосий истеъмол маҳсулоти ҳисобланган. Шунингдек, XIX асрга келиб хонликда пахтачилик соҳасига катта эътибор берила бошланган.

Хонлик ғарбий қисмининг табиий шароитида боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун жуда қулай бўлган. Жануби-ғарбий Хўжанд, Конибодом, Исфара, Сўх, Чимён, Риштон ҳудудлари асосан ўрик етиштиришга тўла ихтисослашган. Бу даврда бутун Фарғона водийсида тут дарахти кенг тарқалиб, тоғ олди ва қадимги деҳқончилик воҳаларидан ҳисобланган Сўх, Исфара, Наманган, Аштда ипакчилик учун тут қадимдан ўстириб келинган.

Хонликда ер ва сув ҳукмрон табақаларники ҳисобланиб, ерга эгалик қилишнинг тўртта тури мавжуд бўлиб улар қуйидагилар эди: 1. Хирож ерлари – ер эгаларининг хусусий ерлари. 2. Давлат ёки амлок ерлари – хонга қарашли ерлар – ўрмонлар, тўқайлар, йўлу-кўприклар. 3. Хусусий ерлар – хоннинг махсус фармойиши билан йирик амалдорларга берилган ерлар (суюрғол). 4. Вақф ерлари – диний муассалар, яъни, масжид, мадраса ва мозорларга қарашли ерлар.

Манбаларга кўра, амлок хон ихтиёридаги ер бўлиб, у "замини хос", деб аталган. Бундай ерлар хон томонидан айрим гурух ва мансабдор шахсларга берилган. Ерни олган киши унга ўз ҳисобидан ишлов бериб, суғорган. Олган ҳосилидан эса хонга солиқ тўлаган ва бу солиқ миқдори хирождан кўпроқ бўлган.

Ерга эгалик қилишда мулк, ижара, урғу, танҳо шаклларидан ҳам фойдаланилган. Мулк – бойларга қарашли хусусий ерлар бўлиб, улар деҳқонларга ижарага берилган. Маълумотларга кўра, ижара – муайян шартлар асосида бериладиган барча кўчмас ва кўчадиган мулк – ер, ариқ, тегирмон, тим, раста, улов ва бошқаларни ўз ичига олган мулк шакли бўлса, урғу – мусодара қилиш йўли билан хон мулкига айлантирилган ёки гуноҳкорни кўлга олишда жонбозлик қилган шахсларга берилган ер ва мол-мулкдир.

Танҳо – ҳукмдор томонидан алоҳида хизмат кўрсатган кишиларга амлок ерлардан баъзилари инъом этилиши туфайли пайдо бўлган мулк шакли бўлиб, бундай ерларда солиқ йиғиш ҳуқуқи танҳо эгалари – танҳодорларга берилган. У ўзига берилган ер, бир нечта қишлоқ, ҳатто, катта мулкнинг йиллик ёки ярим йиллик даромадини ҳадя сифатида олган. Баъзан, амалдорлар бир умр танҳодор бўлган ва ўғли хон марҳаматига сазовор бўлса, танҳодорлик мерос сифатида давом этган. Ҳарбийларга танҳо ёки хирож тақдим этилса, у тархон деб аталган.

Бу даврда хонликнинг даромади маҳсулот ва пулдан иборат бўлиб, улар асосан солиқлар ундириш йўли билан ҳосил қилинган. Солиқ ва мажбуриятлар хонликнинг барча шаҳар ва қишлоқларида деярли бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Мамлакатда мавжуд солиқлар жорий этилишига кўра, тўрт турга: шариат қонун-қоидаларига биноан белгиланган асосий солиқлар; расмий солиқлар; анъанавий солиқлар; фавқулодда жорий этилган солиқлар ва бошқалар.

Манбаларга кўра, шариат қонун-қоидалари асосида жорий этилган асосий солиқлар – хирож, ушр ва закот ҳисобланган. Деҳқончиликда донли экинлар экиладиган ерлардан олинадиган солиқ – хирож деб аталган. Бу солиқ ҳосилнинг

бешдан бир қисмини ташкил этиб, 5 қоп ғалланинг бир қоп миқдорида ундирилган. Солиқнинг бир қисми махсулот, бир қисми эса пул билан тўланган.

Ушр ерлари – "замини ушр" деб юритилган ерлардан хосилнинг ўндан бир қисми миқдорида ушр солиғи руҳонийлар фойдасига ундирилган. Закот – махсулотдан олинадиган савдо солиғи ёки чорва моллари ҳисобидан олинадиган солиқ бўлиб, даромаднинг қирқдан бир қисмини ташкил этган. Хонликнинг савдогарлик сармоялари аниқ бўлмаганлиги сабабли, шароитга қараб даромаддан закот олинган. Шунингдек, чорва молларидан ҳам қирқдан бир улуш ҳисобида закот олинган. Архив ҳужжатларида анъанавий закотдан ташқари – бўроқи закоти, элатия закоти, саркарда закоти кабилар ҳақида маълумотлар бор.

Хонликда жорий этилган танобона, хонсолиқ, карвонлардан чегара ёки махсус белгиланган шаҳарларда, Сирдарё кечувидан олинадиган бож тўловлари, туз божи, бозорларда савдогарлардан, хон маблағига қурилган барча иншоотлардан олинадиган солиқ кабилар расмий солиқларга кирган. Боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчиликда экин экиладиган ер майдонининг ҳажмига қараб таноб солиғи олинган. Солиқ йиғувчи амалдор танобчи (ҳар бир таноб ердан солиқ олувчи), закот солиғини йиғувчи амалдорлар закотчи деб аталган.

Анъанавий солиқларга тўй маросимларидан, мерос бўлинишидан, тарозидан, дарёдан ўтиш учун соллардан, қирғиз ва козоқларнинг чорвасидан олинадиган ва шунга ўхшаш солиқлар кирган. Хонликда булардан ташқари яна турли хил фавқулодда солиқлар мавжуд бўлиб, у тилла пули ва мис пули, улов пули, алаф пули, нафсона, муштак, кафсан, яксара ва бошқалардир.

Солиқлар қатъий белгиланган миқдорда ҳамда ўз вақтида йиғилиши шарт бўлсада, хон ва амалдорларнинг ихтиёри билан бу ҳолат ўзгариб турган. Ҳарбий ҳаракатлар пайтида, айниқса, солиқларнинг тури ва миқдори оширилган.

Хон хазинасига келиб тушган солиқлар – хоссачи, бек хазинасига тушган солиқлар – беклик деб аталган. Манбаларга кўра, хон ихтиёридаги ерлар "замини хос"деб аталиб, ундан келадиган барча даромад хоннинг ихтиёрида бўлган. Хон хазинасига тушадиган солиқларнинг деярли барчаси Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқлардан йиғилган. Четдан хон ихтиёрига махсулот ва чорвадан йиғиладиган закот, Сирдарё кечувдан олинадиган бож , туздан, хоссачи жойлардан , хон маблағига қурилган барча иншоотлардан олинадиган солиқ, тўй маросимларидан ва мерос бўлишдан йиғиладиган солиқлар тушган.

Қўқон холигида солиқлардан озод қилинган, яъни, "мулки ҳур" ерлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг эгалари бўлган сайид, хўжалар, шайхлар ва эшонлар хоннинг махсус иноятномалари асосида барча солиқлардан озод қилинганлар. Шунингдек, хонзода ва тўралар, баъзи қози, раис, амин, дарвеш ва сўфилар ҳам таноб солиғидан озод қилинган.

Солиқлардан ташқари аҳоли мажбурий равишда турли ишларга – каналлар қазиш, ариқларни тозалаш, ободончилик ишлари, турли қурилишларга, айниқса, ҳукмрон табақаларнинг хизматларига жалб этилган. Солиқ, тўлов ва мажбуриятларнинг йилдан йилга ошиб бориши натижасида Қўқон хонлигида халқнинг норозилиги ортиб бориб, хонликдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви давлатнинг сиёсий инқирозини таъминлаб берган эди.

Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ. Қўқон хонлигида мамлакат пойтахти ва бошқа кўплаб шаҳарлар аҳолисининг асосий қисми ҳунармандчилик ва косибчилик ва шуғулланганлар. Ҳунармандчилик шаҳарларда ихтисослашган кўринишга эга бўлиб, буюмларнинг бир тури ва бирор қисмини ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар мавжуд бўлган. Ҳунармандлар ўз касбларининг сир-асрорларини мукаммал ўзлаштирган моҳир усталари бўлиб, ишлаб чиқарган маҳсулотларини юксак санъат даражасига кўтарганлар.

Хонликнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларида ҳунармандчиликнинг тараққиёти бир хил бўлган бўлсада, ишлаб чиқариш ўзининг айрим хусусиятлари, яъни, маҳсулотнинг тури, сифати билан ажралиб турган. Ҳунармандчиликнинг темирчилик, заргарлик, тўқувчилик, дегрезлик, кулолчилик, мисгарлик ва бошқа тармоқлари кенг ривожланган бўлиб, хонликнинг ҳар бир шаҳри муайян соҳада ишлаб чиқарган маҳсулоти билан донг таратган. Мисол учун, Қўқон шаҳри заргарлик ва қоғоз ишлаб чиқариш, Шаҳрихон ва Чуст тикувчилик ҳамда темирга ишлов бериш, хусусан, пичоқчилик, Марғилон, Наманган ва Андижон эса ипак газламалари, Тошкент ўзининг тикувчилик, тўқувчилик, чўян, темир-мис маҳсулотлари билан машҳур бўлган.

Бутун хонлик ҳудудида ишлаб чиқариш қўл меҳнатига асосланган бўлиб, асосий ҳунар турлари – ип ва ипак матолар тўқиш, оёқ кийим тайёрлаш, терига ишлов бериш, кулолчилик маҳсулотлари тайёрлаш, темирчилик, эгар-жабдуқ ясаш, бўёқчилик, мисгарлик, заргарлик, дурадгорлик, аравасозлик, харбий қурол ишлаб чиқариш, ўймакорлик, мум ишлаш, писта кўмир тайёрлаш, каштачилик, дўппичилик, пичоқчилик кабилар эди. Ундан ташқари, хонга тегишли порох ишловчи ва қоғоз тайёрловли устахоналар ҳам бўлган.

Хонликда қуролсозликка алоҳида эътибор қаратилган.Бу тармоқ шаҳар ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг обрўли соҳаларидан бўлиб хисобланган. Қўқон шаҳрида замбараклар, милтиқлар, қиличлар, пичоқлар, ханжарлар, қалқонлар, найзалар ва бошқа ҳарбий анжомлар тайёрланган.

Хонликнинг ҳунарманд-косибчилиги серқирра ва мазмунан бой бўлиб, ижтимоий ҳолатига кўра ҳунармандлар иккита – юқори ва қуйи табақаларга бўлинган. Юқори табақа вакилларига ўз устахонаси, меҳнат қуроллари ва хом ашёсига эга бўлган усталар кирган. Мулкдор табақалар қўлидаги устахоналар ва меҳнат қуролларидан фойдаланувчилар, юқори табақага кирувчи усталарнинг қўлларида кунбай ёлланиб ишловчилар қуйи табақа хисобланган.

Хонликда ҳунармандчилик ва косиблик ишлаб чиқаришини асосан пахтачилик, ипакчилик, чорвачилик тармоқлари ва ер ости бойликларини қазиб чиқариш соҳалари хом ашё билан таъминлаган. Ҳунармандчилик учун зарур бўлган хом-ашёлар хонлик ҳудудидан олиниш билан бирга четдан ҳам харид қилинган. Асосий хом ашёлардан бири бўлган олтин Сирдарёнинг юқори оқимидан, Қонсув дарёсидан олинган. Шунингдек Косонсойдан, Қоратоғнинг шимолидаги Кукрев дарёсидан, Чирчиқ дарёси бўйларидан, Бурчмулла ёнидан, Чотқол дарёсининг юқори оқимидан ҳам олтин олинган. Ҳунармандлар темир рудасини Олой тоғ тизмаси этакларидан, қўрғошин ва бошқа маъданларни Қоратовдан қазиб олганлар. Манбаларга кўра, ер ости бойликларини қазиб

чиқариш содда ва кам бўлиб, у эҳтиёжни талаб даражасида қондира олмаган. Шунинг учун ҳам аксарият металлар Россиядан олиб келинган.

Қўқон хонлиги ҳаётида ички ва ташқи савдо муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга эди. Ички савдо – ўтроқ деҳқонлар, кўчманчи чорвадорлар ва шаҳар-қишлоқ ҳунармандлари ўртасидаги анъанавий маҳсулот айирбошлашга асосланган. Аҳолининг кундалик эҳтиёжлари ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар билан таъминлаб турилган. Барча ички савдо чакана бўлиб, улгуржи савдо деярли бўлмаган.

Ҳунармандлар ва косиблар савдо орқали яқин алоқада бўлганлар. Ҳунармандлар аксарият ҳолларда ўз маҳсулотларини ўзлари сотганлар. Деҳқон ва чорвадорлар эса, ҳафтанинг муайян кунлари ўз молларини бозорга олиб чиққанлар. Бозорлардаги нарх-наво бир хилда турмаган. Нарх-наво хонликдаги тинчлик-осойишталик, урушлар, об-ҳавонинг ёмон келиши оқибатида ҳосилдорликнинг пасайиши каби омилларга қараб ўзгариб турган.

Қўқон хонлигининг энг асосий савдо ва тижорат марказлари Қўқон, Тошкент, Марғилон, Андижон, Хўжанд, Наманган, Ўш, Ўратепа каби шаҳарлар бўлиб, улар орасида Қўқон нафақат хонлик, балки бутун Ўрта Осиёнинг савдо марказларидан бири хисобланган. Маълумотларга кўра, Қўқон бозорлари ўзининг маҳсулотларга бойлиги ва нарх – навонинг бошқа шаҳарларга нисбатан анча арзонлиги билан ажралиб турган. Шаҳарнинг деворлар билан ўралган катта бозорлари маҳаллий аҳоли ва четдан келган савдогарлар билан доимо гавжум бўлган. Рус манбаларида келтирилишича, XIX асрнинг 20-йилларида Қўқонда олтита бозор бўлиб, улар якшанба, чоршанба ва пайшанба кунлари ишлаган. Бу бозорларда қаттиқ назорат ўрнатилган бўлиб, харидор хаққига хиёнат килганлар қаттиқ жазога тортилган.

Қўқон хонлигининг иқтисодий ҳаётида ташқи савдо ҳам муҳим аҳамият касб этган. Мамлакат ғарб ва жанубда Бухоро, Хива, Афғонистон, Эрон, Усмонийлар давлати, Ҳиндистон, шарқда Хитой (Қашғар орқали), шимолда Дашти Қипчоқ кўчманчилари ва айниқса Россия билан кенг савдо алоқаларини ўрнатган. Айрим манбаларда хонликда япониялик ва англиялик савдогарлар ҳам келганлиги эслатиб ўтилади.

Хонликдан чет элга асосан ипак ва ипак матолар, пахта, чарм, қимматбаҳо тошлар, заргарлик буюмлари ва бошқа маҳсулотлар чиқарилган. Чет элдан асосан чой, металл, чинни, уй-рўзғор буюмлари, тайёр газлама, кийим-кечак, пойафзал, олтин, кумуш ва бошқалар келтирилган.

Хонлик савдогарлари Бухоро ва амирлик чегараларидаги шаҳарлар билан мунтазам савдо алоқаларини олиб борганлар. Ҳар иккала давлатнинг савдогарлари савдо ишларида фаол иштирок этиб, қўқонлик савдогарлар Бухоро амирлигига хўжалик ҳаётда зарур бўлган рус темири, пўлат ва чўяндан ясалган буюмлар, тамаки, рўмол, гуруч ва баъзи хитой ёки маҳаллий ипак газламалари, чой, чинни идишлар олиб боришган бўлса, бухоролик савдогарлар эса Қўконга ҳинд чойи, сурп мато, ҳарир, буёқ, афюн (тарёк), зардўзлик маҳсулотлари, ип ва газлама олиб келишган.

Рус чити Бухоронинг Қўқон хонлиги билан савдосида алоҳида ўрин эгаллаган. Бу мато Оренбург ёки Петропавловскдан Казалинскка, ундан Бухоро,

Самарқанд ва Хўжанд орқали Қўқонга олиб келинган. Шунингдек, хонликда Машҳаддан олиб келинадиган инглиз газламалари, оз миқдорда бўлса ҳам Кобулнинг тўн ва саллалари, ҳинд атторлик молларини ҳам келтиришган.

Қўқон хонлигининг Қашғар билан савдо муносабатлари худди Бухоро амирлиги каби бўлиб, Қашғардан Қўқонга афюн, чинни идишлар, кумуш, хитой ипак матолари, тола ва гиламлар олиб келинган. Қозоқ жузларининг Россияга тобе этилиши ҳукмдор табақалар ўртасидаги ўзаро урушларнинг тўхташига сабаб бўлди ва бу ҳолат Ўрта Осиёнинг, жумладан, Қўқон хонлигининг Сибирь, Урал, Волга бўйи билан савдо алоқларига кенг йўл очди.

Хонлик Ҳиндистон билан ҳам мунтазам савдо алоқларини олиб бориб,манбалар маълумотларига кўра, Ҳиндистондан йилига Қўқон, Тошкент, Бухоро ва Қашғарга Кобул орқали 10.000 дан 15.000 туягача маҳсулот юборилган. Улар орасида ип газламалар, ипак, эчки жуни, отлар ва бошқалар чиқарилган. Отлар савдонинг катта фойда келтирадиган манбаларидан бири бўлган. Ҳинд савдогарлари хонликдаги шаҳарларда яшаб тижорат ва ҳатто, судхўрлик билан шуғулланганликлари ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Қўқоннинг ташқи алоқаларида Қўқон – Россия савдо муносабатлари ҳам алоҳида ўрин тутган. Манбаларга кўра, 1861 йилдан кейин рус саноатининг жадал ривожлана бошлаганлиги хом ашё базаси ва ташқи бозорга бўлган эҳтиёжнинг янада кучайганлиги Россиянинг Қўқон бозорини фаол эгаллаб, ундан чексиз фойдаланишнинг асосий сабабларидан бири бўлган. Россиядан Қўқонга темир, мис, пўлат, чўян ва темир буюмлар, чит ва сифатсиз газламалар, оз миқдорда бахмал, шакар, ойналар, чарм, Россияга тобе бўлган қозоқ чўлларидан қўйлар ва унинг териси, чарм ва чарм маҳсулотлари, кигиз олиб келинган. Хонликдан эса Россияга асосан пахта олиб чиқилган.

7.5 Қўқон хонлигида маданий ҳаёт

Меъморчилик ва амалий санъат. XVIII асрнинг иккинчи ярми - XIX аср бошларида Қўқон хонлиги кучли марказий ҳокимиятга эга бўлган марказлашган давлат сифатида қарор топиши натижасида иқтисодиётнинг бирмунча жонланиши маданий ҳаётга таъсир этмай қолмади. Мамлакат пойтахти Қўқон ва бошқа шаҳарларда бир қатор меъморчилик обидалари, йўллар, кўприклар, ҳаммомлар қурилди, амалий ва хаттотлик санъати ривож топди. XIX асрнинг биринчи ярмида хонликда Умархон, Муҳаммадалихон, Нодирабегим, Худоёрхон, Султон Муродбек, Султон Сайидхон, ҳарбий бошликлардан Мусулмонқули, Аликули, Холмуҳаммад мингбошилар ва замонасининг илғор, маърифатли кишилари томонидан меъморий обидалар курдирилди, шаҳарсозлик тез суръатлар билан ривожланди. Меъморчиликда асосий эътибор мадрасалар, масжидлар, хонақолар, дарвеш ва қаландарлар учун такяхоналар, корихоналар, сардобалар, кўприклар, ҳаммомлар, бозор расталари барпо этиш ишларига қаратилган.



Қўқон. Худоёрхон саройи. XIX аср.

Меъморчилик иморатларининг маркази Қўқон шаҳри эди. 1842 йилги маълумотларга кўра, бу ерда 15 та мадраса мавжуд бўлиб, энг кўзга кўринганлари Ҳаким тўра, Моҳлар ойим, Муҳаммадалихон, Норбўтабек, Жомий, Олий, Султон Муродбек, Хўжа додхох, Минг ойим мадарасалари бўлган. Шаҳар маркази Чорсуда тўртта йирик мадраса қад кўтарган. Ушбу мадрасаларнинг 38 тадан 108 тагача ҳужраси бўлган.

Бу даврда Тошкент шаҳрида ҳам бир қанча мадрасалар барпо этилган. Жумладан, Умархон даврида Тинчбоф гузарида Шукурхон мадрасаси, Кўкча даҳасида Эшон Бўрихўжа Сачиқмони мадрасаси қурилган. Кейинроқ Муҳаммадалихон фармони билан шаҳар регистонида мадраса қад ростлаган ва унга Мир Иноятуллоҳ бош мударрис этиб тайинланган. Исохўжа мадрасаси, Чархчикўча мадрасаси, Маҳмуд дастурхончи мадрасалари ҳам шу даврда бунёд этилган.

Шунингдек, Марғилонда Саидаҳмадхўжа мадрасаси, Андижон шаҳри атрофида Отақўзи мадрасаси, Мирзакули Бўлиш мадрасаси кабилар қурилган. Умуман олганда, хонликнинг Қўқон, Тошкент, Андижон, Хўжанд, Ўратепа, Марғилон, Туркистон каби шаҳарларида 200 дан ортиқ мадрасалар барпо этилган.

Хонликда Жоме (жума ва ҳайит намозларини ўқиш учун) ва маҳалла (беш вақт намоз ўқиш учун) масжидлари қурилишига алоҳида эътибор қаратилган. Жоме масжидлари ўзининг салобатлиги билан ажралиб турган. Улар баланд гумбазли ва текис шифтли бўлиб, ҳар иккала турдаги бинонинг ички кўринишидаги шифтига ва ташқи кўринишидаги гумбаз безагига алоҳида эътибор берилган. Масжидлар биносининг қурилиши ва уларнинг таъмири асосан вақфлар ҳисобидан амалга оширилган.

Қўқон хонлигида мақбаралар хонлар, сайид ва хўжалар қабрлари устида барпо қилинган ва уларнинг қурилиши ҳамда таъмирланиши савобли ишлардан ҳисобланган. Шунингдек мақбаралар қурдириш обрў орттириш воситаси ҳам бўлган. Фарғона водийсида XVIII – XIX асрларда қурилган мақбараларнинг ички кўринишида XI – XII асрларга хос анъаналар кузатилади.

Хонлик меъморчилиги тарихида жамоат бинолари сирасига кирувчи ҳаммомлар алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳаммомлар пишиқ ғиштдан, бир неча гумбазли қилиб қурилган ва улар эгасининг номи билан аталган.

Хонликда меъморчиликнинг ривожланиши савдо-сотиқ муносабатлари билан боғлиқ бўлган иншоотлар қурилишида ҳам кузатилади. Хонлик ҳудудларида марказий йўллар бўйлаб работ ва карвонсаройлар фаолияти давом

этган, бозорлар ривожланган. Жумладан, Тошкентда Чорсу бозори саккизта кўчани бирлаштирган. Бу бозор ўнга якин савдо майдонлари ва киркка якин савдо – хунармандчилик расталарини ўз ичига олган. Расталар кўчанинг икки томони бўйлаб жойлашган ва уларни кўча ўртасини эгаллаган баланд тим бирлаштирган. Тим ёғоч тиркагич ва тўсиклардан ташкил топган. Бундай бино ва иншоотлар хукмдорлар, алохида амалдорлар ва шахслар томонидан қурдирилган.

Хонлик меъморчилигига ёғоч, темир, пишиқ ёки хом ғишт, юпка сопол ғишт, ганч, мармар, харсанг тош, соғ тупроқ ва оҳак асосий қурилиш материаллари бўлган. Темир ва ёғоч кам бўлганлиги боис курилишда кўпроқ пишиқ ёки хом ғишт, ганч, тош, лой, сомон ва оҳак ишлатилган. Бинолар пойдеворига харсангтош ёки мармартош ётқизилган. Қурилишда терак, тол, тут, ёнғоқ, қайрағоч ва арча ёғочларидан кенг фойдаланилган. Пишиқ ғишт, ганч, юпка сопол ғиштлар махсус хумдонларда пиширив тайёрланган.

Хонликда қурилган биноларнинг умумий тузилиши ва режалаштиришида анъанавийлик сақланиб қолган бўлсада, Қўқон меъморчилигида ташқи алоқаларнинг ҳам таъсири сезилади. Биноларнинг безакларида ранг-баранг ғиштлар кўп ишлатилган. Шифтларга солинган гуллар Ўрта Осиёдаги қадимий ёдгорликлардан ўзининг жимжимадорлиги, бўёғининг ёркинлиги, уларнинг баъзан кўзни қамаштирадиган даражада аралаш – қуралаш бўлиб кетганлиги билан фарқ қилган.

Қўқон хонлигида курилиш ва меъморчилик билан бирга амалий санъат ҳам ривож топган. Хусусан, амалий санъатнинг наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги соҳалари юксак даражада тараққий этган бўлиб, улардан меъморчиликда кенг фойдаланилган. Амалий санъатнинг юқори даражаси Худоёрхон саройида, Олтиариқдаги Дўсти Худо масжиди айвонида ишланган нашқларда, Андижон атрофидаги Отақўзи мадрасаси безакларидаги ислимий нақшларда, Чодак масжидининг ёғоч ва ганч ўймакорлигида, Риштондаги Хўжа Илғор масжидининг шифт безакларида яққол кўзга ташланади. Бу даврда Қўқон хонлигида Оқмачит, Авлиёота, Пишпак қалъалари қурилди. Хонликнинг кўплаб шаҳарларида турли даражадаги бинолар, хусусан, мадрасалар бунёд этилди. Норбўтабий, Мадалихон мадрасалари, Мадрасайи Камол кози, Мадрасайи Тунқатор, Мадрасайи Мохларойим, Мадрасайи Хонхўжа Эшон, Мадрасайи Жоме ва бошқалар шулар жумласидандир.

Турли даражадаги, айниқса диний-меъморий иншоотлар қурилиши, иморатларни таъмир этиш, ободончилик ишлари Тошкентда ҳам олиб борилди. XIX аср биринчи ярмида Тошкентда Эшонқули додхоҳ, Маҳмуд дастурхончи, Бекларбеги, Муҳаммад Алихон, Эшон Исохўжа кози, Шукурхон, Эшон Бўрихўжа Санчиқмоний каби мадрасалар, катор масжидлар қурилган, Бароққхон ва Кўкалдош мадрасалари таъмирланган, Шайхонтоҳур мажмуаси ободонлаштирилиб, қурилишлар охирига етказилган, Шайх Зайниддин бобо учун янги мақбара қад ростлаган, янги Қўқон ўрдаси барпо этилган.

Қўқон хонлиги меъморчилиги ва амалий санъатида бутун Ўрта Осиё учун хос бўлган анъанавий услублар билан бир қаторда маҳаллий хусусиятлар ҳам сақланган. Қўқон, Тошкент меъморчилик мактабларининг вакиллари жамоат

биноларини қуриш ва уларни безашда, нақшлар танлашда ўз мактабларининг анъаналарини такомиллаштирганлар ҳамда ривожлантирганлар. Қўқон ва Тошкентнинг маҳаллий меъморчилик мактаблари ўзларининг кенг режали, ҳажмли манзаралари, безак ва жиҳозларнинг ғоят нафислиги, рангларнинг шўҳчанлиги, ҳамда ёғоч ва ганч ўймакорлиги билан ажралиб туради. Хонлик меъморчилигида чиройли қилиб айлантириб урғу берилган, ичига ислимий нақшлар туширилган, кўпроқ қизил ҳамда яшил бўёқлар билан жилоланган безаклар кўпчиликни ташкил этади.

Шу даврда хонликда хаттотлик ва китобат санъати хам ривож топган эди. Қўқон хонлигининг ўз хаттотлик мактаби бўлиб, мамлакатда кўплаб хаттотлар яшаб, ижод қилганлар. Хаттотларнинг аксарияти шоир, тарихчи бўлган ёки миниатюра санъати билан шуғулланган. Қўқонлик Муҳаммад Латиф, Абдулғози Хўжа Хўқандий, Мирзо Бобокалон Хўқандий, Аҳмаджон котиб, Абдуғафур хаттот, Мирзо Шариф Дабир, тошкентлик Муҳаммад Юнус Тойиб Тошкандий, Абдулваҳобхўжа муҳркан, эшон Абдусамиъхўжа Хатиб ўғли кабилар кўзга кўринган хаттотлардан бўлган. Бу хаттотлар насх, шикаста, настаълиқ каби ёзув усулларини пухта эгаллаганлар. Хаттотлик санъати асосан Қўқон, Тошкент, Андижон, Хўжанд, Ўратепа каби шаҳарларда кўпроқ ривож топган.

Илм-фан. Тарихнавислик. Сўнгги ўрта асрларга келиб Ўрта Осиёнинг деярли барча ҳудудларидаги илм-фан, таълим ва маърифат соҳаларида диний таълимотлар ҳукмронлик қила бошлади. Бошланғич мактабларда ҳам, мадрасаларда ҳам асосий эътибор диний таълим беришга қаратилган. Диний фанларни ўқитиш мадрасаларнинг асосий вазифаси ҳисобланиб, дунёвий фанлар, айниқса, табиий фанлар тараққиётида бир мунча турғунлик кузатилади. Маданий ҳаётда юзага келган бундай вазият Қўқон хонлигидаги илм-фаннинг аҳволига, айниқса бу соҳа ривожининг бирёкламалик хусусиятига сабаб бўлган эди.

Бу даврда аниқ ва табиий фанларнинг хўжалик ва маиший ҳаётда, яъни амалиётда қўлланиладиган соҳаларигагина эътибор қаратилган. Кундалик турмушда тиббиёт, меъморчиликда математика ва ҳандаса, суғорма деҳқончиликда ўсимликшунослик, гидрология ва муҳандислик илмидан фойдаланилган. Шунга кўра, хонликда аниқ ва табиий фанлардан тиббиёт, география, табиатшунослик фанлари билан шуғулланган олимларни кўрсатиш мумкин.

Тошкентлик Муҳаммад Солиҳ (Қорахўжа эшон домла) ўлкашунос-географ, табиатшунос-зоолог олим сифатида ижод қилган. У ўзининг "Тарихи жадидайи Тошканд"("Тошкентнинг янги тарихи") асарида Тошкент шаҳри ва воҳасининг географияси, топонимикаси, ўсимлик оламини ёритган. Табобат билан шуғулланган Мулло Аваз Муҳаммад тиббиётга оид "Маворих ал-қулуб"("Қалблар сурури") номли асар муаллифидир. У табиб сифатида беморларини ўтлар (гиёҳлар) ёрдамида даволаш билан ҳам машҳур бўлган.

Хўжандлик Ҳожи Юсуф Ҳайъатий эски мактабда таҳсил олиб, ўзи мустақил равишда астронимия, табиат, география фанларини ўрганган. Дунёнинг кўпгина мамлакатларига саёҳат қилган Ҳожи Юсуф узоқ йиллар давомида ўзининг "Фалакиёт"номли асарини яратган. Аммо ушбу асар бизнинг

кунларимизгача етиб келмаган. Қўқонлик Муҳаммад Ҳакимхонтўра ўзининг "Мунтахаб ут-таворих" ("Сайланган тарихлар") асарида Туркистонга оид географик ва сейсмологик маълумотлар бериб, 1823 йилда Фарғонада юз берган зилзила хақида батафсил баён қилган. Унинг географияга оид маълумотлари эса Ўрта Осиё географик адабиётининг саргузашт-саёҳат жанри бўла олади.

Умуман олганда, хонликда аник ва табиий фанлар ўз ривожида давр талабларидан орқада қолиб кетган бўлсада, ижтимоий -гуманитар фанлардан тарих ва тарихнавислик, адабиёт кўпрок ривожланди. Қўқон тарихнавислик мактабига мансуб асарлар шеърий ёки қисман шеърий услуб йўлида ёзилганлиги билан ажралиб туради. Гарчи бу даврда яратилган тарихий асарларда мақтов, баландпарвоз гаплар, ҳукмдор шахсини улуғлаш каби хусусиятлар кўзга ташлансада, бу асарлар ўз даврининг махсули сифатида, ўша давр хақида маълумот берувчи муҳим манбалар сифатида жуда қимматлидир.

Булар қаторига Ниёз Муҳаммад Ҳўқандийнинг "Тарихи Шоҳрухий", Мирза Олим ибн Мирза Раҳим Тошкандийнинг "Ансаб-ул салотин ва таворих ул-хавоқин", Отабек Фозил ўғлининг "Муфассал тарихи Фарғона", Акмал Шермуҳаммад Хўқандийнинг "Амирнома", Фазлий Фарғонийнинг "Умарнома", Мирзо Қаландар Муширифнинг "Шохномаи Нусратнома", Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг "Мунтахаб ат-таворих", Мулло Аваз Муҳаммаднинг "Тарихи жаҳоннамойи", Тохири Хўжандийнинг "Ғаройиби сипох" каби кўплаб тарихий асарларни киритиш мумкин.

Қўқон адабий муҳити. Қўқон хонлиги маданий ҳаётида адабиётнинг ўрни айникса юқори эди. Шунинг учун адабиёт ривожига катта таъсир кўрсатган Қўқон адабий муҳитининг шаклланиши хонликда маданият тараққиётини белгиловчи муҳим мезон бўлди.

Истеъдодли шоир ва шоиралар, ёзувчилар, яъни ўз илмининг усталари томонидан шаклланган Қўқон адабий муҳитининг ўзига хос хусусияти – унинг вакиллари икки йўналишда ижод қилганликларидадир. Биринчи йўналишга мансуб ижодкорлар сарой шоирлари бўлиб, уларнинг асарларида бой табака вакиллари мадҳ этилган. Иккинчи йўналиш вакилларининг асарларида эса халқнинг орзу умидлари, интилишлари, дарду-ҳасратлари ўз ифодасини топган. Ҳар иккала йўналиш вакилларининг умумий жиҳати ҳам мавжуд бўлиб, бу уларнинг асарларида Ватан тимсоли, унга муҳаббат ҳиссининг илгари сурилганлигидир.

XIX аср бошларига келиб хонликдаги маданият янги босқичда ривож топди. Шаҳар ва қишлоқларда кўплаб мактаблар ташкил этилди, мадраса ва масжидлар қурилди. Мазкур даврда Қўқонда 120 та мактаб, 40 та мадраса ва масжид, Марғилонда 80 та мактаб, 10 та мадраса ва масжид, Тошкентда 20 та мадраса, 300 тага якин масжид (уларнинг 266 таси шаҳарда, 40 таси шаҳар ташқарисида) ва улар қошида мактаблар фаолият юритган. Қўқон хони Умархон айнан таълим тизимига катта эътибор бериб, уларда ҳунар ўргатишга ҳам аҳамият берган. Айнан Қўқон хони Умархон (1810-1822) даврида хонликда илмий-маданий муҳит тараккий топди. Шубҳасиз, мазкур жараёнда хоннинг рафиқаси, таниқли шоира Нодирабегимнинг (Мохларойим) ҳиссаси юксак даражада бўлди. Умархоннинг ўзи "Амирий" тахаллуси остида шеърлар,

ғазаллар ёзган. Унинг ҳукмронлиги даврида саройда 70 дан зиёд шоир жам этилган. 1821 йили Фазлий Намангоний хон буйруғига кўра 63 та шоирнинг шерларини ўз ичига олган "Мажмуайи шоирон" тўпламини тузган. Шу даврда хоннинг кўрсатмасига кўра араб ва форс тилидаги қатор китоблар ўзбек тилига ўгирилган. Ноёб китоблар, жумладан Алишер Навоий асарлари истеъдодли хаттотлар томонидан кўчирилган, нафис тасвирлар билан безатилди. Шу даврдаги йирик шоирлардан бири Маҳмур (асли исми Маҳмуд- XVIII аср охирлари -1844) бўлиб, у Қўқондаги мадрасайи Мирда таҳсил олган. Бирмунча вақт сипоҳийлик қилган. Махмурнинг ҳажвий шеърлар девони (3717 мисра) бизгача етиб келган. У ўз шеърларида ижтимоий адолатсизлик, ҳақсизликни кескин қоралайди. Бу борада, айниқса унинг "Ҳапалак" шеърини мисол қилиб келтириш мумкин. Шоир адабиёт соҳасида ижтимоий хажвияни юксак поғонага олиб чиқди.

Мазкур давр адабиётининг яна бир таниқли вакили Гулханий (Муҳаммад Шариф) (1770 –XIX аср 20-йиллари) бўлган. У Наманган ва Қўқонда истиқомат қилиб, анча ҳаётий қийинчиликларни бошидан кечиради. Қўқонда бўлган вақтида шу ердаги ҳаммомлардан бирида ўт ёқувчи- гўлаҳ бўлиб ишлайди. Шу туфайли кейинчалик Гулханий таҳаллуси остида ижод қилган. Гулханий ўзбек адабиётида поезияга масални мустқил жанр сифатида киритган илк ижодкор ҳисобланади. Бу борада унинг машҳур асари –"Зарбулмасал" бўлиб, у чуқур ахлоқий-маънавий аҳамият касб этади.

Қўқон адабий мухитининг яна бир машҳур намояндаси Жаҳон отин бўлиб, (1780-1841) у Увайсий тахаллуси остида ижод қилган аёл шоира ҳисобланади. Асли ўқимишли оилдан бўлган Увайсий Навоий, Фузулий, Лутфий, Бобур, Ҳофиз Шерозий ва бошқаларнинг ижодини қунт билан ўрганди. Амир Умархон тахтга ўтиргач, эл-юртда анча таниқли бўлиб қолган Увайсийни пойтахтга таклиф қилади. Увайсий саройда Нодирабегим билан ижодий ҳамкорлик қилиб, кўплаб шогирдларга устозлик қилади. Увайсий ахлоқий фазилатларни қадрловчи ижодкор бўлиб, ўз асарларида соф инсоний муносабатлар, эл-юртга муҳаббат, оддий халқ оғирини енгил қилиш, унинг дарди билан яшаш лозимлигини уқдиради. Унинг адабий меросида 269 та ғазал, 29 та мухаммас, 3 та достон ва бошқалар бор.

Ўзбек адабиётида, шубҳасиз Нодирабегимнинг ўзига хос муҳим ўрни мавжуд. Моҳларойим –Нодирабегимнинг асл исми бўлиб, (1792-1842) у Андижонда таваллуд топган. Отаси Рахмонқулибий Андижон ҳокими бўлиб, Қоқон хони Олимхоннинг тоғаси бўлган. Бўлғуси тахт эгаси ҳали Марғилонда ҳоким бўлиб турган даврида Моҳларойимнинг таърифини эштиб, унга уйланади. Нодирабегим Увайсий билан танишгач, уни фарзандлари ва канизакларини ўқитишга таклиф қилади. Нодирабегим Амир Умархон вафотидан сўнг (1822) ўғли Муҳаммад Алихон ёш бўлганлиги боис, давлат ишларида фаол иштирок этади. У кўплаб олимлар, хаттотлар, наққошларни пойтахтга тўплайди. Кўплаб китобларни қайта кўчиртиради, ижодкорларга ҳомийлик қилади, мактаблар ташкил этиб, мадрасалар қурдиради. Шоира ўзбек ва тожик тилларда бемалол ижод кила олган. Унинг Нодира, Комила, Макнуна тахаллуслари остида 10000 мисрага яқин ижодий мероси бизгача етиб келган. Унинг асарларида меҳр-

муҳаббат, садоқат, вафо каби туйғулар, хотин-қизларнинг оғир дард ва ситамлари бевосита акс этган.

Қўқон хонлигида ижод қилган яна бир истеъдодли шоир Бобораҳим Машраб (1640-1711) ҳисобланади. У асли Наманганда туғилган бўлиб, 17 ёшида хат-савод чиқарган. 15 ёшидан бошлаб эса тасаввуф илмини эгалашни бошлаган. Бирмунча вақтдан сўнг турли мусулмон давлатларига бориб қайтган. Машраб ўз шеъриятида халқ, оддий инсон турмуш тарзининг оғирлигини, ҳукмрон зодагонларнинг жабр-зулми, баъзи риёкорона уламо ва руҳонийларнинг риёкорона хатти-ҳаракатларини аёвсиз қоралайди. Унинг ижоди ўзига хос бўлиб, бошқаларникига умуман ўхшамайди. Машрабнинг алоҳида жам этилган асарлари топилмаган. Халқ орасида Машрабнинг "Девонайи Машраб", "Эшони Машраб" номлари остида турли даражадаги қиссалари сақланиб қолган. Машрабнинг дадил ва ошкора фикрлаши, ҳукмрон табақа вакилларнинг аёвсиз тақдири, маълум даражадаги ҳурфикрлиги шаккоқликда айбланишига сабаб бўлади. У 1711 йили Балх хокими Маҳмудбий Қатағон томонидан шаккоқлида айбланиб қатл этилади.

Шулар билан бир қаторда, хонлик адабий муҳитининг бошқа вакиллари ҳам самарали ижод қилишган. Улар орасида "Мажмуат уш-шуаро" ("Шоирлар тўплами") асарининг муаллифи Фазлий Намангоний, "Девони Ҳувайдо", "Роҳати дил" достонларининг эгаси Ҳувайдо, Муҳаммад Юнус Тоиб, Муқимий, Ҳўқандий, Нодир, Нозим каби шоирлар, Дилшод Барно, Анбар отин каби шоираларнинг номини алоҳида таъкидлаш лозим.



Нодирабегим



Увайсий

Қўқон хонлигидаги адабий муҳит ва маданий ҳаётни шакллантиришда Темурийлар даврига тақлид яққол кўзга ташланади. Буни ҳукмдор Умархон даврида шаклланган, унинг бошчилигида фаолият кўрсатган адабий муҳит ва адабиёт намоёндалари мисолида, яратилган асарларнинг шакли ва жанрларида кўриш мумкин. Маданий ҳаёт ва адабий муҳитда ҳам минг сулоласини улуғлашга интилиш устунлик қилди.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, Қўқон хонлиги ниҳоятда мураккаб, сиёсий курашлар авж олган бир даврда вужудга келиб, шаклланди. Чунки, хонлик ташкил топган давр Ўрта Осиёда буюк империялар даври ўтиб, маҳаллий

йўлбошчи сулола вакиллари турли йўллар билан хокимиятни қўлга олиб, қабилавий конфедерация асосида давлат туза бошлаган даврга тўғри келди. Урушлар ва ўзаро курашларга бой бўлган Қўқон хонлиги давлат бошқарув шаклига кўра мутлақ монархия бўлиб, мамлакатда мулкдор табақалар, етакчи уруғлар (минг, қипчоқ, қирғиз, сарой)ларнинг зодагонлари, руҳонийлар, айниқса сайидлар ва хўжалар юксак мақомга эга эдилар.

XIX аср ўрталаридаги сиёсий бошбошдоқлик, ўзаро уруш ва низолар мамлакат ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, Қўқон хонлиги ҳаётининг барча соҳаларида тушкунлик даври бошланди. Бундан унумли фойдаланган Россия империяси "ўз чегараларида" тинчликни ўрнатиш баҳонасида хонлик ҳудудларини босиб олди ва унинг ўрнига 1876 йилда Фарғона вилояти ташкил топди.

7.6 XVIII – XIX асрлар биринчи ярмида Тошкент

Таъкидлаш жизки, XVIII аср бошларида Тошкент ва унинг атрофидаги ерлар алоҳида мавқега эга эдилар. Гарчи бу ҳудуд расман Бухоро хонлигини бошқараётган Аштархонийларга қарам ҳисоблансада, хонликда кечаётган бошбошдоқлик, ўзаро парокандалик турли вилоят ва ҳудудларнинг мустақил фаолият юритишларига йўл очиб берган эди. XVIII аср биринчи ярмида Тошкент жунғорлар ва қозоқларга ҳам бирмунча вақт қарам бўлиб қолган. Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг "Мунтахаб ат-таворих" асарида ёзилишича, 1747 йили тошкентлик хўжалар Қозоқ хонининг Тошкентдаги ноиби Баҳодир фармонни қатл этиб, ҳокимиятни ўз қўлларига олганлар. Гарчи ҳокимият хўжалар қўлига ўтган бўлсада, лекин XVIII асрнинг 70-йилларига қадар Тошкент ўз хавфсизлиги нуқтаи-назаридан қозоқларнинг ўрта жузига бож солиғи тўлаб турган.

Тошкент тарихи бўйича қимматли маълумотларга бой бўлган Муҳаммад Солиххўжа Тошкандийнинг "Тарихи жадидайи Тошканд" асарида ёзилишича, шаҳар бу даврда 4 та даҳа (қисм)га бўлинган. Ушбу тўрт даҳа – Себзор, Шайхонтоҳур, Кўкча, Бешёғоч номлари билан аталиб, уларни машҳур уруғ бошликлари, нуфузли зодагонлар бошқарганлар. Хусусан, Шайхонтоҳур – Бобохон тўра, Бешёғоч – Ражаббек, Кўкча – Муҳаммад Иброҳимбек, Себзор – Жўчи уруғи вакиллари томонидан бошқарилган. Тарихда ушбу бошқарув шакли "чор ҳокимлик" ("тўрт хокимлик") номини олган. Даҳа бошликлари одатда бир-бирлари келишган ҳолда иш тутишга ҳаракат қилган бўлсаларда, XVIII аср 80-йилларига келиб ўзаро низо ва тортишувлар домига тушиб қола бошладилар. Бу ҳол шаҳарнинг иқтисодий ҳаёти, айниқса ташқи душманга қарши биргаликда кураш масаласига салбий таъсир кўрсатар эди.

1784 йили барча уруғ бошликлари, зодагонлар, ҳарбийлар иштирокида ўтказилган катта йиғинда Тошкент вилоятига ягона раҳбар сайлаб олишга ахд қилинди. Ҳоким сифатида Юнусхўжа тайин этилди. Мазкур воқелик мустақил Тошкент хокимлигининг юзага келганлигидан дарак берар эди. Юнусхўжа ўз бошқарувида шаҳар даҳаларининг бошликлари – оқсоқоллар ва нуфузли хўжаларга суянар эди. Оқсоқоллар ҳар бир даҳада сайланар ва аксарият ўзига тўқ, зодагонлар авлодидан бўлар эди. Юнусхўжа (Юнусхон) ташқи душманга

қарши туришда, шаҳар ижтимоий - иқтисодий соҳаларига оид масалаларни ҳал этишда шубҳасиз оқсоқоллар билан бамаслаҳат иш тутар эди. Юнусхон томонидан шаҳар ички ҳаётига оид бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш, боғ-роғлар ҳудудини кенгайтириш, шаҳар мудофаа деворларини мустаҳкамлаш, шаҳар хавфсизлигини таъминлаш шулар жумласидандир. Ҳокимлик 4 та маслаҳатчиси бўлган, Тошкент шаҳри назорати ва шаҳар аҳлидан солиқ йиғиб олиш Бошчиҳўжа номли зодагоннинг қўли остида мужассам бўлган. Шаҳардаги савдо-сотиқ ишларини қози ва девонбеги назорат қилишган. Раис эса шариат қонун қоидалари, бозордаги нарх-наво, тош-тарозилар устидан ўз назоратини амалга оширган.

Юнусхон ўз давлати чегараларини кенгайтириш мақсадида 1788-1796 йилларда бир қатор юришларни амалга оширди. Шу йиллар давомида Чимкент, Сайрам, Туркистон ва бошқа бир қатор ерлар Тошкентга қўшиб олинди.

Тошкент қадимдан савдо карвонлари туташган, қулай стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудудда жойлашган шаҳар сифатида шуҳрат қозонган эди[1]. Тошкент ҳокимлиги шу даврда Сирдарё бўйлари, Россияга Ўрта Осиёдан борадиган муҳим савдо йўллари устидан назоратни қўлга олди. Шунингдек, Тошкент ҳокимлиги қозоқларнинг Катта жузига ҳам ўз таъсирини янада кучайтиришга муваффақ бўлди. Тошкент ҳокимлиги мавқеини пасайтириш, ўз ҳудудини янада кенгайтириш, Россия билан савдо алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида 1799 йили Қўқон хони Олимхон Тошкентга юриш бошлади. Тошкент ҳокими Юнусхон Чирчиқ дарёси бўйидаги Қорасув мавзесида хонликка зарба бериб, қўқонликларни чекинишга мажбур қилади. Ушбу ғалаба натижасида Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги Қурама мавзеси Тошкент ҳокимлигига қўшиб олинди. Бу даврда шаҳарнинг Россия, қозоқ жузлари, Қашқар, Хитой билан ўзаро савдо муносабатлари бўлган. Тошкентда икки хил пул: танга ва рупия муомалада бўлган. Тошкентнинг Россия билан муносабатлари ҳам анча ривож топди. 1786 йилда тошкентлик савдогарлар Ирбит ярмаркасида бўлишган. Бир йилдан сўнг эса Троитск шаҳридан Тошкентга Россиянинг катта савдо карвони ташриф буюрган. 1795 йили Тошкент савдо карвони Семипалатинскда бўлган. Тошкентлик Раҳматулла карвонбоши бошлиқ савдогарлар Жанубий Урал ерлари билан доимий савдо муносабатларини ўрнатганлар. Юнусхўжа ўзаро сиёсий алоқаларни ҳам йўлга қўйишга уринган. У 1792 йили Сибирдаги рус маъмуриятига ўзаро муносабатларни ўрнатиш мақсадида ўз вакилларини жўнатади. 1796 йили Сибир маъмурияти ҳам ўз элчиларини Тошкентга жўнатади. Тошкент элчилари 1803 йили Санкт-Петербургга бориб, Россия императори Александр I қабулида бўладилар. Мазкур воқеликлар Тошкент ҳокимлиги мавқеи ўсганлигидан дарак берар эди. Қозоқ жузлари ҳам Тошкент ҳокимлиги қудратини тан олиб, у билан дўстона муносабатлар ўрнатдилар. Қўқон хони Норбўтабий (1764-1800) Тошкентни ўзига бўйсундириш мақсадида амалга оширган ҳарбий юриши муваффаққиятсизликка учради. Ўз ютуғидан рағбатланган Тошкент ҳукмдори Юнусхон ҳам ўзининг Қўқон хонлигига ҳарбий юришларини уюштирди. Ғурумсарой остонасида бўлиб ўтган жангда енгилган

Юнусхон тез орада 1803 йили вафот этди. Юнусхоннинг ўғли Султонхўжа отасининг сиёсатини давом эттира олмай, Қўқон хонлигига таслим бўлади. (1808) Шундан сўнг Тошкент Қўқон хонлигига қўшиб олинди. Умархон (1810-1822) даврида Тошкент атрофидаги ҳамда ундан шимолдаги ерлар ҳам хонлик тасарруфига ўтди. Шу тариқа, 1784 йилдан то 1808 йилгача давом этган Тошкент ҳокимлиги даври тарихи ниҳоясига етди.

Таъкидлаш жоизки, XVIII аср охирларига келиб Тошкент ҳудуднинг нафақат сиёсий, балки ижтимоий - иқтисодий маркази ролини ҳам ўтар эди. Бу даврда шаҳар ҳудуди 16 км^2, аҳолиси 80-100 минг атрофидаги кишини ташкил этган.

Шаҳарнинг шимолий чегараси Кайковус ариғи, шарқий чегараси Анҳор канали, жанубий чегараси Бешёғочдан Самарқанд дарвозагача ундан Кўкчага қадар чўзилган эди. Мазкур чегара оралиғидаги Тошкент "катта шаҳар" номини олган. Шаҳарнинг марказий қисми эса "Эски Тошкент" деб аталиб, у истеҳком девори билан ўраб олинган. Шаҳар мудофаа деворининг баландлиги 5 метрдан 10 метргача, қалинлиги 1,5 метрни ташкил этган. Тошкент қалъасининг 6 та дарвозаси бўлган. XVIII аср биринчи ярмида шаҳарда 40 та жоме масжиди, кўплаб маҳалла масжидлари, мадрасалар, катта Чорсу бозори бор бўлган. Уйларнинг бир қисми пишиқ ғиштдан бўлиб, шаҳарда кўплаб боғу-роғлар, ариқлар мавжуд бўлган.

Сайёҳлар маълумотига кўра 1739 йили шаҳарнинг 8та Самарқанд, Бешёғоч, Терсерак, Шайхонтоҳур, Тахтапул, Тарсахон, Қорасарой (Копқон), Кўкча дарвозалари мавжуд бўлган. Кейинчалик уларнинг сони 12 тага етган (Қашқар, Лабзак, Бешёғоч, Камолон, Самарқанд, Кўкча, Чиғатой, Сағбон, Қорасарой, Тахтапул, Кўқон, Қўймас).

XIX аср биринчи ярмига келиб Тошкент аҳолисининг маданий савияси анча юқори бўлиб, шаҳар нисбатан обод, боғу-роғларга бой маскан бўлган. Шаҳарда кўплаб узун ва қисқа, тор ва кенг кўчалар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги шаҳар бозорига бориб туташар эди. Кўчалар оралиғида кўпинча кичик майдончалар ҳам бўлган.Улар туташган ер "чаҳор" деб аталган, кўпгина бостирмали кўчалар одатда усти ёпиқ тарзда бўлган. Бозор ичидаги кўчалар ҳам одатда усти ёпиқ тарзда бўлар эди. Шаҳарликлар кўча ва майдонлар, сув ҳавзалари, ариқлар ҳовузлар тозалигига катта эътибор билан қарашар, умумий ҳашарларда катта ёшдаги эркакларининг барчаси иштирок қилар эди. Бир неча кўчалар - маҳаллаларга бирикар, маҳаллалар кесишган жойда гузарлар мавжуд бўлган. Гузар ёнида одатда кичик бозорчалар маҳалла аҳлига хизмат қилар эди. Ҳар бир маҳалла ўз масжиди , ҳовузига эга бўлган.

Шаҳардаги сув таъминоти Чирчиқ дарёсининг тармоғи бўлмиш Бўзсувга кўп ҳолда боғлиқ бўлган. Бўзсув ва Чирчиқ дарёларидан шаҳар томонга Кайковус, Анҳор, Лабзак, Чорсу, Тарлан ва бошқа каналлар ўтган. Шаҳарда яна бошқа кўплаб тоза сув етказиб берувчи ариқлар, қудуқлар ҳам бўлган. Ариқлар кўп ҳолда ҳовлилардан кесишиб ўтиб, аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини қондирарди. Тошкент ва унинг атрофидаги, тупроқнинг унумдорлиги сув иншоотларининг ривож топганлиги дехқончилик учун етарли шарт-шароитлар яратди.

Шаҳар ҳунармандчилик марказларидан бири бўлиб, унда газлама тўқиш, тикувчилик, кўнчилик,пойафзал тикиш, кулолчилик, металл ва ёғочга ишлов бериш, заргарлик ва бошқа ҳунармандчилик соҳалари яхши ривож топган эди. Шаҳар қулай геостратегик ҳудудда, савдо карвонлари кесишган ерда жойлашган эди. Шаҳарнинг шимолдаги Қозоқ даштлари, Хитой, Сибирь, Россиянинг бошқа ерлари билан савдо-сотиқ муносабатлари ҳам тараққий этган бўлиб, бу ҳол Тошкентда ҳунармандчилик соҳаларининг янада ривож топишига ижобий туртки сифатида хизмат қилган. Айниқса, читгарлик (чит тўқиш), бўз тўқиш, шойи матолар, бўёқчилик, кулолчилик, металл ва ёғоч буюмлар, заргарлик, чарм кўн – маҳсулотларига эҳтиёж катта бўлган.Мазкур соҳа буюмларига чет эл савдогарларининг ҳам қизиқиши катта бўлган.

Хусусан, Тошкентда тайёрланган чит ва бўз, тандир ва кулолчилик буюмлари, дехқончилик яроқлари (кетмон, хаскаш, болта, болға ва бошқалар), "Тошкент зираги", кавушларнинг довруғи узоқларга тарқалган эди.


XIX аср бошларида шаҳарда бўлган М.Поспелов, Т.Бурнашев ва бошқаларнинг хабарига кўра шу даврда Тошкентда курол – яроғ, замбарак тайёрлайдиган устахоналар ҳам бўлган экан. Шаҳарда ҳунармандчилик шундай ривож топган эдики, маҳаллалар маълум соҳага ҳам ихтисослашган эди. Масалан, Дегрез маҳалласида – темирчилар, Эгарчи маҳалласида – эгар жабдуқ тайёрловчилар, Заргарлик маҳалласида - заргарлар истиқомат қилишган ва ҳоказо. Тошкент савдогарлари Бухоро амирлиги, Россия савдогарлари Қозоқ даштларидан келувчи савдогарлар билан қизғин савдо-сотиқ муносабатларини ўрнатишган.

Шаҳардаги 16 та карвонсаройлар турли жойлардаги келган савдогарларга хизмат кўрсатганлар. Марказий бозорнинг 26 та ихтисослашган қисми фаолият кўрсатган. Масалан, машҳур Баққол бозорида 200 та дўкон бўлган бўлса, Қозоқфуруш бозорида 100 та дўкон бўлган. Шунингдек, Кавуш бозорида 100 та дўкон, Ёғоч бозорда 27 та дўкон, Темир бозорида 60 та дўкон, Мис бозорида 32 та дўкон , Чойфуруш аттор бозорида 150 та дўкон бўлган ва ҳоказо.

Шаҳарда ҳунармандчилик ва савдодан ташқари дехқончилик, боғдорчилик, йилқичилик ҳам ривож топган. Шаҳар ҳаёти қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ бўлган. Унумдор тупроқ, иссиқ об-ҳаво, ариқларнинг кўплиги унга асос бўлиб хизмат қилар эди. Кўплаб шаҳарликларнинг шаҳар ва дала ҳовлилари бўлиб, баҳордан кузгача дала ҳовлиларда сабзавот-мева ҳам етиштиришар эди. Бундай мавзеларга ён-атрофдаги Яланғоч, Юнусобод, Бешқайрағоч, Қорасув, Оқтепа, Оққўрғон ва бошқа ерлар ҳам кирган. Шаҳар боғларининг довруғи узоқларга тарқалган бўлиб, унда етиштирилаётган узум хиллари, анор, ўрик, шафтоли, анжир, олма, нок, беҳи, ёнғоқ, тут ва бошқаларнинг савдоси чаққон бўлган. Шаҳар атрофида, тариқ, жўхори, кунжут, зиғир етиштирилган. Сирдарё, Чирчиқ дарёси бўйларида баликчилик билан ҳам шуғулланишган. Тошкент ва унинг атрофларидаги ерларда йилқичилик, чорвачилик кўчманчи аҳоли таъсирида ривож топган.


Тошкент ва унинг атрофида кўплаб зиёратгоҳлар, азиз авлиёлар манзилгоҳлари –муқаддас қадамжолар кўп бўлган. Шаҳардаги Ҳастимом

(Ҳазрати Имом), Шайҳонтоҳур мажмуалари, айниқса катта шуҳрат қозонган бўлиб, халқ сайлгоҳлари вазифасини ҳам ўтаган. Шаҳар атрофидаги Занги ота, Шайх Зайниддин бобо (кейинчалик шаҳар ҳудудига кирган) зиёратгоҳлари ҳам халқ орасида жуда машҳур бўлган. Тошкентнинг Кўкалдош, Бароқхон, Хожа Аҳрор, Эшонқули додхоҳ, Мўйи Муборак, Бекларбеги, Абулқосим эшон каби мадрасалари ҳокимликдаги машҳур илм даргоҳлари бўлиб ҳисобланганлар.



Қўқон хонлиги ҳукмдорлари

Шоҳрухбий – 1709-1721 йиллар
Абдураҳимбий – 1721-1733 йиллар
Абдукаримбий – 1733-1750 йиллар
Абдураҳмонбий – беш ой ҳукмронлик қилган
Эрдонабий – 1751-1752 йиллар
Бобобек – 1752-1753 йиллар
Эрдонабий (иккинчи марта) – 1753-1764 йиллар
Сулаймонбек –уч ой ҳукмронлик қилган
Норбўтабек – 1764-1800 йиллар
Олимхон – 1800-1810 йиллар
Умархон – 1810-1822 йиллар
Муҳаммад Алихон – 1821-1842 йиллар
Бухоро амири ноиби Исҳоқ манғит – 1842 й. уч ой.
Шералихон – 1842-1845 йиллар
Худоёрхон – 1845-1858, 1863(тўрт ой), 1865-1875 йиллар


Қўқон хонлигидаги сарой унвонлари ва мансаблари
Олий даражали
Ўрта даражали
Паст даражали
Оталиқ Бекларбеги
Бий Девонбеги
Хазиначи Иноқ
Эшикоғаси Пар
воначи Дадхоҳ
Даст урхонч и
Саркор Шар
батдор Офто бачи
Тунқатор
Китобдор
Рисолачи
Баковул
Мирзабоши
Сармунши
Меҳтар
Закотчи
Мирохўр
Шиғовул
Мироб
Доруғабоши
Саломоғаси
Мирзо
Жаъмоға
Мунши
Сурнайчи
Карнайчи
Дафчи
Човкучи
Шотир
Эгарчи
Жиловдор
Жарчи
Қўқон хонлигидаги ҳарбий-маъмурий мансаблар ва унвонлар
Олий даражали
Ўрта даражали
Паст даражали
Мигбоши
Амирилашка
р
Қушбеги
Ботирбоши
Ноиб
Қалъабон
Қўрбоши
Ёвар
Тўпчибоши
Пансадбоши
Юзбоши
Элликбоши
Даҳбоши
Қоровулбеги
Аскар
Сарбоз
Навкар
Мерган
Маҳрам
Ботур
Жазоилчи
Тўпчи
Занбари
Қўрчи
Қоровул



Таянч сўзлар

Минг уруғи, Шоҳрухбий, Чодак хўжалари, қалаи Раҳимбий, қалмиқлар, Эрдонабий, Олимхон, Умархон, Муҳаммад Алихон, Қўқон, Бухоро, Мусулмонқули қипчоқ, Худоёрхон, Пўлатхон, Насриддинбек, маъмурий-ҳудудий, аҳоли, Тошкент, Қурама вилояти, ҳоким, бек, ўрда, хон, сарой, қалъа, истеҳком, ҳудуд, кўчманчи аҳоли, давлат бошқаруви, мансаб ва унвонлар, амир ул-умаро, ботирбоши, оталиқ, девонбеги, имом, имом хатиб, ер эгалиги, солиқ, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, маданий ҳаёт.

Савол ва топшириқлар

1. Минглар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши ҳақида гапириб беринг.
2. Олимхон ҳукмронлиги даври (1801-1810 йй.)нинг хусусиятлари нималардан иборат бўлган?
3. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатлар қандай бўлган?
4. XIX асрнинг ўрталарига келиб Қўқон хонлигидаги сиёсий жараёнлар ҳамда ички аҳвол оғирлашувининг сабаби нимада эди?
5. Пўлатхон қўзғолони ҳақида нималарни биласиз?
6. Қўқон хонлигининг маъмурий ҳудудий тузилиши қандай эди?

7. Қўқон хонлиги аҳолиси ҳақида маълумот беринг.
8. Қўқон хонлигидаги сарой унвон ва мансаблари ҳақида гапириб беринг.
9. Хонликдаги диний унвон ва мансаблар ҳақида нималарни биласиз?
10. Хонликдаги ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ тўғрисида нима дея оласиз?
11. Қўқон хонлигидаги ер эгалиги муносабатлари ва солиқлар тўғрисида сўзлаб беринг.
12. Хонликдаги маданий ҳаёт, Қўқон адабий муҳити ҳақида нималарни биласиз?

7- мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000.
2. Аҳмедов Б.Ўзбекистон халклари тарихи манбалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
3. Аҳмедов Б.Тарихдан сабоклар.– Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
4. Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996.
5. Воҳидов Ш. Қўқон хонлигидаги тарихнавислик (генезиси, функциялари, намоёдалари, асарлари). – Тошкент: Академнашр, 2010.
6. Исҳоқхон Ибрат. Фарғона тарихи. –Тошкент.: Камалак, 1991.
7. История Узбекистана (XVI – первая половина XIX века). Коллектив авт. – Ташкент: Фан, 2012.
8. Мадраҳимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари тарихи. . –Тошкент: Yangi nashr, 2014.
9. Мирзо Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.
10. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. – Тошкент: Маънавият, 1999.
11. Мирзоолим Муширф. Қўқон хонлиги тарихи. Тошкент, 1995
12. Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг "Тарихи жадидайи Тошканд" асари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
13. Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. – Наманган, 1994.
14. Эркўзиев А. Ўрта Осиё ва Ғарбий Европа ўртасидаги иқтисодий алоқалар ва савдо йўллари тарихи. – Тошкент: Yangi nashr, 2014.
15. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. I жилд. Дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.

8-мавзу. Сўнгги ўрта асрларда қорақалпоқлар

Режа:

8.1 Сиёсий тарих.
8.2 Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва унинг ўзига хослиги.
8.3 Қорақалпоқлар маданий ҳаёти.

8.1 Сиёсий тарих

XVI – XIX аср биринчи ярми қорақалпоқлар тарихига оид маълумотлар "Алпомиш", "Қирқ қиз", "Қўблан", "Маст подшо", "Эдигей", "Шаҳриёр", "Ер шўра", "Омонгелди", "Давлатиёрбек" каби халқ достонлари, Абулғози Баҳодирхоннинг "Шажараи турк", Муҳаммад Юсуф Мунишийнинг "Тарихи Муқимхоний", Муҳаммад Ризо "Фирдавс ал-иқбол" ва бошқа шу каби асарларда ўз аксини топган. Қорақалпоқ адабиётининг буюк вакили Бердақнинг (Бердимурат Қарғабой ўғли, 1827-1900) асарлари, хусусан "Шажара" номли асарида қорақалпоқ халқи тарихига оид муҳим маълумотлар мужассам бўлган.



Мавзунинг турли жиҳатлари С.П.Толстов, Я.Ғ.Ғуломов, П.П.Иванов, Л.С.Толстова, Б.В.Андрианов, Т.А.Жданко, С.К.Камолов, А.Қўшчанов, О.Жалилов, Р.Косбергенов, Х.Есбергенов, У.А.Абдурасулов, М.Карлибаев каби олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўз аксини топган.

Мавзу юзасидан изланишлар олиб борган тадқиқотчилар милоддан аввалги VI асрга оид Беҳистун ёзувларида эслатилган сака тиграхаудаларни (чўққи қалпоқли саклар) ҳозирги қорақалпоқларга ҳам аждод бўлган деб ҳисоблайдилар. Манбаларга кўра, милоднинг VI-VIII асрларида Орол денгизи атрофларида бижанак ва ўғуз этник гуруҳлари шаклланади. Олиб борилган тадқиқотларга кўра, бижанак қабилалари қорақалпокларнинг аждоди ҳисобланади. VIII-X асрларда қорақалпоқ халқи шаклланабошлаган. X аср бошларида бижанакларнинг бир қисми ўғузлар ва қипчоқларнинг сиқуви остида Жанубий Рус ерларидан кўчиб ўтишга мажбур бўлганлар. Мўғул босқини натижасида Орол бўйи атрофидаги қорақалпокларнинг бир қисми Волга ва Урал дарёлари бўйларига, Сирдарёнинг юқори оқимларига кўчиб кетадилар.

Ўрта асрларга (X-XII) оид рус манбаларида қорақалпоқлар "черные клобуки", маҳаллий манбаларда эса "қора бўркли" номи билан тилга олинади. 1723 йилда жунғорлар босқини натижасида қорақалпоқлар иккига бўлинган ҳолда кўчишга мажбур бўладилар. Уларнинг бир гуруҳи Сирдарёнинг юқори оқими –Тошкент воҳаси томонга, иккинчи гуруҳи Сирдарёнинг қуйи оқимига бориб ўрнашадилар. Шу тариқа қорақалпоқлар шартли таздда "юқори қорақалпоқлар", "қуйи қорақалпоқлар"га бўлиниб кетдилар. Қуйи қорақалпоқлар Сирдарё ва Амударё оралиғидаги бўш ерларга ўрнашдилар. 1598 йил

Абдуллахон II (1583-1598) томонидан Сиғноқдаги муқаддас Зиёвиддин мақбарасига берилган ёрликда қорақалпоқлар шу ном билан тилга олинган. Баъзи манбаларга кўра, XVI асрда қорақалпоқларнинг айрим гурухлари Волга, Урал, Эмба дарёлари оралиғида, шунингдек, Бухоро хонлиги ҳудудларига ўрнашадилар. XVII асрда Нўғайлар Қримга кўчиб ўта бошлайдилар. Қорақалпоқлар эса Орол ва Сирдарё бўйларига ўрнашади. XVIII аср ўрталарига қадар қорақалпоқлар Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими бўйлаб жойлашиб, кичик жуз қозоқлари билан қўшничиликда яшайдилар. Бу даврда улар ҳам иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қозоқ хонларига тобе бўлганлар.

XVI – XVII асрларда қорақалпоқлар катта ҳудудда кўчманчилик тарзида ҳаёт кечирганлар. Улар анча зич жойлашган ҳудудлардан бири Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзаси ҳисобланган. Бердақнинг хабарига кўра эса бу даврда қорақалпоқларнинг кам сонли қисми Урганч ва Оққалъа атрофида ҳам яшаганлар. Қорақалпоқлар Бухородаги Аштархонийлар ва Тошкент воҳаси билан савдо-иқтисодий муносабатларни ҳам олиб борганлар.

1578-1582 йилларда қорақалпоқлар Бухоро хонлиги сиёсий ҳаётида ҳам бевосита иштирок этдилар. Рус савдогарлари, элчиларининг хабарларига кўра (1669 йили Пазухин, 1693 йилги савдо карвони ва бошқалар) қорақалпоқлар Бухоро давлатига бўйсунганлар.

XVII асрда Қорақалпоқлар Хива хонлиги сиёсий ҳаётида ҳам иштирок этганлигини Абулғози Баҳодирхон ўзининг "Шажараи турк" асарида ҳам эслатиб ўтади.

Қозоқ ҳукмдори Тавкахон (1680-1718) ҳукмронлиги даврида қорақалпоқларни унинг ўғилларидан бири бошқарган. 1694 йилдан бошлаб Тавкахоннинг ўғли Табурчак султон қорақалпоқларга бош бўлган бўлса, 1709 йилдан Табурчакнинг ўғли Ғоиб султон уларга бошчилик қилган. 1722 йилдан бошлаб қорақалпоқлар хони Эшмуҳаммадхон бўлди. Кейинроқ эса, XVIII асрнинг 30-40-йилларида қорақалпоқлар Кичик жуз хони Абулхайр тасарруфига ўтадилар. 1743 йили қозоқ хони Абулхайрхон қорақалпокларга қарши юриш уюштирди. Натижада Сирдарё бўйидаги қорақалпокларнинг асосий қисми Жанадарё томонга кўчиб ўтадилар.

Қорақалпоқлар қозоқ хонларига ҳар йили кўп миқдорда ғалла, отлиқ сарбозлар бериб туришлари, қозокларнинг рус чегаралари, Бухоро ва Хивага ҳарбий юришларида иштирок этишлари лозим бўлган. Шунингдек, улар ўз ҳудудларидан ўтган карвонлардан қозоқ султонлари учун бож олганлар.

XVIII асрнинг биринчи чорагига келиб савдо–сотиқнинг ривожланиши натижасида қорақалпокларнинг Бухоро ва Хива билан алоқалари кучайиб, бошқирдлар, улар орқали эса Россия билан ўзаро алоқалар йўлга қўйилади. 1721 йилга оид манбада "қорақалпоқлар Бошқирдистон (Башкирия)га кўплаб келадилар..., шунингдек, бошқирдлар...,қорақалпокларга дўстлари билан келадилар ва ҳар йили бир ой ёки уч ҳафтадан бир-бирлариникида яшайдилар" дея маълумот берилади.

Қорақалпоқлар яшайдиган Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқими бўйларидаги ерлар Тошкент, Қозон, Москва ва Хитойга олиб борувчи савдо йўлларида жойлашган эди. Шу боисдан ҳам қорақалпоқ савдогарлари ўтроқ ва кўчманчи

аҳоли ўртасидаги иқтисодий муносабатларда воситачилик ҳам қилишган. Қорақалпоқларнинг савдо-сотиқ борасидаги маҳоратини 1722 йили Россияга юборилган мингта туядан иборат савдо карвони мисолида ҳам кўриш мумкин эди.

Шунингдек, бу даврда турли ҳудудларда яшаётган қорақалпоқлар орасида бирлашишга интилиш ҳаракати бошланиб, Сирдарё қорақалпоқларининг Зарафшон воҳаси ва Хоразм қорақалпоқлари билан алоқалари йўлга қўйилади. Буларга асосий сабаб – жунғорлардан кутилаётган ҳужум хавфи эди. 1723 йилда жунғор ҳукмдори Цеван Рабдон қўшинлари Қозоқ хонлиги ерларига бостириб кирдилар. Жунғорларга қаршилик кўрсата олмаган қозоқларнинг катта қисми турли томонларга тарқалиб кетдилар. Қорақалпоқларнинг бир қисми Сирдарёнинг юқори оқимлари бўйлаб Тошкент ва унинг жануби-ғарбига, бир қисми эса Сирдарёнинг қуйи оқимига, Орол бўйларига кетиб қолдилар. Биринчи гуруҳ жунғорларга, иккинчи гуруҳ эса кичик жуз қозоқларига тобе бўлиб қолдилар.

XVIII асрнинг 40-йиллари бошларида қорақалпоқларнинг Россия билан элчилик алоқалари яна йўлга қўйилди. 1743 йилда Маман бий бошчилигидаги қорақалпоқ элчилари С.Петербургда Россия ҳукмдори Елизаветанинг "ҳомийлик" ҳақидаги ёрлиғини олдилар. Бундан ғазабланган кичик жуз қозоқлари хони Абулхайр ўша йили Орол бўйи қорақалпоқларига ҳужум қилиб, уларни талон-тарож қилади. Абулхайрхоннинг ҳужуми қорақалпоқларнинг Жонидарёга ҳаракатларини кучайтирди. 1746-1747 йилнинг қишида қорақалпоқлар Ўрта жуз қозоқ ҳукмдори Аблай султон ҳужумига дучор бўладилар.

Қозоқ хонлари ва султонларининг ҳужумларига дош беролмаган Оролбўйи қорақалпоқларининг бир қисми Сирдарёнинг юқори оқимларига кетиб қолишга мажбур бўлдилар. Асосий қисми эса, жануби-ғарбга томон, Хива хонлиги чегараларига, Қувондарё ва Жонидарё оралиғидаги ҳудудларга ўрнашдилар.

1748 йилда ўрта жуз султони Бароқ ўзининг тарафдорлари ёрдамида Абдулхайрни ўлдирди. Абдулхайрнинг ўғли Нурали хон деб эълон қилинди. Аммо, унинг хокимиятини барча кичик жуз қабул қилмади. Йирик зодагонлар султон Ботирни хон дея эътироф этганлари боис,кичик жуз икки ҳокимликка бўлиниб кетди. Шунингдек, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги кўчманчиларга бошчилик қилаётган Абулҳайрнинг яна бир ўғли Эрали султон ўзини акаси Нурали султондан мустақил ҳисоблар эди.

1762 йилда султон Эрали Сирдарё бўйларида қолган қорақалпоқлар устига юришлар қилиб, уларни Жонидарё ва Орол мулкларига кўчишга мажбур қилади. XVIII – XIX аср бошларида бутун Қувондарё ва Жонидарё ҳавзалари қорақалпоқларнинг мулклари эди. Бу ерда улар Оролбўйи ўзбеклари ва қорақалпоқлари билан нафақат сиёсий иттифоқда бўлдилар, балки этник жиҳатдан ҳам аралашиб кетдилар. Улар иттифоқчиликда қозоқ хонлари ва султонлари, Хива хонларига карши курашлар олиб бордилар.

Бу даврда қорақалпоқлар бийлар маслаҳатлари орқали бошқарилган. Ҳар бир қабила уюшмасига йирик ер мулки ва чорва эгаси бўлган бийлар бошчилик

қилган. Бир қанча қабила ва уруғлар бирлашмаси ўн тўрт уруғни (он тор уру) манғит уруғи бийлари бошқарган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қорақалпоқлар ва Хива ҳукмдорлари ўртасида курашлар авж олди. Муҳаммад Амин иноқ Хива хонлиги марказий ҳокимиятини кучайтириш сиёсатини олиб бориб, қорақалпоқларни хонликка бўйсундиришга ҳаракат қилган. Муҳаммад Амин иноқ (1763-1790) ўз томонига нуфузли қорақалпоқ уруғ бошликларини оғдиришга ҳаркат қилган. Хусусан унинг ҳокимиятини икки нафар қорақалпокларнинг таникли бойлари – Эсонгелди Маҳрам ва Ойдўстбийлар ҳам тан олишган. Ойдўстбий муаррих Муниснинг ёзишига кўра, "кейинчалик бутун қорақалпоқ улусининг ҳокими даражасига эришган". Муҳаммад Амин иноқ қорақалпоқ уруғ бошликлари, зодагонларига ҳайриҳоҳлик билдириб, маълум ерларни уларга тақдим этган. Унинг даврида қорақалпоқлар орасида Орол ва Амударё бўйларидаги ерларни ўзлаштириш, маълум сув иншоотларини барпо этиш жараёни бошланди. Масалан, қорақалпокларнинг кенагас қабиласи бошлиғи Омонқулибий Амударёдан катта канал каздириб, ўз қабиласи учун сув таъминотини яхшилаган. Шу билан бирга хонлик билан баъзида келишмовчилик, низолар ҳам бўлиб турган.

Хонликдан айрича Оролбўйи ҳокимлигини тузиб олган Тўра Мурод сўфи ва Хўжа Мурод сўфилар ҳам ўз курашларида қорақалпоқ уруғ бошликларига таянганлар. Муҳаммад Раҳимхон I даврида қорақалпокларни буткул хонликка бўйсундириш сиёсати бошланди. Унинг 1809 йил январида амалга оширган ҳарбий юриши натижасида Қозоқдарё ва Орол денгизи атрофидаги аҳоли жумладан, қорақалпоқлар ҳам бўйсундирилган.

Хон қорақалпоқ уруғ бошликлар, зодагонлари ва нуфузли зотларини ўзига ҳайриҳоҳ қилиш, қорақалпокларнинг амалдаги ҳокими Ойдўстбий ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида унга ўз номи билан аталувчи қалъа барпо этишга рухсат берди. ушбу қалъа қурилишига шахсан ўзи ҳам ёрдам берди. Мазкур қалъа кейинчалик хонликнинг Оролбўйи ерларини ишғол этишда муҳим исеҳком ролини ўтади.

Муҳаммад Раҳимхон I нинг 1810 давомидаги юришлари натижасида Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Шўркўл қорақалпоклари, Жанидарё бўйидаги қорақалпоқлар бўйсундирилди. Муҳаммад Раҳимхон I 1811 йили Қўнғиротга тўрт маротаба ҳарбий юришларни амалга оширди. Натижада Оролбўйи ҳокимлиги тугатилиб, Қўнғирот шаҳри қўлга олинди. Шу тарика хонликдаги мухолифатга, айирмачи кучларнинг фаолиятига чек қўйилди. Қўнғирот ва Оролбўйи атрофидаги қорақалпоқлар ҳам тўлиқ Хива хонлиги ҳукмини тан олдилар. Муҳаммад Раҳимхон I қорақалпокларнинг маълум қабилаларини шимолий Хоразм ерларини ўзлаштириш мақсадида шу ерларга кўчиб ўрнашишига буйруқ берди.

Муҳаммад Амин иноқ кейинчалик эса, Муҳаммад Раҳимхон I даврларида қорақалпокларнинг қолдовли уруғи бошлиғи Ойдўстбийга қатор имтиёзлар берилди. Лекин Хиванинг навбатдаги хони Оллоқулихон (1825-1842) даврида Ойдўстбийга берилган имтиёзларнинг катта қисми бекор қилинди. Қолаверса, хоннинг нойби Гадой Ниёз маҳрамнинг соликлар йиғиш борасидаги

талончилиги ва хизмат лавозимини суистеъмол қилиши қорақалпоқлар орасидаги кучли норозиликка сабаб бўлди.

Хонликка қарши яна бир қўзғалон 1855-1856 йилларда бўлиб ўтиб, бу хонликда юзага келган кескин сиёсий вазият даврига тўғри келган эди. Шунга қарамасдан қорақалпоқ аҳолиси хонликнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, савдо-сотиқ муносабатларида фаол иштирок эта бошлади. XIX аср ўрталарига келиб қорақалпоқлар маъмурий маркази Чимбой шаҳрига кўчди. Бу ерда Хива хонининг нойиби ҳам жой олди.

1873 йилда Россия империяси ҳукумати билан тузилган Гандимиён шартномасига кўра, Хива хонлиги Россия вассалига айланди. Амударёнинг ўнг қирғоғида яшайдиган қорақалпоқлар ҳудудлари Россияга қўшиб олинди. Бу ҳудудларда Амударё бўлими ташкил этилди ва 1877 йилдан у Туркистон генерал–губернаторлигининг Сирдарё вилояти таркибига қўшилди. Қорақалпокларнинг Амударёнинг чап сохилида яшайдиган кам қисми 1920 йилга кадар яна Хива хонлигига тобе бўлиб қолди.

8.2 Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва унинг ўзига хослиги

XIX аср қорақалпоқларнинг ижтимоий тизимида уруғ – қабилачилик анъаналари сақланиб қолган эди. Қорақалпоқлардаги ижтимоий табақаланиш натижасида бир томонда бойлар, йирик ер эгалари, йирик чорвадорлар, иккинчи томонда эса бойлар қўлида ишлаб кун кўрувчи камбағал фуқаролар ажралиб турган. Хоразмдаги қорақалпоқларга ерлар хон томонидан қабила ва уруғлар фойланиши учун берилган бўлсада, аслида энг яхши ерлар уруғ ва қабила бошликларига тегишли бўлган.

Қорақалпоқлар яшайдиган ҳудудларда Хива хонлигида мавжуд бўлган ер эгалигининг уч тури –давлат (хон) ерлари, йирик ер эгаларининг мулк ерлари, диний муассасаларга тегишли бўлган вакф ерлари сақланиб қолган. Қорақалпоқларда бийлар, оталиқлар, беглар беги, бойлар,савдогарлар, қози, раис, мироблар, ҳарбий бошликлар (ботирлар) ҳамда уламолар –муллалар, эшонлар,охунлар кабилар йирик ер эгалари ҳисобланган. Деҳқонлар асосан кам ерли бўлиб, уларнинг ерлари бир –икки танобдан ошмаган. Кам ерли ёки умуман ерсиз деҳқонлар давлат, мулк ва вақф ерларидан фойдаланиб, бунинг эвазига ҳосилнинг маълум қисмини ер эгаларига берган ёки ер эгасига ишлаб бериш мажбуриятини бажарган. Ерсиз қорақалпоқ деҳқонларининг кўпчилиги Хоразмнинг жанубига, ўзбек ва туркман бойларининг ерларига ишлаш учун борганлар.

Энг яхши яйлов ерлари, кўллар, қамишзорлар қорақалпоқ зодагонларига тегишли бўлган. Барча ерлардан фойдаланиш улар ихтиёрида бўлиб, сувдан фойдаланиш ҳам бундан мустасно эмас эди. Қорақалпоқ жамиятида ижтимоий табақаланиш чорвачилик хўжаликларида ҳам кўзга ташланади. Амалдорлар ва руҳонийлар йирик чорва эгалари бўлган. Улар бир неча минглаб чорва молларига эгалик қилганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмига кадар қорақалпоқлардаги асосий маъмурий мансаблар уруғ бошлиғи бий, жузбасы (юзбоши), махрам (закот йиғувчи),

мироб, қози, раис кабилар эди. Улардан асосийси бий бўлиб, бийлар ўз кабила ёки уруғларидан хон хазинасига соликлар йиғиш, уруғ ёки кабила ичидаги можароларни ҳал қилиш, жумладан, ер - сув муносабатлари ва жиноий ишларни ҳал этиш вазифаларини бажарганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бийларнинг ҳуқуқлари чегараланди. Хива хони Сайид Муҳаммадхон қорақалпокларнинг бошқарув тизими учун қўшимча иккита ноиб, олтита оталиқ, иккита бегларбеги ва битта оғабий мансабларини жорий этди. Юқори мансаб эгаси бекларбеги бўлиб, у ҳокимга бўйсунган. Қуйи мансаб эгаси эса кадхудо бўлган. Оғабий юқори унвон эгаси бўлган. Қорақалпоклардаги бошланғич маъмурий бирлик –овуллар бўлиб, уларни жамиятнинг ҳукмрон табақалари вакиллари бўлган оқсоқоллар кенгаши бошқарган. Қорақалпокларнинг асосий маъмурий маркази Амударёнинг ўнг қирғоғида Чимбой, чап қирғоғида эса Қўнғирот бўлган.

Қорақалпоклар бўйсундирилганидан сўнг уларга ҳам хонликдаги солиқ, тўлов ва мажбуриятлар жорий этилди. XIX аср бошларидан бошлаб, қорақалпоклар ҳали янги ерларга жойлашиб, ўзлаштириб олмаганликларига қарамай Хива хонлари маҳсулот тўловларини талаб қила бошладилар. Ундан ташқари доимий йиллик солиқ (20 минг тилла ҳажмида) салғут-кесма солиғи жорий этилди. Оғир мажбуриятлардан бири қорақалпоклар хон қўшинларидаги аскарларни боқишлари ва қўшин учун навкар бериш эди. Шу билан биргаликда аҳоли ариқ ва каналлар қазиш ҳамда тозалаш ишларига (ҳашар) жалб этилган.

Хива хонлари қорақалпокларни бўйсундирганидан сўнг (XIX асрнинг бошлари) уларнинг Хоразмда, Амударёнинг ҳар иккала қирғоғида жойлашуви жараёни асосан тугалланади. Чап қирғоқ қорақалпоклар Қўнғирот ва Хўжайли оралиғида, Шуманай канали ҳавзасида жойлашган бўлсалар, ўнг қирғоқ қорақалпоклар Кўкўзак, Кечитли каналлари, Амударё бўйларида, Кушканатав этакларида жойлашадилар.

Бутун хонликда бўлгани каби XIX аср бошларида қорақалпокларнинг иқтисодий аҳволи ҳам анча оғир даражада эди. Янги ерларга жойлашган бу аҳоли ерларни ўзлаштириш учун, даштни ҳосилдор ерларга айлантириш учун суғориш тизимини яратиши лозим эди. Бу эса албатта катта куч, меҳнат ва вақт талаб этар эди.

Амударё ҳавзасидаги қорақалпокларнинг асосий хўжалик турлари деҳқончилик, чорвачилик ва балиқчилик бўлган. XIX асрнинг биринчи чорагида бу ерда учта қорақалпоқ деҳқончилик воҳалари: Қалликўл, Кўшканнатов, Кегейли шаклланди. Чап қирғоқ Амударёда шаклланган Қалликул воҳаси Ловдин, Шанглибасув, Шуманай, Қиёт –Жарган каналларидан сув олган. Ўнг қирғоқ Амударё, ҳозирги Чимбой шаҳрининг шимоли ғарбида шаклланган Кўшканнатов воҳаси Амударёнинг табиий ирмоғи Қорабайлидан сув олган. Хитой, қипчоқ, қанғли қабилаларининг ерлари бўлган бу воҳа XIX асрнинг биринчи ярмида қорақалпокларнинг муҳим деҳқончилик воҳаси эди.

XIX асрнинг ўрталарига келиб қорақалпоклар жойлашган ҳудудларда яна иккита –Чимбой ва Қўнғирот хўжалик туманлари шаклланди. Бутун XIX аср давомида қорақалпоклар хўжалик ҳаётининг асосини қуйидаги бешта – Чимбой, Давқара, Таллиқ, Қўнғирот, Хўжайли, Манғит, Шўрахон каби хўжалик

туманлари ташкил этган эди. Таъкидлаш лозимки, бу хўжалик туманларидаги деҳқончиликнинг ҳолати Амударё суви билан боғлиқ бўлган. Табиат инжикликларига қарамасдан (сув тошқини, қурғоқчилик, қишнинг эрта ёки кеч келиши) қорақалпоқлар деҳқончилик хўжаликларини ривожлантириб борганлар.

Қорақалпоқ хўжаликларида ерга ҳўкиз қўшилган омоч ва мола билан ишлов берилган бўлиб, асосан, буғдой, шоли, жўхори, сули, каноп, беда, ковун, тарвуз, ковоқ, мош, нўхат каби маҳсулотлар асосан ички эҳтиёжлар учун етиштирилган.

Қорақалпоқлар турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирганлар, хусусан, ички бозор истеъмоли учун буғдой, шоли, арпа, жўхори, ясмиқ, тариқ, кунжут, сули, ковун, тарвуз, ковоқ, пиёз,сабзи, мош, нўхот ва бошқалар етиштирилган. Амударё бўйларидаги серсув ерларда шолининг уч хил нави: қирмизи, оқ ва қора шолилар етиштирилиб, унга ички ва ташқи бозорда эҳтиёж юқори даражада бўлган. Пахта асосан, Қўнғирот атрофларидагина етиштирилиб, сувга бўлган эҳтиёж ва унинг қимматлиги кўп ерларда уни етиштиришга имкон бермас эди.

Қорақалпоқларда ноқулай табиий шароитга қарамай, боғ-роғлар яратишга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Хусусан жийда, ўрик, шафтоли, олма етиштириш устувор даражада бўлган. XIX асрда бу ерда бўлган сайёҳлардан бири "Кегейли, Қувониш-жарма ариқлари бўйлаб, Чимбой шаҳри атрофларида уч верстдан беш верстгача қорақалпоқлар томонидан барпо этилган ажойиб боғлар билан қопланган эди", дея таъкидлаган эди. Айниқса, жийда етиштиришга эътибор берилиб, ундан турли ширинлик, қайлалар тайёрланар эди. Ариқлар бўйлаб одатда кўплаб жийда, шунингдек толнинг оқ ва қора турлари, оқ тераклар экилар эди.

Табиийки, қорақалпоқлар яшайдиган ҳудудларда чорвачилик ҳам ривожланган эди. Қорамол, қўй, эчки етиштириш борасида Орол денгизи бўйлари, Қизилқум, Амударё шахобчалари қулай ҳудуд хисобланган. Айнан шу ҳудудлар қорамол қишлови учун хам, муносиб жойлар хисобланган. Қорақалпоқларда балиқчилик ҳам ривож топган. Орол денгизи бўйлари, Амударё, Давқора, Қўнғирот, Қора-терент кўллари бўйлаб балиқчилик соҳаси тараққий этган. Қулай табиий-жуғрофий жойлашув бўйича овчилик ҳам маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқалган эди.

XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб қорақалпоқларнинг Хива хонлиги савдо-сотиқ ишларидаги иштироки янада ривож топди. Шу даврдан бошлаб, Чимбой шаҳрининг ўрни ва роли ошиб борди. Амударё бўйлаб тегишли савдо моллари Хивага етказиб берилар эди. Чимбой атрофларида кўплаб савдо дўконлари, карвонсаройлар мавжуд бўлган. XIX аср 50-йилларида Чимбойга қорақалпоқлар маъмурий марказининг кўчирилиши ҳам бежиз эмас эди. Ҳудуддаги турли аҳоли халқлар ўртасида мустаҳкам хўжалик ва савдо алоқалари ўрнатилган эди. Хусусан, ўзбек ва туркман савдогарлари қорақалпоқ савдогарларидан балиқ, қорамол сотиб олишган бўлса, қозоқ аҳолиси ва ён атрофдаги туркманлар асосан, ғалла, нон сотиб олишар эди. Ўз навбатида қорақалпоқ аҳолиси хонлик пойтахти ва савдо масканларидан маҳаллий савдогарлардан барча керакли маҳсулотларни сотиб олар эдилар.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Қўнғирот хўжаликларида пахта етиштириш йўлга қўйилган.

Аҳоли чорвачилигида йирик шохли ҳайвонларни кўпайтириш устунлик қилган. Уй чорвачилигида жуни, териси, сути ва гўшти учун кўплаб эчки ва қўйлар боқилган. Отлар кам боқилган. Туялар фақат бойлардагина бўлган. От ва туялардан юк ташиш ва чиғир айлантиришда ҳам ишлатилган. Хўжаликда балиқчилик ҳам ривожланган. Балиқчилар Орол, Қуванишдарё, Амударё ва Давкар, Қўнғирот, Қора Терен кўлларида тирикчилик қилганлар. Қорақалпоқлар деҳқончиликдан бўшаган куз ва қиш ойларида овчилик билан ҳам шуғулланганлар.

Қорақалпоқларда ҳунармандчиликнинг темирчилик, тикувчилик, тўқувчилик, косиблик, кулолчилик, заргарлик, дурадгорлик каби кўплаб турлари ривожланган эди. Деҳқончиликда бўлгани каби ҳунармандчиликда ҳам асосий маҳсулотлар ички эҳтиёж учун ишлаб чиқарилган. Кўпчилик усталар ўз овуллари учун маҳсулот ясаганлар ва улар меҳнати учун ғалла ва чорва олганлар.

Сўнгги ўрта асрларда Хива хонлигининг шимолидан ўтган савдо-карвон йўллари Чимбой, Хўжайли, Қўнғирот, Кўҳна Урганч шаҳарларини Хива билан боғлаган. Ундан ташқари Хивани Казалинск билан боғлайдиган йўл Чимбой орқали ўтган. Повольже, Уралск, Оренбургдан Устюрт орқали Хивага келадиган яна бир йўл Қўнғирот яқинидан ўтган. XIX асрдан бошлаб Хива хонлигининг савдо алоқаларида қорақалпоқлар фаол иштирок эта бошлаганлар. Улар хонлик бозорларида буғдой, чорва ва балиқ маҳсулотларини сотиб, рус, Хива ва Бухоро маҳсулотлари (кундалик эҳтиёж моллари)ни харид қилганлар. Қорақалпоқларнинг Қўнғирот, Хўжайли Манғит, Чимбой, Шўрахон каби шаҳарларининг савдо-сотиқдаги аҳамияти катта эди.

8.3 Маданий ҳаёт

Сўнгги ўрта асрлар қорақалпоқ халқи маданияти оғир табиий шароит, Хива хонларига тобелик заминида бўлсада, ўзига хос йўналишларида шаклланиб, равнақ топди. Қорақалпокларнинг катта қисми Қўнғирот, Қиёт, Чимбой, Нукус, Қипчоқ, Манғит, Жанга қалъа, Ойдўст қалъа, Эрназар қалъа, Кўк ўзак, Эшон қалъа каби шаҳар ва қалъалар қорақалпоқ халқи томонидан яратилган маданий ва меъморчилик ёдгорликларининг маркази ҳисобланган.



Қорақалпоқ аёллари тўй бош кийими.

Манбаларга кўра, қорақалпоқларда ёшлар саводини даставвал мактабларда чиқарганлар. Ўқувчилар Қуръон ва ҳадисларни ўқиш ва тиловат қилишни ўрганганлар. Мактабда саводини чиқарган ёшлар Хива ва Бухоро мадрасаларида, қорақалпоқларнинг Қорақум Эшон, Калила охун, Эгамберган охун, Ойибет эшон, Эшонқалъа мавзеларидаги мадрасаларда таълим олганлар.

Қорақалпоқларда қаҳрамон она ҳаёти, жасорати қатор достонлар, хусусан "Қирққиз", "Алпомиш", "Қўблан", "Маст подшо", "Эдигей" кабиларда ҳудуддаги элатлар қатори қорақалпоқларнинг ҳам тарихи баён этилади. Бу даврда қорақалпоқ халқида жирав-бахшичилик ривожланган бўлиб Жиен Жирав (1730-1784йй.), Шанкай Жирав (1814-1884йй.), Жисмурат Жирав (1836-1908йй.) кабилар машҳур эди. XIX аср қорақалпоқ шоирлари Жиен Жиравни "қорақалпоқ поэзиясининг отаси" деб атаганлар.

Қорақалпоқ машҳур шоирларидан бири Кунхўжа Иброҳим ўғли (Жисмурат, 1799-1830йй.) бўлиб, унинг умри муҳтожликда ўтган. Унинг "Ўроқчилар", "Оқ қамиш", "Чўпонлар" каби шеърлари машҳурдир. Ажиниёз Қасибай ўғли (1811-1878йй.) ҳам қорақалпоқ халқининг машҳур шоирларидан биридир. Ажиниёз шеърларида ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари устунлик қилади. Шоирнинг "Бўзатов" достонида қорақалпоқ халқининг бошқа юртларга мажбуран кўчиб кетиши куйланади. Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ (1827-1900 йй) қорақалпоқ классик адабиётининг машҳур намоёндаларидан биридир. Унинг ижодида қорақалпоқ халқининг XIX асрдаги ижтимоий – иқтисодий ҳаёти акс этган.

Шоирнинг «Халқ учун» деб номланган шеъри ўз даври учун тегишли хитобнома бўлган. Бердақ тарихга ҳам алоҳида тарзда мурожаат қилган.Унинг «Шажара», «Ойдўстбий», «Эрназарбий», «Омонгелди» номли асарларида тегишли тарихий жараёнлар ўз аксини топган. Айниқса, унинг «Шажара» асари

қорақалпоқ халқи ўтмиши бўйича бирламчи маълумот бериб, Бердакнинг ўзи биринчи қорақалпоқ тарихчиси сифатида эътироф этилади.

Оташ шоир (Оташ Алшинбой ўғли, 1828-1902) ижодида ўтмишда бўлиб ўтган тарихий воқеликларга мурожаат маълум ўринни эгаллайди. Бу ҳолни унинг «Мен кўрдим», «Шоир Бердақка жавоб», «Дунёни тарк этганлар» каби асарларида яққол акс этади. Қорақалпоқ аёлларининг ҳаёти эса «Гулзиба», «Қизлар», «Кўрдим» каби асарларида ўз ифодасини топган.

Адабиёт билан бирга қорақалпоқ мусиқаси ҳам бой ва ўзига хос тарихга эга. Бу борада халқ ашулалари унинг ўзаги бўлиб хизмат қилади. Тўй хашамларда ижро этиладиган яллалар (хажар, беташар), аллалар (бейик жыр), «шифобахш» куйлар (бадик) ва бошқаларда қорақалпоқлар маиший турмуш тарзи урф-одат, анъаналари ўз ифодасини топган.

Қўбиз, дутор, чанковуз, сурнай, ғижжак – булар асосий қорақалпоқ мусика асбоблари бўлиб ҳисобланган.

XVII – XIX асрлар биринчи ярмида қорақалпоқлар ижтимоий-маънавий ҳаётида сўфийликнинг яссавия ва нақшбандия тариқатлари фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Сўфий шайхлар орасида қароргохи Қиронтауда бўлган имом-эшоннинг мавқеи ва нуфузи катта бўлган. Мазкур худуд XVII – XIX асрлар мобайнида Амударё ўнг соҳилида истиқомат қилган қорақалпокларнинг диний ва маданий марказларидан бирига айланди. Окбилакойим, Рустамбобо, Имом Эшон, Бектемир эшон кабрлари муқаддас қадамжолар сифатида донг чиқарди. Айнан мазкур ҳудудда Имом эшон ва Бектемир эшон масжид ва мадрасалари жойлашган эди. Умуман, қорақалпоқлар маънавий-маиший ҳаётида муқаддас қадамжолар ҳамма вақт ката аҳамият касб этиб келган. Бунга Султон Увайс, Норинжон бобо, Шамун наби, Ҳаким ота ва бошқа умумхалқ зиёратгоҳларига айланган қадамжоларни мисол қилиб келтириш мумкун.

Қорақалпоқларда мазкур даврда таълим даргоҳлари мактаб, қорихона, мадрасаларда ўз аксини топган. Мактабларда илк таълим боскичи – саводга, ўқиш ва ёзишга қаратилган. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир жамоа, қишлоқ ёки овулда мактаб ва унда сабоқ берадиган мулла ҳам бўлган. Мактаблар хусусий ҳовли-жойларда ҳам мавжуд бўлган. Кўп ҳолларда масжид имоми, муаззин ёки маълумотли шахс ҳам ўқитувчи ролини ўташи мумкин бўлган. Одатда мактаблар шахсий даромаддан қопланган. Агар мактаб масжид ҳузурида бўлса, вақф ҳисобидан олинадиган даромад эвазига муаллимга маош тўлаш мумкин эди.

Одатда, мактабларга 5-6 ёшли ўғил болалар қабул қилинган. XIX аср бошларига келиб Хива хонлиги мадрасаларида сабоқ олган маълумотли шахслар бу мадрасалар таъсири остида жойларда ҳам тегишли таълим муасасаларини очишга киришдилар. Чимбойдаги Хон-масжид, Ойимбет эшон, Қораўзак ҳудудидаги Абдусаттор охун ва Абдуқодир эшон, Қўнғиротдаги Осим эшон, Хўжайлидаги Пирим эшон ва бошқа мадрасалар юқоридаги мулоҳазанинг тасдиғи бўлиб хизмат қилади. XIX аср ўрталарига келиб ҳозирги Қорақалпоғистоннинг ўнг томонининг ўзидагина 58 та мадраса фаолият кўрсатган. Улар орасида айниқса Қоракум эшон ва Тош мадраса (Тас мадраса) катта нуфузга эга бўлган.

Қорақалпоқ мадрасаларида таълим одатда икки босқичда амалга оширилган. Агар биринчи босқичда одатда араб тили грамматикаси ўргатилса, иккинчи босқичда фиқҳ, мантиқ, тарих ва бошқа фанлардан сабоқ берилган.

Мазкур даврда қорақалпоқ маиший турмуш тарзида ҳам қатор ўзгаришлар юзага келган. Бу пайтда уй-жой қурилишининг тўрт ҳал услуби пайдо бўлган. Чодирлар, ҳовлиларни янги услубда ташкил этиш бошланди. Чодирларни безатиш, турли нақш ва безаклардан фойдаланиш юқори санъат даражасига чиқа бошлади. Қорақалпоқ эркак ва аёл кийим-кечаклари, зеб-зийнатлари ҳам ўзига хос турли нақш ва безаклар билан зийнатланган.



Қорақалпоқ эркаклари устки кийими. XIX аср.



Қорақалпоқ аёллари устки кийими. XIX аср.

Таянч сўзлар

Чўққи қалпоқли саклар, бижанак, ўғуз, Кердер, "чёрные клобуки", "қора бўркли", қорақалпоқ, Тавкахон, Табурчак Султон, Ғоиб султон, кичик жуз козоқ хонлари, Абулхайр, Бухоро ва Хива алоқалари, Бошқирдистон, Сирдарё қорақалпоқлари, Хоразм қорақалпоқлари.

Савол ва топшириқлар

1. Қорақалпоқларининг сиёсий тарихи қандай кечган эди?
2. Қорақалпоқларнинг Россия империяси билан муносабатлари ҳақида нималарни биласиз?
3. *XVIII аср ўрталарида қорақалпоклар сиёсий тарихида қандай воқеалар содир бўлди?*

4. Қорақалпоқларининг ижтимоий тарихи ҳақида гапириб беринг.
5. Қорақалпоқларининг иқтисодий ҳаёти қандай кечган эди?
6. Қорақалпоқларининг маданий ҳаёти ҳақида гапириб беринг

8-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Абулғозий. Шажара-и турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000.
3. Есбергенов Х., Хошниязов Ж. Этногрфические мотивы в Каракалпакском фольклоре. – Ташкент, 1988.
4. Жалилов А. XIX – XX аср бошларидаги қорақалпоклар тарихидан (Хива давлат ҳужжатлари асосида). – Тошкент, 1986.
5. История каракалпакой литературы. – Нукус, 1994.
6. История Узбекистана (XVI – первая половина XIX в.). Коллектив авт.– Ташкент: Фан, 2012.
7. Камалов С.К. Қорақалпокларнинг халқ бўлиб бирлашуви ва унинг тарихи (қорақалпоқ тилида). – Нукус, 2001.
8. Карлыбаев М. Медресы в Каракалпакии XIX- начала XX века. – Нукус, 2002.
9. Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида. – Тошкент, 2009.
10. Хорезм в истории государственности Узбекистана. – Ташкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2013.
11. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. I жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.

Глоссарий

Аворизот – арабча сўз бўлиб, XIII асрдан бошлаб Ўрта Осиёда муомалада бўлган. Бу сўз ер эгаси ёки ҳокимнинг хўжалигида ишлаб бериш мажбуриятини англатган.

Аймоқ – ўрта аср мўғулларида бир ҳудудда яшовчи, бир-бирига қариндош оилалар бирлашмаси аймоқ дейилган. Ўрта асрларда туркий халқларда ҳам бир неча қабила ёки уруғ бирлашмаси аймоқ деб аталган. Бу атама ҳозир ҳам ўз уруғларини яхши билган ўзбек халқи ичида кенг қўлланилади.

Аймоқлар– ҳозир Афғонистонда яшовчи бир қанча туркий қабила ва уруғларнинг умумий номи. Аймоқлар XV–XVI асрларда Фарғона водийсида, Қашқадарё вилояти ҳудудида яшаганлар. Асрлар ўтиши билан аймоқлар ўзбеклар таркибига кирган, уларнинг аксарият қисми уз қабила номларини унутиб юборганлар ва фақат Қашқадарё вилоятидаги маълум бир кичик қисми ўз қабиласи номини сақлаб қолганлар.

Айғоқчи – ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудларида асосан ҳарбий атама сифатида қўлланилган бўлиб, қўшиннинг маълумот олиб келувчи даракчилари ҳамда қўшинларнинг даракчи бўлимлари маъносида кенг қўлланилган. Шунингдек, ушбу атаманинг ёлғон гап ёйувчи, иғво, туҳмат қилиб кун кўрувчи шахс маъносида ҳам қўлланилгани маълум.

Ақор –Ўрта Осиёда Темурийлар давлатида сув, (юг, тегирмон, канал, дўкон, устахона ва бозорлар каби кўчмас мулклар ақор деб аталган. Ақор васият билан вақфга айлантирилиши мумкин бўлган.

Алаф пули– Ўрта Осиё хонликларида яйлов, бедазор, мевали боғ ва узумзорлардан олинадиган солиқ.

Амин –бир неча хил маъноларни англатади. 1. Бухоро амирлигида туман ёки қишлоқ оқсоқоли. 2. Бозорда сотувчилардан солиқ ундирувчи мансабдор. 3. Чоризм даврида Фарғона водийси, Самарқанд, Каттақўрғон уездларининг айрим волостларида халқ томонидан сайланиб бир ёки бир неча кичик қишлоқни бошқарувчи амалдор. Бухоро амирлигида амин амлокдорга, Туркистон ҳарбий губернаторлигида эса волост бошлиғига итоат этган.

Аминона– Бухоро амирлиги ҳудудида, Самарқанд ва Фарғона бозорларида XVIII—XX аср бошларида чорва ва озиқ-овқат молларини сотувчи кишилардан ундириладиган махсус бозор ҳақи. Шунингдек, Ўрта Осиё ҳудудидаги аминлар фойдасига йиғиб олинадиган солиқ ҳам аминона дейилган.

Амир– Ислом дини қабул қилингунга қадар арабларда амир сўзи қабила бошлиғи, ҳарбий бошлиқ деган маъноларни билдирган. Араблар кўп жойларни босиб олиб, ўз динларига ўтказгандан сўнг Араб халифалигига қарамбўлган мамлакатларни бошқариш учун тайинланган ҳокимни, қўшин қўмондони ва йирик лашкарбошиларни амир деб аташган. Мўғуллар истилосидан сўнг Олтин Ўрдада, кейин Ўрта Осиё ва Эронда мўғул ва турк қабилалари бирлашмаси – улус бошлиғининг унвони ҳам амир деб аталган. Соҳибқирон Темурнинг унвони ҳам амир бўлиб, тарихда Амир Темур деб юритилган. XVIII аср охиридан бошлаб, Бухорода манғит сулоласига мансуб бўлган ҳукмдорлар ҳам ўзларини амирлар деб юритишган.

Амир ул-умаро– амирлар амири, олий амир деган маънони англатган. Олтин Ўрда, Чиғатой улусида бутун ҳарбий ишлар унинг тасарруфида бўлган. Бундан ташқари, амир ул-умарога ҳукуматнинг барча бош ижроия идоралари ҳам бўйсунган. Амир Темур ва Темурийлар даврида амир ул-умаро фақат олий бош қўмондонлик, айримларда, ҳукмдорнинг худайчиси бўлган.

Амири шикор (мири шикор)– ов бошлиғи ёки соҳиби. XV–XVI асрларда кўчманчи ўзбек хонлари даврида мавжуд бўлган давлат мансабларидан бири. Бу мансабни олган амирлар зодагонлар ҳаётида, айниқса, хонлар ва султонлар ҳаётида муҳим бўлган хон овини ташкил қилар эдилар.

Амлок – арабча сўз бўлиб, мулк сўзининг кўплик маъносини англатади. Бухоро амирлигида ер эгалиги шаклларидан бири. Ер эгалигининг бу тури кўп меҳнат талаб қилувчи суғориш ишларининг ҳукумат томонидан ташкил этилиши ҳамда деҳқонларнинг унга қарам қилиб қўйилиши туфайли пайдо бўлган. Амлокерлари амир ихтиёрида бўлиб, унга ижарачи сифатида экин экқан деҳқонлар давлат хазинасига хирож ва бошқа солиқлар тўлаганлар.

Арбоб– XVIII—XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги қишлоқ ва шаҳарларда маҳалла бошлиғи, оқсоқол, қишлоқ мироблари бошлиғи арбоб деб аталган. Ҳозирги кунда ижтимоий-сиёсий ҳаёт, маданият ва фан соҳасидаги машҳур кишилар арбоб дейилади.

Арк– қадимги давр, ўрта асрларда ҳамда сўнгги даврда Ўрта Осиё ҳудудида шаҳарларнинг ҳокимлар жойлашган ички қисми, яъни «Ўрда» арк дейилган. Асосан олийпаноҳҳокимлар, подшолар, хонлар, амирлар, уларнинг сарой амалдорлари ва лашкарбошиларининг уйлари, ҳукумат идоралари, девонхона, танга зарб этадиган зарбхоналар аркида бўлган. Арк асосан шаҳарнинг тўрида жойлашган.

Аштархонийлар– Мовароуннаҳрни идора қилган сулола (1599-1753). 1556 йилда Астрахан (Хожи-Тархон) хонлиги Россия томонидан босиб олингач, Жўчихон наслига мансуб бўлган Астрахан хони Ёрмуҳаммад ўз оиласи аъзолари ва қариндошлари билан Бухорога келади. Бухоро хони Искандар Ёрмуҳаммад ва унинг ҳамрохларига ўз мамлакатидан бошпана беради. Ёрмуҳаммаднинг ўғли Жонибек Султонга ўз қизи Зухрани хотинликка беради. Шу никоҳдан уч ўғил (Динмуҳаммад, Боқимуҳаммад, Валимуҳаммад) дунёга келади. Бухоро хони Абдулмўмин ўлдирилгандан сўнг шайбонийлар наслидан валиаҳд йўқлиги учун Жонибекнинг ўғли Боқимуҳаммад хон тахтига кўтарилади. Шундан сўнг Бухоро хонлигида аштархонийлар сулоласининг ҳукмронлиги бошланган.

Бадай– Амударёнинг қуйи оқимида, ҳозирги Хоразм, Қорақалпоғистон ҳудудларида яшаб, Амударё бўйларида чорвачилик билан шуғулланган уруғлардан бири бўлиб, улар XIX асрнинг биринчи чорагида Сурхон воҳасига, Бекободдан Зомин даштларигача бўлган ҳудудларга тарқалган. Ҳозирги кунда ўзбек халқ и таркибига сингиб кетган.

Баззоз– ип-газлама билан савдо қиладиган дўкондор. Қадимда бундай дўкондорлар Ўрта Осиё бозорларида кўп бўлган. Баззозлар газламаларни от-араваларга ортиб, узоқ қишлоқларга хам олиб бориб сотишган.

Баковул– турли даврда турли хил маъноларни амглатган. 1. XVI–XIX асрларда белгиланган жойларда савдогарларнинг тамга, яъни бож солиғини

Қорақалпоғистонда яшаганлар. Қўнғиротлар қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, бошқирд, нуғой ва бошқа туркий халқлар таркибига ҳам кирганлар. XIV асрда қўнғиротларнинг катта бир қисми Хоразм ҳудудига кўчиб ўтган ва Хоразмнинг сўфийлар сулоласи фаолиятида фаол иштирок этган. XIV–XV асрлар давомида қўнғиротларнинг айрим гуруҳлари Хуросонга, Шимолий Афғонистонга ва Ҳисор–Шеробод водийсига келиб ўрнашганлар. Қўнғиротлар кейинчалик Хоразмнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этганлар. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср бошларида Хива хонлигини ўзбек қўнғиротлари сулоласи бошқарган. Уларнинг кўпчилиги XIX аср охири – XX аср бошларига қадар ярим ўтроқҳолда яшаб, хўжалигида чорвачилик муҳим рол ўйнаган. Авлодлари асосан тоғли ҳудудларда жойлашган.

Ҳижрий йил ҳисоби– мусулмонлар йил ҳисоби. Муҳаммад Пайғамбарнинг (с.а.в.) Маккадан Мадинага кўчиши билан боғлиқ Ҳижрий йил қамария (ҳижрий-қамарий йил) ва шамсия (ҳижрий-шамсий йил)га бўлинади. Қамария бўйича йил ҳисоби 622 йилнинг 16 июлидан бошланган бўлиб, 12 ойдан иборат, бир қамарий йил 354 кунга тенг. Қамарий йилда 1, 3, 5, 7, 9 ва 11 ойлар 30 кундан, қолганлари 29 кундан бутун қилиб олинган. Ойлар тартиби билан муҳаррам, сафар, рабиул аввал, рабиул охир, жумодул аввал, жумодул охир, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввал, зулқада ва зулҳижжа деб аталади. Қамарий йил тропик йилдан, яъни ҳозирги Григорий календаридан 10-12 кун қисқа. Шамсия бўйича йил ҳисоби 622 йилнинг баҳорги тенгкунлик куни, яъни 21 мартдан бошлаб ҳисобланади. Кейинги йил бошлари эса 20-21 ёки 22 мартга тўғри келади. Давомийлиги жиҳатдан Григорий календаридаги каби 365 ёки 366 кундан иборат. Шамсия бўйича ойларнинг номлари ҳут, ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сумбула, мезон, ақраб, қавс, жавзо ва далв бўлиб, бу ойлар доимо йилнинг бир вақтларида келади. Ўрта Осиёда олдин қамарий ҳисоби ҳам, шамсия ҳисоби ҳам ишлатилиб келинган.

МУНДАРИЖА

КИРИШ **3**

1-мавзу. Амир Темур ҳукмронлиги даврида ўзбек давлатчилигининг юксалиши **6**

1.1 Амир Темур ва Темурийлар давлати тарихига оид манбалар 6

1.2 Амир Темур томонидан марказлашган давлат ва буюк салтанатнинг ташкил этилиши 12

1.3 «Темур тузуклари» - давлат бошқаруви ҳақидаги муҳим тарихий манба 27

1.4 Давлат бошқарув тизими 30

1.5 Амир Темур даврида ҳарбий соҳага эътибор ва ҳарбий маҳоратнинг юксалиши 42

1.6 Амир Темур давлати дипломатияси 54

1.7 Амир Темур маънавияти 64

1.8 Амир Темур давридаги маданий ҳаёт 67

2-мавзу. Темурийлар ҳукмронлиги даври. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт **80**

2.1 Темурийлар давлатидаги ижтимоий-сиёсий вазият (XV аср биринчи ярми) 80

2.2 Мирзо Улуғбек – Мовароуннаҳр ҳукмдори ва буюк олим 87

2.3 XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросон 96

2.4 Султон Ҳусайн Бойқаро – Хуросон ҳукмдори 99

2.5 Алишер Навоий – буюк мутафаккир ва давлат арбоби 102

2.6 Заҳириддин Муҳаммад Бобур – ҳукмдор ва шоир 114

2.7 Амир Темур ва Темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт 119

2.8 Темурийлар ҳукмронлиги (1405-1506 йй.) даврида илм-фан ва маданий ҳаёт 128

3- мавзу. Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлиги **134**

3.1 Шайбонийлар давлатининг ташкил топиши. Сиёсий воқеалар 134

3.2 Бухоро хонлигида давлат бошқаруви 145

3.3 Ҳарбий иш 148

3.4 Ер эгалиги муносабатлари. Иқтисодий ҳаёт Шайбонийларнинг пул ислоҳотлари 151

3.5 Шайбонийлар давлатида маданий ҳаёт 160

4-мавзу. XVII-XVIII асрлар биринчи ярмида Аштархонийлар давлати. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт **165**

4.1 Аштархонийлар давлатининг сиёсий тарихи 165

4.2 Давлат тизими ва маъмурий бошқарув 175

4.3 Кишлоқ хўжалиги. Шаҳарлар. Ҳунармандчилик ва савдо 177

4.4 Илм-фан ва маданият. Меъморчилик 181

5-мавзу. XVIII аср иккинчи ярми – XIX аср биринчи ярмида Бухоро амирлигидги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт 187
5.1 Бухоро амирлигининг сиёсий тарихи 187
5.2 Амирликнинг ҳудуди, маъмурий тузилиши ва аҳолиси 194
5.3 Давлат бошқарув тизими. Мансаблар, унвонлар ва амаллар 197
5.4 Ер эгалиги муносабатлари. Деҳқончилик ва чорвачилик. Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ 202
5.5 Амирликдаги маданий ҳаёт 208
6-мавзу. XVI – XIX аср биринчи ярмида Хива хонлигида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, иқтисодий ва маданий ҳаёт 213
6.1. Хива хонлигининг ташкил топиши ва сиёсий тарихи 213
6.2. Хива қўнғиротлари сулоласининг сиёсий тарихи 221
6.3. Хива хонлигининг ҳудуди, маъмурий тузилиши, аҳолиси ва давлат бошқаруви 224
6.4. Хон саройидаги унвон ва мансабалар 227
6.5. Ер эгалиги. Деҳқончилик ва чорвачилик 230
6.6. Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ. Шаҳарлар 232
6.7. Маданий ҳаёт. Меъморчилик 234
7-мавзу. Қўқон хонлиги. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт (XVIII – XIX аср биринчи ярми) 240
7.1. Қўқон хонлигининг сиёсий тарихи 240
7.2. Хонликнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши ва аҳолиси 247
7.3. Давлат бошқаруви. Мансаблар ва унвонлар 249
7.4. Ер эгалиги муносабатлари ва солиқлар. Ҳунармандчилик, савдо-сотиқ 254
7.5. Қўқон хонлигида маданий ҳаёт 259
7.6. XVIII – XIX асрлар биринчи ярмида Тошкент 266
8-мавзу. Сўнгги ўрта асрларда қорақалпоқлар 274
8.1 Сиёсий тарих 274
8.2 Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва унинг ўзига хослиги 278
8.3 Қорақалпоқлар маданий ҳаёти 281
Глоссарий **286**

Б.Ж. Эшов, А.А. Одилов

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

II китоб
(XIV аср ўрталаридан – XIX аср иккинчи ярмигача)

дарслик

Тошкент - "NIF MSH" - 2024

Muharrir: Xolsaidov F.B.

Bosishga 06.03.2024.da ruxsat etildi.
Bichimi 60x90. "Cambria" garniturasi.
Ofset bosma usulida bosildi.
Shartli bosma tabog'i 20. Nashr bosma tabog'i 19,75.
Adadi 500 nusxa.

"METODIST NASHRIYOTI" MCHJ matbaa bo'limida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahri, Shota Rustaveli 2-vagon tor ko'chasi, 1-uy.

+99893 552-11-21

Nashriyot roziligisiz chop etish ta'qiqlanadi